

ЭРГАШ ОЧИЛОВ

БАРҲАЁТ  
СИЙМОЛАР



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2012

УДК: 94(575)  
ББК 72.3  
О-95

001; 94(575)(092)  
О-95

**Очилов, Эргаш.**  
О-95 Барҳаёт сиймолар / Э. Очилов. — Тошкент: O'zbekiston, 2012. — 424 бет.

Халқимизнинг машҳур олиму адибларга меҳри бўлакча: хамиша уларнинг номини улуғлаб, илмий-адабий меросини кўз қорачиғидай асраб келган, дурдона асарларини қайта-қайта мутолаа қилиб, маънавиятини бойитган, бадиий-эстетик завқ олган. Бу буюк зотларнинг сермазмун ҳаёт йўли ва серкирра фаолияти эса ибрат мактаби ҳисобланади. Ушбу тўпламда Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Маҳмуд Кошғарий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Абдулҳолик Фиждувоний, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Лutfий, Фузулий, Махтумқули, Мулланафас, Мирзо Ғолиб, Фуркат каби Шарқ илм-фани ва мумтоз сўз санъатининг забардаст намояндалари ҳаёти ва ижоди илмий-оммабоп услубда кенг ва чуқур ёритилган.

**УДК: 94(575)  
ББК 72.3**

ISBN 978-9943-01-876-1

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2012

---

## МАЪНАВИЯТ МУЛКИГА САЁХАТ

Қадим ул-айёмдан ўз бағридан етишиб чиққан буюк фарзандлари миллатнинг қаддини кўтариб, жаҳон микёсидаги мақомини таъйин этган, унинг шаънини улуғлаб, донғини дунёга таратган. Бундай бетакрор истеъдод соҳиблари айни пайтда муайян халқ доирасида қолиб кетмай, балки бутун инсониятга дахлдор бўлганлар – жаҳон илм-фани, маданияти ва адабиёти ривожига муносиб ҳисса қўшиб, ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатганлар. Дунё ахли чексиз ҳавас ва ҳайрат билан тилга олаётган, ҳаёти ва ижодини камоли ихлос билан ўрганаётган оламшумул истеъдодлар мукаддас ўзбек заминидан ҳам кўплаб етишиб чиққан.

Биз дунёдаги буюк маънавият яратган халқлардан биримиз. Биздаги беқиёс маънавий хазина жаҳон халқларининг унча-мунчасида йўқ. Мусо Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби қомусий алломалар, Имом Термизий, Имом Бухорийдек буюк муҳаддис ва уламолар, Маҳмуд Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Собир Термизий, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари забардаст олим ва адиблар, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Паҳлавон Маҳмуд, Абулвафо Хоразмий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий каби азиз-авлиёлар асрлар давомида халқимиз номини улуғлаб, шуҳратини дунёга таратиб келганлар ва абадулабад назаркарда юртимизнинг шон-шавкати таъминлашлари шубҳасиз.

Буюк аждодларнинг ҳаёт ва ижод йўли авлодлар учун ҳамиша намуна мактаби бўлиб келган: биз уларнинг ибратли турмуш тарзидан чин инсонийлик сабағини ўқиб,

бу дунёда одам боласи ўз олдига муайян мақсад қўйиб, шу йўлда изланиб, интилиб, курашиб яшаши лозимлигини ўргансак, бебаҳо асарларини мутолаа қилиб, қалбимизга қувват оламиз, тафаккуримизни парвозга шайлаймиз. Зеро, ўзингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан аввалгилардан ибрат ол дейишади.

«Модомики, мен бошқалардан кўра узоқроқни кўра олган эканман, бунинг сабаби мен буюкларнинг елкасида турган эдим», — деганида Исаак Ньютон минг карра ҳақ эди. Зеро, келажакимизнинг қанчалик буюк бўлиши ўтмиш меросини нечоғлик ўқиб-ўзлаштиришимизга боғлиқ. Айни жиҳатдан мустақиллик йиллари чинакамига миллий кадриятларни тиклаш, маънавиятни юксалтириш, халқимизнинг шонли фарзандларини улуғлаш, шу орқали унинг ўзини англашини кучайтириш ва қаддини кўтариш даври бўлди. Истиклол туфайли азалий ва абадий сарчашмаларимизга қайтиб, уларнинг маънавиятимизни бойитиб, руҳимизни юксалтирадиган мўъжизакор сувларидан чанқоғимизни қондира бошладик. Эзгу кадриятларга, шонли тарихга, мумтоз меросга муносабатнинг ижобий томонга ўзгариб, бу борада холис нуқтаи назарнинг қарор топиши туфайли кейинги йилларда илгари турли сабаб-баҳоналар билан қораланган, синфий ва сиёсий тамға босилган миллий маънавиятимизнинг кўплаб дарғалари номи оқланди, уларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилиб, асарлари халққа етказилди.

Ушбу тўплам халқимиз тарихида ёрқин из қолдирган, жаҳон илм-фани, маданияти ва адабиёти тараққиётига муносиб ҳисса қўшган 50 га яқин ана шундай ҳар бири бир дорилфунун бўлган буюк олим ва адибларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи, ижодининг асосий йўналишлари ва бадиий маҳоратининг муҳим қирраларини очиб берувчи мақолалардан ташкил топган. Табиийки, улар орасида асарлари халқимиз ичида кенг тарқалгани ва севиб ўқилгани жиҳатидан маънавиятимизнинг ажралмас таркибий қисмига айланиб кетган Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Умар Хайём, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Ҳофиз Шерозий, Фузулий, Махтумқули, Муллонафас каби Шарқ оламида машхур сўз санъаткорлари ҳам бор.

Сўнги йилларда буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб китоблар яратилди.

Тўпламнинг бошқа китоблардан фарқи, ундаги мақолалар умумий характерда бўлмай, балки мавзунинг бир қадар кенг ва чуқур ёритилганлигида — у ёки бу олиму адиб ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ деярли барча масалалар қамраб олинганлиги ҳамда турли тоифанинг тушуниши ва ўзлаштиришини ҳисобга олиб, илмий-оммабоп услубда ёзилганлигидадир. Шу жиҳатдан у соҳа мутахассислари ва кенг ўқувчилар оммасининггина эмас, айти пайтда олий ўқув юртлири, коллеж ва лицейлар, ўрта мактабларнинг тил ва адабиёт ўқитувчилари ва ўқувчилари, филология йўналишида таҳлил олаётган магистр ва талабаларнинг ҳам бу борадаги талаб ва эҳтиёжларини муайян даражада қондиради, деб ўйлаймиз.

## СЎЗ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ

Дунё илму адаб аҳлини асрлар давомида хайратга солиб келаётган муаззам форсий адабиётнинг тамал тошини кўйган, унинг Одам Атоси деб улуғланган, ўзидан кейинги барча Шарқ шоирлари томонидан устод сифатида эътироф этилган Абу Абдулло Жаъфар бинни Муҳаммад Рудакий 858 йили Самарқанд яқинидаги Панжрўдак қишлоғида туғилган. Бу қишлоқ ҳозирда Тожикистон Республикасига қараса-да, Шарқ мамлакатларида шоирни ҳамон Рудакий Самарқандий, Рудакий Бухорий деб тилга оладилар. Унинг таҳаллуси ўзи туғилган қишлоқ номидан олинган бўлиб, руд деган чолғу асбоби билан боғлиқлиги тўғрисидаги фикрлар ҳақиқатдан йирик.

Рудакий алоҳида қобилият соҳиби бўлиб, «саккиз ёшида Қуръонни хатм қилиб, қориликка ўтган ва шеър ҳам ижод қила бошлаган. Чиройли овози туфайли ашула айтиш ва уд<sup>1</sup> асбобини чалишга киришиб, бу санъатда маҳорат кўрсатади»<sup>2</sup>. Ёш истеъдоднинг овозасини эшитган Наср ибн Аҳмад уни Бухорога — сомонийлар саройига даъват этади. Унинг истеъдоди Бухорода нашъу намо топади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, «...устод Рудакий адвор<sup>3</sup> ҳам мусиқа фанида тамом қувватга эга эди... унинг илмлар ва кўп фанлардан тамом воқифлиги бордир. Шеърят турларидан қасида ва маснавийни (ҳам) яхши айтар эрди. Устод Рудакий хосу авом олдида баланд мартабага эришган»<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Уд — тўрт торли қадимий чолғу асбоби, барбат. Форобий томонидан унга бешинчи тор қўшилган.

<sup>2</sup> *Абдураҳмон Жомий*. Баҳористон (Форсийдан Ш. Шомухамедов таржимаси). Тошкент, 1997 йил, 67–68-бетлар.

<sup>3</sup> *Адвор* — бу ерда: мусиқа асбоби, куй чалиш.

<sup>4</sup> *Давлатшоҳ Самарқандий*. Шоирлар бўстони (Форсийдан Б. Аҳмедов таржимаси). Тошкент, 1981 йил, 23-бет.

Рудакийнинг басирлиги тўғрисида манбаларда турли фикрлар юради: бир хиллари шоирнинг онадан кўр туғилганлигини таъкидласалар, иккинчилари Бухоро амири қарматликда айблаб, унинг кўзига мил тортганлиги ҳақида маълумот берадилар. Ислом динига муҳолифатда бўлган қарматлар ҳаракати IX аср охирида Ироқда вужудга келган. Улар 899 йили Шарқий Арабистонда ўз давлатларини тузганлар ва у XI асрнинг охиригача мавжуд бўлган. Ижтимоий дастурни илгари суриб, мулкий тенгликни тарғиб этгани учун ҳам қарматлар ҳаракати мусулмон дунёсидаги катта ҳудудни қамраб олиб, халқ оммаси ва илғор фикрли кишиларнинг асосий қисмини жозибали ғоялари билан ўзига жалб қилди. Бунинг натижасида кўплаб ғалаёнлар, давлат тўнтаришлари бўлиб ўтди. Улкан сиёсий арбоб, сомонийлар саройида 40 йил вазирлик қилган Абулфазл Балъамий ҳам, унинг дўсти ва маслакдоши Рудакий ҳам қарматийлик ғояларига хайрихоҳ эдилар. Бундай кишилар ҳукмдор ва амалдорлар учун хавфли эканлиги табиий. Шунинг учун Балъамий саройдан четлаштирилиб, Рудакий даҳшатли жазо олади. Шоирнинг табиат манзараларини хайратланарли даражада ёрқин ва жонли тасвирлаганидан келиб чиқиб, кўпчилик унинг туғма кўр бўлганига ишонмайди. Немис шарқшуноси Эте биринчи бўлиб Рудакийнинг кўр туғилганлигига шубҳа қилган эди. 1956 йили шоир калла суягини текшириб кўрган антрополог М. Герасимов кўз косасида қолган излардан Рудакийнинг кўзи куйдирилиб кўр қилинганлигини аниқлади.

Адабий-тарихий манбалар Рудакий меросини 700 мингдан 1 миллион 300 минг мисрагача кўрсатишади. Афсуски, бизга қадар бу муаззам мероснинг жуда оз қисми етиб келган. 1956 йили 1100 йиллик юбилейи муносабати билан унинг пароканда шеърлари бир ерга жамланганда 1840 мисрани ташкил этган эди. Садриддин Айнийнинг гувоҳлик беришича, у ўз шеърларидан девон тузган илк шоир ҳисобланади. «Бўи жўи Мўлиён ояд ҳаме» («Мўлиён ариғининг бўйи келмоқдадир») мисраси билан бошланадиган ғазали унга фавқуллода шухрат келтиради. Унга 120 шоир тазмин битган, лекин бирортаси Рудакий даражасига кўтарила олмаган. «Модари май» («Майнинг онаси») қасидаси ҳам машҳур. Буюк хинд эпоси «Калила ва Димна»ни шеърый таржима қилган.

Илму адаб аҳли шоир услубини «саҳли мумтанеъ», яъни «осону мумкин эмас», деб баҳолаганлар. Рудакий ва унинг издошлари форсий шеърятда бир неча аср ҳукмронлик қилган Хуросон (ёки Туркистон) услубига асос солиб, уни ривожлантирганлар.

Рудакий арузни чуқур ўрганиб, уни халқ орасида кенг тарқалган қўшиқларга татбиқ қилиш натижасида ўнга яқин янги вазнлар кашф этган. Жумладан, мақбузи аслам Рудакийгача арузда бўлмаган. Уларнинг кўпчилиги халқ қўшиқларининг бармоқ вазнлари асосида тузилган. Шоирни рубой жанрининг ёзма адабиётдаги кашшофи ҳам дейдилар. Чунки жанрнинг барча талабларига жавоб берадиган илк рубойлар Рудакий қаламига мансуб.

Шарқ поэтикasi устодларидан Шамс Қайс Розийнинг ёзишича, Рудакий ҳайит байрамида Ғазна шаҳри сайилгоҳларини айланиб юрар экан, ёнғоқ ўйнаётган болаларнинг олдидан чиқиб қолади. Улар орасида бир бола ниҳоятда гўзаллиги, ҳаракатларининг беҳад нафислиги, сўзларининг жуда ёқимлилиги билан ҳамманинг эътиборини тортар эди. Отган ёнғоқларидан бири белгиланган жойдан ўтиб кетса-да, яна орқаси билан думалаб, нишонга келиб тушганини кўрганда у қувонганидан: «Ғалтон-ғалтон ҳамеравад то буни кў» («Думалаб-думалаб, кўча четига чиқиб кетади-я»), — деб юборади. Бу жумла оҳанги ўз мусиқаси билан шоирга жуда хуш ёқади ва у арузнинг ҳазаж баҳридан шунга мос вазн келтириб чиқаради.

Рудакий шеърлари ниҳоятда халқчиллиги, теран ҳаётий ҳақиқатлар, фалсафий фикрларни барчага тушунарли, содда бир тарзда акс эттириши, енгил ва раво услуби, мусикий оҳанги, ҳассос руҳи, самимияти билан алоҳида ажралиб туради. Буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте бадиий ижод жараёнини уч босқичга бўлган эди: соддалик, мураккаблик ва яна соддалик. Кейинги соддалик бу катта ҳаётий тажриба, чуқур билим, кенг дунёқараш, донишмандлик, ҳикмат омухта қилинган буюк соддалик бўлиб, унга унча-мунча шоир етишолмайди: Рудакий шеърларидаги соддаликни худди ана шу соддаликка ўхшатиш мумкин. Зеро, бир қарашда содда ва тушунарли кўринган бу шеърлар катта ҳаёт ҳақиқати, теран фалсафий фикрни ўзида омухта этган. Шунинг учун ҳам Рудакийга эргашганлар кўп бўлган, лекин ҳеч ким унга ўхшатиб ёзолмаган. Шунинг учун ҳам Маҳмуд



Ғазнавий саройининг малик уш-шуароси, забардаст форс шоирларидан бири Унсурий ўз эътирофини шундай ифодалаган эди:

Ғазал рудакийвор бўлгай гўзал,  
Рудакийча ғазал ёза олмадим.  
Жуда нозик хаёл билан уриниб,  
Бу парда ичига йўл тополмадим.

Рашидий Самарқандий Рудакийни шоирлар сардафтари деб лутф этса, Низомий Самарқандий сўз соҳибқирони деб улуғлаганди. Ибни Ямин сомонийлар салтанатининг чироғи Рудакий туфайли шуъла сочади деса, Шариф Гургоний бу сулола хукмронлигидан ёдгор бўлиб Рудакийнинг шеърлари-ю, Борбад куйларигина қолганлигини айтади:

Бу дунёда сосоний, сомонийлар тўплаган  
Шунча мулку неъматдан нима колди бу замон?!  
Ва лекин Рудакийнинг қасидаю мадҳлари  
Ҳамда Борбад кўшиғи яшаб келмоқда ҳамон!

Ҳақиқатан ҳам, Рудакийнинг мана бундай чуқур маъноли ва қўйма байтларига тенг келадиган мисралар ижод қилиш қийин:

Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Ёки

Ҳар киши ҳаётдан олмаса таълим,  
Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим.

*(Муинзода таржималари)*

Бу байтлар ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тотган катта тажриба эгаси, ўз замонасининг ҳамма билимларини эгаллаган қомусий аллома, сўз санъатида етук маҳорат ҳосил қилган беқиёс истеъдод соҳиби бўлган улкан ва ҳассос қалб қаъридан қайнаб чиққан қўйма ҳикматлардир.

Бу байтлар таржима воситасида ўзбек ўқувчилари орасида ҳам машҳур бўлиб кетган: бирор тўй-маросим, давра ёки йиғилиш йўқки, улар ўқилмаса!

Донишманд шоирнинг деярли ҳар бир байти ҳикмат, насиҳат. Мана, у ўз фарзанди бўлмиш инсоннинг қувончу қайғусига бепарво дунё ҳақида қандай хулоса чиқаради:

Бу жаҳон мисоли ўғай онадир,  
Унга қиз ўғайдир, ўғил бекадр.

*(Ш. Шомухамедов таржимаси)*

Дунёнинг тузилиши, ҳаёт ходисалари, инсон феъл-атвори, хатти-ҳаракатлари устидан фалсафий хулоса чиқариш, панд-насихат — шоир шеъриятининг етакчи хусусияти ҳисобланади. Мисоллар:

Аҳволинг танг келса, тинчима зинҳор,  
Ҳар қандай тангликдан чиқиш йўли бор.

Тўғри йўлдан тойма, тойма, эй одам,  
Эгри йўлдан борур жойинг жаҳаннам.

*(Ш. Шомухамедов таржималари)*

Рудакий шеърларида ташбеҳлар ниҳоятда ҳаётӣй, содда, лекин мазмуни теран, маъноси кенг, ўзи оҳорли ва кўпинча фавқулодда:

Ёвларинг паст бўлсин мисли биёбон,  
Дўстларинг юксалсин мисоли осмон.

Бир қарашда жуда оддий туюлган бу ўхшатиш ўз маъно-мазмун киррасининг чуқур ва кенглиги билан кишини ҳайратга солади: ахир, ердай оёқ ости, осмондай юксак яна нима бор?!

Ёки:

Киприкларга қалққан кўзим ёшлари  
Гўё ток зангида узум бошлари.

Бу ерда киприкда осилган кўз ёшлари токда осилиб турган узум бошларига ўхшатилаяпти.

Рудакий ишқу муҳаббатни ҳам баланд пардаларда куйлаган, дунёвий севгини улуғлаган шоир ҳисобланади. Буюк форс ишқий шеърияти Рудакий отлиғ чашмадан сув ичади. Зеро, ишқий шеъриятнинг илк гўзал намуналари унинг қаламига мансуб.

Рудакийнинг ишқий шеърлари ўзининг жўшқинлиги, самимияти, халқона лутф ва кинояга омухталиги, енгил юмор туйғусига йўғрилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Табиийки, улар ташбеҳу тимсолларга бой, шаклан содда ва енгил кўринса-да, мазмунан теран ва бадиий баркамол. Чунончи:

Лайли юзи каби лола кенг саҳрода кулиб турар,  
Мажнун кўзи каби булут кон ёшини килур дарё.

Окар сувдан келмоқдадир ҳар соатда гулоб ҳиди,  
Менинг ёрим арик ичра гул юзини ювмиш гўё.

*(Муинзода таржимаси)*

Рудакий ўз шеърларида талмех санъатидан ҳам «кўб ва хўб» фойдаланган. Талмех — шеърда ўз фикрини кучайтириш, тасдиқлаш ёки сўзни мухтасар қилиш мақсадида машҳур воқеа, шахс ёки асарга ишора қилиш. Чунончи:

Юсуф каби хуснидан фиғон қилди дилим,  
Миср бонуларидек ўзни қон қилди дилим,  
Бўса ила бошда меҳрибон қилди дилим,  
Энди эса қайғуга нишон қилди дилим.

*(Эрғаш Очилов таржимаси)*

Маълумки, Юсуф алайҳиссалом хусну малоҳатда тенгсиз бўлган. Уни севиб қолгани учун Миср хотинлари Зулайхони гап-сўз қиладилар. Шунда Зулайхо меҳмон қилиш баҳонаси билан уларни уйига чақириб, олдиларига турли-туман мевалар ва арчиб ейишлари учун пичоқ қўяди-да, Юсуфни бошлаб киради. Унинг хусну жамолидан кўзларини узолмай қолган хотинлар мева қолиб, ўз бармоқларини тўғрай бошлаганларини ҳам билмай қоладилар. Бу ерда шоир шу воқеага ишора қилиб, ўз маъшуқасининг ҳам хусну малоҳатда Юсуфмонанд эканлиги, унинг жамолидан маст бўлган кўнгил Миср хотинларидек ўзини қонга белагани, аввал бўса билан ошиққа лутфу марҳамат кўрсатган махбубанинг энди уни қайғу қаърига ташлаб кетганини гўзал бадиий шаклда ифода этади.

Ўз фикрларини тасдиқлаш, кечинмаларини кучлироқ ифодалаш учун шоир Юсуф ва Зулайхо образига тез-тез муурожаат қилади:

Эшитганман Юсуфда бор экан деб учгина кўйлак,  
Ҳаёт ўтқарганида роҳату кулфат кучоғида.  
Бири қон ичра булғанди, бири йиртилди тухматдан,  
Бири Яъқуб кўзига етди-ю, очди чаноғида.  
Юзим ўхшар биринчига, дилим иккинчига ўхшар,  
Учинчиси насибим бўлғусидир васл чоғида.

*(Муинзода таржимаси)*

Юсуфдан ўч олишни режалаштирган акалари уни алдаб овга олиб кетганларида укаларини қудуққа ташлаб,

кўйлагини бир кўйнинг қонига булғаб, оталарига келтириб кўрсатадилар-да: «Юсуфни бўри еб кетди», – деб ёлгон гапирадилар. Бу қонли кўйлак – Юсуфнинг биринчи кўйлаги: ёр ҳажрида заъфарон тусга кирган юзини шоир унга нисбат беради.

Зулайхо Юсуф билан ишрат қилиш ниятида уни хилват хонага чорлаганида Юсуф зинодан ҳазар қилиб қочади, Зулайхо уни ортидан қувиб, этагига чанг солади – кўйлакни йиртади-да, мақсадига етолмаганидан аламзада бўлиб, Юсуф менга тажовуз қилди, деб тухмат қилади. Натижада, Юсуфни зиндонга солишади. Шоир ҳижрон дарду аламларидан тилка-пора бўлган юрагини ана шу иккинчи кўйлакка ўхшатади.

Оллоҳнинг марҳамати билан ниҳоят Юсуфнинг беайб эканлиги аниқ бўлиб, у Миср ҳукмдори бўлади, Зулайхога уйланади. Қаҳатчиликда қолган акалари ҳузурига буғдой сўраб келганларида отасининг унинг ҳажрида йиғлай-йиғлай кўр бўлиб қолганини эшитади-да, улар орқали ўз кўйлагини бериб юборади – кўйлакни кўзига суртган Юсуфнинг отаси Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари очилиб кетади. Ёр васли насиб этса, унинг кўйлаги бўйидан менинг ҳам айрилиқ дардида хира тортган кўзларим очилиб кетади, деб ташбеҳ этади шоир.

Рудакий шеърлятида ташбеҳлар ниҳоятда ҳаётий, содда, айни пайтда, маъно қирралари кенг, ўзи оҳорли ва кўпинча фавкулудда. У ўз шеърларида бошқа кўплаб шеърӣ санъатлар, жумладан, талмех, тазод, тажнис, муболаға, ирсоли масал, таносуб, такрор, савол-жавоб, истиора, киноя, тажохилу орифона, иғроқ кабилардан ҳам маҳорат билан фойдаланган.

Тасаввуф адабиётида етакчи мотивга айланган май тимсоли ҳам илк бор Рудакий ижодида бўй кўрсатган эди. Хайёмона «майпарастлик»нинг ибтидоси ҳам Рудакий шеърларидан бошланади. Чунончи:

Қарорсиздур булут, елдек бу жаҳон,  
Бода келтур, қилма ҳеч нарсани ёд.

Бу майдан бир томчи Нил ичра тушса,  
Ҳамиша маст килур хиди нахангни.  
Кийик бир қатрасини саҳрода ичса,  
Арслондек кўзига илмас палангни.

*(Муинзода таржималари)*

Ривоят қилишларича, Хуросон сафарида Бухоро амири Наср ибн Аҳмадга Марв (бошқа вариантда Ҳирот) об-хавоси ниҳоятда хуш келиб, шу ерда узоқ қолиб кетади. Вазиру аъёнлар юртни соғиниб, бетоқат бўла бошлайдилар. Лекин ҳеч ким юрак ютиб, бу ҳақда ҳукмдорга оғиз оча олмайди. Рудакийни совға-салом билан сийлаб, Амирни Бухорога қайтишга кўндиришни сўрайдилар. Шунда шоир Наср ибн Аҳмад ҳузурига кириб, мана бу ғазални куйга солиб куйлайди:

Бўи жўи Мўлиён ояд ҳаме,  
Ёди ёри меҳрубон ояд ҳаме.  
Реги Омўю дурушти роҳи ў,  
Зери поям парниён ояд ҳаме.  
Оби Жайхун аз нишоти рўи дўст  
Хинги моро то миён ояд ҳаме.  
Эй Бухоро, шод бошу дер зи,  
Мир зи ту шодмон ояд ҳаме.  
Мир мох асту Бухоро осмон,  
Мох сўи осмон ояд ҳаме.  
Мир сарв асту Бухоро бўстон,  
Сарв сўи бўстон ояд ҳаме.

Мазмуни: «Мўлиён ариғи сувининг бўйи келмоқда, унга қўшилиб меҳрубон ёр ёди келмоқда. Аму қуми ўзининг барча дағалликларига қарамай, оёғимга худди ипакдай майин ёқиб тушмоқда. Жайхун суви (ҳар қанча қайнаб-тошмасин), дўст ёди хурсандлиги туфайли отимнинг белидан келмоқда. Эй Бухоро, шод бўл-у, таъзимга чиқ, Амир сен томонга шодмон келмоқда. Бухоро осмон бўлса, Амир ундаги ой — ой ўз осмонига келмоқда. Бухоро бўстон бўлса, Амир бир сарв — сарв бўстон сари келмоқда».

Бухоро соғинчи, ватан туйғуси, интизорлик кечинмалари чуқур ифодаланган бу қўшиқни эшитган Амирнинг қалбида юрт соғинчи шунчалик кўпириб-тошганки, ҳагто кийинишни ҳам унутиб, чодирдан югуриб чиқиб, отга минганча, «Қайдасан, Бухоро?» деб йўлга тушган экан. Аъёну надимлари ярим йўлда зўрға унга етиб, кийимларини кийдиришган.

Бадиҳатан айтилган бу ғазал фавқулудда шухрат тутади. Мана, неча асрки, у тиллардан тилларга, китоблардан китобларга кўчиб келмоқда. Шунинг учун ҳам

Низомий Арузий Самарқандий: «Бадиҳа айтиш ва тез шеър тўқиш билан сомонийлар сулоласи даврида Рудакий эришган бахтга ҳали ҳеч ким эришган эмас!» — деб лутф этган эди.

Рудакий ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган. Хусусан, форс-тожик адабиётида ундан таъсирланмаган, унга эргашмаган, ўз ижодий тақомилида уни устоз сифатида эътироф этмаган шоир йўқ ҳисоби.

Маълумки, Шарқ шеърлятида ўзининг ижодий салоҳияти, асарларининг шуҳрати, адабиётга қўшган ҳиссаси билан ифтихор қилиб битилган шеърлар ва алоҳида байтлар кўп учрайди. Бу илми бадеъда фахрия санъати деб юритилади. Чунончи, Рудакий ёзади:

Сен гувоҳ: шоирлар ичра мен моҳир,  
Сўзим тошни ипак қилмоққа кодир.

Форс-тожик адиблари, шоирлари ичида бир гап юради: «Икки шоир икки ҳукмдор даврида беқиёс шуҳрат ва мартабага эришди: Рудакий — сомонийлар салтанатида, Унсурий — ғазнавийлар саройида». Лекин Рудакий Абу Наср ибн Аҳмад дарборида 40 йил хизмат қилган бўлсада, охир-оқибат мутаассиб руҳонийларнинг қутқуси билан қарматликда айбланиб, саройдан четлатилади, кўзига мил тортиб, кўр қилинган шоир умрининг сўнгги йилларини қарилик, касаллик ва қашшоқликда ўтказиб, 941 йили вафот этади.

Рудакий асарлари ўзбек тилида бир неча марта нашр этилган, у ўзбек ўқувчиларининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Шеърят ихлосмандлари унинг бир қанча байтларини ёд айтиб, ён дафтарчаларига битиб юрадилар. Шоир асарларини ўзбек тилига форс-тожик тили ва адабиётининг билимдонлари бўлмиш забардаст мутаржимлар Мунирхон Муинзода, Шоислом Шомухамедовлар таржима қилганлар. Фафур Фулом унинг машҳур «Қариликдан шикоят» қасидасини ўзбекчалаштирган бўлса, Алибек Рустамов ва Сулаймон Раҳмонлар «Бўи жўи Мўлиён ояд ҳаме» номли ғазалини таржима қилишган. Самандар Воҳидов ҳам бир неча шеърларини ўчирган.

## МУАЛЛИМИ СОНИЙ

Шарқда «Муаллими соний», яъни Арастудан кейинги «Иккинчи муаллим» номи билан шуҳрат қозонган қомусий олим Абу Наср Форобий 873 йили Сирдарё бўйидаги Фороб (Ўтрор) шаҳрида туркий қабилага мансуб ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Тўлиқ исми — Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ Тархон Форобий. «Унинг Ўрта Осиёдаги туркий халқлардан келиб чиққанлигини кўрсатиш учун баъзан номи кетига ат-Туркий деб ҳам кўшиб қўйилади»<sup>1</sup>. Бошланғич маълумотни она шаҳрида олган бўлажак аллома Тошкент, Самарқанд ва Бухородаги мадрасаларда таҳсилни давом эттиради. Шундан сўнг билимини янада чуқурлаштириш мақсадида ўша даврнинг йирик илм ва маданият маркази бўлган Бағдодга йўл олади. Бу ерда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидан келган олиму талабалар тўпланган эди. У Абу Башар Матто ибн Юнус ал-Кунноийдан юнон тили ва фалсафасини, Юҳанна ибн Хийлондан эса тиббиёт ва мантик илмини ўрганади. Баъзи тарихий манбаларда келтирилишича, Форобий 70 дан ортиқ тилни билган. Абу Насрни дастлабки вақтларда қози бўлган дейишади. Илм-маърифатга чуқурроқ киришгач, у бу ишини ташлаб, бор-будини билим ўрганишга қаратибди, мол-дунё билан ҳеч қизиқмас экан.

Абу Наср Форобийдан:

— Фалсафа соҳасида ким ўткир — сизми ё Арасту? — деб сўраганларида:

— Агар мен унинг қўлида таълим олишга муяссар бўлганимда энг катта шогирдларидан бири бўлган бўлардим, — деган экан камтарлик билан.

Форобийнинг 160 дан ортиқ асар ёзганлиги маълум. Лекин уларнинг кўпи бизгача етиб келмаган, «ҳозирга қадар дунё кутубхоналарида Форобий таълифлари деб сақланаётган мавжуд асарлар сони қирқдан ортмайди»<sup>2</sup>. Турк олими Аҳмад Оташ унинг 160 та асари рўyxатини келтирган. Ўзбек олимларидан М. Хайруллаев 119 та, А. Ирисов 112 та асарини санаб кўрсатишади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида Форобийнинг

<sup>1</sup> Ирисов А. Форобий — адиб. Тошкент, 1975 йил, 6-бет.

<sup>2</sup> Ўша манба. 9–10-бетлар.

18 та китоби қўлёзмаси сақланади. Шарқ фани ва фалсафаси тарихида Форобий жуда катта ўрин эгаллайди. Алломанинг «Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши», «Донолик асослари», «Мантиқ илмига кириш», «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Масалалар моҳияти», «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари», «Таълиқот», «Қонунлар ҳақида китоб», «Аристотель «Метафизика» китобининг мақсади тўғрисида», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар» асарлари айниқса машхур. XIX асрда яшаган таниқли немис олими М. Мюльдер: «Шарқда фалсафани ҳақиқий, қатъий илмий асосда ишлаб чиққан киши деб фақат Форобийни ҳисобламоқ лозим», — деб ёзган экан. «Муסיқа ҳақида катта китоб»и XI асрдаёқ лотин тилига таржима қилинган. Айтишларига қараганда, «Қонун» деган муסיқа асбобини ихтиро қилган ҳам шу Абу Наср Форобий бўлган экан. У Платон, Аристотель, Евклид, Птолемей, Порфирий каби юнон олимларининг асарларини шарҳлади ва уларни янги ғоялар билан бойитиб, ривожлантирди. Ўрта асрларда мукамал ҳисобланган илмлар таснифини яратди. Унинг таснифи бўйича илмлар куйидаги гуруҳларга бўлинади: 1) тил ҳақидаги илм (грамматика, орфография, шеърят, тўғри ёзув ва бошқаларни ўз ичига олади); 2) мантиқ илми (8 бўлимдан иборат бўлиб, тушунча, муҳокама, хулоса, силлогистика, диалектика, софистика ва бошқаларни ўз ичига олади); 3) математика (арифметика, геометрия, астрономия, механика, оптика, сайёралар, муסיқа ва оғирлик ҳақида илмлардан иборат); 4) табиий илмлар, илоҳий илмлар ёки метафизика; 5) шаҳар ҳақидаги илм (сийсий илм, фикҳ, педагогика, ахлоқшунослик ва калом киради). Форобий асарлари кўпроқ назарий характерда бўлиб, у асосан ўз давридаги табиий, аниқ ва ижтимоий фанларни билиш, тушунтириш ва ривожлантиришга катта аҳамият берган. Муаллимлик қилиб, Шом мадрасаларида талабаларга маърузалар ўқиган. «Тарихчиларнинг хабар беришларига қараганда, Дамашқнинг ўзида Форобийдан таълим олувчилар сони ўн мингга етган»<sup>1</sup>.

Абу Наср Форобий 950 йили Дамашқда вафот этган ва «Боб ас-сағир» қабристонига дафн этилган.

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Тошкент, 1979 йил, 9-бет.



Форобий тил ва адабиёт масалалари билан ҳам мунтазам шуғулланиб, «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз» («Калом фиш шеър вал-қавофий»), «Риторика ҳақида китоб» («Китоб фи-л хитоба»), «Шеър китоби» («Китоб аш-шеър»), «Шоирлар санъати қонунлари ҳақида» («Мақола фи қавонайн синоат аш-шуаро»), «Луғатлар ҳақида китоб» («Китоб фи-л луғат»), «Хаттоглик ҳақида китоб» («Китоб фи санъат ат-китобат») ва бошқа асарларни ёзган. Улардан «Шеър китоби» ва «Шоирлар санъатлари қонунлари ҳақида» рисолалари таниқли шарқшунос Абдусодиқ Ирисов томонидан арабчадан таржима қилиниб, шарҳу изоҳлар билан нашр этилган. Бу китобларда у, жумладан, шеър бирор нарсага тақлид қилинган сўзлардан ташкил топиши, маълум бўлакларга бўлиниб, улар баб-баравар ўкилиши, бадий асарда воқеалар ҳаётда қандай бўлса, ўшандай аслича тасвирланиши, айна пайтда, шеърятда ҳаёл ва тасаввур зарурлигини таъкидлайди. Шеърлар ё вазни, ё маъносига қараб бўлинишини қайд этади. Шеърӣ асарларни ҳажвия, мадҳия, муҳофара, луғз (топишмоқ), кулгили, ғазалиёт ва васфий шеърларга бўлиб тасниф қилади. Нафақат араб ва форс шоирлари, балки юнон адабиёти жанрлари ҳақида маълумот беради, Ҳомер асарларини таҳлил қилиб, унинг «ўз шеърлари охирларининг баробар келишига риоя қилмаган»лигини кўрсатиб ўтади. Шоирлар хусусида фикр юритар экан, уларни уч тоифага бўлади: туғма истеъдод соҳиби ва образли тафаккур қобилиятига эга, лекин бадий санъатлардан етарли хабардор бўлмаган шоирлар, ҳам лаёқатли, ҳам шеърят қонун-қоидаларини эгаллаган шоирлар, бу икки тоифадан бирига эргашадиган ёш шоирлар. Шоирлар ҳамиша ҳам кўнгил хоҳиши билан ижод қилмай, баъзида у ёки бу мавзу ва жанрда мажбуран асарлар ёзишларига тўғри келишини ҳам эътироф этади. «Айтайлик, бир шоир шеърят навларининг маълум бир навида ижод қилишига тўғри келади, бу эса унинг учун ўзи ижод қилишга одатланган шеър бўлади. Бу мажбурият ё ички, ё ташқи сабаблар билан бўлади. Аммо шоирнинг энг яхшиси туғма шоир бўлгани саналади»<sup>1</sup>.

Шеър асосида ҳаётга тақлид, яъни ташбех ётишини таъкидлаган Форобий шоирнинг етук ёки етук эмаслиги

<sup>1</sup> *Абу Наср Форобий. Шеър санъати. 37-бет.*

кўллаган ташбеҳларининг ҳақиқатга қанчалик яқин ёки узоқлигига боғлиқ бўлади дейди. Шоирнинг ижоддаги мавқеи унинг камолотига боғлиқлиги, бу ўз навбатида, гоё ёки мавзу жиҳатидан бўлишини таъкидлайди. Рухий кайфият қалам аҳли учун белгиловчи аҳамиятга эгаллигини қайд этади. Тасодифан бир асари муваффақиятли чиқиб қолган ижодкор маҳоратли шоир (Фаробийда: мулоҳазакор шоир) деган номга сазовор бўлолмайди, дейди. Шоирнинг бадиий санъатлар воситасида ўз шеърига сайқал беришини мусаввирнинг турли нақшлар билан уйга пардоз беришига ўхшатади.

Фаробийнинг ёзишича: «...сўз — мулоҳаза билан бўладиган тақлид — ташбеҳ ҳам икки турли бўлади: бир турида тақлид ўша нарсанинг ўзида деб тасаввур қилинса, иккинчисида эса, бир нарсанинг борлигини бошқа нарса орқали тасаввур қилинади»<sup>1</sup>.

Бадиий ижодни комил инсонни тарбиялаб етиштирадиган воситалардан бири деб билган Фаробий учун адабиёт — ҳаётни акс эттириши воситаси. Шунинг учун у бадиий тасвирнинг ҳаққоний бўлишини талаб қилади. Ҳаётини воқелик ва бадиий тўқима масалаларидан баҳс этиб, «шеърини сўзлар ғайри воқелик нарсаларни бизнинг тасаввуримизга воқеий тарзда акс эттиради» деб ёзади.

Фаробий шеърда вазннинг аҳамиятига алоҳида эътибор беради:

«Агар сўзлар бирор нарсага қилинган тақлиддан ташкил топган бўлса-ю, лекин улар бирор оҳанг билан вазнга туширилган бўлмаса, ундай тизим сўзлар шеър саналмайди, балки бундайлар шеърини сўз — мулоҳаза деб юритилади, холос. Шу билан бирга, агар бу айtilган «шеърини сўзлар» маълум вазнга туширилиб, шеърини бўлакларга бўлинсагина айtilган сўзлар шеър бўла олади»<sup>2</sup>.

Фаробий нозиктабъ шеършунос бўлибгина қолмай, ўзи ҳам бадиий ижод билан шуғулланган, жумладан фалсафий теран рубоийлар ёзганлиги тарихий-адабий манбаларда таъкидланади. Чунончи, бизнинг олам ҳақидаги билимларимиз ҳеч нарсага арзимаслиги, ҳақиқий моҳият хали тешилмаган шариф бир гавҳар эканлиги, ҳамма ўз

<sup>1</sup> *Абу Наср Фаробий*. Фозил одамлар шахри. Тошкент, 1993 йил, 113-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 111–112-бетлар.

ақлининг даражасига кўра бир нима дейиши, асл нуктага ҳеч ким етиб боролмагани хусусидаги мана бу мазмуни жуда чуқур, бадиий жиҳатдан мукамал рубоийни ҳам унга нисбат берадилар:

Асрори вужуд хому нопухта бимонд,  
В-он гавҳари бас шариф носуфта бимонд.  
Ҳар кас ба далили ақл чизе гуфтанд,  
Он нукта, ки асл бувад — ногуфта бимонд.

Эргаш Очилов таржимаси:

Олам сири то хануз ечилмай келади,  
Бу бебаҳо дур ҳамон тешилмай келади.  
Ҳар бир киши ақли борича сўз айтар,  
Ҳақ моҳияти, лекин очилмай келади.

1994 йили Тёҳронда нашр этилган «Рубоийнома» тўпламида қомусий олимнинг яна бир рубоийси келтирилган:

Эй он, ки шумо пиру жавон дидоред,  
Азрақпўшони ин куҳан деворед.  
Тифле зи шумо дар бари мо маҳбус аст,  
Ўро ба халоси ҳиммате бигморед.

Эй сиз бу кўҳна дунёнинг кўк хирка —  
Кийган қари-ёшлари, келингиз бирга.  
Ҳиммат қилингу халос этинг, бир болангиз  
Маҳбус бўлди тушиб бизнинг занжирга.

Бу рубоий сўфиёна мазмунга эга. Чунки кўк хирка тасаввуфда муайян даражага эришганлик белгиси сифатида кийилади. «Хирқанинг ранги қора, кўк (мовий) ва оқ бўлган. Тариқатга янги кирганлар қора, маълум бир даражага етишганлар, сайру сулукни ниҳоясига етказганлар оқ рангдаги хирка кийишлари бир одатга айлантирилган бўлса-да, хирқапўшлиқда мовий рангнинг нуфузи анча юқори бўлган»<sup>1</sup>. Ҳужвирий ҳам «Сўфийларнинг кийимлари кўпинча мовий рангдадир», деган экан.

Агар рубоий ҳаётий асосга эга бўлмаса, бу ерда «маҳбус бола» кўнгилнинг нафс тутқунлигига ишора.

Шундай қилиб, Форобийга нисбат бериладиган рубоийлар сони 2 тага етди. Бу рубоийлар қомусий олимнинг шеърӣ салоҳияти ҳам баландлиги, бадиий тафак-

<sup>1</sup> Ҳаққул И. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000 йил, 85–86-бетлар.

кури теранлигини кўрсатади. Хусусан, биринчи рубоий фалсафий мазмунининг теранлиги, бадий мукамаллиги билан бемалол Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Мирзо Бедил рубоийлари билан рақобатлаша олади.

Форобий араб тилида ҳам шеърлар ёзган. Араб муаррихи Ибн Аби Усайба (1203–1270) «Уюн ал-анбо фи табакот ал-атиббо» («Табиблар даражасини белгилаш учун хабарлар чашмаси») асарида «Баъзида Форобий шеър ҳам ёзар экан», — деб аллома ижодидан келтирган намуналарни А. Ирисов ўзбек тилига таржима қилган — уларда муаллифнинг ўзи, замондошлари ҳақидаги кузатишлари, фалсафий мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Чунончи, қуйидаги шеърини парча таржимаи хол хусусиятига эга бўлиб, унда Форобийнинг ўзига берган баҳоси, замондошларига муносабати ва ҳаётини принциплари бадий талқин қилинган:

Кўрдим аҳли замонни: боши эгилган андоқ,  
Гапида маъно йўқдир, тили ғализ, тумтароқ.  
Ҳар бошлиқда бир ташвиш, ҳар бошда бор мусибат,  
Шунинг учун уйимдан чиқолмай тоқатим тоқ.

Номусни асрамоққа узлатдаман, панада,  
Мен иззатимни асраб, қаноат этдим ҳар чок.  
Сабр-чидам майини йиғиб, қуйдим жомига,  
Кафтимда у нурафшон, мен анга бўлдим ўртоқ.

Бор давлатим, ичурман, май шиша менга улфат,  
Култ-култ овози — наво, эшитай дейман кўпроқ,  
Бўшаб қолган диёрлар, одамлар сўзларидан  
Мева териб олурман, йўқолмиш йўкса мутлоқ.

Таржимон тўғри таъкидлаганидек, бу ерда май рамзий маънода — у сабр тимсоли бўлиб келмоқда: май кайф берганидек, қаноатнинг ҳам оқибати ҳамиша хайрли бўлади.

Бошқа бир шеърда эса аллома-шоир умримни иккита шиша билан ўтказдим: улардан бири — сиёҳ, иккинчиси — май билан тўлдирилган; бири билан фикрларимни китоб қилсам, иккинчиси билан дилдаги ғамларимни юваман дейди. Маълумки, май мумтоз шеърятда ҳаёт завқи ва муҳаббат рамзи бўлиб келади.

Қуйидаги шеърда эса Форобий дунёнинг ўткинчилиги, ҳаётнинг бевафолиги, бинобарин, умрни беҳуда нарсалар

билан ўтказмай, ҳақиқат тантанасига бағишлаш зарурлиги, инсон жисми фано тўфони олдида омонат бир нарса экан, арзимас нарсалар учун ўзаро адоват керак эмаслиги каби фалсафий мушоҳадаларини баён этади:

Узоқ юр бўлса ботил, сўзи ёлғон,  
Хақиқат тарқатиб кет, бўлса имкон.  
Бўлмади дунё биз учун абад уй,  
Бас келмайин ўлимга ҳеч бир инсон.

Куррага тушган чизиклар бизмикан?  
Елса ел сал — йўқ бўлурмиз шул замон.  
Шул экан ҳол — бу муҳолифлик нечун  
Арзимасга бир-бири бирлан ҳамон?  
Жондан ажралганлик аълomasмикан  
Айламакдан бунчалик тўс-тўполон?!

Форобий меросига қизиқиш ҳамма даврларда ҳам баланд бўлган. Лекин унинг ҳаёти ва ижодини тизимли ўрганиш XX асрнинг биринчи ярмида авж олди. И. Гольдциер, Р. Хаммонд, Н. Ришар, А. Кримский, В. Бартольд, Е. Бертельс, Деххудо Хусайний, Саид Нафисий, И. Мўминов, О. Файзуллаев, М. Хайруллаев, А. Ирисов, Т. Қориниёзий, А. Қосимжонов каби кўплаб Шарқ ва Ғарб олимлари буюк ватандошимиз меросини тадқиқ этганлар. Форобийнинг «Фалсафий рисолалар», «Мантикий рисолалар», «Математик рисолалар», «Ижтимоий-ахлоқий рисолалар», «Тадқиқотлар ва таржималар» каби бир қатор асарларидан намуналар эълон қилинган. Юртимизда мактаблар, кутубхоналар ва кўчалар буюк алломанинг номи билан аталади.

## ШАРҚ, АДАБИЁТИНИНГ ШОҲ КИТОБИ

Забардаст форс-тожик шоири ва мутафаккири Абулқосим Фирдавсий (Тусий) 934 йилда Тус шаҳри яқинидаги Бож қишлоғида камбағаллашиб қолган заминдор оиласида туғилган. Бошланғич таълимни қишлоғидаги мактабда олиб, кейин Тус ва Нишопур шаҳарларидаги мадрасаларда таҳсилни давом эттиради. Замонасининг барча асосий илмларини эгаллаб, араб ва паҳлавий тилларини чуқур ўрганган. У Эрон, Турон, Юнон ва Ҳиндистон

олимларининг турли соҳадаги асарларидан яхши хабардор бўлган. Ўз даврининг қомусий олими бўлиб етишгани учун ҳам уни ҳаким деб улуғлашган. Фирдавсий билимининг қанчалик чуқурлиги, дунёқарашининг қанчалик кенглиги, шеърӣ салоҳиятининг қанчалик юксаклиги муаззам «Шоҳнома»да манаман деб турибди — бунга ишонч ҳосил қилиш учун асарни ўқиб чиқишнинг ўзи кифоя. Абдураҳмон Жомий ҳам: «Шоҳнома»дек асари бор кишига таъриф ва тавсиф бекор», — деб ёзади. У ёшлигиданоқ шеърлар машқ қила бошлаган, бироқ бу ҳақда маълумотлар бўлса-да, шеърларининг ўзи етиб келмаган. Унинг «Юсуф ва Зулайхо» номли дoston ёзганлиги ҳам ҳалигача мунозарали. Шоир отасидан қолган ерда дехқончилик қилиб кун кечиради. Баъзи манбаларда унинг узoқ йиллар сарбозлик хизматида бўлгани ҳам айтилади.

Шоҳноманавислик узoқ тарихга эга! Маълумки, сомонийлар даврида Эрон ва Турон халқларининг нафақат ижтимоӣ-сиёсий, балки маданий-маънавий ҳаётида ҳам бир кўтарилиш бўлган. Миллий ифтихор туйғуси кучайиб, ўзининг кимлиги, кадр-қимматини англаш ва уни бошқаларга ҳам тан олдириш учун улар Эрон ва Туроннинг шонли воқеаларга бой тарихини тиклаш, қаҳрамонликларга тўла ўтмишини қаламга олишга интиладилар. Бундан мақсад миллий давлатчилигини оёққа қўйиш учун арабларга қарши курашда мафкуравий қурол сифатида фойдаланиш, форсий ва туркий халқларнинг шаън-шавкати улардан кам эмаслиги, билъакс устунлигини кўрсатиш эди. Шу ниятда қадимий афсона ва ривоятлар, буюк шоҳлар ва баҳодирлар ҳақидаги қисса ва жангномалар, сосоний ҳукмдорларнинг солномалари ва маъмурий ҳужжатлар асосида «Хватайнамак» («Худойнома» — «Хукмдорлар ҳақида китоб») тўплами яратилган. У қайта ишланиб, X асрда «Шоҳнома» номи билан юритила бошлаган. Шу тариқа 9—10 та «Шоҳнома» яратилгани тарихдан маълум. IX—X асрларда уларнинг кўпи араб тилига ҳам таржима қилинган. Лекин уларнинг бирортаси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Жумладан, йирик амалдор ва лашкарбоши Абу Мансур Муҳаммад Абдураззоқ Тусийнинг топшириғига кўра, 957 йили Абу Мансур ал-Маъмарий томонидан насрий «Шоҳномаи Мансур» яратилади. Бу асарнинг фақат

бошланиш қисмигина бизга етиб келган. Тахминан 963 йили Абулмуайяд Балхий ҳам насрий «Шоҳнома» ёзади. У билан айни бир вақтда Масъуд Марвазий ва Абу Али Балхийлар «Шоҳнома» битадилар. Балхий асарида Фирдавсий «Шоҳнома»сида тилга олинмаган Нариман, Сом, Оғуж, Ваҳодан, Кайкишан номлари билан боғлиқ лавҳалар мавжуд бўлган. Марвазий ўз «Шоҳнома»сини биринчи одам ва биринчи подшоҳ Каюмарсдан бошлаб, сомонийлар давлатининг охириги даври тасвири билан тугаллайди. Бу борада тўнланган катта тажриба ва йиғилган салмоқли материал асосида сомоний ҳукмдорлар буйруғи ва ҳомийлигида Абу Мансур Муҳаммад бинни Аҳмад Дақиқий назмий «Шоҳнома»га қўл уради. Бироқ, у Зардушт, Гуштасп ва Аржасп дostonларини — жами минг байт ёзганда фожиали равишда ўлдирилади. Болаликдан қадимий афсона ва ривоятлар, қаҳрамонлик қиссалари ва жангномаларни жон қулоғи билан тинглаб улғайган, Ватанга ва унинг буюк тарихига муҳаббат руҳида тарбияланган, кейинчалик ўзи ҳам халқ ичида юриб, уларни ёзиб олган, форс ва паҳлавий тилларидаги кўплаб тарихий китобларни мутолаа қилган, шу тариқа бой оғзаки ва ёзма материаллар йиққан Фирдавсий бир кадрдон дўстининг даъвати ва паҳлавий тилидаги қадимий шоҳлар тарихи жамланган китобни совға қилиши ҳамда Тус ҳокими Мансур бинни Муҳаммаднинг моддий қўллаб-қувватлаши билан салафи чала қолдирган «Шоҳнома»ни давом эттиради.

Эрон ва Турон халқларининг қарийб тўрт минг йиллик тарихи юксак маҳорат билан бадиий талқин қилинган 60 минг байтдан иборат «Шоҳнома» устида Фирдавсий 30 йил тер тўқади. Тадқиқотчилар асарни уч қисмга бўладилар: биринчи бўлимда шоир энг қадимий афсона ва ривоятларни қайта ишлаб, назм ипига терган бўлса, иккинчи бўлимда халқ қаҳрамонлари ҳақидаги қисса ва жангномаларга янги ва мангу ҳаёт бахш этади, учинчи бўлимда тарихий шоҳлар ҳаётини қаламга олади. «Шоҳнома» энг қадимги даврлардан бошланиб, сосонийлар шоҳи Яздигард III даврида арабларнинг Эронга бостириб кириши билан яқунланади. «Шоҳнома» ҳажми, мавзу кўлами, образлар олами, қаҳрамонларнинг кўп ва хилма-хиллиги, гоёвий мотивлари ва кўтарилган масалалар жиҳатидан жаҳон адабиётидаги энг катта эпик

асардир. Юздан ортиқ катта-кичик дostonлардан ташкил топган бу муаззам асарда мингдан зиёд турли даражадаги персонажлар иштирок этади.

«Шоҳнома» гарчи шоҳлар китоби деб аталиб, 50 подшоҳликдан иборат тўртта сулоланинг тарихи унда қатъий тартиб асосида ёритилган бўлса-да, барча курашлар ва қаҳрамонликларни халқ ичидан чиққан баҳодирлар амалга оширадilar. Асарда Ватан ва халқ йўлида жонини тиккан юзлаб фидойи қаҳрамонлар образи яратилган. Подшоҳлар баҳонасида халқ, унинг тарихи, қаҳрамонликлари улуғланган. Айни жиҳатдан «Шоҳнома» халқ заковати ва жасоратига қўйилган ўзига хос назмий ҳайкалдир.

«Шоҳнома»нинг асосий ғояси — Ватанни улуғлаш, халқ қудрати ва заковатини кўз-кўз қилиш, миллат фарзандларини васф этиш ва шу орқали ularни бирликка, марказлашган давлат қуришга чақириш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик ва тинчликсеварликни мадҳ этиш, эзгулик, олийжаноблик, ҳалоллик, мардлик, меҳнатни тараннум этиб, қонли урушлар, ёвузлик, жабру зулм, адолатсизлик, мунофиқликни қоралашдан иборат. Асарда шоирнинг ўз халқига бўлган бекиёс меҳру муҳаббати, айни пайтда, босқинчиларга қарши чексиз қаҳру ғазоби яққол кўзга ташланиб туради. «Шоҳнома»даги Рустам, Сухроб, Сиёвуш, Бижан, Золи Зар, Рудоба, Гударз, Гев, Тус, Ҳожир, Гурдофарид, Хумой, Манижа сингари қаҳрамонлар ер юзида адолат тантанаси учун курашадilar. «Зол ва Рудоба», «Бижан ва Манижа» дostonларида чинакам байналмилаллик ғоялари илгари сурилган. «Исфандиёр», «Шоғод», «Ўн икки муҳораба» дostonларида мамлакатнинг яхлитлигига раҳна солувчи, уруш оловини ёқувчи золям ва фитначи шоҳу саркардалар кескин қораланади. «Сиёвуш» дostonида уруш ва тинчлик масаласи бадиий талқин қилинади. Айни пайтда, Рустам ва Таҳмина, Зол ва Рудоба, Бижан ва Манижалар ўртасидаги соф ва самимий севги ҳассос мисраларда тараннум этилади. Лирик чекинишларда шоир тирикликнинг азалий ва абадий муаммолари билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларини ҳам юксак маҳорат билан баён этганки, уларнинг кўпи ҳикмат каби жаранглаб, халқ мақол-маталларига айланиб кетган:



Тақдир ёмонликни кўрганда раво,  
Сабоқ ол ундан ҳам, топа ол зиё.

\* \* \*

Бировга соғинса ҳар ким ёмонлик,  
Нихоят ул ўзи топмас омонлик.

\* \* \*

Хунар билан ақлинг бириккан ҳамон,  
Ҳар иш бу жаҳонда юришгай равон.

Мана бу мисралар эса худди ҳозирги кунда ёзил-  
гандай:

Еримиз, сувимиз, фарзандимиз деб,  
Хотин, бола-чақа, дилбандимиз деб,  
Бирма-бир жонимиз этамиз фидо,  
Ватанни душманга бермаймиз асло!

«Шоҳнома»дек салмоқли ва бадиий юксак асари  
билан Фирдавсий форсий тилнинг беқиёс қудратини на-  
мойиш қилди, унинг шеърят тили сифатидаги мавқеини  
мустаҳкамлади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи асар хотимасида  
шундай дейди:

Обод бинолар ҳам бўлгуси хароб,  
Уларни емиран ёмғир ва офтоб.  
Назмдан яратдим бир қасри баланд,  
Ёмғирлар, шамоллар унга не писанд!  
Ўттиз йил меҳнатга ўзни урдим мен,  
Форсийда Ажамни тирилтирдим мен.  
Энди мен ўлмасман, тирикман мудом,  
Чунки сўз уруғин сочганман чунон...

Буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте «Ғарбу  
Шарк девони»га ёзган шарҳларида Фирдавсий Эроннинг  
афсонавий ва тарихий ўтмишини яхлит ҳолда қаламга  
олгач, кейинги шоирларга умумий гаплар ва баъзи бир  
талқинлардан бошқа нарса қолмади, деб лутф этган эди.  
Француз шарқшуноси Анри Массенинг эътирофича эса,  
«Шоҳнома» халқ улуғворлиги ва у чеккан ғам-ғуссалар  
ҳақидаги дoston бўлиб, шунинг ўзи уни жаҳон сўз санъ-  
атидаги энг улуғ асарлар қаторига қўшиш учун кифоя  
қилади.

Сомонийлар салтанати кучга тўлган даврда бошланиб,  
шоирнинг нақ ярим умрини олган «Шоҳнома» ниҳоясига

етганда, бу қудратли давлат парчаланиб, қорахонийлар ва ғазнавийлар ўртасида бўлинган эди. Шунинг учун шоир асар муқаддимасига ғазнавийлар ҳукмдорини мадҳ этувчи бир бағишлов илова қилиб, уни шоҳ Маҳмудга тақдим этади. Лекин мутаассиб уламолар ва ҳасадгўй шоирларнинг қутқуси билан у асарни муносиб баҳоламайди. 30 йил заҳмат чекиб ёзилган 120 минг мисрадан иборат муаззам асарни бор-йўғи 20 минг кумуш тангага раво кўрган Маҳмуд Ғазнавийнинг пасткашлигидан хафа бўлган Фирдавсий бу маблағни ҳаммом ходими, шарбатдор ва уни келтирган мулозимга бўлиб бериб, Ғазнадан чиқиб кетади. Бу ҳақда афсона-ривоятлар шунчалик кўпки, уларнинг қайси бири ҳақиқату қайси бири тўқима эканлигини ажратиш қийин. Лекин шундай қудратли Маҳмуд Ғазнавий «Шоҳнома»дай буюк, сўз санъатининг нодир дурдонаси қадрига етмаган, Фирдавсийдай забардаст шоирни беобрў қилган жоҳил ва такаббур шоҳ сифатида тарих саҳифаларида қолгани ҳақиқат. Абдурахмон Жомий таъбири билан айтганда:

Кетиб оламдан ул Маҳмуд, йўқолмиш шавкату шони,  
Қадрсиз қилди шоирни, деган гап қолди оламда.

«Сийлов»идан юз ўгиргани учун Маҳмуд Ғазнавий таъкибига учраган Фирдавсий унинг қўли етмайдиган узок вилоятларга қочиб, яшириниб яшайди. Ниҳоят, паймонаси тўлиб, қишлоғига қайтган шоирни руҳонийлар шиаликда айблаб, мусулмонлар қабристонига кўмишга рухсат бермайдилар. Унинг жасади отасидан қолган боғнинг бир чеккасига кўмилади.

Орадан йиллар ўтиб, бир даврада «Шоҳнома»дан байтлар ўқилганда Маҳмуд Ғазнавийга маъқул келади ва унинг муаллифини сўрайди. Унга бу байтлар Абулқосим Фирдавсий қаламига мансублигини айтадилар. Шунда у улуғ шоирга нисбатан ноҳақлик қилганлигини тушунади ва бир туяга олтин-кумуш, қимматбаҳо совға-саломлар юклаб, Фирдавсийга олиб боришлари ҳақида амр қилади. Тақдирнинг ўйинини қарангки, шоҳ инъомлари ортилган туя Туснинг бир дарвозасидан кирганида иккинчи дарвозасидан шоирнинг жасадини олиб чиқиб кетишаётган бўлади.

«Ҳаким Носир Хисрав «Сафарнома»да шундай келтирган:

Тўрт юз ўттиз саккизинчи хижрий санада Тус йўлида янги қурилган улкан работни кўрдим.

— Бу работни ким курди? — деб сўраганимда:

— Бу работ Султон Маҳмуд Фирдавсийга инъом қилиб юборган маблағ ҳисобидан бунёд этилди, — дейишди.

Бунинг қай тарзда юз берганини сўраганимда, шундай жавоб беришди:

— Фирдавсий вафот этган эди ва унинг меросхўри инъомни қабул қилмади. Султонга арз қилганларида, у шу ерда бир иморат қуришга фармон берди ва ушбу работ ўшадир»<sup>1</sup>.

1934 йилда Фирдавсий таваллудининг 1000 йиллиги муносабати билан унинг қабри устига катта мақбара қурилган ва у шоир ихлосмандларининг муқаддас зиёратгоҳига айланган.

Фирдавсий «Шоҳнома»си ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир кўрсатди, унга жавобан кўплаб «Шоҳнома»лар ёзилиб, ўзига хос шоҳноманавислик анъанаси вужудга келди. Бу анъанани Асадий Тусий (XI) бошлаб берди: у 1066 йилда 145 боб, 9000 байтдан иборат «Гершаспнома» достонини яратади. Қадимги Эроннинг афсонавий қаҳрамони бўлган Гершасп Жамшиднинг олтинчи авлоди, Фирдавсий қаҳрамони Рустамнинг катта бобосидир. Фирдавсий «Шоҳнома»сида Гершасп ҳақида батафсил тўхталмагани учун Асадий Тусий унинг фаолиятини кенг ёритишни мақсад қилган.

XI—XII асрларда «Барзунома», «Бахманнома», «Қушнома», «Фаромурзнома» асарлари, кейинроқ — мўғуллар ҳужуми арафасида «Жаҳонгирнома», Қонейий Тусийнинг «Салжукнома»си, 1300 йилда қатл этилган шоир Робейий Бушанжийнинг «Картнома»си, темурийлар даврида «Сомнома», Рустамнинг қизи Гуштаспбонуга бағишланган 4 дoston пайдо бўлди. Бу дostonлар орасида энг салмоқлиси «Барзунома» бўлиб, унинг икки нусхаси маълум: кичиги — 45, каттаси — 65 минг байтдан иборат.

«Шоҳнома» таъсирида бир неча тарихий ва тасаввуфий дostonлар ҳам яратилган: «Искандарнома»лар, мутасаввиф шоирлар ёзган панднома дostonлар, «Шоҳнома», «Шаҳаншоҳнома» номлари билан ижод қилинган асарлар

<sup>1</sup> Кўчирма Фулом Каримнинг «Сафарнома»нинг ўзбекча нашрига ёзган «Ҳаким Носир Хисрав ва унинг ижодий мероси» номли сўзбошисидан олинди (Қаранг: *Носир Хисрав*. Сафарнома. Тошкент, 2003 йил, 10-бет).

шулар жумласидандир. Факат Хамдуллоҳ Муставфий Қазвинийнинг «Зафарнома» китоби «Шоҳнома»нинг давоми бўлиб, 1335 йилгача бўлган тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Соҳиб номли шоир ҳам 1320 йилда ёзилган «Дафтари Дилкушо» асарида «Шоҳнома»ни давом эттирган: унда форс ҳокимлари ҳаёти ёритилиб, мўғуллар истибдодига қарши ўз ватанининг мустақилликка интилиши ва қахрамонлик анъаналари тараннум этади.

«Шоҳнома» оммабоп асарга айланиб, халқ орасида кенг тарқалганидан сўнг қатор ўзгаришларга ҳам учраган. Шунинг учун теурий шахзодалардан Бойсунқур Мирзо буйруғига биноан 40 дан ортиқ нусхаларини ўзаро қиёслаб, шу асосда унинг мукаммал матни яратилади. Фанда «Шоҳнома»нинг Бойсунқур нусхаси сифатида машҳур бу матн асарнинг ишончли нусхаларидан бири ҳисобланади. «Шоҳнома»нинг танқидий матнлари ичида энг мўътабари эса Е.Э. Бертельс ва А. Нўшин таҳрири остида тайёрланган IX жилдликдир.

Бадий юксаклиги, беқиёс даражада халқчиллиги туфайли ва халқ орзу-армонларини куйлаганлиги учун ҳам, мана, минг йилдан буён «Шоҳнома» ўқувчилар қалбини забт этиб, шуҳрат чўққисидан тушмай келмоқда. Фирдавсий қахрамонлари ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан машҳур. «Китоби Жамшид», «Китоби подшоҳ Афросиёб», «Шоҳ Тахмурасп» номли халқ китоблари, «Рустам ва Сухроб», «Доро ва Искандарбек» каби халқ эртаклари «Шоҳнома»дан илҳомланиб, ёки унинг таъсирида яратилган. Ёзма адабиётда ҳам Юсуф Хос Ҳожибдан тортиб Алишер Навоий ва Бобургача, Мунисдан Абдулла Ориповгача барча ўзбек шоирлари Фирдавсийни ўзларига устоз санаб келганлар.

«Шоҳнома» дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Жумладан, XIII аср бошида араб, XV—XVI асрларда турк ва гуржи, XIX асрдан эса француз, инглиз, немис, итальян ва рус тилларига ўгирилган. «Шоҳнома» ўзбекчага Шоҳ Ҳижрон, Хомуший (XVIII), Нурмуҳаммад Бухорий, Очилдимурад Мирий (XIX), Х. Фулом, Назармат, Ж. Жабборов, Ш. Шомухамедовлар (XX) томонидан таржима қилинган бўлса-да, бу таржималарнинг бирортаси тўлиқ эмас. «Шоҳнома» сюжетлари асосида «Заҳҳоки Морон», «Сиёвуш», «Рустам ва Сухроб» сингари сахна асарлари яратилган. Ж. Камол

тожик адиби С. Улуғзоданинг «Фирдавсий» романини ўзбекчалаштиришган.

Фирдавсий «Шоҳнома» асари билан сўз санъатида бир алпнинг жасоратини кўрсатдики, мана, орадан минг йил ўтса ҳам, у кўтарилган юксаклик бирор шоирга муяссар бўлган эмас.

## БЕРУНИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

Абу Райҳон Берунийни (973–1048) биз асосан ўз даврининг барча илмларини эгаллаган ва фаннинг ҳамма соҳалари билан шуғулланган қомусий олим сифатида биламиз. Ҳолбуки, у бадий ижод билан ҳам муттасил шуғулланган: араб тилида шеърлар ёзган, кўплаб шоирларнинг шеърларини таҳлил этган, шарҳлаган ва уларни ноҳақ танқидлардан ҳимоя қилган, қатор адабий асарларни форсийдан арабчага ўгирган, таржима асарларини тадқиқ этиб, уларга баҳо берган. Беруний ёзган 152 номдаги асарнинг 18 таси адабиёт ва унга ёндош соҳаларга оидлиги бежиз эмас. Унинг адабий мероси М. Салъе, Б. Булгаков, У. Каримов, А. Ирисов, А. Қаюмов, А. Расулов, Н. Комилов, Х. Ҳомидий, М. Турсунов каби таниқли олимлар томонидан тадқиқ ва таржима қилинган. Хусусан, А. Расуловнинг «Беруний ва унинг шеърлари ҳақида баъзи мулоҳазалар» мақоласида қомусий аллома қаламига мансуб 70 мисра шеър келтирилган.

Ўтмишда шоирлар турли фанлардан яхши хабардор бўлганларидек, олимлар ҳам кўпинча бадий етук асарлар яратганлари маълум. Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём каби қомусий олимларнинг шаклан гўзал, мазмунан теран рубойлари бунинг ёрқин исботидир. Хассос сўз санъаткори Фузулий эса: «Шоирлигим муқаррар бўлгач, умримнинг бир қисмини сарфлаб, турли илмларни ўргандим. Чунки илмсиз шеър пойдевори йўқ деворга ўхшайдики, бундай девор жуда омонат бўлади», — деб ёзган эди.

Беруний ўз шеърларини араб тилида ёзган бўлиб, улар бизгача тўлиқ етиб келмаган. Фақат Ёқут Ҳамавий (1179–1229) «Мўъжам ул-удабо» («Адиблар лугати») асарида: «У шеър ҳам айтган. Гарчи шеърлари юксак даражада бўлмаса-да, у каби сиймолардан бунинг содир бўлиши ажойибдир. У шеърларида подшоҳлар билан

Ўтган дамларини эслайди, Абулфатҳ ал-Бус-тийни мадҳ этади»<sup>1</sup>, — деб алломанинг 17 байтли бир мадҳияси, икки шеъри ва учта фалсафий тўртлигини келтиради. Мадҳияда Беруний дастлаб устози Абу Наср Мансур бин Али бин Ироқ, кейин хоразмшоҳлар Абулҳасан Али (997—1009), Абулаббос Маъмун (1009—1017) ҳамда Маҳмуд Ғазнавийни мадҳ этади. Чунончи, устозини:

Боқди Ироқ оиласи сут билан,  
Мен — ниҳолга Мансур бўлди дармоним<sup>2</sup>, —

деб миннатдорчилик туйғуларини изҳор этса, Абулаббосни таърифлаб:

Сўнги Маъмун назар солди ҳолимга,  
Бошим кўкка етказди ул султоним, —

дейди. Маҳмуд Ғазнавийни эса қуйидагича улуғлайди:

Неъматини Маҳмуд дариф тутмади,  
Кўрмасликка олди доим нуқсоним.  
Жаҳолатим афв айлади ҳурматлаб,  
Обрў юсак, тўним янги, бут ноним.

Ушбу қасидани аллома-шоир илм довонларини забт этиб, шон-шуҳрат чўққисига юксалганидан кейин ёзган. Қуйидаги фахрия мисралар бунинг далили:

Пешволардан олға ўтдим жаҳд ила,  
Мен ғаввосу илм бўлди уммоним.

Хинддан сўра Машриқ аро кадримни,  
Мағриб мени ўқир — йўқдир армоним.

Қуйидаги мисралардан эса «меҳнатсиз шуҳрат қозонган»лар қораланиб, илм заҳматини тортганлар улуғланади:

Ким учса саъй-жаҳд қилмай шуҳратга,  
Карам либосида кўзи бўлса оч,  
Ғафлат соясида шод бўлур, аммо,  
Шараф кийимисиз қолар яланғоч.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Хоразм Маъмун академияси. Тошкент, 2005 йил, 240—241-бетлар.

<sup>2</sup> *Абу Райҳон Беруний*. Ўйлар, ҳикматлар, нақллар, шеърлар. Тошкент, 1973 йил, 98-бет (Шеърларни А. Ирисов таржима қилган).

Аллома ижодидан етиб келган шеърӣй парчалар орасида ишқ-муҳаббат мавзуидаги гўзал ва ҳассос бир тўртлик ҳам бор:

Масофа туфайли айшим бузилди,  
Дилимда ором йўқ, тенгсиздир фирок.  
Мактубинг дардимга тўтиё бўлди,  
Минглаб парихондан ўша яхшироқ.

Абулҳасан деган шоирнинг Беруний ва унинг аждодларини муболаға билан мадҳ этиб ёзган қасидасига олимнинг кинояли жавоби тадқиқотчилар ўртасида мунозарага сабаб бўлиб келади. Чунки баъзилар олимнинг фикрларини тўғридан-тўғри қабул қиладилар. Ҳолбуки, Беруний маддоҳ таърифларини ҳаддан ошириб, ўзи ва ота-боболарини йўқ сифатлар билан улуғлагани учун унга киноя билан жавоб қилади:

Эй мени мадҳ этган беодоб шоир,  
Бу мадҳинг айлади мени кўп таҳкир.  
Мақтовга сўз излаб, шеърлар ёзибсан,  
Насабим кўтариб кўкка беназир.

Онт ичиб айтаман: билмам насабим,  
Ҳатто ота-бобом, насабим кимдир?  
Отам Абу Лаҳабдек одобсиз бир чол,  
Онам-чи, ҳув ўша ўтинкаш кампир.

Мақтову мазаммат, эй Абулҳасан,  
Ҳазилу чин каби менга барибир.  
Бу ишга берилиб, ўзни қийнама,  
Кўй энди, уриниб бўлма беҳузур.

Бу ерда Абу Лаҳаб — Муҳаммад пайгамбарнинг амакиси ва энг ашаддий душмани. Асл исми Абд ал-Уззо ибн Абдулмуталлиб. Муҳаммад алайҳиссаломни масхаралаб, унга қарши хотини билан биргаликда турли ифвою фитналар қилгани учун «дўзах ўтининг отаси» маъносида Абу Лаҳаб лақаби берилган.

Беруний «Ал-Осор ал-боқиан ал-қурун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), «Ҳиндистон», «Ал-жавоҳир» («Минералогия»), «Геодезия», «Сайдона» («Фармакогнозия») асарларида ўз фикрларининг далили учун кўплаб шоирларнинг шеърларидан намуналар келти-

ради ҳамда билимдон ва нозиктабъ адабиётшунос сифатида уларни таҳлил қилиб беради. Айниқса, «Ал-жавоҳир» ва «Сайдона» асарлари шеърӣ мисолларга бойлиги билан ажралиб туради. Чунончи, «Ал-жавоҳир»да 84 шоирнинг 740 мисра шеърӣ иқтибос сифатида келтирилган. Шунинг назарда тутиб, Фозила Сулаймонова у Берунийнинг бошқа соф илмӣ асарларидан асосӣ мавзу бадий адабиёт ва ахлоқ-одобга оид материаллар орқали бойитилгани билан алоҳида аҳамият касб этишини қайд қилган эди<sup>1</sup>. «Осор ул-боқия» ва «Сайдона» асарларида ҳам 40–50 тадан шоирнинг шеърларидан намуналар берилган. Жумладан, «Сайдона» асарида турли доривор моддалар, ўсимлик ва меваларни таърифлар экан, шоирларнинг улар билан боғлиқ шеърларидан тез-тез фойдаланади. Айтайлик, шафтолининг рангини таърифлаш учун Ҳотам ибн Алининг қуйидаги мисраларини келтиради:

У менга шафтоли узатди.  
Шафтолининг кўриниши  
(Унинг) хижолат чекиб қизаргандаги  
(Чехрасига) ўхшар эди<sup>2</sup>.

«Ал-жавоҳир» китобининг олтин ҳақидаги бобида Абусаид ибн Дўст деган шоирнинг қуйидаги мисраларини келтиради:

Қари одамнинг танаси йилдан-йилга кичрайиб бораётганини  
кўраман,  
Аммо унинг гажрибаси ортиб бормоқда.  
Худди кондан чиққан олтин киздирилганда салмоғи камайса-да,  
Баҳоси ошиб бораётгани сингари.

Бу шеърларни илмӣ жиҳатдан таҳлил қилар экан, шеърятнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини унутмайди, шоирлар табиатдаги нарса-ходисаларнинг аниқ хусусиятларини эмас, балки кишилар тасаввуридаги ҳолатларини образли усулда тасвирлашларини алоҳида қайд этади. Уларни ноҳақ ва ноҳолис танқидлардан ҳимоя қилади. Шеърят конкретликка эмас, балки шартлиликка асосланишини таъкидлайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. Тошкент, 1997 йил, 242-бет.

<sup>2</sup> Қаюмов А. Беруний ва адабиёт. Тошкент, 1974 йил, 123-бет.



Олим асарларида тилга олинган ва шеърларидан намуналар келтирилган шоирлар 150 дан ортик. Уларнинг кўпчилиги араб шоирлари, лекин Ўрта Осиё ва эронлик арабийзабон шоирлар ижодига ҳам кўплаб мурожаат қилинган. Ҳамза Исфаҳоний, Абубакр Кўхистоний, Абулқосим Журжоний, Абубакр Хоразмий, Хотибий Самарқандий, Абумансур Саолибий, Мансур Форисий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Машхур араб шоирлари Абу Таммом ва Абу Нувослар ижодига бағишлаб икки рисола ёзган — «Шарху девону Абу Таммом», «Шарху девону Абу Нувос». Бу асарларнинг қўлёзмасини Ёқутнинг ўзи Беруний қўлида кўрган экан. Бундан ташқари, умуман шеърият таҳлилига бағишланган «Китоб ат-тааллур ба ихолат ал-вахим фи маони назм авлил-фазл» («Фазл аҳли шеърларида айтилган фикрларни баён қилиш китоби»), «Китобу мухтор ал-ашъор ва ал-осор» («Танланган шеърлар ва асарлар») китоблари мавжуд.

Академик И. Крачковский «Хиндистон» китобини Ҳомернинг «Илиада» ва «Одиссея» асарлари билан қиёслаб ўрганиш асносида Беруний юнон тилини ҳам билган ва асарнинг бевосита асл нусхасидан иқтибослар олган, деган хулосага келади. Чунончи, «Хиндистон» асарининг VIII боби охирида «Илиада» XIX бобидаги 357-мисра («Зевсдан гўё қор парчалари қалин уриб чиққандай»)ни келтиради. Берунийнинг ўз эътирофи бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. «Мен болалик чоғимданок ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга интилдим, — деб ёзган эди аллома, — бунинг далили сифатида қуйидагини келтириш kifоя: биз турадиган жойга бир юнон кўчиб келган эди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб, номини ёзиб қўяр эдим»<sup>1</sup>.

Моҳир таржимон сифатида у Маҳмуд Ғазнавий саройининг малик уш-шуароси Унсурийнинг «Шодбахр ва Айнулҳаёт», «Хингбут ва Сурхбут» дostonлари, форсий халқлар оғзаки ижодидан эса «Қосим ус-сурур ва Айн ул-ҳаёт», «Хурмуздёр ва Мехрёб», «Бомийннинг икки санами», «Додмоҳ ва Киромидухт», «Нилуфар», «Дабис-

<sup>1</sup> Кўчирма қуйидаги китобдан олинди: *Ҳомидий Х. Кўхна Шарк дарғалари*. Тошкент, 1999 йил, 34-бет.

тий билан Борбахокор хикояси» каби асарларни араб тилига ўгирган.

Беруний, айниқса, Ҳиндистонда таржима билан қизғин шуғулланган: хиндларнинг китобларини арабчага, араб ва юнончада битилган асарларни эса санскрит тилига ўгирган. У таржима билан шуғулланар экан, бошқа таржимонлар фаолиятига ҳам баҳо беради, улар таржима қилган асарларни аслиятга қиёсан текширади. Айни жиҳатдан унинг IX асрда яшаган олим ва таржимон Абдулло ал-Муқаффа фаолияти билан боғлиқ қуйидаги мулоҳазалари эътиборга молик:

«Калила ва Димна» номи билан машҳур бўлган «Панчатантра» деган китобни имконият топиб таржима қилсам, деган орзуим бор. Чунки у китоб Абдулло ибн ал-Муқаффа каби ўзгартириб юбормасликларига ишониб бўлмайдиган бир гуруҳ кишилар тили билан хиндчадан форсчага, сўнгра форсчадан арабчага таржима қилиниб келди. Абдуллоҳ ибн Муқаффа «Калила» китобига (ўзидан) Барзовайҳ бобини қўшди; бундан мақсади динга эътиқоди кучсиз кишиларни шак-шубҳада қолдириш ва уларни маннония мазҳабига чақираётганларга зарба бериш эди. Китобга боб қўшиб ишончсиз бўлган киши, таржимада ҳам (жумла) орттириб ишончсиз бўлишдан четда қололмайди»<sup>1</sup>.

Бошқа таржимонлар ҳақида ҳам «мана бу фаслда сўзларни қориштириб юборган», «мана бу ўринда ўзгартиришлар қилган» каби фикрларни билдириб ўтади. «Рамаяна» асари таржимаси муносабати билан диний мутаассибликнинг таржимачилик ишига, умуман, фан ривожига салбий таъсир ўтказаетганлигини танқид қилади. Уламолар охири «с» билан тугалланадиган юнон ва рим олимларининг номларидан ўлгудай нафратланадилар, натижада ҳар турли таъкиблардан қутулиш мақсадида мутаржимлар уларнинг номларини арабийлаштиришга мажбур бўладилар — «Катигорийас», «Аналитикус», «Аристотелус» каби сўзларнинг «Ал-мақолут», «Ал-қиёс ва бурхон», «Арасту» бўлиб кетишининг сабаби шунда, дейди<sup>2</sup>.

Олимнинг таржима билан боғлиқ кўпгина фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Жумладан:

<sup>1</sup> *Абу Райҳон Беруний. Ўйлар хикматлар...* 34-бет.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: *Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. Тошкент, 1999 йил, 53–54-бетлар.*

«Таржималарда ибораларда ихтилоф бўлмай илож йўқ».

«Агар (таржималаримизда) ишлатган сўзларимиз одатда ишлатиладиганга тўғри келмаса, маъноларига эътибор берилсин, чунки мақсад маъноларни билдиришдир».

«Баъзи сўзлар борки, у бир дин ва бир тилда бе-маъни бўлса ҳам, бошқа бир дин ва бошқа бир тилда бе-маъни бўлмайди».

Шарқда шеърият жуда ривожланган. Шеърга солинган фикрнинг таъсирчанлиги ва ёдда осон сақланишини эътиборга олиб, кўпчилик олимлар ўзларининг илмий асарларини ҳам шеърий усулда яратганлар. Ҳиндларнинг барча қадимий китоблари шеърий йўл билан ёзилган бўлиб, улар насрий китобларга ҳатто қайрилиб ҳам қарамаганлар. Шунинг учун мен Иқлидус ва Ал-Мажастий асарларини ҳиндларга таржима қилиб кўрсатишда худди шу — ҳинд шеърий ўлчови бўлмиш шлокалар туфайли қийналмоқдаман, дейди Беруний. «Ҳиндистон» китобида шлокани арузга қиёслаб ўрганар экан, шлока ҳам аруз каби очиқ ва ёпиқ бўғинлардан ташкил топгани, ҳиндларда ҳам энгил ва оғир бўғинлар мавжудлиги, икки энгил бўғин бир оғир бўғинга тенглиги хусусида ёзади. Айни пайтда, улар ўртасидаги тафовутлар ҳам кўп. Жумладан, шлокада энгил товушлар ёки унлиларнинг бир нечтаси кетма-кет келиши мумкин; шлокада ҳарфларнинг ёзувдаги сони эмас, талаффуздаги миқдори ҳисобга олинади ва ҳоказо. Таҳлиллар натижасида у шлока аруздан кўра қулай, деган хулосага келади. Шлоканинг ички имкониятлари ҳам бой дейди.

Арузни Халил ибн Аҳмад асослагани каби, шлокани ҳам биринчи бўлиб Пингала ва Чалигу деган олимлар кашф этганлар. Уларнинг бу шеърий тизимга бағишланган махсус китоблари ҳам бўлган. Беруний ҳинд олимларининг шлока назариясига оид китобларини танқидий ўрганиб, уларнинг хатоларини ҳам кўрсатади. Мисол учун, Харибҳата китобида ўлчов қаторларининг арифметик таърифи нотўғри келтирилганлигини кўрсатиб, ўзининг уларни тўғри акс эттирувчи аниқ жадвалини тақдим этади.

Маълум бўладики, Абу Райҳон Беруний қомусий аллома сифатида аниқ ва табиий фанлар соҳасида буюк кашфиётлар яратибгина қолмай, ижтимоий-гуманитар йўналишда ҳам салмоқли тадқиқотлар олиб борган.

## ФАЛСАФИЙ ШЕЪРИЯТ АСОСЧИСИ

Номи ҳам, иши ҳам бутун дунёга машхур буюк кишилар бўлади. Улуғ ватандошимиз Абу Али ибн Сино ана шундай машхур алломалардан ҳисобланади. Унинг тўлиқ исми — Абу Али Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Хасан ибн Али. Отаси Абдуллоҳ асли балхлик бўлиб, сомонийларнинг давлат хизматчиларидан эди. У Нух ибн Мансур Сомоний (976—997) ҳукмронлиги даврида хизмат тақозосига кўра Бухоронинг Хармайсан (ҳозирги Ромитан) туманидаги Афшона қишлоғига келиб, маъмурий ишларга бошчилик қилади. Шу ерлик Ситорабону деган қизга уйланади. Хусайн 980 йили Афшонада туғилади.

985 йили Хусайнлар оиласи Бухорога кўчади. Шаҳарда у илм таҳсили билан машғул бўлади. Ўз даврининг етук олимларидан бўлган Абу Абдуллоҳ Нотилий ва Исмоил Зоҳид кўлида мантик, фалсафа, фикҳ ва риёзиёт асосларини ўрганади. У 10 ёшидаёқ Қуръони каримни ёд билар, сарфу наҳв ва адаб илмини ўзлаштириб олган эди. «Ўша кезларда мен бирор кечанинг ҳам охиригача ухламас, кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмас эдим», — деб ёзади бу ҳақда Хусайннинг ўзи таржимаи ҳолида. Кейин тиб илми билан қизиқиб, қисқа бир муддатда уни эгаллаб олади. Бу соҳада у тезда барча табиблардан-да ўтиб кетади. Тиббиёт борасидаги муваффақиятлари тўғрисида у «хатто билимдон табиблар ҳам келиб, ҳузуримда тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар», — деб эътироф этади. Бухоро амири Нух ибн Мансурни даволаганидан кейин унинг шуҳрати ошиб кетади.

Абу Али ибн Сино бутун дунёда табобат илмининг султони сифатида машхур. Оламшумул тиббий асарлари туфайли Фарбда Авиценна номи билан донг таратган бу буюк ватандошимиз Шарқда кўпроқ забардаст файласуф сифатида машхур бўлган. «Шайх ур-раис» — «Донишмандлар сарвари» фахрий унвони ҳам аввало унинг буюк файласуфлигига ишора қилади. Шарқда Ҳаким лақаби ҳам файласуф олим ва мутафаккир адибларга берилгани маълум: Ҳаким Носир Хисрав, Ҳаким Умар Хайём, Ҳаким Санойи... ва Ҳаким Абу Али ибн Сино. Ҳатто Оллоҳ таолога нисбатан ҳам Ҳакими илоҳий нисбати қўлланган. Зеро, ҳаким арабча сўз бўлиб, аввало доно,

донишманд, ҳикмат соҳиби, олим, аллома, файласуф, кейин эса табиб маъносини билдиради.

Турли манбаларда Ибн Синонинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилади. Лекин бизгача бу муаззам меросдан 160 таси етиб келган. Шундан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга, қолганлари мантиқ, психология, табиёт, астрономия, математика, кимё, мусиқа, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносликка оид. Маълум бўладики, алломанинг фалсафий мероси тиббий мавзудаги асарларига қараганда қарийб икки барабар кўп.

Ибн Синонинг фалсафага оид энг йирик ва энг муҳим асари — «Китоб аш-шифо» (қисқартирилган шакли — «Китоб ан-нажот»). Унинг фалсафий қарашлари яна «Ал-ишорат ва-т-танбиҳот» («Ишоралар ва танбеҳлар»), «Ҳикмат ал-машриқин» («Шарқликлар фалсафаси»), «Китоб ал-ишорат фи-л-мантиқ ва-л-ҳикмат» («Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари»), форс тилида ёзилган «Донишнома» («Билим китоби») ва бошқа турли ҳажмдаги фалсафий рисолаларида ўз аксини топган.

Ибн Сино шоир, тилшунос ва адабиётшунос ҳам ҳисобланади. 1000 йилда Бухорода ёзган «Ал-мажмуъ» (кейинчалик «Ал-ҳикмат ал-арузия» номи билан машҳур бўлган) рисоласидаёқ аруз масалаларини тадқиқ этган олимнинг адабий қарашлари Арасту ва Форобийнинг таъсирида шаклланган. У Арастунинг «тасвирлаш», воқеликни «қайтадан яратиш» ҳақидаги қарашларини шарҳлаган ва ривожлантирган, бадиий тўқиманинг ижоддаги аҳамиятига кенг тўхталган, антик адабиётдаги адабий жанрлар, хусусан, фожиа жанрининг батафсил тавсифини берган. Унинг адабий-назарий қарашлари «Китоб аш-шифо» асарининг «Мантиқ» қисмидан ўрин олган «Риторика» («Ал-хитоба») ва «Шеър санъати» («Асноф ас-синоат аш-шеър») фаслларида ўзининг мукамал ифодасини топган. «Шеър санъати» фаслида жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

«Образли қилиб айтилган сўз киши руҳини ўзига бўйсундирадиган бир ҳолат касб этади...

Нарсанинг ўзи қандай бўлса, ўшандайлигича олмасдан, уни сал ўзгартирилган тарзда олинганлигига истиора ё мажоз дейдилар. Шеър мана шу истиора билан мажознинг таркибидан ҳосил бўлади...

Шеър уч хил нарса билан хаёлга таъсир этади...

- 1) гармония (куй);
- 2) сўз;
- 3) вазн»<sup>1</sup>.

Алломанинг шогирди Жузжоний санаб ўтган китоблари рўйхатида адабиётшуносликка оид «Ал-мантик би аш-шеър», «Ал-қасоид фи-л-узмат ва-л-ҳикмат» асарларини ҳам учратамиз. У тилшуносликка доир «Лисон ул-араб», «Махориж ул-хуруф» асарларини яратган. Жузжоний унинг тилшунослик билан жиддий шуғулланган даврида 3 та қасида ёзгани ва уларда энг кам ишлатиладиган нодир сўзларни қўллаганидан хабар беради.

Ибн Сино «Рисолат ут-тайр» («Қуш ҳақидаги рисола»), «Ҳайй ибн Яқзон» («Уйғоқ ўғли Тирик»), «Саломон ва Абсол», «Юсуф», «Меърожнома» номли фалсафий мазмундаги қиссалари билан рамзий-ирфоний адабиётни ҳам бошлаб берди. Хусусан, «Рисолат ут-тайр» киссаси Фаридиддин Атторнинг машхур «Мантик ут-тайр» ва Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» дostonлари яратилишига туртки бўлган. Бу асар рамз-ишоралар билан ёзилган бўлиб, алломанинг жон, ҳақиқат, Тангри тўғрисидаги фикрларини билиш учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

«Ҳайй ибн Яқзон» киссаси эса буюк итальян шоири ва мутафаккири Алигъери Дантенинг муаззам «Илоҳий комедия»сига ҳам таъсир кўрсатганлиги тўғрисида фикрлар мавжуд. Данте, айниқса, Ибн Синонинг «Рисола фи-л-ишқ» асаридан илҳомланган, ундаги асосий фикр ва қарашлардан таъсирланиб, уларни ривожлантирган. У «Дўзах» китобининг тўртинчи қўшиғида Хомер, Эсхил, Софокл, Арасту, Афлотун, Пифагор, Ҳераклит, Демокрит каби дунё илмининг бешигини тебратган улуғ донишмандлар каторида Абу Али ибн Синони ҳам тилга олади:

Кўзимни узоққа югуртдим шунда:  
 Ҳисобдон Эвклид, Батлимус, Гален,  
 Гиппократ, Ибн Сино, Ибн Рушд пайдо —  
 Янги ғояларни тарғиб этган чин.

Шарқда илмий, фалсафий асарлар ҳам кўпинча шеърӣй шаклда ёзилган. Бу уларнинг таъсирчанлиги, оммабоплигини ошириши билан бирга, ёдда сақланишини

<sup>1</sup> Абу Али ибн Сино. Саломон ва Абсол. Тошкент, 1980 йил, 89, 98–99-бетлар.

хам осонлаштирган. Ибн Сино ҳам тиббиётга оид рисо-  
лаларини шеърӣ усулда — ражаз вазнида ёзиб, шундан  
келиб чиққан ҳолда уларни уржузалар деб атаиди. Унинг  
ҳозиргача фанга маълум уржузалари сони 9 та бўлиб, 8  
таси тиббиёт, биттаси мантикқа оид.

Машҳур Бузургмеҳр Ануширвони Одил учун са-  
вол-жавоб тарзида ёзган «Пирўзинома» номли ҳикмат  
китобини ҳам Нух ибн Мансур амрига кўра 1097 йили  
Ибн Сино паҳлавӣ тилидан форс-тожикчага таржима  
қилади.

«Саргузашт» асарини Ибн Синонинг ўзи бошлаб, шо-  
гирди Жузжоний давом эттирган — 1013—1014 йиллардан  
умрининг охиригача аллома билан у бирга бўлган.

Ибн Сино араб ва форс тилларида қасида, ғазал,  
қитъа ва рубоийлар ёзган ҳассос сўз устаси ҳисобланади.  
Афсуски, унинг адабий мероси бизгача тўлиқ етиб кел-  
маган. Аллома адиб бадиий асарларининг тадқиқотчилари  
ҳозирча форс-тожик тилидаги 46 рубоий, 4 ғазал, 5 қитъа  
ва 2 байт шеърни Шайх ур-раис қаламига мансуб санаб,  
унга нисбат берилган бошқа шеърларга бир оз шубҳа  
билан қарайдилар. Бу ижод маҳсулининг асосий қисмини  
рубоийлар ташкил этиб, уларнинг бир қисми Умар Хай-  
ёмга ҳам нисбат берилади. Бундан ташқари, 1957 йили  
Техронда чоп этилган девонида Ибн Синонинг 26 та  
арабча шеъри келтирилган. Улар умрнинг ўткинчилиги,  
қарилликдан шикоят, панду насихат ва ишқий мавзуларда.  
Бу шеърларидан ирфоний мавзудаги «Қасидаи айния»си  
машҳур.

Абу Али ибн Сино 1037 йили Эроннинг Ҳамадон  
шаҳрида вафот этади. Буюк аллома мақбарасидан кеча-  
кундуз сайёҳлар, зиёратчилар қадами узилмайди.

Ибн Синони Шарқда фалсафий шеърятни бош-  
лаб берган шоир сифатида билишади. Чиндан ҳам, бу  
қомусий олим олам ва одам ҳақидаги илмий-фалсафий  
қарашларини биринчи бўлиб шеърятга сингдирди. Ху-  
сусан, рубоийларида унинг теран илмий фикрлари, кенг  
фалсафий мушоҳадаларини кўрамиз. Буюк файласуф  
оламнинг Оллоҳ томонидан яратилганини эътироф этган  
ҳолда, табиат ҳодисалари, инсон вужудининг фаолия-  
тига реал қарагани, дунёвий илмлар ривожига катта  
ҳисса қўшганини яхши биламиз. Айниқса, тиб илмида  
у шунчалик илгарилаб кетганки, ўз даврида у даволай

олмаган касаллик бўлмаган ҳисоб. Замонасининг барча олиму донишмандлари унинг бу борадаги бекиёс илми ва истеъдодига тан берганлар. «Тиб қонунлари» асари асрлар давомида Шарқдагина эмас, Ғарбда ҳам тиббиёт соҳасидаги асосий қўлланма бўлиб келганлиги маълум. Ибн Сино асарлари XII асрдан бошлаб лотинчага, у орқали Европа тилларига таржима қилина бошлаган. Жумладан, «Тиб қонунлари» асарининг ўзи лотинчада 40 марта тўлиқ нашр этилган. Унинг оддий дориларга бағишланган иккинчи қисмида 800 га яқин дориларнинг хусусияти, уларни тайёрлаш ва истеъмол қилиш усуллари баён қилинган. Шунинг учун ҳам тиббиёт илмининг бобакалони фахр ва армон билан ёзган эдики:

Кўк тоқигача ер қаъридан асли азал  
Ҳар қанча тугун бўлса, ақл айлади ҳал.  
Ҳар макру фириб бандини ечсам-да тугал,  
Кўнглимда тугун бўлиб фақат колди ажал<sup>1</sup>.

Файласуф олим сифатида у Оллоҳ ва олам, Оллоҳ ва одам, олам ва одам муаммолари, инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти, шахс ва жамият муносабати устида теран тафаккур юритган. Бу масалалар ҳамма замонларда ҳам фалсафанинг муҳим ва долзарб муаммоларидан бўлган. Бу масалаларга у ёки бу даражада дахл қилмаган файласуф ҳам, мутафаккир шоир ҳам йўқ ҳисоби. Ўз даврининг барча илмларини чуқур билган, азалий ва абадий мавзулар устида умуминсоний миқёсда мушоҳада қилган Ибн Синонинг салмоқли фалсафий мазмунга йўғрилган ҳар бири ҳикмат даражасидаги рубойлари унинг ҳам бу масалаларни четлаб ўтмаганининг ёрқин далилидир.

Ибн Синонинг фалсафий қарашларига кўра, борлиқ иккига бўлинади: вужуди вожиб (зарурий вужуд) ва вужуди мумкин (имконий вужуд). Вужуди вожиб бу — Худо, вужуди мумкин — ундан келиб чиқадиган олам ва ундаги нарсалар. Улар орасида сабаб ва оқибат муносабати мавжуд бўлиб, бу жараёнда дунёдаги барча нарсалар тажаллий, яъни қуёшдан таралаётган нур шаклида илоҳий вужуддан келиб чиқади. Оллоҳ — боқий, унинг оқибати бўлмиш одам — фоний. Образли қилиб айт-

<sup>1</sup> Шоир рубойлари муаллиф таржимасида берилмоқда.



ганда, Оллоҳ — жоң, олам — бадан, фаришталар — унинг сезги хоссалари, барча жонли ва жонсиз нарсалар эса аъзолари бўлиб, тавҳид (Оллоҳнинг ягоналиги) аслида шу — қолган барча қарашлар кишини чалғитадиган тахминлардан иборат. Файласуф шоирнинг қуйидаги рубоийси худди шу ҳақда:

Ҳақ — жони жаҳоннинг-у, жаҳон бўлса — бадан,  
Бу танни(нг) сезиш ҳисси малак жинси билан.  
Бор жонсиз-у, жонли мавжудот аъзосидир,  
Тавҳид шу-ю, қолган бариси ҳийла экан.

Бу дунёда ҳеч нарса бутунлай йўқ бўлиб кетмайди, балки бошқача шаклда қайта туғилади — икки олам соҳиби бу дунёни тарк этган нимаки борки, уларни ўз хазинасида эҳтиёт қилиб сақлайди ва фалак яна шу ҳолга эврилганда ўзининг илоҳий пардасидан ташқарига чиқаради:

Кетмас йўқолиб ҳеч нима беному нишон,  
Ғайб оламидан жой олади у шу замон.  
Бир кун яна ўз аслига эврилса фалак,  
Сир пардасидан чиқаргуси Ҳақ бегумон.

Маълумки, илм — тубсиз бир уммон. Қанча кўп ўқиганингиз сари шунча кам нарсани билишингизни англаб бораверасиз. Мутафаккир шоир Алишер Навоий: «Бўлди ўз нодонлигимни англамоқ донолигим», — деб бежиз айтмаган. Ибн Синонинг замонанинг барча илмларини эгаллаб, туну кун тафаккур қилиш натижасида дунёдаги ҳамма нарсанинг сир-синоатига етдим, менга маълум бўлмаган нарса қолмади, лекин билимим ҳақида чуқур ўйласам, ҳеч нарсани билмаслигим маълум бўлди мазмунидаги мана бу рубоийси шу хусусда:

Сўз қолмади парда ичра ҳеч маълум эмас,  
Дунёда бирор сир мен учун мавҳум эмас.  
Мен маърифатингда кўп тафаккур қилдим,  
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас.

Бошқа бир рубоийда эса бу фикрни янада чуқурлаштириб, мен ҳатто ўзимнинг кимлигимни, бу дунёда нега овора бўлиб юрганимни ҳам билмайман, дейди:

Кошки билсам — мен ўзи қандай инсон?  
Дунёда нима деб бу қадар саргардон?  
Ёр бўлса агар бахт — яшасам хуш-хандон,  
Ёр бўлмаса, йиғласам тўйиб беармон.

Алишер Навоий ҳам ғазалларидан бирида: «Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топмамон», — деган эди. Бу мазмундаги фикрларнинг асосида тасаввуфий маъно ётади. Ўзни топиш, ўзни англаш, яъни ўзлик — инсоннинг дунё, нафс ва жисм билан боғлиқлиги. Улар ҳар лаҳза кишига ўзлигини эслатиб, уни Худо ёдидан чалғитади. Хожа Ориф Ревгарийнинг айтишича, дунёга қаттиқ боғланган киши илоҳий парвоз қилолмайди, бинобарин, талаб водийсига қадам қўёлмайди. Шунинг учун ҳам Навоий: «Ўзлугумдин ўзга ул юзга ҳижобе топмадим», — деган эди. Яъни менинг ўзлим — дунё, нафс ва жисм тўсиқ бўлиб, ҳақиқий ёрнинг юзини мендан тўсиб турибди.

Ўзининг кимлигини англаб етган инсон дунёнинг ҳам, нафснинг ҳам, жисмнинг ҳам фонийлигини, уларнинг барчаси кишини асосий мақсаддан — Ҳақдан чалғитадиган воситалар эканлигини теран идрок этади ва дунёга кўнгил қўймайди, нафс хоҳишларига эргашмайди, жисмоний лаззатларга берилмайди. Бинобарин, шоирлар мен ҳали ўзимни топганимча, ўзлимни англаб етганимча йўқ, деб ёзар эканлар, бундай фикрларни уларнинг дунё, нафс ва жисм хавасларидан буткул қутулмаганликларининг эътирофи сифатида тушуниш керак. Шарқда Абулмаоний — маънолар отаси номи билан шуҳрат қозонган Мирзо Бедил ҳам рубоийларидан бирида «Инсон гаштан ба худ расидан будаст» — «Инсон бўлиш ўзликка етишиш экан», дейди.

Мен улуғ бўлдим у кенг дунё тор бўлиб қолди, қимматим ошди-ю, харидор топилмади дея ўзини дарбарликка маҳкум этган оғир қисматдан нолиган аллома сарсон-саргардонликда кечган ҳаётида жуда кўп режалари амалга ошмай қолгани, ўзи кўзлаган мақсадга етолмагани, кўнглида минг қуёш нур сочса-да, камолга йўл тополмаганлигини шикоят, норозилик йўсинида мисралар қатига мана бу тарзда нақш этади:

Дил дунё биёбонида оз чопган эмас,  
Кўп билса-да, ўз нуксини ҳеч ёпган эмас.

Кўнглимда агарчи минг қуёш порлар эди,  
Охирда камолга зарра йўл топган эмас.

Ибн Синонинг кўпчилик шеърлари унинг шоирлик салоҳияти баланд бўлганлигидан далолат беради. Бу шеърларда мазмун чуқур бўлибгина қолмай, шакл ҳам гўзал, бадиий санъатлар ҳам маҳорат билан қўлланган:

Май мангулик бахш этар эмиш, қуй, соқий!  
Кўнглингга хузур етар эмиш, қуй, соқий!  
Куйдирса-да ўт каби, ғамингни аммо  
Сувдек оқизиб кетар эмиш, қуй, соқий!

\* \* \*

Эй нафс, кидирганинг мудом хою ҳавас,  
Ўзингни химоя қилгали шош бу нафас.  
Дунё дема, қўй хийлани, мансаб тилама,  
Душманлик ишинг ҳамиша, ҳеч дўстлик эмас!

Донишманд шоирнинг ахлоқий мавзудаги шеърлари ҳам қуруқ панд-насихатдан иборат бўлмай, теран фалсафий мазмун билан йўғрилган:

Бир-икки жаҳолат майдан маст эрлар  
Доно санаб ўзни, асабингни ерлар.  
Эшшак бўла қолким, улар эшшаклигидан  
Ким бўлмаса эшшак, уни кофир дерлар.

Бу рубоийда киши қанча нодон бўлса, шунча жоҳил бўлади, жоҳил билан эса фақат унга тенг бўлиб гаплашиш керак, акс ҳолда, сени одам сафига қўшмайди, деган аччиқ ҳақиқат бадиий талқин қилинган.

Бу дунёни ҳамма ўз қаричи билан ўлчайди, лекин ҳеч кимнинг дунёнинг ўз қаричига сиғиш-сиғмаслиги билан заррача иши йўқ.

Жоҳилга гап уқтириб бўлмайди, унга фақат ён бериш керак.

Рубоийда кучли захарханда, ўткир киноя мавжуд: нодоннинг жаҳолати шундаки, у ўзининг нодонлигини фазилат, аҳмоқона қилмишларини ибрат деб ҳисоблайди. Донишмандлар бежизга жаҳолат — инсониятнинг кулфатидир дейишмаган.

Парадоксни қарангки, инсон қанча доно бўлса, ўзини шунча нодон деб ҳисоблайди, қанча нодон бўлса, ўзини шунча доно деб билади:

Кўнглим сира илм таҳсилдан махрум эмас,  
Қолди жуда оз сир менга то мавхум эмас.  
Етмиш икки йил тинмай илм ўргандим,  
Маълум бўлди: ҳеч нима маълум эмас.

Лекин Ибн Сино нафақат фалсафий, балки гўзал ва ҳассос ишқий рубоийлар муаллифи эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу мавзудаги рубоийлар унинг нафақат теран фикрлар ифодаси, балки нозик туйғулар тасвирида ҳам тенгсиз маҳорат кўрсатганлигининг ёрқин мисолидир:

Зулфинг шундай агарда ларзон бўлади,  
Анбар баҳоси ҳамиша арзон бўлади.  
Яхшиям юзинг зулф ичра пинҳон бўлади,  
Йўқса нуридан туну кун яксон бўлади.

\* \* \*

Аждар каби сочингда хатар тўлғонади,  
Елкангда нега у ҳийлагар тўлғонади?  
Кўргач ўша лаъл лабингда зумрад бордир,  
Аждар каби белинга қадар тўлғонади.

Инсон умрини гулга қиёслаб ёзган мана бу рубоийси ҳам гўзал:

Дил тўла ғаму аммо куламиз гулдек,  
Бир лаҳза яшаймизу ўламиз гулдек,  
Бир лаҳза кучоқларга тўламиз гулдек,  
Бир лаҳза ўтиб, яна сўламиз гулдек.

Аслида алломанинг шеърый иқтидори юксак бўлганлиги унинг деярли барча шеърларидан билиниб туради. Чунончи, унинг қуйидаги рубоийси илму адаб аҳли орасида ниҳоятда машҳур:

Кофирга чикармоқ мени осон йўқдир,  
Ҳеч бир кишида мендаги имон йўқдир.  
Мендек имони бут киши кофир бўлса,  
Бас, жумла жаҳонда бир мусулмон йўқдир!

Алломанинг салафлари ва замондошлари, жумладан, Абу Абдуллоҳ Рудакий рубойларининг асосан ишқий, Шайх Абусаид Абулхайр рубойларининг эса тасаввуфий мазмунда эканлигини назарда тутсак, том маънодаги фалсафий рубойлар дастлаб Абу Али ибн Сино ижодида учраши маълум бўлади. Бинобарин, ўз рубойлари мисолида у Шарқ сўз санъатида чинакам фалсафий шеърятни бошлаб берди. Кейин ўзини Шайх ур-раиснинг ҳароратли шогирди деб ҳисоблаган Умар Хайём азал ва абад, олам ва одам муаммолари хусусида теран фалсафий рубойлар яратиб, уни жаҳон сўз санъатининг етакчи жанрларидан бири каторига олиб чиқди.

## ОРИФЛАР СУЛТОНИ

Абу Фазлulloҳ ибн Абулхайр Муҳаммад ибн Аҳмад Меҳнавий 967 йили Хуросондаги Ховарон вилоятининг Шарқда машхур Меҳна қишлоғида туғилади. Унинг сўфийлик йўлига киришига отаси сабаб бўлган. Асли касби атторлик эканига қарамай, Абулхайр тасаввуф аҳлини дўст тутар ва уйда сўфиёна мажлислар уюштирар эди. Бундай мажлислар уларнинг доимий иштирокчиси бўлган Абусаидни Ҳақ ошиғига айлантиради.

Зехни ўткир ва тиришқоқ Абусаид 11 ёшидаёқ хушовоз ҳофизни Куръон, зукко шеър мухлиси сифатида тилга тушади. У 30 минг байт арабча шеърни ёд билар, ўқиган китобларини шарҳлаб ва тушунтириб беришда тенги йўқ эди. Кейин Марвга бориб, Абу Абдулло Ҳазрий хузурида араб тили ва ислом асосларидан таҳсил олади. Унинг вафотидан сўнг Абу Бакр Қаффоли ёнида беш йил давомида фикҳни ўрганади. Шу даврда шеър ёзишни ҳам бошлайди. 22 ёшида Марвда Абу Али Шабуъий кўлида «Саҳиҳи Бухорий»ни ёд олади. 30 ёшида Сарахсга бориб, замонасининг буюк алломаси Абу Али Зоҳирдан шарият асослари, тафсир бўйича таълим олади. Илмини камолга етказгач, у ўз хонақоҳини очиб, муридлар тарбиясига машғул бўлади. Боязид Бистомий, Мансур Ҳаллож каби машхур тариқат пирларини ўзига устоз санаб, уларнинг анъаналарини давом эттирган Абусаид Абулхайрнинг ўзи ҳам юзлаб шогирдлар етиштиради. Улар орасида Абу Али Фарюмадий, «Хужжат ул-ислом» Муҳаммад Ғазолий, Озарбайжонда 400 хонақоҳ қурдирган Абу

Наср Ширвоний сингари ислом ва тасаввуф оламида машхур арбоблар бор. «Алломанинг бутун умри Бишр Ёсин, Ҳасан Сарахсий, Бобойи Ховароний, Абдурахмон Сулабий, Абулҳасан Машшоний, Абу Али Сиёҳ, Абу Али Даққоқ, Абулқосим Гургоний, Айнулқуззот Ҳамадоний, Абулаббос Шаққоний, Абумуслими Форсий, Абу Жаъфар Банжирзуҳий, Абу Исҳоқ Козуруний сингари юзлаб алломалар даврасида ўтди. Абулхайр замонасидаги диний ва дунёвий билимлар пешволари Абулҳасан Харақоний ҳамда Абу Али ибн Синолар билан бир неча бор учрашиб, суҳбатлашган, дунёвий, рухий-илохий билимлар бўйича баҳслашган, Ибн Сино билан доимий мукотабада бўлган»<sup>1</sup>.

Нақл қилишларича, бири — зоҳирий (дунёвий), иккинчиси — ботиний (илохий) илмларда тенгсиз бўлган бу икки улуғ зот бир-бирининг овозасини эшитиб, Нишопур шаҳрида учрашадилар. Олим ва Шайх суҳбати уч кеча-кундуз давом этади. Шундан кейин шогирдлари Ибн Синодан: «Шайх ҳақидаги фикрингиз қандай?» — деб сўраганларида: «Ҳар неники, мен билсам, у ҳис қилади», — деб жавоб беради. «Аллома ҳақидаги фикрингиз қандай?» — деб муридлари Абусаидга мурожаат қилганларида эса: «Ҳар неники, мен ҳис қилсам, у билади», — дейди.

Абусаид Нишопур ва Омул шаҳарларида ҳам бир муддат яшаб, халқни Ҳақ йўлига ҳидоят қилган, оташин ваъзлар ўқиб, минглаб мухлислар орттирган.

Султон ул-орифин — Орифлар султони деган шарафли унвонга сазовор бўлган, Абусаид Абулхайр, Шайх Абусаид Меҳнавий (кўпгина адабиётларда Майҳаний) номлари билан мусулмон оламида шуҳрат қозонган бу улуғ инсон 1049 йили она қишлоғи Меҳнада вафот этган. Унинг қабри устига салжук султонлари томонидан тикланган мақбара ҳозир ҳам мавжуд — маҳаллий аҳоли уни «Мона бобо мозори» деб аташади.

Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳикоя қилишларича, Шайх Абусаид Абулхайрдан: «Жанозангиз олдида қайси оятни ўқисинлар?» — деб сўраганларида, ул зот шундай жавоб қилибдилар: «Оят ўқимоқ улуғ ишдир. Бу байтни ўқисинлар:

<sup>1</sup> Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Тошкент, 2004 йил, 86–87-бетлар.

Чист аз ин хўбтар дар хама офок кор —  
Дўст расад назди дўст, ёр ба наздики ёр.

Мазмуни: «Дунёда дўстнинг дўст, ёрнинг ёр наздига этишишидан ҳам ортиқ яхши иш борми?»

«Кутби олам Абусаид Абулхайр қаддасаллоху сирруху барча акобир ва машойихлар қалбининг подшохи эди. Бу дунёда ҳеч кимдан бу қадар кўп каромату риёзат нақл бўлган эмас. У — фонийи мутлақ, у — боқийи барҳақ, у — илоҳий махбуб, у — ниҳоятсиз маъшук, у — мамлакат нозанини<sup>1</sup>, у — маърифат бўстони, у — фалакни сайр этувчи арш»<sup>2</sup>, — деб васф этган эди уни Фаридиддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» асарида. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да бу таърифни давом эттириб, уни «шариат султони», «тариқат султони», «замона султони», «тариқат аҳлининг хусни», «қулуб мушрифиди», яъни «қалбларни ўзига қаратган зот» каби сифатлар билан улуғлайди. Унинг замонида барча машойих Абусаидга тобе эдилар, дейди.

Нақл қилишларича, Абусаид Абулхайр нафақат до-нишманд, балки яхшигина табъи назми бор, ўзи дилкаш ва суҳбати ҳузурбахш киши бўлган. Эронда унинг 720 рубойиси ва пароканда шеърларини ўз ичига олган «Суханони манзуми Абусаид Абулхайр» тўплами ҳамда шайхнинг сўзлари ва ҳолатлари баёни, у ҳақдаги ҳикоятлар асосида тартиб берилган «Асрор ул-тавҳид» номли икки жилдли маноқиб нашр этилган. Хусусан:

Хавро ба назораи нигорам саф зад,  
Ризвон ба ажаб бимонду каф бар каф зад,  
Он холи сиях бар он рух мутраф зад,  
Абдол за бим чанг дар Мусхаф зад<sup>3</sup>, —

рубойиси шоирга фавқуллода шуҳрат келтирган.

<sup>1</sup> Бу иборани, бизнингча, «Худонинг суюклиси», «Оллоҳнинг эркаси» тарзида талкин қилиш лозим. (Э.О.)

<sup>2</sup> Бу иборанинг мазмуни: «Илоҳий оламни сайр этувчи улуғ зот», демакдир. (Э.О.)

<sup>3</sup> Маъноси: «Хурлар нигоримни кўриш учун саф тортдилар. Жаннат ҳам хайратланиб, қарсак чалиб юборди. У қора холли махбуба юзларига парда тортганида абдол (Худонинг хос бандалари, яқинлари) кўрқувдан Кўрбонга чанг солди».

Бу рубойни соҳибкирон Амир Темур ҳам ёд билган. Гап шундаки, Темурнинг ўғли Мироншоҳ ичкиликка берилиб, кўпгина номатлуб ишларни содир этади. Амирнинг фармониغا кўра шахзоданинг бундай ёмон йўлга киришига сабабчи бўлганлардан Мавлоно Муҳаммад Кохий билан Устод Қутб Нойининг боши танидан жудо қилинади. Аммо улардан бири — Хожа Абдулқодир кочиб кетади ва бегона юртларда ўзини девоналикка солиб юради. Темур Ироққа юриш қилганида қочокни тутиб келадилар. Шунда Қуръонни ёд билган ва яхшигина қироати бўлган Хожа Абдулқодир бир Қуръон ўқимоқ қиладиким, Соҳибкироннинг қаҳри меҳрга айланиб, кўнгли юмшайди, атрофидагиларга қараб қуйидаги машҳур мисрани ўқийди:

Абдол зи бим чанг бар Мусхаф зад.

Мазмуни: «Дарвеш қўрқувдан Қуръонга чанг солди».

Мазкур воқеани ҳикоя қилар экан, Алишер Навоий Темурнинг бу мисрани жуда «бавақт», яъни айни мавридида ўқигани, «бундоқ латиф сўз нафақат йиллар, балки асрларда ҳам воқеъ бўлмас»лигини<sup>1</sup> таъкидлайдиким, Шамс ул-миллатнинг айни сўзини яхши англаганимиз туфайли яқин-яқингача ҳам ушбу сатрни жаҳонгирга нисбат бериб келардик. Ҳолбуки, у Абусаид Абулхайр қаламига мансуб бир рубойининг сўнгги мисраси бўлиб, Темур даврида ҳам машҳур эди. Мазкур рубой шарҳига бағишлаб Сайид Неъматуллоҳ Валий уч рисола ёзган. Амир Сайид Қосим Анвор, Шайх Озарий ва Хожа Аҳроп Валий ҳам унга махсус рисола бағишлаганлар.

Абусаид Абулхайрга «қабул назари» Шайх Абулқосим Бишр Ёсиндан тушган: у Абусаиднинг келажагини башорат қилиб, «олам анинг била тирилгусидур»<sup>2</sup>, деган эди. Сўнг Сарахсда Шайх Абулфазл Ҳасан Сарахсийга мурид бўлиб, ундан тариқат одобини ўрганadi. Устининг даъватига кўра Нишопурга бориб, ўз даврининг машҳур олими Абдурахмон Сулабий қўлида диний илмларини камолга етказиб, иршод даражасини олади. У шайхлик хирқасини Шайх Абулаббос Қассоб Омулий қўлида кияди.

<sup>1</sup> *Алишер Навоий*. Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд (Мажолис ун-нафонс). Тошкент, 1997 йил, 163—164-бетлар.

<sup>2</sup> *Алишер Навоий*. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. (Насойим ул-мухаббат). Тошкент, 2001 йил, 207-бет.



Тасаввуфга оид манбаларда Абусаид Абулхайр тариқатга шеърятни омихта этган шайх сифатида тилга олинади. Сўфиёна ғояларни акс эттирган илк қитъа ва рубоийлар ҳам унинг қаламига мансуб. Улар муридлар томонидан ўртага қўйилган масалаларга жавоб тариқасида дунёга келган ҳамда «Асрор ут-тавхид» китобида жамланган. Шундан келиб чикиб, айтиш мумкинки, тариқат шайхларининг шеърятга мурожаат қилиши Абусаид Абулхайрдан бошланган.

Абусаид Абулхайр самоъ (арабча: эшитиш) мажлисларини қизитиш учун дастлаб ишқ-мухаббат мавзуидаги халқ тўртликларидан фойдаланган бўлса, кейинчалик ўзи ҳам рубоийлар ижод қилиб, уларда тасаввуф ақидаларини баён қилган. Абусаидга эргашган тариқат пирлари бу анъанани ривожлантириб, янада мустаҳкамлаганлар. Маълум бўладики, Абусаид Абулхайр шайхлик ва шоирликни — тариқат ва шеърятни ўзаро омихта этган илк тасаввуф пирларидан бўлиб, ўзидан кейинги тасаввуф адабиётига катта таъсир ўтказган.

Илоҳий ишқ васфи, эзгулик ва эзгу амаллар, яхши ахлоқ тарғиби, вафо ва садоқат, хижрон туйғулари, замонадан ва нафсдан шикоят ва бошқа мавзулар Абусаид Абулхайр рубоийларининг асосини ташкил қилади. Бу намуналар, аввало, жозиб оҳанги, шавқангез руҳи ва дақиқ маъноси билан кишини ўзига тортади. Улар халқ оғзаки ижодига яқин, раво ва енгил услубда ёзилган. Чунончи, халқ йўлида битилган қуйидаги рубоий ҳам мазмунининг оддий ва теранлиги, ифода тарзининг содда ва гўзаллиги, оҳангининг жозиб ва ўйноқилиги билан кўнгилда завқ уйғотади. «Гўзалларга нега дил бердинг?» — деган саволга лирик қахрамон: «Мен-ку кўнглимни берган эмасман-а, лекин сулувларнинг ўзлари уни олиб қўйдиларда», — деб жуда нозик ва тағдор, чуқур мазмунли сўз ўйини қилади:

Хушам на мувофиқону хешон бурданд,  
Ин кажкулаҳони мўпарешон бурданд.  
Гўянд, чаро ту дил бад-эшон доди?  
Валлох, ки ман надодам, эшон бурданд.

Таржимаси:

Кўнглимни у ўтли сўзлари олдилар-ей,  
Хам зулфлари, оху кўзлари олдилар-ей.

Дерлар менга: — Дил бердинг уларга не учун?  
Мен берган эмасман, ўзлари олдилар-ей!<sup>1</sup>

Абусаид Абулхайр рубоийларининг асосан худди шундай савол-жавоб, ўзаро суҳбат йўсинида яратилганлиги ҳам уларнинг халқ ичида шуҳрат қозонишига сабаб бўлган бўлса, ажаб эмас.

Ёки:

Ди зулфи абирбези анбарсоят,  
Аз тарфи баногўши суман симоят.  
Дар пой ту афтоду ба зори мегуфт:  
«Сар то поям фидои сар то поят!»

Таржимаси:

Хушбўй хидига мушк ила анбарни гадо  
Қилгувчи у сочинг кеча, эй нозик адо,  
Тушди оёғинг остига-ю, қилди нидо:  
«Бошдан-оёғим бошдан-оёғингга фидо!»

Рубоийни ўқир экансиз, кўз ўнгингизда сочи тақимини ўпган гўзал бир қиз намоён бўлиши шубҳасиз.

Мана бу рубоийда эса шоир ўзининг бадиий маҳоратини намоён этган: ҳам моҳирона ўхшатиш, ҳам кучли қаршилантириш — тазод орқали маъшуқа таърифини берган:

Бикшуд нигори ман ниқоб аз тарафе,  
Бардошт сапедадам хижоб аз тарафе,  
Гар нест қиёмат зи чи рў гашт паид  
Моҳ аз тарафеву офтоб аз тарафе.

Таржимаси:

Очди ўша дилбарим ниқоб бир ёқдан,  
Хам тонг кўтарди-ку хижоб бир ёқдан,  
Кўпган эмаса қиёмат юз очди нега  
Бир ёқдан ул ойу офтоб бир ёқдан?!

Рубоийда бир неча бадиий санъатлар ишлатилган: ўхшатиш, муболаға, тазод, тажохули орифона. Умуман, Абусаид рубоийлари бадиий санъатларга бойлиги билан

---

<sup>1</sup> Рубоийлар муаллиф таржимасида берилмоқда.

ажралиб туради. Бу шайхнинг шоирлик истеъдоди ҳам баланд бўлганлигини кўрсатади. Чунки бошқа шайх-шоирлар ижодида биз бу нарсани кўрмаймиз.

Ҳаёт қадрига етиш, умрни мазмунли ўтказиш ғояси барча улуғ инсонлар ижодида асосий ўрин эгаллайди.

Ин умр ба абри навбахорон монад,  
Ин дида ба сели кўхсорон монад.  
Эй дўст, чунон бизи, ки баъд аз мурдан  
Ангушт газидани ба ёрон монад.

Таржимаси:

Бул умр баҳор абри — дўлига қолсин,  
Бул дийдами — тоғларни селига қолсин.  
Шундай яшаким, кўз юмсанг, хайрат қўлини  
Тишламак иши башар элига қолсин! —

деб ёзади бу ҳақда Абусаид Абулхайр. Ҳақиқатда ҳам, умрни эзгуликлар, савоб ишлар, кашфиётлар ва боқий асарлар катига жо этиш лозим, токи авлодлар аждодларининг серқирра ва сермахсул ҳаёт йўлини кўриб, хайратдан бармоғини тишласин. Лекин фақат тасаннолар ўқиш, қойил қолиш билан кифояланмай, ундан ибрат олсин, ўз ҳаёти ва фаолиятини улуғ салафларига мувофиқлаштиришга интилсин.

## МУҲАББАТ ТАРОНАЛАРИ

Форсий адабиётнинг жаҳон сўз санъати ривожига қўшган ҳиссаси беқиёс. Мана, неча асрдирки, Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Носир Хисрав, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Абдулқодир Бедил каби сўз усталарининг дурдона асарлари дунё илму адаб аҳлини хайратга солиб келмоқда. Бу буюк санъаткорлар силсиласида Бобо Тоҳир Урэннинг ҳам ўзига хос ўрни бор.

Бобо Тоҳир Эроннинг шимоли-ғарбидаги Ҳамадон шаҳрида 980 йили туғилган. У ирфон соҳиби, ўз таъбири билан айтганда, самовот илмининг донишманди эди. Мусиқадан яхшигина хабардор бўлиб, ўз тароналарини куйга солиб айтиб юрган.

«Урён» сўзининг луғавий маъноси яланғоч бўлиб, шоир ўзига бу тахаллусни қўллар экан, бизнингча, унинг тасаввуфий мазмунини кўзда тутган: унга кўра урён — бу дунёдан фард бўлишга, Оллоҳ йўлида мужаррад бўлишга ишорадир.

Эрон адабиётшуноси Забехулло Сафонинг маълумот беришича, Бобо Тохир салжукий ҳукмдор Тўғрулбекнинг замондоши бўлган. Тўғрулбек Ҳамадонга келганда у орифи комилу соҳиби мақомот эди. Шундан келиб чиқиб, унинг вафотини 1055 йил деб белгилашади. Олим «Эронда адабиёт тарихи» китобида салжукийлар даврининг машхур адиби ва муаррихи Ровандийнинг «Роҳат ус-судур» («Кўнгиллар роҳати») асаридан қуйидаги ривоятни келтиради: «Тўғрулбек Ҳамадонга келганида шаҳарда авлиёуллоҳдан уч пир яшар эди — Бобо Тохир, Бобо Жаъфар ва Шайх Ҳамшо. Ҳамадонда Хизр отлиғ тоғ бўлиб, улар шу ерда турар эдилар. Султоннинг кўзи уларга тушиши билан лашкарини тўхтатиб, отдан тушади ва вазири Абу Наср Кундурий билан уларнинг қошига келиб, қўлларини ўпади. Бобо Тохир ундан сўрайди: «Эй турк, Худонинг халқини нима қилмоқчисан?» Султон деди: «Сен нима буюрсанг — шу!» Бобо Тохир дейди: «Худо адолатли бўлиш ва эҳсон қилишни буюради». Султон йиғлаб дейди: «Шундай қилғумдур».

Бобо Тохир дарвештабиат киши бўлиб, қаландарона ҳаёт кечирган (афсоналардан бирида айтилишича, у одамлар билан мулоқотдан қочиб, Алванд тоғининг қорли чўққиларини макон тутган). Бу нарса унинг шеърларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топган. Шоирнинг гоҳ орифона мушоҳада-мулоҳазалар, гоҳ ошиқона завқ шавқ билан ёзилган, риндона жазабаю шатҳиётга омихта, ишқу ошуфталик, дарду ҳасратга йўғрилган тароналари унинг мураккаб, нотекис, овир ҳаётидан, руҳий поённинг чексизлигию қалб тебранишларининг ранг-баранглигидан, турфа холатию кайфиятидан хикоя қилади.

Бобо Тохирнинг форсийда тахминан 350 та тўртлиги маълум бўлиб, кейинги вақтларда дунёнинг кўнгина тилларига таржима қилинган. Шоирдан форсийда ёзилган 4 ғазал ҳам қолган дейишади.

Тарихий манбалар ва таъкирларда берилган маълумотларга кўра, унинг араб тилида тасаввуф масалаларига бағишланган бир неча рисоалари мавжуд. Лекин ҳозирги

кунда унинг «Каламоти қассор» («Мухтасар сўзлар») асари маълум. У Бобо Тоҳирнинг тасаввуфий ақидалари ва ахлоқий фикрлари мажмуидан иборат. Шунингдек, унинг арабча икки маснавийси ва бир неча китъалари бизгача етиб келган. Уларнинг барчасида ирфон ақидалари, сўфиёна маърифату ҳақиқат, зикру ибодат, важду илҳом ва жазбаю муҳаббат хусусида сўз боради.

Бобо Тоҳирнинг номини оламга ёйган унинг дубайтийлари — тўртликлари ҳисобланади. Бу жанрнинг ўзига хослиги шундаки, у арузнинг фақат хазажи мусаддаси маҳзуф (мақсур) вазнида яратилади. Бу вазн форсий ва туркий шеърятда фаол қўлланибгина қолмай, ҳар икки халқ кўшиқларининг кўпи ҳам айни шу вазнда.

Бобо Тоҳир ўзи мансуб лурий лаҳжасида, халқона усулда, содда ва равон услубда ёзади. Лекин шоир тароналаридаги ташбеҳу тимсоллар ўзининг гўзал ва оҳорлилиги, маънолар кенг ва теранлиги, фалсафий фикру мулоҳазалар кўламли ва ҳаққонийлиги билан кишини ҳайратга солади.

Сабо келтурса ул кокул хидини,  
Кетар босиб гулу сунбул хидини.  
Ҳаёлингни кучоклаб ётсам тунда,  
Тўшагим тарқатар тонг гул хидини!<sup>1</sup>

\* \* \*

Сенинг ишқингда битди сабру бардош,  
Кўзим ёши эгар шинҳон сирим фош.  
Бу ошиқ кўнгли мисли ҳўл ёғочдир —  
Куяр бир учи, бир учи тўкар ёш.

Бобо Тоҳир шеърлари бир парча чўкка ўхшайди: бу чўғ музлаган қалбларни эритади, сокин кўнгишларни тўлқинлантиради, ошуфта дилларни ёндиради.

Бу тароналар бежиз форс мумтоз сўз санъатининг олтин фондидан жой олмаган.

Маълумки, Бобо Тоҳир илоҳий ишқ куйчиси эди. Шоир номига қўшилган «Бобо» унвони ҳам унинг тасаввуф пирлари жумласидан бўлганлигини кўрсатади. Таъбир жоиз бўлса, шоир шеърларида илоҳий ва инсоний ишқ ажиб бир тарзда уйғунланиб кетган, уларни ўзаро

<sup>1</sup> Дубайтийлар муаллиф гаржимасида берилмоқда.

ажрагиб, мана бу — илохий, мана бу эса — инсоний ишқ, деб бўлмайди. Шоирнинг комил ишончига кўра илохий ишқ инсоний ишқдан ўсиб чиқади ва ўз навбатида, инсоний ишқ юксала бориб, пировард натижада илохий ишққа айланади.

Бобо Тохир ижодида замонадан, одамлардан, чархи фалакдан шикоят мотивлари, ўткинчи дунёни танқид қилиш оҳанглари ҳам учрайди. Бу унинг ўз даври билан ҳамнафас шоир бўлганлигини тасдиқлайди.

Менинг дардим каби дард йўқ жаҳонда,  
Бу сўнгсиз дарду ғамдан дил фиғонда.  
Хабардор бўлса ким дарду ғамимдан,  
Қолар ғам ичра мисли Нух тўфонда.

\* \* \*

Кўриб жабру жафо чарху фалакдан,  
Аримас қайғу-ғам бир дам юракдан.  
Самони бўйласа охим тутуни,  
Кўзим ёши энар настга этакдан.

Бобо Тохир тароналари халқона бўлганлиги учун китоблардан кўра халқ оғзида кўпроқ тарқалган ва асосан халқ хотираси орқали бизгача етиб келган. Шоир шеърларини ўз ичига олган қўлёзмаларнинг аксар XVIII—XIX асрларга тааллуқли эканлиги ҳам бунинг ёрқин далилидир. Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Тожикистонда улар, айниқса, машҳур ва кўпинча халқ оғзаки ижоди намуналари билан қўшилиб кетган. «Муаллифнинг ватани бўлмиш Эронда, ҳатто саводсиз аҳоли ўртасида ҳам унинг ҳеч бўлмаса икки-уч таронасини ёддан билмайдиган кишини топиш қийин», — деб ёзади озарбайжонлик тадқиқотчи Ғазанфар Алиев<sup>1</sup>.

Бобо Тохир тўртликлари бугунги кунда ўзбек китобхонлари томонидан ҳам севиб мутолаа қилинмоқда. 1989 йили шоирнинг 190 та тўртлиги форс-тожик мумтоз шоирлари ижодидан тартиб берилган «Инжулар уммони» китобида босилиб чиқди. 1994 йили эса «Шарқ классиклари меросидан» туркуми остида Рудакий ва Бобо Тохир шеърлари «Сайланма» номи билан бир жилдда

<sup>1</sup> Алиев Г. Предисловие // *Баба Тахир*. И небу, и земле... Москва, 1971 г. С.3.

чоп этилди. Унда шоирнинг 302 та тўртлиги берилган. Тўртликларни Ш. Шомухамедов таржима қилган.

Шарқ фалсафаси ва адабиётининг билимдони Абулҳаким Шаръий Жузжоний ҳам Бобо Тохирнинг 19 та тўртлигини (10 таси — аруз, 9 таси — бармоқ вазнида) таржима қилиб, мухтасар сўзбоши билан «Тасаввуф ва инсон» китобида чоп эттирди<sup>1</sup>. Мутаржимнинг аруздаги таржималари бирмунча муваффақиятли чиққан. Лекин бармоқ вазнидаги таржималарида вазн, қофия жихатидан баъзи қусурлар мавжуд.

Биз ҳам Бобо Тохирнинг 327 та таронасини асл арузий вазнини сақлаган ҳолда ўзбекчага таржима қилдик. Аввалги таржималарда содир этилган маъно бузилишларини тузатишга интилдик. Шунингдек, шоир маҳоратини тўртликларининг бадииятини ҳам имкон қадар қайта яратишга ҳаракат қилдик. Токи ўзбек китобхонлари Бобо Тохир тўртликларининг нафақат мазмунидан, балки бадиий гўзаллиги, шеърий балогатидан ҳам баҳраманд бўлишсин.

## ФОЗИЛЛАР ФОЗИЛИ

Машхур форс-тожик шоири, адиби ва мутафаккири Носир Хисрав (Тўлиқ исми Абумуъиниддин Носир Хисрав ал-Қубодиёний) 1004 йили Қубодиёнда ўзига тўқ хонадонда дунёга келиб, бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олади. Кейин илмини камолга етказиш учун Марв ва Балх мадрасаларида таҳсилни давом эттиради. Математика, астрономия, фалсафа, тарих, адабиёт, калом, мусика, география, тиббиёт ва бошқа фанларда ўз даврининг яғонаси бўлган комусий олим бўлиб етишади.

«Носир Хисрав бу даврда улуғ ватандошлари Абу Али ибн Сино, Форобий асарларини чуқур ўрганади ҳамда бутун умрга уларнинг содиқ шогирди ва давомчиси бўлиб қолади. Бундан ташқари, у қадим дунё файласуфлари Сократ, Платон, Аристотель таълимотини ўрганиш билан шуғулланади»<sup>2</sup>.

Носир Хисрав Маҳмуд Фазнавий ва унинг ўғли Масъуд саройида мирзалик қилган, солиқ маҳкамасини бошқарган.

<sup>1</sup> Қаранг: *Абдулҳаким Шаръий Жузжоний*. Тасаввуф ва инсон. Тошкент, 2001 йил, 157—161-бетлар.

<sup>2</sup> Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб. Тошкент, 1995 йил, 56-бет.

Салжукий ҳукмдорлардан бирининг саройида ҳам бир муддат ишлаган. У 40 ёшида сафарга отланиб, етти йил (1045–1052) давомида Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ мамлакатларини кезиб чиқади. Саёхатлари вақтида адолатли ҳукмдорлар туфайли осойишта ва фаровон шаҳарларни кўрган шоир кейинчалик ўз асарлари орқали одил подшоҳ ғоясини илгари суради.

Мисрда уч йил яшаб, фотимийлар<sup>1</sup> тариқатига киради ва исмоилийлар<sup>2</sup> маслагини қабул қилади. Фотимийлар бутун дунёни эгаллашни мақсад қилиб, уни 12 жазира (орол)га бўлган эдилар. Носир Хисрав Хуросон бўйича жазира бошлиғи – Хужжат этиб тайинланади (У қатор шеърларида Хужжат тахаллусини ҳам қўллаган. Лекин баъзилар уламо ва ҳукамо билан баҳслашганда далилу хужжатлари мустаҳкам фозил киши бўлганлигидан хужжат лақабини олган, дейдилар). Махсус топширик билан Балхга қайтгач, бу ерда исмоилийлик ғояларини кизғин тарғиб-ташвиқ қила бошлайди. Унинг бу ҳаракати сунний мазҳабидаги уламолар ва салжукий ҳукмдорларга ёқмай, уни шиалик ва кофирликда айблаб, ўлимга ҳукм қилишади. Шундан сўнг у Бадахшондаги Ҳазрати Саййид қишлоғидаги Юмғон дарасини макон тутиб, қолган 25 йиллик умрини шу ерда ўтказади. Бадахшоннинг ўша вақтдаги ҳокими Али ибн Асад исмоилия мазҳабини қабул қилгани учун шоирни ўз химояси остига олади. Унинг даъватлари натижасида бу ерда исмоилийлар жамоаси вужудга келади ва улар асрлар давомида ўз эътиқодларига содиқ қоладилар. Носир Хисрав 1088 йили вафот этади. Носир Хисрав мақбараси шимолий Афғонистондаги Кўкча дарёсининг ўнг қирғоғида – тоғ тепасида жойлашган Ҳазрат Саййид қишлоғида. Улуғ шоир ва мутафаккир мақбараси асрлар давомида муқаддас зиёратгоҳлардан

<sup>1</sup> *Фотимийлар* – исмоилий халифалар сулоласи. Жаъфарни Содиқнинг Исмом деган ўғли орқали ўзларини Али ва Фотима авлоди деб ҳисоблаганлар (Ислом (энциклопедия). Тошкент, 2004 йил, 253-бет).

<sup>2</sup> *Исмоилийлар* – шиалик ичида вужудга келган оқимлардан бири. У VI аср ўрталарида пайдо бўлиб, X–XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда кенг тарқалган. IX аср иккинчи ярмидан бу таълимот тарафдорларини қарматийлар деб атай бошлаганлар. Уларнинг фаол даъватлари туфайли Шимолий Африкада Фотимийлар халифалигига асос солинади. X аср охирида Мағриб, Миср, Сурия, Фаластин, Ҳижозда исмоилийлар ҳокимияти ўрнатилди (Қаранг: Ислом (энциклопедия). 124–125-бетлар).



бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан «Мозори Шох Носир» деб аталади. Тожикистонда кўплаб мактаб, кўча, маҳалла ва жамоа хўжаликлари буюк аллома номи билан юритилади.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Хуросонга кетишидан аввал Носир Хисрав машҳур тасаввуф шайхи Абулхасан Харақоний суҳбатига мушарраф бўлган. «Ҳазрати шайхга, каромат юзасидан, унинг ахволи (илгариёқ) аён бўлган эди. Муридларига айтди:

— Эртага фалон тусли хужжати (мустаҳкам) одам фалон тарзда хонақоҳ эшиги ёнига келади. Унга иззат-икром кўрсатинглар. Агар имтиҳон юзасидан илми зохирдан сўраса, айтингларки, бизнинг шайхимиз дехқон ва омий одам деб. (Сўнг) ўша кишини менинг хузуримга олиб кириңглар.

Ҳаким Носир хонақоҳ эшиги ёнига келгач, муридлар (аввал) шайхнинг айтганини қилдилар, (сўнг) уни шайх хузурига олиб кирдилар. Шайх унга иззат-икром кўрсатди. Ҳаким Носир деди:

— Эй бузруквор, истардимки, суҳбатингни топсам, сўнг ҳол аҳли паноҳидан жой олсам.

Шайх табассум қилди ва деди:

— Соддадилсан. Бизлар билан қандай суҳбатлаша оласан, ахир, неча йил ўтдики, ноқис ақлга асирсан? Мен мардлар хизматига қадам қўйган биринчи кунимок бу маккора (ноқис ақл — Э.О.) чодир бурчагини банд этган эдим, уни талоқ қилдим.

Ҳаким Носир деди:

— Шайхга ақл ноқислиги қандай маълум бўлди экан, балки, айтганларидек, ақлнинг аввали Тангридир?

Шайх деди:

— Эй ҳаким, ақлнинг аввали пайғамбар алайҳиссаломдир. Бу майдонда кўрселик қилма. Ноқис ақл бу — сенинг ва Пурсино (Ибн Сино — Э.О.)нинг ақлидир, (чунки) ҳар иккалангиз ҳам мағрурсиз. Бунга далил кеча айтган қасидангким, (унда) гумон қилдингки, «қун-фаяқун»нинг гавҳари — ақлдир. Ғалат иш қилдинг, (аслида) ўша гавҳар — ишқдир.

Ва (шайх) ўша қасида матланни муборақ тилларига олдилар. Унинг матлаи будир:

Етти гумбаз томининг нақши эрур икки гуҳар,  
Коиотда неки бўлса, баридан юксак турар.

Ҳаким (Носир) шайхдан келган кароматни мушохада қилиб, хайрон қолди, зеро, бу қасидани ўтган кеча ёзган, ҳали ҳеч ким уни эшитмаган эди. (Шу сабабдан) ҳакимнинг шайх хусусидаги эътиқод ва ихлоси ортди, бирмунча вақт шайх хизматида кун кечирди, риёзат ҳам пок ботинни касб этиш ила машғул бўлди. Сўнг шайх унга сафар ижозатини берди»<sup>1</sup>.

Носир Хисрав «Сафарнома», «Зод ул-мусофирин» («Мусофирларнинг йўл озиқлари»), «Важҳи дин» («Дин чехраси»), «Саодатнома», «Рўшноинома» («Маърифат китоби»), «Хон ул-ихвон» («Дўстлар дастурхони»), «Бўстон ул-уқул» («Ақллар бўстони»), «Далил ул-мутаҳаййирин» («Ҳайратда қолганлар далили»), «Жомеъ ул-хикматайн» («Хикматлар йиғиндиси»), «Рисола дар жавоби 99 саволи фалсафий» («99 фалсафий саволга жавоб рисоласи»), «Кушойиш ва рахойиш» («Ечилиш ва қутулиш») каби кўплаб шеърӣ ва насрий асарлар яратган. У форс-тожик ва араб тилларида икки девон ҳам тартиб берган бўлиб, араб тилидаги девонининг тақдири ҳозиргача номаълум. Шоирнинг қасида, ғазал, қитъа ва рубоийларини ўз ичига олган 12 минг мисрадан иборат форсий девони эса Эронда бир неча марта чоп этилган.

«Важҳи дин» асосан, илоҳиёт масалаларига бағишланган. Унда Носир Хисрав шариатни исмоилия мазҳаби таълимотига кўра талқин қилади.

«Важҳи дин» Помир тоғларида асрлар давомида Носир Хисрав хотирасини авлиё даражасида эъзозлаб келган исмоилийлар жамоаси орасида мўътабар китоб бўлган. Асарнинг қўлёзма нусхалари кўплаб кўчирилган ва диний маросимларни ўтказишда амалий қўлланма сифатида фойдаланилган»<sup>2</sup>.

«Зод ул-мусофирин» («Мусофирларнинг йўл озиқлари») – тасаввуфий мазмунда бўлиб, у тариқат йўлига кириб, Худо сари сайр қилаётган сўфий учун зарур руҳий-маънавий озиқлар ҳақида. 1061 йили Юмғонда ёзилган 27 бобдан иборат бу асар асосан шоирнинг фалсафий қарашларини ўз ичига олади.

<sup>1</sup> *Давлатшоҳ Самарқандий*. Шоирлар бўстони. 30–31-бетлар.

<sup>2</sup> *Карим Ф.* Ҳаким Носир Хисрав ва унинг ижодий мероси // *Носир Хисрав*. Сафарнома (Форсийдан Ф. Карим таржимаси). Тошкент, 2003 йил, 9-бет.

«Кушоиш ва раҳойиш» («Ечилиш ва қутулиш») – Носир Хисравнинг ўзига берилган 30 та саволга жавобдан иборат.

«Рўшнойнома» ва «Саодатнома» панд-насихат руҳидаги асарлар бўлиб, уларда шоирнинг ахлоқий-маънавий ва тасаввуфий қарашлари ўзининг бадиий талқинини топган. «Рўшнойнома» – 32, «Саодатнома» – 30 бобдан иборат. «Рўшнойнома» 1049 йили ёзилган. «Саодатнома»да «Рўшнойнома»даги баъзи масалалар ривожлантирилган, баъзилари такрорланган.

«Саодатнома» «Яхшилик хусусида», «Беозорлик хусусида», «Сабр хусусида», «Жоҳил ва нокаслар баёнида», «Сухбат одоби ва насихат тинглаш хусусида», «Дўстлик, душманлик ва вафо хусусида», «Тама ва хорлик хусусида», «Эҳсон хусусида» каби боблардан иборат.

«Рўшнойнома» «Насихат», «Инсон камоли ҳақида сўз», «Одамларнинг турли сифатлари ҳақида», «Авомнинг турли сифатлари ҳақида», «Яхши ва ёмон ахлоқ сифатлари хусусида сўз», «Панд ва насихат ҳақида сўз», «Риёкор дўстлар танқиди хусусида», «Ғийбатчилар танқиди хусусида», «Амал ва бойлик танқиди хусусида», «Ризо ва таслим хусусида», «Дунёга хитоб», «Шеър ва дид сифати ҳақида», «Шоирлар танқиди хусусида» каби боблардан иборат.

Дунёвий илмларни чуқур ўзлаштирган Носир Хисрав тафаккур одами, хур фикрли киши бўлган. Олам ва одам моҳияти тўғрисида ақл воситасида фалсафий фикр юритган. Ижоди орқали кажрафтор фалак, адолатсиз замон, жоҳил ва манфаатпараст кишиларни танқид қилиб, меҳнаткаш деҳқонни, косибу хунармандни, илм соҳибларини улуғлаган, инсоний камолотга даъват қилган. Унинг хур фикрлари ўзидан кейинги ижодкорлар, жумладан, Умар Хайёмга кучли таъсир кўрсатган. Асарларининг теран фалсафий фикрларга бойлиги, ҳикмат ва донишмандликка омухталиги, сермазмун маънавий-ахлоқий панд-насихатлари туфайли Шарқ мамлакатларида Носир Хисрав номига эҳтиром юзасидан Ҳаким номини қўшиб айтадилар.

Абдурахмон Жомий таъбири билан айтганда, «шеър илмларида мохир ва ҳикмат фанларида комил» бўлган Носир Хисрав ҳаёти ва ижоди асрлар давомида ўзбек халқи орасида ҳам машҳур бўлган. Шоиру олимларимиз

унинг асарларидан бахраманд бўлганлар, таъсирланганлар, унга ўз муносабатларини билдирганлар. Чунончи, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да у ҳақда ёзади: «Бағоят муртоз киши эрмиш. Кўҳистон аҳли боштин-аёқ онинг муридидирлар ва Шох Носир Хисрав била таъбир қилурлар. Зохир улумин хейли кўрган эрмиш ва ботин илмин дағи риёзат жиҳатидан ҳосил қилғондур, аммо бу тоифанинг (яъни тасаввуф аҳлининг — Э.О.) анинг мазҳабида таънлари бор ва бу таън гўё «Рўшноинома»сида мазкур бўлгон абёти жиҳатидиндурки, ҳукм мазҳаби равишида воқеъ бўлубдур»<sup>1</sup>.

Носир Хисрав асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Ўзбекчага унинг бир қатор шеърлари, «Саодатнома» маснавийсидан парчалар ва «Сафарнома» асари М. Муинзода, Ш. Шомуҳамедов, Ф. Карим ва Эргаш Очиловлар томонидан ўгирилган. Чунончи, шоирнинг дунёда мен ўрганмаган илм деярли қолган эмас мазмунидаги фахрия байтларини Ш. Шомуҳамедов аслига мувофиқ қойилмақом қилиб таржима қилган:

Сар андар жустани дониш ниҳодам,  
Накардам рўзгори хеш бевар.  
Намонд ҳечгона дониш, ки ман зи он  
Накардам истифода бешу камтар.

Билим кидиришга урдим бошимни,  
Бекор ўтказмадим умримни бир дам.  
Бўлади кўлми-оз фойдаланмаган,  
Умримда бирор илм қолмади десам.

«Саодатнома» асарида шоир ҳар хил касб-хунар, турли тоифаларга алоҳида фасл бағишлайди, косиб, деҳқон каби жамиятни боқувчи, халқ эҳтиёжини қондирувчи соҳа эгаларини улуғлайди. Жумладан, деҳқонни шундай таърифлайди:

Бех аз санноъи олам деҳқон аст,  
Ки ваҳшу тайрро роҳатрасон аст.

### Ш. Шомуҳамедов таржимаси:

Косибдан ҳам жаҳонда деҳқон ортиқ,  
Хамма жондорга этмиш ризқ тортиқ.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. 475-бет.

«Сафарнома» асари буюк алломанинг ўзбек тилида босилиб чиққан биринчи китобидир. Уни таниқли шарқшунос олим, истеъдодли адиб ва мохир мутаржим Фулом Карим таржима қилган. Таржимага асарнинг Камол ва Салоҳат Айнийлар томонидан 1970 йили амалга оширилган Душанбе нашри асос қилиб олинган. Шу ўринда, таржимада жузъий қисқартиришларга йўл қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Чунончи, Қуддусдаги масжидлар ва бошқа баъзи иншоотларнинг узундан-узоқ тавсифи берилган ўринларни таржимон таржима жараёнида тушириб қолдирган. Шунингдек, «Сафарнома»нинг атоқли шарқшунос олим Е.Э. Бертельс русчага ўгирган нусхадаги изоҳларга таянган ҳолда, 164 та изоҳ берган. Бу изоҳлар асар мутолаасини енгиллаштирган ва қизиқарли қилган.

«Сафарнома» — Носир Хисрав етти йил (1045–1052) давомида Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ мамлакатлари, Табриз, Қоҳира, Қуддус, Макка, Мадина, Лахсо, Яман, Басра, Исфаҳон ва бошқа шаҳарларга қилган сафари таассуротлари асосида ёзилган<sup>1</sup>. Асар янги ва қизиқарли маълумотларга бой. Равон тил, енгил услуб, самимий бир оҳангда ёзилган. Синчков муаллиф оддий сайёҳ эмас, балки олим ва адиб сифатида иш қўриб, ўзи борган ҳар бир мамлакат, вилоят ва шаҳар орасидаги масофани кўрсатиб боради («Балхдан Райгача бўлган масофа менинг ҳисобимда уч юз эллик фарсанг чиқди» (17); баъзи шаҳарларни қадамлаб ўлчаб чиқади («Бу шаҳар (Табриз. — Э.О.) Озарбайжон пойтахти бўлиб, обод ва гавжум экан, эни ва бўйини одимлаб ўлчаб чиқдим: ҳар тарафи бир минг тўрт юз одим экан») (19); масжидлар ва турли иншоотлар ҳақида гапирар экан, уларнинг ички ва ташқи кўриниши, неча қаватлиги, баландлиги қанчалиги, хатто ертўласи ва томигача батафсил маълумот беришга ҳаракат қилади. Ўзи кўрганларига кифоя қилмай, юрган йўлида ҳам одамлардан кўп нарсаларни сўраб-билиб олади. Ўзим ниманики кўрган бўлсам, барчасини ҳаққоний таърифладим, лекин эшитиб ёзганларимда ихтилофлар бўлса, маъзур тутасизлар деб, узр сўраб ҳам қўяди.

<sup>1</sup> *Носир Хисрав*. Сафарнома. Тошкент, 2003 йил. Бундан кейин мазкур китобдан олинган иқтибосларнинг саҳифаси қавс ичида кўрсатилади. — Э.О.

Муаллиф ўзи кўрган ўлкаларнинг жуғрофий жойлашуви, қайси давлатлар билан алоқаси, савдо-сотик ва бошқа муносабаглари, иқлими, сиёсати, иқтисоди, халқининг урф-одағ ва турмуш тарзи, диний эътиқоди, меҳнати, кийиниши, еб-ичиши, кискаси, барча-барчаси тўғрисида батафсил маълумот беришга ҳаракат қилади. Чунончи: «Айтишларича, Обисқун (Каспий) денгизига бир минг тўрт юзта катта-кичик дарё сувини қуярмиш. Денгиз бир минг икки юз фарсанга чўзилган бўлиб, ўртасида аҳоли яшайдиган ороллар бор экан» (18).

Носир Хисрав хикояларини ўқир экан, шўро даврида бизнинг муттасил қулоғимизга қуйиб келганлари каби Шарқ халқлари нодон ва қоқоқ эмаслиги, бугунги кунда инсоният тамаддунининг тамал тошини қўйганликни даъво қилаётган баъзи Фарб халқларининг боболари ҳали ўн бармоғини мукаммал санай олмаган даврлардаёқ (Ғ. Фулом) бизнинг аجدодларимиз оламни хайратга солган кашфиётларни амалга оширганликлари, кишлоқ хўжалигида, саноатда, қурилиш ва ҳарбий ишларда инсон меҳнатини осонлаштирадиган ва ҳаётини қулайлаштирадиган қатор янгиларни ҳаётга жорий қилганликларини кўради. Масалан, «Мисрда сафолдан коса, қадаҳ, табоқ ва бошқа турли хил буюмларни шу қадар нафис ва шаффоф қилиб ясашадик, уларга бир томондан қўл теккизсанг, иккинчи томонидан кўринади. Сафол буюмларни буқаламун рангига бўяшади, шунинг учун ҳар томондан қараганда турлича кўринади» (56). «Бу ернинг бозорида баққол, аттор ва майдафурушлар бирон нарса сотишса, идишни ўзлари беришади. Идишлари шиша ёки солдан ва қоғоздан қилингандир. Харидорнинг бозорга идиш кўтариб боришига ҳожат йўқ» (57). «Танис шаҳрида бир хил қайчи ишлаб чиқаришади: михини суғурса очилар, қайта киритганда кесади» (42). Шарқий Туркиядаги Миёфорикон шаҳридаги «Масжидга тақаб қурилган таҳоратхона қирқ бўлмадан иборат. Усти очик бир ариқ ўтказилган бўлиб, барча бўлмаларни оқар сув билан таъминлайди, усти ёпиқ иккинчи ариқдан эса, ифлосланган сув оқиб чиқиб кетади» (21). Ёки Омад шаҳри таърифига эътибор қилинг:

«Масжид ҳовлисида каттакон тош бўлиб, унинг ўртасида айлана тошҳовуз қилинган. Чуқурлиги одам бўйи ва айланаси икки газдир. Ҳовуз ўртасидаги жез қувурдан

тоза сув фавворадек отилиб туради, аммо сув келадиган ва оқиб кетадиган жойни кўриб бўлмади» (23).

Тароблис шахрида Самарқандниқидан яхшироқ қоғоз тайёрлашади (27).

«Сафарнома» — XI асрдаги бир қатор Шарқ мамлакатлари ва халқлари ҳаёти ҳақида кизиқарли маълумот берувчи, ўқувчиларнинг бу эл ва элатлар хусусидаги тасавурларини бойитувчи, билимларни оширувчи тарихий, жуғрофий, адабий ва маърифий асар сифатида ўзбек ўқувчиларига ажойиб тухфа эканлиги маълум. Тарихимиз, динимиз, маданият, санъат, адабиётимиз ва урф-одатларимиз кўп жихатдан муштарак бўлган бу юртларнинг бугуни ва кечаси ҳақида қанча кўп билсак, шунча яхши эканлиги шубҳасиз.

Носир Хисрав бутун Араб ва Ажам ўлкаларини кезиб, фақат тўрт жойда адолат қонунлари устувор эканлигини ёзади: «Биринчиси — Лашкархон ҳокимлиги давридаги Дашт ноҳияси, иккинчиси — амирлар амири Жистон ибн Иброҳим давридаги Дайламестон, учинчиси — амир ал-мўминин Ал-мустансирубуллоҳ вилоятида ва тўртинчиси — Табасда, амир Абулҳасан Гелаки ибн Муҳаммад ҳокимлиги пайтида» (100).

Алломанинг одил шох ҳақидаги ғояни илгари суриши ва қизғин қўллаб-қувватлашида балки шу ҳукмдорлар асос бўлгандир? Масалан, Табасда ҳамиша тинчлик-осойишталик ҳукм сурган. «Кечаси ховлилар дарвозаларини кулфлашмас, мол-ҳоллари ташқарида эди. Ваҳоланки, шаҳар девор билан ўраб олинмаган» (100). Лахсода одамларнинг донини подшоҳлик тегирмонида текинга тортиб беришади, янги иш бошламоқчи бўлган одамга ғоизсиз ва муддатсиз қарз беришади, касод бўлган кишиларни ҳеч бир манфаатсиз қўллаб-қувватлашади (87).

«Миср бозорларида бирор нарса сотишаётганда фақат рост гапиришади. Агар кимки харидорни алдаса, уни туяга мингазиб, қўлига қўнғироқ тутқазишади ва шаҳар бўйлаб айлантиришади. У қўнғироқ чалиб: «Мен ёлғон гапирдим ва маломатга қолдим», деб қичқиради. Ёлғончининг жазоси шу!»

«Миср аҳолисининг эмин ва осойишталиги шу даражада эдики, баззоз, сарроф ва заргарлар дўконларининг эшигини ёпмай, фақат парда осиб қўйишар, бирон кимса молларига кўз олайтирмас эди» (60). Бировларнинг

молидан тама қилмасликлари учун қозиларга етарли даражада маош тайинланган (61). Халққа дори-дармонлар шоҳ саройидан текинга тарқатилади.

Шарқ мамлакатлари асосан сув танқислигидан азоб чекишган. Лекин бунинг ҳам иложини топишган. Зеро, инсон ҳеч қачон тақдирига кўниб, қўл қовуштириб ўтирмайди. Сув омборлари, турли ҳовузлар қуриб, бир йиллик ёмғир сувини жамлаб олишган. Коризлар орқали сув келтириб, дехқончилик қилишган. Миср ва бошқа баъзи ўлкаларда дехқончилик санъат даражасига кўтарилган.

Носир Хисрав 4 марта ҳаж қилганлигини айтади (81). Унинг Ал-Маъарий, Қатрон Табризий каби машҳур шоирлар ҳақидаги мароқли хикоялари ҳам мавжуд.

## ДУНЁ ТАН ОЛГАН ТИЛШУНОС

Турийшунослик илмининг асосчиси, машҳур филолог олим ва этнограф Маҳмуд Кошғарийнинг таржима холи ҳақида маълумотлар жуда оз бўлиб, уни тахминан 1029—1030 йилларда туғилган, деган фаразни илгари сурадилар. Келиб чиқиши жиҳатидан у қорахонийлар сулоласига мансуб. Отаси Ҳусайн ибн Муҳаммад Барсған шаҳри ҳокими бўлган. У бошланғич маълумотни ўз қишлоғида олиб, кейин ўқишини Кошғарда давом эттирган, араб, форс ва туркий тилларни чуқур ўзлаштирган. Бухоро, Самарқанд, Марв, Нишопур шаҳарларидаги донгдор мадрасаларда илмини такомилга етказган. Мамлакатдаги ички низолар туфайли 1056—1057 йилларда туғилган юртини тарк этиб, 15 йил мобайнида турли туркий халқлар орасида яшаган, уларнинг тили, адабиёти, тарихи, урф-одат ва анъаналарини мукамал ўрганган, кўплаб мақоллар, сўзлар, шеър ва кўшиқларни ёзиб олган. Сўнг Бағдодга бориб, тўплаган материаллари асосида (1072, баъзи манбалари 1074) дунёга машҳур «Девони луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») асарини яратади ва уни аббосий ҳукмдорлардан Абулқосим Абдуллоҳ бинни Муҳаммадил Муктадога бағишлайди. «Ушбу асар туркий халқлар тарихидаги диалектологик, изоҳли, этнографик, тарихий-этимологик луғатларнинг барча унсурларини қамраб олувчи дастлабки универсал луғат бўлиб, ўз муаллифини дунёга улуғ адабиётчи, тарихчи, географ ва бошқа кўп фанлардан яхши хабар-



дор бўлган йирик фан арбоби, қомусий олим сифатида танитади»<sup>1</sup>.

Олим асарига ўзи тузган дунё харитасини ҳам илова қилади. Харитада мамлакат, шаҳар, қишлоқ, тоғ, чўл, денгиз, дарё қабиларнинг номлари ёзилган. Харитада акс этмаган баъзи бир номлар луғат матнида изоҳланган. Харита, асосан, Шарқий ярим шарга тўғри келади. Махмуд Қошғарий ўз харитасида ер юзининг маркази сифатида Ўрта Осиё — оёна юрти Иссиққўл билан Болосоғун чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганлигим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хушфаҳмларидан, эски қабилаларидан, жанг устида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар ва қирқиз қабилаларининг тиллари бутунлай дилимга жо бўлди. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим».

Чиндан ҳам, «Девону луғотит турк»ни ўша даврларда Марказий Осиё минтақасида яшаган туркий халқлар ҳаёти ҳақидаги қомусий асар деб аташ мумкин. У тилшуносликка оид бўлса-да, унда 7500 дан ортиқ сўз ва ибораларни изоҳлаш учун ўнлаб туркий халқлар тарихига

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент, 2003 йил, 77-бет.

оид қадимий афсона ва ривоятлар, 300 га яқин мақол ва маталлар, хикматли сўзлар, 700 мисрадан зиёд шеърӣй парчалар келтирилади. Шеърӣй парчаларнинг кўп қисми туркий халқлар оғзаки ижодига хос бўлган тўртликлардан иборат. Масалан, отанинг ўғлига насиҳати ўз ифодасини топган бир тўртликни келтирайлик:

Бакмас будун савук сўз,  
Юдки юзи саранқа.  
Қазған улич тузунлук,  
Қалсун чавинг йаринқа.

Мазмуни:

Бокмас жаҳон совук сўз,  
Шилқим, юзсиз, бахилга.  
Ёкимли бўл, хушхулқ бўл,  
Қутлуғ ишга бўйсунгин,  
Кибрни қув нари.

«Девон»даги бир қисм шеърлар ислом даври шеърӣя-тига хос байт шаклида бўлиб, бу туркий адабиётда арузга ўтиш бошланганидан гувоҳлик беради. Бундай шеърларни муаллифнинг ўзи уржузалар деб атайти:

Келса қали йағлиғ бўлиб йўнчиғ ума,  
Келур аниғ бўлмиш аниғ тутма ума.

Мазмуни:

Келса агар хонанг узра ғариб меҳмон,  
Бор нарсангни олдиға қўй, бўл меҳрибон.

Кўриниб турибдики, «Девон»даги шеърларнинг аксарияти панд-насихат мазмунида. Улар халқ асрий тажрибаларининг тажассумидир. Бинобарин, бу шеърлар фақат XI асрга тегишли бўлмай, балки аввалги асрларга ҳам оиддир. Чунончи:

Билға эран савларин алғил ўгут,  
Эзгу сави эзласа, ўзға сингар.  
Ардаги тила ўгранинг, бўлма қуваз,  
Ардашсизин — ўгунса ангма ангар.

Мазмуни:

Олим киши сўзидан олғил ўгит,  
Эзгу сўзни эшитсанг, дилға сингар.  
Илм-ҳикмат ўргангин, бўлма қайсар,  
Ҳиммати йўқ мақтанчок йўл йўкотар.

Албатта, «Девон»даги шеърларнинг мазмуни рангбаранг: унда пейзаж лирикасининг гўзал намуналарига ҳам, кураш ва жанг манзаралари тасвирига ҳам, мадҳия ва марсия қўшиқларга ҳам дуч келамиз. Чунончи, баҳор ёмғиридан кейин ғунчаларнинг очилиб, гулларнинг хуш бўй таратиши қуйидагича тасвирланади:

Яғмур ёғиб санчилди,  
Турлук чачак сучулди,  
Инжу қоби очилди,  
Чиндан йипор югрушур.

Мазмуни:

Ёмғир ёғиб сочилди,  
Турли чечак очилди,  
Инжу қоби очилди,  
Ифор хидлар сочилди.

«Девон»да жуда гўзал, ҳассос ва ўйноқи ишқий термалар ҳам учрайди:

Булнар мени улас кўз,  
Қара менгиз, қизил юз.  
Андин тамар тукал туз,  
Булнап яна ул качар.

Мазмуни:

Асир этди хумор кўз,  
Қора холли, кизил юз,  
Дудоғидан томар бол,  
Асир айлаб, боқмас ул.

«Девон»даги баъзи йирик парчаларга шартли равишда «Тангутлар билан жангнома», «Уйғурлар билан жангнома», «Ябакку билан жангнома», «Алп Эр Тўнга марсияси», «Қиш билан ёз мунозараси» деб ном қўйилган. Марсия 44 мисрадан иборат бўлиб, унда халқ ўзининг севимли қахрамони ва йўлбошчиси Алп Эр Тўнга ўлими муносабати билан аслида ўзининг бой берилган имкониятлари — парчаланган мамлакат, таназулга юз тутган салтанат, мавҳум истикбол учун ҳам қайғуради. «Қиш ва ёз мунозараси» эса бизгача етиб келган мунозара жанрининг илк намунаси эканлиги билан қадрли. Унда табиат манзаралари ташбеҳу тимсоллар воситасида ёрқин ифодаланган, туркий халқларнинг қувончу қайғулари, яшаш тарзи, урф-одат ва анъаналари ўз аксини топган.

«Девон»даги барча шеърлар халқ оғзаки ижодига мансуб бўлмай, уларнинг баъзилари муайян шоирларга тегишли. Муаллиф томонидан қўлланган «шоир шундай дейди», «шоир бир кишига хитоб қилади», «шоир севгилсининг юзини ойга, бўйини санавбар шохига ўхшатиб сифатлайди» каби иборалар шундан далолат беради. У ҳатто Чучу, Аъша деган шоирлар номини ҳам келтиради.

Махмуд Кошғарий ўз фикрларини далиллаш учун кўплаб халқ мақолларига ҳам мурожаат қилади: «Ардам боши тил» — «Адабнинг боши тил», «Қут билгуси билик» — «Билим бахт белгиси», «Эмгак экин-да қолмас» — «Меҳнат ерда қолмас», «Ош тотифи туз» — «Ошнинг таъми туз билан», «Қўрқмуш кишига қўй боши қўш кўринур», «Ит исирмас, от тепмас дема» — «Ит қопмас, от тепмас дема», «Тома-тома кўл бўлур», «Бир қарға билан қиш келмас», «Қуруқ ёғоч эгилмас», «Қуруқ қошиқ оғизқа йармас» — «Қуруқ қошиқ

оғизга ёқмас», «Алп чиранда, билка тиракда» — «Ботир жангда, олим суҳбатда (синалар)», «Куз келиги ёзин балкурур» — «Кузнинг келиши ёздан билинар», «Тави силкинса, бир эшакка юк чиқар» — «Туя силкинса, бир эшакка юк чиқар», «Ўт тутунсиз бўлмас, Йигит ёзуксиз бўлмас» ва ҳоказо.

«Девону луғотит турк» туркий тилларнинг ривожлангани, уларнинг маданий ҳаёт, жумладан илм-фанда кенг ўрин эгаллаганини кўрсатади. Унинг адабий аҳамияти ҳам катта. Бу ҳақда Кошғарийнинг ўзи: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, қўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим», — дейди. У баъзи адабий жанрлар, вазн, истиора, ўхшатиш ва бошқа назарий масалалар хусусида йўл-йўлакай маълумот бериб ўтади. «Девон»да келтирилган шеърлар исломдан бурунги туркий шеърятнинг жанрлари, шакли, бадиияти, тасвир воситалари тўғрисида тасаввур туғдириши жихатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу шеъринг намуналар туркий шеърятнинг асосий ўлчови бармоқ вазни эканлигини кўрсатади. Асардаги шеърларнинг мазмуни, тили ва услубига қараб, уларнинг анча илгари яратилганлиги ва тилдан-тилга ўтиб, муаллиф давригача етиб келганлигини тахмин қилиш мумкин.

«Девону луғотит турк» ўз даврининг илмий тили бўлмиш араб тилида ёзилган. Унда Ўрта Осиё халқларининг X—XI асрлар ва ундан олдинги даврларда яратилган бадиий ижод намуналари тўпланган. Муаллиф Ўрта Осиёдаги деярли барча халқлар ҳаёти, тарихи, турмуш тарзи, тили, фольклори, урф-одат ва маросимларини чуқур ўрганган. Китобда туркий халқлар тилининг луғат таркибини ташкил этган сўзларнинг маъноси араб тилида тушунтирилиб, мисол тариқасида улар ишлатилган шеърлар ва мақоллар келтирилади. «Девон»да нафақат сўзларнинг қўлланилиши, балки келиб чиқиши ҳам батафсил изоҳланган. Шунингдек, унда туркий халқлар этногра-фиясига оид жуда қимматли маълумотлар мавжуд. Ўрта Осиё шаҳарларидан айримларнинг номларига изоҳ бериб ўтилган. Масалан, Тошкентни Таркен тарзида кўрсатиб, у Тош шаҳар демақдир, деб ёзади. Ёки Самарқандни «Самиз канд» — Катта шаҳар деб аталишини айтади.

«Девону луғотит турк» нафақат луғат, айна пайтда, ниҳоятда мукамал ишланган грамматик қўлланма ҳамдир.

«Девон»да келтирилган шеърлар исломдан бурунги туркий шеърятнинг жанрлари, шакли, бадиияти, тасвир воситалари тўғрисида тасаввур туғдириши жиҳатидан ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

«Девону луғотит турк» барча туркий халқларнинг муштарак ёзма ёдгорлигидир.

Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк»дан илгари «Жавохирун-наҳви фи луғотит-турк» («Туркий тиллар синтаксиси қоидалари») номли асар ҳам яратган, лекин у ҳозиргача топилган эмас.

Маҳмуд Кошғарий 1118 йили ватанига қайтиб, Ўпалдаги Азиқ қишлоғида Ҳазрати Мулломо тоғи этагидаги тепаликда жойлашган мадрасада дарс берган ва илмий ижод билан шуғулланган. У 1125 (ёки 1126) йилда 97 ёшида вафот этиб, Ўпалдаги аждодлари мақбарасига дафн этилган. Мақбара ҳозиргача «Ҳазрати Мулломо мозори» номи билан машҳур.

«Девону луғотит-турк» асари туркий тилшуносликка бағишланган илк асар эканлиги билангина эмас, балки туркий тиллар фонетикаси ва этимологиясининг асосий қонунлари аниқлангани ва кенг ўрганилганлиги билан ҳам қимматли. Шунинг учун ҳам асарнинг қўлёзмаси топилиши билан у жаҳон туркшуносларининг эътиборини ўзига тортди. 1914 йилдаёқ машҳур немис олими Карл Броккелман асардаги шеърини парчаларни немисчага таржима қилиб чоп қилади. 1939—1941 йилларда турк олими Босим Аталай «Девон»ни туркчага афдариб, уч жилдда нашр эттиради. Китоб озарбайжон тилига ҳам таржима бўлган. А. Боровков, А. Кононов, Н. Баскаков, В. Решетов каби рус, С. Муталлибов, Ф. Абдурахмонов, А. Қаюмов, А. Рустамов каби ўзбек олимлари ҳам асар устида илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. С. Муталлибов уни ўзбекчага ўгириб, 1960—1963 йилларда уч жилдда эълон қилган. Шеърларни А. Қаюмов таржима қилган. Машҳур рус шарқшуноси В.В. Бартольд таъкидлаганидек: «Маҳмуд ҳаёт воқеаларини, факт ва далилларни ўз кўзи билан кўриб, билиб ёзгани учун бу асар ҳамон ўзининг илмий, тарихий, маърифий қимматини сақлаб келмоқда».

Рус олими А.М. Шчербак айтган эди: «Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»ига на материалнинг ҳажми жиҳатидан,

на муаллифнинг филологик билими жиҳатидан бас келадиган бирор асар бор. «Девон»нинг луғат деб аталиши унинг асл мазмунига унча мос келмайди. Бунда туркий тиллар грамматикасидан жуда кенг маълумотлар бор. Яна унда туркий тиллар лексикаси, фонетикасига доир кенг маълумотлар, қабилаларнинг жойлашиш хусусиятлари, географик ва бошқа хил маълумотлар мавжуд».

Шарқшунос П.К. Жузе ёзади: «Дадил айтиш мумкинки, яқиндагина (XIX аср) охирларида) Россия ва Шарқда ўрганилган туркий тиллар фонетикаси ва этимологиясининг асосий қонунлари XI асрдаёқ Маҳмуд томонидан аниқланган ва ўрганилган эди. Маҳмуднинг бу текширишлари шу қадар кенг ва чуқурки, хатто бундай асар XIX асрда ёзилганида ҳам, унга шон-шараф бўлар эди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»и сингари асар фан оламида кейин ҳам яратилган эмас. Унинг асари бамисоли туркий комусдир».

## ТУРКИЙ АДАБИЁТНИНГ НОЁБ ОБИДАСИ

Машхур шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида жуда оз маълумот сақланиб қолган. Бизгача етиб келган ягона ва йирик асари «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») муаллифнинг эллик ёшларида — 1069—70 йилларда яратилганидан келиб чиқиб, у 1020—21 йилларда туғилган деб тахмин қилинади.

Юсуф Хос Ҳожиб туғилган Болосоғун ўша даврнинг маданий марказларидан бўлиб, «Шарқ ва Ғарб ўртасидаги савдо йўли устида жойлашгани учун савдотик, хунармандчилик, илм-фан анча тараккий этган, кўплаб мактаб ва мадрасаларга эга бўлган шаҳар эди»<sup>1</sup>. У икки марта қорахонийлар салтанатининг пойтахти ҳам бўлган. Юсуф замонасининг барча асосий билимларини эгаллагани, араб ва форс тилларини мукаммал билгани ҳам шоир тўғрисида маълумот берувчи асосий манба бўлмиш шу китоб туфайли ойдинлашади.

«Қутадғу билиг»нинг ёзилган йили тўғрисида муаллиф шундай дейди:

<sup>1</sup> Хомидий Х. Кўхна Шарқ дарғалари. 95-бет.

Йил алтмиш эки эрди тўрт юз била,  
Бу сўз сўзладим ман тутуб жан сура.  
Тугал ўн сакиз айда айдим бу сўз,  
Ўдурдим, адирдим сўз эвдим тера.

Мазмуни:

Тўрт юз олтмиш иккинчи йил эди,  
Мен жонни койитиб, ушбу сўзни сўзладим.  
Бу сўз(лар)ни тугал ўн саккиз ойда айтиб бўлдим,  
Танладим, фаркладим, териб сўз йиғиб (тўпладим).

Маълум бўладики, у ўз асарини 18 ой ичида — Боло-соғун (Куз ўрду)да бошлаб, Қашқарда ёзиб тугатган ва қорахоний ҳукмдор Тавғоч Буғрохонга тақдим этган. «Китобда номи тилга олинган ҳокон Носириддин Тавғоч улўф Буғро Қорахон Абу Али Ҳасан Хорунхон бинни Арслонхон бўлиб, 1075—1103 йиллар давомида қорахонийлар давлатини бошқарган. «Қутадғу билиг» асари унга бағишланган пайтда у Қашқарда Арслонтегин Тўғрул Қорахоқон Маҳмудхон (1059—1075)нинг ўртоқ-қогони сифатида ҳукм сурарди»<sup>1</sup>. Китоб Буғрохонга ниҳоятда маъқул бўлади ва муаллифни тақдирлаб, унга Хос Ҳожиб (Эшик оғаси) мансабини беради. Шундан кейин шоир Юсуф Хос Ҳожиб номи билан машҳур бўлиб кетади. Лекин дostonнинг охиридаги шикоят оҳанглари шоир умрининг сўнгги йиллари бу давлатнинг таназзули даврига тўғри келганлиги, шунга мувофиқ ҳаёти ҳам оғир кечганлигидан гувоҳлик беради. Чунончи:

Изим, мунгқа тегдим, вафасиз тушуттим,  
Вафалиғ ким эрки, севуг жан барайи.  
Ати қалди — янглук киши қилқи барди,  
Бу қилқ қанча барди — узу ман барайи.  
Бағирсақ киши йоқ ажунда — тиладим,  
Бағирсизқа қўнглум некутег улайи.  
Кими ўзка кўзтек яқин туттум эрса,  
Ёғи(й) чикти — йектег йекиг не қилайи?

Мазмуни:

<sup>1</sup> *Имомназаров М.* Юсуф Хос Ҳожиб // Буюк сиймолар, алломалар. 1-китоб. 62-бет.



(Эй) Эгам, мунгга гирифтор бўлдим,  
вафосиз(лар)га дуч келдим,  
Вафоли ким экан — севикли жонни бағишлайин.  
Одамнинг оти колди, кишиларнинг (яхши) феъли кетди,  
Бу феъл қаерга кетди — кетидан мен ҳам борайин.  
Дунёда меҳрибон одам йўқ, (анчайин) кидирдим,  
Меҳрсиз (лар)га кўнглимни қандай қилиб боғлайин.  
Кимни ўзимга кўздек яқин тутган бўлсам,  
Шайтондек душман бўлиб чиқди, шайтонни нима қилайин?

«Қутадғу билиг» — бахт ва саодатга элтувчи билим деган маънони билдиради. «Ўқувчи қўлидан қўймасин, унга бахт келтирсин, деб китоб номини «Қутадғу билиг» қўйдим», — дейди бу ҳақда муаллифнинг ўзи. «Ҳақиқатан ҳам, агар ҳар ким ушбу китобда тилга олинган хислатларга, фазилатларга эга бўлса, ундаги панд-насихат, йўл-йўриқларга амал қилиб иш кўрса, бахт-саодат унга ёр бўлади»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам бу китоб ўз давридаёқ кенг тарқалиб, машҳур бўлган. Чин (Шимолий Хитой) ликлар уни «Адаб ул-мулук» («Хукмдорлар одоби»), мочин (Жанубий Хитой)ликлар «Ойин ул-мамлакат» («Хукмдорлик қонун-қоидалари»), машриқ (Шарқий Туркистон)ликлар «Зийнат ул-умаро» («Хукмдорлар зийнати»), эронликлар «Шохнома»и туркий» («Туркий «Шохнома»»), баъзилар «Пандномаи мулук» («Хукмдорлар пандномаси»), туронликлар эса «Қутадғу билиг» деб атаганлар. «Бу номларнинг барчаси ҳам китобнинг давлат идора ишларига ва ахлоқ-одоб масалаларига доир эканини кўрсатади»<sup>2</sup>.

«Қутадғу билиг» исломий туркий адабиётни бошлабгина бермай, уни янги тараққиёт босқичига ҳам қўтаради. Чунки у нафақат туркий халқларнинг адабий анъаналари, бой маънавий мероси, балки қардош халқлар, биринчи навбатда, буюк форс-тожик адабиёти тажрибаларини ҳам ижодий ўзлаштирган ҳолда яратилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи дoston муқаддимасида:

Арабча, тожикча китоблар ўқуш,  
Бизинг тилимизча бу йумғи уқуш, —

<sup>1</sup> Каримов Қ. «Қутадғу билиг» асари хақида // Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, 1971 йил, 8-бет.

<sup>2</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1976 йил, 113-бет.

деган эди (Яъни: «Арабча ва тожикча китоблар кўп бўлиб, бизнинг тилимизда эса бу донишмандликка оид илк асардир»).

Маҳмуд Қошғарий каби туркий тилнинг мавқеи — унинг маданий-адабий ҳаётда ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун Юсуф Хос Ҳожиб «форс-тожик тилида ижод қилиш анъанаси изидан бормади, балки катта журъат билан ўз она тилида йирик бадиий асар яратишга киришди ва уни муваффақият билан тугатди. У халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётининг тажриба ва анъаналаридан фойдаланди, халқ ижодининг мақол ва ҳикматли сўз каби инжулари билан ўз асарини бойитди, форс-тожик тилидаги панд-номалардан илҳомланди...»<sup>1</sup>.

«Қутадғу билиг» — XI аср сўз санъатининг нодир намунаси бўлиб, унда ўз даврининг илғор ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалари бадиий талқин қилинган, туркий халқлар тарихи, маданияти, илм-фани, урф-одати ва анъаналари, турмуш тарзи, қадриятлари хусусида кенг маълумот берилган. Бирон-бир тоифа-табақа, бирон-бир касб-ҳунар, бирон-бир илм-фан, бирон-бир ҳаётий масала, бирон-бир воқеа-ходиса, бирон-бир анъана ва урф-одат, бирон-бир инсоний фазилат ва қусурлар муаллиф назаридан четда қолмайди — бу асарнинг қомусий характерида далолат беради. Чиндан ҳам, у ўз даврининг бадиий қомуси.

Асарнинг қисқача мазмуни шундай: Кунтуғди (чиққан кун) деган одил подшоҳ бўлиб, унинг довуғи узоқ-узоқларга ёйилган эди. Ойтўлди (тўлган ой) деган донишманд киши унинг хизматига келади. Сухбати подшоҳга маъқул келиб, саройда хизмат қила бошлаган Ойтўлдининг мартабаси кундан-кунга ошиб, вазирлик даражасига эришади. Одил подшоҳ ва донишманд вазир узоқ йиллар мамлакатни адолат билан бошқарадилар, фуқаро осойишталигини таъминлаб, фаровонликни оширадилар. Вазирнинг ақл-идроки ва тадбиркорлиги подшоҳни мамнун қилади. У вафот этгач, ўрнига ўғли Ўғдулмиш (ақлга тўлган) вазир бўлади. Ўғдулмиш давлатни бошқариш салоҳияти ва донолик борасида отасидан ҳам омилкор чиқади. Ақлли кишиларнинг давлатга катта фойда келтираётганини кўрган Кунтуғди унинг қариндоши

<sup>1</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 135-бет.

донишманд Ўзғурмишни (уйғонган) ҳам саройга таклиф қилади. Лекин тарки дунё қилиб, зоҳидлик йўлига кирган ва тоққа чиқиб кетган Ўзғурмиш ҳукмдорнинг бу таклифини икки марта ҳам рад этади. Учинчи марта энди Кунтуғди уни хизматга эмас, балки ўзига панд-насихат қилиш мақсадида чақиради. Шундан кейингина у ҳукмдор ҳузурига келиб кетади. Кунтуғди, Ўгдулмиш ва Ўзғурмиш ўртасидаги суҳбат, баҳс-мунозара, савол-жавоблар орқали муаллиф ўзининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий қарашларини илгари суради.

Юсуф Хос Ҳожиб «ўз даврининг етук файласуфи, олими, фозили, давлат арбоби, фан ва маданият хомийси, ҳаётнинг энг майда икир-чикирларидан тортиб, осмон жисмларининг сирларигача тушуниб етган баркамол киши»<sup>1</sup> сифатида инсоният жамиятининг таяниши керак бўлган маънавий устунларини топишга ҳаракат қилади. Уларнинг биринчиси — Адолат бўлиб, подшоҳ Кунтуғди, иккинчиси — Давлат бўлиб, вазир Ойтўлди, учинчиси — Ақл бўлиб, вазирнинг ўғли Ўгдулмиш, тўртинчиси — Қаноат бўлиб, унинг қариндоши Ўзғурмиш тимсолида тасвирланади.

Шоирнинг ҳукмдорни қуёшга ўхшатиши бежиз эмас — қуёш барчага баравар нур сочгани каби, ҳукмдор ҳам мамлакатни адолат билан бошқариши, турли тоифага бир хилда адолат кўрсатиши керак. Ҳукмдор Адолатли бўлса, Давлат тараққий этиб, ойдай тўлишади, яшнайти. Бунга эришиш учун Ақл билан иш кўриш керак. Чунки Ақлнинг ёрдамисиз бунга эришиб бўлмайди. Ақл билан идора қилинаётган бундай Адолатли Давлатни барқарор сақлаб қолиш учун Қаноат зарур бўлади, аксинча барча нарса издан чиқиб кетиши мумкин. Чунки хом сут ичган банда йиллар давомида минг бир машаққат билан эришганларини қаноатсизлиги туфайли бир лаҳзада бой бериши ҳеч гап эмас. Эришилган муваффақиятлар, қўлга кирган катта имкониятлар, молу дунёнинг беҳисоблиги кўпинча кишида ғурур уйғотадики, бу охир-оқибат кибру манманликка олиб келади. Кибру манманлик эса кишини ҳалокатга етаклайди. Мўйсафид тарих бундай ҳодисаларнинг кўпига гувоҳ: одилликлари билан донг таратган кўплаб ҳукмдорларнинг кейинчалик манман-

<sup>1</sup> Каримов К. «Қутадғу билиг» асари хақида. 25-бет.

ликка берилиб кетганликлари сабабли гуллаб-яшнаган мамлакатлар инқирозга юз тутган. Чунончи, Қаноат (Ўзғурмиш) — Давлат (Ойтўлди) ва Ақл (Ўгдулмиш)-нинг қариндоши бўлгани ҳолда, Давлат (Ойтўлди) уни мутлақо унутиб юборади — бирор марта эсламайди ҳам. Қаноат (Ўзғурмиш) ҳақида Адолат (Қунтуғди)га Ақл (Ўгдулмиш) хабар беради. Шундан кейингина Адолат (Қунтуғди) Қаноат (Ўзғурмиш)ни истаб қолади ва Ақл (Ўгдулмиш) орқали уни ўз ҳузурига даъват қилади. Лекин сарой Қаноат (Ўзғурмиш)нинг жойи бўлмагани учун у келишни истамайди ва Адолат (Қунтуғди)га панд-насихат қилиш учунгина Ақл (Ўгдулмиш)нинг учинчи ташрифидан сўнг саройга келиб кетади. Бу орқали шоир Давлат Қаноатни билмайди, У Адолат учун Ақлгагина керак деган хулоса чиқаради.

Давлат — ўткинчи, шунинг учун у ўлади ва унинг ўрнини Ақл эгаллайди. Ақл Давлатдан ҳам омилкор чиқиб, мамлакат икки ҳисса гуллаб-яшнайти. Қаноатни эса одам боласининг тийиксиз нафсу хоҳишлари гўрга тикади — у дардга чалиниб вафот этади. Дунёда Адолат ва Ақл пойдор бўлиб қолади<sup>1</sup>. Кўриниб турганидек, асарнинг мажозий қатлами — ботиний мазмуни кенг ва теран бўлиб, у келгусида бу борада жиддий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Шу тариқа улуғ донишманд, Фитрат таъбири билан айтганда: «Мана шул тўрт мажозий кишиларни... бири-бирига кўруштириб, сўйлаштиради. Айтмак истагани сўзларни, бермак истагани насихатларни шуларнинг тилидан айтиб эшиттирадир»<sup>2</sup>. Шунга мувофиқ, қўйилган масалалар воқеалар ривожини, қахрамонлар саргузашти орқали эмас, балки уларнинг ўзаро суҳбати, баҳс-мунозараси, савол-жавоблари, панд-насихат воситасида ҳал қилинади. Муаллиф подшоҳ ва амалдорлардан тортиб деҳқону хунармандгача — жамият барча тоифаларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида фикр юритади. Айтайлик, подшоҳнинг давлат ва раият олдидаги бурчию халқнинг давлат ва подшоҳ олдидаги вазифалари, фармонлар ва уларнинг ижроси, давлатни бошқариш, ҳукмдорлар ва

<sup>1</sup> Бу ҳақда яна қаранг: *Имомназаров М. Юсуф Хос Ҳожиб*. 64–65-бетлар.

<sup>2</sup> *Абдурауф Фитрат*. Танланган асарлар. 2-жилд (Илмий асарлар). Тошкент, 2000 йил, 12-бет.

амалдорлар ҳамда уларнинг ўз кўл остидагилар билан муомаласию муносабати ва бошқалар. «Хуллас, Юсуф Хос Ҳожиб ҳаётнинг оддий икир-чикирларидан тортиб юлдуз сирларигача, коҳинларча даволаш усулининг сох-талигидан тортиб кўрким, ўқит, чурни, шалисо, тарёк ва Митридуc хапи каби дорилар, уларни қайси касалларга бернш нафли бўлишигача, қон босими ошишию қон олишгача, оддий бир киши билан гаплашишдан тортиб давлатни идора қилиш усулининг нозик сирларигача, туркий халқларнинг Алп Эр Тўнгаси ажамликларда Афросиёб номи билан аталишигача, Фирдавсийнинг Фаридун, Захҳок каби қахрамонларидан тортиб Чин ва Мочин олимларининг ашғору амсолларигача, Ҳинд ражларидан тортиб Рум қайсарларигачаю Асир зангиларигача, хуллас, ҳамма-ҳамма соҳалардан хабардор, билим доираси кенг, асарида тилга олинган барча хислат, фазилат, заковат, равиш, атвор, йўриқ ва хоказо-хоказоларнинг барчасини мужассамлаштирган улуғ сиймодир...»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам асарни тадқиқ этиб, нашрга тайёрлаган таниқли олим Қаям Каримов уни «ақл ва ҳикмат дарслиги» деб атаган эди. Ҳақиқатан ҳам, «Қутадғу билиг» ахлоқий-таълимий асардир. Унинг ахлоқ ва одоб масалаларига бағишланган махсус бобларидагина эмас, балки ижтимоий-сиёсий ма-салаларга бағишланган бобларида ҳам Юсуф Хос Ҳожиб ўз ахлоқий-таълимий қарашларини ифодалайди, халқнинг турли табақаларига ўғит беради, уларга панд-насихат қилади»<sup>2</sup>.

«Қутадғу билиг» қорахонийлар ҳокимиятининг ўзига хос назмий Низомномаси сифатида дунёга келган. Чунки бу рамзий-гимсолий асар оддий халқ учун эмас, биринчи навбатда, юрт эгалари бўлмиш ҳукмдорлар ва катта-кичик амалдорларга атаб ёзилган ва уларга мамлакатни адо-лат билан бошқариш, тинчликни сақлаш, раиятга зулм қилмаслик, билъакс халқнинг оғирини енгил қилиш, тур-мушини фаровон айлаш, жамиятнинг маънавий-ахлоқий негизларини мустаҳкамлаш, илм-маърифатга кенг эъти-бор бериш, истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ, бурч, адолат бўйича маслаҳатлар ва тавсиялар берилган. Қорахонийлар сулоласи мисолида туркий

<sup>1</sup> Каримов Қ. «Қутадғу билиг» асари ҳақида. 35-бет.

<sup>2</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 126-бет.

давлатчилик асослари янги босқичга кўтарилган даврда сиёсий-ижтимоий жихатдан замон кун тартибига қўйган масалаларни хал қилишга ёрдам берадиган «Қутадғу билиг» сингари ҳукмдорлар адабномасига ҳаётий зарурат туғилган эди ва Юсуф Хос Ҳожиб даврнинг бу талабини муваффақият билан адо этди. У Қашқардан Амударёгача чўзилган, Шарқий Туркистоннинг бир қисми, Еттисув, Шош, Фарғона ва қадимги Суғдни ўз ичига олган қорахонийлар давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш, тавғочхон ва элоқхонлар<sup>1</sup> ўртасидаги ихлофларни бартараф этиш, ҳукмрон доираларнинг турли ижтимоий табақаларга муносабатини белгилаш, маърифат ва ободончилик учун кураш, яхши хулқ-одобни тарғиб қилиш каби мақсадларни ўз олдига қўйган. Бу билан Юсуф Хос Ҳожиб ўз даврининг йирик маърифатпарвари ва донишманди сифатида намоён бўлади.

«Қутадғу билиг» асосан 6520 байтдан иборат бўлиб, 85 бобга бўлинган. Бундан ташқари, дostonга 104 байтдан иборат уч боб илова қилинган. Бинобарин, иловаси билан бирга, у 6644 байтдан иборат. Бизгача асарнинг муаллифнинг сўнги таҳриридан ўтган ва Тавроч Бугрохонга тақдим этилган нусхасидан кўчирилган намунаси етиб келган бўлиб, у насрий (38 сатр) ва шеърий (77 байт) муқаддима, кириш боблар (390 байт), асосий қисм (68 боб, 5896 байт, хотима (2 қасида ва маснавий боб)ни ўз ичига олади.

«Қутадғу билиг»нинг дастлабки 11 боби анъанавий кириш боблар (Оллоҳ таоло ҳамди, Муҳаммад алайҳиссалом наъти, ҳақ йўлдан борган тўрт халифа — Абу Бакр, Умар, Усмон, Али мадҳи, баҳор васфи, Бугрохон таърифи, етти юлдуз ва ўн икки бурж баёни, билим ва заковатни улуғлаш, тилнинг фазилатлари, муаллифнинг узри ва бошқалар)дан иборат. Ўн иккинчи бобдан асосий мавзуга ўтилади. Ҳар бир бобга алоҳида сарлавҳа қўйилиб, у маълум бир масала талқинига бағишланади ва якунида «энди шоир сўзини эшит», «доно фикрини тингла», «билимли каломини кўр», «шунга ўхшаш мана бу байтни ўқиб кўр» каби мурожаатлар орқали панд-насихат маз-

<sup>1</sup> *Тавғочхон* — Қорахонийлар давлатида бош хон, *элоқхон* — унинг вилоятлардаги ноиб. Элоқхонлар марказий ҳокимиятга бўйсуннишдан бош тортиб, сиёсий мустақилликка интилар, ҳатто ўз номларидан пул ҳам зарб қилар эди.

мунидаги бир тўртлик келтирилади. «Кутадғу билиг»нинг Қ.Каримов нашридан тушиб қолган 109 байтли матндаги 5 тўртликни ҳам қўшсак, асарда жами 210 та шундай тўртлик мавжуд. Масалан, Ойтўлдининг ўғли Ўгдулмишга панд-ўғит бериши бобида қуйидаги хитоб байт ва хулоса тўртлик келтирилади:

Неку тер, эшитгил, синамиш киши,  
Синамиш кишилар билир иш баши:

Бўр ичма, зинака яғума ҳазар,  
Бу эки чиғайлик тўнини кедар.  
Бу бўрдин қўпар минг язукқа юрак,  
Зинадин қочар кут, юзунгга судар.

Мазмуни:

Синаган киши нима дейди эшитгин,  
Синаган кишилар ишнинг бошини (кўзини) билади.

Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма, ҳазар қил,  
Бу икки нарса гадолик тўнини кийгазади.  
Ичимликдан юрак (ботирлашиб) минг-минг гуноҳларга  
кўзфолади,  
Зинодан кут қочади, юзингга тупуради.

Шундан сўнг янги сарлавҳа билан бошқа боб баёнига ўтилади — асар бошдан-охир шу тартибда ёзилган.

Асарнинг тўртликлардан ташқари қисми маснавий шаклида (71, 72, 73-боблар бундан мустасно) ёзилган. Сўнгги уч боб (йигитликка ачиниш ва қарилик; замона бевафолиги ва дўстлар жафоси; Юсуфнинг ўз узрини айтиши ва ўзига насиҳат қилиши) эса қасидадан иборат. Шарқда йирик эпик асарлар учун қабул қилинган ва «жанговар услуб» номи билан машҳур бўлган мутақориб баҳрида (қисман мутақориби мусаммани солим, асосан мутақориби мусаммани мақсур ва маҳзуф вазнларида) яратилган. «Бу эски турк шоири турклар учун жуда қийин бўлган бир вазнда жуда муваффақ бўлуб ёзган... — дейди бу ҳақда Фитрат. — Вазн жуда тузук чиққан, баъзи жойларидан «Шоҳнома» оҳангининг ҳиди келади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. 12-бет.

Маълумки, халқ оғзаки ижоди деб аталган буюк чашмадан баҳраманд бўлмаган ижодкор топилмайди. Бадиий ижоднинг табиати асли-азал халқдан олиб, яна халққа беришдан иборат эканлиги сир эмас. Юсуф Хос Ҳожиб ҳам халқ оғзаки ижодини чуқур билган ва ўз асарида мақол-маталлар, образли иборалардан маҳорат билан фойдаланган. У «туркча масал», «турклар сўзи» деб уларнинг кўпини таъкидлаб ўтади. Чунончи:

Мунгар менгзату айди туркча масал,  
Эшитгил муни сан, ўкуб ўзка ал:

«Ўрунг сут била кирса эзгу килиқ,  
Ўлум тутмагинча эвурмас йўрик».

Мазмуни: «Шунга ўхшаш бир туркча масал айтиди — сен уни эшит ва яхшилаб ўқиб ол: «Пок сут билан кирган яхши феъл ўлгунча айнимайди».

Ёки:

Яма яқши аймиш бу турк буйруки,  
Қўрур кўз яруки ўғул-қиз, уки.

Мазмуни:

Жуда яхши айтибди турк буйруғи:  
Ўғил-қиз кўрар кўзнидир ёруғи.

Мутафаккир шоир ҳикматлари катта ҳаётий тажриба ва қомусий билим маҳсули эканлиги, ҳаётий негизи мустаҳкамлиги, қундалиқ турмуш ва атрофдаги нарса-ҳодисалар билан боғлаб тушунтирилганлиги, шаклан гўзал, мазмунан теран, услубан раво, бадиий юксаклиги, тилининг соддалиги, тимсолу ташбеҳларининг табиийлиги, фикр-хулосаларининг самимийлиги, ҳассос ва таъсирчанлиги билан асрларни бўйлаб келди ва бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, таъсир кучини йўқотган эмас. Шоирнинг у ёки бу масала бўйича панд-насихатлари худди хикматдай жаранглайди, халқ мақолларига ўхшаб кетади — уларнинг бадиий баркамоллиги ва маърифий аҳамияти ҳам шунда. Чунончи, у инсоний камолот, хусусан, илм-маърифат масалаларига катта эътибор қаратади. Унинг фикрича:



Киши эки турлуғ киши атанур:  
Бири — ўгритигли, бири — ўғранур.

Экида нару борча йилки сони,  
Тиласа муні тут, тиласа они.

Мазмуни: «Икки хил киши инсон аталишга лойиқ:  
бири — ўргатувчи, бири — ўрганувчи. Бошқаларнинг ҳай-  
вондан фарқи йўқ. Хоҳласанг — униси бўл, хоҳласанг — бу-  
ниси».

Укуш қайда бўлса, улуғлук бўлур,  
Билиг кимда бўлса, бедуглук алур.

Мазмуни: «Заковат бор жойда улуғлик бўлади, ким-  
нинг билими бўлса, буюкликка эришади».

Ачиф сувтаг ул кўр бу дуня моли,  
Нача ичса қонмаз, ўлимаз тили.

Мазмуни: «Бу дунё неъматлари шўр сувга ўхшайди:  
киши ундан ҳар қанча ичса ҳам қонмайди».

Жифой қилса кимни кўзи суқлуки,  
Боятмас они бу ажун тўқлуки.

Мазмуни: «Кўз очлиги кимни қашшоқ қилган бўлса,  
дунё бойлиги уни бой қилолмайди».

«Қутадғу билиг»нинг 3 қўлёзма нусхаси фанга маълум:  
Ҳирот (Вена), Қоҳира ва Наманган. Асарнинг илк нашри  
1870 йилда венгер шарқшуноси Х. Вамбери томонидан  
амалга оширилган. Шундан кейин В.В. Радлов (1890;  
1910), С.Е. Малов (1929; 1951), Р.Р. Арат (1942; 1943;  
1947; 1959), Қ. Каримов (1971), Б. Тўхлиев (1989), уйғур  
олимлари (1984) уни нашр этдилар. Лекин «достоннинг  
учала нусхаси ҳам мукамал эмас: Ҳирот (Вена) ва Қоҳира  
нусхаларида кўп байтлар тушиб қолган, Наманган нусхаси-  
да эса, назмий муқаддима йўқ, байтларнинг ўрни алмашган.  
Асарнинг айрим байтларини Р.Р. Арат Анқара Маориф  
вазирлиги кутубхонасидан, айримларини қазилмаларда  
топилган сопол кўзачаларига ёзилган байтлардан олиб,  
матнни тўлдирган»<sup>1</sup>. Чунончи, «XIX асрда Волга дарёси  
қирғоғида жойлашган Саройчуқ деган шаҳарга яқин бир  
жойдан оддийгина сопол кўзача топилди. Аммо бу оддий

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ф. «Қутадғу билиг» танқидий матнини тайёрлаш  
муаммолари // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2006 йил, 4-сон, 42-бет.

қўзача олимлар эътиборини тортди, чунки унда «Қутадғу билиг» достонидан олинган мисралар битилган эди»<sup>1</sup>. Асар инглиз, немис, француз, рус, чех, турк, уйғур, хитой ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилинган.

Заҳматкаш олим Қаям Каримов «Қутадғу билиг»нинг нисбатан тўлиқ ҳисобланган Наманган нусхасини асос қилиб олган ҳолда, ундаги етишмаган жойларни Ҳирот (Вена) ва Қоҳира нусхалари асосида тўлдириб, асарнинг транскрипцияси ва ҳозирги ўзбек тилига тавсифини амалга оширган. Айти пайтда, у Юсуф Хос Ҳожиб ва унинг «Қутадғу билиг» асари тадқиқига бағишланган мақолаларида баъзи парчаларнинг шеърий таржимасини ҳам келтиради. Бундан ташқари, таниқли адабиётшунос Боқижон Тўхлиев асарнинг насрий баён ва шеърий таржима аралаш болаларбоп қисқартирилган нусхасини нашр эттирди. Шоир Саъдулла Аҳмад эса асарнинг айрим қисмларини шеърий таржима қилган.

## ҲИКМАТ ҚАСРИ

Инсон тарбияси, камолотини ҳаётнинг туб моҳияти, жамиятнинг муҳим вазифаси деб билган Шарқ халқлари адабиётининг асосини панд-насихат ташкил этади. Бу адабиёт, таъбир жоиз бўлса, панд-насихат воситасида тикланган ҳикмат қасрига ўхшайди. Бу ҳикмат қасридан ҳаётнинг барча саволларига жавоб топиш мумкин.

Шарқ сўз санъатининг тамал тошини қўйган ҳам, унинг бешигини тебратган ҳам айнан панд-насихат ҳисобланади. Бу ҳол мазкур халқларнинг табиати, ўзига хослигидан келиб чиққан, албатта. Шарқ халқлари қадим-қадимдан насихат айтишга ҳам, насихат тинглашга ҳам мойил бўлишган — бу нарса уларнинг қонида бор. Халқ эртақларини бир эсланг-а: битта ҳикматли сўзни бир тиллага олган «демона» фақат ўзбек бўлиши мумкин!

«Калила ва Димна», «Тўтинома» каби халқ китоблари, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» сингари панднома асарлари ана шу анъананинг акс садоладир. Улар орасида «Қобуснома»нинг ҳам алоҳида ўрни бор.

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Тўхлиев Б. Сўзбоши // Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». Тошкент, 1990 йил, 6-бет.

Форс тилидаги илк насрий асар «Қобуснома»ни XI асрнинг 82–83-йилларида Фарбий Эрон подшоҳининг набираси Кайковус ибн Искандар (1021–1098) ўз ўғли Гилоншоҳга бағишлаб яратади ва ўша давр анъанасига кўра уни бобоси шоҳ Шамс ул-маолий Қобус шарафига «Қобуснома» деб атайти.

Зиёрийлар сулоласидан бўлган Шамс ул-маолий Қобус ибн Вушмагир (баъзи манбаларда (Вашмгир) — Журжон амири (976–1012). У қорахонийларнинг сомонийларга қарши кураши натижасида Хоразмда юз берган давлат тўнтариши туфайли она юртини тарк этиб, дарбадарликда юрган Абу Райҳон Берунийни ўз ҳимоясига олган. Ёкут Ҳамавийнинг ёзишича, у алломага вазирлик лавозимини ҳам таклиф этган, лекин Беруний бунга қўнмаган. Олим «Қобуснинг саройида катта ҳурматга сазовор бўлди. У бу ерда бир қанча илмий асарларини Яратди ва Хоразм тинчигандан сўнг, ўз юртига қайтди»<sup>1</sup>.

Абу Али ибн Сино ҳам Қобус ҳузурига бормоқчи бўлган. Бу ҳақда унинг ўзи таржимаи ҳолида шундай ёзади: «...мақсадим Амир Қобуснинг ҳузурига бориш эди. Шу пайтда Қобусни тутиб, қалъалардан бирига қамаб қўйишди ва у ўша ерда ўлди».

«Қобуснома» асрлар мобайнида Фарб ва Шарқ мутафаккирларининг эътиборларини ўзига жалб қилиб келган: 1702–1705 йилларда турк тилига, 1786–1787 йилларда Муҳаммад Сиддик Рашидий томонидан уйғур тилига, 1881 йилда Қаюм Носирий томонидан татар тилига ҳамда XIX асрдаёқ инглиз, фаранг, олмон, рус тилларига таржима қилинди. 1935 йилда Техрон дорилфунунининг профессори, атоқли адиб Саид Нафисий «Қобуснома»ни Техронда босмадан чиқарди.

1860 йилда «Қобуснома» 16 ёшли шахзода Муҳаммад Раҳимхон Ферузнинг (1844–1910) топшириғига кўра ўзбек тилига биринчи марта буюк шоир ва мутафаккир Муҳаммадризо Огаҳий томонидан таржима қилинди. Огаҳийнинг ёзишича, ёш Муҳаммад Раҳимхон йигитлигидаёқ китоб мутолаасига ўч бўлиб, хусусан, насихатнома асарларни ниҳоятда севиб ўқиган. «Қобуснома»ни ўқигач, уни туркий тилга таржима қилдириш ҳавасига тушиб, бу ишни Огаҳийдан илтимос қилади: «Бу нусхани туркий

<sup>1</sup> Долимов С. «Қобуснома» ҳақида (Сўзбоши) // Қобуснома. Тошкент, 1967 йил, 7-бет.

тили била таржима қил, токи турк тавойифи (гуруҳлари)-нинг авоми ҳам бу пандлардин баҳра олғай ва бизнинг отимиз, сенинг сўзинг олам инқирозигача замон авроқида боқий ва ёдгор қолғай». Шоир камоли ихлос билан бу ишни амалга оширади.

Бу дурдона асарда Оллохни танишу пайғамбарларнинг яратилишидан тортиб илму хунар эгаллаш йўллари ва фойдаларигача, ота-она ҳақини адо этишдан фарзанд тарбиясигача, дехқончилик ва бозор қилишдан то вазиру подшоҳ бўлишгача — ҳаётда инсоннинг умргузаронлиги учун зарур бўлган барча масалалар мухтасар қамраб олинган.

Чинакам санъат дурдоналари ҳамма даврларда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолади, барча авлодларга бирдай хизмат қилаверади. «Қобуснома» ҳам ўз даврида қандай аҳамиятга эга бўлган, асрлар давомида қандай шуҳрат қозониб келган бўлса, ҳозирги замонда ҳам унинг кадри заррача камайган эмас. Бунинг сабаби асарда инсон ҳаётига дахлдор бўлган деярли барча азалий ва абадий масалаларнинг қаламга олинганидир. То инсоният мавжуд экан, бу масалалар у ёки бу кўринишда мавжуд бўлади — уларнинг шакли ўзгарса ҳам, моҳияти бирдай тураверади. Шундай экан, Кайковус кўтарган масалалар ва у айтган ёки келтирган панд-насихатлар, ҳикматлар ҳам ҳамма даврлар ва барча авлодлар учун ўз долзарблигини сақлаб қолаверади.

Муаллиф китоб муқаддимасида шундай ёзади: «Билгилки, жаҳон халқининг расми шулдурки, тақуёй ва жустужўй қилиб, дунёда бирор нарса ҳосил этарлар ва уни ўзларининг яхши кўрғон кишисига қўйиб кетарлар. Мен дунёда ушбу сўзларни ҳосил қилмишман ва менинг яхши кўрғон кишим сендурсан. Менга рихлат вақти ёвуқ етди, дунёдин ҳар нимаким ҳосил қилдим, сенинг олдингга қўйдим, токим худком бўлмағайсан ва бироҳлик йўлига қадам қўймағайсан».

Дарҳақиқат, сўз шундай ганжинаки, у фойдаланган билан тугамайдигина эмас, ундан барча замонларда барча авлодлар истифода этадилар. Агар сиз фарзандингизга мол-дунё қолдирсангиз, ундан ёлғиз фарзандингиз ёки унинг болалари, нари борса, қариндош-уруғларингизгина фойдаланиши мумкин, холос. Лекин дурдона асарлардан нафақат фарзандингиз, авлод-аждодингиз, балки бутун инсоният истифода этади. Шу маънода, Кайковуснинг

қолдирган мероси — нуридийдаси Гилоншоҳга атаб ёзган китобидан, мана, қарийб ўн асрдирки, барча адаб аҳли фойдаланмоқда. Бу асар йўлчи юлдуз бўлиб одам болаларига Ҳақ йўлни кўрсатиб келмоқда, инсоний камолот сир-асрорини сўйлаб бермоқда.

«Қобуснома»да Ануширвони Одил ҳақидаги гўзал ривоят келтирилиб, унинг пандларидан намуналар берилади. Ривоятда айтилишича, Ануширвоннинг қабр тошига қуйидаги сўзлар ёзилган: «Мен ҳаётлигимда ва подшоҳлигимда хамманинг ҳожатини чиқарар, бирор кишини ҳузуримдан умидсиз қайтариб юбормас эдим. Энди эса, тупроқ остида ожиз ётибман, лекин хоҳлайманки, менинг зиёратимга келганлар бирор-бир манфаат кўрмай қайтиб кетмасинлар — тириклигимда одамлар мендан қандай баҳраманд бўлган бўлсалар, энди васиятларимдан ҳам шундай фойда кўрсинлар, деб мозор тошига қуйидаги насихатларни ёздирдим: менинг бу пандларим зиёратчилар қадам ранжининг мукофоти бўлсин!»

Ҳа, улуғ зотлар нафақат тириклигида, балки ўлганидан кейин ҳам ибратли ҳаёти, ҳикматли сўзи билан инсониятга хизмат қилаверади. Ануширвоннинг ҳаёти ва фаолияти бунинг ёрқин исботидир. Бу ривоят то ер юзида ҳаёт мавжуд экан, одамларни эзгу ишлар қилишга, ўздан яхши ном қолдиришга даъват айлашда давом этаверади. Унинг буюклиги ва умрбоқийлиги ҳам шунда.

Китобда Ануширвони Одилнинг 33 та панди келтирилган: бу насихатлар узоқ умр кўрган ва катта ҳаётий тажриба соҳиби бўлган донишманд бир инсоннинг қалб кўри, ақл нурига йўғрилган гўзал ва сермазмун ҳикматларидир. Мана, Ануширвони Одил нима дейди:

«Агар ҳар кишини турмуш устоди доно этмаса, ҳеч бир доно унга сўз ўргатиш учун ранж чекмасун, ранжи зоеъ бўлур».

«Ҳар кишининг (билими) бўлса-ю, аммо унга лойиқ ақли бўлмаса, бу билим унга зарар еткарғусидур».

«Агар ўз сирингнинг очилишини истамасанг, бировнинг сирини фош қилмағил».

Бу насихатлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, уларга замондошларимизда ҳам эҳтиёж мавжуд. Шунинг учун ҳам «Қобуснома» бизнинг давримизда уч марта нашр этилди ва ҳар гал қўлма-қўл бўлиб кетди.

Донишманд ота-боболаримиз ўз фаолиятларини муайян соҳа билан чегаралаб қўйишмаган, улар қомусий билим соҳибларигина бўлиб қолмай, ҳунарларнинг ҳам бир неча турларини билишган, ўзлари бевосита шуғулланишмасда, ҳаётда мавжуд барча касблар ҳақида тасаввурга эга бўлишган. «Қобуснома»да ҳам шу нарсани кўрамыз. Кайковус адабиёт, тиббиёт, илми нужум, сиёсат, тижорат, деҳқончилик, ҳарб илми тўғрисида ҳам, севиш, уйланиш, фарзанд тарбияси, дўстлашиш, олди-берди тўғрисида ҳам, ҳаммомга бориш, чавгон ўйнаш, шикорга чиқиш, меҳмон кутиш ва меҳмонга бориш тўғрисида ҳам, табиблик, шоирлик, созандалик тўғрисида ҳам, ҳунар ўрганиш, илм олиш, бозор қилиш тўғрисида ҳам бирдай билимдонлик билан кенг ва батафсил фикр юритади, ўз мулоҳазаларини ибратли ҳикоят ва ривоятлар воситасида далиллайди. Бу асарнинг таъсирчанлиги ва ўқимишлилигини янада оширган. Савдогар ва дарвеш, Афлотун, Хорун ар-Рашиднинг туши, Шайх ва алавий йигит, пардозгир ва унинг кўзаси, қария ва йигит, Маҳмуд Фазнавий ва подшоҳ хотин Саййида, Искандар Зулқарнайн ва унинг дунёдан бўш кетган қўли, сутга сув қўшиб сотувчи муттаҳам, котиб Абдужаббор ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар бу жиҳатдан алоҳида диққатга сазовор.

Кайковус насиҳатларининг кўпи халқ мақолларидай, донишмандларнинг ҳикматлардай жаранглайди, фалсафий мулоҳазалари чуқур ва асосли. Чунончи:

«Билғилки, донишмандлар охири ғам бўлғон шодликни шодлик билмаслар ва охири шодлик бўлғон ғамни ғам ҳисобламаслар».

«Сирингни ўзингдан ўзга кишига айтмағил, агар айтсанг, сўнгра уни сир демағил».

«Кишининг дўстсиз бўлғонидан биродарсиз бўлғони яхшидур».

«Мол ҳар нечаким азиздур, аммо жонингдан азиз эмасдур».

Китобда ўтган донишмандларнинг ҳам кўпгина ҳикматли сўзлари келтирилади. Жумладан:

«Андоқким дебдурлар: «Улуғлик ақл ва донишлик биладур, гавҳар ва насаб била бўлмас».

«Ҳақимлар дебдурлар: «Сўз бир нашъадур, ундан хумор пайдо бўлур».

«Донишлар дебдурлар: «Дононинг панд-насихати кўнгил кўзин равшан қилур, нединким, ул панд ақл ва ҳикмат сурмаси ва тўғиёсидур».

«Фақир (мен) китобда ўқимишманким, одамнинг қуввати то ўттиз йилгача ҳар куни зиёда бўлур. Ўттиз ёшдин сўнг куёш осмоннинг ўртасига етгондек зиёда бўлмай ва нуқсон топмай турар. Ундан сўнг ботиш сайри оҳистароқ бўлғай. Қирқ ёшига етгондин сўнг то эллик ёшгача ҳар йил ўзида нуқсон кўрғайким, бурунги йилда кўрмамиш бўлғай. Эллик ёшидин олтмиш ёшгача ҳар ой ўзида нуқсон кўрарким, аввалги ойда кўрмамиш бўлғай. Агар ёши олтмишдан ўтса, ҳар соатда дард ва ранж кўрғайким, ўтгон соатда кўрмамиш бўлғай».

Хуллас, «Қобуснома»ни ўқир экан, ўз даврининг барча диний ва дунёвий илмларини эгаллаган, замонининг барча касб-хунарларидан хабардор бўлган, ҳаётнинг ҳамма аччиқ-чучугини тотган, турфа тақдирлар, воқеаларни кўрган катта тажриба соҳиби, халқнинг характери, анъана ва урф-одатларини чуқур билган донишманд бир зот билан суҳбатлашгандай, унинг ҳикматларга йўғрилган сўзларидан баҳра олгандай бўласиз, кўнглингиз ёришиб, ақлингиз тўлишади. «Қобуснома»нинг ҳамма замонлар ва ҳамма авлодлар учун сеvimли ва фойдали китоб бўлиб келаётганининг сири ҳам ана шунда.

## РУБОЙНАВИСЛАР УСТОДИ

Умар Хайёмнинг номи тилга олинганда барчанинг кўз олдига Шарқ мумтоз сўз санъатининг энг машхур жанри рубоий гавдаланса, рубоий деганда бу жанрнинг беназир устаси Умар Хайём намоён бўлади. Бу бежиз эмас. Абулқосим Фирдавсий маснавийни, Ҳофиз Шерозий ғазални қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Умар Хайём ҳам рубоийни шунчалик юксак мақомга кўтарди. Мана, орадан салкам X аср ўтса-да, рубоийда хали ҳеч ким Хайёмнинг олдига туша олган эмас.

Тафаккур ва туйғуни ажойиб бир тарзда ўзида омукта этган рубоий асрлар давомида Шарқ мумтоз шеърятининг етакчи жанри бўлиб келди. Унинг шаклланиши, ривожланиши ва шуҳрат қозониши Абу Абдулло Рудакий, Абу Али ибн Сино, Абусаид Абулхайр, Умар Хайём, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав

Дехлавий, Хоконий Ширвоний, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Хофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий, Мирзо Абдулқодир Бедил, Мирзо Ғолиб каби дунёга машхур шоир ва мутафаккирлар номи билан боғлиқ. Рубоийнинг Шарқ адабиётида қанчалик катта ўрин тутганини шундан ҳам билса бўлади.

Олам ва одам муаммоларини фалсафий жиҳатдан акс эттириши туфайли рубоий шеъриятнинг фалсафий жанри сифатида машхур. Зеро, салмоқли мазмунни чуқур фалсафийлик қатига ўраш орқалигина уни ихчам шакл бағрига жо этиш мумкин. Шунинг учун ҳам академик Ғафур Ғуллом рубоий ҳақида: «...олам-олам мазмунларнинг жавҳарини йиғиб, тўрт сатрга сиғдира олиш маҳоратидир. Катрада – уммон, учқунда – қуёш мазмунини бериш рубоийга хос хусусиятдир», – деб ёзган эди. Ҳикмат ва фалсафа рубоийнинг мағзи бўлганлиги учун ҳам у жаҳон шеъриятининг доврқдор жанрларидан бирига айланди – ҳозирги кунда дунёнинг барча бурчагидан рубоий мухлисларини топиш мумкин.

Буюк математик, мунажжим, файласуф, ҳаким ва мутафаккир шоир сифатида донг таратган Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурий 1048 йил 18 майда Нишопурда чодир (хайма) тикувчи касиб оиласида туғилади (Унинг таҳаллуси ҳам отаси шуғулланган касиб номидан олинган: Хайём – чодир ясовчи уста, чодир тикувчи, чодирчи). Ёшлигида Балхга келиб, ўша даврнинг таниқли уламоларидан Муҳаммад Мансур қўлида таҳсил олади. Салжуқий шахзодалар ўртасида тож-тахт учун курашлар авжга минган даврда Балхни тарк этиб, аввал Самарқанд қозикалони Абу Тоҳир, кейин Бухоро ҳокими Шамсулмулк Қорахоний даргоҳида яшайди. У ҳақда маълумот берилган деярли барча қадимги қўлёзмаларда фавқулодда истеъдоди, кучли қувваи хофизаси ва олдиндан башорат қилиш қобилияти хусусида сўз боради. Чунончи, «Исфаконда эканида бир китобни етти дафъа ўқуған. Нишопурга қайтғанда шуни ёддан ёзған. Асл нусхаси билан ёддан ёзилганини ҳеч фарқи бўлмаған»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> *Абдурауф Фитрат*. Форс шоири Умар Хайём // Танланган асарлар. 2-жилд. 146-бет.



Низомий Арузий Самарқандий қуйидагича ҳикоя қилади:

Балх шаҳридаги бир зиёфатда хужжат ул-ҳақ Умар Хайёмнинг шундай деганини эшитдим:

— Менинг қабрим шамол ҳар баҳорда устимга гуллар сочиб турадиган жойда бўлади!

Ўшанда менга унинг сўзлари бир оз ғалати туюлган эди, аммо шундай улуғ одам беҳуда гапирмаслигини ҳам билардим.

1135 йили йўлим Нишопурга тушганида Хайёмнинг менда устодлик ҳақи борлиги учун бир жума куни Хийра қабристонига — унинг зиёратига бордим. Қабристонни ўраб турган боғ деворидан нок ва ўрик дарахтлари бош чиқариб, қабр устини гулга кўмган эди. Шунда Балх шаҳрида ундан эшитган сўзларим ёдга тушиб, йиғлаб юбордим. Ҳақиқатан ҳам, дунёнинг бирор ерида унинг учун бундан муносиброқ жой топилмас эди.

Умар Хайём 26 ёшида салжуқий ҳукмдор Жалолиддин Маликшоҳ ва унинг маърифатпарвар вазири Низомулмулк даъватига биноан Исфаҳонга келиб, расадхона ташкил этади. Расадхонада фаолият кўрсатган олимлар Хайём бошчилигида 1074—1079 йиллар мобайнида янги ва нисбатан мукаммал йил тақвимини ишлаб чиқадилар. Бу тақвим Европада ундан 500 йил кейин жорий қилинган Григориан календаридан ҳам аниқроқ бўлган.

Умар Хайём илмда ҳам, ижодда ҳам ўзини Шайх ур-раис Абу Али ибн Синонинг ҳассос ва садоқатли шогирди ҳисоблаган. Ибн Сино асарларини тушунмаган кишилар уларни изоҳлаш ва шарҳлашни ундан сўраганлар. У устозининг бир қатор асарлари (жумладан, «Хутба» фалсафий рисоласи) ни арабчадан форсчага таржима қилиб, шарҳлаб беради, унинг ғоя ва қарашларини давом эттиради ҳамда тарғиб қилади. «Рисолат ул-кавн ват-таклиф» («Қоинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола»), «Рисола фи-л-вужуд» («Борлиқ ҳақида рисола»), «Рисола фи куллиёти вужуд» («Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола») каби фалсафий асарларида Ибн Синонинг вориси ва издоши сифатида намоён бўлади. Унинг Ибн Синога эътиқоди шунчалик баланд бўлганки, ҳатто «Аш-шифо» китобини қўлида тутиб жон берган (1123 йил 12 декабрда).

1077 йилда у юнон олими Эвклид китобидаги бир неча геометрик шаклларни шарҳлаб ёзган «Рисола фи шархи мо ашкала мин мусодарат китоб ул-Иқлидис» («Эвклид китоби муқаддималаридаги мушкулотлар шарҳи ҳақида рисола») асарида бутун сонларнинг илдизини топиш йўллари кўрсатиб берган. «Рисола фи-л-бароҳийн ала масойил ал-жабр ва-л-муқобала» («Алгебра ва муқобала (қаршилик назарияси) исботлари ҳақида рисола»), «Мушкулот ул-хисоб» («Арифметика мушкулотлари») асарларида у юнон олимларининг аниқ фанларга оид фикрларини араб тилида кенг шарҳлаш билан бирга, уларнинг қарашларини ривожлантирган, математик, физик тенгламаларнинг муодилларини топган. Байҳақийнинг лутф этишича, у айниқса фалсафий илмлар, математика ва мантиқни жуда ўзиники қилиб олган эди.

XII аср форс-тожик насрининг нодир намунаси хисобланган «Наврўзнама» асарида Наврўзнинг келиб чиқиш тарихи, Шарқ халқларининг бу байрам билан боғлиқ анъана ва маросимлари кенг ёритилган, кўплаб ҳикоят ва ривоятлар келтирилган.

Қисмат ўйинини қарангки, олим ўз умрининг асосий қисмини сарфлаган фаннинг турли соҳаларидаги буюк кашфиётлари бир чеккада қолиб, у илмий излашниларидан чарчаган пайтларида турли дафтарларнинг ҳошияларига битган ва иккинчи даражали хисоблаган рубойлари Хайём номини дунёга танитди.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, рубойга биринчи бўлиб Абу Али ибн Сино ўзининг чуқур фалсафий қарашларини сингдирган. Кейин Умар Хайём азал ва абад, олам ва одам муаммолари хусусида теран фалсафий рубойлар яратиб, бу жанрнинг пири устодига айланди, Шарқ шеъриятида фалсафийликнинг чуқурлашишига катта таъсир кўрсатди. У ўзигача яратилган рубойлардан таъсирланди, бу борадаги тажрибаларни умумлаштирди ҳамда ўзининг беқиёс истеъдоди ва теран билими туфайли рубойда сифат ўзгаришларини ясаб, жанрни янги ва юксак тараққиёт босқичига олиб чиқди. Нафақат улкан инсоний дард ва теран ички кечинмаларни, балки ўша давр ақл соҳибларини қийнаган ўткир ижтимоий ва фалсафий масалаларни рубойга олиб кирганлиги учун ҳам таниқли шарқшунос И.С. Брагинский Хайём шеърятисиз нафақат Шарқ, балки «жаҳон шеърияти юксаклигини ҳам

тасаввур қилиб бўлмайди», — деган эди. Рубойининг мазмунан бойиши, янги фалсафий истилоҳларнинг вужудга келиши, рубой мавқеининг ортиши ва Шарқ шеърляти жанрлари ичида мустаҳкам ўрин эгаллаши Умар Хайём номи билан боғлиқ.

Хайёмона оҳанглар Абусаид Абулхайр, Бобо Қўхий, Абулҳасан Харақоний, Абдуллоҳ Ансорий, Аҳмад Ғаззолий, Муҳаммад Ғаззолий каби шайх-шоирлар рубойларида ҳам учрайди, ҳатто айрим рубойлар ҳам уларга, ҳам Хайёмга нисбат берилади. Чунки Хайём бу шоирлардан ўрганган, таъсирланган, уларга эргашган. Умар Хайём рубойларини мазкур шоирлар рубойлари билан қиёсий ўрганиш шундан гувоҳлик беради. Масалан, Абусаид Абулхайр рубойлари ичида қўплаб хайёмона рубойларнинг мавжудлиги мавзу ва услуб эътибори билан улар орасида муайян яқинлик борлигини кўрсатади. Форсий адабиётдаги рубой тарихи ва ривожланиш босқичларини ўрганган арман олимаси А.К. Козмоян ҳам сўфиёна рубойларнинг баъзи бир муҳим хусусиятларини четлаб ўтиб, Умар Хайём рубойларига ҳар томонлама ҳаққоний баҳо бериб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Н. Комилов эса: «Хайём ижодини батамом тасаввуддан холи деб ҳам айта олмаймиз. Чунки айрим рубойларнинг мазмунида бу нарса ўта фалсафийлашган кўринишда ифодаланган», — деб ёзади. Шоирнинг ўзи ҳам фалсафий рисоаларидан бирида сўфийларга эргашган кишигина Худони англашга энг яқин туришини таъкидлаб ўтган эди. Шунга қарамай, Умар Хайём ижодига асосан икки мутафаккир шоирнинг кучли таъсирини сезиш мумкин: фалсафий-тасаввуфий жиҳатдан — Ибн Сино, ғоявий-бадий жиҳатдан — Носир Хисрав.

Юнон мутафаккирлари асарларининг араб тилига таржима қилиниши туфайли араб халифалиги қўл остидаги мамлакатларда фалсафий фикрлар жуда ривожланганлиги маълум. Бунинг устига, Умар Хайём даврида аниқ ва табиий фанлар ўз тараққиётининг юксак чўққисига чиққан эди. Бинобарин, «Умар Хайёмнинг фалсафий қарашлари нафақат унинг салафлари бўлмиш Шарқ файласуфлари таълимоти заминида, балки ўша даврда араб ва форс тилларига таржима қилинган юнон мутафаккирларининг ишлари билан танишиши натижасида

хам шаклланган»<sup>1</sup>. У «кўпчилик рубойларида ўзининг математика, мантиқ, астрономия, нотиклик санъати соҳаларидаги кашфиётлари натижасида келган хулосаларини бадиий талқин қилади»<sup>2</sup>. Зеро, «Умар Хайём рационализмнинг, ақлий мўъжизалар даврининг шоири эди»<sup>3</sup>.

Шоирларнинг турли-туман кайфиятлари, руҳий оламидаги эврилиш ва ўзгаришлар, тафаккуридаги зиддиятлар кўпроқ рубойда ўз аксини топган. Чунки рубой ҳар қандай фикр, туйғу туйғилиши, оҳорли ташбеҳ ёки мавзу топилиши биланоқ уни ифодалаш мумкин бўлган осон ва қулай жанр. Таржимаи ҳол билан боғлиқ реал туйғуларнинг асосан рубой жанрида ифодаланиши ҳам шундан. Шунинг учун ҳам Р. Ҳодизода рубойларни «шоирнинг поэтик кундалиги» деб атаган эди.

Фалсафий мушоҳадалардан тортиб табиат ва жамиятнинг мураккаб масалаларигача, шоир шахсий ҳаётидаги энг кичик лавҳаларгача — ҳамма-ҳамма нарса рубойнинг мавзуи бўлиши мумкин. А.Аминов ёзганидек, «ҳаётий ҳодисалар турли-туман бўлгани каби, рубой мавзу доирасининг ранг-баранглиги ҳам чегара билмайди». Табиийки, рубойда бу масалаларнинг барчаси аниқ, лўнда, ихчам, ҳикмат даражасида ва айни пайтда, юксак бадиий шаклда ўқувчи ҳукмига ҳавола этилади. Рубойда ҳар бир сўз, ибора муайян салмоққа эга бўлади, у ёки бу поэтик мақсадни очишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам И. Брагинский ва Д. Комиссаровлар: «Рубой — бутун бир ҳаёт, чек-чегарасиз инсоний кечинмалар тўрт мисрага жо бўладиган ўзига хос мўъжаз санъат асари», — деб ёзган эдилар.

Албатта, барча шеърӣ жанрлар каби, рубой ҳам узоқ тараққиёт йўлини босиб ўтиш жараёнида шаклан мукамаллашиб, мазмунан бойиб борди. Дастлаб ишқӣ кечинмалар, панд-насихат, табиат тасвири, ҳазил-ҳажв мавзуларида яратилган бўлса, бора-бора теран фалсафӣ фикрлар, тасаввуфӣ рамзу тимсоллар, ранг-баранг бадиий усул ва санъатлар унда ўз аксини топа бошлади. Рудакий ва замондошларининг нисбатан содда услубдаги

<sup>1</sup> Аминов А. Жанр рубаи и советская лирико-философская поэзия. Душанбе, 1988 г. С. 29.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 24-бет

<sup>3</sup> Комилов Н. Хайёмнома // Тафаккур карвонлари. 189-бет.

рубойилари Ибн Сино ва Умар Хайём ижодида чуқур фалсафий мазмунга эга бўлди. Кейин сўфий шоирлар жанрга тасаввуфий рамзу тимсолларни сингдириб, унинг услуги ва тилини мураккаблаштирдилар. Сўз санъаткорлари қалами билан эса рубойий бадиий мукамалликка эришди.

Умар Хайём рубойиларида фикр қанча теран, мазмун қанча чуқур, мушоҳада қанча кенг, фалсафа қанча салмоқли бўлса, ифодаси шунча содда, тушунилиши шунча осон, ўқилиши шунча енгил, таъсири шунча кучли. Шунинг учун ҳам Абдурауф Фитрат: «Хайёмнинг рубойиларида бўлган ифода очиклиғи, услуб гўзаллиғи, фикр ўткурлиғи уни бошқа Шарқ шоирларидан юқориға чиқарадур. Хайёмнинг фикр ифода қилишдағи усталигидан фойдаланиш ҳар бир шоир учун кераклик бир ишдир», — деб ёзган эди.

Аввал тафаккурда туғилиб, кейин қалб кўрига йўғрилган Умар Хайём рубойилари, бир сўз билан айтганда, олам ва одам ҳақида. Шоир дунё эврилишларига донишмандона босиқлик, таассуф аралаш лоқайдлик билан қарайди: дунёни ўзгартиришки кўлингдан келмас экан, уни деб қайғуриш беҳуда. Унинг учун туғилиш ва ўлим, яхшилик ва ёмонлик, зулм ва адолат... ҳаммаси ўз табиий қонуниятига асосланади:

Биз бўлсагу бўлмасак, жаҳон бўлғусидир,  
Биздан на бирор ном, на нишон бўлғусидир.  
Биз илгари йўқ эдигу етмовди халал,  
Энди яна бўлмасак, ҳамон бўлғусидир<sup>1</sup>.

Бу рубойилар ҳаётинилиги, реал инсоний интилишлар, дарду туйғуларни аке эттиргани учун ҳам кўнгилга яқин. Шоир ҳақиқатнинг кўзига тик қараб гапиради. У дунёнинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, тирикликнинг маъноси хусусида аниқ-тиниқ фикр юритади. Бу рубойилар шоирона тасаввур-тахайюл, мавҳум самовий ҳаёллар, анъанавийлик, романтика маҳсули эмас, балки қайноқ турмуш тафтида пишган ҳаётини кечинмалар ҳосиласи:

Дунё дегани азоб, тириклик эса ғам,  
Такдир дегани бало, замон — зулму ситам.  
Хуллас, бу жаҳон ҳолига боқсам кўраман:  
Тинч-осуда одам йўқ, агар бўлса-да кам.

<sup>1</sup> Шоир рубойилари муаллиф таржимасида берилмоқда.

Умар Хайём яшашга лойиқ уй-жойи, тирикчиликка етарли нони бўлиб, шунга қаноат қилган, бировга қул ҳам, ҳоким ҳам бўлмаган оддий инсоннинг турмушини ҳақиқий хур, озод ҳаёт сифатида улуғлайди, чинакам инсоний бахт ҳам, ҳузур-ҳаловат ҳам шунда эканлигини таъкидлайди:

Хар кимсани бор бўлса ейишга нони  
Хам ўзига лойиқ уйию ошёни,  
Ул қул-да эмас бировга, ҳоким-да эмас,  
Бас, қандини урсин ўша — хуш даврони!

Умар Хайём нигоҳи билан дунёга боқсак, бир ўзгача манзаранинг гувоҳи бўламиз: оёғимиз остидаги тупроқ — «ота-боболар хоки», «сулувлар кўзининг қорачиғи»; гулу кўкатлар — бир маҳаллар «гўзал бир чехра» бўлган; шабнам — «моҳлиқолар юзидаги тер» эса, чанг — «санамлар оразини қоплаган гард». Ҳеч нарса бегона эмас, ҳаммаси кўнгилга яқин — барчаси ўзимизники!

Хар сабзаки, сувнинг бўйидан жой олмиш,  
Ул тальвати хур хаттини ёдга солмиш.  
То сабза сари ташла оёғингни аяб,  
Ул сабза санам чехрасидаги холмиш.

Табиатда бўлгани сингари ҳаётда ҳам ҳамма нарса — туғилиш ва ўлим, шодлик ва қайғу, ёшлиғу кексалик, орзую армон... ўзаро ўрин алмашиб туради. Шу сабабли, айтайлик, кўклам кайфияти ҳадя этган оний сурурдан илҳомланиш шоир учун нишоннинг бир томони бўлса, иккинчи тарафи — юракни кўтаринки ҳисларга тўлдирган бу қувончнинг, бу шуқуҳнинг ўткинчилиги. У хар қандай қувонч қатида қайғу, хар қандай ғам ортида шодлик кўради:

Бок, тонг елидан гул этаги чок бўлади,  
Булбул етишиб ғунчага қувнок бўлади.  
Гул соясида ўтир, у кумга сингса,  
Бизнинг-да вужуд эртага тупроқ бўлади.

Лаҳза — Хайём ижодида кенг ишланиб, образ даражасига кўтарилган. Унингча, бу дунё қошида, мангулик қаршисида бизнинг умримиз — ялт этган бир лаҳза. Ўз

навбатида, инсон ҳаёти олдида туғилишу ўлим, қувончу қайғу, орзу-интилиш — ҳамма-ҳаммаси лаҳза қатига жо:

Куфр оламидан дингача бир лаҳза эмиш,  
Шак манзилидан чингача бир лаҳза эмиш.  
Бас, сен бу азиз лаҳзани хуш ўтказгил,  
Умр ўзи шу — ўлгунгача бир лаҳза эмиш.

Лекин инсон лаҳзада абадиятни кечириши, ҳатто уни яратиши мумкин. Унинг буюклиги шунда.

Вақтни мангуликка муҳрласа бўлади. Бунинг учун ўтаётган ҳар бир лаҳзанинг қанотига нимадир илиб улгуриш керак. Чунки елкасида юки бор лаҳзалар абадият, икки қўли бўм-бўш дақиқалар эса йўқлик сари равона бўлади:

Бўстон сари йўл олди ўшал булбули маст,  
Май жомию гул чехрасини топди, абас.  
Ул дам унутиб ўзни, кулоғимга деди:  
«Қайтмас сира, билгил, ғанимат ушбу нафас!»

Ҳа, вақтдан бўлак ҳамма нарсани топса, қўлга киритса бўлади. Баҳор қайтади, майсалар пиш уради, гуллар ҳар йили очилаверади, булбуллар сайрайверади, лекин инсон «ўргач, қайта кўкармас гиёҳ», у «олтин эмас, кўмганларидан кейин қайта қазиб олишмайди». Шу тариқа, Хайём рубойлари асосида дунёнинг ўткинчилиги, бинобарин, умрнинг кадрига етиш, ҳар дақиқани ғанимат билиш, чунки ўтган лаҳзанинг ортга қайтмаслиги, инсонга ҳаёт бир марта берилганлиги, шундай экан, шод-хуррам яшаш кераклиги каби ғоялар ётади. Бунинг учун у инсоннинг ўлиши, ўлгандан сўнг тупроққа айланиши, бу тупроқдан кулол кўза ясаши, кўзага май қуйилиши сингари тимсол-тушунчалардан кенг фойдаланади. Ҳар қандай мавжудот пайдо бўлиши, ўсиб-униши ва заволга юз тутиши, унинг ўрнини янгиси эгаллаши — ҳаёт абадулабад шу тарзда давом этиши бу рубойларнинг моҳиятини ташкил этади. Шунинг учун ҳаётдаги бир лаҳзалик қувончни қўлдан чиқармасликка, хуш-хурсанд яшашга, тирик туриб ўзига қабр қазимасликка даъват шоир рубойларида қизил ип бўлиб ўтади.

Тонг чоғида ул гулки, кулиб тўкилади,  
Ел бирла хикоятни қилиб тўкилади.

Ун кун ичида гул ниш урар, гунча тугар  
Хам очилар ул, хидга тўлиб тўкилади.

Кулол, кўза, тупроқ... Хайём ўз ижодида қайта-қайта мурожаат қиладиган образлар. Улар воситасида файласуф шоир, кўпчилик тадқиқотчилар таъкидлаганидек, материянинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиши, эскининг емирилиб, янгининг пайдо бўлишинигина ифодаламайди. Шоир дунёқарashiдаги энг дардли нуқталар боғлиқ бу образлар билан. Унинг талқинича, инсон — жисм ва рухнинг буюк бирлиги. Лекин у ўлади, тупроққа айланади, бу тупроқдан кўза ясаш мумкин, афсуски, кўза ҳеч қачон одамга айланмайди:

Бул кўза менигдек ошики зор эрди,  
Бир сочи узун малакка хуштор эрди.  
Бул дастаки, кўза бўйнида — эрди-ю қўл  
Хам ўрни мудом гардани дилдор эрди.

Умар Хайём май куйчиси сифатида машҳур. Лекин май мумтоз шеърятда кенг ишланган анъанавий тимсол бўлиб, у орқали, бир томондан, илоҳий муҳаббат тараннум этилса, иккинчи томондан, ҳаёт лаззатлари улугланади. Аслида Хайём рубоийларида ўзининг юксак такомилга етган кўнгина образ ва мотивлар салафлари ижодида у ёки бу даражада ишланган эди. Жумладан, май мавзуси ҳам дастлаб Рудакий ва унинг издошлари ижодида учрайди. Ёки май абадий умр гарови, ёшлик завқининг сармоёси, ғамни маҳв этувчи омил эканлиги ҳақидаги фикрлар, соқий, жоми Жам, май соқийси каби тимсол ва истилоҳлар, май ичиш шох, донишманд ва ринд кишиларга раво эканлиги тўғрисидаги тавсиялар Ибн Сино рубоийларидаёқ мавжуд. Азракий, Муиззий, Адиб Собир Термизий каби салжукийлар саройи шоирлари ҳам майни таъриф этганлар. Лекин бу шоирлар ижодида май ҳали тимсол даражасига кўтарилмаган эди. Ҳаётдан лаззатланиш, ҳар бир дақиқани нашъу намога тўлдириб, умрни хуш-хуррам ўтказиш ғояларини ҳеч бир шоир Умар Хайёмдай авж пардаларда қойилмақом қилиб куйлай олмаган:

Гар бўлса муяссар менга буғдой нони,  
Бир кўза шароб билан семиз қўй сонн.



Вайронада ёрниким бўлиб қурбони,  
Топмас бу сафони ер юзин султони!

Рубоийда фалсафийликнинг чуқурлашувини тасаввуф билан боғлайдилар. Бу — бежиз эмас. Тасаввуф шеърлятида май, ишқ ва бошқа кўплаб тимсол-тушунчалар фалсафий мохият касб этади. Чунончи, бу таълимотга кўра, олам ҳам, одам ҳам ишқ туфайли яралган, ишқ туфайли барқарор ва бир куни адам сари юз тутса, бунга ҳам ишқ сабаб. Бугун биз биламизки, бу дунё оламнинг ўзаро тортишиш кучлари туфайли пойдор. Сўфийлар эса буни Ҳусн ва Ишқнинг бир-бирига интилиши тарзида тасаввур қилганлар. Уларнинг акидасича, оламнинг уйғунлиги, коинотнинг мунтазамлиги ишқ туфайли. Улар «тошнинг ерга тушишини ҳам, сайёраларнинг қуёш атрофидан айланишини ҳам ишқ билан изохлашади»<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам Жалолиддин Румий: «Олам бир вужуд бўлса, ишқ — унинг жони», — деган эди. Зеро, ишқ бўлмаса, одамнинг ўликдан, оламнинг қабристондан фарқи йўқ. Ишқнинг дунё, ҳаёт ва инсоннинг бутун мазмун-мохиятини белгилашини назарда тутиб, Умар Хайём ёзган эди:

Ишқ — боши жаҳон дафтарининг, маъноси,  
Ёшлиқ ғазалин матлаъси — муддаоси.  
Эй, англа, хабарсиз юрган ишқ олаmidан,  
Ишқ бирла яралган бу башар дунёси!

Тасаввуф адабиётида кўнгил улуғланиб, хатто Каъбадан-да юксак кўйилади. Бунинг сабаби: дунё ва нафс ғуборларидан покланган кўнгилда Худо акс этади. Шунга мувофиқ, синган кўнгилни кўтариш — Каъбани обод қилишга тенглаштирилади. Синиқ кўнгил — рамз: у дунё ва нафс алойиқларидан қутулган ва илохий ишқдан бохабар, маърифат сирига ошно бўлган дардли кўнгил. Шоир бу анъанавий ташбеҳнинг миқёсларини кенгайтириб, бир ғариб кўнгилни шод айлаш нафақат Каъбани, балки бутун оламни обод этишдан-да афзал, дейди:

Билгилки, ғариб кўнгилни бир шод этмок —  
Создир нечаким — жаҳонни обод этмок.

<sup>1</sup> *Радий Фиш*. Жалолиддин Румий (Тарихий-биографик роман). Жамол Камол таржимаси. Тошкент, 1986 йил, 86-бет.

Лутфинг била айласанг асир бир дилни  
Ҳеч қошида мингта кулни озод этмок.

Дунёнинг номукамаллиги, инсоний ҳаётнинг мураккаб ва машаққатлилиги, замона адолатсизликлари Умар Хайём рубоийларининг етакчи мотивлари ҳисобланади. Шоир бунинг учун гоҳ Яратганга шикоят айласа, гоҳ чархи фалакдан ҳасрат қилади, гоҳ замондан нолиса, гоҳ нокасларни мазаммат этади. Албатта, буларнинг барчаси дунёни тўқис, ҳаётни фаровон, инсонни баркамол, жамиятни етук кўриш орзусидан. У номукамаллиги, қусурлари учун ҳеч кимни, ҳеч нарсани аяб ўтирмайди: дунёни ҳам, замонни ҳам, одамларни ҳам, ҳатто ўзини ҳам!

Эй дил, бу замондан сира эҳсон тилама!  
Тартибни фалак чархидан, эй жон, тилама!  
Дармон сўрабон ортади дардинг баттар,  
Кўн дардига ҳар лаҳза-ю, дармон тилама!

Унинг нуқтаи назарига кўра умр шунчалик қисқаки, шошилмаса инсон на яшашга улгуради, на камолот касб этишга! Ҳолбуки, умр яшаш учун берилган: қисқа умрни айш-ишратга ҳам, аксинча, таркидунёчиликка ҳам сарф этмаслик керак.

Маънавий-ахлоқий мавзу Шарқ адабиётида ҳаминша етакчи бўлиб келган. Маълумки, панд-насихат қанча ихчам ва ёрқин ифодаланса, шунча таъсирчан ва жозибадор бўлади. Айни жиҳатдан рубоий ҳикматли сўзлар, фалсафий мазмунни ифодалашга жуда қўл келади: бу ихчам ва лўнда шакл шоирларга катта маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган турли-туман панд-насихатларни унга сингдиришга имконият яратди. Қомусий билим, катта ҳаётий тажриба, бекиёс истеъдод соҳиби бўлган Умар Хайёмнинг кўпчилик рубоийлари ҳам ҳикмат каби жаранглайди. Зеро, улар дунё, ҳаёт, инсон устидан ўқилган ўзига хос фалсафий ҳукмлардир. Шоирнинг ўзи ҳам буни эътироф этиб, рубоийларидан бирида ижоди мисолида ҳикмат чодирини тиклаганини айтган эди.

Бегона яқин менга вафо қилса агар,  
Ёт ҳатто қариндош-да жафо қилса агар.

Гар ёкмаса бол — борми захардан фарқи?  
Бол ўрнидадир захар даво қилса агар.

Хеч кимсани ранжитма илож топсанг агар,  
Оғритма бирор дилни, сира сочма захар.  
Гар мангу фароғатдан умидинг бўлса,  
Чек ёлғиз ўзинг учраса ҳар қанча кадар.

Умар Хайём ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган. Фақат рубоий ёзган ёки ижодида рубоий етакчи ўрин тутган кўплаб рубоийнавис шоирлар етишиб чиққан. Чунончи, Фаридиддин Атторнинг «Мухторнома»си 5000 та рубоийни ўз ичига олади. Мирзо Бедил 3861 та рубоий ёзган. Абдуллох Ансорийга 2000 дан зиёд рубоийни нисбат берадилар. Жалолоддин Румий девонида 1994 та рубоий мавжуд. Амир Хусрав Дехлавий рубоийлари 700 тадан 1200 тагача деб кўрсатилади. Соммирзо Сафавийнинг Шайх Рубоий номли шоир (XVI) ҳақида ёзишча, у «шеър навларидан рубоийга ниҳоятда майл кўрсатган ва шунинг учун уни Шайх Рубоий дейдилар». Мутрибий Важеҳий Ахсикатий мероси ҳақида тўхталар экан, «ёзганлари асосан рубоий эди» деб маълумот беради ва Ҳаким Рукноий Кошоний ижоди ҳақида ҳам «кўпроқ рубоий жанрида қалам тебратарди» деб қайд этади. Бундай маълумотни Мутрибий Азизий Самарқандий хусусида ҳам келтиради. Ҳиндистонда Файзи Фаёзий «Хуршиднома» номли рубоийлар девони тузган бўлса, Саҳобий Астрободий «иккинчи Хайём» деб улуғланган.

Умар Хайём рубоийлари дунёнинг деярли барча тилларига таржима қилинган. Илк бор 1859 йили Эдуард Фитцжеральд томонидан инглиз тилига ўгирилган шоирнинг 75 рубоийси XIX асрнинг ўзида катта ададларда 25 марта, 1925 йилгача 139 марта нашр этилган. Бутун Британияда Хайём рубоийлари кириб бормаган хонадон қолмаган, Хайём клублари очилган. Кейинчалик унинг сафини А. Арберри, Ф. Розен, Уинфильд, П. Эйври, Ж. Хезетабз каби мутаржимлар тўлдирган ва рубоийлар миқдори 100 тадан 1000 тагача етди.

Америкада Умар Хайём рубоийлари асосида театрлаштирилган сахна асари, Лондонда махсус хайёмсеварлар клуби мавжуд. Уларда шоир рубоийлари ҳам аслида, ҳам таржимада бадний сўз усталари, моҳир нотиклар томонидан ўқилади.

Умар Хайём рубойларини XX аср бошларидан ўзбек тилига таржима қилишга киришилган. Олимжон Идрис 1914 йили «Шўро» журнаlining 4-сонида шоирнинг бир неча рубойсини мисрама-мисра таржима қилиб, нашр эттирди. Журналнинг 1917 йилдаги 2-, 4-, 13-, 14-сонларида «М.С.И.Ч.» имзоси билан унинг яна бир қатор рубойлари таржимаси эълон қилинган. Абдурауф Фитрат «Форс шоири Умар Хайём» номли рисоласида (1929) унинг 35 та рубойсини насрий таржимада келтиради. Кейинчалик Фаттоҳ Абдуллаев унинг 14 та рубойсини шеърӣ таржима қилади. Умар Хайём рубойлари таржимаси асосан форс-тожик адабиётининг билимдон тадқиқотчиси ва моҳир таржимони Шоислом Шомуҳамедов номи билан боғлиқ: файласуф шоир рубойлари унинг таржимасида бир неча марта босилиб чиқди ва халқимиз орасига кенг кириб борди.

## **АДИБ СОБИР АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАРЖИМАЛАРИ**

Дунёга донғи кетган кўплаб олиму адибларга бешик бўлган муқаддас ўзбек заминидан турли даврларда Амъак Бухорий, Сўзаний Самарқандий, Асириддин Ахсикатий, Сайфи Фарғоний, Бадриддин Чочий, Хожа Исмаил Бухорий, Абдурахмон Мушфикий, Шавкат Бухорий, Носир Бухорий, Мирзо Содик Мунший каби бир неча ўнлаб форсийзабон шоирлар ҳам етишиб чиққанки, улар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини таржима қилиб, халқимизга етказиш ватан адабиётини янада бойитиш ва ривожлантиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу санъаткорлар даврасида ўз бадиий салоҳиятининг баландлиги билан Адиб Собир Термизий алоҳида ўрин тутди.

Шаҳобиддин Собир ибн Исмоил Термизий 1078 йили Термиз шаҳрида таваллуд топган. Кенг ва чуқур билими туфайли Термизда расадхона бунёд этган ҳоким Абулқосим Али ибн Жаъфарнинг назарига тушиб, мазкур илм даргоҳида фаолият кўрсатади ва истеъдодли олим сифатида шуҳрат қозонади. Шеърларидан бирида Собирнинг ўзи ҳам астрономия ва математикада ҳеч ким унинг олдига тушолмаслигини эътироф этган эди («Чунон ки хайъати таркиб устувори ман аст»). Лекин жохил уламолар томонидан расадхона вайрон қилиниб, олимлар ҳар

ёққа тарқалиб кетадилар. Абулқосим Али ҳибс этилади. Адиб Собирни ҳам шиаликда айблаб, таъкиб қиладилар, хатто қисқа фурсат у камоқ азобини ҳам чекади. Бир неча муддатдан сўнг халос топган Абулқосим Али Адиб Собирни ҳам ўзи билан Нишопурга олиб кетади.

Адиб Собирнинг кейинги ҳаёти ҳукмдорлар саройи билан боғлиқ. У дастлаб Хуросон раиси номи билан машҳур Абулқосим Али дарборида хизмат қилади. Бу ерда у амал ва шон-шуҳратнинг чўккисига кўтарилади. Лекин Баҳоуддин Нақшбанд шуҳратда офат бор, дега-нидек, Адиб Собир ҳам тухматга учраб, саройдан чет-латилади — тоғли Бадахшоннинг Рован номли мавзесига сургун этилади. Бу орада ҳаж сафарига чиқиб, Арабис-тоннинг қатор шаҳарларида бўлади. Сафардан қайтгач, аввал Абулқосим Али, сўнг Султон Санжар саройига даъват қилинади.

Адиб Собир Султон Санжар саройининг етакчи шоири бўлиш билан бирга, салжуқийлар салтанатининг сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. Давлатшоҳ Самарқандий: «Собир Султон Санжар ва унинг аркони давлати ол-дида азиз ва муҳтарам эди», — деб ёзади. 1143 йили Султон Санжар ўз салтанатига қарши кайфиятда бўлган хоразмшоҳ Муҳаммад Отсизнинг хатти-ҳаракатларидан хабардор бўлиб туриш учун уни Хоразмга элчи қилиб юборади. Элчи-шоир бу икки ҳукмдорнинг ўзаро муно-сабатларини яхшилаш, улар ўртасида тинчлик-тотувликни сақлашда муҳим роль ўйнаган. Лекин хоразмшоҳнинг хоинона режаларига халақит бергани учун 1147 йили у жосусликда айбланиб, Амударёга чўктирилган. Ўзининг шаҳид бўлишини олдиндан кўнгли сезган Адиб Собир Отсизга йўллаган шеърларидан бирида уни бу ёвуз ни-ятидан воз кечишга даъват қилган эди:

Не, макун, шоҳо, даръёб, ки гар кушта шавам,  
Барнаёяд ҳама олам ба баҳои кафанам.

«Эй шох, эҳтиёт бўл ва ўйлаб иш тутки, агарда мен ўлдирилсам, кафаним баҳосига жумла олам етмайди!»

Маълумки, Шарқда фасоҳат ва балоғатда юксак мақомга эришган сўз усталаригагина «адиб» унвони берилган. Зеро, Адиб Собир каби гўзал ва ҳассос шоир форсий адабиёт тарихида жуда оз ўтган. У ҳақда

фикр билдирган илму адаб аҳли якдиллик билан шоир ғазалларининг тили ширин ва услуби мавзун эканлигини таъкидлайдилар. Чунончи, Муҳаммад Авфий «балоғат сипоҳининг шоҳи ва маҳорат тахтининг амири» деб лутф этса, Анварий унга «покизаназм» сифатини берса, Абулқосим Козаруний Адиб Собирни «жаҳон шоирларининг улуғларидан эди», деб таърифлайди. Абдурахмон Жомий: «Ширинсухан шоир, доно олим бўлган. Унинг шеърларида латофат ва малоҳат камолга етган. Фозил шоирлар унинг санъатига қойил қолганлар», — деб ёзса, Давлатшоҳ Самарқандий унинг «хушсухан, сўзлари покиза, равон ва сеҳрли» эканлигини таъкидлаб: «Адиб Собир ўз асри шоирларининг сардафтари экан», — дейди.

Адиб Собир улкан девон соҳиби бўлса-да, у бизгача тўла етиб келмаган. Ҳозиргача шоир асарларини ўз ичига олган 4 та девон маълум — улар Англиядаги Индия Оффис кутубхонаси, Британия музейи, Озарбайжон ФА қўлёзмалар фонди ва Тожикистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади. Унинг ушбу девонлар ва турли баёзлардан ҳозиргача аниқланган шеърлари 7045 байтни ташкил этади.

Аҳмад Абдуллоев томонидан тайёрланиб, 2002 йили Эроннинг «Ал-худо» халқаро нашриётида чоп этилган Адиб Собир Термизий девонининг учинчи наشري эса ўзининг матний мукамаллиги билан алоҳида аҳамиятга эга. У шоирнинг ҳозиргача аниқланган 126 қасида, 7 таркиббанд, 67 ғазал, 162 қитъа, 88 рубоий — жами 7045 байтдан иборат адабий меросини ўз ичига олади.

Адиб Собир нафақат форсийда, балки арабийда ҳам қалам тебратганлиги ҳақида замондошлари маълумот берганлар. Рашидиддин Ватвот уни назмдагина эмас, насрда ҳам устоз эканлигини таъкидлайди. Афсуски, шоирнинг арабий ва насрий асарлари ҳалигача топилган эмас.

Адиб Собир мероси асосан қасида, ғазал, таркиббанд, қитъа ва рубоийлардан иборат. Унинг, хусусан, қасида ва ғазалда шухрат тутганлиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланган. Ишқу муҳаббат, табиат манзаралари, замонадан шикоят ва панд-насихат — шоир шеъринининг асосий мавзулари ҳисобланади. Ҳаётсеварлик, инсонпарварлик — уларнинг маъзини ташкил этади. Сиёсий нотинчлик шароитида яшаган, машаққатли ҳаёт кечирган, мураккаб тақдир соҳиби бўлишига қарамай,

некбин кайфияти, бардам рухи шеърларидан кўриниб туради.

Адиб Собир — дилбар шоир. Шеърлари шаклан гўзал ва мазмунан теранлиги, ташбеҳларининг табиийлигию фикрларининг самимийлиги билан ажралиб туради, халқона ибораларга бой. Оҳорли фикрни гўзал бадий шаклда ифодалашга ҳаракат қилади. Шеърятда бадий баркамоллик учун курашган ва ўзи ҳам бунга риоя қилган. Содда ва халқона хуросон услубини маъқул кўрган. Рудакий, Дақикий ва Фаррухий анъаналарини давом эттирган. Шоирнинг ўзи ҳам бежиз шеърларини юксаклик ва равшанликда учар юлдузга ўхшатмаган эди («Ба равшанию баланди чу шеъри ман шаъро»). Бошқа бир ўринда эса, шеърларимнинг ёниқлигини кўриб, оташ ҳам фахр этади, дейди:

Ба шеъри оташи ман фахр бошад оташро,  
Агарчи роҳ надорад ба фахру ор оташ.

Дарҳақиқат, шоир шеърятга баённинг соддалиги, услубнинг равонлиги, фикрнинг оҳорлилиги, жўшқин руҳи, жозиб оҳанги билан ўқувчиларни ўзига жалб этади.

Ўзбек ўқувчилари Адиб Собир Термизий ижоди билан илк бор 1979 йили танишдилар. Шу йили форс-тожик адабиётининг билимдони, таниқли шоир ва моҳир мутаржим Чустий билан адабиёт муаллими Эшбой Пардаев таржимасида унинг мўъжазгина «Танланган асарлар»и нашр этилган. Кейинчалик 1982 йили босилиб чиққан Адиб Собир «Сайланма»сида унинг рубойлари таниқли шоир ва мутаржим Жамол Камол таржимасида эълон қилинди.

Ўзбек тилига Адиб Собирнинг 38 тағаззул, 55 ғазал, 48 китъа, 68 рубойси ва таркиббандларидан намуналар (303 байт) таржима қилинган бўлиб, шоирнинг рубойларидан бошқа барча шеърларини Чустий ўзбекчалаштирган. Айтиш мумкинки, Адиб Собир ижоди кўпроқ Чустий қалами шарофати билан ўзбекчада жаранглади.

Адиб Собирнинг китъалари ҳам бадий юксаклиги, мазмунан теранлиги билан қасида ва ғазалларидан қолишмайди. Таъбир жоиз бўлса, шоирнинг китъалари Шарқ шеърятига хос бўлган романтик баландпарвозликдан холи, ҳаётий, кўнгилга яқин ва тушунарли эканлиги билан ажралиб туради. Турли ҳолат ва кайфиятда яра-

тилган турфа мавзу, ранг-баранг ҳажмдаги бу китъаларни Адиб Собирнинг кундалик дафтари, ўзига хос лирик миниатюралар, дейиш мумкин. Қитъада кўпинча панд-насиҳат, оний бир кайфият тасвири, у ёки бу фикр, фалсафий мушоҳада акс этади. Қитъа таржимасида ана шу ихчамлик ва маъновий мухтасарлик сақланиши, унда ифодаланган фикр бир зарб билан ўқувчига етиб бориши керак. Чунончи, шоирнинг қуйидаги китъасида ҳаётнинг азалий ва адабий қонуниятларидан бири ўзининг гўзал бадиий талқинини топган бўлиб, мутаржим уни маромига етказиб таржима қилган:

Олим, ки хўрдан-ш ҳама ғам бошад аз жаҳон,  
Беҳтар зи жоҳиле, ки наими жаҳон хўрад.  
Гарчи ғизои боз бувад синаи тазарв,  
Беҳ з-он ҳумой, гарчи ҳама устухон хўрад.

Гар олимким, ғаму ҳасрат насиб ўлмиш бу оламда,  
Жаҳон неъматларин кўпроқ еган жоҳилдан ул яхши.  
Агарчи қарчиғайнинг ризки бўлмиш кирғовул тўши,  
Ҳумо ер устухон доим, эрур қушларнинг ул нақши.

Ҳофиз ғазал ва рубойлари таржимасида Хуршид уларни асосан ўзи ёзилган вазн билан ўзбекчалаштиришни қоида қилиб олган. Бунда шоир шеърларининг муסיқаси, оҳанги, руҳи ва таъсирчанлиги айнан сақланади. Бу — Хуршид таржималарининг муваффақиятини таъминлаган асосий омил бўлган эди. Чустий эса имкони борича шеърларни улар ёзилган вазннинг ўзи билан таржима қилиш муҳимлигига кўп ҳам эътибор бермайди. Буни дастлаб у амалга оширган Ҳофиз ғазаллари ва рубойлари таржимасида кўрган эдик. Бу нотўғри усул Адиб Собир Термизий ғазал ва тағаззуллари таржимасида айниқса яққол кўзга ташланади. Гап шундаки, Чустий унинг шеърларини сидирғасига халқ оғзаки ижодига яқин, бир қадар энгил ва осонлиги жиҳатидан арузнинг «туркий вазнлари» сифатида машҳур бўлган ҳазаж ва рамал вазнларига солиб ўгиради. Ҳолбуки, Адиб Собир ўзбек шоирлари севиб қўллаган (Масалан, Ҳусайн Бойқаронинг барча ғазаллари биргина рамал баҳрида. Атойи шеърларининг ҳам 70 фоизидан ортиғи ҳазаж ва рамалда) айни шу вазнлардан ўз ижодида жуда кам фойдаланган. Ўз-ўзидан аслият ва таржима орасида



номувофиқлик келиб чиқади. Чунки шоир ва мутаржим услуби бир-биридан фарқланади.

Тўғри, Чустий Адиб Собир шеърлари таржимасида аруз доирасидан четга чиқмайди. Лекин уларни ўзи ёзилган вазнда таржима қилмаслиги натижасида бу шеърлардаги рух, ритм, оҳанг ўзгаради, таъсирчанлик камаяди. Чунончи, мана бу ғазал ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган бўлиб, Чустий уни рамали мусаммани маҳзуфда ўгиради:

Овард ба мо булбули ошиқ хабари гул,  
Жуз булбули гулдўст ки донад хатари гул?

Бизга гулдан булбули шайдо кетурди хушхабар,  
Ким билур булбулдин ўзга — бу хабардур бехатар?

Кўриниб турибдики, ғазалда аслият ва таржима оҳанги бир-биридан ўзаро фарқланади. Бу шоир руҳи, ғазал таъсирчанлигини аслидагидай дарк этишга халал беради. Бундан ташқари, ғазалнинг шакли ва мусиқаси, ҳижолярнинг кам ёки кўплигига қараб сўзлар миқдори ҳам ўзгаради. Маълум бўладики, гарчи аруз баҳрида таржима қилинса-да, аслиятдагидан бошқа вазн танланса, бу таржимада қатор қурбонликлар берилишига олиб келади. Шусиз ҳам таржима қурбонликсиз амалга ошмайди. Бинобарин, мутаржим имкони борича бундай қурбонликлар миқдорининг камроқ бўлишига интилиши керак.

Албатта, ҳар қандай шеърни ҳам унинг ўз вазни билан таржима қилишнинг имкони бўлмас. Лекин бу аксарият шеърларни дегани эмас. Чунончи, Ҳофиз ғазаллари таржимасида Хуршид бу ҳолга деярли йўл қўймаган бўлса, Чустий таржималарида бунинг мутлақо тескарисини кўрамыз. Ахир, узоқ тилларга таржимада ҳам оҳанг ва ритм жиҳатидан ўзаро муқобил вазнлар изланиши сир эмас. Айтайлик, славян ва Ғарб тилларида аруз йўқ. Лекин Шарқ шоирлари шеърлари, хусусан, маснавий ва рубойлар таржимасида рус мутаржимлари силлабо-тоник вазннинг турли шахобчаларидан фойдаланганлар: улар айнан бўлмаса-да, маснавий ва рубойга хос оҳанг ва ритмга яқин. Форсийдан ўзбекчага шеърини таржимада эса бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. Чунки ҳар иккала тилдаги шеърини ягона шеърини тизим — арузда ривожланган. Форсий сўз санъаткорлари бу шеърини тизимнинг

кайси вазнларидан фойдаланган бўлсалар, забардаст ўзбек шоирлари ҳам улардан истифода этганлар. Хусусан, Алишер Навоий ижодида арузнинг барча баҳр ва вазнлари маҳорат билан қўлланганлигини кўрамиз.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, ўзи ҳазаж ёки рамалда ёзилган тағаззул ва ғазаллар таржимаси анча муваффақиятли чиққан. Лекин таржимон ҳазаж ёки рамалда битилган шеърларни ҳам ўз вазни билан таржима қилишга интирмайди. Жумладан, қуйидаги тағаззул рамали мусаммани маҳзуфда яратилган бўлиб, Чустий уни ҳазажи мусаммани солим вазни билан ўгиради:

То сиришкам бештар шуд, сабри ман камтар шудасть,  
Рост пиндори, зи дида сабр меорам, на об.

Менинг бори қарорим беқарор зулфингга боғлабсен,  
Анинг ҳар ҳалқаси, билсанг, менинг жойи қароримдир.

Адиб Собир — санъаткор шоир. Шоир услубининг ширали ва равон бўлиш баробарида, бир қадар мураккаб ҳам эканлигига шеърларининг бадиийликка бойлигини сабаб қилиб кўрсатадилар. Лекин буни таржимада қайта тиклаш осон эмас. Мисол учун, қуйидаги байт тарсеъ ва такрор санъати асосига қурилган бўлиб, у мазмуннинг гўзал ва таъсирчан чиқишини таъминлаган:

Дар лаби лаълаш ҳама нўш асту қанд,  
Дар сари зулфаш ҳама печ асту тоб.

Ўзбекчада байт мазмуни тўла берилган бўлишига қарамай, тарсеъ ва такрор санъатлари акс этмагани учун у аслиятдагидай гўзал ва таъсирчан чиқмаган:

Лаълида болу шакар, ширину қанд,  
Халка-ҳалка сочида бир неча тоб.

Мана бу мисрада «чин» сўзи ёрдамида сўз ўйини қилинган:

Рўи ман чин аз фироқи он нигори Чин гирифт...

Мутаржим мазмунни гўзал тарзда ўзбекчага ўтказган, лекин сўз ўйини бой берилган:

Чин нигори ҳажрида тушди юзимга юз ажин...

Албатта, сўз ўйинлари кўпинча ҳар бир тилнинг ўзига хос сўз бойлиги натижасида келиб чиқадики, уни бошқа тилда тиклаш жуда қийин, баъзан ҳатто иложи ҳам йўқ. Лекин мохир мутаржимлар бой берилган бундай имкониятлар ўрнини бошқа жиҳатдан тўлдиришга интиладилар. Чустий ҳам мазкур мисра таржимасида «юз» сўзини қўшиш орқали ҳам юзга шунчаки ажин эмас, балки жуда кўп ажин тушганини ифодалаш билан мазмунни чуқурлаштирган, ҳам «юзимга» сўзидан кейин қўллангани боис «юз» сўзи ёрдамида тажнис ва такрор санъатларини юзага келтирган.

Қуйидаги байт тасаввуфий мазмунда бўлиб, унда ҳақиқат ва мажоз бир-бирига қарама-қарши қўйилган. Таржимада «ҳақиқат» сўзининг «Ҳақ»қа айлангани натижасида аслиятдаги тазод санъати йўққа чиққан:

Эй, зулфи ту чун ваъдаи васлат ба дарози,  
Хубет ба ҳақиқат буваду ваъда мажози.

Ваъдаи васлинг каби зулфинг узун кўп, дилрабо!  
Ҳақ эрур сенда чирой, ваъданг мажозий мутлақо.

Қофия — шеърий асарнинг муҳим унсурларидан бири саналади. Пишиқ ва жарангдор қофия поэтик фикрнинг гўзал ва таъсирчан чиқишини таъминлайди. Лекин Навоий Атойини танқид қилгани каби Чустий ҳам «қофия эҳтиётига муқайяд эрмас». Мутаржим вазн, бадиий санъатларга унча аҳамият бермаганидек, қофия борасида ҳам ортиқча изланиб, машаққат чекиб ўтирмайди: унга номига қофия бўлса — бўлди. Шунинг учун ҳам у қўллаган кўпгина қофияларни қофия илми нуқтаи назаридан қофия дейиш қийин. Масалан, қуйидаги байтда «кокилин» сўзига «ҳидларин» қофия қилинган:

Элчисисен дилбар икки кокилин, боди сабо,  
Шул сабадан олдинг анбар хидларин, боди сабо.

Адиб Собирнинг «Танланган асарлар»ига кирган рубоийларни Эшбой Пардаев муаллифга нисбат бериб бўлмайдиган даражада бўш таржима қилган. Бу — сўзма-сўз таржиманинг, ҳижжалаб афдаришнинг типик намунаси: маъно бор, таъсир йўқ. Мазкур тизмалар кўпинча ҳатто шеърий асар даражасига кўтарила олмаган: шеърий оҳанг, равонлик, ритмдан мосуво. Шеърий таржиманинг

Ўзидан кўра шеърӣ таржима учун асқотадиган таглама (подстрочник)ни эсга солади. Чунончи:

То май ичмасанг, ҳаргиз хурсанд бўлмассан,  
Майли, кетур, кетган келмайди қайтадан.

Бу кун ҳам ул кунингдек қайтарилмайди ҳеч,  
Эрта-индин келур, ўтиб кетур ахир.

Ишқида узайтирди кечаларимни,  
Тўғри, ошиқлар туни узундир аксар.

Ж. Камол эса Адиб Собир рубойларини жуда қойилмақом, маромига етказиб таржима қилган. Мумтоз адабиётни, рубойнавислик анъаналарини чуқур билиши унга бу борада ниҳоятда қўл келган. Мазкур таржималарда форсий ва туркий рубойнавислик руҳи билан бирга, замонавий шеърӣят оҳангини ҳам дарк этамиз, нафақат муаллиф, балки мутаржим услубини ҳам ҳис қиламиз — улар ўзаро уйғунлашиб кетган, бир-бирини тўлдирган. Ж. Камол бу рубойларни нафақат арузда, балки рубойнинг ўз вазнида таржима қилган. Чунончи:

Бул кеча умид тошига тошимни қўйй,  
То лабингга лаб, қошингга қошимни қўйй.  
Сен ёшли кўзимга қўй оёбингни, санам,  
Мен эрсам, эшик тубига бошимни қўйй.

Мана, рубойнинг асли:

Дорам сари он, ки имшаб оям ба барат,  
То лаб ба лабат барниҳаму бар ба барат.  
Ту пой ниҳи зи ноз бар чашми тарам,  
Ман сар ниҳам аз ниёз бар хоки дарат.

Кўриниб турибдики, аслиятда радиф йўқ. Лекин биринчи байтнинг қофиялари тажнис асосига қурилган («ба барат» ибораси биринчи мисрада — ёнингга, иккинчи мисрада эса — кўксингга маъносини ифодалаб келаяпти). Таржимада бу санъат акс этмаган. Бироқ ўзбекча рубой қофияларнинг пишиқлигию жарангдор радифга эгаллиги билан бадиий гўзаллик касб этган. Бундай ходисаларга илмда аслиятдан ўтказиб таржима қилиш, дейилади.

Хулоса қилиб айтганда, Адиб Собир Термизий шеърларини юқори савияда таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига етказиш, шоир ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқотлар олиб бориш адабиётшунослигимизнинг кечиктириб бўлмас вазифаларидан ҳисобланади. Зеро, Адиб Собир Термизий каби етук ва дилбар шоир ўзбек адабиётида ҳам ўзининг муносиб ўрнини топиши керак.

## ЖАҲОНИЙ ТАРИҚАТ АСОСЧИСИ

Мусулмон Шарқида машҳур нақшбандия силсиласининг асосчиси Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний 1103 йили Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида туғилган.

Абдулҳолик бошланғич таълимни Ғиждувонда олиб, 9 ёшидаёқ Қуръони каримни ёд билган, 10 ёшидан бошлаб дарвишларнинг зикр тушишларида фаол иштирок этган. Кейин таҳсилни Бухоро шаҳрининг машҳур мадрасаларида давом эттиради. Бу ерда у Имом Садриддин деган замонасининг етук алломасидан тафсир илмини мукамал ўрганadi. Бир куни у ўз устозидан хуфия зикр (яширин зикр, дил зикри) ҳақида сўрайди. Устози унга бу илоҳий илм бўлиб, уни Худонинг ўзи хоҳлаган бадаларига ўргатишини айтади. Бу суҳбатдан бир неча муддат ўтгач, Хизр алайҳиссалом келиб, Абдулҳолик Ғиждувонийга хуфия зикрдан таълим беради ва уни фарзандликка қабул қилади.

Абдулҳолик 22 ёшида Бухорога келган ўша даврнинг донгдор шайхи Хожа Юсуф Ҳамадоний (1048–1140) билан учрашиб, унга шогирд тушади. Абдулҳолик Ғиждувоний устози Хожа Юсуф Ҳамадоний Хуросонга қайтиб кетгунига қадар у буюк зотнинг хизмат-мулозаматида бўлиб, хожагон тариқатининг усулларини мукамал эгаллайди (хожагон тариқатини гарчанд Хожа Абдулҳолик асослаган бўлса-да, унинг илк уруғлари Хожа Юсуф томонидан ташланган) ва кўп ўтмай ўзи ҳам йирик тасаввуф олимига айланади.

Маълумки, ислом дунёга берилишни қораласа-да, лекин унда таркидунёчилик йўқ. Аксинча, у дунё неъматларидан меъёрида фойдаланишни буюради ҳамда нафс ботқоғига бутунлай ботиб кетиш ва дунёга этак силкишга қарши. Нақшбандия шайхларидан Саййид Сифатуллоҳ Эрвосий тўғри таъкидлагани каби нафсни ўлдириш де-

гани уни исломийлаштириш ва сажия (феъл-атвор)ни ижобий томонга ўзгартириш бўлиб, у нафсни бутунлай йўқ қилиш маъносини билдирмайди. Афсуски, ибтидода кўнгил тозалиги, зохир ва ботин бирлигини байроқ қилиб чиққан тасаввуф тобора кенгайиб ва ранг-баранглашиб борар экан, айрим тариқатларда ҳаддан зиёд чуқур кетиш, ҳатто таркидунёчиликка берилиш майллари авж олган. Ислом буюрмаган, Муҳаммад алайҳиссалом қоралаган риёзатлар, ўзини ҳар турли қийноққа солишлар ахлоқий покланишнинг асоси қилиб олинган. Фалсафа ва ҳикмат таъсирида инсонни илоҳийлаштириш тамойиллари пайдо бўлган. Тавҳид ва ваҳдатни англашда айрим шайхлар исломий тушунчалардан хийла узоқлашиб, фалсафий мушоҳадакорликни авж олдирган эдилар. Баъзи ботил тариқатларда валийликни набийлик билан тенг билиш, пайғамбарлик даъво қилиш ҳоллари юз берган. Самоъ мажлисларида, ҳол беҳудлигида ғайри шаръий сўзларни айтиш ва халқ кўнглига шубҳа, гулгула солиш ҳолатлари содир бўлган. Баъзи сўфийлар ўзларини Оллоҳнинг хос бандалари ҳисоблаб, халқдан ажратганлар. Айни жиҳатдан, бундай хилма-хиллик ва қарама-қаршиликларни баргараф этишга йўналтирилган хожагон силсиласи тасаввуф таълимотига янги нафас бағишлаб, тариқат тарихида муҳим бурилиш ясади.

Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг тасаввуф тарихидаги буюк хизмати янги бир тариқатга асос солгани билангина белгиланмайди. Хожагон тариқати воситасида у умуман тариқатни Муҳаммад пайғамбар суннати-га мувофиқлаштирди, уни турли бидъатлар ва ботил қарашлардан тозалади. Шариатга амал қилиш, ундан чекинмасликни асосий қоидага айлантди. Таркидунёчилик, хилватни рад этиб, жамоат билан бирга бўлишни шарт қилиб қўйди. Оллоҳ муҳаббати деб дунёдан кечмасликка даъват қилди. Лукма ҳалоллиги — ҳар ким ўз меҳнати билан кун кўриши зарурлигини тариқатнинг асосий талаби қилиб белгилади. Бу тариқат тақво деб ҳаддан ошишни маъқулламайди. Ахлоқ масаласи қатъий қилиб қўйилди. Буларнинг барчаси тасаввуф тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Баҳоуддин Нақшбандга нисбат бериб машҳур бўлган «Дил ба ёру даст ба кор!» — «Кўнглинг ёрда-ю, кўлинг ишда бўлмасин!» шоири ҳам гоё сифатида дастлаб Абдулҳолиқ Гиждувоний томонидан илгари су-

рилганлиги бежиз эмас. Абдулхолик Фиждувоний рухидан тарбия топган ва нақшбандия силсиласига асос солган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд бу шиорни ўз тариқатининг асосий қоидаси қилиб олган (Воқеан, нақшбандиянинг ўзи ҳам хожагон силсиласидан ўсиб чиққан бўлиб, хожагон-нақшбандия деб юритилади ва Абдулхолик Фиждувоний унинг бошловчиси (сарҳалқаи силсила) ҳисобланади). Хожагон-нақшбандиянинг реал ҳаётий шарт-шароитлар, инсоннинг мавжуд имкониятларига асосланганлиги унинг ҳамма замонлар ва барча табақалар талабига жавоб берадиган замини мустаҳкам тариқат эканлигидан далолат беради. Шариат андозасига солинган, бидъат ва нуксонлардан холи Абдулхолик Фиждувоний йўлининг асрлар давомида тариқатда ҳужжат ва барча гуруҳларда мақбул, деб эътироф этиб келинаётгани ва Туркистон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Ироқ, ҳатто Шимолий Африкада кенг тарқалган нақшбандия тариқатининг ҳозирги кунда ҳам дунёнинг кўпгина мамлакатларида фаолият кўрсатаётганлигининг сабаблари шунда.

Хожагон тариқатида, шунингдек, хуфия зикр асос қилиб олинган. Зеро, самоъ мажлисларида рақсу кўшиқ аралаш амалга ошириладиган жаҳрий зикр тушишлар, хонақоҳларни бошга кўтариб ғавғо қилишлар ислом аҳкомларига зид эди. Шунинг учун ҳам Хожа Абдулхоликдан самоъга муносабатини сўраганларида биз уни инкор этмаймиз, шу билан бирга, бу ишни қилмаймиз ҳам, деб жавоб берган.

Маълумки, шеър ва мусиқа инсон руҳиятига кучли таъсир этади. Буни пайкаган сўфийлар самоъ (арабча: эшитиш) мажлислари уюштириб, кўшиқ ва рақс базмини ташкил қилганлар. Бунда аввал нотик ўртага тушиб, тасаввуфий мазмундаги рубоийларни кироат билан ўқиган. Кейин хушовоз ҳофизлар ўша рубоийларни мусиқа жўрлигида кўшиқ қилиб куйлашган. Шундай жўшу хуруш ҳолатида самоъ жараёни бошланиб, секин-аста важду ҳол билан алмашган. Йиғилганлар бир неча соат давом этган жўшқин ва ҳаяжонли кайфиятда, жазава ва кўтаринки ҳолатда зикр тушганлар. Бу солиқнинг руҳга кириши — ўзини унутиб, ҳол мақомини эгаллаш жараёни тезлаштирган. Хусусан, суқра — беҳудлик маслагининг тарафдори бўлган сўфийлар бунга катта эътибор берганлар. Орифлар султони номи билан машҳур Шайх Абу-

саид Абулхайр самоъ мажлисининг асосчиларидан бири хисобланади. Жалолиддин Румий асос солган мавлавия тариқатида ҳам зикру самоъ мавжуд. Яссавий издошларидан Қашқадарё воҳасида яшаб ўтган Ҳазрати Башир тариқатида ҳам самоъ асосий ўрин тутган. Лекин кўпгина тариқат пирлари, жумладан, Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳам самоъни хуш кўришмаган. У ўз «Васиятнома»сида бу ҳақда шундай насиҳат қилади:

«Самоъни кўп этмағилким, андин нифоқ пайдо бўлиб, ул вақтда самоъ дилни ўлдиради, магар сенга ани хис этиш салоҳияти берилмагон бўлса (самоъни асҳоби кўп туриб, алар орасидан самоъга амал қилғувчи одам топиладур, балки аларнинг эҳтироси бўлса, яъни итоат этмаса) зикр тингламоқ гуноҳдур. Мабодо юрагинг хотиржамлик тортса, сенинг нигоҳинг (маънавий) тарқаб кетмайдур»<sup>1</sup>.

Тасаввуфга оид адабиётлар ва тазкираларда унинг самоъ билан боғлиқ қуйидаги икки рубойиси келтирилади:

Эй пок сўфий, қилсанг агар майли самоъ,  
Бил, келтиради самоъ нифоқ бирла низо.  
Бас, пок бўлайин, десанг, самоъни тарк эт,  
Ёинки, дилинг ҳаётига айла видоъ.

Майл этма самоъга, қилмагин ҳам инкор,  
Сен танла шу йўлни, бўлса кўнглинг бедор.  
Нафсинг ҳали ўлмай, сени қилса безор,  
Қил рўза-намоз, бошқасидан кеч зинҳор<sup>2</sup>.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний устози Юсуф Ҳамадоний таълимотини ҳар томонлама кенгайтириб ва чуқурлаштириб, хожагон тариқатининг 8 рашҳа — қоидасини ишлаб чиқди (Кейинги тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, бу рашҳаларнинг дастлабки тўрттаси Юсуф Ҳамадонийга тегишли). Ўтган IX аср мобайнида бу рашҳалар шарҳида кўплаб катта-кичик тадқиқотлар яратилган. Биз бу ерда уларнинг мазмунини бир оғиз сўз билан айтиб ўтамиз, холос.

1. *Ҳуш дар дам* — ҳар бир нафас огоҳлик юзасидан бўлиб, ғафлатга йўл қўймаслик. Бошқача айтганда, фикру хаёлни бир ерга тўплаб, ёлғиз Оллоҳга қаратиш. Шундагина у ҳузур бағишлайди.

<sup>1</sup> *Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний*. Васиятнома. Тошкент, 1993 йил, 15-бет.

<sup>2</sup> Шайх-шоир рубойилари муаллиф таржимасида берилмоқда.



2. *Назар бар қадам* — ўз хатти-ҳаракатини мутгасил назорат қилиш, нотўғри қадам, ножўя назардан сақла-ниш.

3. *Сафар дар ватан* — ботинда сайр: ўзликни англаш, қусурлардан қутулиб, фазилатлар касб этиш.

4. *Хилват дар анжуман* — зохирда халқ, ботинда Ҳақ билан бирга бўлиш.

5. *Ёдкард* — ёдлаш, зикр этиш: Оллохни ёд этиб, бошқа нарсалардан кўнгил узиш.

6. *Бозгашт* — янгидан бошлаш, такрорлаш. Калимаи таййиба тил ва дил билан айтилиб: «Худовандо, менинг мақсудим сенсан» жумласи зикр этилади. Бундан мақсад — Оллохдан бошқа яхши-ёмон фикрлардан халос бўлиш.

7. *Нигоҳдошт* — фикрни Оллох ёди билан муқим сақлаш, хаёлга ўзга нарсаларни келтирмай, ташқи муҳитдан узилишга интилиш.

8. *Ёддошт* — ҳар лаҳза Ҳақдан бохабар бўлиш. Бунда Оллох муҳаббати кўнгилни батамом қамраб олиб, бошқа ҳеч нарсага ўрин қолдирмайди.

Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Фиждувонийлар томонидан асослаб берилган бу 8 рашҳага Баҳоуддин Нақшбанд яна 3 рашҳа қўшиб, уларнинг ададини 11 тага етказди.

9. *Вуқуфи замоний* — муайян муддатда тўхтаб, ўзини ўзи текшириш, ўз ҳолидан огоҳ бўлиш.

10. *Вуқуфи ададий* — диққатни бир ерга жамлаш, па-ришон хаёллардан халос бўлиш мақсадида зикр ҳисобини аниқлаш учун тўхташ.

11. *Вуқуфи қалбий* — кўнгил огоҳлиги: қалб аҳволини билиш учун тўхташ. Бу зикрнинг энг юқори мақоми бўлиб, шухуд ва вусул мартабасига эришилади.

Бу 11 рашҳа хожাগон-нақшбандия тариқатининг тамали бўлиб хизмат қилган.

Хожалар ахлининг хожаси Абдулҳолиқ Фиждувоний 1179 йили 76 ёшида вафот этган. У волидаи мухтарамасининг оёқ томонида дафн қилинган. Қабри Фиждувон шаҳрида табаррук зиёратгоҳ ҳисобланади.

Абдулҳолиқ Фиждувоний ўз таълимотини ваъзлари орқали тарғиб қилиш билан кифояланмай, бир қатор ри-солалар ҳам ёзган. «Одоби тариқат» («Тариқат одоби»), «Рисолаи сохибия» («Дўстлик рисоласи»), «Аз гуфтори

Хожа Абдулхолик Гиждувоний» («Хожа Абдулхолик Гиждувонийнинг баъзи сўзлари»), «Рисолаи шайх уш-шух Хазрати Юсуф Ҳамадоний» («Шайхлар шайхи Хазрати Юсуф Ҳамадоний») асарлари шулар жумласидандир.

Тасаввуф бошданок шеърият билан бақамти ривожланади. Шеърий усул фикрни тушунтириш ва тушуниш учун кулайлик туғдирибгина қолмай, балки унинг таъсир кучини ошириб, ёдда сақланишини осонлаштиради. Шунинг учун кўпгина Шарқ олимлари ўзларининг илмий ва фалсафий асарларини шеърий йўл билан ёзганлар. Тасаввуф ғоялари, тариқат асосларини ҳам омма онгига мавҳум илмий-назарий тушунчалардан кўра, образли тафаккур ёрдамида сингдириш самарали эканлигини англаган шайхлар ўз қарашларини тарғиб қилиш учун шеъриятдан дастлаб бир восита сифатида фойдаланган бўлсалар, бора-бора сўфиёна ғоялар, қоидалар ташвиқига бағишлаб махсус шеърлар ёзила бошлади. Натижада, тасаввуфнинг ўзига хос рамз-истилоҳлари вужудга келди, тимсоллар, яширин маъноларга асосланган адабиёт пайдо бўлди.

Абдулхолик Гиждувоний тасаввуфий рисолаларидан ташқари, гўзал сўфиёна рубойлар ижодкори сифатида маълум ва машҳур. Лекин авлиё шоирнинг бадиий ижод намуналари бизгача деярли етиб келмаган. Изланишлар натижасида Хожа Абдулхолик Гиждувонийга нисбат берилган 25 та рубойни аниқлашга муваффақ бўлдик. Улар мусулмон Шарқида машҳур тариқат шайхининг шеърий салоҳияти ҳам юксаклиги, манаман деган сўз санъаткорлари муқобилига қўядиган рубойлар яратганлигини кўрсатади:

Гар дар дилат аз касе шикоят бошад,  
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад,  
Зинҳор ба интиқом машғул машав,  
Бадро бадии хеш кифоят бошад.

Таржимаси:

Гар бир кишидан дилда шикоят бўлгай,  
Дил оғриғи ундан бениҳоят бўлгай;  
Хеч ўйлама интиқом олишни, чунки  
Ёмонга ёмонлиги кифоят бўлгай.

Бу рубоий ҳам панд-насихат, ҳам фалсафий, ҳам диний, ҳам тасаввуфий, хуллас, бир неча маъно талқинига эга. Биринчидан, бирор киши сенинг кўнглингни оғритса, бундан беҳад изтироб чексанг-да, сира ундан ўч олишни ўйлама, зеро, ёмонга ёмонлигининг ўзи етарли жазодир, деб насихат қилинмоқда. Иккинчидан, ёмоннинг ёмон бўлиб яратилганлигининг ўзи унга бир умрлик жазодир. Ҳарчанд уринма, сен унга бундан ортиқ жазо беролмайсан, деб фалсафий хулоса чиқарилган. Учинчидан, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Худодан. Ёмон ёмонлигига бориб, ўз ҳаддини билмай сени ранжитибди-ми, сен яхши бўлсанг, яхшилигингча қол-да, унга тенг бўлма — ёмонликка ёмонлик қайтаришни ўйлама. Бу икки жиҳатдан ўзини оқламайди: аввало, сен ҳам ёмонга тенг бўласан, қолаверса, илохий амрларга қарши борасан. Тўртинчидан, мўмин кишида кек-адоват бўлмаслиги керак, ўч олиш — шайтоннинг иши. Бинобарин, бировдан ўч олишга чоғланган одам бир лаҳза бўлса-да, шайтон васвасасига учган бўлади. Шайтон васвасасига учиб эса имоннинг сузлигидан дарак беради. Бешинчидан, тасаввуфда бировга жабру жафо қилиш, бирор кимсани ранжитиш таомили йўқ. Сўфий ҳар қанча қайғу-азоб бўлса, ўзи чекиши, барча таъна-малоқматларга сабр этиши, қаҳру қазабини ичига ютиб, одамларга очик чехра билан боқиши, мулоим муомала қилиши, яхши муносабатда бўлиши лозим. Бировдан ўч олиш уёқда турсин, ундан шикоят қилиш ҳам тариқат аҳлига ёт. Олтинчидан, халқ орасида яхшиликка яхшилик — ҳамманинг иши, ёмонликка яхшилик — мард кишининг иши деган улуғ бир ҳикмат асрлар давомида яшаб келади. Демак, ёмонликка ёмонлик билан жавоб берган кишининг оддий одамлардан фарқи йўқ, у олий-ҳимматлиликни даъво қилмаса ҳам, ўзини баркамол инсон деб ҳисобламаса ҳам бўлади. Ва, ниҳоят, еттинчидан, рубоийнинг асл мазмун-моҳияти шундаки, ёмонликка ёмонлик қайтаришни ўйлаган киши том маънодаги яхши одам эмас, унинг табиатида қайсидир даражада ёмонлик уруғлари мавжуд ва бировнинг ёмонлиги натижасида у юзага қалқиб чиқяпти.

Абдулхолик Ғиждувонийнинг қатор рубоийларида ўзи асос солган хожагон тариқати рашҳаларининг бадиий талқинини кўрамиз. Чунончи, куйидаги рубоийсида шайх-шоир илохий илмларни — денгизга, бу дунёни — соҳилга

ўхшатади. Тирикликнинг моҳияти, ҳаётнинг мазмуни, бутун лаззат-фароғат баҳр — денгизда бўлиб, соҳилда ўтирган бу неъматдан бебаҳра қолади:

Эй баҳри улумга ёт, макони — соҳил,  
Баҳр ичра фароғат, соҳил — душмани дил.  
Хар икки жаҳонни(нг) мавжидан маст ўлма,  
Хар икки нафасда қолма баҳрдан гофил.

Бу ерда «икки нафас» ибораси хожагон тариқатидаги нафас олиш ва чиқаришда илоҳий файздан бебаҳра қолмаслик маъносида келяпти. «Аҳли тариқатнинг ибодати кирган ва чиққан нафаслардан огоҳ бўлмоқликдир», — дейди бу ҳақда орифлар султони Боязид Бистомий. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд фикрича эса, «икки нафас ўртасини ғоятда эҳтиёт қилиш зарур. Зеро, нафас гофиллик билан чиқмасин». Сабаби: асосий мақсад — Унинг ўзи. Гоҳ у, гоҳ бу дунё жилвасига маст бўлиб, Яратувчининг ўзини нутма, демоқчи авлиё шоир.

Оллоҳни у берган илмлар воситасидагина билиш мумкин. Шунинг учун бу илмларни ўрганишга жаҳд қилиш — илм уммонига шўнғиш лозим. Соҳилда қолган киши эса дарёнинг чуқурлигидан чўчиб, унга киришга журъат этмаган кўрқоқ кимсага ўхшайди. Бинобарин, у сувнинг роҳату завқини билмайди. Шунга ўхшаб, илоҳий илмлардан сув ичмаган банд ҳам илоҳий файздан бебаҳра, Парвардигорни англашдан мосуво бўлади. Кофирлар бу дунё неъматларига алдансалар, зоҳидлар у дунёдаги мукофот — жаннат роҳат-фароғатини тама қиладилар. Сўфий эса на бу дунё, на у дунё — жаннату дўзахга парво қилади: унинг мақсади — Оллоҳ таолонинг ўзи!

Бу рубойда Абдулхолиқ Гиждувоний асослаган хожагон-нақшбандия тариқатининг хуш дар дам рашҳаси ўзининг бадиий талқинини топган.

Мана бу рубойда хилват дар анжуман рашҳасининг мазмуни акс этган:

Очмай сира оғзингни кула олсанг соз!  
Кўзсиз яна дунёни кўра олсанг соз!  
Ўлтир-да, сафар айла, оёқ заҳматисиз —  
Ер қуррасини агар кеза олсанг соз!

Бу ерда шоир оёнингга азоб бермай, яъни қадам босмай ер куррасини кезиш деганда айна шу — сафар дар ватанни кўзда тутган. Бунда сафар қалб кўзи орқали бўлади. Рубойидаги кўзсиз дунёни кўриш ҳақидаги мисра ҳам қалб кўзи билан дунёни кўриш, яъни ботинда сафар қилиш маъносини билдиради. Зеро, риёзатлар натижасида дунё ва нафс ташвишларидан қутулиб, кўзгудай шаффоф ҳолга келган кўнгилда Оллоҳ нури жилваланади. Бутун олам Оллоҳ жамолининг жилвасидан иборат экан, Оллоҳни ўз қалбидан топган зот учун дунё бўйлаб сафар ҳожат эмас.

Қуйидаги рубойида эса тариқат талаблари билан халқона ҳикмат ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган:

Умрингки, ўтар экан, мурувват айла,  
Қўлингки, тутар экан, саховат айла.  
Ўз хосилини ўзи ўрар ҳар кимса,  
Бас, парвариши учун риёзат айла.

Маълумки, мурувват ва саховат — тасаввуфнинг икки асоси, устунни. Муаллиф кишиларни тасаввуф талабларини бажаришга даъват этар экан, айна пайтда, ҳар ким эканини ўради, деган халқона фалсафани ҳам ўз рубойиси қатига сингдириб юборади. Чунки ҳар кимнинг ажри — бу дунёда қилган ишларига боғлиқ. Мурувватни ҳаётининг мазмунига айлантирган, саховатни касб қилиб олган инсоннинг Ҳақ ва халқ олдидаги мавқе-мақоми ҳам юксак бўлади.

Шайх бир неча рубойларида ишқ мавзуини ҳам ҳассослик билан қаламга олган. Бу рубойлар ўз бадий қувватига кўра ишқу муҳаббат қуйчилари бўлган оташнафас шоирларнинг шеърларидан қолишмайди. Унинг ишқий мавзудаги рубойлари ўз-ўзидан илоҳий маҳбубага бағишланган. Оллоҳ шундай бир улуғ зотки, унинг номиданоқ кўнгилларда ишқ уйғонади. Ундан келган ҳар бир номаю хабар ишққа лиммо-лим. Ҳақ йўлига кирган киши борки, бир умрга ошиқ бўлиб қолади, зеро, илоҳий даргоҳга олиб борадиган кўчанинг ҳар бир эшигу тоmidан ишқ ёғилади:

Бир ёрки, унинг номидан ишқ ёғилади,  
Ҳар номаю пайғомидан ишқ ёғилади.  
Ким кўчасидан ўтса — у ошиқ бўлади,  
Гўё эшигу тоmidан ишқ ёғилади.

Умуман, Абдулхолик Фиждувоний рубоийлари ифода тарзининг ана шундай содда, шунинг баробарида, мазмунининг ниҳоятда теранлиги, услубининг енгил ва равонлиги, жозибали оҳанг ва жўшқин руҳи билан алоҳида ажралиб туради. Айни жиҳатдан, улар донгдор тариқат шайхининг эмас, балки истеъдодли шоирнинг қаламидан чиққандай таассурот қолдиради. Чунончи, илоҳий ишқ мавзуидаги мана бу рубоийда шоирона маҳорат қирралари – гўзал сўз ўйини, нозик қочиримни кўрамиз. Лирик қаҳрамон дастлаб шикоят қилади: «Эй ёр, тоқайгача ишқингда тоғдек ғамни чекаман?» Бир лаҳза ўтмай, ўзининг шикояти ножоиз эканлигини ўйлаб кўради-да, узр айтади: «Сен дил олувчи-ю, мен дил берувчи эканман, дилларни овлаб, шод бўлиш сенинг касбинг-у, дилни бой бериб, қайғу-алам чекиш менинг қисматим экан-да!»

Тоқайгача ишқингда, санам, ғам чекаман?  
Тоғдек бу улуг ғамни дамодам чекаман?  
Дил олгучи гар сенсан-у, дил бергучи — ман,  
Ўз ғам чекаман кўйингда, минг ғам чекаман!

Шарқ сўз усталари ижодида ўз истеъдодию салоҳиятидан, шон-шухратидан ифтихор қилиб ёзилган шеърлар ва алоҳида байтлар кўпчиликни ташкил этади. Бундай шеърлар фахрия деб аталади. Буюк тариқат пирининг куйидаги рубоийси ҳам ана шу фахрия усулида яратилган: туғилган жойимиз Фиждувон деган бир тоғнинг этагида бўлса-да, бугунги кунга келиб ҳатто Рум (ўрта асрларда ҳозирги Кичик Осиё (Византия) ва Греция ерлари шундай аталган) ҳам бизнинг қаламравимизда (яъни бизнинг истеъдод ва салоҳиятимизга тан бериб, қойил қолган):

Биз дўстга муборакмизу душманга-чи — шум,  
Жанг чоғида темирмизу сулҳ онид мум.  
Фиждувон тоғи этаги бизга макон,  
Лек ҳукмимиз остида эрур ҳаттоки Рум.

Бу фикрларда сира муболаға йўқ. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ёзилишича: «...аларнинг валояти ул ерга еттики, ҳар вақт намозда Каъбага борурлар эрди. Аларнинг валояти кўп эрди ва Шомда аларга кўп муридлар пайдо бўлдилар...».

Хожа Абдулхолик Гиждувоний қаламига мансуб рубоийларни тасаввуф шайхининг ўз ғоялари талқинига бағишланган сўфиёна рубоийлари сифатидагина эмас, балки сўз санъатининг бадиий баркамол намуналари тарзида ҳам ўрганиш мумкин. Чунки бу рубоийларда тасаввуф таълимотининг назарий қоидалари ифодаси билан бир қаторда, ишқу инсонийлик тараннумини ҳам кўрамиз.

### «ТУРКИСТОН АҲЛИНИНГ ҚИБЛАИ ДУОСИ»

Алишер Навоий «Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи» деб таърифлаган Хожа Аҳмад Яссавий XI асрнинг иккинчи ярмида Сайрамда — маърифат ва футувват аҳлидан бўлмиш Шайх Иброҳим оиласида дунёга келади. Унинг вафот этган йили барча илмий адабиётларда 1166—1167 йил деб белгиланган ва бу борада олимларнинг қарашларида ихтилоф йўқ. Лекин туғилган йили аниқ эмас. Бунинг сабаби улуғ авлиёнинг хаёти ва фаолияти афсона-ривоятларга йўғрилиб, қанча яшагани турли-туман талқин қилиниб келинаётганидир. Уни 120, 125, ҳатто 130 йил умр кўрган дейдилар. У 63 ёшга тўлганида, ер юзида Пайғамбардан узоқ яшашга андиша қилиб, бир чиллахона қаздиради ва умрининг охиригача ташқарига чикмай, ўша жойда ҳаёт кечиради. «Лекин у ер остига кирганда ҳам дунёвий ишлардан воз кечмаган: унинг олдига турли ерлардан олимлар ва бошқа (унинг ақидалари билан қизиққан) шахслар келиб-кетиб турганлар, шоир улар билан суҳбатлар ўтказган»<sup>1</sup>.

Хожа Аҳмаднинг онаси Шайх Иброҳимнинг халифаси Мусо Шайхнинг қизи Ойша хотун эди (Уни Қорасоч момо ҳам дейдилар). Демак, у ҳам ота, ҳам она томонидан шайхзодадир. Бундан ташқари, Аҳмад Сайрамдаги аждодларини Ҳазрат Алига боғлайдиган хожалар сулоласига мансуб. У оилада иккинчи фарзанд ҳисобланади. Гавҳари Шаҳноз исмли опаси бўлган. Аҳмад туғилгандан кўп ўтмай онаси, етти ёшида эса отаси дунёдан ўтиб, унинг тарбияси опаси Гавҳари Шаҳноз зиммасига тушади. Кейин улар Ясси шахрига кўчиб боришади ва шу

<sup>1</sup> Рустамов Э. Аҳмад Яссавий ҳикматларида тарих ва ҳаёт садоси // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1972 йил, 4-сон, 23-бет.

ерда у тариқат йўлидаги илк устози Арслонбоб билан учрашади. Бу ҳақда унинг ўзи кейинчалик ҳикматларида шундай ёзган эди:

Етти ёшда Арслон бобом излаб топти,  
Хар сир кўруб, парда бирла букуб ёпти,  
Бихамдуллох, кўрдум, деди, изим ўпти...

Маълумки, тариқат талабига кўра, солиқ бирор етук шайхга қўл бериб, унинг раҳнамолигида риёзат босқичларини босиб ўтади. Лекин баъзи сўфийлар бунга эҳтиёж сезмайдилар. Чунки уларни Хизр алайҳиссалом, Муҳаммад алайҳиссалом ёки ўтган буюк авлиёлардан бирининг руҳи ғойибона тарбиялайди. Бу ҳодиса тасаввуфда увайсийлик деб аталади. Сабаби — яманлик дарвеш Увайс Қараний Муҳаммад алайҳиссалом руҳидан ғойибона тарбия олган. Бу — шунга ишора. Чунончи: «Шайх Мансури Ҳаллож нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридиддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва унинг мураббийси бўлибдур»<sup>1</sup>, — деган эди Жалолиддин Румий. Ёки Хожа Баҳоуддин Нақшбанд Абдулхолиқ Гиждувоний руҳидан тарбия топгани маълум. Иброҳим Адхам, Абусаид Абулхайр, Абулҳасан Харақоний, Абулқосим Журжоний, Нажмиддин Кубро каби улуғ зотлар ҳам айнан увайсийлик орқали камолотга эришганлар.

Аҳмад Яссавий ҳам увайсий шайхлар сирасига киради. Ривоят қилишларича, Муҳаммад алайҳиссалом саҳобалари билан ғазотга кетаётганларида Жаброил алайҳиссалом жаннатдан бир товоқ хурмо келтиради. Иттифоқо, бир дона хурмо ерга тушади. Жаброил алайҳиссалом бу хурмо бир неча вақтдан кейин дунёга келажак Аҳмад Яссавийнинг насибаси эканлигидан хабар беради. Муҳаммад алайҳиссалом саҳобаларига юзланиб:

— Бу омонатни эгасига ким етказади? — деб сўрайдилар.

Ҳеч ким бу ишга журъат қилмайди. Шунда Арслонбоб:

— Агар лозим кўрсангиз, бу вазифани мен ўз зиммамга олсам, — дейди. Пайғамбар ўз муборак қўллари билан хурмони унинг оғзига солиб қўяр экан, Аҳмаднинг таъриф-тавсифини келтириб, унинг тарбияси билан шуғулланишни

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд. 459-бет.



амр этадилар. Аҳмад 7 ёшда экан, Арслонбоб уни излаб келади. У мактабдан қайтаётган Аҳмадни ўзига маълум ишораларга кўра таниб, унга салом беради. Аҳмад жавоб қайтариб, ўзига аталган «омонат»ни сўрайди. Арслонбоб Оллохнинг иродасига, унинг валийлигига қойил қолади. Бу ҳақда Яссавий ҳикматларидан бирида:

Етти ёшда Арслонбобга қилдим салом:  
«Ҳақ Мустафо омонатин қилгин инъом», —

деб ёзган эди. Бугина эмас, Аҳмадга ёшлигиданоқ Хизр алайҳиссаломнинг назари тушиб, ундан турли кашфу кароматлар содир бўлган.

Тасаввуфда ҳар бир пир муридни ўз билими ва истеводиди даражасида тарбиялагач, лаёқатига қараб, уни ўзидан кучли пирларга йўллаган. Шу тариқа кўп сўфийлар бир неча пирнинг тарбиясини олганлар. Арслонбоб ҳам Аҳмаднинг бошланғич тарбиясини ниҳоясига етказгач, уни ўша даврдаги илм-маданият марказларидан бири бўлган Бухорои шарифга йўллайди. Бу ерда у диний ва тасаввуфий илмларни чуқур ўрганишга киришади, араб ва форс тилларини мукаммал ўзлаштиради. Бухорода унинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этган воқеа юз беради — у ўша замоннинг буюк шайхи Юсуф Ҳамадоний билан учрашади ва унга мурид бўлади. Яссавий Ҳамадонийнинг учинчи халифаси бўлган. Юсуф Ҳамадоний вафот этгач, унинг ўрнини аввал Абдуллоҳ Баррақий, кейин эса Ҳасан Андоқий эгаллайди. Андоқийдан сўнг иршод хирқаси Яссавийга топширилган. Бир муддат хонақоҳ муршиди сифатида фаолият кўрсатгач, у устозининг маънавий ишоратига кўра, ўз ўрнини ҳам, муридларини ҳам Абдулхолиқ Гиждувонийга қолдириб, Яссига қайтади. Бу ерда халқни исломга, тариқатга даъват этиб, яссавия деган янги ва илк туркий тариқатга асос солади. Унда исломий тасаввуф ғоялари биринчи марта туркий тилда талқин ва тарғиб қилинган. Мумтоз адабиёт билимдони, таниқли яссавийшунос олим Иброҳим Ҳақкулнинг ёзишича, у Қуръони каримни асос қилиб олиб, форсий тасаввуф тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, туркий ахлоқ, қадимий туркий дунёқараш ва ишончларни ҳам ўзига омикта қилган. «Яссавийликда илм-маърифат эгаллаш, ҳиммат ва саховат туйғуларини камол топтириш, нафсага

қарши курашда собит бўлиш, ҳалол меҳнат билан ризқ топишга алоҳида аҳамият берилган»<sup>1</sup>.

Яссавийлик жаҳрий зикрга асосланади. «Жаҳриянинг моҳиятини нидо ва ҳайкириқ ташкил этади. Муридлар шайх атрофида ҳалқа ва тўда бўлиб, симфоник жўр овоз билан Оллоҳга зикр бажо келтириб, муножот қилардилар»<sup>2</sup>. Бундай зикр пайтида бўғиздан арранинг товушига ўхшаган овоз чиққани учун у «зикри арра» деб ҳам юритилган. «Аҳмад Яссавий ҳаётлигидаёқ узок ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишга ҳаракат қилди». Тадқиқотлардан маълум бўлишича, «яссавия тариқати аввал Сайхун ва Тошкент худудида, кейинроқ Хоразм, Мовароуннаҳр, Хуросон, Озарбайжон ва ҳатто Онадўли диёрларида кенг тарқалди (манбаларда айтилишича, яссавийлик шимолда Қозонгача, Фарбада Болқон ярим оролигача етиб борган. — тарж.)»<sup>3</sup>.

Маълумки, шеърнинг таъсир кучи беқиёслиги ва ёдда қолиши осонлигини пайқаган тасаввуф шайхлари ўз таълимотларини омма орасига ёйиш учун шеърятдан бир восита сифатида фойдаланганлар. Форсий тасаввуф шайхлари бу борада кўпроқ рубоийга таянган бўлсалар, туркий тасаввуф шайхлари ҳикмат айтганлар. Яссавий ҳам «Оддий халқ оммаси англайдиган услубда сўфиёна ҳикматлари — шеърлари билан атрофидаги одамларни Ҳақ йўлига чакиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир кўрсатади»<sup>4</sup>. Чунки «Яссавий яшаган даврда Туркистон ва унинг ён атрофидаги худудларда тасаввуф таълимоти хануз кенг тарқалмаган эди. Бу ўлкаларда яшовчи туркий қавмларни тасаввуф таълимоти билан яқиндан таништириш учун ўша қавмларнинг табиатлари, шароитларига уйғун келадиган усулга эҳтиёж бор эди. Яссавий томонидан туркийда айтилган содда ва раvon хикматлар худди ана шу эҳтиёжни бартараф айлади»<sup>5</sup>. Таниқли адабиётшунос олим Натан Маллаев Аҳмад

<sup>1</sup> Яссавийлик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 10-жилд. Тошкент, 2005 йил, 414-бет.

<sup>2</sup> Абдуллаев А. «Девони хикмат»да яссавия тариқати ғоялари // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2005 йил, 6-сон, 16-бет.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Турар У. Тасаввуф тарихи (Нодирхон Ҳасан таржимаси). Тошкент, 1999 йил, 107-бет.

<sup>4</sup> Ўша ерда. 106-бет.

<sup>5</sup> Ҳасан Н. Тадқиқ ва таҳлил эҳтиёжи // Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва анъаналари (Мақолалар тўплами). Тошкент, 2001 йил, 321-бет.

Яссавий хикматларининг кўпчилиги муайян бир куйга мувофиқ яратилиб, шайху муридлар томонидан куйлангани, ваъзларда ўқилгани ҳақида маълумот берган эди. Айни жиҳатдан, Хожа Аҳмад Яссавий туркий адабиётда хикмат жанрининг асосчиси ҳам ҳисобланади. У «ўз она тилини илк бора тариқат тили мақомига кўтарди. Уни араб ва форс тасаввуф тили даврасига қўшди»<sup>1</sup>.

«Хожа Аҳмад Яссавий бу орада хажга боради ва Марказий Осиё, Эрон, Арабистонни кезиб чиқади. Кўп шайхлар, азиз-авлиёлар ва машхур руҳонийлар билан учрашади. XII асргача Туркистон ўлкаси ҳақида менсимай сўзлаганлар энди уни хаяжон ва эҳтирос билан тилга оладилар, уни табаррук ўлка сифатида қайд этадилар. Бу эса муборак Хожа Аҳмад Яссавий номи билан боғлиқ эди. Унинг номи XII асрдан кейин Туркистонни авлиёлар манзилига айлантирди. Яссавий кароматлар ва мақомотлар билан яшарди ва барча туркистонликлар унга ихлосу эътиқод қиларди»<sup>2</sup>.

Алишер Навоий ҳам «Насойим ул-муҳаббат»да Аҳмад Яссавий ҳақида юксак фикрлар билдиради: «Мақомоти олий ва машхур, каромоти мутаволи ва номаҳсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом Юсуф Ҳамадоний қаддасаллоҳу сирраҳунинг асҳобидиндур. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний била, қаддасаллоҳу сирраҳу, суҳбат тутубдур ва Хожа Абдуллоҳ Барракий ва Хожа Ҳасан Андокий қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз билаки, ҳам Имом Юсуф Ҳамадоний раҳимаҳуллоҳу таоло муридларидур. Имом қайси бийик маротибга етибдурлар, мусоҳиб бўлубдур ва рўзгор машойихидин кўп бузургворлар анинг тарбиятин топибдурлар ва Шайх Разиюддин Али Лоло қаддасаллоҳу сирраҳу шайхи бузургвор Шайх Нажмиддин Кубро раҳимаҳуллоҳу хизматиға етардин бурун Хожа Аҳмад Яссавий қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз хизматида бўлур эрди ва анинг хонақоҳида анинг иршоди била сулук қилибдур ва анинг мазори Туркистонда — Ясси деган ердаки, анинг мавлид ва маншаъидур, воқеъ бўлибдур ва Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> *Хаққул И.* Яссавийшунослик: ўтмиш, бугун ва истикбол // Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва анъаналари. 3-бет.

<sup>2</sup> *Абдуллаев А.* «Девони хикмат»да яссавия тариқати ғоялари. 15-бет.

<sup>3</sup> *Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. 419-бет.

Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом Оллоҳнинг сўнги расули. Пайгамбаримиз оламдан ўтгач, ислом оламига у кишининг ноиблари бўлмиш халифалар раҳнамолик қилдилар. Халифалардан кейин эса Ҳақ йўлидан адашганларни тўғри йўлга солиш авлиё зиммасига тушди (валий (қўплиги авлиё) сўзининг маъноси ҳам аслида Худога яқин киши, Оллоҳнинг дўсти демакдир). Бу вазифани улар энди то қиёматгача бажаришлари лозим бўлади. Шайх ва валийларнинг асрлар мобайнида жамият ҳаётида раҳнамолик ролини ўйнаб келганлари, ҳукмдорларнинг алоҳида ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлганларининг сабаби шунда. Чунончи, Амир Темур ўз тузукларида: «... машойихлар, сўфийлар Худони таниган орифлардир. Уларнинг хизматларида бўлиб, суҳбатлар қурдим ва охират фойдаларини олдим. Улардан Тангри таолонинг сўзларини эшитиб, кароматлар кўрдим, фавқулодда одаглари мушоҳада этдим ва суҳбатларидан роҳатланиб, ҳузур қилдим», — деб лутф этган эди. Соҳибқироннинг айниқса Аҳмад Яссавийга ихлос-эътиқоди баланд бўлиб, Ясси шаҳрида унинг қабри устига маҳобатли мақбара қурдиради. Турк султони Йилдирим Боязид устига юришдан олдин машойихлар сарваридан фол очганида: «Ҳар қачон бир мушкулотга дуч келсангиз, ушбу рубойни 70 марта ўқинг», — деган башорат чиққан экан:

Ялдо кечани шамъи шабистон эткан,  
Бир лаҳзада оламни гулистон эткан,  
Бас, мушкул ишим тушубтур, осон эткил,  
Эй барчанинг мушкулени осон эткан.

Амир Темур бу рубойни такрорлаб, Боязид устидан ғалаба қозонган экан.

Ёки Муҳаммад Шайбонийхоннинг Марв яқинидаги ҳалокатидан кейин шайбонийлар сулоласининг етакчисига айланган Убайдулло Султоннинг Аҳмад Яссавий мақбараси пойида катта йиғин ўтказиб, Мовароуннахрни эгаллашда улуғ авлиё руҳидан мадад сўрагани, агар нияти амалга ошса, бир умр диндор подшоҳ бўлиб қолишга онт ичгани маълум. У ўз онтига содиқ қолади: ўзи тақво-тоат билан умр кечириб, сунний мазҳабини устувор этиш учун кураш олиб борибгина қолмай, Яссавийга эргашиб ҳикматлар айтади, ўз ижоди орқали диний-тасаввуфий ғояларни кенг тарғиб-ташвиқ қилади. У умумий ҳажми

1786 байтдан иборат 220 дан ортиқ ҳикмат ёзган. Хожа Аҳмад Яссавий мадҳ этилган бир ғазалида уни «барча машойхлар сарвари», «огоҳларнинг огоҳи», «барча валийлар аъзами», «сирри илоҳий маҳрами», «ҳикмат бихорин гавҳари», «баҳри илму маърифат» каби сифатлар билан улуғлайди.

Асосий шиори лўқма ҳалоллиги бўлган тариқат аҳли фақат ўз пешона тери эвазига кун кўришни мақсад қилиб олганлар. Қўлидан иш келадиган ҳар бир сўфийнинг бирор-бир фойдали меҳнат билан шуғулланиши шарт бўлган. Тасаввуф тарихига назар ташласак, донгдор шайхларнинг ҳам кўпчилиги муайян касб билан шуғулланганликларини кўрамыз. Чунончи, Зуннун Мисрий – кимёгар, Сирри Сақатий – савдогар, Абусаид Харроз – этикдўз, Муҳаммад Саккокий – пичоқчи, Абухафс Хаддод – темирчи, Абулаббос Омилий – қассоб, Шайх Абулҳасан – пардозчи, Шайх Баннон – ҳаммол, Мирчаи Сафолфуруш – хумдон ясовчи бўлганлар. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд кимхобга гул нақшлаган бўлса, Паҳлавон Маҳмуд кураш тушибгина қолмай, пўстиндўзлик ва телпакдўзлик билан шуғулланган. Хожа Аҳмад ҳам буюк салафлари анъанасини ихлос билан давом эттирган. «Яссавийнинг шахсий ҳаёти бугун кишиларимиз учун катта ибрат намунасидир. У зот бир кунлик ҳаётини учга тақсимлар: биринчи қисмида талабалар билан шуғулланиб, уларга илму ирфондан сабоқ берар, иккинчи қисмида ибодатлари билан машғул бўлар, учинчи қисмида эса қошиқтарошлик қилиб, ҳалол меҳнат қиларкан»<sup>1</sup>.

Яссавий ҳикматлари қадимдан туркий халқлар орасида машҳур бўлган. Бу ҳикматларнинг тили ҳайратланарли даражада ўз даври тилидан узоқлашиб, XVII – XVIII асрлар тилини, янада аниқроғи, бир қадар замонавий тилни эслатиши уларнинг тилдан тилга кўчиб, сайқалланиб, ўзгариб келишидир. «Девони ҳикмат»нинг қадимий қўлёзмалари топилмаган. Унинг мавжуд нусхаларини кейинги асрларда халқ оғзидан ёзиб олиб, китоб холига келтиришган. Таниқли шарқшунос олим Фулом Каримнинг ёзишича, ўтмишда шоир қўлёзмалари «Девон» деб аталмаган, балки «Ҳикмат» номи билан юритилган. «Афтидан,

---

<sup>1</sup> *Маҳмуд Асвад Жўшон*. Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратлари // Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаёти, ижоди ва анъаналари. 19-бет.

хикматларнинг илк тошбосма нашрларини амалга оширган ноширлар хикматлар китобини бошқа мумтоз шоирларники каби «Девон» деб аташни муомалага киритишган»<sup>1</sup>. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэмалар фондида Аҳмад Яссавий хикматларининг Тошкент, Бухоро, Истанбул, Қозон шаҳарларида босилган 33 та ана шундай тошбосма нашрлари сақланади. Институт фондидаги шоир хикматларини ўз ичига олган қўлэмаларнинг умумий сони эса 175 та. Ўз-ўзидан, унинг таркибига Яссавийга мансуб бўлмаган хикматлар ҳам кириб қолгани табиий. Бу ҳол баъзи тадқиқотчиларда шубҳа туғдиргани, «Яссавий хикмат ёзганми ўзи?» деган саволларни келтириб чиқаргани маълум. Лекин Яссавийнинг қўлга қалам олиб ёзмаса-да, хикмат айтгани аниқ. Девондаги қуйма шеърлар, байт, мисра ва ташбеҳлар шундан далолат беради.

«Насойим ул-муҳаббат»да келтирилишича, Сулаймон Боқирғоний ҳали Аҳмад Яссавий қўлида тарбияланаётган давридаёқ унга «хикмат тили гўё» бўлган ва бу доғнишманд муридига Ҳаким лақабини ҳам устози берган. Бу далил диний ва тасаввуфий илмлар қатори, хикмат айтишни ҳам Боқирғоний Яссавийдан ўрганганига бир ишорадир. У ўз устозини хикматларида «машойхлар сараси», «икки жаҳон кўзгуси» каби сифатлар билан улуғлайди:

Шариати ораста, тариқати пайваста,  
Ҳақиқати шойиста, шайхим Аҳмад Яссавий...

Хизр бирла суҳбатлик, Илс бирла улфатлик,  
Ҳақ кошинда ҳурматлик, шайхим Аҳмад Яссавий.

Сўфи Оллоёр эса:

Шариатда эди ул офтобе,  
Қолубдир бизга ул эрдин китобе, —

деб ёзади.

---

<sup>1</sup> *Карим Ф.* Муқаддима // ӨзР ҒА Шығыстану институтындағы Қожа Ахмет Иасауи хикметтерінің қолжазба каталогы. Түркістан, 2006 йил, 20-бет.

Тасаввуф тарихидан маълумки, тариқат пирлари кўпинча зикру самоъ мажлислари ёки муридлари билан суҳбатлар пайтида бадихатан сўфиёна руҳдаги, ахлоқий мазмундаги шеърлар ва ҳикматлар айтганлар ва кейинчалик бу намуналар шогирдлари томонидан тўпланиб, китоб холига келтирилган. Масалан, орифлар султони Абусаид Абулхайр Мехнавий сўзлари, ҳолатлари баёни ва у ҳақдаги ҳикоятлар асосида «Асрор ут-тавҳид» китоби тартиб берилган. Ёки Мавлоно Жалолиддин Румийнинг барча ғазал ва рубойлари самоъ жараёнидаги вазду ҳол натижаси ўлароқ бадиха тарзида айtilган. Ўзидан бой мерос — 84 минг мисрадан иборат турли жанрдаги шеърларни ўз ичига олган «Улуғ девон», 6 китоб — 51370 мисрадан иборат муаззам «Маснавийи маънавий» каби адабий дурдоналар қолдирган бу улуғ зот бор-йўғи 18 мисра шеъринигина ўз кўли билан ёзган, қолган барча асарлари «котиб ул-асрор» деб аталган шогирдлари томонидан ёзиб олинган. Аҳмад Яссавий ҳам «ғайбий илҳом натижасида, балки жаҳрий зикрлар пайтида ҳикматларини бадихатан айтган, улар равон ва зоҳиран содда бўлгани учун шогирдлари осонгина ёдлаб олишган» ва тилдан-тилга ўтиб, туркий тилли халқлар орасида кенг тарқалган. «Бир неча асрлар ўтгач, ҳикматлардаги айрим сўз ва иборалар эскиргач, шунингдек, туркий аҳоли ўртасида хат-саводи бор одамлар кўпайгач, уларни ёзиб олишга эҳтиёж пайдо бўлган. Турли жойларда турли кишилар оғзидан ёзиб олиними, бунгача ҳам бир неча асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб, ўзгаришга учрагани ҳикматларнинг турли қўлёзма нусхалари орасида ҳажм ва мазмун жиҳатидан кўпгина тафовутлар вужудга келиши сабабларидан бирдир, эҳтимол»<sup>1</sup>.

Маълумки, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадий юксак байтларни Шарқ адабиётида шохбайт дейишади. Хожа Аҳмад Яссавий девонида ҳам шундай мукамал байтлар, гўзал мисралар, оҳорли ташбеҳлар мавжудки, ифода тарзи, тили ўзгаришга учрагани билан моҳияти ўзгармаган, уларнинг қомусий билим, катта ҳаётий тажриба, юксак шеърий салоҳияти бўлмаган бир кишининг айтиши амримаҳол. Бу байт, мисра ва ташбеҳларни, таъбир жоиз бўлса, бемалол шохбайт, шохмисра ва

<sup>1</sup> Карим Ф. Мукаддима. 10-бет.

шоҳташбеҳ деб айтиш мумкин. Зеро, улар шоирона тизмалар, бадий салмоғи баланд шеърлар, ҳар бири бир ҳикмат даражасидаги куйма битиклар. Чунончи, байтлар:

Афсонадур шариат, фарзонадур тарикат,  
Дурдонадур ҳақиқат, ошиқларга муносиб.

\* \* \*

Гурбат тегса, пухта килур кўб хомларни,  
Доно килур ҳам хос килур кўб омларни...

\* \* \*

Чин олим ёстуғин тоштин яратти,  
Нима укти, ани оламга айтти.

\* \* \*

Йўлга кирган охир мурод топар, дўстлар,  
Ғофил юрган умрин елга сотар, дўстлар.

Мисралар:

Толибларга дурру гуҳар сочтим мано.

\* \* \*

Нодон борса, дўзах андин қилғай хазар.

\* \* \*

Чин ошиқлар халойиқни Хизри бўлғай.

\* \* \*

Қанот коқар учар қушдек қўнглим менинг.

Ёки мана бундай ташбеҳлар, ҳикматли иборалар, фикрларни шоирона таъ ва завқ соҳиби бўлмаган кишининг айтиши қийин: «шавқ шаробин ичтим мано», «дарё бўлуб тоштим мано», «ишқ дўконин қурдим мано», «дунё қўйсанг, ишинг битар», «қўнгул қуши ломаконга етди», «ичу тошим Ҳақ нурига тўлди», «зикр жонни роҳати», «завқ дарёси мавж урди», «сўнгақларим Оллоҳ деди» ва хоказо. «Насойим ул-муҳаббат»да келтирилишича: «Боязид қаддасаллоҳу сирраҳу намоз қилса эрди, кўксининг сўнгақларидан қаъқаъа чиқар эрди Тенгри



таоло кўркунчидин ва шариат таъзимидин». Бу борада Аҳмад Яссавий ҳам тайфурия тариқатининг пири-муршиди, султон ул-орифин Боязид Бистомий (вафоти – 875) мақомида туриши аён бўлади. Шўро давридаёқ Яссавий ҳаёти ва ижодини ўрганишга кенг жамоатчилик эътиборини тортган ва бунинг учун ноҳақ танкидларга учраган таниқли адабиётшунос олим Эргаш Рустамов эса уни «Мансур Ҳаллож, Жалолиддин Румийлар даражасидаги йирик мутасаввиф ва мутафаккирдир» деб баҳолаган эди.

Аҳмад Яссавий ҳикматларида Куръони карим маънолари талқини, ислом аҳкомлари ва тариқат асослари тарғиби, илоҳий ишқ тараннуми, панд-насихат, эзгу ахлоқ таърифи, ёмон хулқлар, дунё, нафс танкиди, фалсафий муҳокама-мушоҳада, ҳасби ҳол оҳанглари, ўзни ёзириш – мазаммат этиш ғоялари етакчи ўрин тутди. «Улуғлар кашфу кароматларини изҳор этмайдилар, билдирмайдилар, аксинча, ожиз-нотавонликларини эътироф этадилар. Айбу нуқсонларини айтадилар, эзгу амалларини яширадилар. Шу боис улар шеърларида «мен ожиз», «мен гуноҳкорман», «мен пурхато», «гуноҳ дарёсига тўлган, осий мужримман» дейдилар»<sup>1</sup>. Нафсни синдириш ва кибрни маҳв этишни ўзининг асосий шиори қилиб олган маломатия таълимоти ғояларидан таъсирланган яссавияда ҳам ўз хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, ўзини доимий равишда чиғириқдан ўтказиб туриш, ўзи билан ўзи курашиш ўзак масалалардан ҳисобланади. Айни жиҳатдан, «Аҳмад Яссавий ўзи билан ўзи курашадиганлар ижодкори сифатида жуда эътиборли. У одамга ўз-ўзини кечирмаслик сирларини ўргатади. Шоир ўз қалбининг энг чуқур жойларига назар ташлашни тарғиб этади. Шунинг учун ҳам унинг ахлоқий эътирозидида шахснинг маънавий, илоҳий камолотига тўсиқ бўладиган инсондаги салбий хусусиятлар таҳлили табиий равишда изчилланиб боргандир»<sup>2</sup>. Айтайлик, нафс деб инсонни йўлдан оздирадиган нарсалар мажмуига айтилади. Тасаввуфда нафс Оллоҳ ва инсон ўртасида парда, инсоннинг камолоти йўлидаги энг асосий тўсиқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тариқатнинг биринчи талаби – нафсни енгиш. Бу ҳақда Аҳмад Яссавий ёзади:

<sup>1</sup> *Маҳмуд Асъад Жўшон*. Хожа Аҳмад Яссавий хазратлари. 15–16-бетлар.

<sup>2</sup> *Ҳаққул И.* Тасаввуф ва шеърят. Тошкент, 1991 йил, 33-бет.

Нафсим мени йўлдан уриб, хор айлади,  
Термултуруб халойикқа — зор айлади,  
Зикр айтдирмай, шайтон бирла ёр айлади,  
Хозирсан, деб нафс бошин янчдим мано.

Нафсининг ёмонликларидан бошқаларни ҳам огоҳ этиб,  
уларни нафсни синдиришга даъват этади:

Нафс йўлига кирган киши расво бўлур,  
Йўлдан озиб, тойиб-тўзиб, гумроҳ бўлур,  
Ётса, кўпса, шайтон бирла ҳамроҳ бўлур,  
Нафсни тепкил, нафсни тепкил, эй бадкирдор!

Аҳмад Яссавий ҳикматларида илоҳий ишқ мавзуи ҳам хассослик билан қаламга олинган. Бу — бежиз эмас. Зеро, тасаввуфда ишқ — Оллоҳни англаш воситаси. Дунё ишқ туфайли яратилган. Инсон ҳам камолотга ишқ туфайли эришади. Бир сўз билан айтганда, Оллоҳ — Олам — Одам муносабатлари ишқ асосига қурилган. Бинобарин, кўнглида ишқи йўқ одам одам эмас, у — ҳайвон, у — кесак. Шунинг учун ҳам:

Ишқсиз киши одам эрмас, англасангиз,  
Бемуҳаббат — шайтон қавми, тингласангиз,  
Ишқдин ўзга сўзни агар сўзласангиз,  
Илкингиздан имон, ислом кетти бўлмай.

Шунинг учун ҳам чин ошиқлар Оллоҳдан аввало ишқ сўрашади:

Ишқ бозори — улуғ бозор: савдо ҳаром,  
Ошиқларға сендин ўзга ғавғо ҳаром,  
Ишқ йўлига кирганларга дунё ҳаром,  
Ҳар не қилсанг, ошиқ қилғил, Парвардигор!

Аҳмад Яссавийнинг мана бу ғазали жуда машҳур бўлиб, у дунёнинг ўткинчилиги, инсон умрининг бебақолиги ҳақида:

Бешак, билинг, бу дунё борча элдин ўтаро,  
Инонмагил молингга, бир кун қўлдин кетаро.

Ота-она, қариндош қаён кетди — фикр қил,  
Тўрт аёғлиғ чўбин от бир кун санго етаро.

Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,  
Киши молини ема, Сирот узра тутаро.

Аҳли иёл, қариндош — ҳеч ким бўлмайдуру йўлдош,  
Мардона бўл, ғариб бош, умринг елдек ўтаро.

Кул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг, билмам, неча йил?  
Аслинг, билсанг, обу гил, яна гилга кетаро.

Шу тарика, тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришларича, буюк мутасаввиф шоир Кул Хожа Аҳмад, Кул Аҳмад, Мискин Аҳмад, Яссавий каби тахаллуслар билан 4400 атрофида ҳикмат айтган. Бундан ташқари, унинг «Ғақирнома» рисоласи ҳам мавжуд. Баъзилар «Яссавий қаламига мансуб «Манокибнома» ҳам бўлиши керак, демоқдалар». Шунингдек, «Тарикат одоби» рисоласи ва бир қатор бошқа асарлар ҳам унга нисбат берилдики, уларнинг муаллифлик масаласи ҳали узил-кесил ҳал қилинмаган.

Маълум бўладики, Хожа Аҳмад Яссавий тасаввуф пири сифатида янги туркий тарикатга асос солибгина қолмай, шаклан содда, услубан равон, мазмунан теран, бадиий юксак ҳикматлари орқали ҳикмат айтиш анъанасини бошлаб берган ва туркий адабиётга катта таъсир кўрсатган сиймодир. Бу анъана унинг шогирдлари ва издошлари томонидан изчил давом эттирилиб, ўзига хос адабий мактабга айланган. Хусусан, Сулаймон Боқирғоний, Юнус Эмро, Муҳаммад Шайбоний, Кул Убайдий, Камол Шайх Иқоний, Мавлоно Шамс Ўзгандий, Азимхожа Эшон, Хувайдо, Залилий, Махтумқули, Мажзуб Намангоний, Шайх Худойдод, Юсуф Байзовий қабилар туркий ҳикматнавислик мактабининг энг ёрқин намояндалари ҳисобланадилар. Чунончи, Юнус Эмро «Девони ҳикмат»дан шу даражада таъсирланганки, хатто унинг баъзи шеърларини бевосита ҳикматларнинг шеърий таржимаси дейиш мумкин»<sup>1</sup>. Бинобарин, Яссавийнинг туркий халқлар ижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётидаги хизмати беқиёс.

## ГАВҲАР ЯНГЛИФ ҲИКМАТЛАР

Туркий халқлар орасида Ҳаким ота номи билан шуҳрат қозонган Сулаймон Боқирғоний Хоразмнинг Боқирғон деган қасабасида дунёга келган. Туғилган йили номаълум. 1186 йили — устози Аҳмад Яссавийдан йигирма йил

<sup>1</sup> *Маҳмуд Асвад Жўшон*. Хожа Аҳмад Яссавий хазратлари. 19-бет.

кейин вафот этган. Яссавия мактабининг энг забардаст ва энг машхур намояндаси бўлган бу буюк ватандошимиз «тарикатда ҳам, шеъриятда ҳам Аҳмад Яссавий анъаналарининг давомчиси бўлган. У Яссавийнинг учинчи халифаси... Боқирғонийнинг дин ва тасаввуф, ишқ ва ахлоқдан сабоқ берувчи ҳикматлари Туркистон халқлари орасида кенг тарқалиб, севиб ўқилган»<sup>1</sup>.

Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида ёзади:

«Оти Сулаймондур ва Хожа Аҳмад Яссавий қаддасаллоху сиррахунинг муридидур. Ҳамоноки, бир кун табхе буюрғондурларки, матбахий ўтун етмайдур, деб келгандур. Алар асхобға дегандурларки, ёзидин ўтун териб келтурунг! Ва ул замон ёгин ёғадур экандур. Асхобким, ўтун терибдурлар, алар хизматиға келгунча ёгин жиҳатидан ўтунлар ҳўл бўлғондур. Ҳаким ато терган ўтунларини тўниға чирмаб, қуруқ келтургандур. Хожа Ҳазратлари дегандурларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларға бу лақаб ондин қолғондур. Ва Ҳаким атоға ҳикмат тили гўё бўлудур. Андоқки, онинг фавоиди атрок оросида машхурдур. Ул жумладан бири будурким:

Тики турғон тўбадур,  
Борғонларни ютадур.  
Борғонлар келмас бўлди,  
Магар манзил андадур»<sup>2</sup>.

Сулаймон Боқирғоний таржимаи ҳолига оид маълумотлар жуда оз. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат», Али Сафийнинг «Рашаҳот», Муфти Зинда Алининг «Самарот ул-машойих» тазкиралари, шунингдек, номаълум муаллифлар томонидан ёзилган ва XIX асрда тил ўзгаришларига учраб бизгача етиб келган «Ҳаким ота рисоласи» шайх-шоир тўғрисида бир қатор маълумотлар беради.

«Рашаҳот»да келтирилишича, Сулаймон Боқирғоний: «Турк машойихларининг улуғларидан турурлар ва ҳикматлареким, олар туркий тили била дарвешларнинг муомилаларида ойтибдурлар, Туркистонда маъруф ва

<sup>1</sup> *Ҳаққулов И.* Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва таракқиёти. Докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент, 1995 йил, 30-бет.

<sup>2</sup> *Алишер Навоий.* Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. 420-бет.

машхуртурур. Ва фавоиди анфосларининг жумласида бу масалким, халқ эхтиромида ва вақт ифтиномида ойтубдурлар:

Хар ким кўрсанг, Хизр бил,  
Хар тун кўрсанг, Кадр бил.

Ва бу масал ҳам озорға мансубдурким, ўз нафсларининг шикастида ойтибтурурлар:

Барча — яхши, биз — ёмон,  
Барча — бугдой, биз — сомон»<sup>1</sup>

«Самарот ул-машойих»нинг гувоҳлик беришича: «Ҳаким ота қаддасаллоҳу сирраҳу ботин ва зоҳир илмларидин ҳам хабардор эдилар. У кишидан шариятга оид ўттиз минг, тариқатга оид ўттиз минг ва ҳақиқатга оид ўттиз минг хикмат пайдо бўлган».

«Ҳаким ота рисоласи»даги ривоятга кўра, ул зот кичикликларида ўз тенгқурлари билан мактабга қатнар, болалар Қуръонни бўйинларига осиб олсалар, у киши бошларида кўтариб борар, сабоқ тугагач, устозларига юзларини қилиб, орқалари билан юриб кетар эканлар. Бу ходисага гувоҳ бўлган Хожа Аҳмад Яссавийнинг болага меҳрлари товлаб кетади:

— Эй ўғлим, бор, устозингдан рухсат сўраб кел, агар ижозат берса, биз сенга Қуръонни ўргатайлик, — деб марҳамат қиладилар.

Сулаймоннинг устози ҳам, ота-онаси ҳам бажонидил уни Хожа Аҳмад кўлига топширадилар. Ёш Сулаймон қисқа муддатда Қуръонни ёдлаб, бошқа илмларни ҳам ўзлаштиради. Ўн беш ёшида устозига мурид тушиб, тасаввуф йўлига қиради.

Сулаймон тариқатда ҳам тезда юксак мақомларга эришади. Бир кун унга ҳазрати Хизр йўлиқиб, унинг хатти-ҳаракатларидан мамнунлигини изҳор этади ва маъно сирларини баён қилишга киришини фурсати етганидан хабар беради. Ана шу рухий мулоқотдан кейин Сулаймон хикмат айта бошлайди. Маноқибларнинг гувоҳлик беришича, у айтган биринчи хикмат «тариқат султони», «йўлдан озганларни тўғри йўлга солган», «оч одамларни

<sup>1</sup> *Фахруддин Али Сафий*. Рашахот (Нашрга тийёрловчилар М. Ҳасаний, Б. Умурзоқ). Тошкент, 2003 йил, 17-бет.

сафарда тўйдирган», «ошиқлар, ожизлар, мушкул аҳволда қолганларга раҳнамолик қилган», «мангулик сувини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга эришган» Хизр алайҳиссалом ҳақида эди:

Ким эрдуки билгусиз, ориф қулга айғусиз,  
Ҳақдин ўзга билгусиз, Хизру Илѐс отам бор.

Тарикат тарбиясини ниҳоясига етказгач, Яссавий оқ фотиҳа бериб, Ҳақим отани иршод учун Хоразмга йўллайди. У бу ерда яссавия ғояларини тарғиб қилиб, кўплаб муридлар етиштиради.

«Ҳақим ота рисоласи»да айтилишича, қорахонийлар сулоласининг Хоразм вилоятидаги ҳокими Буғрохон ўз яқинлари билан Ҳақим отага мурид бўлиб, гўзал қизи Анбарни унга ниѐз қилиб, никоҳлаб беради. Улар уч ўғил кўришади: Муҳаммад Хожа, Афсар Хожа, Хубби Хожа. Фарзандлари орасида Хубби Хожа машҳур бўлиб, унинг ҳаѐти афсона-ривоятларга йўғрилган.

Ривоят қилишларича, Ҳақим ота машҳур аллома, забардаст тилшунос ва муфассир Махмуд Замахшарий билан бир даврда яшаган, ҳатто ўғилларини унга шогирдликка берган. Яна у Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг тушига кириб, уни яссавия шайхларидан Халил ота тарбиясига йўллайди.

Хотини ёш бўлгани учун Ҳақим ота ўлимидан олдин уни Занги отага никоҳлаб беришни ўғилларига васият қилган. «Занги ота унинг энг забардаст муридларидан бўлиб, у Ўрта Осиѐ чўлларида номлари машҳур тўрт халифа етиштирган: Узун Ҳасан ота, Саййид ота, Садр ота (Садриддин Муҳаммад) ва Бадр ота (Бадриддин Муҳаммад)»<sup>1</sup>. Туркистон халқлари орасида Ҳақим ота, Анбар она ва Занги ота муносабатларига доир ривоятлар машҳур.

Ҳақим ота халқ ўртасида аввало йирик дин арбоби, кароматлик авлиѐ сифатида машҳур. Қабри Оқкўрғон (Оқ қалъа) деган жойда бўлиб, муқаддас зиѐратгоҳлардан ҳисобланади.

Абдурауф Фитрат Яссавий ва яссавийлик тарикати туркий халқлар орасида кўплаб ҳикматнавис шоирлар-

---

<sup>1</sup> *Муҳаммад Шакар*. Аҳмад Яссавий ва унинг тасаввуфий қарашлари // Хожа Аҳмад Яссавий: ҳаѐти, ижоди ва анъаналари. 81-бет.

нинг дунёга келишига сабаб бўлганлиги, туркий адабиётга кучли таъсир кўрсатганлигини таъкидлайди. Айни пайтда, «Тазкират ул-авлиё»ларнинг ҳеч бири Аҳмад Яссавийдан бирор сатр ҳикмат келтирмагани ҳолда, ҳаммалари Сулаймон Боқирғонийнинг қўп ҳикматлари борлигини маълум қиладилар, дейди. Бу ҳикматлар «Боқирғон китоби» номи остида литография йўли билан Қозонда бир неча марта нашр этилган. Унинг Қозон нашри асосида тайёрланган нусхаси 1991 йили Ўзбекистонда таниқли олимлар Иброҳим Ҳаққул ва Сайфиддин Рафиддиновлар томонидан кириш сўзи ва изоҳлар билан чоп қилинди. Ундан Сулаймон Боқирғонийнинг 27 шеъри, 7 ҳикмати, Имоми Аъзам тўғрисидаги бир шеърий ривоят, Исмоил алайҳиссалом ва Биби Марям ҳақидаги икки шеърий қисса, Меърожнома ва Охирзамон мухаммаси ўрин олган. А. Бозоров ва Т. Қораевлар Туркистондан топилган ҳикматлар қўлёзмаси асосида тайёрлаган тўпламда эса унинг 110 та ҳикмати келтирилган<sup>1</sup>.

Фалсафий фикр-мушоҳадалар, панд-насихат ҳам шайх-шоир ҳикматларининг қат-қатига сингиб кетган. У ўз фикрларини гўзал ва таъсирчан шаклда етказиш учун бадиий тасвир воситаларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Масалан, руҳ ва нафсни ўзаро баҳс-мунозарага киритиб, улардан бирининг афзаллигию иккинчисининг тубанлигини юксак бадиий шаклда очиб беради:

Нафсим айтур: бу беш кунлик тирикликда  
Бу дунёда боғу бўстон этойин дер.  
Ул бўстонларға солну-солну кирибон  
Текма ёзда турлук мева тотойин дер.

Руҳим айтур: конки Ҳақдин тавфиқ бўлса,  
Туни-куни тинмайин ёдин айтсам,  
Қисматимдан ортук таом емас бўлсам,  
Бу дунёни йнғиб-териб нетойин дер.

Бу мумтоз адабиётдаги мунозара жанри хусусиятларини эсга солади.

«Манамма кўнглум ичра мунгларим бор», — дейди шайх-шоир бир шеърида. Бу — шоирона мисра, бу — бс

<sup>1</sup> Қаранг: Аҳмад Яссавий. Сулаймон Боқирғоний. Ҳикмат. Куллиёти. Тошкент, 2011 йил, 333—448-бетлар.

тин сўзи: рух азоби, виждон кийноқларига ошно қалб  
эътирофи:

Маъсият килмишимга пушаймоним бор,  
Иблисима малъун турар душманим бор,  
Йиғлаюрман, инграюрман туну кун зор,  
Манамма кўнглум ичра мунгларим бор.

Ёки мана бу шоирона мисраларни кўринг:

Сирим сирға уланди, кўнглум Аршга йўлланди,  
Ишқ киличи бойланди дарвешларнинг ичинда.

Бу мисралар Сулаймон Боқирғонийнинг йирик тариқат  
пири бўлибгина қолмай, юксак шеърій салоҳият соҳиби  
ҳам эканлигидан далолат беради.

Мумтоз шеърятда бир ишора билан чуқур маънони  
ифодалаш имконини берувчи талмех деган санъат мавжуд:  
бунда шоир машҳур тарихий ёки афсонавий шахслар ва  
воқеалар, асарлар ва уларнинг қахрамонлари, масаллар-  
га ишора қилиш орқали фикрини ихчам ва таъсирчан  
ифодалайди. Сулаймон Боқирғоний ижодида ҳам талмех  
санъатининг гўзал намуналарини кўрамиз. Чунончи:

Намруд ўти Халилга ҳаргиз зиён қилмади,  
Оллоҳ деган бандалар дўзах ичра куярму?

Намруд — Иброҳим пайғамбарни ўтга ташлаган зolim  
шоҳ. Бутун вужуди илоҳий ишққа тўлиб-тошганидан  
унга ўт асар қилмайди — уни Парвардигорнинг ўзи  
ҳимоясига олади. Шундай экан, Халил Намруд ёққан  
оловда ёнмаганидек, Оллоҳ деган бандалар ҳам дўзах  
ўтида куйинмайди.

Шеърнинг давомини ўқиймиз:

Асхоби Каҳф итини Ҳақ таоло қўймади,  
Оллоҳ деган кулини харгиз навмид қўярму?

Асхоби Каҳф — Фор эгалари. Исо алайҳиссалом замо-  
дан кейин Рум давлатларидан бирида Дақёнус номли  
тим шоҳ чиқиб, одамларни бутларга сиғинишга мажбур  
лар, амрига бўйсунмаганларни ўлдирад экан. Бир неча  
йит: «Оллоҳдан ўзгага бўйсунгандан кўра, бу юртни



тарк этган афзал!» — деб тун қоронғисида шаҳардан чиқиб кетадилар. Йўлда уларга бир чўпоннинг ити ҳам ҳамроҳ бўлади. Тонгга яқин ҳаммалари бир тоққа етиб, катта ғорга кириб яширинадилар. Уларни қувиб келган шоҳ аскарлари ғорга киришга қўрққач, Дакёнус йигитларнинг очлик ва ташналикдан ўлиб кетишлари учун ғор оғзини бекитиб ташлашни буюради. Лекин Оллоҳ ўзининг садоқатли бандаларини ўлимдан сақлайди — уларни узоқ муддатли уйқуга чўмдиради. Оллоҳга садоқати туфайли ит ҳам асҳоби Каҳф сафидан жой олган. Улар уйғонганларида орадан уч юз йил ўтган, Дакёнус ўлиб, унинг ўрнига солих, мўмин бир киши подшо эди.

Қуръондаги мана шу қиссага ишора қилиб, шайх-шоир айтадики, Ғор эгаларига эргашган итгада марҳамат қилган Оллоҳ уни севган бандасини сира ноумид қўядими?

Сулаймон Боқирғоний ўз фикрларини халқона мақолматал, ҳикматли сўзлар, ташбеҳлар воситасида баён этади. Чунончи, қуйидаги тўртликка машаққат чекмаган мақсадга етмайди, ранж чекмаган ганжни қўлга киритмас қабилидаги халқ мақоллари маҳорат билан сингдириб юборилган:

Қулликсиз бўлмасдир экан дийдор,  
Эмгаксиз эр муродига қачон етор?  
Ғаввос кириб уммонга, ғавҳар тобор,  
Ранжсиз ганж истабон тобкон борму?

Халқона тимсол-ташбеҳларга бойлиги учун бу ҳикматлар ҳам содда-тушунарли, ҳам гўзал-жозибали, ҳам кўнглига яқин, таъсирчан:

Сухбатлик орифларга жоним бериб,  
Сухбатсиз нодонлардан қочғум келур.

Бу ҳикматларнинг асрлар давомида халқ тилидан тушмай келишининг сабаби ҳам улар тилининг жонли сўзлашув нутқиға яқинлигида, услубининг енгил ва равонлигида, тимсолу ташбеҳларнинг кундалик ҳаётдан олинганлигида:

Кимга вафо қилди бу фоний дунё,  
Бизга, таки сизга вафо қилғучи йўк.

Ёки:

Айтмағил, қари ўлар, йигит ўлмас,  
Кўб, телим йигитлар қари бўлмас.  
Вақти етса, дам олғали замон бермас,  
Йигитлик ўлуминдин кўркмасмусан?

Яссавий билан Боқирғоний ва умуман ҳикмат ёзган барча шоирлар ислом асослари ва тасаввуф ғояларини шеърӣ йўл билан омма онгига сингдирганлар, халқ қалбига таъсир қилганлар. Чунки шеърӣ усул фикрни осон ва таъсирчан етказиш ва қабул қилиш имкониятини яратади:

Тавба қилиб, Ҳақға ёнғон ошиқларга,  
Учмоҳ ичра тўрт ариқда ишрати бор.  
Тавба қилмай, Ҳақдан ёнғон ғофилларга,  
Тор лаҳадда қайтиғ азоб-ҳасрати бор.

Боқирғоний ҳам ўз ҳикматлари орқали ислом асосларини халққа содда ва таъсирчан усулда тушунтиради:

Бу дунёни берди бизга кўрмоқ учун,  
Томукни Ҳақ яратди кўркмоқ учун,  
Тоатни рўзи қилди учмоқ учун,  
Тоат қилиб, учмоқ мулкин олмасмусан?

«Охирзамон мухаммаси»да жамиятнинг айнишини киёмат белгиларининг намоён бўлишига ўхшатади:

Замона охир бўлса, налар бўлғай?  
Дунёға турлук-турлук бало тўлғай,  
Олимлар чоғир ичиб, зино қилғай,  
Ондин ортук таки ажаб донглари вор.

Бахиллар ҳаром бирла ҳарис бўлғай,  
Кўб хотинлар эрларина ҳаром бўлғай,  
Ислом билмас бадбахтлар шодмон бўлғай,  
Ондин ортук таки ажаб донглари вор.

Аҳмад Яссавий каби Сулаймон Боқирғоний ҳам ўзини ўзи ёзғириш, танқид қилиш, айбу гуноҳларини очиб ташлашдан андиша қилмайди, яъни улар танқидни ўзидан бошлайди:

На иш қилдим — ямон қилдим, алим сундим — харом олдим,  
Даргоҳингга сифнуб келдим йиғлаюб қон фироқимни.

Ямонлигим ҳаддин ошти, маъсиятим тўлди-тошди,  
Мискинлигим мандим қочди, миндим «ман»лик буроқимни.

«Ман»лик отиға миндим ўзим, номахрамға боқди кўзим,  
Даргоҳингга ўтлуғ юзим, ўчриб иймон чироғимни.

Сулаймон Боқирғоний ишқ мавзуини ҳам ҳассослик билан қаламга олади:

Бу дунёдин ким кечгай арода ишқ бўлмаса,  
Учмоқ қапуғин ким очкай, арода ишқ бўлмаса...  
Минг йил ибодат қилсанг, тоат ичинда қолсанг,  
Маҳолдур Ҳақни билсанг, арода ишқ бўлмаса.

Шоир эътирофича, кўнглига илохий ишқ учқуни тушмаган киши Оллоҳ йўлида бу дунёдан кечмайди. Бундай кишига жаннат эшигини очиш ҳам насиб қилмайди. Минг йил ибодат қилсанг, умринг тоат ичида ўтса ҳам, орада ишқ бўлмаса, Ҳақни билмай ўтиб кетасан. Маълум бўладики, кўнглингда Яратувчига нисбатан ишқ бўлмас экан, ҳар қанча тоат-ибодатинг бир пул. Ишқу ихлос билан қилинмаган тоат-ибодат ҳисобга ҳам ўтмайди. Шунинг учун ҳам у: «Бу ишқ гар бўлмаса, ман нетгай эрдим», — дейди.

Сани дардинг банго дармондин ортук,  
Санга қул бўлғоним султондин ортук.

Санинг ёдингни айсам чўл ичинда,  
Бўлур ул чўл манга бўстондин ортук.

Санинг ёдинг агар кетса тилимдан,  
Вужудим куриюр вайрондин ортук.

Сулаймон Боқирғоний шеърларидаги «Зикр — жоннинг роҳати», «шавқ шароби», «Мансур янглиғ», «Жондин кечмай иш битмас» каби иборалар Аҳмад Яссавий ҳикматларини эсга солади. Чунки у устози анъаналаринигина эмас, унинг ғоя ва фикрларини ҳам давом эттирган. Устоз-шоғирд ижодидаги мавзулар ўхшашлиги, фикрий

муштаракликлар бунинг ёрқин исботи. Машхур турк олими Фуод Кўпрулузода бу ғоявий-бадий уйғунлик «яссавийликнинг хусусий одоби» эканлигини таъкидлайди. Иброҳим Ҳаққул эса бу фикрни янада тўлдиради ва ривожлантиради:

«Аҳмад Яссавийда бўлганидек, Боқирғонийнинг ҳам ҳикматнависликдаги илҳом манбаи диний-тасаввуфий туйғу ва тушунчалардир. Устозига ўхшаб, Боқирғоний ҳам «касби фикр ила ҳосил бўлган маъни»лардан эмас, балки «кашфи Ҳақ ила» ҳосил бўлган илохий туйғулар ва маънилардан сатрлар яратади. Бу эса Аҳмад Ясавий ва Боқирғоний ижод тажрибаларидаги умумий яқинлик, гоҳо ўхшашликка сабаб бўлган»<sup>1</sup>.

Ҳикматларидан бирида шайх-шоир «Қул Сулаймон гавҳар янглиғ ҳикмат тузди», — деган эди. Чиндан ҳам, бу ҳикматларнинг ҳар бири бир гавҳар янглиғ. Зеро, бу ҳикматлар кишиларни ёмон ишлар, ношойишта одатлардан қўл тортиш, фазилатлар касб этиб, камолот йўлидан юришга даъват қилади.

## БУЛБУЛНИ МОТ АЙЛАГАН ШОИР

Шарқ мумтоз адабиётининг бешигини тебратганлардан бири Низомий Ганжавий ҳисобланади. Унинг тўлиқ номи Абумуҳаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд бўлиб, 1141 йили Ганжа шаҳрида туғилган.

Баъзи тазкираларда маълумот келтирилишича, Низомийнинг ота-боболари Эроннинг Кум шаҳридан бўлиб, илм аҳлига мансуб эдилар. «Иқболнома» достонида буни шоирнинг ўзи ҳам қайд этиб ўтади. Унинг онаси Ганжа атрофидаги қишлоқлардан бўлиб, курд саркардаларидан бирининг қизи эди.

Низомий ота-онадан ёш етим қолади. Уни боқиш ва тарбиялашни тоғаси Хожа Умар ўз зиммасига олиб, имкон қадар жиянининг илм эгаллашига кўмаклашади. У турли илмларни ўзлаштиришга иштиёқманд бўлиб, Қуръонни ёд олади. Кейин фикҳ, тарих, жуғрофия, фалсафа, мантиқ ва адабдан таълим олиб, уларнинг ҳар бирида устод даражасига етишади. Табиий фанлар, хусусан, табобат ва илму нужум (астрономия)ни тамомила ўзиники қилиб

<sup>1</sup> Ҳаққул И. Ирфон ва идрок. Тошкент, 1998 йил, 41-бет.

олади. Замонавий илмлардан ташқари, қадимги Юнон фалсафаси ва адабиёти, эроний халқларнинг исломдан олдинги сўз санъати, халифалик даври илмий-адабий асарлари, яхудий ва насроний халқлар тарихи, Кавказ халқларининг ўтмишидан ҳам етарли маълумотга эга эди. Уни етук математик сифатида эътироф этардилар. Кимё фанини чуқур билар, ҳозиқ табиб ҳам эди. Гален, Гиппократ, Закариё Розий, Абу Али ибн Сино каби тиб соҳаси билимдонларининг асарларини ўқиб-ўрганганди. У деҳқончилик ва боғдорчилик илмларидан ҳам хабардор эди. Умуман, шоир шеърояти унинг турли илмларни чуқур билганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам замондошлари уни ҳақим деб улуғлаганлар.

Низомий даври ўзининг талотўплари, нотинчликларига қарамай, Кавказ, Эрон ва Ўрта Осиё халқлари тамаддуни даври эди. Жумладан, XII асрда Абулаъло Ганжавий, Изиддин Ширвоний, Маҳастий, Мужириддин Байлақоний, Хоқоний Ширвоний, Анварий, Рашидиддин Ватвот, Жамолиддин Абдураззоқ, Фаридиддин Аттор, Камолиддин Исмоил каби шоирлар яшаб ижод қилдилар. Низомий уларнинг аксарияти билан алоқада бўлиб, Хоқоний билан калин дўст эди.

Бу даврда Хуросон ва Мовароуннахрнинг кўплаб шаҳарлари, жумладан, Ганжада ҳам жавонмардлик ёки ахийлик номи билан машҳур ҳаракат кенг ёйилган. Ҳаракат аъзолари асосан косиб ва ҳунармандлардан иборат бўлиб, улар золим ҳукмдор ва амалдорларга қарши курашар, кенг халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилар, камбағал ва бечораларни кўллаб-қувватлар эди. Эзгулик, адолат, инсоф, мурувват, саховат, лутфу қарамни шиор қилиб олган бу тоифа илму маърифатга катта аҳамият берган. Низомий бу ҳаракат қоидаларини ҳурмат қилар ва уларга мойил эди. Низомий шахсияти, дунёқараши ва ижтимоий ақидалари шу ташкилот ғоялари, косиб ва ҳунармандлар таъсирида камол топди. Шоир асарларидаги жавонмардлик ғоялари тасвири шунинг маҳсулидир.

Низомийнинг ҳаёти бошдан-охир Ганжа шаҳрида ўтди. Бир гал Ироқ султони Туғрулшоҳнинг даъватига биноан Табризга сафар қилди, бироқ у ерда уч кундан ортиқ туролмади. У сарой хизматида кирмай, ўз умрини эр-

кинлик ва хилватнишинликда ўтказди. Лекин ўша давр хукмдорлари унга совға-саломлар юбориб турганлар. Чунончи, Дарбанд ҳокими Бойбарс ибн Малик Музаффар 1169 йили тухфалар қаторида унга Офоқ исмли бир канизакни ҳам тухфа қилади. У шоирнинг чўриси эмас, балки умр йўлдоши, маслаҳатчиси, илҳомчисига айланди. Низомийга Муҳаммад исмли ўғил ҳадя этган Офоқ 1180 йили бевақт вафот этади. Шоир энг азиз кишиси бўлган бу аёл ёдини бир умр хотирасида сақлаб, «Хусрав ва Ширин» достонидаги Ширин тимсолида унинг ёрқин сиймосини абадийлаштиради.

«Низомий «Хамса»нинг илк достони «Махзан ул-асрор»ни 1173—1180 йиллар орасида ёзган ва Кичик Осиёдаги Эрзинжон шахрининг ҳокими Баҳромшоҳга йўллаган. Достон Баҳромшоҳга маъқул тушиб, шоирга талай инъом-эҳсон жўнатган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Низомийнинг муҳолифлари бу тухфани талон-торож этганлар. Шунинг учун ҳам шоирнинг моддий аҳволи умрининг охиригача оғирлигича қолган»<sup>1</sup>.

Қизил Арслон ҳам ҳеч қандай даромад келмайдиган Ҳамдўён қишлоғини Низомийга муҳрлаб беради. Буни эшитганлардан бири узунлиги ва эни ярим фарсах келадиган бу қишлоқнинг йиллик даромади унинг харжига ҳам етмаслигини писанда қилади. Шоир шу ернинг ўзидаёқ ушбу ёрликни дуч келган бир кишининг қўлига бериб, жўнаб қолади.

Шоирнинг таассуф ва алам билан мана бундай мисраларни битишига балки сабаб шудир:

Ман, ки қонёъ шудам ба донаи хеш,  
Сарварам чун садаф ба хонаи хеш.  
Сарвари бех, ки ёри ман бошад,  
Сарпарастии чии кори ман бошад.  
Шер аз он пояи бузургии ёфт,  
Ки сар аз тавки сарпарастии тофт.

### Ш. Шомухамедов таржимаси:

Ўз ризқим донидан қилиб қаноат,  
Садафдек хонамда сарварман факат.  
Бировларга мухтож бўлгандан, минг бор —

<sup>1</sup> Ҳомидий Х. Кўҳна Шарқ дарғалари. 138-бет.

Яхши-ку қаноат бўлса менга ёр.  
Ўзга ҳомийлигин шер этиб инкор,  
Мавжудот ичинда бўлди улуғвор.

Низомий 1209 йили 12 мартда вафот этади.

Низомийнинг номини жаҳонга машҳур қилган унинг беш дostonни ўз ичига олган «Хамса»си бўлди. Бу дostonлар — «Махзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси»), «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») ва «Искандарнома»дан иборат. Абдурахмон Жомий таъбири билан айтганда, шоирнинг «Хамса»да «қўлга киритган назокати ва латофати ҳеч кимга муяссар бўлмаган, балки, умуман, одамзод кудратидан ташқари». Алишер Навоий эса «ул назмлар агарчи зоҳир юзидин афсонадур, аммо ҳақиқат юзидин ҳақойиқ кашфи ва маориф баёниға баҳонадур», деб таърифлайди.

Низомийнинг шеърлар девони бизгача етиб келмаган. Шоирнинг лирик шеърлари турли баёз ва тўпламлардан топиб жамланган. Чунончи, унинг Эронда нашр этилган биринчи девонида 12 қасида, 137 ғазал, 9 қитъа, 46 рубоий мавжуд бўлса, иккинчи нашрида 16 қасида, 192 ғазал, 5 қитъа, 68 рубоий ва 17 байт пароканда шеърлар бор. Шу икки нашр асосида Тожикистонда Ж. Додалишоев ҳам Низомий девонини нашр этган. Душанбеда нашр этилган шоир асарларининг 5 жилдлигида эса 55 ғазал, 5 қасида, 2 қитъа, 9 рубоийси мавжуд. Ҳолбуки, Давлатшоҳ Самарқандий Низомий девони 20 минг байт шеърни ўз ичига олган, деб кўрсатади.

XV асрда Низомийнинг лирик шеърлари кенг ўқувчилар оmmasига маълум бўлмаган бўлса керакки, Навоий Низомийни маснавий устаси сифатида баҳолагани холда, лирик шоир сифатида тилга олмайди. «Маҳбуб ул-қулуб»даги шоирлар таснифотида ҳам унинг номини учратмаймиз. Лекин «Хамса» дostonларидан барчасининг мукаддима қисмида ва «Садди Искандарий» хотимасида Навоий Низомийни устоз шоир сифатида мадҳ этиб, унинг шеърий маҳорати ва бадиий балоғатини таъриф-тавсиф қилади. Чунончи, «Ҳайрат ул-аброр»да Низомийга алоҳида боб бағишлаб, уни, жумладан, қуйидаги сўзлар билан таърифлайди:

Ганжа қуёшики кўтаргач алам,  
Айлади сўз мамлакатин яккалам...

Кўп киши ҳам қилди татаббуъ хавас,  
Сарву гул ўтрисиға келтурди хас...

«Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам Низомий ва Дехлавийга алоҳида боб бағишлайди. Жумладан, Низомийни — фил, ўзини — пашшага ўхшатиб, «Хамса» яратишда унинг руҳидан мадад сўрайди:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасиға панжа урмоқ.

«Лайли ва Мажнун»да бу таърифларни қуйидагича давом эттиради:

Назм аҳлининг афсах ул-каломи,  
Сўз дурриға мунтазим Низомий.

«Сабъаи сайёр»да ёзади:

Қойили хушкаломи зебоғўй —  
Ким, бу майдон элидин элтти гўй.

«Садди Искандарий»да:

Тутуб ганжи бу чархи нўҳ токни,  
Нечукким, қуёш нури офоқни.  
Бу янглиғки ганжи маоний тўқуб,  
Жаҳон аҳлиға жовидоний тўқуб.

Достон ниҳоясида шоир бир туш қўргани ва Низомий уни «Хамса» ёзганини қўллаб, муборақбод этганини ёзади.

«Насойим ул-муҳаббат»да Низомийни шайхлар қаторида тилга олади:

«Машҳур мундоқдурки, агар сулук айёмида қирк арбаъин чиқарибдурлар ва тўрт арбаъинни бир дарахт устида чиқарибдурлар. Ҳар ойина бу навъ муфрит риёзатлар тортмағунча бу навъ беш ганжки, аларға насиб бўлубдурки, кўп абъёти алфоз жазолатидин ва маъноу таркиб салосатидин деса бўлурки; эъжоз сарҳадига етибдур, кишининг илкига кирмак имкон эмас ва умрлари олтмишдан ўтган экандур...»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. 471-бет.



Низомий шеърлари фақат бадний жиҳатдан гўзал ва мукамал бўлибгина қолмай, уларда ўз замонининг барча илму ҳунарларини эгаллаган мутафаккир олим ва ҳаётда катта тажрибага эга бўлган донишманд инсоннинг теран ва пурҳикмат сўзлари ўз аксини топганлигини кўрамиз. Уни нафақат форс-тожик ёхуд Шарқ, балки жаҳон сўз санъатининг устозлари даражасига кўтарган жиҳатлардан бири шунда. Зеро, шоир шеърларида биз гўзал шеърӣй санъатларни ҳам, ҳар тарафлама кенг ва чуқур илмӣй фикр ва мулоҳазаларни ҳам, ҳаётӣй кузатиш ва ҳикматларни ҳам учратамиз — улар кўпинча ўзаро омихта бўлиб, бу шеърларнинг юксак бадиияти ва теран мазмундорлигини таъминлаган. Чунончи, қуйидаги рубоӣй нафақат замонасининг барча илғор илмларини эгаллаган мутафаккир олим, айни пайтда, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотган, катта турмуш тажрибасига эга, жамиятнинг тараққиёт қонунларини теран тушунадиган донишманд инсоннинг қалби қаъридан чиқиб, қоғозга тўкилган доно фикрлардир:

Адл аст, ки бунёди зафархо бошад,  
Зулм аст, ки мўжиби зарархо бошад.  
Жуд аст, ки пардадори ҳар айб бувад,  
Бухл аст, ки сарпўши ҳунархо бошад.

### III. Шомуҳамедов таржимаси:

Адолат фарзанди зафардир, зафар,  
Зулмнинг меваси зарардир, зарар.  
Сахийлик айбингни ёпади осон,  
Аммо бахт асоси ҳунардир, ҳунар.

Барча ўтмиш мутафаккирлари каби Низомий ижодида ҳам инсонга бир марта бериладиган умрни қадрлаш, уни эзгу ишларга бағишлаш, бу жаҳон айвонида ўзидан яхши ном қолдиришга даъват этиш мотивлари етакчи ўрин тутади:

Ба ҳарза медиҳи барбод умри нозанин, к-аз вай  
Ба ҳосил метавон кардан ҳаёти жовидониरो.  
Ба жон нахридаи жанро, аз он кадраш намедони,  
Ки хинду кадр нашносад матои роӣгониро.

Мазмуни: «Шундай гўзал умрни елга совурасан-а, ахир, у орқали абадий ҳаётни таъминлаш мумкин-ку?! Худди хинду текин нарсанинг кадрили билмагандай, жонингни жон эвазига қўлга киритмаганинг учун ҳам унинг қадрига етмайсан».

Ҳазалларидан бирида шоир бу ўткинчи дунё, нотанти замон инсоннинг улугвор мақсадлари, илоҳий муҳаббати ва улар йўлидаги эзгу интилишлари олдида ҳеч нарсага арзимаслигини айтади. Чунки инсон ўзининг ибратли ҳаёти, эзгу ишлари, сермазмун ижоди билан номини мангуликка нақш этиши мумкин — ғаддор замон ва ёвуз одамлар эса унга халақит беришдан бошқасига ярамай-дилар:

Хуш зи, ки замона ғам наярзад,  
Андешаи бешу кам наярзад.  
Вазнаш ҳама нимжав насанжад,  
Додаш ҳама як ситам наярзад.

### Ш. Шомуҳамедов таржимаси:

Шод яша, бу замон ғамга арзимас,  
Қисилмагил, кўпу камга арзимас.  
Арпа донича ҳам турмайди ўзи,  
Ситами кўз ёшу намга арзимас.

Шарқ шоирлари ҳамиша у ёки бу фикрни ҳеч ким кутмаган гўзал ва оҳорли ташбеҳлар орқали ифодалашлари билан машҳур. Жумладан, қуйидаги байтда Низомий ҳам куним — сочингдек қора, дилим — оғзингдек тор, дейди:

Жоно, ба жони ту, ки наям бенишони ту,  
Рўзам чу зулфи туст, дилам чун даҳони ту.

Бу ерда шоир ўз оғир аҳволини баён этибгина қолмай, айни пайтда маъшуқасининг сочи қоп-қоралигию оғзи кичкиналигини ҳам таъкидлаяпти. Санъаткор шоирлар шеърида ҳамиша маъно ана шундай қават-қават бўлади.

Мана бу байтда эса шоир маъшуқасига лутф билан мен кўрган кўнгилнинг сенга гирифторм бўлишини хоҳлаганим холда, сен қаердаки ғам кўрсанг, менга илинасан дейди:

Ҳар жо, ки ғаме бини, хоҳи зи барои ман,  
Ҳар жо, ки диле бинам, хоҳам зи барои ту.

Учига захар сурилган бўлса-да, хар бир ўқингни шакар ўрнида қабул қиламан, дейди мана бу байтида:

Тири ғамзатро чу шаккар мехўрам,  
Гарчи пайконаш ба захр олудаи.

Маъшуқа харчанд айрилик ўтига ташламасин, синовлар майдонига отмасин, чин ошиқ ишқ машаққатларидан чўчиб, тутган йўлидан қайтмайди. Чунки бу мангулик ғам бўлиб, уни минг шодликка ҳам алмашиб бўлмайди:

Ғами ту хужаста бодо, ки ғамест жовидони,  
Надихам ғами чунинро ба ҳазор шодмони.

Бу мисралар муқаррар тасаввуфий мазмунда бўлиб, бу ерда сўз илоҳий маҳбуба ҳақида кетаяпти. Шунинг учун ҳам Низомий сенинг хизматингга ҳиммат камарини белимга маҳкам боғладим, чунки сенинг манглайингда икки жаҳон саодатини кўраяпман, дейди:

Низомий, аз сари хидмат камар ба пеши ту бандад,  
Ки дар жабини ту бинад саодати ду жаҳони.

Шунинг учун ҳам шоир мен жону дил билан сенинг хизматингни қилай дейман-у, лекин кўнгилдагидай қилолмайман, сен эса менинг дардимга даво қила олганинг ҳолда қилмайсан, дейди:

Манам он, ки хидмати ту кунаму наметавонам,  
Туи он, ки чораи ман накуниву метавони.

Бунинг сабаби мен сени дўст тутганим ҳолда, сен мени душман ҳисоблайсан, мен сендан фахрланганим ҳолда, сен мендан ор қиласан:

Туро ман дўст медорам, ту медори маро душман,  
Ман аз ту фахр медорам, ту аз ман ор медори.

Маълумки, Шарқ мумтоз шоирлари ижодида ўзининг шеърятда тутган ўрнидан, ўз маҳорати ва балоғатидан фахрланиб ёзилган шеър ва байтлар кўп учрайди. Чунончи, Низомий ёзади:

Басе кўшид булбул бо Низомий,  
Чу бишнид ин ғазал, минқор барбаст.

Мазмуни: «Низомийга етаман, деб булбул жуда кўп саъй-ҳаракат қилди, лекин ушбу ғазални эшитди-ю, хо-муш бўлди».

Дарҳақиқат, Низомийни устоз деб билган, унга эргашган, унга тақлид қилган шоирлар кўп, лекин уларнинг ҳеч бири Низомий кўтарилган шохсунага кўтарилолмаган. Зеро, Навоий таъбири билан айтганда:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,  
Низомий панжасига панжа урмоқ!

Низомий Ганжавий номи қадимдан халқимиз орасида машҳур, таъбир жоиз бўлса, у ўзбекнинг ўз шоирига айланиб кетган. Алишер Навоийдан тортиб, барча мумтоз шоирларимиз уни ўзларига устоз деб билишган. XVI аср ўргаларидаёқ Қутб Хоразмий унинг энг машҳур достони — «Хусрав ва Ширин»ни тилимизга маҳораг билан таржима қилган эди. Орадан бир аср ўтгач, Ҳайдар Хоразмий ҳамса асосчисининг «Махзан ул-асрор» достонига жавобан «Гулшан ул-асрор» асарини яратади. Забардаст шоир ва моҳир мутаржим Муҳаммадризо Огахий «Ҳафт пайкар»ни эркин насрий таржима қилади. «Искандарнома» достони ҳам ўтмишда илму адаб аҳлининг диққатини ўзига жалб этган. Жумладан, «Шохнома» таржимони, шоир ва адиб Шоҳи Ҳижрон «Қиссаи Дорой Зарринкамар» асарида «Иқболнома»нинг мухтасар мазмунини баён этган. Нурмуҳаммад Бухорий, Мулла Фозил Хомушийлар ҳам Низомий «Хамса»сини шарҳлар эканлар, «Искандарнома»ни батафсилроқ таҳлил қилишга ҳаракат этишган»<sup>1</sup>.

1983 йили таниқли таржимон, форс-тожик адабиёти билимдони Шоислом Шомуҳамедов шоирнинг 2 қасидаси, 20 ғазали, 8 китъаси, 49 рубойиси, 74 ҳикмати ҳамда «Махзан ул-асрор» ва «Ҳафт пайкар» достонларидан парчалар таржима қилиб, «Низомий шеърятидан» номи билан чоп эттирди. Форс-тожик шоирлари асарларининг ўзбекча таржималаридан тартиб берилган «Инжулар уммони» тўпламида (1988) Ганжа пирининг яна 2 ғазали ва «Хусрав ва Ширин» достонидан Ширин таърифига бағишланган парча Ш. Шомуҳамедов таржимасида берил-

<sup>1</sup> *Ҳомидий Ҳ.* Ганжалик пир // «Сино» журнали, 2002 йил, 7-сон, 31-бет.

ган. Жонибек Сувонқулов «Иқболнома» маснавийсини ўгирган. Олимжон Бўриев шоирнинг «Панж ганж»ига кирувчи «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Хусрав ва Ширин» дostonларини ўзбекчалаштирди.

## АХЛОҚ МУАЛЛИМИ

XII аср охири — XIII аср биринчи ярмида яшаб ижод қилган, «Хибат ул-хақойиқ» («Хақиқатлар тухфаси») асари билан ўзбек адабиётида ўзига хос ўрин тутадиган улўф шоир ва мутафаккир Адиб Аҳмад Югнакийнинг таржимаи холи ҳақида жуда оз маълумотга эгамиз. Асарининг фақат бир ерида у ўз номини тилга олади:

Адиб Аҳмад отим, адаб-панд сўзум,  
Сўзум мунда қолур, борур бу ўзум.

«Хибат ул-хақойиқ»қа Адиб Аҳмад шахси, ҳаёти ва фаолиятининг айрим нуқталарини ойдинлаштирувчи номаълум бир шоир ва Амир Сайфиддинларнинг тўртликлари ҳамда теурий амалдорлардан Арслон Хўжа Тархоннинг 10 байтлик маснавийси илова қилинган. Маснавийда, жумладан, қуйидаги маълумотларни ўқиймиз:

Адибнинг ери оти Югнак эрур,  
Сафолик ажиб ер — қўнгуллар ёрур.

Атоси оти Маҳмуди Югнакий,  
Адиб Аҳмад ўғли — йўқ ул ҳеч шаки.

Китобининг оти эрур «Хибат ул-  
Хақойиқ» — иборат адабдин ўшул.

Тамоми эрур кошғарий тил била,  
Айитмиш Адиб рикқати дил била.

Маълум бўладики, Адиб Аҳмад Югнак деган сўлим ва баҳаво жойда туғилган. Отасининг оти Маҳмуд Югнакий бўлган. Китоби одоб-ахлоқ масалаларидан баҳс этиб, номи — «Хибат ул-хақойиқ». Кошғарий тилда<sup>1</sup> ёзилган

<sup>1</sup> *Кошғарий тил* — қорахонийлар даври адабий тили. Бу адабий тилни Маҳмуд Кошғарий — ҳоконий тили, Юсуф Хос Ҳожиб — буғраҳон тили деб атаган эди.

бу китобни шоир маҳорат билан назм риштасига терган. «Қутадғу билиг»дан бир-икки аср кейин яратилган бу асар қадимий ва бой туркий адабиётнинг ноёб дурдонаси ҳисобланади. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида Адиб Аҳмадга алоҳида ўрин ажратиб, ҳам шахси, ҳам ижоди хусусида юксак фикрларни билдириши унинг ҳам забардаст сўз устаси, ҳам машҳур тасаввуф намояндаси бўлганлигидан далолат беради.

Шоир туғилган жой олимлар ўртасида кўп тортишувларга сабаб бўлган. Самарқанд, Фарғона ва Туркистонда Югнак деган жой борлиги айтилса-да, кўпчилик уни Самарқанд атрофида дейишга мойил ва кейинги даврларда илмий муомалага киритилган адабий-тарихий манбалар бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлапти. Чунончи, XII асрда яшаган машҳур муаррих Абдулкарим ас-Самъоний «Ал-Ансоб» («Насабнома») китобида ёзади: «Юғанак — Самарқанд қишлоқларидан. Абу Ҳомид Аҳмад ибн Абу Аҳмад ал-Юғанакий бу нисбат билан машҳурдир. Бу киши Самарқанд аҳлидан. Соҳиб ибн Муслим ал-Балхий, Абдурахим ибн Ҳабиб ал-Бағдодий ва Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маъсуд ибн Комил ас-Самарқандийдан ҳадис ривоят қилганлар. Ўзларидан эса Абдуллох ибн Масъуд ибн Комил ас-Самарқандий ҳадис ривоят қилганлар»<sup>1</sup>.

Бу маълумотлар Адиб Аҳмаднинг Самарқанд атрофидаги Юғанак қишлоғида туғилганлигини ойдинлаштирибгина қолмай, унинг нафақат забардаст шоир, айти пайтда, машҳур муҳаддис ҳам бўлганлигидан хабар беради.

Адиб Аҳмад туғма кўр бўлган. «Туға кўрмас эди адибнинг кўзи», — дейилади бу ҳақда асарга илова қилинган номаълум шоирнинг тўртлигида. Лекин, Навоий таъбири билан айтганда, у ниҳоятда зийрак ва закийлиги билан ажралиб турган: «Аммо бағоят зийрак ва закий ва зоҳид ва муттақий киши эрмиш. Ҳақ субхонаҳу ва таоло агарчи зоҳир кўзин ёпуқ яратқандур, аммо кўнгил кўзин бағоят ёруқ қилғондур... Ва анинг тили турк алфози била мавоизу насойихқа гўё эрмиш. Хейли элнинг муқтадоси эрмиш. Балки аксар турк улусида ҳикмату нукталари шоеъдур. Назм тариқи била айтур эрмиш, анинг фавоидидиндур:

---

<sup>1</sup> *Абдулкарим ас-Самъоний*. Насабнома (Таржимонлар Ҳожи Абдулғафур Раззоқ Бухорий, Комилжон Рахимов). Бухоро, 2003 йил, 199-бет.

Улуғлар не берса, емасман дема,  
Илик сун, оғиз ур, емасанг-ема!

Ва анингдурким:

Сўнгахка иликдур, эранга — билик,  
Биликсиз эран — ул иликсиз сўнгахк»<sup>1</sup>.

Биринчи байтнинг мазмуни: «Улуғлар сенга қутлуғ дастурхондан бир нимани илинсалар, ҳарчанд тўқ бўлсанг ҳам емайман деб уларнинг қўлини қайтарма, емасанг ҳам қўлингга олиб, бир оғиз тегизиб қўй».

Бу ерда улуғларни ҳурмат қилиш маъносида сўз боряпти.

Иккинчи байтнинг мазмуни: «Суяк илик билан, эр киши билим билан кўркли. Билимсиз киши иликсиз суякка ўхшайди».

Бу ерда илм-маърифат улуғланяпти.

Асарнинг мавжуд нусхаларида мазкур байтларнинг йўқлиги «Ҳибат ул-хақойиқ»нинг асрлар давомида турли ўзгаришларга учраганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий отаси Ҳусайн Бойқарога қарши исён кўтарган Бадиуззамон Мирзога панд-насихат қилиб ёзган мактубида ҳам Адиб Аҳмаднинг бир тўртлигини келтиради:

Атодин хато келса, кўрма хато,  
Савоб бил хато токи қилса ато.  
Атонинг хатосини билгил савоб,  
Сени юз балодин қутқарғай Худо.

Ушбу далиллардан «Аҳмад Югнакийнинг шахсияти ва унинг «Ҳибат ул-хақойиқ» асари XV—XVI асрларда ҳам эл орасида машхур бўлгани кўринади»<sup>2</sup>.

Адиб Аҳмад «Ҳибат ул-хақойиқ»ни тугатиб, уни ҳукмдор — «ақлу ҳуш маконию билим ва фазилат кони» бўлмиш Дод Сипоҳсолорбекка тақдим этади:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд. 426—427-бетлар.

<sup>2</sup> Маҳмудов Қ. «Ҳибат ул-хақойиқ» асарининг ёзилиш даври, ғояси ва унинг муаллифи ҳақида // Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-хақойиқ. Тошкент, 1971 йил, 8-бет.

Дод Сипоҳсолорбек учун бу китоб —  
Чикартим очунда оти колсу(в) теп.

Дод Сипоҳсолорбекнинг кимлиги тўғрисидаги баҳс-мунозаралар ҳали якунига етмаган. Абдурауф Фитрат бу ном Сайфи Исфарангий (1185—1268) қасида ва ҳажвияларида тилга олинганлигидан келиб чиқиб, у XII—XIII асрлар орасида Фарғона ҳокими бўлган, деган фикрни илгари суради. Худди шу Дод Сипоҳсолорбекни «Адиб Аҳмаднинг ҳукмдори деб қабул қилиш керак. Бутун эҳтимолларнинг кучлиси шудир»<sup>1</sup>.

Адиб Аҳмад «Ҳибат ул-хақойик» асари билан ўзбек адабий тили ва адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди. Машҳур шарқшунос олим Е.Э. Бертельс бу асар қадимги ўзбек адабий тилидан мумтоз ўзбек адабий тилига ўтишда бир кўприк бўлганини айтади. Асарда қадимий туркий сўзлар билан бир қаторда, кўплаб араб ва форс сўзларининг ҳам қўллангани шундан далолат беради. Таниқли тилшунос Қозокбой Маҳмудовнинг аниқлашича, «Ҳибат ул-хақойик»да атокли отлар ва араб тилида ёзилган сарлавҳалардан ташқари, 300 га яқин араб ва форс сўзлари мавжуд бўлиб, улар асардаги жами сўзларнинг 20 фоизини ташкил этади.

«Ҳибат ул-хақойик» илк бор уйғур ёзувида битилган. Унинг нусхалари кўп бўлиб, уларда асар ҳажми турлича. Ҳозирча маълум қўлёзмалардан 3 таси тўлиқ, қолгани парчалардан иборат. 1444 йили Самарқандда Зайнулобидин бахши, 1480 йили Истанбулда Абдураззок бахши ва Туркиянинг Тўпқопу кутубхонасидаги номаълум котиб томонидан кўчирилган қўлёзмалар эътиборли нусхалар ҳисобланади. Асарни биринчи марта турк олими Нажиб Осимбек топиб нашр эттирган (қисқартирилган нашри — 1906, тўлиқ нашри — 1916, 1925). Кейин 1951 ва 1992 йилларда уни Рашид Раҳмати Арат сўзбоши, изоҳлар ва 6 та нусхасининг факсимилеси ва Туркияда XVI асрда кўчирилган араб ёзувидаги нусхасининг таржимаси билан чоп эттирди. Ўзбекистонда асардан парчалар Фитрат, Ойбек, Порсо Шамсиев, Солих Муталлибовлар томонидан ўзбек адабиёти намуналаридан тузилган мажмуаларда эълон қилинган. Сўнг у Қозокбой Маҳмудов томонидан алоҳида китоб сифатида нашр қилинди (1968;

<sup>1</sup> *Абдурауф Фитрат*. Танланган асарлар. 2-жилд. 48—49-бетлар.



1971). Ўтган аср охирларида уйғур олимлари Ҳ. Темур ва Т. Айюб, қozoқ олимлари Э. Қуришжонов ва Б. Софиндиқовлар уни асл матни, таржима ва фотонусхалари билан нашр эттирганлар. Шунингдек, Е.Э. Бертельс, Фитрат, Фуод Кўпрули, Т. Такин, Э. Рустамов, Н. Маллаев, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, А. Рустамов, М. Имомназаров, Б. Тўхлиев, Н. Рахмонов, И. Ҳаққул, Г. Ҳўжанова ва бошқалар Ахмад Югнакий ва «Ҳибат ул-хақойиқ» ҳақида у ёки бу даражада тадқиқот ишларини олиб борганлар.

«Ҳибат ул-хақойиқ» 14 боб, 512 мисрадан иборат. Достоннинг биринчи боби Оллоҳ ҳамди, иккинчи боби Муҳаммад алайҳиссалом наъти ва чорёрлар таърифига, учинчи боби Дод Сипоҳсолорбек мадҳига бағишланган. Тўртинчи бобда китобнинг ёзилиш сабаблари баён қилинган. Дастлабки тўрт муқаддима бобдан сўнг асосий қисмга ўтилади. Бешинчи боб — маърифатнинг фойдасию жаҳолатнинг зарари, олтинчи боб — тил одоби, еттинчи боб — дунёнинг ўткинчилиги, саккизинчи боб — сахийлик ва бахиллик, тўққизинчи ва ўнинчи боблар турли масалаларга бағишланган бўлиб, ўн биринчи боб — китобнинг хотимаси (Асарнинг 1480 йили Истанбулда Абдураззоқ бахши томонидан кўчирилган нусхасида 11 боб мавжуд — уч боб ё тушиб қолган, ё бошқаларига қўшилиб кетган).

«Ҳибат ул-хақойиқ» ҳам «Шоҳнома» ва «Қутадғу билиг» каби мутақориб мусаммани мақсур (махзуф) вазнида ёзилган. Асарнинг анъанавий кириш қисмлари қасида, ғазал ва қитъа шаклида (аа, ба, ва) бўлиб, асосий қисмлари тўртлик (ааба) шаклида давом этади.

Адиб Ахмад ўзини шоир эмас, балки адаб муаллими деб ҳисоблаган. Ўзига хос ахлоқ китоби бўлган «Ҳибат ул-хақойиқ»да Қуръони карим ва Ҳадиси шариф маънолари сингдирилган. У ислом дини ахлоқини ташвиқ қилиш, комил инсонни тарбиялаб етиштириш мақсади билан ёзилган. Шунга мувофиқ, асар ҳам асосан панд-насихат усулида. Бу ҳақда муаллифнинг ўзи шундай дейди:

Безадим китоби мавоиз, масал,  
Боқилғи, ўқуғли осиф олсу(в) теп.

Мазмуни: «Кўрган, ўқиганлар манфаат олсин, деб китобимни турли хил мақол-маталлар, панд-насихатлар билан безадим».

Кўпчилик байт ва мисраларнинг хикмат каби жаранглаши Адиб Аҳмаднинг шоирлик салоҳияти чиндан ҳам баланд бўлганлигидан далолат беради. Воқеан, асарга илова қилинган Амир Сайфиддиннинг тўртлигида Югнакийнинг истеъдоди ва мақоми хусусида ҳам юксак фикрлар билдирилади:

Адиблар адиби, фозиллар боши,  
Гуҳартин сўз аймиш один сўз биши.

Мазмуни: «Адиблар адиби, фозиллар сарвари гавҳар каби бебаҳо сўзларни назм шодасига терган».

«Бу фактлар, бир томондан, Адиб Аҳмад Югнакийнинг етук шоир, замонасининг улуғ билимдони эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, замондош шоирлар, адиблар олдида ҳурматга сазовор эканлигини билдиради. Адибнинг малик уш-шуаро бўлгани ҳақида маълумот бўлмаса ҳам, ўзининг ҳамкасбларига адабиётдан таълим бергани эҳтимолдан узок эмас»<sup>1</sup>.

«Хиба́т ул-хақо́йиқ»нинг ўзбек мумтоз адабиётининг нодир намуналари қаторидан жой олганлиги бежиз эмас. Чунки асардаги ахлоқий, маърифий ва фалсафий мазмундаги кўплаб хикматлар асрларни бўйлаб келди ва асрлар оша яна келгуси авлод маънавий тарбияси учун хизмат қилаверади. Мутафаккир шоир нуқтаи назарига кўра:

Билик бирла билнур саодат йўли,  
Билик бил, саодат қўлини була.

Мазмуни: «Саодат йўли билим билан очилади. Шунинг учун билим эгаллаб, саодат йўлини изла».

Бу мўъжаз асардаги хикматларнинг мавзуси кенг ва ранг-баранг: уларда олам ва одам муносабатлари, ҳаётнинг мазмуни, киши умрининг моҳияти, билимнинг афзаллиги, одоб-ахлоқнинг инсон камолоти учун аҳамияти, инсоний фазилат ва қусурлар хусусида чуқур билим ва катта ҳаётий тажриба асосида, кундалик турмушдан олинган мисоллар воситасида теран мулоҳазалар юритилиб, ибратли хулосалар чиқарилади. Чунончи, муаллиф ҳукмдорларни адолат ва мурувватга чақирар экан, арзимас бир айб билан ҳам бош кесилаверса, дунёда тирик киши қолмайди дейди:

<sup>1</sup> Маҳмудов Қ. «Хиба́т ул-хақо́йиқ» асарининг ёзилиш даври, ғояси ва унинг муаллифи ҳақида. 9-бет.

Бу бир айбдан ўтру бошин кесгучи,  
Очунда тирилгу кишисиз колур.

Саховат ва мурувватдан холи одамни мевасиз дарахтга  
киёслайди:

Емишсиз йиғочтек карамсиз киши,  
Емишсиз йиғочни кесип ўртагил.

У, айниқса, бахилликни қаттиқ қоралайди. Чунки бу  
дунёда бахилнинг қилмишидек тентакона қилмиш, бахил-  
нинг ҳаётидек бемаъни ҳаёт бўлмаса керак:

Бахил йиғди зар-сийм ҳаромтин ўкуш,  
Вабал кўтру борди, узала сўкуш.  
Улуш бўлди моли кишилар аро,  
Бахил олди андин сўкунчтин улуш...  
Қамуғ қозғоникли очун молини  
Еюмади, борди — кўрунг ҳолини.

Мазмуни: «Бахил ҳаромдан ҳазар қилмай, олтин-  
кумуш йиғди. Ўзи ўлиб кетди-ю, халқнинг лаънатига  
сазовор бўлгани қолди. Одамлар унинг мол-дунёсини  
бўлишиб олдилар, ўзига теккан улуш эса элнинг қарғиши  
бўлди. Дунё молини йиғиб, ўзи еб-ичмаган кишининг  
қисмати ана шунақа бўлади».

Шоир халқ мақоллари, эл ичида юрган қанотли  
сўзларни ҳам маҳорат билан шеърлари қатига сингди-  
риб юборади. Чунончи, қуйидаги мисраларда «Қонни  
қон билан ювиб бўлмайди» мақолидан ўзининг бадий  
мақсадини ифодалаш учун фойдаланади:

Жафо қилдачингга ёнут қил вафо,  
Аримас неча ювса қон бирла қон.

Мазмуни: «Жафо қилганга ҳам вафо қил, чунки қонни  
қон билан ювиб кетказиб бўлмайди».

Кўриниб турибдики, бу панду насихатлар худди бу-  
гунги кунда айтилгандай. Барча даврларда қимматини  
йўқотмай келган бу теран ўғитлар дунё тургунча ўз  
аҳамиятини ва таъсир кучини йўқотмаслиги шубҳасиз.  
Баркамол асарларнинг барҳаётлиги шунда кўринади.

## МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ИЖОД

Машхур форс-тожик шоири, адиби ва мутафаккири Муслихиддин Саъдий Шерозий номини эшитмаган, унинг жаҳон сўз санъати дурдоналари каторидан ўрин олган «Бўстон» ва «Гулистон» асарларидан бахраманд бўлмаган адабиёт мухлиси топилмаса керак. Шарқ халқлари орасида Шайх Саъдий номи билан шуҳрат қозонган бу донишманд инсон 1203 йили Шероз шаҳрида туғилган. Отаси Шероз отабеги Саъд бинни Зангийнинг мулозимларидан бўлган. Лекин у 10—11 ёшларида отадан етим қолади.

Сарой томонидан нафақа тайинланган бўлса-да, оиланинг моддий аҳволи оғир эди. Майда савдогарчилик билан шуғулланган акасининг ҳам бозори тезда касод бўлади. Шунга қарамай, билимга чанқоқ Муслихиддин бошланғич маълумотни туғилган шаҳри Шерозда олгач, таҳсилни давом эттириш учун халифалик пойтахти, ўша даврнинг энг йирик илм ва маданият маркази бўлган Бағдодга боради. Донгдор «Низомия» ва «Мустансирия» мадрасаларида калом, фикҳ, тафсир илмлари, араб тили сарфу нахфи, араб ва форс адабиёти, Шарқ фалсафаси, тарих, мантик, тиб ҳамда бошқа табиий ва аниқ фанларни ўрганadi. Таниқли тасаввуф олими ва файласуф адиб Шаҳобиддин Сухравардий ҳамда йирик илоҳиёт алломаси Абулфараж Абдурахмон ибн Жавзий қўлида таҳсил олади.

XI асрда салжуқий султонлардан бир нечтасига вазирлик қилган машхур давлат ва жамоат арбоби Низомулмулк асос солган «Низомия» мадрасаси 6 минг талабани ўз бағрига олса, «Мустансирия» кутубхонасида 70 минг жилддан ортиқ китоб бўлган. Бу икки улкан мадрасанинг мусулмон Шарқидаги нуфузини шундан ҳам билса бўлади. Талабалар орасида, айниқса, забардаст араб шоири Мутанаббий шеърларига қизиқиш кучли эди. Бу мутолаалар кейинчалик Саъдий ижодига кучли таъсир кўрсатди. У бу ердаги илмий-адабий давраларда фаол иштирок этиб, билимининг кенг ва чуқурлиги, далилларининг ўткир ва асослилиги, воизлик иқтидори туфайли ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилар ва баҳсу мунозараларда ҳамиша ғолиб чиқар эди.

Мадрасани тугатган Саъдий олган билимларини амалиётга қўллаш ўрнига, Шарқ мамлакатлари бўйлаб узок йиллик саёҳатга отланади. Буни икки сабаб билан асослаш

мумкин: биринчиси — шоирнинг саёхатга ўчлиги, иккинчиси — мўғуллар тасарруфидаги улкан ҳудудда илму ижод учун осойишта шарт-шароитнинг йўқлиги. У гоҳ олим ва воиз, гоҳ сўфий ва дарвеш суратида Эрон, Арабистон, Кичик Осиё, Миср, Хуросон, Шарқий Туркистон каби мамлакатларни баъзида оту эшак, баъзан эса пойи пиёда кезиб чиқади. Бу саёхатлар 20 йилдан ортиқ давом этган. Саёхат даврида Саъдийга карвонни қароқчилардан ҳимоя қилиб, муҳорабага киришига ҳам, турли жойлардаги мадраса ва қозихоналарда ваъз ўқишига ҳам, шайху сўфийлар билан мубоҳаса қилишига ҳам тўғри келган. У Ҳиндистонда ҳам бўлиб, бир муддат бутхонада истиқомат қилган, салибчиларга асир тушиб, уларнинг қалъаларини тузатиш ишларида катнашишга мажбур бўлган. Бу саёхатлар давомида Саъдий ҳаёт илмини чуқур ўрганиб, инсон феълени бутун мураккаблиги билан англаб, ўз даврининг кўпни кўрган донишманд кишиси бўлиб етишади. XIII асрнинг ўрталарида Шерозга қайтиб келган шоир дунё ташвишларидан ўзини четга олиб, шаҳар чеккасидаги шайх Абу Абдуллоҳ Хафиф хонақосида фақирона ҳаёт кечиради ва 1292 йили вафот этади. У дафн этилган боғ ва мақбара шеърият ихлосмандларининг муқаддас зиёратгоҳларидан бири бўлиб, ундан кеча-кундуз шоир мухлисларининг қадами аримади.

Барча машҳур кишилар каби Саъдий ҳаёти ҳам афсона ва ривоятларга кўмилиб кетган. Чунончи, турли манбаларда шоирнинг Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёхати 20 йилдан 50 йилгача давом этгани нақл қилинади. Ёки у жуда узоқ — 102, 108, 120 йил умр кўргани айтилади. Гўё у ўз умрини уч қисмга тақсим қилиб, 30 йилини илм таҳсили, 30 йилини саёхат, 30 йилини ижодга бағишлаган эмиш (Баъзи манбаларда 30 ўрнига, 40 рақами тилга олинади). Бу тахминларнинг барчаси Саъдийнинг таржимаи холи ҳақида етарли маълумот сақланиб қолмаганлигидан. Шунинг учун ҳам шоир ижодининг тадқиқотчилари унинг таржимаи холини асарлари асосида тиклашга ҳаракат қилганлар. Жумладан, «Бўстон» ва «Гулистон» асарларидаги баъзи хикоятлардан келиб чиқиб, унинг ёмон хотинга учрагани, ундан бир ўғил кўриб, Яманда бўлган вақтида ёлғиз жигарбанди ҳам вафот этгани хусусида маълумот беришади. Бу ҳақда «Гулистон»да шундай хикоят келтирилади:

«Дамашқдаги дўстларимнинг суҳбати жонимга тегиб, шаҳардан бош олиб, Қуддуси шариф биёбонига жўнадим-да, хайвонлар билан улфатлашиб, то фаранглар кўлига асир тушгунимча ўша ерда яшадим. Мени яҳудийлар билан бирга қўшиб, Тароблис хандақини қазишга олиб бориб ишлатдилар. Халаблик сардорлардан бири мен билан ошна эди, ёнимиздан ўта туриб, мени таниб қолди-да, хитоб қилди: «Ие, бу қандай ҳол?» Мен унга: «Нима ҳам дейман?» деб жавоб бердим.

Ахволимга ачиниб, ўн динор тўлаб, асирликдан халос этди ва ўзи билан Халабга олиб кетди. У ерда юз динорлик қалин пули билан қизини менга никоҳлаб берди. Орадан сал вақт ўтгач билсам, қизи бадфеъл, шаллақи ва ўжар экан, тилини заҳар қилиб, жонимдан безор эта бошлади.

Охири бир кун башарамга тик бокиб, таъна-маломатлар билан деди: «Сен отам ўн динор баробарига фаранглардан халос этган одам эмасмисан?» Мен жавоб бердим: «Ха, отанг ўн динор баробарига фаранглардан озод этиб, юз динор баробарига чангалингга топширган одам мен бўламан!»

«Бўстон»нинг шоир ҳаёти тафсилотларига бағишланган қисмида эса қуйидаги ишорага дуч келамиз:

Ба Санъо дурам, тифле андар гузашт,  
Чи гўям к-аз онам, чи бар сар гузашт.

Мазмуни: «Санъода мусофирлигимда болам дунёдан ўтди. Бошимдан кечган ҳодисаларнинг қайси бирини айтай?»

Мўғуллар истилосидан ташқари, Европа мамлакатларининг Шарққа уюштирган салиб юришлари ҳам Саъдий даврига тўғри келади. Бу ҳодисалар шоир яшаган замоннинг қанчалик мураккаб ва оғир бўлганлигини кўрсатади. Унинг саёхатлари чўзилиши, хусусан, Арабистонда кўпроқ қолиб кетиши ўз юртидаги худди шу нотинчлик, илму ижод учун шарт-шароитнинг йўқлигидан бўлса керак.

Форс-тожик адабиётида Саъдийнинг мақоми жуда юксак. Хусусан, бой ҳаётий тажриба асосида яратган «Бўстон» (1257) ва «Гулистон» (1258) асарлари унга оламшумул шуҳрат келтирди.

«Бўстон» ўн қисмдан иборат бўлиб, унинг таркибий тузилиши қуйидагича: ҳамд; наът; китобнинг ёзилиш сабаби; Абу Бакр бин Саъд бин Зангий мадхи; Саъд

бин Абу Бакр бин Саъд мадхи; биринчи боб — одиллигу тадбиру андиша зикрида; иккинчи боб — эҳсон зикрида; учинчи боб — ишқу ошиқлигу мастлик зикрида; тўртинчи боб — тавозеъ зикрида; бешинчи боб — ризо зикрида; олтинчи боб — қаноат зикрида; еттинчи боб — тарбият олами зикрида; саккизинчи боб — шукру омонлик зикрида; тўққизинчи боб — тавба ва савоб йўли зикрида; ўнинчи боб — муножот ва китоб хотимаси зикрида.

«Бўстон» китобийликдан узок бўлиб, у бевосита кайноқ ижтимоий-сиёсий ҳаётдан, жонли халқ тилидан сув ичган, озикланган ва шунинг учун ҳам жамиятнинг ҳамма табақаларига тушунарли бўлган»<sup>1</sup>.

«Гулистон» саккиз бобдан иборат бўлиб, унинг таркибий тузилиши қуйидагича: дебоча; биринчи боб — подшоҳлар сийрати зикрида; иккинчи боб — дарвишлар ахлоқи зикрида; учинчи боб — қаноат фазилати зикрида; тўртинчи боб — сукут сақлашнинг фойдалари зикрида; бешинчи боб — ишқ ва ёшлик зикрида; олтинчи боб — қариллик ва заифлик зикрида; еттинчи боб — тарбият таъсири зикрида; саккизинчи боб — суҳбат одоби зикрида.

«Гулистон» — форс-тожик дидактик адабиётининг чўққиси ҳисобланади. У «панду насиҳат ва одоб-ахлоқ китоби сифатида шуҳрат қозонган... Умрининг кўп қисмини саёҳатларда ўтказган, кўп халқлар, миллату элатлар ҳаётини кузатган, турли табақа кишилари билан мулоқотда бўлган Саъдий кўрган-кечирганларини, ҳаётий тажрибасини умумлаштириб, уларни юксак бадий шаклда, қисқа-қисқа, аммо ғоят ширали, таъсирчан мусажжаъ насрий жумлалар ва шеърий байтлар билан зийнатлаб, ўзига хос ҳикоятлар тўпламини яратган. Уларда донишманд бир ҳаким инсоннинг заковати, насиҳатлари ҳам, энгил ҳазил-мутойибаси, лутфу нуктадонлиги ҳам, ҳистуйғуларга лиммо-лим шоирона маҳорати ҳам мужассам. Шу сабабли ҳар хил тоифадаги, турли таъбли одамлар «Гулистон»дан баҳра ола биладилар»<sup>2</sup>.

Саъдийни назал жанрининг устоди сифатида ҳам улуғлашади, чунки унгача форс шеъриятининг етакчи жанрлари қасида, достон, маснавий, китъа ва рубоий эди.

<sup>1</sup> *Ҳайитметов А.* «Бўстон» ва ўзбек адабиёти // Шайх Саъдий ва ўзбек адабиёти. Техрон-Тошкент, 2004 йил, 42-бет.

<sup>2</sup> *Комилов Н.* Ҳикматлар ҳазинаси. Сўзбоши // *Саъдий Шерозий.* Гулистон (Огаҳий таржимаси). Тошкент, 1993 йил, 3–4-бетлар.

Рудакий, Санойй, Хоқоний, Жамолиддин ва Камолиддин Исфохонийлар кўплаб ғазаллар ёзган бўлсалар-да, улар қасида ва қитъа характериға эға бўлиб, ўзаро мустақил алоҳида байтлардан ғазал яратиш анъанасини Саъдий бошлаб берди. У ғазалчиликдаги ўзигача олиб борилган изланиш ва тажрибаларни ривожлантириб, ғазални такомилға етказди, кейин Хусрав Дехлавий, Ҳасан Дехлавий, Хожу Кирмоний каби забардаст шоирлар уни янада тараққий эттириб, Ҳофиз Шерозийға етказдилар, Ҳофиз эса уни юксак чўққига олиб чиқди. Саъдий ғазаллари 4 девондан иборат бўлиб, улар «Таййибот» («Латиф ғазаллар»), «Бадоеъ» («Янги ғазаллар»), «Хавотим» («Хотима ғазаллар») ва «Ғазалиёти қадим» («Эски ғазаллар»)дан иборат.

Саъдий икки тилда ёзиладиган шеър тури — муламмаъ (ширу шакар)нинг ҳам асосчиси ҳисобланади. Араб тилини яхши билганлигидан у арабча мисра ва байтларни форсий билан уйғунлаштириб, ушбу шаклни ихтиро қилган. Кейинчалик форсий-туркий ибора ва мисралар воситасида ширу шакар ёзиш анъанаси пайдо бўлди.

Саъдий таржеъбанд жанрини ҳам ривожлантириб, баланд пояға кўтарди. Ундан кейин ўтган шоирлар, хатто Ҳофиз ва Жомий каби шеър устодлари ҳам бу борада унга эргашдилар.

Саъдий форс-тожик бадиий насрининг ҳам асосчиси ҳисобланади. Унгача фақат мактублар, хужжатлар, илмий ва тасаввуфий асарлар, адабий характердаги тарихий лавҳаларгина насрда ёзилган. Бундан ташқари, шоирнинг ҳаёт ва инсон ҳақидаги фикрларининг қаймоғини ўзида жамлаган «Соҳибия» асари, арабча ва форсча қасидалари, қитъа, рубоий ва фардлари ҳам машҳур.

Саъдий Шерозийнинг Эронда Муҳаммадали Фуруғий томонидан тартиб берилган куллиёти 18 қисмдан иборат: 1. Гулистон. 2. Бўстон. 3. Ғазалиёт (Ғазаллар). 4. Таржеъот (Таржеъбандлар). 5. Қитъаот (Қитъалар). 6. Рубоиёт (Рубоийлар). 7. Мулҳақот (Пайваста шеърлар). 8. Муфрадот (Фардлар). 9. Мавоиз (Панд-насихатлар). 10. Маросий (Марсиялар). 11. Қасоиди арабий (Арабча қасидалар). 12. Ғазалиёти муштамил бар панду насихат (Панд-насихат мавзуидаги ғазаллар). 13. Мусалласот (Мусалласлар — ҳар банди уч мисрадан иборат шеър тури: дастлабки икки мисраси ўзаро қофиядош бўлиб,



учинчи мисра кейинги бандларнинг охирги мисраси билан ҳамқофия бўлади). 14. Қитъаот. 15. Рубоиёт дар ахлоку мавъиза (Ахлоқ ва панд-насихат мавзуидаги рубойлар). 16. Маснавиёт (Маснавийлар). 17. Муфрадот. 18. Расо-йили наср (Насрий рисоалар).

Саъдийга қадар алифбо асосида девон тартиб бериш анъанаси бўлмаган. Саъдий ҳам девонини алифбо асосида тартибга солмаган. Бу ишни шоир вафотидан кейин — 1326 йили Бесутун тахаллусли Али бинни Аҳмад бинни Абу Бакр деган киши амалга оширган. Шундан сўнг барча шоирлар шеърларини уларнинг охирги харфи бўйича тартибга сола бошладилар.

Бир умр халқ ичида яшагани, ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотгани учун ҳам Саъдий асарлари бошқа Шарқ шоирлариникидан ҳайратланарли даражада ҳаётийлиги билан алоҳида ажралиб туради. Уни Шарқ адабиётшунослари вуқуъғўй, яъни ҳаётни бор бўйича тасвирлайдиган адиб дейишади. Ҳозирги термин билан ифодалганда, бу реалист ёзувчи дегани бўлади. «Бўстон» ва «Гулистон» ҳаётий ҳикоятлардан ташкил топгани, донишманд шоирнинг бу ҳикоятлар сўнгида қиссадан хисса тарзида келтирган шеърлари реал турмушдан чиқарилган хулосалар эканлиги билан ҳам жаҳон илму адаб аҳлини бирдай ўзига тортиб келмоқда.

«Гулистон»га эргашиб кўплаб асарлар ёзилган, лекин улардан фақат 3 таси: Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон»и, Мажидиддин Хавофийнинг «Хористон»и, Хабиб Қоонийнинг «Паришон»и шуҳрат қозонган.

Саъдий ҳам китоблар, ҳам одамлардан бир умр таълим олди — Шарқ мамлакатлари бўйлаб узоқ йиллик саёхатлари уни дунёда кўпни кўрган, катта ҳаётий тажриба тўплаган, ўз даврининг барча илмларини эгаллаган донишманд кишига айлантирди. Бу ҳақда унинг ўзи «Бўстон»нинг муқаддимасида ёзади:

Дар аксои олам бигаштам басе,  
Басар бурдам айём бо ҳар касе.  
Таматтўъ ба ҳар гўшае ёфтам,  
Зи ҳар хирмане хўшае ёфтам.

Мазмуни: «Дунёнинг энг чекка жойларигача сафар қилдим, турли тоифадаги одамлар билан ҳамсухбат

бўлдим. Хар гўшадан бир манфаат топдим, хар хирмондан бир бошоқ олдим».

XIX асрда яшаган таникли турк танқидчиси Зиёпошо «Харобот» асарида Фирдавсий ва Саъдийни ўзаро киёслаб, жумладан шундай деган эди:

«...Фирдавсий «Шохнома»ни вужудга келтириш учун ўттиз йил машаққат тортди. Ҳақиқатан ҳам, ўлмас бир асар яратди. Қуёш чиқишини бир юз йигирма ерда бир-бирига ўхшамайдиган бир юз йигирма хил ранг билан тасвир қилган. Аммо шунга қарамасдан, «Шохнома» оммага Саъдийнинг «Бўстон»и берган фойдани бера олмайди. Саъдий «Бўстон»да дунёни, яшаб турган дунёни тасвирлаган. Агар бадий ижоддан мақсад оммага фойда етказиш бўлса, «Бўстон»нинг ҳар бир сўзи топилмас бир дур, — бир гавҳардир ва ҳар бир байти бир хазина»<sup>1</sup>.

Шу тариқа, у бадий асар тўғрисида оммага манфаати тегиши ва ифода тарзининг очиқлиги нуқтаи назаридан муҳокама юритиб, Саъдийни форс-тожик мумтоз шоирларининг барчасидан афзал қўяди.

Садриддин Айний ҳам Саъдийнинг «асарларидан ақлга сиғмайдиган, ўхшаши тириклик оламида бўлмаган ёки бўлиб ўтмаган бирор нарсани тополмайсиз», — деб лутф этган эди. У шоир ижодини текшириш давомида: «Саъдий, шубҳасиз, форс-тожик классик адабиётининг жуда улуг сиймоларидан бўлиб, бундақаси бўлмаган», — деган хулосага келади. Дарҳақиқат, мумтоз форс-тожик адабиётида бирор-бир адиб ижоди Саъдий асарларичалик ҳаётийлиги билан ажралиб турмайди. У илҳомни, мавзуни, мазмунни, сўз ва образли ибораларни халқдан олиб, халққа қайтарди — шоир асарларининг халқчил асоси шунда.

Саъдий ўзидан кейинги форс-тожик адабиётига энг кучли таъсир кўрсатган забардаст сўз санъаткоридир. «Умунан, бутун Шарқда Саъдий номи жуда кўп тилга олиниб туради. Шоирлар, файласуфлар ва олимларгина эмас, оддий халқ намояндалари ҳам ўз фикрларининг тўғрилигини исботлаш учун бу сўз устодининг ажойиб асарларидан далил келтирадилар. Доно шоирнинг пурҳикмат жумлалари саккиз асрдан бери мажлисларга,

<sup>1</sup> Кўчирма қуйидаги китобдан олинди: *Садриддин Айний*. Асарлар. 8-жилд. Тошкент, 1967 йил, 145-бет.

кишилар нутқиға оро бериб, онгига таъсир кўрсатиб келмоқда»<sup>1</sup>.

Халқ ҳаётини яхши билган Саъдий кўплаб халқ мақол-маталлари, образли ибораларини асарларига олиб киради. Ўз навбатида, бу донишманд инсоннинг ўзи ҳам кўплаб ҳикматлар ижод этганки, улар халқ оғзаки ижоди таркибига сингиб кетган: улардан қайси бири халққа тегишли-ю, қайси бири Саъдийдан ўзлаштирилганлигини ажратиб бўлмайди:

Кимки бефойда умрин ўтказди,  
Ҳеч нарса олмасдан олтин кетказди.

Севинма душманам олмиш деб ажал,  
Бир куни сенга ҳам гал келади, гал.

Бирлашса чумоли иттифоқ бўлиб,  
Арслон терисини олажак шилиб.

*(Ш. Шомухамедов таржималари)*

Дарҳақиқат шоирнинг панду насиҳатлари, мақол ва ҳикматга айланиб кетган чуқур мазмунли фикрлари, фалсафий хулосалари ҳаётий: у дунё кезиб, ҳаётни ҳар томонлама ўрганиб, инсон умрининг моҳияти, феъл-атворининг турфа кирраларини узоқ йиллар мобайнида теран нигоҳ билан кузатиб, оҳорли ва чуқур мазмунли бадий мумлашмалар қилади — уларнинг халқ мақолларидай, ҳикматли сўзлардай жаранглашининг сабаби шунда:

То мард сухан нагуфта бошад,  
Айбу хунараш нухуфта бошад.  
Ҳар беша гумон мабар, ки холист,  
Шояд, ки паланг хуфта бошад!

Мазмуни: «То киши сўзга оғиз очмай туриб, унинг нуқсонию фазилатини билиб бўлмайди. Шунга ўхшаб, тўқайни сокин кўриб, уни тинч деб ўйлама, ажаб эмаски, бир овлоқда йўлбарс ухлаб ётган бўлса!»

Ёки:

Гурбаи мискин агар нар дошти,  
Тухми гунжишк аз жахон бардошти.

<sup>1</sup> Шомухамедов Ш. Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм. Тошкент, 1968 йил, 359-бет.

Ин ду шохи гов агар хар дошти,  
Хеч касро пеши худ нагзошти.

Мазмуни: «Бечора мушукнинг агар қаноти бўлса, дунёда чумчукнинг уруғини қуритар, ҳўкиздаги икки шох эшакда бўлганида ҳеч кимни яқинига йўлатмас эди».

Панд-насихат, ҳикмат Саъдий асарларининг қат-қатига сингиб кетган. У ҳаётӣй воқеа-ҳодисаларни турли шаклларда ифодалаб, кўрган-кечирганлари юзасидан хулоса чиқаради ва кишиларни инсоний камолотга даъват этади, умр йўлларида кокилмаслик, адашмасликка, ўткинчи ҳаётнинг қадрига етишга, бир-бирини авайлашга чақиради, ҳалол меҳнат қилиб, осойишта яшашнинг аҳамиятини тушунтиради, илму ҳунарнинг афзалликларини уқтиради.

Ҳеч нарса ҳаётнинг ўрнини босолмагани сингари, ҳаёт ҳаққониятига асосланган асарларнинг умри ҳам боқӣй бўлади. Айни жиҳатдан, шоир шеърларининг ҳар бир ҳужайрасидан ҳаёт нафаси уфуриб туради. Бу шеърларнинг қон томири турмушнинг қайноқ вужудига уланган.

Ҳаётнинг ўзи устозлик қилган киши чинакам донишманд бўлади. Чунки ҳаёт сабоқлари ҳамиша жонли ва аниқ бўлади. Бунинг устига, ҳаёт деган устознинг дунёнинг жилд-жилд китобларига кирмай қолган усул ва тажрибалари ҳам кўп. Йиллар давомида жилд-жилд китоблардан ололмаган сабоғингни ҳаёт бир лаҳзада миангга жойлаб қўйиши мумкин. Китобий илмлар хотирадан ўчиб кетиши мумкин, лекин ҳаёт сабоқлари сира эсдан чиқмайди. Саъдий ҳикматлари ҳаётдан олингани учун ҳам асрлар давомида ўз қимматини йўқотмай келаяпти ва то ер юзида инсон авлоди яшар экан, уларнинг аҳамияти заррача камаймайди, билъакс, ортиб бораверади. Зеро, инсоннинг табиӣй ва маънавий интилишлари ҳамма даврлар ва жамиятларда ҳам деярли бир хил.

Бу шеърлар ўз замонининг барча илмларини эгаллаган аллома, дунё кезган донишманд, олам ва одам моҳияти устида бир умр тафаккур юритган мутафаккирнинг ўй-фикрлари, фалсафӣй умумлашмалари, ҳаётӣй хулосалари. Дунёни мукаммал, ҳаётни тўқис, инсонни баркамол кўришни истаган бани башар тақдири учун масъул зотнинг орзу-армонлари, умид-изтироблари.

Дунёни улкан бир бозор сифатида тасаввур қилсак, Саъдий унинг ўртасида туриб инсониятга ҳикмат улаша-

ётган буюк донишмандга ўхшайди. Лекин панд-насихат иқлимнинг Хогами Тойи бўлган бу саховатли инсон ўз ҳикматларини текинга улашади. Текин нарсанинг кадри йўқ, деганларидек, бу ҳар бири гавҳарга тенг ҳикматларни олган ютади, олмаган ютқазади. Зеро, шоир ҳикматлари тириклик аталган на охири, на боши маълум бу йўлда бани башар йўлидаги манзилларни кўрсатувчи йўл кўрсаткичлардир. Ўткинчи дунё зулматидан абадий ҳаёт саҳнасига олиб чиқадиган йўлчи юлдузлардир.

Саъдий асарларини бир нонга ўхшатсак, унинг дони дунё экинзорларидан битта-битталаб терилган, ранжу машаққат тегирмонида янчилиб, меҳру муҳаббат сувига қорилган, қайноқ қалб тандирида пишиб, хайру саховат дастурхонига тортилган, дейиш мумкин. Бу нондан бир бурда еган кишининг ақли тўлишади, кўзи очилади, дунё сири, ҳаёт моҳияти, умрнинг мазмунини англашга бошлайди.

Инсон аслида бу тубан дунё, тескари айланувчи фалак, мураккаб ҳаёт, буқаламун тақдир олдида кўзи юмук гўдакка ўхшайди. Олам ва одам моҳиятини англаб етган мутафаккир шоир шунинг учун ҳам инсоннинг кўзини очишни хоҳлайди — унинг теграсидаги одамлар, ҳаёт ва дунёнинг асл қиёфасини кўрсатишга ҳаракат қилади. Ўзи дунё кезиб топган тўғри йўлни бошқаларга ҳам кўрсатгиси келади. У одамларнинг ортиқ адашиши, хато қилиши, умрини беҳуда ўтказиши, ғафлатда яшашини истамайди. Унинг бу қадар кўп панд-насихат айтишининг сабаби шунда. Зеро, кўзининг очилиши учун ҳамманинг ҳам боши деворга урилиши шарт эмас, бошқаларнинг хатоларидан сабоқ чиқаришнинг ўзи кифоя.

Саъдий асарларининг тили содда, услуби лўнда, халқона сўзлар ва образли ифодаларга бой, ташбеҳу тимсоллари ҳаётий, шеърий санъатларни маҳорат билан қўллайди, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадий юксак бу асарларга ўхшатиб ёзишга уринганлар кўп, лекин ҳеч ким Саъдий даражасига қўтарилмаган. Шунинг учун ҳам форс-тожик адабиётшунослари унинг услубини «сахли мумтанеъ», яъни «осон-у, имкони йўқ» деб таърифлаганлар.

«Гулистон» XVII асрнинг биринчи ярмидаёқ Европа тилларига таржима қилиниб, тарқала бошлаган. У илк бор француз дипломати Андре Риё томонидан француз тилига ўгирилиб, 1634 йили Парижда нашр этилган. Бу

таржима жуда эркин бажарилган ва мукаммал бўлмасида, кўпчиликнинг эътиборини тортади. 1635 йили асар французчадан немис тилига таржима қилинган. Шундан кейин бошқа Фарб тиллари, шунингдек, рус тилига ҳам ўгирилган. Рус тилида «Гулистон» (1957, 1959) ва «Бўстон» (1963) асарларининг мукаммал таржималари босилиб чиққан.

«Саъдий ёлғиз Эрон эмас, балки Осиёнинг, Африканинг ҳамма ерида ҳурматли бир файласуфдир. Унинг тарзи баёнининг тароватини ва ифодасининг қимматини Европа илму адаб аҳли ҳам кўпдан бери тан олганлар», — деб ёзади машҳур мажор олими Херман Вамбери. Буюк немис шоири ва мутафаккири И.В. Хёте Саъдийни «жуда маҳсулдор ва файзли», «хаёт тажрибаси билан бойиган жуда яхши шоир» деб ҳисоблаган.

Машҳур француз файласуфи ва адиби Вольтер «Гулистон»дан хабардор бўлган ва баъзи шеърларида ундан фойдаланган. Таниқли француз масалчиси Лафонтен ҳам «Гулистон»даги ҳикоят ва нақллардан ўз масалларида истифода этган. Улуғ рус шоири А.С. Пушкин: «Саъдий ва Ҳофиз асарларининг пинҳоний асрорига етгунимча шеърларимда қувончбахш жиҳатлар ва ҳаётдўстлик кам учрарди», — деган эди.

Саъдий асарлари қадимдан ўзбек халқи орасида ҳам машҳур. «Бўстон» ва «Гулистон» асарлари мадрасаларда асосий дарсликлар сифатида ўқитилиб келган. Мумтоз шоирларимиз бу улуғ сўз санъаткоридан ўрганганлар, таъсирланганлар. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Хожанинг «Гулзор», Абдулла Авлониининг «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» асарлари бевосита Саъдий «Гулистон»и таъсирида яратилган. «Девони Фоний»да Саъдий газалига 22 та татаббуъ, унинг таврида 4 та газал мавжуд. Чунончи, Навоийнинг Саъдий газалига ёзган бир татаббуъсида ўқиймиз:

Фоний, ба раҳи Саъдий агар зад қадаме чанд,  
Бо ў суханаш бин, ки чу ширу шакар афгод.

Мазмуни: «Фоний Саъдий йўлида бир неча қадам ургани учун ҳам сўзлари сут ва шакар қўшилганидек ширин бўлди».

Албатта, тасаввуф адабиёти намояндаси сифатида Саъдий сўфиёна шеърлар ҳам ёзган («Гулистон»нинг иккинчи бобида шоир болалигида отаси билан сўфийлар мажлисида бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилади). Лекин уларда ҳам, Навоий таъбири билан айтганда, ҳақиқий ва мажозий муҳаббатни маҳорат билан омихта қилиб юборган. «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида келтирилишича, Саъдий Шерозийга Хизр назар қилган. Машхур тариқат пири Низомиддин Авлиёга қўл бериб, унинг раҳбарлигида риёзат босқичларини босиб ўтаётган Амир Хусрав Дехлавий бир кеча тушида Хизр алайҳиссаломни кўриб, ундан ўз оғзига муборак тупугини солиб қўйишини ўтинади. Лекин Хизр айтадики: «Бу давлат сендан аввал Саъдийга муяссар бўлди!»

Мўътабар зотлардан бирининг тушига Муҳаммад алайҳиссалом кириб, Саъдий билан бахslashгани учун унга танбех берган. Уни тан олмайдиган бир улуг киши кечаси туш кўрса, осмон эшиклари очилиб, қўлида нур табақлари билан фаришталар чиқиб келишади. Унинг: «Бу не нурдир?» – деган сўроғига: «Бир байти Оллоҳ таолога қабул тушган Шайх Саъдий учундир!» – деб жавоб беришади. Мана, ўша байт:

Барги дарахтони сабз дар назари хушёр,  
Ҳар варақи дафтарест маърифати Кирдигор.

Мазмуни: «Хушёр киши наздида яшил дарахтларнинг ҳар бир япроғи Яратувчи маърифати дафтарининг бир варағидир».

Маълумки, наср ва назм аралаш халқона услубда ёзилгани, ривоят, нақл, ҳикматга бойлиги билан катта шухрат қозонган «Гулистон» асари ўзбек тилига бир неча марта таржима қилинган. Бу асарни биринчи марта 1390 – 1391 йилларда XIV аср ўзбек адабиётининг йирик намояндalarидан бири Сайфи Саройи «Гулистон бит-туркий» номи билан Мисрда таржима қилган.

Сайфи Саройи дўстлари ва маслақдошларининг даъватига кўра, «Гулистон»ни ўзбек тилининг қипчоқ шеvasида ўгиради. У асарнинг аслини айтарли сақлаб қолган, айни пайтда, аслиятдан бир қадар чекинган. Бу давр омили билан ҳам боғлиқ: ўрта асрларда таржимага бирмунча эркин ёндашилган – таржимоннинг асарни қисқартириш, ўзгартириш, хатто унга қўшимча қилиши мумкин бўлган.

Сайфи Саройи ҳам таржима жараёнида «Гулистон»даги айрим парчаларни тушириб қолдиради, баъзи шеърларни ижодий қайта ишлайди, ўзининг ва замондош шоирларнинг баъзи шеърларини киритади, айримларини таржима қилмай, ўзича қолдиради. Шунга қарамай, таржима муваффақиятли чиққан ҳамда асрлар мобайнида туркий халқларни Саъдий ижоди билан таништириш ва донишманд шоирнинг маънавий-ахлоқий қарашларини тарғиб қилишда муҳим роль ўйнаган.

Ўзи ҳам даврининг баркамол шоири бўлган Сайфи Саройи «Гулистон» таркибида келган шеърлар таржимасида алоҳида маҳорат кўрсатган. Чунончи, қуйидаги тўртлик аслиятга ҳам шакл, ҳам мазмун жихатидан тўла мувофиқ:

Абр агар оби зиндаги борад,  
Харгиз аз шохи бед бар нахўри.  
Бо фурумоя рўзгор мабар,  
К-аз наи бўрьё шакар нахўри.

Агар ёғса булутдан оби хайвон,  
Якин бил тол агочинда емиш йўқ.  
Ёмон бирла умрни зоеъ этма,  
Кури найдан киши шақкар емиш йўқ.

Албатта, Сайфи Саройи «Гулистон»нинг насрий қисмини ҳам катта маҳорат, шоирона ҳассослик билан таржима қилган. Жумладан: «Ду кас мурданду таҳассур бурданд: яке он, ки дошту нахўрд ва дигар он, ки донисту накард». Мутаржим бу жумлани сажъ санъати воситасида ўзбекчалаштиради: «Икки киши дунёдин кетти, дағи ҳасрат-надомат элтти: бири улким, йиғди-дағи емади, бири улким, билди — дағи қилмади». Баъзида жумлани ихчамлаштириб таржима қилади: «Якero гуфтанд: «Олими беамал ба чи монад?» Гуфт: «Ба занбўри беасал!» — «Амалсиз олим болсиз занбурға ўхшар». Баъзида Саъдийнинг насрий ҳикматларини шеър билан таржима қилади: «Дурўғи маслиҳатомез бех, ки аз росте фитнаангез»:

Фитна юзли рост сўздан бўл йирок,  
Маслаҳатли ёлғон андан яхширок.

XIX асрда «Гулистон» Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II — Феруз топшириғи билан забардаст шоир ва



мохир мутаржим Муҳаммадризо Огахий томонидан иккинчи марта ўзбек тилига таржима қилинади. Асарни бирмунча қисқартириб таржима қилгани, чунончи, 187 ҳикоятдан 25 тасини қолдириб кетгани, 1000 га яқин шеърлий парчалардан 522 байтини шеър билан ўгириб, қолганини насрлаштиргани, бир қанча арабий матнларни ўзбекчалаштирмаганига қарамай, «Огахий Саъдий Шерозий ҳикоятларининг бадиий таровати, руҳини ўқувчига етказди. Саъдий сажълари, ихчам, лекин лўнда афористик жумлаларда тузилган насри, китъа ва рубоийлари, сероҳанг жарангдор ифодалари Огахий таржимасида ўзбекча нафосат билан акс этган»<sup>1</sup>.

«Гулистон»нинг учинчи таржимаси тошкентлик мударрис ва шоир Мулло Муродхўжа Солиххўжа ўғли қаламига мансуб бўлиб, у «Шавқи Гулистон» деб аталган. «Муродхўжа мадраса талабалари эҳтиёжини ҳисобга олиб, асарнинг қийин сўз ва ибораларини шарҳлаган ва форсий оригиналини ҳам қўшиб, «Фуломия» матбаасида нашр эттиради»<sup>2</sup> (1909). Лекин сўзма-сўз таржима принципи устунлиги ва бадиий савияси баланд бўлмаганлиги туфайли бу таржима унча шуҳрат қозонмаган.

1968 йили «Гулистон»нинг тўртинчи таржимаси босилиб чикди. Асардаги шеърларни Фафур Фулом ва Шоишлом Шомухамедов, наср қисмини Рустам Комиловлар ўзбекчалаштиришган. Бу «Гулистон»ни ҳозирги давр ўқувчисига таништириш йўлида муҳим қадам бўлди. Чунки мавжуд таржималарнинг барчаси тил жиҳатидан эскирган бўлиб, улар замонавий китобхоннинг талаб-эҳтиёжларини қондирилмас эди. Бинобарин, асарнинг янги таржимасини даврнинг ўзи кун тартибига қўйган эди. Руҳий яқинлик ва нуқтаи назарлар бирлиги — бадиий таржиманинг муваффақиятини таъминлайдиган муҳим омил. Ғ. Фулом таржималарининг ютуғи ҳам айнан. Саъдий фикрлари унинг қалбида акс садо берганлигида, бу икки донишманднинг қарашлари муштараклигида.

Жахон, эй бародар, намонад ба кас,  
Дил андар жахонофарин банду бас.  
Макун такъя бар мулки дунъёву пушт,  
Ки бисъёр кас чун ту парварду кушт.

<sup>1</sup> *Комилов Н.* Ҳикматлар хазинаси. 8-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 7-бет.

Чу оҳанги рафтан кунад жони пок,  
Чи бар тахт мурдан, чи бар рӯи хок.  
Бу жаҳон ҳеч кимга қолмас, биродар,  
Дилингни Тангрига тошширсанг етар.  
Таянч, деб билмагин бу дунё молин,  
Кўпларни ўстириб, берди заволин.  
Жон берар экансан, фарки йўқ сира,  
Тахтда ўласанми ё тупрок узра.

Албатта, бу сўзма-сўз эмас, балки маъно таржимаси, яъни Саъдий фикрларининг Фафур Фулом қалбида қайта ишланган ўзбекча ифодаси.

Бундай гўзал таржималарни кўплаб келтиришимиз мумкин. Бу — туташ қалблар, муштарак қарашларнинг ўзаро бирлигига ўхшайди. Теран билим ва катта турмуш тажрибасига эга Саъдий ўз фикрларини ҳаётий ташбехлар воситасида лўнда ва ихчам ифодалайди. Ҳаётий тажрибалар маҳсули бўлган бу фикрлар асрлар мобайнида кишиларни ҳайратга солиб келмоқда.

## ОЛАМ ШАЙХИ

Мусулмон Шарқида Шайх ул-олам — Оламнинг шайхи номи билан донг таратган кубравия тариқатининг забардаст намояндаси, буюк пир, улуғ авлиё, нуктадон олим, хассос шоир ва етук воиз бўлган Сайфиддин Бохарзий хижрий 686 йил шаъбон ойининг 9-кунида — милодий 1190 йил 8 сентябрда Хуросоннинг Бохарз деган жойида туғилган. Баъзи манбаларда унинг нисбаси Сайф ул-Ҳақ вад-дин Абулмаоний Саййид ибн ул-Мутаҳҳар ибн Саййид ал-Бохарзий тарзида зикр этилади. Бухородаги XIV асрга оид вақф хужжатларида бунга қўшимча равишда шайх ул-ислом ва ал-муслимин, ворис ул-анбиё ва мурсалин, султони машойихи ал-шарқ ва ал-Чин деб тилга олинади<sup>1</sup>. Бошланғич маълумотни туғилган шаҳрида олиб, кейин Ҳирот ва Нишопур мадрасаларида таҳсилни камолга етказди. Фикҳ, ҳадис, тафсир ва бошқа фанларда ўз даврининг яғонаси бўлган. Макка ва Мадинага сафар қилган. Кейин шайхи валийтарош — валийлар тарбиялай-

<sup>1</sup> Қаранг: *Чехович О.Д.* Бухарские документы XIV века. Ташкент, 1965 г. С.35.

диган шайх номи билан танилган Нажмиддин Куброга мурид тушиб, кубравия тариқатига кирази. Нажмиддин Кубро қўлидан шайхлик хирқасини кийиб, унинг халифаси сифатида кейинчалик кубравия тариқатини ривожлантиради. Кубравия ғоя ва талабларини қизғин тарғиб-ташвиқ қилиб, тариқатнинг тарқалиш доирасини кегайтиради. Кубравия тариқатининг ҳинд шаҳобчаси — фирдавсия ҳам Сайфиддин Бохарзидан бошланади<sup>1</sup>.

Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» тазкирасида ёзишича, Сайфиддин Бохарзий Нажмиддин Кубронинг халифаларидан бўлиб, илм таҳсилини ниҳоясига етказгач, шайх хизматида келиб, унинг тарбиясини олган. У хилватга кирганида иккинчи арбаъиннинг бошидаёқ устози у хилватда ўтирган хонанинг эшигига келади ва муборак қўли билан эшикни чертиб:

— Эй Сайфиддин! — деб овоз беради ва қуйидаги байтни ўқийди:

Манам ошиқ, маро ғам созвор аст,  
Ту маъшуқи, туро бо ғам чи кор аст?!

Таржимаси:

Мен ошиқман, демак, ғамга сазовор,  
Сен маъшук — ғам билан нима ишинг бор?

— Ўрнингдан тур-да, ташқарига чиқ! — дейди.

Шундай деб, унинг қўлидан тутганича хилватдан чиқаради.

Шайх Нажмиддинга Хитодан — шарқий Туркистондан бир канизак тухфа қилиб юборганларида никоҳ кечаси у шогирдларига айтадики:

— Биз бу кеча шаръий лаззат билан машғул бўлмоқчимиз. Шунга мувофиқ равишда сиз ҳам риёзатни тарк этиб, фароғату осуда бўлинг.

Барча муридлар фароғат билан банд бўлганларида Сайфиддин Бохарзий катта бир офтобани сувга тўлдириб, туни билан Шайх эшигида туради. Тонг пайти ташқарига чиққан Шайх эшиги олдида уни кўриб сўрайди:

---

<sup>1</sup> Сайфиддин Бохарзийнинг халифаси Бадриддин Фирдавсий Самаркандий Ҳиндистонда фирдавсия тариқатига асос солади ва унинг шогирди Нажмиддин Мухаммад уни Ҳиндистонда кенг ёяди (Қаранг: *Тримингем Дж. С.* Суфийские ордены в исламе. Москва, 1989 г. С. 56).

— Мен бу кеча сизларга дам олинглар демаганмидим? Сен нега ўзингга бу ранжу машаққатни раво кўрдинг?

— Сиз ҳар ким ўз ҳузур-ҳаловати билан машғул бўлсин дедингиз, — дейди жавобан у. — Менга эса ҳазрати Шайх остонасида хизматда туришдан ортиқ лаззату ҳузур йўқ.

Шунда шайх:

— Сенга башорат шуки, султонлар отинг жиловини тутиб югургай, — дейди.

Кунлардан бир куни султонлардан бири Шайх Сайфиддин зиёратига келади ва қайтишида айтадики:

— Сизга бир от назр қилмоқчиман. Илтимосим шуки, сизни унга ўзим миндирсам.

Шайх унинг илтимосини қабул қилади. Лекин от асов бўлиб, Шайх миниши билан чошиб кетади ва Султон бир кўли жиловда эллик қадамча унинг ортидан чошиб боради. Шунда Шайх султонга айтади:

— Отнинг асовлиги ҳикмати шундаки, бир кеча шайх-ул-ислом Нажмиддин Кубро хизматида эдик. У киши башорат берган эдики, султонлар жиловингдан тутиб югургайлар. Бу пир сўзининг исботидир.

Сайфиддин Бохарзий бир куни бир дарвешнинг жанозасига келади. Ундан марҳум ҳақига бир дуо ўқишини сўрашади. У маййитнинг бошига келиб қўйидаги рубоийни ўқийди:

Гар ман гунаҳи жумла жаҳон кардастам,  
Лутфи ту, умед аст, ки гирад дастам.  
Гуфти, ки ба вақти ажз дастат гирам,  
Ожизтар аз ин махоҳ, к-акнун хастам.

Бир дунё гуноҳни мен агар қилганман,  
Ҳеч узмай умид, лутф этишинг билганман.  
Дединг: чорасиз қолсанг агар қўллаيمان,  
Қўлла мени — бир чора сўраб келганман...<sup>1</sup>

Бу маълумотлар Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳам айнан такрорланади.

Хоразмни истило қилишдан аввал Чингизхон донғи ўз ватанидан узоқ-узоқларга ҳам ёйилган улуғ шайх — Нажмиддин Куброга илтимос билан элчи йўллайди: «Мен Хоразмни қатли ом қилмоқчиман. Сиз оила аъзоларингиз

<sup>1</sup> Рубоийларни муаллиф таржима қилган.

билан шаҳарни тарк этиб, хоҳлаган томонингизга кетишингиз мумкин». Ватанпарвар Шайх унга шундай жавоб қайтаради: «Менинг 75 йиллик умрим шу тупроқда кечди. Шу халқ билан бирга ҳаётнинг бутун аччиқ-чучугини тотдим. Энди унинг бошига офир кун тушганда ташлаб кетиш мардликдан эмас!»

Нажмиддин Кубронинг ҳиммат ва муруввати шу қадар буюкки, бошқа ўлкалардан келган муридларининг бегона тупроқда ўлиб кетишларини истамайди. Уларни туғилган юртларига жўнатиб, ўзи шаҳарни мудофаа қилишга отланади. Шогирдларининг бирга кетиш тўғрисидаги таклифларига жавобан: «Мен шу ерда шаҳид бўламан. Менга Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ!» — дейди. Шундан сўнг шогирдлар турли томонларга тарқалиб кетадилар. Сайфиддин Бохарзий эса пирининг тавсияси билан Бухорога йўл олади.

Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарида Сайфиддин Бохарзийнинг кўплаб каромат ва башоратлари хусусида хикоя қилинади. Жумладан, у Садр уш-шариатнинг кизи Тегинабегимни Амир Тарағай Баҳодирга олиб бериб, бу никоҳдан соҳибкирон Амир Темур туғилишини башорат қилган, бинобарин, Амир Темурга соҳибкирон лақабини илк бор Шайх ул-олам берган экан<sup>1</sup>.

Маълумки, сўфийлар нопоклик, ноҳақликни кўрганда жим туролмайдилар. Ҳукмдорларга маслаҳат — кенгаш беришни эса ўзлари учун фарз деб биладилар. Кибру гуруга берилиб, зулми ҳаддан оширгани учун Муҳаммад Хоразмшоҳга маслаҳат беришга уннаши машҳур шайх Мажиддин Бағдодий умрини басар этгани маълум. Шайх ул-олам ҳам ҳамиша ҳақиқатни ҳимоя қилган, халқнинг ёнини олиб ҳукмдору амалдорларга таибеҳ берган. Чунончи, ривоят қилишларича, Бухоронинг ўша даврдаги ҳукмдорининг халққа жабру зулми ҳаддан ошиб кетади. У ҳатто:

– Дарвеш кишига мунча молу давлатнинг нима кераги бор? — деб Сайфиддин Бохарзийга ҳам зуғум ўтказиб, унинг мулкига қўз олайтиради. Шунда Шайх куйидаги рубойини битиб, шоҳ мулозимларига бериб юборади.

<sup>1</sup> Қаранг: Темурнома (Амир Темур Кўрагон жангномаси). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Поён Равшанов. Тошкент, 1991 йил, 40–47-бетлар.

Токай бувад ин жавру жафо кардани ту,  
В-ин бесабаби халойиқ озурдани ту?  
ТеҒе аст ба дасти аҳли Ҳақ хунолуд,  
Гар дар ту расад, хуни ту дар гардани ту.

Таржимаси:

Бу элга жафо қачонгача этгайсан?  
Эл кўнглини ҳеч сабабсиз оғритгайсан.  
Ҳақ аҳли қўлида консираган тиг бор,  
ТеҒса сенга, бошингга ўзинг етгайсан!

Рубоийни ўқиган шоҳ ғазабга тўлиб, шайхни жазолаш учун йўлга чиқади. Бу хабарни эшитган Шайх қўлига бир олмани олиб осмонга отади-да, Худога таваккал қилиб, муроқабага берилади. У бу ёқда саждадан бош кўтарган пайтда у ёқда қаршисига бир сават олма кўтариб чикқан дехқондан ҳуркиб, оти шоҳни йиқитади — бўйни синган шоҳ ўша ернинг ўзида жон таслим қилади. Барча буни Шайхнинг қаромати деб биладилар.

«Сайфиддин Бохарзийнинг халқ ўртасидаги кучли нуфуздан чўчиган мўғул ҳукмдорлари у билан ҳисоблашишга мажбур бўлишган. «Тарихи Банокатий» (XV аср) асарида келтирилишича, мўғул хоқонлари Мункэхон (1251—1260), Ҳулағухон (1256—1265), Ҳубилайхон (1260—1294)ларнинг онаси — Суюркўктани бека (Тулуйнинг беваси) Бухорода хония мадрасаси ва хонақоҳ қурдириб, унга жуда кўп қишлоқларни вақф қилган<sup>1</sup> ҳамда шайх Сайфиддин Бохарзийни мударрис ва мутаваллий қилиб тайинлаган. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий ҳаётда шайхнинг ўрни катта бўлган. Олтин Ўрда хони Беркахон ҳам унга эътиқод қилиб, Бухорога келган ва пирга мурид тушиб, ислом динини қабул қилган (XIII асрнинг ўрталари). Беркахон мусулмон бўлгач, ўзига Баракахон номини олган ва Шимолий Кавказдан то Сибиргача чўзилган улкан давлат ҳудудида ислом динини жорий қилиб, масжид ва мадрасалар қурдирган. Бу воқеадан сўнг Сайфиддин Бохарзийга Шайх ул-

<sup>1</sup> Вақф ҳужжатларидан маълум бўлишича, Сайфиддин Бохарзийга вақф қилинган ерлар 100 км<sup>2</sup> дан кам бўлмаган. 1326—1333 йилларда унга яна Бухородан 23 км. шимоли-шарқда жойлашган Кўшки (Қасри) Осиё ва Косарий қишлоқлари қўшилган (Қаранг: *Чехович О.Д.* Бухарские документы XIV века. С. 14.).

олам — Олам шайхи унвони, Бухоро шахрига эса, Бухорои шариф макоми берилган»<sup>1</sup>.

Сайфиддин Бохарзий хижрий 659 йил зулкаъда ойнинг 24-кунида — милодий 1261 йил 20 октябрида Бухорода вафот этган ва Фатҳобод мавзесида дафн қилинган.

Рус олими О.Д. Чеховичнинг маълумот беришича, Фатҳобод Бухоронинг Қарши дарвозасидан ярим километр жануби-шарқда бўлиб, XIII асрда унга Сайфиддин Бохарзий томонидан асос солинган.

Бухородаги муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида маълумот берувчи «Китоби Муллозода»да ёзилишича, Фатҳободда саййид, Оллоҳ муқарраби, шайхлар шайхи, илоҳиёт олими, муҳаддис, жавонмардлар пешвоси, эътиқод ва ҳақиқат қиличи Абулмаоний Саййид ибн ал-Мутаҳҳар ибн Саййид ибн Али ал-Бохарзийнинг муқаддас мазори мавжуд бўлиб, у табаррук зиёратгоҳ бўлган. Тариқатни ёйиш ва ҳақиқатни кашф этиш, Ҳаққа етиш мақомларини соғлом эътиқод ва гўзал хулқ билан босиб ўтишда буюк шайх Нажмиддин Кубронинг халифаси эди. Вафоти муносабати билан ёзилган таъриҳда бутун умрини тасаввуфга бағишлаганлиги айтилади. Туғилган ва ўлган йили куни ва ойигача кўрсатилиб, куняси — Абулмаоний, муборак нисбаси — Саййид, лақаби — Сайф ул-Ҳақ — Ҳақ қиличи эканлиги ҳақида хабар берилади.

Археолог Н.Б. Немцованинг аниқлашича, Сайфиддин Бохарзийнинг сақланиб қолган мақбараси XIV асрнинг иккинчи ярмида бино қилинган. «Мақбарага Шайх Сайфиддин Бохарзий, унинг икки ўғли — Жамолиддин Муҳаммад ва Мазҳариддин Мутаҳҳар, шунингдек, невараси Абу Муфохир Яҳё, эваралари Хованд Бурҳониддин, Рухиддин Шайх Довудлар дафн этилган. Амир Темур Бухорога ташриф буюрганда Шайх қабрини албатта зиёрат қилган. Унинг фармони билан мақбара обод қилиниб, зиёратхона ва шарқий пештоқ қурилган... Мустақилликдан кейин Сайфиддин Бохарзий мақбараси қайта таъмирланиб, ёдгорлик атрофида гўзал Фатҳобод боғи бунёд этилди»<sup>2</sup>.

«Сайфиддин Бохарзий мақбараси ёнида — фарб томонида 1358 йили вафот этган ва ўз шайхи гўри ёнига дафн этилишини васият қилган Чингизийлардан

<sup>1</sup> Ражабов Қ. Сайфиддин Бохарзий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. Тошкент, 2004 йил, 434-бет.

<sup>2</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. 434-бет.

бири — Баёнқулихоннинг кичикроқ сағанаси жойлашган.

Ҳар икки макбаранинг бир-бирига яқин жойлашганлиги фақат Баёнқулихоннинг шайх муриди эканлигидагина эмас, балки мўғул қабилаларининг исломга кириши, ўртоқлашиши ва туркийлашишининг чуқурлашиб борувчи жараён эканлигидан далолат беради»<sup>1</sup>.

XIV асрда яшаган машхур араб сайёҳи Ибн Баттута ҳам ўз «Саёҳатномаси»да Бухоро яқинидаги Фатҳобод деган жойда энг буюк авлиёлардан Сайфиддин Бохарзий мазорини зиёрат қилганлиги хақида маълумот беради. Сайёҳнинг ёзишича: «Сайфиддин ал-Бохарзий мазори қошидаги зовия жуда катта бўлиб, унга ажратилган вақф мулклар ҳисобига зиёратчиларни боқиш ҳам кўзда тутилган»<sup>2</sup>.

Сайфиддин Бохарзий форс ва араб тилларида бир қатор асарлар ҳам яратган. Чунончи, «Шарҳ ал-асмо ал-хусно» («Оллоҳнинг гўзал исмлари шарҳи»), «Рисола дар ишқ» («Ишқ хақида рисола»), «Воқеаи хилват» («Хилват хақиқати»), «Рўзнома» («Куннома»), «Васият» рисолалари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, у хассос мутасаввиф шоир бўлиб, рубойлар тўплами ҳам мавжуд — унга 650 та рубойининг нисбат берадилар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2333/І ва 10802/ІІ инвентарь рақамлари остида «Рубоёти Сайфиддин Бохарзий» тўпламлари сақланади.

Ривоят қилишларича, Сайфиддин Бохарзий бир куни илоҳий ишқ тўғрисида вазду илҳом билан суҳбат қилаётганида бир аҳмоқ кимса томдан тараша тушгандай савол ташлайди:

— Шайх ҳазратлари! Мен эшагимни йўқотиб, ночор аҳволга тушиб қолдим — шунини топиб берсангиз.

Маълум бўладики, бу Худованди карим марҳаматидан мосуво бадбахт кимса хонақоҳга Шайх ул-оламнинг илоҳий ишқ тўғрисидаги оташин ваъзларини эшитишга эмас, балки Шайх каромати ёрдамида эшагини топиш илинжида келган.

<sup>1</sup> Бухоро — Шарқ дурдонаси. Тошкент, 1997 йил, 49-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: *Иброҳимов Н.* Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. Тошкент, 1993 йил, 50-бет.



Бу саволдан ҳамма хангу манг бўлиб қолади. Шайх эса пинагини бузмай:

— Озгина сабр қилсанг, мен эшагингни шу ердан топиб бераман, — дейди ва суҳбатини давом эттириб, давра аҳлига мурожаат қилади:

— Ораларингда муҳаббат кўчасидан ўтмаган, ишқ лаззатини тотиб кўрмаган, юраги сира жиз этмаган киши борми?

— Мен умрим бино бўлиб муҳаббат нималигини билмайман, — дебди бир киши ўрнидан туриб.

— Ол, мана эшагинг топилди, — дейди шунда Шайх эшагини йўқотган кишига.

Бу ривоят бир оз қўпол, бепарда туюлса-да, теран мазмун-моҳиятга эга. «Ишқи йўқ — эшак, дарди йўқ — кесак», — дейилади халқ мақолида ҳам. Хусусан, «илоҳий муҳаббат ҳақидаги илм» бўлмиш тасаввуфда ишқсиз киши инсон деган шарафли номга лойиқ кўрилган. Нодирабегимнинг машҳур ғазалида ёзилганидек:

Муҳаббатсиз киши одам эмастур,  
Ғар одамсен, муҳаббат ихтиёр эт.

Маълумки, ҳар бир аъзонинг бир озиғи бўлади. Кўнгилинг озиғи эса ишқдир. Ошиқ кўнгил ҳамиша ёшдир — у қариш нималигини билмайди. Ишқ — муттасил равишда кўнгилни ёндириб, инсон вужудига битмас-туганмас ғайрат-шижоат бағишлайди, аъзоларини донмиёй ҳаракатда тутиб, сўлишига йўл қўймайди.

Ишқ — инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти. Ишқ — ошиқ кўнгилинг яшаш тарзи. Буюк файласуф шоир Умар Хайём: «Ишқсиз ўтган кунингни умринг хисобидан чиқариб ташла!» — деб бежиз ҳайқирмаган эди.

Тасаввуф шеърлятида ҳамма нарсага ишқ кўзгуси орқали назар ташланган. Ҳамма нарса ишқ тарозисида тортилган. Ҳамма нарсага ишққа қапчалик мансублигига қараб баҳо берилган.

Тасаввуфда ишқ — аввал, ишқ — ҳозир, — ишқ — охири; ишқ — талаб, ишқ — меъёр, ишқ — мезон; ишқ — туғилиш, ишқ — яшаш, ишқ — ўлим; ишқ — мақсад, ишқ — машаққат, ишқ — натижа. Қўйингки, ишқ — ҳамма нарса. Шунинг учун ҳам шайх-шоир рубоийларидан бирида «Биз қариб қолган бўлсак-да, ишқ сози чалингудай бўлса, биздан фақат шодлигу хуррамлик аломати содир бўлади. Зора

ортига қайтса деган илинжда ёрнинг узун сочларидан ўтган умрнинг бўйнига арқон эшамиз», — дейди:

Пирем вале чу ишкро соз ояд,  
Аз мо ҳама бўи тарабу ноз ояд.  
Аз зулфи дарози ту каманде фиканем,  
Дар гардани умри рафта то боз ояд.

Биз — кекса, бироқ чалинса ишк сози агар,  
Кўнгил кушимиз юксалади кўкка қадар.  
Арқон эшамиз ёрнинг узун сочларидан,  
Қайтарми деб, ўтган умр бўйнига магар...

Тасаввуф шеъриятида ишқ Оламни ҳам, Одамни ҳам яратувчи куч, тенгсиз илоҳий неъмат ва қудрат сифатида талқин қилиниши маълум. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, ишқ арслон каби шиддат билан кириб келганида хатто ақл ҳам тулки каби писиб қочади. Ишқ олдида фил пашша, шер чумоли каби ҳақирдир. Шайх-шоирнинг қуйидаги рубойиси ишқнинг ана шу қудрати, хусусиятлари, мазмун-моҳияти, гоҳ дўст, гоҳ ёв сифатидаги кифаси хусусида:

Ишқ олдида чора топа олмас шер ҳам,  
Уммондир у бағрида жавоҳирлар жам.  
Гоҳ дўст бўлиб, юзини кўрсатгай у,  
Гоҳ ёв каби қонингни тўкар хотиржам.

Дунё хою ҳаваслари, жисм ташвишлари, нафс хоҳишларидан кечмай, бутун фикру зикрингни ёлғиз Ҳаққа қаратмай туриб илоҳий ишқ йўлида ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Илоҳий ишқ йўлида ҳамма нарсани унутган, Ҳақдан бошқани ўйламайдиган, нукул ишқ йўлида нола-фарёд чекадиган кишиларни эса одамлар Мажнун, телба, девона, расво деб маломат қиладилар. Чексиз ишқи туфайли одамларнинг таъна-тахқирига нишон бўлганлар илоҳий маҳбубанинг чинакам севгисига муяссар бўладилар. Бошқача айтганда, халқ олдида бадном бўлмай туриб Ҳақ ҳузурда некном бўлиш мумкин эмас. Шайх-шоирнинг мана бу рубойиси шу хусусда:

Бизнинг йўлимиз асли-азал бадномлик,  
Қуйган кишилардек улушимиз хомлик.  
Нокомлигимиз дўст дили орзуси экан,  
Бизнинг дилимиз орзуси ҳам нокомлик.

Бу ерда нокомлик сўзининг маъноси маҳрумлик, мақсадга етмаганлик бўлиб, сўфийнинг биргина орзуси бўлади — у ҳам бўлса Ҳақ дийдори. Бу орзусига эса у бу дунёда эришиш мумкин эмас. Шунинг учун то Ҳақ васлига восил бўлгунча унинг бутун ҳаёти нокомликдан иборат.

Маълумки, тасаввуфда ишқ икки босқичдан иборат деб қаралади: илоҳий ишқ ва мажозий ишқ. Мажозий ишқ илоҳий ишқ йўлида кўприк ҳисобланади. Илоҳий ишққа шу кўприкдан ўтиб борилади. Зеро, «илоҳий муҳаббат инсоний муҳаббатнинг ривожланиб, камол топган кўриниши»<sup>1</sup>. Бошқача айтганда, «мажозий ишқ илоҳий ишқни кучайтирувчи, тезлаштирувчи восита». Шунинг учун ҳам сўфийлар илму ахлоқда етук инсонларни, хуснда тенгсиз аёлларни севганлар. Лекин бу хирсий-жинсий интилишлардан холи бўлиб, улар илоҳий камол ва жамол акс этган мазҳар ҳисобланади. Бундай шайхларни ҳатто шоҳидбоз деб атаганлар. Шоҳид деганда, гоҳ гўзал маҳбубани, гоҳ инсон ҳаёлини банд этган нарсани кўзда тутганлар. Тасаввуфда зуҳур этиши жиҳатидан баъзида Ҳақни ҳам шоҳид дейдилар. Мазҳарга муҳаббат тарзида кечганлигидан бу шоҳидбозлик покбозлик деб ҳам аталган. «Яъни гўзал инсонларда илоҳий Ҳусни мушоҳада этиш, ундан лаззатланиш»<sup>2</sup>. Алишер Навоий таснифи бўйича, бу хос кишиларга хос пок ишқ бўлиб, «ул пок кўзни пок назар била пок юзга солмоқ ва пок кўнгул ул пок юз ошубидан кўзғолмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиқи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидан баҳра олмоқ»дан иборат. Сайфиддин Бохарзийнинг қуйидаги рубойисини ҳам шу мазмунда талқин қилиш керак:

Ҳарчанд гаҳи зи ишқ бегона шавам,  
Бо офият ошнову ҳамхона шавам,  
Ногоҳ парирухе ба ман баргузарад,  
Баргардам аз он ҳадису девона шавам.

Таржимаси:

Бўлгим келар ишқдан гаҳи бегона,  
Орому ҳаловатга яқин, ҳамхона.  
Дуч келса менга бир паринайкак ногоҳ,  
Кўйида, карабсиз, яна мен девона.

<sup>1</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Тошкент, 1996 йил, 52-бет.

<sup>2</sup> Комилов Н. Тасаввуф. 52-бет.

Сайфиддин Бохарзий рубойлари асосан сўфиёна мавзу-мазмунда бўлиб, унда илоҳий ишқ улуғланиб, унга даъват қилинади, маҳбуба таъриф-тавсифи кенг ўрин тутиб, ошиқнинг айрилиқ оташида ёнган кўнгил кечинмалари, изтироблари оташин мисраларда тараннум этилади, ишқу ошиқлик, висол ва ҳижрон, вафо ва садоқат, сабр ва мардлик каби қадрият-тушунчалар авж пардаларда куйланади.

Тасаввуф адабиётида баланд пардаларда куйланадиган мавзулардан бири — мардлик. Бу — Оллохнинг синовларигаю фалакнинг найрангларига сабр этишда, бандалардан юзланадиган юз минг балога чидашда кўринади. Тақдир зарбаларига эгилмай, дунё ташвишларига кўмилмай, одамларга мутеъ бўлмай, фақат Оллоҳ сари интилган киши абадий бахт-саодатга ноил бўлади! Керак бўлса, кучли ирода, қатъият кўрсатадиган, лозим топилса, сабр-тоқат қиладиган, лекин ҳар қандай дамда ҳам танлагани бирдан-бир тўғри йўл — камолот йўлидан қайтмайдиган инсонлар тасаввуфда мардларнинг марди, деб улуғланади:

Мард мардлигини қилмагай асло ошкор,  
Мардлик қилар-у, бировга этмас изҳор.  
Мард ўк еса-ю, бўлса вужуди тор-тор,  
Дўстидан ўгирмайди юзини зинҳор.

Марднинг мақоми комил инсонга тенглигини шайх-шоирнинг куйидаги рубойида ҳам кўришимиз мумкин:

Ҳақ ишқи куёши нур сочавергайдир,  
Жон дунёни тарк этиб, қочавергайдир.  
Мард етгуси шундайин мақомга бир кун —  
Дўст унга ҳаминша юз очавергайдир.

Ҳа, фақат мард ошиққина мана бундай мисраларни тизиши мумкин:

Ўзимни ўзим ишқида хуррам тутаман,  
Дил тўла ғаму мисоли беғам тутаман.  
Сезсам-да ажал шарпасини, кўнглимни  
Ҳеч нарсани билмаган каби жам тутаман.

Сайфиддин Бохарзийнинг бир қатор рубойлари риндона мазмунда бўлиб, уларда май, майхона, соқий, қадах, майхона пири, ринд аҳли, майхўр, хароботий,

бадномлик, мастлик, бутхона, харобот каби истилох-тимсоллар кўп учрайди.

Маълумки, риндлар илоҳий жазава чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлганлар. Бу мавзудаги рубоийлар сўфийларнинг зоҳиран шариат аҳкомларига зид бўлса-да, важду ҳол ғалаботида беихтиёр айтилиши жихатидан гуноҳ ҳисобланмайдиган шатҳомез сўзларидан иборат бўлади. Сўфийлар шатҳиётни ҳол ғалабаси, суқр қуввати ва важднинг зиёдалашувидан деб биладилар ва у қабул ҳам, рад ҳам қилинмайди. Сўфийларнинг завқий холи мухаббат, хашият (қўрқув), ҳамият ва миннат (бу ерда шуқр маъносида) мастлигидир. Буларнинг биринчиси маърифат, иккинчиси сифат, учинчиси амру наҳйи ва тўртинчиси садоқат ҳосил қилади. Сўфийлардан мастлик ҳолатида содир бўладиган ҳар қандай ҳаракатни маломат қилишмайди, чунки у машойих учун раво бўлган мабдаъ (бу ерда: илоҳ)га яқинлик ва сурур туфайлидир. Мансур Ҳалложнинг «Анал-ҳақ» («Мен – Ҳақман»), Боязид Бистомийнинг «Субҳони, мо аъзамушшаъни» («Шарафланганман, ҳаммадан улўф менинг шаъним») дейиши ва бошқа номдор сўфийларнинг шатҳиётлари шундан гувоҳлик беради.

Сайфиддин Бохарзийнинг мана бунга ўхшаш рубоийларини ҳам айни мазмунда тушуниш ва талқин қилиш лозим бўлади:

Эй нолаи пири майфуруш аз ғами ту,  
В-эй наъраи ринди дурднўш аз ғами ту,  
Афғону фиғони боданўш аз ғами ту,  
Хун дар раги ошиқон бажўш аз ғами ту.

Мазмуни: «Эй, майфуруш пирнинг ноласи, дурднўш ринднинг наъраси сенинг ғаминг туфайлидир. Боданўшнинг афғону фиғонию ошиқлар томирида қоннинг жўш уриши сенинг ғаминг туфайлидир».

Бу ерда риндона шеъриятнинг пир, май, майхона, майфуруш, ринд, дурднўш, боданўш каби бир қатор истилоҳлари ишлатилган: *Пир (шайх, мурид)* – тасаввуф тариқатида муридга раҳнамолик қиладиган ирфоний маърифатда юксак мақомга кўтарилган киши.

*Майфуруш* — май сотувчи, мажозан эса толибларга илохий маърифат улашадиган рухоний рахбар. *Май* — тасаввуф адабиётида илохий тажаллий тимсоли, ишқ ва ирфон рамзи бўлиб келади. Май деб ишқнинг галабасини ҳам айтадилар. Солик дилида пайдо бўлиб, уни хушвақт қиладиган завқни ҳам кўзда тутадилар. Шунга мувофик, мастлик илохий маърифатдан хузурланишни, маънавий завқ дарёсига фарқ бўлишни билдиради. *Майхона* — илохий завқу шавқу файз тўлиб-тошган комил орифнинг ботини. Лохут олами маъносида ҳам келади. Комил пиру муршиднинг уйига ҳам ишора қилинади. *Ринд* — шарият ва ҳақиқат боскичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган ҳурфикрли, исёнкор, майпараст, илохий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. *Дурднўш* — май қуйкаси, қолдигини ичувчи. Тасаввуфда қаноат ва номуродлик. Маҳбубнинг ошиқни бетоқат қилувчи ёдини ҳам билдиради. *Боданўш* — май ичувчи. Яъни илохий ишқ ошиғи.

Шундай қилиб, рубоийдан қуйидаги маъно келиб чиқади: «Эй илохий дўст! Толибларга илохий маърифат улашадиган пирнинг ноласи ҳам, бу ирфоний ҳақиқатнинг тубига етадиган фидойи ва комил ошиқларнинг наъраси ҳам, кўйингда ўзини йўқотганларнинг фарёду фиғони ҳам, ошиқларнинг томирида жўш урган қон ҳам сенинг дарду ғаминг туфайлидир, яъни барчани ошиғу мубтало этган, жигар-бағрини қон қилган ва бўғзидан нолаю фарёду ох бўлиб отилган сенинг муҳаббатингдир».

Бу бежиз эмас. Шайх-шоир бошқа бир рубоийсида: «Тошнинг кўзидан оқизади қон бу ғаминг», — деб муболаға қиладди. Ва яна мардлик қилиб айтадики, ғаминг қанча бўлмасин, уларнинг барчасини мен тортай, токи мендан кейин ҳеч кимга бу ғам қолмасин:

Тошнинг кўзидан оқизади қон бу ғаминг,  
 На дўсту на душман билар — пинҳон бу ғаминг.  
 Ҳар қанча ғаминг бўлса, мен ичимга ютай,  
 То мандан сўнг билмасин инсон бу ғаминг.

Султон ул-орифин Шайх Боязид Бистомий: «Жаҳаннам эшигида турганча, гуноҳкорларнинг ўрнига ўзини ўтга ташлаб, уларнинг жаннатга тушишига восита бўлмаган

муриддан безорман», — дейишни хуш кўрар экан. Улуғ авлиё ва оташнафас шоир Фаридиддин Аттор Оллоҳга шундай деб илтижо қилар экан: «Эй Худойим, қиёмат кунида менинг танамни шунчалик улкан айлаки, то дўзахда бошқаларга жой қолмасин». Сайфиддин Бохарзийнинг мазкур рубойиси ҳам салафлари жавонмардлигига ҳамоҳанг жаранглайди: «Дунёда ҳар қанча ишқ ғами бўлса, барчасини мен тортай — мendan кейин бани башар бу ғамнинг нималигини ҳам билмасин».

Сайфиддин Бохарзий салоҳияти баланд ҳассос шоир бўлган. Шайх-шоир рубойларини таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига етказиш ва улар устида тадқиқот олиб бориб, унинг бадиий маҳорати қирраларини очиш ўзбек адабиётшунослари олдида турган муҳим ва долзарб ва-зифалардан ҳисобланади.

Сайфиддин Бохарзий ҳақида Нажмиддин Комилов, Садриддин Салим Бухорий каби олим ва адиблар у ёки бу даражада тадқиқот ишларини олиб борганлар.

## **ЖАҲОН АДАБИЁТИНИНГ МУАЗЗАМ СИЙМОСИ**

Жаҳон сўз санъатининг муаззам сиймоларидан бири, ўзидан кейинги Шарқ ва Ғарб адабиётига кучли таъсир ўтказгани жиҳатидан башарият шоири деб улуғланган Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румий 1207 йил 30 сентябрда (ҳозирда ҳар йили шу кунда бутун дунёда Румий куни нишонланади) ўша даврнинг йирик илм ва маданият марказларидан бўлган Балх шаҳрида етук воиз, билимдон мударрис, фикҳ олими, фатво соҳиби, тасаввуф донишманди, кубравия тариқати шайхи, Султон ул-уламо номи билан донг таратган Баҳоуддин Валад хонадонида дунёга келади.

Ривоятларга кўра, Жалолиддиннинг онаси Мўмина хотун Балх амири Рукниддиннинг қизи бўлиб, насл-насаб жиҳатидан у Муҳаммад алайҳиссаломга, отаси эса хоразмшоҳлар хонадонига мансуб бўлиб, ислом оламининг биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиққа бориб боғланади. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасида: «Онаси Хуросон подшоҳи Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳнинг кизидур», — деб хабар беради. «Қизингни Баҳоуддин Валадга узатасан», — деб шоҳга

тушида пайғамбар томонидан ишора бўлган эмиш. Султон ул-уламо рутбасини ҳам Баҳоуддин Валадга тушида Расулulloх марҳамат қилади.

Ота-боболари узоқ йиллар давомида Балхда хатиблик қилиб келган Баҳоуддин Валадни нафақат туғилган шахри, балки Хуросону Мовароуннахрда, ҳатто Ироку Бағдодда ҳам жуда яхши билишар ва ниҳоятда ҳурмат қилишар эди. У кўп сафар қилган ва барча шаҳарларда ўша даврнинг машҳур кишилари билан ҳамсухбат бўлган. Лекин дунёқараши кенг ва илғор фикрли Баҳоуддин Валадни қатъияти ва тўғрисўзлиги учун амир-амалдорлар ва шайху уламолар хушламаганлар. Икки ўртадаги келишмовчиликлар, зиддиятлар, баҳсу мунозаралар, курашлар охир-оқибатда Султон ул-уламонинг Муҳаммад Хоразмшоҳ билан ораси бузилиши ва ҳаж сафари баҳонасида хоразмшоҳлар салтанати ҳудудини тарк этишига олиб келди. У Вахш, Термиз ва Самарқанд шаҳарларида ҳам бир неча йил яшаган. Чунончи, 1212 йили «Муҳаммад Хоразмшоҳ Самарқанд ҳукмдори Султон Усмон билан жанг қилиб, шаҳарни эгаллаб, уни талон-торож қилган чоғида Баҳовалад оиласи билан Самарқандда яшарди. Мавлоно эса у пайтда беш ёшлик гўдак эди (Мавлоно «Фиҳи мо фиҳи» асарида ўша воқеаларни эслайди)»<sup>1</sup>.

Каъба зиёрати учун йўлга чиққан Баҳоуддин Валад Нишопурда машҳур тасаввуф шайхи ва мутасаввиф шоир Фаридиддин Аттор билан учрашади. Кўзларида илохий нур чакнаб турган 13 ёшли Жалололдиннинг келажакда улуг бир зот бўлиб етишишини сезган Аттор «Асрорнома» асарини унга тақдим этар экан, Баҳоуддин Валадга қарата: «Бу бола ҳадемай оламдаги барча ошиқлар қалбига ўт солади!» — деб башорат қилади. Айтишларича, Жалололдин бир умр «Асрорнома»ни ёнидан қўймаган экан.

Хуросон, Бағдод, Ҳижоз ва Шом (Сурия)га қилинган бир неча йиллик сафардан сўнг Мавлоно оиласи Лорандада 7 йил яшаб қолади. Лоранда ҳокими Баҳоуддин Валаднинг ҳурматини жойига қўйиб, у учун алоҳида мадраса куриб беради — Султон ул-уламо шу мадрасада яшаб, мударрислик қилади. Жалололдиннинг ваъз мажлислари ва мударрислик фаолияти ҳам Лорандада бош-

---

<sup>1</sup> *Муҳаммад Истеъломий*. Илохий ишк куйчиси (Мавлоно Жалололдин Муҳаммад Балхий). Форс тилидан Жаъфар Муҳаммад таржимаси. Техрон, 2001 йил, 10-бет.



ланади, шу ерда оилалик бўлади. Онаси Мўмина хотун ҳам Лорандада дафн қилинган.

Бу даврда Кўнияда салжуқийлардан бўлган маърифатпарвар ва шоиртабиат Султон Алоуддин Кайқубод ҳукмдорлик қилаётган эди<sup>1</sup>. У Султон ул-уламанинг доврўғини эшитиб, Кўнияга таклиф этади. 1223 йили Мавлоно оиласи Кўнияга келганда Алоуддин уни катта тантана билан кутиб олиб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатади. Баҳоуддин Валад Олтунопо мадрасасида истиқомат қилиб, дарс беради. Унинг воизлик шуҳрати бутун шаҳарга ёйилиб, амир-амалдорлар, ҳатто Султоннинг ўзи ҳам доимий равишда ваъз мажлисларига келиб туришарди.

1232 йили Баҳоуддин Валад Кўнияда оламдан ўтади.

Жалолоддин Румий ана шундай улуғ инсоннинг во-риси эди. Унинг исми — Муҳаммад, лақаби — Жалолоддин бўлиб, ёру дўстлари ҳурмат билан Мавлоно деб атаганлар. Ёшлигиданоқ мўътабар шахс сифатида хожа, сарвар, жаноб маъносидаги Худовандгор лақабини олган. Замондоши Шамсиддин Афлокий «Маноқиб ул-орифон» асарида уни қалби Ҳақ сирларига ошно инсон маъносидаги «Сируллоҳ ул-аъзам» деб зикр этади. Ҳозирги Туркия худудидаги қадимги Кичик Осиё — Румда яшагани учун ҳам у Румий, Мавлоно Румий, Жалолоддин Румий номлари билан машҳур бўлган. Кейинги даврда уни Мавлавий деб аташ кенг расм бўлади.

Жалолоддин беш ёшидан бошлаб илоҳий олам билан алоқага киришганини ривоят қиладилар. У олти ёшида болалар билан томда ўйнаб юрганида улардан бири:

— Келинглар, томдан томга сакраймиз! — деб таклиф қилади. Жалолоддин унга қарши чиқади:

— Бу иш ит билан мушукка муносиб. Одам боласининг уларга таклид қилиши яхши эмас. Агар қувватингиз етса, осмон томига сакранг!

Шу сўзни айтар-айтмас, Жалолоддин ҳавога кўтарилиб, кўздан ғойиб бўлади. Болалар кўрққанларидан қичкириш ва йиғлашга тушадилар. Бир муддатдан сўнг у ранги ўзгарган ҳолда яна томга қайтади ва болаларга айтадики:

---

<sup>1</sup> Салжук турклари Кичик Осиёдаги Византия ерларини босиб олиб, XI аср охирида Кўния султонлигини тузганлар. Султон Алоуддин Кайқубод ҳукмронлиги (1219—1236) унинг энг гуллаб-яшнаган даврига тўғри келади.

— Ўша сўзларни сизга айтиб турган вақтимда яшил либос кийган кишилар мени сизнинг орангиздан тортиб олдилар. Осмонга кўтариб, фаришталар оламининг ажойиботларини кўрсатдилар. Сизларнинг фарёду фиғонингизни эшитиб, яна бу ерга туширдилар.

Отаси ва унинг шогирдлари тарбиясини олган (масалан, Навоий Бурҳониддин Муҳаққиқ Жалолиддинни тўққиз йил давомида тарбиялаганини айтади), Дамашқда буюк фикр олими Ибн ал-Адим, Ҳалабада ҳадис, тарих, фалсафа, калом ва илми бадеъ алломаларидан бўлмиш Умар бинни Аҳмад бинни Ҳиббатуллоҳ қўлида ўқиган Жалолиддин ўз даврининг етук олими ва мударриси бўлиб етишади. Отаси вафотидан сўнг 24 ёшида унинг ўрнига муфти ва фақиҳ бўлади, мударрислик курсисига ўтиради.

Баҳоуддин Валад вафотидан бир йил ўтгач, устозини излаб унинг Сирдон номи билан машҳур термизлик шогирди Саид Бурҳониддин Муҳаққиқ Кўнияга келади. Унинг тавсиясига кўра, Жалолиддин яна бир неча йил Ҳалаб ва Дамашқ мадрасаларида таҳсил олиб, илмини камолга етказди. Бу йиллар машҳур тасаввуф олими Мухйиддин ибн Арабийнинг кексалик даврига тўғри келади, бинобарин, «тахмин қилиш мумкинки, бу улуғ муаллим ва қобилиятли толиби илм орасида маънавий робита мавжуд бўлган»<sup>1</sup>.

Мавлоно асосан диний илмлар билимдони, шариат олими эди. Таҳсилни тугатиб келгач, Бурҳониддин уни хилватга даъват этиб, уч бора чилла ўтирғизганидан кейин унга муршидлик хирқасини кийгизади. Лекин то мажзуб дарвеш Шамсиддин Табризий билан учрашгунча у фақиҳ ва мударрис сифатида ҳурмат ва шуҳрат оғушида хотиржам ҳаёт кечирарди.

Шамсиддин Табризий Шайх Абубакр Саллабоф Табризий, Шайх Рукниддин Синжосий, Бобо Камол Жандий каби ўз даврининг машҳур пирлари тарбиясини олган. Шайх Авҳадиддин Кирмоний, Шайх Фахриддин Ироқий, Шайх Закариё Мўлтоний сингари комил сўфийларнинг суҳбатига муяссар бўлган, Дамашқда улуғ тасаввуф олими Мухйиддин ибн Арабий билан баҳсу мунозара қилган буюк сўфий эди. Ундан «Мақолоти Шамс» номи билан машҳур бўлган мақолалар тўплами бизгача етиб

<sup>1</sup> *Муҳаммад Истеъломий*. Илохий ишқ куйчиси. 17-бет.

келган. Давлатшоҳ Самарқандийнинг ёзишича, Бобо Камол Шамсга:

— Сен Румга сафар қил — у ерда куйган бир инсон бор. Унинг вужудини ёндириш керак, — деган экан. Дарҳақиқат, ўзини безовта руҳининг ихтиёрига топшириб, шаҳарма-шаҳар муносиб суҳбатдош қидириб юрган бу мажзуб дарвеш уни Мавлоно сиймосида Қўниядо топади. Бу учрашув 1244 йил 26 ноябрда содир бўлади. Ўшанда Шамс Қўния кўчаларида шогирдлари қуршовида келаётган Мавлонони тўхтатиб, унга шундай савол билан юзланади:

— Эй у дунёю бу дунё маъною мохиятларининг саррофи! Айтгил, ким устун — Муҳаммад пайғамбарми ёки Боязид Бистомий?

Мавлоно бошқа ҳар қандай уламога ўхшаб жавоб беради:

— Бу не сафсата? Албатта, Муҳаммад устун!

— Яхши, — деди у. — Нега унда Муҳаммад: «Юрагимни занг босиб, Эгамнинг олдида ҳар куни етмиш марта тавба қиламан», — дейди-ю, Боязид эса: «Мен ўзимдаги ҳар қандай қусурлардан халос бўлдим. Вужудимда Худодан бўлак ҳеч нарса қолмади. Улуғман, улуғман, шон-шарафга тўликман!» — деб бонг уради?

— Муҳаммад алайҳиссалом ҳар куни етмиш мақомни босиб ўтарди, — хотиржамлик билан жавоб қайтаради Жалолиддин савол берувчининг анойи одам эмаслигини ҳис қилиб. — Ва ҳар гал янги пояга етиб, аввалги пояда эришган ютуқларининг қосирлиги учун тавба-тазарру этарди. Боязид эса ёлғиз биргина пояга етиб, шунинг мартабасидан боши айланиб, жазава ичра ўшандок сўзларни айтган.

Бу жавобни эшитгач, Шамсиддин фарёд уриб, ўзини ерга ташлайди ва ҳушидан кетади. Мавлоно отдан тушиб, шогирдларига уни мадрасага олиб боришни буюради. У ўзига келиши билан бошини Мавлононинг тиззасига қўяди, қўлидан тутади. Шундан кейин улар хилватга кириб, нақ уч ой суҳбат қурадилар. Уларнинг тинчини бузишга ҳеч ким журъат қилолмайди. Жалолиддин дарслари ва ваъзларини унутади. Бу суҳбатлар натижасида факих ва мударрис Мавлоно сўфий ва шоир Мавлонога айланади. «У мадрасани хонақоҳга, ваъз мажлисларини самоъ йиғилишларига, мутаассибларча фикр юритишни

сўфиёна ишққа, донишмандона босиқлигини сўфиёна жазавага алмашиб бўлган эди»<sup>1</sup>. Шу тариқа, авлиё шоир Фаридиддин Аттор башорати ва мажзуб дарवेश Шамсиддин Табризий даъвати билан Жалолоддин Румий буюк мутасаввиф шоир бўлиб етишади. Унинг шеърларидан бирида: «Агар Аттор менга рух бахш этган бўлса, Шамс Табризий тилсим калитини тутқазди», — дейиши бежиз эмас. Хатто шеърларини Шамс тахаллуси билан ёзиб, девони «Девони Шамс Табризий» номи билан шуҳрат қозонади. У Шамс билан учрашгунча Хомуш тахаллуси билан шеър ёзиб қолмай, кейин ҳам ғазалларида гоҳ Шамс, гоҳ Хомуш тахаллусини қўллаган.

Мавлононинг ҳаётида ҳал қилувчи роль ўйнаган яна бир инсон халифаси Ҳусомиддин Чалабий эди. Жавонмардлик тариқатининг пешқадам вакиллари билан бўлган бу фидойи зот бир умр устозидан ажралмади ва муаззам «Маснавийи маънавий» ҳам унинг турткиси ва котиблигида яратилган. Унгача Мавлоно шогирдлари Санойи ва Атторнинг сўфиёна мазмундаги маснавийларини мутолаа қилардилар. Румийнинг ўзи ҳам: «Санойи рух эди-ю, Аттор унинг икки кўзи — биз уларнинг изидан келганмиз», — дер эди. Бир хилват кечада Ҳусомиддин устозига Санойининг «Ҳадиқат ул-хақиқа» ва Атторнинг «Илохийнома»сига ўхшаш бир асар таълиф этишни таклиф қилади. Мавлоно ўша заҳот салласининг печидан бир қоғоз чиқаради, чунки бу ният унинг ўзида ҳам кўпдан мавжуд эди. Бу «Маснавийи маънавий»нинг ибтидоси — илк 18 байти эди. Шу тариқа «Маснавий»ни ёзишга киришилди. Узоқ йиллар давомида Мавлоно «Маснавий»ни айтиб туради, Ҳусомиддин уни қоғозга дарж этиб, кейин муаллифга ўқиб беради. Бу ҳол кўпинча тонггача давом этарди. Олти дафтардан иборат «Маснавийи маънавий» шу тарзда яратилади. У 1259—1269 йилларда — ўн йил мобайнида қоғозга тушади. Ҳусомиддин бўлмаса, Мавлононинг илҳоми келмасди.

Ул Зиёулҳақ Ҳусомиддин бу он  
«Маснавий»ни бурди кўкдин ер томон.

Мавлоно 1273 йилнинг 17 декабрида дунёдан кўз юмади.

<sup>1</sup> *Муҳаммад Истеъломий*. Илохий ишқ куйчиси. 26-бет.

Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб» асарида қалам аҳлини уч гуруҳга ажратади: ҳақиқий ишқни қуйлаган шоирлар, ўз ижодида ҳақиқий ва мажозий ишқни омикхта қилган шоирлар, мажозий муҳаббатни тараннум этган шоирлар. Жалолиддин Румий биринчи тоифага мансуб бўлиб, у ўзининг барча асарларида еру кўкнинг соҳиби бўлмиш Оллоҳи каримни ва унинг заминдаги халифаси Ҳазрати инсонни улуғлайди. Эрон олими Тақий Пурномдориённинг ёзишича, XI асрнинг охирларида «Санойй бошлаб берган ирфоний шеър Аттор туфайли шаклланган бўлса, XIII асрга келиб, Мавлавий ижоди билан камолга етди».

«Девони Кабир» ёки «Куллиёти Шамс Табризий» деб аталган шеърини девонининг эронлик румийшунос Бадеъуззамон Фурўзонфар томонидан яратилган мукаммал матнидан 3365 ғазал ва қасида, 15 таржеъ, 1994 рубоий ўрин олган бўлиб, уларнинг умумий миқдори 42 минг байтни ташкил этади. У ғазалларининг ўзида арузнинг 21 та баҳридан фойдаланган. «Бу девоннинг ўн минглаб байтида ошиқу маъшукни бир-биридан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ниҳоятда қудратли бир ишқ қуйланади»<sup>1</sup>.

Жалолиддин Румийга «Маснавийи маънавий» асари жаҳоний шуҳрат келтирди. «Фалсафий-сўфиёна мушоҳадалар, руҳият диалектикасини кашф этиб, инсон ақлини лол қолдирадиган теранлик билан ёзилган «Маснавийи маънавий» (Н. Комилов) шоирнинг энг йирик асари бўлиб, 6 дафтар – 25685 байт (51370 мисра)дан иборат. Ҳар бир дафтарда муаллиф қисқа мукаддимадан сўнг турли-туман ҳикоят ва ривоятлар асосида диний-тасаввуфий, ахлоқий-тарбиявий масалалар хусусида баҳс юритади ва уларни баён этиш асносида қиссадан четга чиқиб, ўзининг бу борадаги қарашларини ифодалаб, панду насиҳатлар қилади, шундан сўнг яна уларни давом эттириб, маъзини чақиб беради, илмий-маърифий аҳамиятини тушунтиради, ҳақ йўлига ҳидоят қилиб, тўғри йўлни кўрсатади, ҳаётини мисоллар, халқона образли ва ҳикматона иборатлар орқали ўқувчи онгига таъсир қилади ва, табиийки, куръоний маънолар, оят ва ҳадислар, пайғамбар ва авлиёларнинг ҳикматли сўзлари мазмунини шарҳлаб ўтади, мавзуга оид бошқа нақлларни ҳам эслаб, қолипловчи

<sup>1</sup> *Муҳаммад Истеъломий*. Илоҳий ишқ куйчиси. 53-бет.

ҳикоя тарзида уларнинг ичига киритиб юборади; баъзида қиссалар бир-бирига шунақанги уланиб кетадики, бу билан «Минг бир кеча»га ўхшаш асарларни эслатиб юборади. Шу тарика, олам ва одам муносабатлари, инсон ҳаёти, турмуш тарзи, туйғу-кечинмалари, қувонч-гашвишлари, муҳаббати ва нафрати билан боғлиқ барча масалаларга у ёки бу даражада муносабат билдиради. Бу муаззам асарда Қуръони каримнинг 70 фоиз маъноси ўз аксини топган, 690 та ҳадисга румиёна шарҳ берилган, 270 та турли мавзудаги ҳикоя ўрин олган. Унинг форсий Қуръон, Маънавият денгизи, Тасаввуф қомуси, Дунёнинг китоби деб улуғланиши шундан. Чунки у Қуръон, Ҳадис, тасаввуф ва ҳаётни, инсон қалби ва феъл-атворини тушуниш учун ўзига хос очкичдир.

Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳусайн Нароқиён «Маснавийи маънавий» биринчи ва иккинчи китобларининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бўлиб ўтган тақдирот маросимида унинг умумбашарий бир хазина эканлиги, чунки у азалий ва абадий бўлган икки масала — ўзликни англаш ва ўзликни топишга бағишланганлигини таъкидлаган эди.

«Маснавийи маънавий»да халқ мақоллари даражасидаги мазмунан теран ва бадиий юксак ҳикматли мисра ва байтларнинг қўплиги шундан — уларни бир ерга йиғиб, мавзусига кўра жойлаштириб чиқса, инсонга Оллоҳни ва ўзини танитадиган, олам ва одам моҳиятини англатадиган, яшаш сир-синоатларини ўргатиб, уни камолот касб этишга йўллайдиган ўзига хос «Ҳикмат китоби» дунёга келади. Бу ҳикматлар Қуръони карим ва Ҳадиси шариф отлиқ мўътабар чашмалардан сув ичгани, қомусий билим ва катта ҳаётий тажриба асосида яратилгани, кундалик турмуш воқеалари асосига қурилгани, халқона соддалик, самимиятга йўғрилгани, юксак бадиияти, хассос руҳи, равонлиги, жарангдорлиги ва таъсирчанлиги билан бутун дунё илму адаб аҳлини ҳайратга солиб келяпти. Чунончи:

Оқил улким, ибрат олгай доимо  
Дўстлари бошига тушганда бало.

\* \* \*

Бу жаҳон — тоғ, феълу атворинг — нидо,  
Ул нидони сенга қайтаргай садо.

Ер ҳалолдир — беҳиёнат ҳар маҳал,  
Экканингни қайтариб бергай тугал.

«Маснавийи маънавий»даги ривоятлар чуқур мазмунга эгаллиги, бир неча талқинга асос бериши, фалсафий-ахлоқий аҳамияти катталиги билан алоҳида ажралиб туради. Чунончи, бир ривоятга кўра, турли шаҳарлардан келиб қолган тўрт киши — форс, турк, юнон ва араб иттифоқо бозор ёнидаги чорраҳада учрашиб қоладилар. Бир олийжаноб киши уларга бир дирҳам садақа қилиб ўтиб кетади. Дирҳам ўртада, чунки унда ҳар бирининг ҳақи бор. Бу пулга бирор егулик сотиб олмоқчи бўладилар. Шунда форс — ангур, турк — узум, юнон — истофил, араб — инаб емоқчилигини айтади. Орада жанжал кўтарилади: тўрталалари ҳам айни бир нарса — узумни хоҳлаётган бўлсалар-да, бир-бирларининг тилларини тушунмаганлари учун ёқа бўғишиб кетадилар.

Мутафаккир шоир ривоятни шундай якунлайди: уларнинг ёнидан бир неча тилни биладиган бирор донишманд инсон ўтганида, ҳаммасининг истаги бир эканлигини тушунган ва қўлларидан пулни олиб, узум келтириб берган ва шу билан жанжалга нуқта қўйган бўлар эди.

Бу ривоятдан биров тил билмаслик кишиларни жаҳолатга етаклайди, бошқа киши кўп тилни билган одам ҳар қандай муаммони осон ҳал қилади, деб хулоса чиқариши мумкин. Унда ихтилофлар аслида моҳиятни тушунмай, сўздаги фарқлар туфайли келиб чиқади, деган чуқур фалсафий ҳикмат ҳам ифодаланган. Йўллар, тиллар, воситалар турли-туман бўлса ҳам, мақсад бир — Худо деган тасаввуфий мазмун ҳам мавжуд. Холбуки, унинг мазмуни янада теран: буюк донишманд аслида инсониятнинг мақсади бир, лекин бир-бирининг тилини тушунмагани учун таллашиб ётибди, деган оламшумул бир фикрни илгари суради.

Маълум бўладики, «Маснавийи маънавий»даги ҳикоят ва ривоятларнинг зоҳирий маъносига эмас, балки ботиний мазмунига диққат қилиш керак, чунки асардаги воқеалар баёнидан мақсад моҳиятни, унга олиб борадиган йўлни кўрсатишдир.

Жалолиддин Румий «Маснавийи маънавий» дебочасидаги 18 мисранигина ўз қўли билан ёзган, қолган

барча асарлари «котиб ул-асрор» деб аталган шогирдлар томонидан ёзиб олинган. Тадқиқотчиларнинг ёзишларича, «Маснавийи маънавий»нинг бутун мазмуни шу 18 мисрада берилган — қолган олти дафтар шу 18 мисранинг шарҳи ва талқинларидан иборат. Агар шу 18 байтни ҳам хулосалайдиган бўлсак, мақсад асарнинг дастлабки икки байтида айтилган:

Тингла найдин, чун хикоят айлагай,  
Айрилиқлардин шикоят айлагай.

«Най — аслидан ажралган рух тимсоли, ошиқ қалб рамзи. У аслига қараб тинимсиз равишда интилади, нола-изтироблар билан ўзлигини ва ўз Раббини англаб боради. Румий бу маънони олам-жаҳон хикоят ва масаллар келтириб, Қуръон оятлари ва ҳадислардан фойдаланиб тушунтириб беради»<sup>1</sup>.

«Фиҳи мо фиҳи» («Ичингдаги ичингдадир») асари Жалолиддин Румийнинг турли муносабатлар билан берилган саволларга жавобларидан иборат. «Фиҳи мо фиҳи»да рух диалектикаси, инсон майллари, тушунча-тасаввурлари, эҳтиёж ва талаблари, изтироб ва қийноқлари, зиддият ва мувофиқликлар, кураш ва ғалаба, йўқлик ва борлик, рўё ва ҳақиқат, жисм ва жон ва ҳоказолар устида билдирилган фикрлар шунчалик чуқур ва шу қадар ёрқинки, бу фикрларни бундан етти юз йил илгари айтилганига ишонқирамай қоласиз»<sup>2</sup>. Бу асар «Маснавийи маънавий»нинг мазмун моҳиятини тушуниш учун ўзига хос калит ҳисобланади.

Мавлононинг ёру дўстлари ва муридларига ёзган 144 та мактубни ўз ичига олган «Макотиб» ёки «Мактубот» номли асари ҳам мавжуд.

Мавлононинг яна бир насрий асари «Мажолиси сабъа» («Етти мажлис») бўлиб, унинг ваъзу нутқларини ўз ичига олган. Етти мажлисдан иборат бу асар мурид ва шогирдлар томонидан ёзиб олиниб, таҳрир қилинган. Унда «ишлатилган наср кўп ҳолатларда санъат ва такаллуф, тушуниш ва дарк этиш анча мушкул ибора ва сўзлар билан безатилган. Аммо у Мавлононинг бошқа асарларига

<sup>1</sup> Комилов Н. Тавҳид асрори. Тошкент, 1999 йил, 30-бет.

<sup>2</sup> Комилов Н. Тафаккур хазинаси // Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадир (У. Абдуваҳоб таржимаси). Тошкент, 1997 йил, 7-бет.



мазмунан яқин бўлиб, «Маснавий»ни англашда ҳам анча ёрдам бериши мумкин»<sup>1</sup>.

Румий ижоди юксак бадиияти билангина эмас, балки мантиқ кучи, фалсафий фикрларга бойлиги билан ҳам катта таъсир қувватига эга. Унинг «мавхум мантиқий категорияларда эмас, балки оташин тимсоллар воситасида талқин» этилган табиат ва жамият ҳодисаларининг доимий ўсиш, ўзгаришда экани, эскининг йўқолиб, янгининг пайдо бўлиши — «дунё зиддиятлар бирлигидаги «жанги»дан иборатлиги тўғрисидаги қарашлари буюк немис файласуфи Гегелнинг эътирофича, унга диалектик метод яратишга ёрдам берган<sup>2</sup>. Ёки улуғ мутафаккир Хусн ва Ишқ тортилиши мисолида биринчи бўлиб оламнинг асосида ўзаро тортишиш кучлари ётиши ҳақидаги фикрни ўртага ташлайдики, мазкур қонуннинг чиндан-да амал қилишини бир неча асрдан кейин инглиз олими Ньютон кашф этди. «Унинг адабий-фалсафий мероси, хусусан, «Маснавий»си XII—XIII асрлардаги тасаввуф тарихи ва фалсафий ақидаларни ўрганиш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга»<sup>3</sup>.

Жалололдин Румий ўзидан кейинги Шарқ ва Ғарб сўз санъатига катта таъсир кўрсатди. Хофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Мирзо Абдулқодир Бедил, Муҳаммад Иқбол каби буюк сўз усталари уни ўзларига устоз деб билишган. Жумладан, Абдурауф Фитрат хассос ўзбек шоири Машрабнинг Румий таъсири остида ижод қилгани<sup>4</sup>, у «қўбрак Жалололдин Румийдаги сўфиёна хаяжонни ўз шеърларида акс эттиришга» тиришганини таъкидлаган эди. Унинг «Мабдаи нур» маснавийси эса «Жалололдин Румийнинг «Маснавий»сига ўзбек тилида шарҳ каби ёзилгандир». Машҳур шоир ва файласуф Иқбол «Ўзлик асрори» ва «Жаброил қаноти» асарларида Мавлонони ўзига пир, йўл кўрсатувчи Хизр деб таърифлайди. Буюк немис шоири ва мутафаккири Хёте Фирдавсий, Анварий,

<sup>1</sup> *Муҳаммад Истеъломи*. Илоҳий ишқ куйчиси. 58-бет.

<sup>2</sup> *Радий Фиш*. Жалололдин Румий. 46-бет.

<sup>3</sup> *Ҳодизода Р. Ҳикояҳои халқи дар «Маснавийи» Румий (Сарсухан) // Жалололдин Румий. Ҳикоятҳои халқии «Маснавий»*. Душанбе, 1963, 5-бет.

<sup>4</sup> *Абдурауф Фитрат*. Машраб // Танланган асарлар. 2-жилд. 97; 98; 102-бетлар.

Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомийлар қаторида Румий ижодини ҳам «Хизр чашмаси» деб атаган. Машҳурликда Фирдавсийнинг «Шохнома»си, Саъдийнинг «Гулистон»и, Ҳофизнинг «Девон»и билан бир қаторда турган «Маснавийи маънавий» инсон маънавий ҳаётининг қомуси сифатида нафақат Шарқда, балки Фарбда ҳам ихлос билан ўрганилган. «Декамерон» асаридаги кўплаб сюжет ва мотивларни Шарқ оғзаки ва ёзма адабиётидан олган Жованни Боккаччо «Маснавийи маънавий»даги қатор ҳикоятлар асосида ҳам новеллалар яратгани маълум.

«Маснавийи маънавий» — энг кўп шарҳ ёзилган асар. Унга шарҳ ёзиш XV асрдан бошланади (Аслида ўз маснавийларида Султон Валад «Маснавийи маънавий»нинг нозик ва мураккаб тушунчалар, сўзлар ва истилоҳларини шарҳлаб ўтишга уринган, лекин кўп нарсаларни тавсифлашга муваффақ бўлмаган. Унинг муриди Аҳмад Румий ҳам асардаги мураккаб сўз ва тушунчаларни шарҳлаш мақсадида қайд ва изоҳлардан иборат тўплам тайёрлайди). Хожа Абулвафо Хоразмий шогирди Камолиддин Ҳусайн Хоразмийни унга шарҳ ёзишга ундайди. Лекин у «Жавоҳир ул-асрор ва завоҳир ул-анвор» («Сирлар жавоҳири ва нурлар товланиши»)да «Маснавийи маънавий»нинг фақат уч дафтарини шарҳлаган. У «Канз ул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи») номли шеърӣ шарҳ ҳам ёзган<sup>1</sup>. Абдурахмон Жомий «Маснавий»нинг дастлабки 18 байти, хусусан, най образини тафсир қилиб, у ёзилган вазнда шеърӣ манзума битади. Доъий Шерозӣ ўз «Ишқнома»сида «Маснавий»дан сўзлайди, ундан иқтибослар келтиради, «Девони Шамс» услубида ғазаллар битади ва «Маснавий»га «Ҳошияи Шох Доъий» номи билан машҳур бўлган шарҳ ёзади. Ҳусайн Воиз Кошифӣ Мавлоно ғоялари ва дунёқарашини янгича талқин қилиб, «Лубби лубоби «Маснавий» деган асарни яратади (яъни «Маснавий» маъноларининг моҳияти»). Машҳур нақшбандия шайхи Яъқуб Чархӣ ҳам асардаги най тимсолини шарҳлаб рисола ёзган. Усмонли турк шоири Мустафо Сурурий «Маснавий»нинг форсий тафсири» номли шарҳ битган. Иброҳим Дада Кўнйавӣ шарҳи ҳам машҳур бўлган. Исмоил Анқаравӣнинг «Фотиҳ ул-абёт»

---

<sup>1</sup> Бу маснавийни Пахлавон Маҳмудга ҳам нисбат берадилар. Лекин у 1967 йили Эронда Маҳмуд Шабустарӣ асари сифатида нашр этилган.

(«Байтлар кашфи») деган тафсири бўлиб, у тафсирга кўшиб, асарнинг ишончли матнини ҳам келтирган. Яна бир илмий тафсир Абдулатиф Аббосийнинг «Латоифи маънавий» («Маънавий нозикликлар») китоби бўлиб, у «Шарҳи абёти мушкил» («Мураккаб байтлар шарҳи»)га таяниб яратилган. XVII аср бошида Туркияда Шамъий томонидан ҳам «Маснавий»га шарҳ ёзилган.

XVIII асрда эса Хожа Айюбнинг «Асрор ул-ғуюб» («Яширин нарсалар сири»), Вали Мухаммад Акбарободийнинг «Шарҳи Маснавий», Абдулали Лакхнавийнинг «Бахр ул-улум» («Илмлар денгизи») каби асарларини «Маснавий»нинг энг муфассал ва қимматли шарҳлари сифатида эътироф этиш лозим. Шайх Одина Хоразмий «Мифтоҳ ул-асрор» («Сирлар калити») шарҳида «Маснавийи маънавий»нинг уч жилдини ирфоний жиҳатдан шарҳлаб беради. XIX асрда Ҳожи Муллоҳоди Сабзаворий машҳур шарҳ ёзган. Бундан ташқари, асарнинг алоҳида ривоятлар ва байтларини шарҳлаб ҳам кўплаб рисола ва манзумалар битилган — бу тафсирлар, шарҳлар, бағишловлар рўйхатининг ўзи бир китоб бўлади.

XIX аср ўрталаридан Румий асарлари ғарб тилларига ҳам таржима қилина бошлади. Жозеф Фон Ҳаммер Пургштал «Маснавийи маънавий»дан парчалар таржима қилиб, «Шарқ дурдоналари» журналида чоп эттиради. «Эрон адабиёти тарихи» китобида шоир ҳақида кенг маълумот беради. Фредриш Рукерт унинг 40 та энг гўзал ғазалини немис тилига таржима қилиб, «Ғазалиёт» номи билан нашр қилади. Бу китоб немис китобхонлари орасида катта шухрат қозонади. Мазкур таржималар билан танишган Гегель ниҳоятда таъсирланиб, уни «олий Румий» деб улуғлайди. «Герман Эте Мавлавийни Шарқнинг энг буюк ориф шоири ва бутун дунёда ваҳдат ул-вужуд фалсафаси бўйича энг буюк шоир деб эълон қилди» (Т. Пурномдориён). Никольсон ўз умрини «Маснавийи маънавий» таржимаси, тадқиқи ва шарҳига бағишлади — унинг нашри ва шарҳи энг ишончли ва машҳур. Арберри «Фихи мо фихи» асарини таржима қилади. Клемен Хуар Мавлоно ҳақида ҳикоя қилувчи Афлокийнинг «Маноқиб ул-орифин» асарини француз тилига ўгиради (1918—1922). Масъинон Мансур Ҳаллож ҳақидаги тадқиқотида Румий ҳақида ҳам муҳим фикрлар билдириб ўтади. Бир неча йил аввал «Маснавийи маънавий»нинг сайланма матни

инглиз тилига ўгирилиб, 250 минг нусхада чоп этилди. «Маснавий»ни турк тилига Сулаймон Нахифий ўз вазнида, Обиддин Пошшо, Валад Узбудак, Митхат Баҳори Байтурлар насрда изоҳли таржима қилганлар. Ашраф ҳинд, Мунший Али ва Юсуф Алишоҳ эса урду тилига ағдарганлар.

Жалолоддин Румий асарлари асрлар давомида ўзбек шоирларига илҳом бериб келган, маснавийхонлик халқимиз ўртасида кенг тарқалган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида «Маснавий маънавий»нинг «юзга яқин қўлёзма ва босма нусхаларининг мавжудлиги»<sup>1</sup> бунинг исботидир. Лекин шўро даврида уни мистик шоир деб эълон қилиб, шундай буюк маънавият дарёсидан, юксак бадийят дунёсидан бебахра яшадик. Бизда Румий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш ўтган аср саксонинчи йилларнинг ўрталарида жамиятимизда вужудга келган эркинлик эпкинлари туфайли таниқли шарқшунос ва адиб Радий Фишнинг «Жалолоддин Румий» деб номланган тарихий-биографик романини таржима қилиш билан бошланди<sup>2</sup>. Шундан кейин форс-тожик адабиёти билимдони, забардаст мутаржим Шоислом Шомухамедов буюк сўз санъаткорининг бир неча ғазал, рубойи ва ҳикоятларини тилимизга ўгирди.

Истиқлол йилларида Жалолоддин Румий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, меросини таржима қилиб, нашр этишда алоҳида давр бошланди дейиш мумкин. Нажмиддин Комилов, Ориф Усмон, Ҳамиджон Ҳомидий, Иброҳим Ҳаққул, Ҳамидулла Болтабоев, Тоҳир Қаҳҳор, Рашид Жумаев каби олимлар бу борада қатор илмий тадқиқотларини эълон қилдилар. Таниқли шоир ва моҳир мутаржим Жамол Камол шоир рубойлари ва маснавийларидан намуналар таржима қилди ва нашр эттирди. Истеъдодли ёзувчи ва таржимон Улуғбек Абдуваҳоб «Фиҳи мо фиҳи» ваъзлар китобини туркча таржимаси орқали ўзбекчалаштирди. Заҳматқаш мутаржим Асқар Маҳкам туркиялик румийшунос олим Обиддин Подшо ва эронлик мавлавийшунос Карим Замонийларнинг шарҳларидан фойдаланган ҳолда,

<sup>1</sup> Ҳасаний М. Улуғ китобнинг улуғ шарҳи // *Шайх Одина Муҳаммад Хоразмий*. Мифтоҳ ул-асрор. Тошкент, 2006 йил, 4-бет.

<sup>2</sup> Қараңг: *Радий Фиш*. Жалолоддин Румий (Русчадан Ж. Камол таржимаси). Тошкент, 1986 йил.

«Маснавийи маънавий» биринчи китобининг бир қисмини ўгирди.

Албатта, бу таржималар ичида Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол томонидан «Маснавийи маънавий» олти китобининг тўла таржима қилиниб, нашр этилиши адабий-маънавий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлди. Асрлар давомида бу муаззам асарнинг фақатгина таърифини эшитиб келган ўзбек ўқувчилари, ниҳоят уни она тилларида ўқиб, буюк маънавият уммонидан баҳраманд бўлиш бахтига эришдилар.

## СОҲИР СЎЗ САНЪАТКОРИ

Амир Хусрав Дехлавий (тўлиқ исми — Яминиддин Абулҳасан Амир Хусрав ибн Амир Сайфиддин Маҳмуд Дехлавий) — машҳур форсийзабон шоир, мутафаккир олим ва бастакор. Кеш (Шаҳрисабз)нинг лочин уруғидан бўлган отаси Сайфуддин Маҳмуд мўғуллар хуружидан қочиб, туркий сулолалар ҳукмронлик қилаётган Ҳиндистонга боради. Дехли султони Шамсуддин Эл-тутмиш хизматига кириб, унинг ҳарбий аъёнларидан бирининг қизига уйланади. Яминиддин 1253 йили Дехли яқинидаги Патёла қалъасида туғилади. 8 ёшида отаси мўғулларга қарши жангда ҳалок бўлиб, ўз даврининг фозил кишилари каторига кирган бобоси Имодулмулк кўлида тарбияланади. Унинг шахс ва шоир сифатида шаклланишида онаси Давлатнозбегимнинг ҳам хизмати катта. Хушхат бўлгани учун хаттот қилиш мақсадида отаси уни дастлаб Қози Саъдуддин Муҳаммад ихтиёрига берган эди. Лекин боланинг шеър ёзишга майли кучли эканини кўрган устози ва бобоси уни шоир Хожа Азизиддин тарбиясига топширадилар. Ёшлигидан алоҳида қобилияти билан ажралиб турган Яминиддин ўша замоннинг асосий фанлари бўйича кенг ва чуқур билим олиб, турк, форс, араб ва хинд тилларини мукаммал ўзлаштиради. Шоир, олим, бастакор сифатида танилган Хусрав Дехлавий сарой хизматида жалб қилинади. У ўз ҳаёти давомида 9 та ҳукмдорни кўриб, шулардан 7 таси ҳузурида хизмат қилган. Носириддин Буғрохон, Муизиддин Кайкубод, Жалолиддин Ферузшоҳ, Алоуддин Хилжий, Қутбиддин Муборакшоҳ, Фиёсиддин Туғлуқ шулар жумласидандир. Хусусан, Жалолиддин Ферузшоҳ

даврида у юқори мансабга кўтарилиб, Амир унвонига сазовор бўлган. У Ҳасан Дехлавий билан биргаликда беш йил Мултонда — Муҳаммадкоон саройида ҳам хизмат қилади. Улар 1285 йили Султоннинг мўғулларга қарши урушида қатнашиб, асир ҳам тушадилар, лекин қандайдир тасодиф туфайли қутулиб қолишади. Ўзининг маълумот беришича, шоирнинг беш ўғил, бир қизи бўлиб, улар орасида Малик Аҳмадгина фазлу адаби билан ўз даврида эътибор қозонган. Хусрав Дехлавий умрининг охирида сарой хизматини тарк этиб, чиштия тариқатининг машхур шайхларидан Низомиддин Авлиёга мурид тушади, тариқат босқичларини босиб ўтиб, валиюллоҳ мақомига эришади.

Хусрав Дехлавий ўзининг туркий насаби билан ҳамшиша фахрланган, шеърларида бу ҳақда қайта-қайта ғурурланиб ёзган, Хиндистон ҳам уни Туркистон ўлкасининг бир фозил ўғлони сифатида қабул қилган. Пири муршиди Шайх Низомиддин Авлиё ҳам уни «Туркуллоҳ» — «Оллоҳ яратган турк» сифати билан улуғлайди. Шайх айтар эканки: «Қиёмат куни ҳар киши бир нима билан фахр этади. Мен эса ана шу турк — Хусрав кўксининг куюги билан фахрланаман!»

Алишер Навоий ҳам Амир Хусрав Дехлавийни «Насо-йим ул-муҳаббат» асарида авлиёлар қаторида тилга олади. Унинг ишқу муҳаббат маслагидан баҳраварлиги ва бағоят важду ҳоллик экани шеърларидан билиниб туришини таъкидлайди. Навоий таъбири билан айтганда, у устози ҳамроҳлигида «таййи арз тариқи била» муборак ҳаж ибодатини адо этиб қайтган. Тушида беш марта Муҳаммад алайҳиссаломни кўрган. У ҳатто Хизр алайҳиссаломни ҳам туш кўриб, ўз оғзига муборак оғзининг сувини солишини сўрайди. Лекин Хизр бу давлат Саъдийга муяссар бўлганини айтади. Бундан Шайх Саъдийнинг шеъриятдаги мақоми қанчалик юксаклиги англашилади. Амир Хусрав бу жавобдан маълул бўлиб, кўрганларини устозига баён қилади. Шайх Низомиддин Авлиё ўз оғзининг сувини шоирнинг оғзига солади ва унинг баракатидан Хусрав олий маънавий даражаларга етади.

«Махбуб ул-қулуб»да эса «ишқ аҳли гуруҳининг покбози ва покрави» деб лутф этган.

У Низомиддин Авлиёнинг оёқ томонига дафн этилган.

Хусрав Дехлавий ижодининг илк босқичида Султоний тахаллуси билан қалам тебратган. Дехлида яшагани учун

кейин Дехлавий тахаллусини олади. Ўз таъбири билан айтганда, «сут тишлари тўкила бошлаган» гўдаклигидан шеърга алоҳида майл кўргазган. Бу сермахсул шоир Шарқ адабиётининг деярли барча жанрларида ўз кучини синаб кўриб, форсий шеърятни тараққиёт босқичига олиб чиқди. У нафақат шеърӣ, балки насрий асарлар ҳам ёзган. Бойсунғур Мирзо «Амир Хусрав шеърларини жамлашда кўп саъй-ҳаракатлар қилди ва ўша пайтда 120 минг байтдан зиёдроқ шеъри тўпланди. Кейинчалик, (Амир) Хусрав ғазалларидан девонига кирмаган икки минг байтни топдилар. Таҳқиқ қилиб кўрдиларки, Амир Хусравнинг барча шеърларини тўплаш амримахолдир. Шу сабабдан, бу ишни тўхтатган эканлар. (Лекин) Амир Хусрав, рисолаларидан бирида ёзганки, менинг шеърларим 500 минг байтдан камроқ, 400 минг байтдан ортиқроқ, деб»<sup>1</sup>. У жами 99 та асар ижод қилган дейишади. Форсийдан ташқари, урду, хинд ва араб тилларида ҳам асарлар ёзган.

Сермахсул ҳаёти давомида яратган улкан шеърӣ меросини умр фасллариға мослаб, 5 девон тартиб берган шоир Шарқ адабиётида девон тузиш анъанасини бошлаб берди. Кейинчалик Жомий ва Навоий ўзларининг буюк салафлари анъанасини давом эттириб, девонларини шу тартибда туздилар. Бу девонлар «Тухфат ус-сиғар» («Ёшлик тухфаси»), «Васат ул-ҳаёт» («Умр ўртаси»), «Фуррат ул-камол» («Камолот ибтидоси»), «Бақияи нақия» («Сараларнинг сараси»), «Ниҳоят ул-камол» («Камолот ниҳояси») деб аталиб, умумий ҳажми 32645 байт. Шоирнинг 2000 дан ортиқ ғазал, 273 қасида, 20 га яқин маснавий, 1200 дан зиёд рубоий, 500 тача қитъа ва бошқа жанрлардаги асарлари ушбу девонлардан ўрин олган. У ғазалда Саъдий, қасидада Санойӣ, Анварий, Ҳоконий, дostonнависликда Низомийни ўзига устоз деб билган.

Низомий Ганжавий «Хамса»сига жавоб ёзиш билан хамсанавислик анъанасини бошлаб берган. Унинг 1299—1302 йилларда ёзилиб, Алоуддин Хилжийга бағишланган «Хамса»си қуйидаги дostonларни ўз ичига олади: «Матлаъ ул-анвор» («Нурларнинг чиқиш жойи»), «Ширин ва Хусрав», «Мажнун ва Лайли», «Оинаи Искандарий»

<sup>1</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. 88-бет.

(«Искандар ойинаси»), «Ҳашт бихишт» («Саккиз жаннат»). У Низомий дostonларининг шакли ва сюжети, образларнинг силсиласини сақлаган ҳолда, уларни ўзига хос талқин этди ва янги мазмун билан бойитди. Низомий дostonлари шоир дунёқарашининг кенглиги ва билимининг теранлигини намоиш этса, Хусрав Дехлавий, «Хамса»си руҳият теранлиги ва қалб бойлигини кўз-кўз қилади. Низомий дostonларида тафаккур ва туйғу омехталигининг ажойиб нисбатини кўрсак, Хусрав Дехлавий «Хамса»сида инсон қалбининг нозик тебранишлари ва бадиият уйғунлигининг ҳассос ва гўзал тасвирларига дуч келамиз. Айнан санъатқорона ишланганлиги учун ҳам Хусрав Дехлавий «Хамса»си ўзидан кейинги шоирларга кучли таъсир кўрсатди. Халафлари ғоя ва мазмунда Низомийга эргашсалар ҳам, шакл ва бадииятда Хусрав Дехлавийга издошлик қилдилар. Жомийнинг «Баҳористон»да этироф этишича, ҳеч ким Низомий «Хамса»сига Хусрав Дехлавийдан ўтказиб жавоб ёзолмаган.

«Амирзода Бойсункур Амир Хусрав «Хамса»сини шайх Низомий «Хамса»сидан ортиқ кўрар эди, маърифатли ҳокон Улуғбек кўрагон буни қабул этмас ва шайх Низомийга эргашарди. Шу даъво туфайли, ҳар иккала фозил подшо ўртасида кўп бор тортишувлар бўлиб, ҳар бирлари бир шоирга ҳомийлик этар эдилар»<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, у «Қирон ус-саъдайн» («Икки саодатли сайёранинг учрашуви»), «Мифтоҳ ул-футуҳ» («Ғалабалар калити»), «Дувалроний ва Хизрхон», «Нўҳ сипехр» («Тўққиз фалак»), «Тўғлуқнома» дostonларини ҳам ёзган. Беш рисоладан иборат «Эъжози Хусравий» («Хусрав мўъжизаси») насрий асари эса адабиёт назарияси масалаларидан баҳс этади. Унинг «Маноқиби Ҳинд» («Ҳинд маноқиби») ва «Тарихи Дехли» («Дехли тарихи») номли тарихий асарлар ёзганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бўлса-да, улар ҳозирча топилган эмас. Ўз даврининг нуктадон ва машҳур бастакори сифатида мусиқага бағишлаб ёзган рисоласи ҳам бизгача етиб келмаган. Кўплаб куйларни унга нисбат берадилар.

Хусрав Дехлавий ўз асарларида барча замонлар учун муҳим бўлган кўплаб ижтимоий-ахлоқий масалаларни бадиий талқин қилган. Одил подшо орзуси, давлат

<sup>1</sup> *Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. 88-бет.*



мустаҳкамлиги ва мамлакат фаровонлиги, раият тинчлиги, маърифат тантанаси, комил инсон муаммоси каби ғоялар шоир асарларининг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Шоирнинг илоҳий ва дунёвий ишқ авж пардаларда тараннум этилган, эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва жаҳолат, қаноат ва тама, саҳийлик ва баҳиллик, дўстлик ва душманлик, тўғрилиқ ва эгрилик, халқпарварлик ва худбинлик, камтарлик ва такаббурлик, самимият ва риёкорлик сингари азалий ва абадий мавзулар ҳассослик билан юксак бадиият риштасига тизилган асарлари асарлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмай, билъақс, борган сари кенгроқ ўқувчилар оммасининг эстетик эҳтиёжини қондириб, маънавий дунёсини бойитиб келмоқда. Бадиий сўзнинг бекиёс қудратини намоён қилган бебаҳо асарлари ижод аҳли учун буюк маҳорат мактаби ҳисобланади. Шаклан гўзал ва мазмунан теранлиги, жўшқин руҳи, жозиб оҳанги ва юксак бадиияти шоир асарларининг кенг шухрат қозониши ва абадиятини таъминлаган омиллар сирасига киради. Катта ҳаётий тажриба ва юксак бадиий маҳорат, бекиёс самимият ва теран фалсафий мазмун, нафис шакл ва оҳорли ташбеҳлар, шоирона шавқу завқ, муסיқийлик ва таъсирчанлик ажиб бир тарзда уйғунлашиб кетганлиги жиҳатидан шеърлари халқ мақол-маталлари каби жаранглайдиган ҳикматларга бойлиги туфайли Хусрав Дехлавий ҳам Саъдийга ўхшаб ахлоқ муаллими сифатида улуғланади.

Хусрав Дехлавий ўзидан кейинги Шарқ адабиётига кучли таъсир ўтказган машҳур сўз санъаткорлари жумласига киради. Шоир асарлари ўзбек халқи орасида ҳам кенг тарқалган, «Хамса»си ва девонлари қўлёзмаси кўплаб кўчирилган. Хусусан, XV аср Ҳирот адабий муҳитида у жуда машҳур бўлган. Ҳусайн Бойқаро Хусрав Дехлавийнинг 18 минг байтдан иборат мухтасар девонини кўчиртирган. Самарқанд ва Тошкентдаги шеъроят мухлислари орасида ҳам шоир ижоди баҳсу мунозара объектига айланган. Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида 1515—1525 йилларда Тошкентдаги адабий давраларда Хусрав Дехлавий ижоди хусусида қизгин тортишувлар бўлиб турганлиги хусусида ёзган. Навоий ўз «Хамса»сини яратишда Низомий билан бир қаторда, Хусрав Дехлавийдан ҳам кучли таъсирланган, ҳар бир достони мукаддимасида уни устозлари қаторида эҳтиром

билан тилга олиб, ижодига юксак баҳо берган. «Девони Фоний»да 32 та ғазалига татаббуъ битиб, унинг таврида бир ғазал ёзган. Фалсафий-тасаввуфий мавзудаги «Дарёи аброр» («Пок кишилар дарёси») қасидасига жавобан «Тухфат ул-афкор» («Тафаккур тухфаси») қасидасини яратган. Огаҳий «Ҳашт биҳишт» достонини насрда ўгирган. Кейинги даврда шоир асарларини Васфий, Чустий, Ш. Шомухамедов, Ж. Камол, Н. Мухаммад, Ж. Сувонқулов, Э. Очиллов каби таржимонлар таржима қилганлар. Ш. Шомухамедов, М. Имомназаров, Х. Ҳомидий, М. Бақоев, Б. Мусаев, И. Низомиддинов, Ж. Мирсаидов, М. Кенжабек, Г. Тўйчиева, Ф. Низомовалар шоир ҳаёти ва ижоди юзасидан турли даражада тадқиқотлар олиб борганлар. Шоир асарларидан намуналар ўзбек тилида бир неча марта чоп этилган.

Хусрав Дехлавий арузнинг кўпроқ кенг тарқалган энгил ва машҳур вазнларида содда тил ва равон услубда шаклан гўзал ва мазмунан теран ғазаллар ёзиб шуҳрат қозонди. Бу ғазаллар ўзининг муסיқийлиги ва жўшқинлиги, таъсирчанлиги, оҳорли ташбеҳу тимсолларга бойлиги билан ўқувчини мафтун этади. Уларда одамийлик, ҳаётсеварлик, ишқу ошиқлик, инсоний комиллик масалалари, дўстлик, мардлик, тўғрилиқ, поклик, ҳалоллик, эзгулик, саховат улугланиб, жаҳолат, разолат, ҳасад, бахиллик, бевафолик, тамагирлик, риёкорлик, каби иллатлар қораланади. Маънавий-ахлоқий масалалар шоир ижодининг ўқ илдизини ташкил этади.

Албатта, барча шоирларда бўлгани каби, тақдир, замон ва одамлардан шикоят оҳанглари унинг ҳам ижодида етакчи ўрин тутаяди. Мутаассиб диндорлар, тамагир шайху уламолар ҳам бу танқиддан четда қолмайдилар. Чунончи:

Сад жоҳил дар лоф, ки фарзанди фалонам,  
В-аз илм ба жуз жуббаву дастор наёби.  
В-он козиё, к-ў гўяд: «Фарзанди расулам»,  
Жуз хўрдани ришват дигараш кор наёби.

Мазмуни: «Юз жоҳил мен фалончининг фарзандиман деб, лоф уради, холбуки, эғнидаги тўну салладан бўлак илми йўқ. «Мен расулнинг фарзандиман» деган қозининг порахўрликдан бошқа иши йўқ».

Хусусан, молу дунё ва унга ҳарисликни шоир қаттиқ қоралайди. Ахир, бу дунёда яшашдан мақсад камолот

касб этиш ва ўзидан яхши ном қолдиришдир — молу дунё йиғиш эмас:

Марост сад хунару нест зар — бад-ин айбам,  
Агар ту таъна зани, беҳунар нахоҳам шуд.  
Агар насиби харон аст дар жаҳон зару мол,  
Ман аз барои зару мол хар нахоҳам шуд.

Мазмуни: «Менинг юз фазилатим бору лекин бойлигим йўқ — айбим фақат шу. Бунинг учун сен таъна қилганинг билан мен фазилатсиз бўлиб қолмайман. Молу дунё бу ўткинчи жаҳонда эшакларнинг насибасидир. Мен молу дунё йиғаман деб эшакка айланишни хоҳламайман».

Бу — молу дунёга етолмаган аламзада фақир кишининг эмас, балки бутун умр ҳукмдорлар саройида юксак лавозимларда хизмат қилган, моддий жиҳатдан ҳеч қандай муаммолари бўлмаган ўзига тўқ инсоннинг фикрлари эканлиги билан ҳам диққатга сазовор. Умрининг охирида у бор давлатини чиштия тариқатининг машҳур шайхи Низомиддин Авлиё пойига нисор қилиб, ўзи унга мурид тушади — сўфиёна риёзат боскичларини босиб ўтади ва шоҳона Хусрав исмидан воз кечиб, фақирларга хос Муҳаммад Косалес номини олади.

Бошқа бир шеърида бахил кимсаларни мазаммат қилиб айтадики, ҳаётингни хушу хурсандликда ўтказиш ўрнига, наmunча машаққат чекиб, мол йиғасан — бутун умринг мол йиғиш билан ўтди, энди уни гўрингда еб ётмоқчимисан:

Аё марди ҳарис, дар хушдили кўш,  
Чи дар банди зариву ранжи омон?  
Ба жамъи мол чун умрат ҳама рафт,  
Магар дар гўр хохи хўрд ин мол?!

«Искандар ойинаси» достонида илму хунарни улуғлаб, хунарманд гадо хунарсиз шаҳзодадан афзалдир дейди:

Гадое, ки ҳаст аз хунар баҳравар,  
Беҳ аз подшоҳзодаи беҳунар.

Шоир ижодида дўстликни улуғловчи гўзал ва мазмунли сатрларга ҳам кўп дуч келамиз. Жумладан, «Ширин ва Хусрав»да ўқиймиз:

Касеро дўст бояд гуфту хамдам,  
Ки бошад хамдам андар шодиву ғам.

На ёр ағьёр гў онро, ки ҳар бор,  
Ба шоди ёр бошад, дар ғам ағьёр.

Мазмуни: «Шодлик ва ғамда бирдай ёнингда бўлган кишини дўсту ҳамдам дейиш мумкин. Шод дамларингда ҳамдаму кайғули кунларингда душман бўлган одамни дўст эмас, душман ҳисобла».

Инсон ҳаётининг маъноси хусусида «кўп ва хўп» ёзган, уни камолот касб этиш, ўзидан яхши ном қолдиришга даъват этиб келган шоир, жумладан, бу дунёда шундай яшаки, ўзинг учун абадий ҳаётни таъминла, дейди:

Чунон кун зиндағони дар замона,  
Ки аз вай зинда мони жовидона.

Мевали бир шох мевасиз мингта боғдан афзалдир, деб шоир кишиларни фойдали меҳнат билан шуғулланиш, ҳаётини самарали ўтказишга чақиради:

Як шох, ки мевае диҳад тар,  
Беҳтар зи ҳазор боғи бебар.

Хусрав Дехлавий туғма шавқу завқ соҳиби бўлган — шоирнинг ҳассос шеърляти шундан далолат беради.

## **САЙФИ САРОЙИ — «ГУЛИСТОН» ТАРЖИМОНИ**

XIV аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири Сайфи Саройи 1321 йили Хоразмнинг Қамишли деган жойида ҳунарманд-қуролсоз оиласида дунёга келади. Бошланғич таълимни ўз қишлоғида олган бўлажак шоир таҳсилни давом эттириш учун Олтин Ўрданинг маркази — Сарой шаҳрига боради. Бу ерда у ўз даврининг барча илмларини эгаллайди, истеъдодли шоир сифатида танилади. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади:

Қамишли юрт менинг тувғон элимди,  
Билинг, ғурбатга келтурган билимди.  
Келиб бўлдум Саройда шеър фидойи,  
Саройнинг шоири, элнинг гадойи.

Амир Темур ва Тўхтамиш ўртасидаги ўзаро урушлар туфайли Олтин Ўрдада вужудга келган нотинчлик сабабидан у аввал Эрон, кейин Туркияга боради, сўнг Мисрга ўтиб, турғун бўлиб қолади — 1396 йили шу ерда вафот этади.

«Тазкираи Қайюмий»да у ҳақда шундай қисқа маълумот берилди:

«Бу киши Олтун Ўрдали шоирлардан бўлуб, Олтун Ўрданинг пойтахти бўлмиш Сарой шахрида нашъу намо этмишдур. Муҳаммад Ўзбекхоннинг ўғли Жонибек замонида бўлмишдур»<sup>1</sup>.

Ўз даврининг фозил олими ва етук шоири бўлган Сайфи Саройи форс-тожик ва араб тилларини мукаммал билган. Мавлоно Қози Муҳсин, Мавлоно Исҳоқ, Мавлоно Имом Мавлавий, Аҳмадхожа ас-Саройи каби шоирлар билан якин бўлиб, шеърӣ мушоиралар қилган.

Сайфи Саройидан бизга 10 дан ортиқ ғазал, 2 қасида, 2 китъа, икки байт шеър, «Сухайл ва Гулдурсун» достони (82 байт) ҳамда «Гулистон бит-туркий» номи билан таржима қилинган Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асари таржимаси етиб келган. Бу мерос Ўзбекистонда 3 март — 1968, 1973 ва 1986 йилларда нашр этилган. Насрулло Даврон Сайфи Саройи ижоди бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Сайфи Саройининг ўз замони шоирларини танқид қилиб, уларга баҳо бериб ёзган қуйидаги шеърӣ машҳур:

Жаҳон шоирлари, эй гулшани боғ,  
Кими булбулдурур сўзда, кими зоғ.

Кими тўти бикин чайнар шакарни,  
Кими лафзи билан ўртар дурарни.

Кимининг сўзлари мавзуну ширин,  
Кимининг лойиқи ташрифу таҳсин.

Кими ўзганинг ашъорин меним дер,  
Кими ҳалво киби шалғам чўбин ер.

Кими маъни қўюб, лафзин тузотур,  
Кими вазнин бузуб, санъат кузотур.

Аларнинг ўш бири Сайфи Саройи,  
Жаҳон орифларининг хоки пойи.

Ани сен жумла шоир камтари бил,  
Қамар юзга ҳамиша муштари бил.

Бу шеърда турли йўналишдаги шоирларга баҳо берилиши баробарида, шеърятнинг асл мазмун-моҳиятига

<sup>1</sup> Пўлотжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. Уч китобдан иборат. 1-китоб. Тошкент, 1998 йил, 19-бет.

хам ишора қилинади. Унда шеърят бўстонида булбуллар билан бирга, зоғлар ҳам борлиги, бировнинг лафзи ширин, бировнинг нафаси хассос, бировнинг услуби гўзал, бировнинг иши нукул мадҳу сано ўқиш эканлиги, биров адабий ўғрилиқ билан шуғулланишию ўзганинг гул билан хаснинг фарқига бормаслиги — чуқур мазмун, турли маъно товланишларига эга, латиф ва гўзал сўзлар ўрнига, пуч, енгил, курук сўзларни ишлатиши, қофиябозлик, сўзбозликка ружуъ кўйиши, бири маъно қолиб, ташқи ялтироқликка интилса, бошқаси вазни санъатларга қурбон қилиши, қисқаси, замон шоирларига берилган тавсиф мавжуд. Бундай шоирлар ва шоирнамолар ҳамма замонларда ҳам фаолият кўрсатган. Бинобарин, адабиёт яшар экан, шоирлар бор экан, Сайфи Саройининг ушбу шеъри ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Сайфи Саройи оддий ва содда халқона тилда, енгил ва равон услубда ижод қилган. Шоир шеърлари нозик кузатишлар, охорли ҳаётий ташбеҳларга бой. Талмех, тазод, таносиб, ирсоли масал, тажнис, ташхис, муболаға, лутф каби шеърий санъатларидан маҳорат билан фойдаланганини кўрамиз. Чунончи, кўнглининг ақлига бўйсунмай, гўзалларга ошиқ бўлиши, уни ўз ҳолига қўймаслигидан нолиб ёзган «кўнгил» радифли ғазалида муфтини чақириб, қозихонага бориб, сен билан можаро қилиб, орани очик қилиб олмасак бўлмайди, дейди:

Қози эви не ерда, ажаб муфти қайдадур?  
Қилгай эдим сенинг била хуш можаро, кўнгул.

Қароқчи сахрода — ҳеч ким йўқ ерда кишиларнинг бошига бало солса, сенинг кўзларинг элнинг ичиди — хамманинг кўз олдида жонларга бало солади:

Қароқчи бало қилса туз ёзида,  
Қилур доим элда бало кўзларинг.

Бошқа бир ўринда маъшуқа сув ичганда дудоғидан томчи томган ерда қанду шакар битади, деб муболаға қилади:

Сув ичканда дудоғингдан сув томса,  
Битар қанду шакар ул ерда доим.

Шоир маъшуқасининг гўзаллигини кучли муболаға, юксак таъриф билан баланд пардаларда тараннум этади.

Дунё аҳли ҳар тонг аслида сенинг ой юзингни томоша қилиш учун уйғонади. Эртаю кеч хаёлинг кўзимдан кетгани туфайли қаёққа қарамай, фақат сенинг жамолингни кўраман, деб лутф қилади:

Ҳақ сунъи, ой юзунгни қилмоқ учун тамошо  
Ҳар субҳидам қопунгда халки жаҳон кўрунур.  
Эртаю кеч кўзумдан кетмас учун хаёлинг,  
Не ерга боксам, анда ҳуснунг аён кўрунур.

Сайфи Саройи назми сенинг ҳуснунг таърифига бағишланганлиги учун ҳам хамиша элнинг тилидан тушмайди, барча маъкул ва марғуб деб билади, дейди ғазал мақтаёсида:

Сайфи Саройи назми ҳуснунг сифоти бирла  
Доим бу эл тилинда хуш дилситон кўрунур.

Маълумки, туркий шеъриятда ёзилиши бир хилу маъноси ҳар хил сўзлар — омонимлар асосида тажнис санъати яратиш кенг тарқалган. Сайфи Саройи ижодида ҳам тажниснинг гўзал намуналарини кўрамиз:

Бу фалак невчун мени доим қаро қинда тутар?  
Бу отим Сайф ўлдуғучунми қаро қинда тутар?  
Қанда бир эрдам эри бўлса, они кўздин солиб,  
Текма бир эрдамсиз эрни кўз қароқинда тутар.

Ғазалда қоронғи зиндон, қора қин (ғилоф) ва кўз маъносидаги «қароқин» сўзидан маҳорат билан фойдаланилган: биринчи мисрада у қоронғи зиндон, иккинчи мисрада — қора қин (Чунки шоирнинг исми Сайф — қилич маъносини билдиради), тўртинчи мисрада — қорачиқ маъноларида келган.

Қуйидаги байтда эса тотор — тотмоқ ва тотор — мўғул қавми воситасида тажнис санъати яратилган. Маълумки, мўғулларни тотор ҳам деганлар. Маъшуқанинг ошиқ конини тўқувчи кўзлари ҳам қанчадан-қанча элларга қирғин солган шафқатсиз мўғулларга нисбат берилмоқда:

Асли олчин, сўзлари чин, кўзлари тотор эрур,  
Минг яшар ҳар ким дудоғи шарбатин тотор эрур.

Сайфи Саройининг мана бу ғазали ҳам шаклан гўзал, ҳам мазмунан теран, ҳам бадий юксаклиги жиҳатидан машҳур:

Топулмас ҳусн мулкинда сенга тенг бир қамар манзар,  
На манзар — манзари шохид, на шохид — шохиди дилбар.

Бу кун Юсуф жамолини қилибтур Ҳақ сенга бахшиш,  
На бахшиш — бахшиши давлат, на давлат — давлати мафхар.

Сўзунг дурру жавохирдур кўнгуллар ганжина лойик,  
На лойик — лойики хисрав, на хисрав — хисрави кишвар.

Шакардан тотлидур хулкунг, карамда хотиринг матлаб,  
На матлаб — матлаби маъдан, на маъдан — маъдани жавхар.

Зиҳи давлатли ошиқким, сенинг бирлан қилур ишрат,  
На ишрат — ишрати жаннат, на жаннат — жаннати кавсар.

Бу ҳуснунг шавқи-завқинда кўнгил тўтилари тобти,  
На тобти — тобти хуш лаззат, на лаззат — лаззати шаккар.

Жамолинг нақшина Сайфи Саройи боғлади сурат,  
На сурат — сурати ҳусно, на ҳусно — ҳусни жонпарвар.

«Сухайл ва Гулдурсун» достонида Олтин Ўрда хони Тўхтамишнинг ўғли Сухайл билан Темурнинг қизи Гулдурсун ўртасидаги севги саргузаштини тасвирлаган. Хоразм учун бўлган урушда Тўхтамиш енгилиб, ўғли асир тушади. Уни зиндонга соладилар. Сухайл Гулдурсунни тушида кўриб, севиб қолган эди. Дугоналари билан сайр қилиб юрган Сухайлни кўриб, кўнглида ишқ уйғонади. Зиндонбонни рози қилиб, Сухайлни қутқаради. Ошиқ-маъшуклар қочадилар. Лекин кимсасиз саҳрода очлик ва ташналикдан ҳалок бўладилар. Достонда ёзги саҳро — дўзахга, ташналикдан жон берган Гулдурсун сувсизликдан қуриган илдизга ўхшатилади:

Алар кўп юрди-ю, саҳроға кирди,  
Гунашдин саҳро узра дўзах эрди.  
У ёлғиз саҳро ичра қолди ёлғиз,  
Бўлуб ташна қуруб қолғонтек илдиз.

Гулдурсуннинг Сухайлни кўриб, боши айланишини ернинг куёш атрофида айланишига ўхшатади:

Сухайлни кўрди-ю, айланди биртек,  
Кунаш гирдинда юрган мисли ертак.

Достонда шоир ўзи туғилиб ўсган Хоразм заминини жаннатга қиёслайди:



Бўлиб мутриб гулистонларда булбул,  
Қилур минг турли нағма бирла гул-гул.  
Бошин эгмиш етиб олтун бошоқлар,  
Бошоқларни экинчилар машоқлар.

Йиғор дон эл учун шундай экинчи,  
Эрур бор экмакидин дур илинжи.  
Оғочларда шакар текин емишлар,  
Бу ерни эллари учмоқ демишлар.

Сайфи Саройи «Гулистон» асарини 1390—1391 йилларда Мисрда таржима қилади. Бу форс-тожик адабиётидан амалга оширилган илк таржима эканлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. «Гулистон бит-туркий» ягона нусхада етиб келган. Асар ҳозирги кунда Голландиянинг Лейден кутубхонасида 1553 рақами остида сақланади. Қўлёзма XX аср аввалларидан ўрганила бошлаган. 1954 йили турк олими Фаридиддин Нафис Ўзлук унинг факсимил нусхасини нашр эттирган.

Саъдийнинг «Гулистон» асари асрлар давомида Шарк мамлакатларида мадрасаларда асосий дарсликлардан бири сифатида ўқитилиб келгани маълум. Сайфи Саройи дўстлари ва маслакдошларининг даъватига кўра уни ўзбек тилининг қипчоқ шеvasида таржима қилади. У асарнинг аслини айтарли сақлаб қолган, айни пайтда, аслиятдан бир қадар чекинган. Бу давр омили билан ҳам боғлиқ: ўрта асрларда таржимага эркин ёндашилган — таржимоннинг асарни қисқартириши, ўзгартириши, ҳатто қўшимча қилиши табиий ҳол ҳисобланган. Сайфи Саройи ҳам таржима жараёнида «Гулистон»даги айрим парчаларни тушириб қолдиради, баъзи шеърларини ижодий қайта ишлайди, ўзининг ва замондош шоирларнинг баъзи шеърларини киритади, айримларини таржима қилмай, ўзича қолдиради. Шунга қарамай, таржима муваффақиятли чиққан ҳамда асрлар мобайнида туркий халқларни Саъдий ижоди билан таништириш ва донишманд шоирнинг маънавий-ахлоқий қарашларини тарғиб қилишда муҳим роль ўйнаган.

Ўзи ҳам даврининг баркамол шоири бўлган Сайфи Саройи «Гулистон» таркибида келган шеърлар таржимасида алоҳида маҳорат кўрсатган. Чунончи, қуйидаги байт таржимасида вазн ўзгарган бўлса-да, мазмун аслиятга ҳамоҳанг:

Хумой бар ҳама мурғон аз он шараф дорад,  
Ки устухон хўраду жонвар наёзорад.

Хумой ул иш билан топти шарафким,  
Сўнгатк еб, жонвор инжитмиши йўк.

Албатта, Сайфи Саройи «Гулистон»нинг насрий қисмини ҳам катта маҳорат, шоирона ҳассослик билан таржима қилган. Жумладан: «...дах дарвеш дар гилеме бихусбанд ва ду подшоҳ дар икклиме нагунжанд»:

Сигар бир хужрага ўн икки меҳмон,  
Бир икклима сиғишмас икки султон.

Бир ғазалида шоир менинг сўзимни ориф — доно кишилар кадрлайдилар ва қимматбаҳо дур каби доим қулоқларига иладилар, деган эди:

Сўзларимнинг жавҳарин ориф кўруб, кадрин билиб,  
Кўп баҳоли дур бикин доим қулокинда тутар.

Бу сўзларда муболага йўқ. Бизгача етиб келган мўъжаз мероси ҳам Сайфи Саройининг забардаст сўз устаси эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

## МОҲИР МУТАРЖИМ

XIII—XIV асрлар Шарқ халқлари ўртасида маданий-адабий алоқалар кучайган давр ҳисобланади. Қутб Хоразмийнинг Низомий Ганжавий «Хамса»сига кирган «Хусрав ва Ширин» достонини таржима қилиши, Ҳайдар Хоразмийнинг Низомий «Махзан ул-асрор»и жавобида «Гулшан ул-асрор» достонини яратиши, Сайфи Саройи Шайх Саъдийнинг машҳур «Гулистон» асарини «Гулистон бит-туркий» номи билан ўзбекчалаштириши бунинг ёрқин далилидир.

Низомийнинг «Хусрав ва Ширин» достони таржимаси (1340—41) билан машҳур бўлган ва шу орқали ўзбек мумтоз адабиётидан ўзига муносиб ўрин эгаллаган Қутб Хоразмийнинг таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар деярли сақланиб қолмаган. Фақат «Хусрав ва Ширин» таржимаси муқаддимасидаги шоир ҳаёти ва фаолиятига оид айрим ишоралардан унинг XIV асрнинг ўрталарида яшаб ўтгани, Хоразмда туғилиб, шу ерда бошланғич маълумот олгани, Шарқ адабиётидан хабардор бўлгани,

кейин Оқ Ўрданинг «Сигноқ шаҳрига бориб, дostonни шу ерда таржима қилгани англашилади. Шеърлар машқ қилиб, маҳорати ошган ва шоирликда шуҳрат пайдо қилган Қутб Хоразмий асари таржимасига узок тайёргарлик кўради. Лекин фақирликда яшагани учун ҳам «Хусрав ва Ширин»дек кўп вақт ва машаққатни талаб қиладиган катта ҳажмдаги дostonни ўзи таржима қилишига кўзи етмай, Олтин Ўрда хони Муҳаммад Ўзбекхон (1312—1340) нинг Оқ Ўрдадаги ноиби бўлиб турган шахзода Тинибек (1340—1342) ҳузурига ёрдам сўраб боради. Шон-шуҳратларини янада ошириш ва тарих зарварақларида абадий қолиш мақсадида Тинибек ва унинг давлат ишларида фаол кўмакчиси бўлган хотини Қутбни илиқ кутиб оладилар ва ижод қилиши учун барча шарт-шароитни яратиб берадилар.

Қутб дoston таржимасини Оқ Ўрданинг ўзида бошлаб юборади. Малика мадҳида битилган қуйидаги байт шундан далолат беради:

Жамилахон мулки ул бахт улки,  
Оқ Ўрду давлати ул бахт улки.

Қутб ўз дostonида Маликанинг «ҳар ишни тарозида ўлчаб, зехн билан фикр юритувчи оқила, комила» аёл сифатида мадҳ этиб, уни дoston қахрамони Ширинга киёс қилади ва бу билан унинг давлат ишларидаги фаол иштирокини кўрсатади.

Қутб каламига мансуб «Хусрав ва Ширин» таржимаси бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган озарбайжон олими А.Тоҳиржонов у 1330—1336 йилларда яратилган, деган фикрни илгари суради. Лекин Олтин Ўрдадаги нотинч ва пароканда вазият бу ерда илм-маданиятнинг ривожланишига йўл бермади, кўпгина олиму адиблар ижод учун тинч жой қидириб, бошқа мамлакатларга кетиб қолдилар. «Хусрав ва Ширин» ҳам кенг тарқалмай, шуҳрат қозонолмади. Сайфи Саройи Мисрга бориб, муқим бўлиб қолгани ва шу ерда Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» асарини таржима қилганидек, Қутб Хоразмийнинг «Хусрав ва Ширин» дostonи таржимаси ҳам амир Қутлу Хўжанинг тавсияси билан 1383—1384 йилларда Мисрда Берка Фақиҳ ибни Бароказ Эдгу Қинчоқий томонидан кўчирилади. Бу қўлёзма 1914 йили Париж Миллий кутубхонасидан

(инв. № 312) топилиб, илмий муомалага киритилади ва шарқшунослар ўртасида машхур бўлиб кетади. 1940 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш комитети томонидан асарнинг фотонусхаси олинди, Ходи Зариф уни нашрга тайёрлаган. Бу нусха ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида сақланади. 1958 йилда поляк шарқшуноси А. Зайончковский таржимани факсимиле ва транскрипцияси билан Варшавада нашр эттирган.

Қўлёзма 120 varaқ (240 бет) бўлиб, 4750 байтни ўз ичига олади. Шундан 4685 байти Қутб қаламига мансуб бўлиб, қолгани котиб томонидан қўшилган. Достон 91 бобдан иборат. Ҳолбуки, Низомий достони 102 боб бўлиб, 6 мингдан ортиқроқ байтни ўз ичига олади. Таржимон аслият мазмунини, сюжетини сақлаб қолиш билан бирга, уни анча эркин таржима қилади, ўз даврига мослаштиради. Ўша даврда бадиий таржима принциплари шундай бўлиб, таржимон таржимани ижодий иш санаб, унга хоҳлаганча ўзгартиришлар киритиши мумкин бўлган. Жумладан, Қутб ҳам асар муқаддимасига «Шаҳзода Тинибекхон мадҳи», «Малика марҳума Хонмалик мадҳи», «Китоб назм қилмоққа сабаби баён аюр» бобларини қўшади. Айни пайтда, достоннинг умумий сюжетига алоқасиз ҳисоблаганидан бўлса керак, «Чихил қисса аз «Калила ва Димна» («Калила ва Димна»дан қирқ қисса»), «Натижаи афсонаи Хусрав ва Ширин» («Хусрав ва Ширин афсонасининг натижаси»), «Меърожи Муҳаммад» («Муҳаммад меърожи»), «Дар насихати фарзанди худ Муҳаммад» («Ўз фарзандим Муҳаммадга насихат баёнида») каби қатор бобларни қисқартиради, айрим бобларни ихчамлаштириб, бир-бирига қўшиб юборади. Лекин «Қутб таржима қилганда воқеа ва сюжетни қисқартирмайди, балки буларга халал етказмайдиган даражада бобларни бир-бирига қўшган, аниқроғи, бобларнинг номларини ўзгартирган, холос. Масалан, аслиятдаги: «53-боб. Огоҳ шудани Хусрав аз ҳоли Фарҳод», «54-боб. Талаб кардани Хусрав Фарҳод», «55-боб. Мунозараи Хусрав бо Фарҳод» деган уч бобни Қутб икки бобга келтирган: «52-боб. Хусрав Фарҳод бирла мунозара қилиб, Фарҳод тоғ қазимоклиқи сўзи». Лекин шу икки бобда аслиятдаги уч бобнинг мазмуни, воқеа ва сюжети тўла

берилган, хатто уч бобнинг сатрлар сони ҳам сақланган»<sup>1</sup>.

Қутб Низомий достонидаги XII аср ҳаётига оид айрим лавҳаларни тушириб қолдиради, қискартиради ёки таҳрир қилади, уларнинг ўрнига Олтин Ўрда ҳаётига доир воқеаларни киритади. Натижада, Содир Эркинов таъбири билан айтганда: «Достон билан танишган ўқувчи кўз ўнгида сосоний давлатининг манзаралари эмас, кўпинча Олтин Ўрда ҳаётини эслатувчи тафсилотлар, Ўрта Осиё халқларининг урф-одатлари, турмуш йўсинларини англатувчи мисралар диққатни тортади. Сарой ва у ердаги расм-русумлар, кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги ахлоқ-одоб қоидалари бевосита Қутбнинг ўзи яшаган турмуш шароитини эслатиб туради»<sup>2</sup>. Қутб Низомий достонидаги давлатлар ва мамлакатлар номини ҳам ўзига танишлари билан алмаштиради. Ёки Хусрав суҳбатида Хуросон беклари иштирок этадилар. «Агар Низомий айрим бобларнинг хулосасида лирик хотима тарзида ўзига мурожаат этса, Қутб бундай ўринларда ҳикоя қилинаётган воқеадан олган таассуротлари асосида ўзининг шахсий хиссиётини баён этади:

Қайт, Қутб, онча эмгатма ўзунгни,  
Хикоят бошла, қўй ўтмас сўзунгни»<sup>3</sup>.

Албатта, таржимада вазний сакталиклар, қофия бузилишлари ҳам мавжудки, уларни «Қутб қаламига мансуб дейишдан кўра, котибга нисбат бериш маъқулроқ бўлади»<sup>4</sup>.

Достонни эркин таржима қилгани ҳақида шоирнинг ўзи муқаддимада шундай деган эди:

Низомий назми янглиғ тут сўзунгни,  
Анин билгут хонингга бу ўзунгни...

Қазонтек кайнаб-уш савдо пишурдум,  
Низомий болидин халво пишурдим.

<sup>1</sup> Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. Тошкент, 1965 йил, 46–47-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 1-жилд. Тошкент, 1977 йил, 211–212-бетлар.

<sup>3</sup> Ўша ерда. 212-бет.

<sup>4</sup> Ўша ерда. 218-бет.

Ҳар қандай етук таржима ҳам аслиятнинг ўрнини босолмайди. Шунинг учун ҳам Қутб ўз таржимасини Низомий болидан пиширилган ҳалво деб атайди.

Қутб Низомий достони асосида ўзбекча дoston яратиш ва унинг воситасида ўзбек тилининг бой имкониятларини намоён қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди ва у буни муваффақият билан уддалайди. Бу таржима ўша давр ўзбек тилини ўрганиш учун муҳим манба бўлибгина қолмай, балки ўзбек адабий тили ва адабиётининг тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнади. Маҳорат билан назм силкига терилган ҳассос мисралар Қутбнинг ўзбек тилининг катта билимдони бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, отасининг тахтини эгаллаган Хусравга Ширин насиҳатлар тўла мактуб йўллайди. Мактуб Қутб томонидан катта маҳорат билан таржима қилинганки, у таржима эмас, балки ўзбек тилида ёзилгандай таассурот қолдиради:

Укуш эл қарғишин олма, соқинғил,  
Раййат асрамоқ яхши эрур, бил.  
Қаю хондин раййат бўлса озор,  
Темишларким, қолур ёлғуз бўлуб хор.  
Сан ўз фойданг учун бир пандим олғил:  
Раййатга зулм қилма, адл қил.

Қутб таржимасини Низомий достони билан қиёслар экан, мутаржимнинг шеърӣ салoҳияти баландлиги ва у аслиятга қойилмақом таржима яратиб, «Низомий панжасига панжа» ура олганлигини кўрамыз. Мисол тариқасида, Хусрав ва Фарҳод мунозарасидан бир парча келтирайлик:

Нахустин бор гуфташ, к: «Аз кужои?  
Бигуфт: Аз дори мулки ошнои.  
Бигуфт: Он жо ба санъат дар чи кўшанд?  
Бигуфт: Андух харанду жон фурўшанд.  
Бигуфт: Жонфурўши дар адаб нест,  
Бигуфт: Аз ишқбозон ин ажаб нест...

Таржимаси:

Бурун сўрди: не ерликсан тею сан?  
Айитгиким: ошиқлар шаҳриданман.  
Айитти: анда не санъат қилурлар?  
Айитти: жон сотиб, қазғу олурлар.  
Айитти: жонни сотмоқлик хато ул,  
Айитти: ишқ йўлинда ҳам раво ул.

Бу мунозарани ўқир экансиз, Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Хусрав ва Фарҳод мунозараси тасаввурингизда жонланади. Бадиий баркамоллиги, равон ва жарангдорлиги жиҳатидан у Навоий достонидаги мунозарадан қолишмайди.

Қатор байт ва мисраларнинг ўзбек тилида ҳам мақол ё ҳикмат каби жаранглаши Қутбнинг Низомий асари таржимасида чиндан ҳам машаққат чекиб, маҳорат кўрсатганлигини тасдиқлайди:

Хунар кўргил, айб кўргунча зинҳор,  
Чечак тер боққа кирсанг, олмағил хор.

\* \* \*

Ажаб шахсе эрур бу одамизод,  
Бўлур мум одами илгинда пўлод.

\* \* \*

Тиласанг иззат, барча элга бўл ёр,  
Соқингил, қилма кўн эл кўнглин озор.

Маълумки, ўзбек тилида омоним сўзлар кўплиги жиҳатидан мумтоз шеърятимизда тажнис санъати ривожланган. «Хусрав ва Ширин» достони таржимасида Қутб ўзбек тилининг ушбу имкониятларидан ҳам маҳорат билан фойдаланади:

Отин охурда боғлаб, бердилар ўт  
Вале Ширин юракинда ёнар ўт.

Бу ерда ўт сўзи ўсимлик ва олов маъноларида келиб, тажнис санъатини ҳосил қилган. Мана бу байтда эса эл сўзи юрт ва қўл маъноларида келади:

Чнкардинг хийла бирла ўз элимдин,  
Бирокгим тахту тожимни элимдин.

Низомийнинг «Хусрав ва Ширин»идек бадиий юксак ва салмоқли асарни таржима қилиш катта истеъдод ва филологик тайёргарликни талаб қилиши шубҳасиз. Қутб ўзбек тилининг бой имкониятларидан маҳорат билан фойдаланиб, дostonни равон услубда, содда ва тушунарли тилда таржима қилади, «унда тушуниш қийин бўлган арабча, форсча сўзлар кам, бўлганлари ҳам халқ дилига сингиб кетган сўзлардир. Таржимада шундай иборалар, ифодалар борки, гўё улар ҳозирги замонамизда, шу кеча-кундузда, бу куннинг адабий тилида ёзилганга ўхшаб

кетади»<sup>1</sup>. Таржимада Хоразм шеvasига хос сўзлар кўп учрайди: учак (том), экинчи (деҳқон), копу (эшик), кулан (теша), ал (қўл), ғоли (гилам), узокитек (аввалгидек) ва ҳоказо. Айни пайтда, Қутб Низомийнинг мураккаб байт ва мисраларини кўпинча атай соддалаштириб таржима қилади:

Фасихе, к-ў сухан чу об туфти,  
Сухан бо ў бо сутурлоб бигуфти, —

байти таржимасида устурлоб сўзини ташлаб кетади:

Фасихеким, равон сўз сўзлар эрди,  
Сўзин андин уёлиб гезлар эрди.

Қуйидаги тўрт мисра эса Қутб таржимасида бир байтга айланган:

Чу омад зулфи шаб дар атрсои,  
Ба торики фуру шуд рўшнои.  
Бурун омад зи парда сеҳрсозе,  
Шашандозе ба жои шишабозе.

Таржимаси:

Нетакким, сочти тун зулфи йипори,  
Қоронғуликқа кирди тун хисори.

Қутбнинг «Хусрав ва Ширин»и ўзбек адабиётида маснавийнинг «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-хақойиқ»дан кейинги нодир намунасидир. У дostonни ўз вазнида — ҳазажи мусаддаси максур (махзүф)да таржима қилади. «Хусрав ва Ширин» ўзбек эпик шеърятни таракқиётида ҳам, бадний таржимачилик ривожидида ҳам алоҳида ўрни тутди.

## ФУТУВВАТ АҲЛИНИНГ ПЕШВОСИ

Хоразм деганда, кўз олдингизга Муҳаммад Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Замахшарий каби турли фанларнинг асосчилари бўлмиш улуғ алломалар, Нажмиддин Кубро, Пахлавон Маҳмуд, Абулвафо Хоразмийдек мусулмон оламида машхур авлиёлар, Носируддин Рабғузий, Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий сингари ҳассос адиб ва шоирлар келади.

<sup>1</sup> Шарипов Ж. Ўзбекистонда таржима тарихидан. 42-бет.



Хоразмнинг буюк маънавий тоғларидан бири — Пурёйвалий номи билан шуҳрат тутган. енгилмас паҳлавон, хассос шоир ва машҳур авлиё Паҳлавон Маҳмуд XIII аср ўрталарида туғилган. Унинг отаси асли кўхна урганчлик бўлиб, мўғуллар кулини кўкка совурган она шахрини тарк этиб, Хивага паноҳ излаб келаётганида йўлда хотинининг кўзи ёрийди. Болага Маҳмуд деб исм қўядилар. У жисмонан бақувват, ақлан етук, маънавий-ахлоқий жиҳатдан баркамол инсон бўлиб етишади. Айниқса, унинг паҳлавонлиги овозаси узоқ-узоқларгача кетган эди. Эрон, Ҳиндистон каби кўплаб Шарқ мамлакатларидаги кураш мусобақаларида қатнашиб, ҳамиша зафар кучган, бир умр кураги ерга тегмай, юртнинг биринчи рақамли полвони, паҳлавонлар пешвоси бўлган.

«Паҳлавон Маҳмуд шоир сифатида XIV—XV асрлардаёқ машҳур бўлиб, XV—XX асрлар мобайнида тузилган энг машҳур тазкира ва қомусларда шоир ва паҳлавон сифатида қайд этилган»<sup>1</sup>, «унинг шахси ҳақида гап борганда, ҳар доим Хоразмдан етишиб чиққан атоқли паҳлавон, курашчиларнинг устози ва пири эканлиги таъкиланган»<sup>2</sup> ига қарамай, ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотларнинг етарли эмаслиги, асарларининг тўлиқ етиб келмаганлиги мукамал таржимаи ҳоли ва ижодий қиёфасини яратишга имкон бермаяпти. Тазкиралардаги маълумотлар ниҳоятда қисқа, бунинг устига, кўпинча бир-бирини такрорлайди ва баъзида бир-бирига зид келади.

«Паҳлавон Маҳмуднинг номига ҳамиша бир-икки лақаб тиркаб айтилади. Уни Хоразмда «Паҳлавон Маҳмуд», «Полвоншир» десалар, тарих ва тазкира китобларида «Ҳазрат Паҳлавон», «Маҳмуд Пирёвали», «Маҳмуд Пурёйвалий» деб тилга олинади. «Оташкада» ва «Қомус ул-аълум»да эса, Паҳлавон Маҳмудни жанговар, жангжўй, ҳарбий, урушқоқ маъносида Қитолний лақабни билан тилга оладилар»<sup>3</sup>.

«Ғиёс ул-луғот»да ёзилишича: «Пурёйвалий — Паҳлавон Маҳмуд Хоразмийнинг лақабни бўлиб, бу сўз баъзан

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида баъзи мулоҳазалар // «Ўзбек тили ва адабиёти», 1971 йил, 2-сон, 20-бет.

<sup>2</sup> Исҳоқов Ё. Паҳлавон Маҳмуд // Ўзбек адабиёти тарихи. Беш жилдлик. 1-жилд. Тошкент, 1977 йил, 168-бет.

<sup>3</sup> Жалолов Т. Паҳлавон Маҳмуд (Пурёйвалий). Сўзбоши // Паҳлавон Маҳмуд. Рубоийлар (Ўзбек ва форс тилларида). Тошкент, 1979 йил, 27-бет.

зўрхона<sup>1</sup> паҳлавонларининг сардори, кураш санъатининг устаси бўлган паҳлавонларга нисбатан ҳам қўлланилади. Зўрхонага киришдан аввал хар қандай курашчи Паҳлавон Маҳмуд хоки пойини тавоф қилади. Шу жихатдан, Пурёйвалий сўзини азиз ва мукаррам маъносида ҳам истифода этадилар». Ёқубжон Исҳоқовнинг ёзишича, бундай лақаб жавонмардлар жамоасининг бошлиғига берилган. Маҳмуд Пурёйвалий сифатида тилга олиниши унинг чиндан ҳам жавонмардлар пешвоси бўлганлигини тасдиқлайди. Бу ном шоирнинг қатор рубоийларида ҳам тахаллус бўлиб келади.

Паҳлавон Маҳмудга нисбат берилган Пирёрвалий, Пурёйвалий лақаблари унинг тасаввуфдаги мақоми билан боғлиқ бўлиб, чунончи, шоир ҳаёти ва адабий мероси бўйича номзодлик диссертацияси ҳимоя қилган Жасурбек Маҳмудовнинг ёзишича: «Ўз нафсини енгган авлиё сифатида Паҳлавон Маҳмудга «ёрлар — рижол ул-ғайблар ўғли» маъносини берувчи Пурёрвалий лақаби берилган. Тарикатда юксак мақомларга эришганидан «Қутб ул-ақтоб» сифатига эга бўлган авлиё ҳисобланган». Олимнинг текширишларига кўра, Қитолий тахаллуси қадимий тазкираларнинг бирортасида учрамайди, бу тахминий ва ўйлаб топилган исм бўлиб, фақат кейинги асрларга мансуб манбаларда келтирилади. Ҳолбуки, Қитолий лақаби унинг паҳлавонлиги билан боғлиқ бўлса керак: хар қандай рақибнинг курагини ерга теккизадиган, бас келиб бўлмас курашчи, кучли жангчи маъносида Қитолий лақабини олган бўлиши мумкин. Шунингдек, унга нисбат берилган Пуриё, Пурбой, Бекёр, Букиёр, Буриёр, Пакаёр каби лақаблар ҳам китобдан-китобга кўчиб юрса-да, уларнинг кўпи тайинли асосга эга эмас.

Паҳлавон Маҳмуд елкаси ерга тегмаган курашчи бўлишига қарамай, полвонликни касбга айлантирмаган, балки салафлари анъанасини давом эттирган ва пўстиндўзлик, телпақдўзлик билан шуғулланиб тирикчилик ўтказган. Воқеан, бирор-бир ҳунари бўлмаган киши жавонмардлар жамоасига қабул қилинмаган. Паҳлавон Маҳмуд кураш тушиб топган пуллари, олган тухфаларини эса бева-бечораларга улашган. Нақл қилишларича, у

---

<sup>1</sup> *Зўрхона* — полвонларнинг машқ ўтказадиган хонаси. Бу сўз паҳлавонлар уюнимаси, иттифоқи маъносида ҳам ишлатилади.

хатто бир бурда нон топса, шуни ҳам ғарибу бенаволар билан баҳам кўрган.

Паҳлавон Маҳмуд 1326 (баъзи манбаларга кўра 1322) йилда вафот этади. Васиятига кўра шогирдлари уни ўзининг пўстиндўзлик дўкони жойлашган ерга дафн этганлар. Кейинчалик у қабр устига мақбара тикланиб, авлиё пойига Қўнғирот уруғидан бўлган Хива хонлари кўмилган. Мақбаранинг қурилиши 1810 йилда Муҳаммад Раҳимхон томонидан бошланиб, 1835 йилда уни Оллоқулихон охирига етказган.

У мўғулларга қарши муҳорабада шаҳид кетган юртдошлари қабри устида ўз ҳисобидан мақбара бунёд этган эди. Асрлар ўтиб, шоир ва авлиёнинг ўз қабри ҳам халқ учун саждагоҳга айланди. Абулғозихон, Шохниёзхон, Муҳаммад Раҳимхон I, Темурғозихон каби Хоразм хонлари ўз васиятларига кўра Паҳлавон Маҳмуд мақбараси пойида дафн этилганлар. Паҳлавон Маҳмуднинг ҳамюрти ва шеърларининг таржимони бўлган истеъдодли шоир Матназар Абдулҳакимнинг образли сўзлари билан айтганда: «Ул зот бу даражага ҳеч қачон тирмашмаган, бу даражадан ҳеч қачон тушмаган, балки бу даражада мангу барқарор сиймодир. Паҳлавон Маҳмуд ўзини мискин ва ғарибларнинг оёғи остига ташлаб яшади, шу боисдан ҳам ҳукмдорлар ўзларини шоирнинг пойига дафн этишларини васият этиб, ватанимиздан элга қилган-қилмаган зулмлари учун мангу кечирим сўраб ётибдилар».

Бу мақбара нодир меъморчилиги ёдгорлиги сифатида, мана неча асрдирки, барчанинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Мақбара деворларига, пештоқларига ориф шоир рубойлари дарж этилган. Дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар бу буюк инсоннинг қабрини зиёрат қиладилар, ундан рухий қувват ва маънавий мадад оладилар.

XX асрда Паҳлавон Маҳмуд шахси билан дастлаб тарихчи, археолог, санъатшунос ва элшунослар қизиқдилар – улар Хивадаги Паҳлавон Маҳмуд мақбарасини ўрганиш асносида унда ётган машҳур зот ҳаёти ва фаолияти хусусида ҳам мухтасар маълумот бериб ўтганлар. Чунончи, атоқли археолог олим Яхё Фуломов «Хива шаҳрининг осори атиқалари» китобида бу буюк ватандошимиз ҳақида фикр юритар экан, жумладан, Паҳлавон Маҳмуд гумбазининг Хива хонлигида қадимдан машҳур

ва мукаддаслиги, у кўнфирот сулоласидан бўлган хонлар хилхонаси ҳисобланиши, унда дафн этилган табаррук инсон файласуф шоир ва забардаст паҳлавон сифатида донг таратганлиги, форс тилида асосан рубоийлардан иборат шеърлар тўплами мавжудлиги, бу рубоийларда у машхур Эрон шоири Умар Хайёмга эргашганлиги, манбалар унинг «Канз ул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи») номли маснавийси ҳам борлигидан хабар беришлари, Пирёрвали ёки Маҳмуди Пирёрвали номи билан шухрат қозонганлиги ҳақида тўхталиб, учта рубоийсини намуна сифатида келтиради.

Санъатшунослар Г.А. Пугаченкова, Л.И. Ремпеллар ҳам «Ўзбекистоннинг машхур архитектура ёдгорликлари» китобларида Паҳлавон Маҳмуд гумбази хусусида сўз юритар эканлар, унда дафн этилган зот ҳақида ҳам баъзи маълумотларни берадилар. Чунончи, Ичан қалъанинг шарқий дарвозаси (Паҳлавон дарвоза) ва шаҳарни таъминлайдиган энг катта анҳор ҳам (Паҳлавон ёп) Паҳлавон Маҳмуд номи билан аталишини ёзадилар. Лекин давр мафкураси таъсирида улар томонидан бу табаррук зот шахсига салбий баҳо бериш тамойили кўзга ташланади.

«Хоразм тарихи» китобида ҳам Паҳлавон Маҳмуд гумбази ҳақида маълумот берилар экан, унда «XIV асрнинг таниқли маҳаллий шоири» дафн қилингани айтилади.

Хоразмда яратилган кўплаб ривоятларда Паҳлавон Маҳмуд афсонавий халқ қаҳрамони, кашфу каромат соҳиби бўлган улуғ авлиё, енгилмас паҳлавон ва донишманд маънавий йўлбошчи сифатида талқин қилинади.

Ўзбекистонда Паҳлавон Маҳмуд ҳақида сўз кетгудай бўлса, барчанинг кўз олдига таниқли адабиётшунос олим ва мохир мутаржим Тўхтасин Жалолов келади. Бу бежиз эмас. Чунки у ўзбек халқини Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижоди билан биринчи бўлиб таништирди. У улуғ ватандошимиз қаламига мансуб рубоийларни излаб топди, таржима қилиб нашр этди. Шоир ҳаёти ва фаолияти ҳақида материаллар тўплаб, Паҳлавон Маҳмуд таржимаи холини бир қадар ойдинлаштирди. Қалби Она Ватан, унинг муаззам тарихи, буюк фарзандларига муҳаббат туйғуси билан тўлиб-тошган бу нажиб инсоннинг саъй-ҳаракати билан 1962 йилда ўзбек ўқувчилари шоирнинг 56 та рубоийси, мухтасар таржимаи холи билан танишишга муваффақ бўлдилар. Паҳлавон Маҳмуднинг 1979 йилда

чоп этилган китобида эса бу рубойлар адади 117 тага етказилиб, уларни Т. Жалоловдан ташқари Муинзода, Васфий, Улфат, Боқир каби унинг сафдошлари ҳам таржима қилганлар. Тўпламда рубойларнинг форсча асл матни ҳам берилган, шунингдек, Т. Жалоловнинг «Шоир меросини излаб», «Мардлик ва одамийлик тароналари», «Сайёр рубойлар хусусида» номли мақолалари ҳам илова қилинган бўлиб, улар Паҳлавон Маҳмуднинг ҳаёт ва ижод йўлидан баҳс этади.

Кейинги йилларда Паҳлавон Маҳмуднинг ҳамюрти, истеъдодли шоир ва мутаржим Матназар Абдулҳаким унинг бирмунча тўлиқ рубойлари қўлёзмасини топиб, таржима қилди ва «Ким агар озоддур» номи билан чоп эттирди (1992). Тўпламдан шоирнинг 332 рубойиси ўрин олган. Бу шоир меросини излаб топиб, халққа имкон қадар тўлароқ етказиш йўлидаги навбатдаги қадамдир.

Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижоди кейин ҳам адабиётшунослар, шарқшунослар ва файласуфлар эътиборини тортиб, уларнинг авлиё шоирга бағишланган мақолалари пайдо бўлди. Хусусан, Ёқубжон Исҳоқов «Паҳлавон Маҳмуд ҳақида баъзи мулоҳазалар» номли салмоқли мақоласида шоир рубойларини у мансуб футувват таълимоти ғоялари, талаб-қоидалари нуқтаи назаридан текширади, унинг дунёқарашини оидинлаштиришга ҳаракат қилади.

«Халқ орасида кенг тарқалиб, Паҳлавон Маҳмудга шоир сифатида шуҳрат келтирган асарлар унинг рубойларидир. Паҳлавон рубойларининг умумий сони аниқ эмас. Чунки ҳозирга қадар шоир рубойларини ўз ичига олган бирорта қадимги қўлёзма топилганича йўқ. Паҳлавон рубойларидан ташкил топган қўлёзмаларнинг (бизга маълумлари, албатта) деярли барчаси XIX асрда кўчирилган бўлиб, уларнинг таркибига бошқа шоирларнинг кўплаб форсий рубойлари ҳам кириб қолган. Шунинг учун улар орасидан Паҳлавон қаламига мансуб шеърларни ажратиш олиш катта илмий-тадқиқотни талаб қилади»<sup>1</sup>.

Паҳлавон ота манокбида ҳам айтиладики: «Ҳар вақт рубой тасниф қилур эрдилар. Рубойлари ҳар вилоятда

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Паҳлавон Маҳмуд // Ўзбек адабиёти тарихи. 1-жилд. 169-бет.

машхуртурур. Хусусан, Хоразм диёри била Хиндистон билодида машхуру маъруфтурур ва яна аксар кўбтурур».

Н. Маллаев, Х. Хомидий, Н. Комилов, Х. Исломиий, М. Ҳасаний, С.С. Бухорий, Й. Жумабоев, М. Абдулҳақимлар ҳам Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва ижоди юзасидан у ёки бу даражада тадқиқотлар олиб борганлар. Ж. Маҳмудовнинг «Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросининг матний тадқиқи» мавзуидаги номзодлик диссертацияси бу борадаги изланишлар сирасига киради дейиш мумкин. У Паҳлавон Маҳмуд таржимаи ҳолининг очиқ қолган саҳифаларини тўлдириш, унинг тасаввуф ва тариқатларга алоқаси билан боғлиқ қатор масалаларни тадқиқ этибгина қолмай, шоир шеърларини мавзусига кўра тасниф қилади, уларни ғоявий-бадиий жиҳатдан таҳлил этади. Шунингдек, у Паҳлавон Маҳмуднинг 110 та рубойисини аниқлайди ва унга нисбат берилган «Канз ул-ҳақойиқ» маснавийсидан парча, бир неча қитъа ва фардлар яъни шоирнинг 480 мисра шеърини тўплаган.

Деярли барча манбаларда унинг «Канз ул-ҳақойиқ» номли маснавийси борлиги айтилади ва ундан парчалар келтирилади. Лекин Т. Жалоловнинг маълумот беришича, эронлик олим Саййид Муҳаммад Али Сафир 1967 йилда уни Маҳмуд Шабустарийга нисбат бериб нашр эттирган. Кейинги тадқиқотлардан маълум бўлишича, у Маҳмуд Шабустарийнинг «Гулшани роз» маснавийсидан 17 йил олдин ёзилган. «Афтидан, шу асар Паҳлавон Маҳмудники бўлса керак. Чунки ҳар икки шоир ҳам бир даврда яшаган. Бироқ бирорта манба Шабустарий шундай ном билан асар ёзганлигини зикр этмайди, балки ҳамма муаллифлар Паҳлавон Маҳмуд «Канз ул-ҳақойиқ» номли асар ёзганлигини таъкидлайди»<sup>1</sup>.

«Зоҳирий ва ботиний гўзалликка» («Субҳи гулшан») бағишланган бу асар файласуф шоир диний-дидактик қарашларининг поэтик ифодасидир.

«Канз ул-ҳақойиқ» тасаввуф масалаларидан шеърий тил билан муҳокама юритишга бағишланган фалсафий маснавийлар жумласидан бўлиб, кўп ўринда муаллиф ўз мулоҳазаларини кичик ҳикоя ва ривоятлар билан асослашга ҳаракат қилади. Шу жиҳатдан у тасаввуф поэзиясининг атоқли вакиллари Жалололдин Румий ва

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида баъзи мулоҳазалар. 21-бет.

Фариддин Аттор анъаналари заминиди яратилган ўзига хос фалсафий-дидактик поэма ҳисобланади»<sup>1</sup>. «Пахлавон Маҳмуд дин назарияси, фикҳ, фалсафа ва мантиққа оид бир неча рисоалар ёзган»<sup>2</sup> бўлса-да, улар ҳозиргача топилган эмас.

Маълумки, буюк инсонларнинг ҳаёти ҳамиша ривоят ва афсоналарга боғланган бўлади. Пахлавон Маҳмуд таржимаи холи ҳам бундан мустасно эмас. У ҳақда кўпроқ валий зотлар ва тариқат пирлари ҳаёти ва кашфу кароматларига бағишланган тазкираларда маълумот берилиши ҳам бунинг ёрқин далили: Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари»), Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳийнинг «Мажолис ул-ушшоқ» («Ошиқлар мажлиси»), Фаҳриддин Али Сафийнинг «Латойиф ут-тавойиф» («Латофатнома»), Жаъфар Бадахшийнинг «Хулосат ул-манокиб» («Манокиблар қаймоғи»), Оллоҳёр Маҳзуннинг «Риёз уз-зокирин» («Зикр айтувчилар боғи»), Ризоқулихон Ҳидоятнинг «Сафарномаи Хоразм» («Хоразм сафарномаси»), Саййид Али Ҳасанхоннинг «Субҳи гулшан» («Гулшан тонги»), Лутф Алибек Озарнинг «Оташқадаи Озарий» («Озарий оташқадаси»), Офтоброй Лақнавийнинг «Риёз ул-орифин» («Орифлар боғи»), Шамсиддин Сомибекнинг «Комус ул-аълум» («Атоқли кишилар қомуси»), Муҳаммад Али Табризийнинг «Райҳонат ул-адаб» («Адаб райҳонлари»), Муҳаммад Фиёсиддиннинг «Фиёс ул-луғот» («Фиёс луғати»), Али Акбар Деххудонинг «Луғатномаи Деххудо» («Деххудо луғатномаси»), «Фарҳанги Муъин» («Муъин луғати») каби машҳур тазкира ва луғатларда зикри келганлиги, «Пахлавон ота ҳикоятлари» манокибининг яратилганлиги Пахлавон Маҳмуднинг мусулмон Шарқда машҳур комил шайхлардан бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да уни таниқли авлиёлар ва тариқат пирлари қаторида зикр этиб, камоли ихлос билан ёзади: «Хевақдиндур ва лақаби машҳур Пурёрға. Баъзи Паккаёр дебдурлар, аммо хевақлик кишидин таҳқиқ ва тасҳиҳ қилилди — Паккаёрға қарор топти, яъни барчаға ёр. Ёр қассобнинг ўғлидур. Курашчиликда саромад бўлуб, азим шуҳрат тутубдур. Яшурун сулук ва риёзати ҳам

<sup>1</sup> Исҳоқов Е. Пахлавон Маҳмуд. 169-бет.

<sup>2</sup> Ҳомидий Х. Кўхна Шарқ дарғалари. 173-бет.

бор эмиш, андоқки, файз оламиндин кўнглига чошни етган эрмиш. Таъби ҳам хўб эрмиш ва назм айтур эрмиш».

«Паҳлавон ота ҳикоятлари» номли манокибда Паҳлавон Маҳмуд авлиёлар султони, тақводорлар суянчи, валийлар пешвоси, олам шайхларининг шайхи, Одам авлодининг паҳлавони, Хоразмнинг ҳомийси, ҳодийси, йўлбошчиси ва пешвоси, Оллоҳнинг суюқлиси, тақводорлар султони ва поктийнатлар сарвари, авлиёлар авлиёси каби сифатлар билан улуғланади ҳамда у шоир ва авлиёга бағишланган шеърӣ мадҳ билан яқунланадики, бу ерда ундан бир парча келтирамиз:

Бу Хоразм диёри муктадоси,  
Хама оламни пешвоси.  
Тамоми авлиёлар сарваридур,  
Тамоми асфиёлар беҳтаридур.  
Худо рўзи азалда паҳлавони,  
Азалда айлагандир карвони.  
Ано корнида бўлмиш авлиёе,  
Ано батнида бўлмиш пешвое.  
Хама Хоразм элининг шоҳи улдур,  
Хама дармондалар огоҳи улдур.

Гарчи Шарқда қалам аҳли мақтовларга саҳий бўлса-да, ҳамма ҳам бундай таърифу тавсифларга лойиқ кўрилавермаган.

Паҳлавон Маҳмуднинг тасаввуфга муносабати ва қайси тариқатга мансублиги ҳам алоҳида тадқиқот мавзӯи ҳисобланади. Кейинги изланишлардан маълум бўлишича, Паҳлавон Маҳмуднинг отаси ҳам тасаввуф аҳлидан бўлиб, Нажмиддин Кубронинг халифаларидан ҳисобланган. Пир-ёрвалий ва Паккаёр қассоб номлари билан машҳур бўлган. Чунончи, тазкираларда шундай ривоят келтирилади:

«Ул ҳазратни (Паҳлавон Маҳмудни — Э.О.) увайсий дерлар ва ҳам уммий, яъни модарзод авлиёи Оллоҳлардин дерлар... Шайх Нажмиддин Кубро Хивакдин Кўҳна Урганчга кетганларидан сўнг аҳли Хивак: «Пирим, бизларни бесару сомон қилиб кетдингиз», — деб кўп бетоқат бўлдилар. Кубро ҳазратлари: «Сизларга бир улуғ пир юборурмиз», — деб ваъда қиладилар. Шул важҳдин ўзларининг Пирёр баққол деган халифалари бор эди. Уни Хивага юборибтурурлар: «Бориб Сен Хивани залолат ботқоғидан чиқаргил», — деб. «Сенинг аҳлийанг, яъни



аёлингни қорнида бир ҳомила бортурур. Хоразм диёрининг шони-шарафи онинг зиммаи иқтидоридадир. Онинг исми Маҳмуд. Ул фарзанд зиёда бақувват, паҳлавон бўлур. Ул важҳдин кўб киши унинг ҳақиқий отин билмай, Паҳлавон ота дерлар». Пирёр баққол: «Пир амри — Худо амри!» — деб, Хивага келиб яшай бошлаганларидан сўнг ул фарзанд дунёга келди»<sup>1</sup>.

Маълум бўладики, Паҳлавон Маҳмуд увайсий бўлиб, шайхи валиятарош руҳидан тарбия топган. Бинобарин, унинг кубравия тариқатига мансублиги, шунга мувофиқ, жавонмардликка алоқаси паҳлавонлиги билан бирга, кубравийлиги билан ҳам боғлиқ экан. Унинг ботиний пири Нажмиддин Кубро бўлса, зоҳирий пири Саййид Аълоуддин бўлган.

«Насойим ул-муҳаббат»да Нажмиддин Кубро халифалари қаторида зикр этилганлигига асосланиб, Ж. Маҳмудов: «Паҳлавон Маҳмуд кубравия тариқатининг жавонмардлик йўналишига мансуб шайх бўлган», — деган хулосага келади. «Айни пайтда, кенг феълли инсон сифатида у бошқа тариқатларга ҳам хайрихоҳ бўлган»<sup>2</sup>. Чунончи, Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс»да унинг хилватия тариқати шайхларидан Муҳаммад Хилватийнинг ҳамасри бўлгани ва у билан суҳбат қургани ҳақида маълумот беради ва уни Хилватийнинг шогирди бўлган дейди. Шунга асосланиб, Ж. Маҳмудов: «Паҳлавон Маҳмуднинг бир умр уйланмасдан ўтгани унга хилватийлик тариқатининг таъсири бўлиши мумкин. Чунки маълумотларда келтирилишича, бу тариқатнинг талабларидан бири ёлғизликда бўлиш бўлган. Шунинг учун бўлса керак, «Латойиф ут-тавойиф»да у «даврининг ёлғиз ва танҳоларидан эди» деб келтирилади», — деган фикрни илгари суради. Ҳолбуки, унинг уйланмай ўтгани паҳлавонлиги билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Адабиётларда унинг сўфийлар йиғинларида иштирок этиб тургани ҳақида маълумотлар берилади. Жумладан, Эрон олими Абдулҳусайн Зарринқўб Паҳлавон Маҳмуднинг хилватийлик тариқатини қабул қилиб, жаҳр

<sup>1</sup> Тазкират ул-авлиё ёхуд Хоразм диёрида мадфун бўлган авлиёлар зикри. Хоразм, 1997 йил, 25–27-бетлар.

<sup>2</sup> Қаранг: Маҳмудов Ж. Паҳлавон Маҳмуд ҳаёти ва адабий меросининг матний тадқиқи. Номзодлик диссертацияси автореферати. Тошкент, 2006 йил, 20-бет.

зикри айтгани, хароботда тавба қилгани ҳақида ёзади. Эрон олимларининг айтишларича: «Паҳлавон Маҳмуд маломат аҳлидан ҳам бўлган. У ҳатто гоҳида хароботга ҳам бориб турар, у ерда хароботийлар билан тавба сўзларини айтар ва йиғлар, унинг сўзлари таъсиридан харобот аҳли ҳам бирга йиғлашар ва шу куни хароботийлар барча каттаю кичик гуноҳларидан фориғ бўлишиб, ношойиста одатларини тарк қилишарди». Доктор Қосим Ансорий ҳам: «У маломат ва футувват ғояларини биргаликда олиб борган, ўзида ҳар иккисининг фазилатларини кўрсатган зот эди... Ёшлигида кураш тушувчи паҳлавонлардан эди. Кейинчалик тасаввуфга юз буриб, футувват аҳлидан бўлди», — деб ёзади. Саййид Али Ҳасанхон «Субҳи гулшан» тазкирасида (1878) кексалигида унинг рухоний мужоҳадлари, маърифат ва художўйлиги атрофу жавонибга ёзилганлиги ҳақида маълумот берса, Лутф Алибек Озар «Оташқадаи Озарий» тазкирасида умри охирида тасаввуф йўлида риёзат чекиб, олий мақомларга эришганини қайд этади. Ушбу маълумотлар Паҳлавон Маҳмуднинг нафақат қалбан, балки расман ҳам сўфий бўлганлигини тасдиқлайди. Унинг бу ҳақда бир рубойиси ҳам бор:

Тутдик неча йил илм ила дафтар пайини,  
Этдик неча йил зийнату зевар саъйини,  
Қай кунки, тушундик даҳри дуннинг раъйини,  
Кечдик баридан ичиб бу риндлик майини!<sup>1</sup>

Ринд — тасаввуф адабиётидаги етакчи образлардан ҳисобланади: у шариат ва тариқат босқичларидан ўтиб, ҳақиқат асрорига етган киши. Тасаввуф адабиётида ринд молу давлатни кўзга илмаган хурфикрли, исёнкор, майпараст, илоҳий ишқдан сархуш ва саргардон ошиқ тимсоли бўлиб келади. Риндлар илоҳий жазава чоғида омма қабул қилмайдиган нозик маънолар ва чуқур ҳақиқатларни ошкор қилишлари, мутаассиб диндорлар томонидан куфр сифатида баҳоланадиган фикрларни илгари суришлари билан машҳур бўлганлар. «Ғиёс ул-луғат»да: «Ринд — шариат қоидаларини жоҳиллик юзасидан эмас, балки онгли суратда инкор қилувчи киши», — дейилади. Бу ҳол тасаввуфда шатҳиёт деб аталади.

---

<sup>1</sup> Рубойилар муаллиф таржимасида берилмоқда.

Мирзо Ризоқулихон «Риёз ул-орифин» тазкирасида Паҳлавон Маҳмуд ҳақида «комил ориф ва висолга етган комил бўлган, кўпгина ҳақиқат ва ирфон нукталари ундан зоҳир бўлган» деса, Оллоҳёр Маҳзуннинг «Риёз уз-зокирин» тазкирасида қуйидаги ривоят келтирилади: «Ва яна ул Ҳазрат айтиб эрканлар: «Бизларни халқ ўлук хаёл қилмасунлар, ҳар субҳ қафумизга эътиқоди тамом била келсун, тиласин. Агар еткурмасак, биздин гила килсун», — деб муносиб ҳол бу рубоийни айтибтурурлар:

Бо мо, санамо, ту дўстийи як дила кун,  
Меҳри дигарон аз дили жонат йила кун.  
Як субҳ бо ихлос биё бар дари мо,  
Гар ҳожати худ наёби, в-он гаҳ гила кун».

Мазмуни: «Эй санам, биз билан дўстлик аҳдини тузиб, бошқалар меҳрини кўнглингдан чиқар. Бирор тонг чоғи сидку ихлос билан бизнинг остонамизга кел, агар ҳожатинг раво бўлмаса, шундагина ҳар қанча гина килсанг арзийди».

«Паҳлавон Маҳмуд ҳақиқат тавҳидини топғон киши эркан», — деб лутф этган Хожа Аҳрор Валийдан нақл қилишларича, ул зот айтган эканларки: «Манинг олдимда ҳеч бир шеър бу рубоийдан яхшироқ эрмасдурким, Паҳлавон Маҳмуд Пирёр алайхи-р-рахма айтибтурур. Рубоий:

Жоно ба киморхонаи ринди чанданд,  
Бо мардуми иёр кам пайванданд.  
Ринде чанданду кас надонад чанданд,  
Бас, насяву нақди ҳар ду олам ханданд.

(«Бир неча дўстлар риндлик оламини макон тутиб, пок инсонлар билан кам алоқа қиладилар. Бу тоифанинг риндлик даражаси қандаю ўзларининг қанчалигини ҳеч ким билмайди: улар ҳар икки оламнинг нася ва нақди (бору йўғи) устидан куладилар»).

Ондин сўнг айтдилар: «Агар киши «ло илоҳа иллаллоҳ»нинг маънисининг ҳақиқатини билса, бу сўздин билдурким, Паҳлавон Маҳмуднинг ҳақиқати ҳеч бир қайдга гирифтор эрмас эркан ва тажаллийи зотийға мушарраф эркан»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> *Фахруддин Али Сафий*. Рашахот. Тошкент, 2003 йил, 382-бет.

Фахриддин Али Сафийнинг 1532—1533 йилларда ёзилган «Латойиф ут-тавойиф» асарининг «Орифлар ва шоирларнинг вафоти пайтида бадиха тарзида айтганлари» деб аталган саккизинчи фаслида ўлим тўшагида ётган Пахлавон Маҳмуднинг шогирди Бул-Фузулийнинг ундан қандай тилаги борлигини сўраганида унинг: «Ўлим олди-дан нега: «Нима тилагинг бор?» — деб сўрайсан. Менда жонон васлидан бўлак қандай тилагим бўлиши мумкин? Худойим мени ўзидан йироқлатмаса бас, шундан бўлак нима юзланса ҳам парво қилмайман!» — мазмунидаги бир бадиха қитъа билан жавоб берганлиги ҳақида маълумот келтирилади:

Чи пурси чи мебоядат вакти марг,  
Ба жуз васли жонон чи мебоядам.  
Жудои мабодо маро аз Худой,  
Дигар ҳар чи пеш оядам, шоядам.

Мусулмон Шарқда азал-азалдан азиз-авлиёлар, до-нишманд зотларни улуғлаб, уларнинг хоки пойини тавоф этиб келганлар. Бу буюк инсонлар қабрини зиёрат қилиб, кишилар ўз қалбларини поклаганлар, катта ва мушкул ишларга қўл уришдан олдин улардан рухий қувват сўраганлар, бошларига оғир кулфат тушганда маъна-вий мадад ўтинганлар. «Худо — ёр, пирлар — мададкор бўлсин!» — деган дуо қатида ҳам аслида шу мазмун ётади.

Табаррук қадамжоларни зиёрат қилиш Пахлавон Маҳмуд учун ҳам одат эди. Унинг шу мазмундаги бир рубойиси ҳам бор:

Ким бизни синиқ дилга мурувват қилгай?  
Ким айбу гуноҳимиз кафорат қилгай?  
Биз қанча мазорларни зиёрат қилдик,  
Ким бизни мазоримиз зиёрат қилгай?..

Ҳиндистонда ҳинд пахлавони билан кураш тушиш-дан аввал ҳам Пахлавон Маҳмуд одатига кўра улуғлар мазорини зиёрат қилиш учун қабристонга боради ва у ерда азиз-авлиёлар қабрини тавоф этиб, бўлажак курашда ўғлига омад сўраб турган рақибининг онасига дуч келади. Кампир зор-зор йиғлаб, Ҳинд шоҳи Рай Ропой Чўнанинг (баъзи манбаларда Жуна) сарой полвони бўлмиш ёлғиз ўғлининг кураш тушиб топган маблағи эвазига она-бола тирикчилик қилишларини айтади:

– Эшитдимки, Хивадан бир забардаст пахлавон келибди, ҳам ўзи авлиё экан. Эртага у ўғлим билан кураш тушади. Ўзи авлиё бўлса, ўғлимга омон бермас!

Буни эшитган Маҳмуд:

– Пахлавон деб одамлар ундан манфаат кўрадиган кишига айтилади. Бировга зарар етказиб, уни касбу маошдан айирган киши пахлавон эмасдир, – дейди ва куйидаги рубойни ўқиб, онаизорни юпатади:

Ўз нафсига ким бўлса амир, улдир – мард,  
Хеч кимсага бўлмаса асир, улдир – мард.  
Ўтмак сира мағлубни тегиб мардлик эмас,  
Тутса кўлидан забунни эр, улдир – мард.

Эртаси куни бўлган катта курашда хинд полвонига атай йиқилиб беради.

«Ўшандан бери Пурё шундай пахлавонга айландики, унинг номи жавонмардлик ва ўзидан кечиш тимсолига айланиб, одамларни эзгу ишларга илҳомлантирарди. Полвонлар уни ҳамиша ёдлаб юришарди»<sup>1</sup>.

Тазкира ва маноқибларда бу воқеа тасаввуфий мазмунда – Пахлавон Маҳмуднинг нафсини енгиб, илоҳий олам билан боғланиши тарзида талқин қилинади. Чунончи, «Мажолис ул-ушшоқ»да ўқиймиз: «Айтишадики, курашчи йигит Пахлавоннинг кўксига ўтирган пайтда кўрадики, у (Пахлавон)нинг басират кўзи олдидаги парча пардалар кўтарилади ва ҳақиқат офтоби ёришиб кетади. Дарҳақиқат, нафсни шу хилда маҳв этадиларки, фано (мақоми)нинг ниҳояси шундай бўлади. Олий даражадаги авлиёлар сулукида нима бўлса, барчасини топдилар ва рижол ул-ғайблар билан алоқа боғладилар. Ана шу сабабдан замона нуктадонлари уни Пуриё деб аташди»<sup>2</sup>. Алишер Навоий ҳам Пахлавоннинг елкаси ерга тегиб, кўзи кўкка тушгач, орадан пардалар кўтарилиб, илоҳий одам кўзига жилвагар бўлганлиги ҳақида ёзади.

Курашнинг эртаси куни Чўна аркони давлати билан овга чиқади ва ҳурматли меҳмон сифатида Пахлавон Маҳмудни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади. Ов маҳалида бир охунинг ортидан тушган шоҳ отини учи-

<sup>1</sup> *Тарона Амир Иброҳимий*. Пурёи валий (Ҳикоя). Форс тилидан Фулом Карим таржимаси // «Сино» журнали, 2001, 2-сон, 36-бет.

<sup>2</sup> *Амир Камолиддин Хусайн Гозургоҳий*. Мажолис ул-ушшоқ (Тазкираи урафо). Чопи дуввум. Техрон, 1376 (хижрий-шамсий). С. 198.

риб борар экан, жарга қулашига бир бахя қолади — уни изма-из таъқиб қилиб бораётган Паҳлавон Маҳмуд жар ёқасида шохни оти билан бирга даст кўтариб, муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолади. Шунда шох ҳайратланиб сўз қотади:

— Сен бандасининг қўлидан келмайдиган ишни қилдинг. Шунча кучу қудратинг билан саройнинг ёш полвонидан енгилишининг сабаби нимада?

Паҳлавон Маҳмуд ўз мағлубиятининг сабабини айтиб бергач, шохнинг унга меҳри ошиб:

— Тила тилагингни! — дейди.

Паҳлавон Маҳмуд фурсатдан фойдаланиб, хинд элида яшаётган хоразмлик мусофирларни юртига қайтаришни сўрайди. Шох унинг илтимосини қондириб, уларнинг йўл яроғини ҳам ҳозирлаб беради.

«Паҳлавон Маҳмуд рубойларини ўқиган киши ўзини қандайдир маънавий покиза, руҳий тетик ва улғувор ҳис этади, чунки рубойларга шу руҳ сингдириб юборилган, — деб ёзади Т. Жалолов... — бу покиза руҳ тарихда футувват ёки жавонмардлик номи билан машҳур бир оқимнинг, бир ижтимоий табаканинг дастуриламалидир».

Х асрдан бошлаб Мовароуннаҳр ва Хуросонда халқ оғирини енгил қилиш, золим ҳукмдорларга қарши курашиш, уюшган ҳолда элу юртни ташқи душманлардан ҳимоя этиш мақсадида пайдо бўлиб, ўзида халқ ичидан чиққан турли касб-ҳунар эгаларини бирлаштирган жавонмардлик ҳаракати тасаввуф таълимотининг инсонпарварлик ғояларини дастур қилиб олди ва, ўз навбатида, сўфийликнинг ривожланишига туртки бериб келди. Шу тариқа, ҳамиша бир-бирига мадад бериб, бир-бирини тўлдириб келган тариқат ва футувват XIII асрларга келиб бир-бири билан қўшилиб кетган — жавонмардлик тасаввуфнинг амалий қисмига айланган. Зеро, «тасаввуф футувватда юксак ғояларнинг амалий-ижтимоий татбиқини кўрган бўлса, футувват тасаввуфда ўз назарий-эътиқодий тағ-заминини топган эди»<sup>1</sup>.

Жавонмардлар ёки ахийлар деб аталган бу тоифанинг мақсади — яхшилик, сифати — мардлик бўлиб, бутун умрини одамлар хизматига бағишлаш, ким бўлишидан қатъи назар, барчага беғараз ёрдам қўлини чўзиш,

---

<sup>1</sup> *Комилов Н. Тасаввуф. 120-бет.*

борини ўзгалар билан баҳам кўриш, ватан, элу юрт, дўсту яқинлар шарафи учун жонини қурбон этиш, зоҳиран ва ботинан пок бўлиб юриш, фақат эзгулик деб яшаш — уларнинг ҳаёт тарзи ҳисобланган. Бошқача айтганда, жавонмардлик — дунёдаги барча яхши фазилатларни эгаллаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш демакдир. Шунинг учун ҳам «Қобуснома»да айтиладики: «... жавонмардликка яқин бўлғил, токи жаҳон аҳлининг яхшиси бўлғайсан».

Хусайн Воиз Кошифийнинг ёзишича, футувват — илм, тариқатнинг бир қисми. Бу илмнинг мавзуси — «инсон руҳи ҳисобланади. Зеро, инсон руҳини тарбиялаш, парвариш этиш орқали уни гўзал ва ҳамида хулқ-атворли, фазилатли қилиб етиштириш мумкин... «Футувват» сўзининг луғавий маъноси ёшлик, демак, ёш йигитни «фатий» дерлар. Баъзилар бу сўзга изоҳ бериб, футувватни жавонмардлик деганлар. Истилоҳ сифатида футувват деб омма орасида яхши сифатлар ва намунали ахлоқ билан машхур бўлишни айтадилар, шу важданким, бундай одам ҳамиша ахлоқи билан ўз касбдошлари, тоифа-табақаси орасида мумтоз бўлади. Хос таъриф юзасидан эса футувват инсоний фитрат нури зухурининг нафсоний белгилар зулматига қарши кўйилиши, (шу зулматни) ёриб ўтишидан иборатдир»<sup>1</sup>.

Жавонмардлардан «ҳар бирининг пири, ўз жамоаси, таълим берувчи устозлари, йиғиладиган жойлари бўлган. Рухоний пирга қўл бериб, устоз ҳузурида аҳду паймон қилиб, мардлик белбоғини белига боғлаган жавонтард бир умр ўз аҳдига содиқ қолишга интилган, ўз шахсий ҳаётини жамоа ҳаёти учун, биродарлари учун фидо этган. Жавонмардлар жамоасига қабул қилинган ёш йигит «фарзанд» деб, унинг белига аҳд белбоғини боғлаган устоз «ота» деб юритилган. Жавонмардлар шу зайлда бир-бирларининг ака-укалари ҳисобланганлар ва биродар биродари учун мол-жонини бағишлашга тайёр турган»<sup>2</sup>.

Маълумки, жавонмардликка кўпроқ паҳлавонлар талабгор бўлганлар. Шу жиҳатдан, Паҳлавон Маҳмуд паҳлавонларни тарбияловчи устозгина бўлиб қолмай, балки жавонмардлик одобини ўргатувчи пир ҳам эди. У футувват аҳлининг пешвоси, Хивадаги жавонмардлар жа-

<sup>1</sup> Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний. Тошкент, 1994 йил, 7-бет.

<sup>2</sup> Комилов Н. Тасаввуф. 114-бет.

моасининг бошлиғи бўлган. «Паҳлавоннинг саргузаштлари мўъжизалар ва қаҳрамонликларга тўла қилиб тасвирланган ривоятлар эса бу фикрларни янада мустаҳкамлайди. Паҳлавон номи ҳозирги кунда ҳам Эрондаги паҳлавонлар томонидан пир сифатида эъзозланиб, кураш тушувчилар даврасида унинг рубойлари доимо ўқилиб юриши ҳам, албатта, бежиз эмас»<sup>1</sup>.

Футувват таълимотининг инсон яхши хулқ эгаси бўлиши, барча диний ва дунёвий илмларни эгаллаши, касб-ҳунар ўрганиб, ўз ризкини ҳалоллаб ейиши, халқ оғирини енгил қилиб, элу юрт хизматига ҳамиша шай туриши лозимлиги ҳақидаги талаб ва қоидалари инсонни маънавий-ахлоқий камолотга етаклаши, меҳнатни шарафлаб, ҳалол ризқни улуғлаши, халқ бирлиги ва тинч-тотувлигини таъминлаши, энг муҳими, реал ҳаёт, кундалик турмуш билан боғлиқлиги жиҳатидан кенг халқ оммаси эътиборини жалб этибгина қолмай, адабиёт ва санъат аҳли диққатини ҳам ўзига тортди. Шоиру адиблар жавонмардликнинг инсонпарварлик, маърифатпарварлик, адолатпарварлик каби эзгу ғояларидан илҳомланиб асарлар ёза бошладилар. Хусусан, XII асрдан то XX аср бошларигача бўлган ўзбек адабиётини жавонмардлик таълимоти таъсиридан ажратиб олиб ўрганиш мумкин эмас. Чунки футувват ғоялари бу даврда яратилган асарларнинг мағиз-мағзига сингиб кетган. Биз мумтоз шоирларимизнинг панд-насихат руҳидаги асарлари тарзида талқин этиб келаётганимиз шеър устунлар кўп ҳолларда тасаввуф талаблари ва жавонмардлик руҳларининг назмий ифодасидан иборат. Жумладан, Паҳлавон Маҳмуд ижоди деярли жавонмардлик ғоялари тарғибига бағишланган. Бу рубойларда тасаввуф таълимотининг назарий ғоялари билан жавонмардлик тариқатининг амалий қоидалари ўзаро омихта ҳолда талқин қилинади.

Н. Комиловнинг ёзишича: «Унинг рубойларини ўқиганда, Хайёмнинг хурфикрли нафаси билан бирга, бевосита тасаввуф аҳлининг, айниқса, Абусаид Абулхайр, Нажмиддин Кубро ва Мажиддин Бағдодийнинг руҳини ҳам дарк этамиз. Бошқача айтадиган бўлсак, Паҳлавон Маҳмудда хайёмона кайҳоний нигоҳ, дониш ҳикмати, риндона кайфият билан тасаввуф таълимоти ғоялари

<sup>1</sup> Исҳоқов Ё. Паҳлавон Маҳмуд ҳақида баъзи мулоҳазалар. 24-бет.



бирлашиб зухур этади. Унинг рубойлари тасаввуфнинг турли фалсафий аспекти, тарикат мақоми ва манозил хусусиятлари, толиби содиқ ишқидан бахс қилади. Ваҳдат ва касрат, ишқ майи сархушлиги, хилватга чекиниш зарурати, футувват ва саховат, илоҳни англаш шавқи унинг рубойлари ғоясини ташкил этади».

«Хайёмнинг рубойларида бўлган ифода очиқлиги, услуб гўзаллиги, фикр ўткурлиги уни бошқа Шарқ шоирларидан юқориға чиқарадур, — деган эди Абдурауф Фитрат. — Хайёмнинг фикр ифода қилишдаги усталигидан фойдаланиш ҳар бир шоир учун керакли бир ишдир». Паҳлавон Маҳмуд ҳам рубойнавис сифатида «Рубойнинг пири — устоди аъзами» (Ғафур Ғулом) Умар Хайёмдан ўрганган, таъсирланган. Шоирнинг буюк салафига эътиқод ва муҳаббати баланд бўлиб, бир рубойсида ўзини унга ўхшатади:

Кетдик кетидан, кел, энди жононани, дил,  
Қоққил эшигини, изла ҳар хонани, дил.  
Хайём каби бизлар-да мудом май ила маст,  
Дўзах кутади биз каби мастонани, дил.

Паҳлавон Маҳмуд, аввало, олам ва одам, хаёт ва ўлим ҳақидаги қарашлари билан Хайёмга яқин шоир: унинг бу борадаги фикрлари ўзининг буюк салафи нуқтаи назари билан муштарак. Паҳлавон Маҳмуд ҳам ўз рубойларида дунёнинг бевафолиги, кетганнинг қайтмаслиги, шундай бўлгач, умрни беҳуда ўтказмаслик, вақтни ғанимат билиш, шод-хуррам яшаш лозимлиги тўғрисида тўлиб-тошиб ёзади:

Эрта ғамини чекма, азизим, бир дам,  
Ҳар лаҳза ғанимат — уни ўтказ хуррам.  
Жон чикса ётармиз-да неча минг йиллик  
Аждодларимиз билан бақамти биз ҳам...

Мана бу рубой эса Хайёмнинг кўзагар ўзи кўза ясаб, ўзи уни синдириши, Яратувчининг ўзи яратганларини ўзи махв этиши мавзуидаги рубойлари билан ҳамоҳанг:

Меъмори азал қаср ила айвон айлар,  
Бўлгай-да ясаб, сўнг уни вайрон айлар.  
Ҳар тоқиқи, етган эди бул кун кўкка,  
Эртан яна тупроқ ила яқсон айлар...

Инсон қисқа умрини хуш-хурсанд ўтказиши, дунё неъматларидан ўз насибасини олиши хусусида шоир шундай ёзади:

Гул қўлда, қадах бонги қулоқда бўлсин!  
Дунё ғамидан кеч — у узокда бўлсин!  
Сув нағмаси остида, булут соясида  
Жом қўлда мудом, кўза кучокда бўлсин!

Паҳлавон Маҳмуд ўз салафидан кулол, кўза, соқий, май, мастлик каби тимсолларни, дунёнинг дунлигию, тақдирнинг буқаламунлиги, ўлимнинг ҳақлиги, инсоннинг қазои қадар қўлида бир ўйинчоқлиги сингари қарашларни, замондан норозилик, ҳаётдан аламзадалик, умрдан пушаймонлик каби мотивларни ўзлаштириш, уларни ривожлантиради, янги маъно қирраларини очади:

Оташки, аланга уради — сийнам ўша,  
Дарё неча тўлқинланади — дийдам ўша.  
Кўз ташла: кулол қўлидаги лой кеча  
Инсон эди — биз билан эди маҳрам ўша.

Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмуд ижодидаги бундай муштаракликлар икки шоир рубойларининг бир-бирига аралашиб кетиши, баъзида жузъий тафовутлар билан иккаласининг ҳам рубойлари ичида келишига сабаб бўлган: ҳам Умар Хайёмга, ҳам Паҳлавон Маҳмудга нисбат берилиб келаётган бир неча сайёр рубойлар («Он кас, ки замин у чарху афлок ниҳод», «Эй дўст, биё, то ғами фардо нахўрем», «Ин чархи фалак, ки мо дар ў хайронем», «Бар бистари хок хуфтагон мебинам» ва бошқалар) шундан далолат беради. Умуман олганда эса, Умар Хайёмга эргашган бўлишига қарамай, Паҳлавон Маҳмуд моҳият эътибори билан Абусаид Абулхайр типдаги шоирдирки, бу масалага кейинги тадқиқотлар ойдинлик киритади.

Паҳлавон Маҳмуд ҳам Шарқнинг барча буюк сўз санъаткорлари каби Қуръони карим ва Ҳадиси шарифдан таъсирлангани, бу икки улуғ манбадан илҳомланиб қалам тебратгани унинг қудсий нафас уфуриб турган рубойларидан шундоққина сезилиб туради. «Паҳлавон Маҳмуд рубойларини тўрт гуруҳга бўлиш мумкин, — деб ёзади Нажмиддин Комилов: биринчиси — замона ахлидан нолиш, ижтимоий тенгсизликни ифодаловчи рубойлар,

иккинчиси — тариқат сулуки ҳақида ёзилган асарлар, учинчиси — ваҳдати вужуд фалсафаси асосларини тушунтирувчи ва тўртинчиси — илоҳий ишкни тараннум этган рубоийлар».

Файласуф шоирнинг замонадан шикоят қилиб ёзган шеърлари унинг бошқа мавзудаги рубоийларидан кўра мазмунан теран, бадиий жиҳатдан пишиқ, ҳаётий ва кўнгилга яқин. Паҳлавон Маҳмуднинг Умар Хайём рубоийлари муқобилига қўйса, улар билан бемалол беллашадиган қатор мумтоз рубоийлари борки, уларда кажрафтор фалак, нотанти дунё, адолатсиз замоннинг моҳияти ўзининг юксак бадиий ифодасини топган:

Туз йўк бу жаҳонда шу кеча-кундузда,  
На ер туби, на кўк тоқида — юлдузда.  
Туз конлари тузга конлигидан тузсиз,  
Ох, бу не замонки, туз йўк ҳатто тузда?!

Нобоп замон учун бундан ортиқ айбнома бўлиши мумкинми?!

Паҳлавон Маҳмуд мўғуллар истилоси натижасида бутун Мовароуннаҳр хароб бўлган бир даврда яшаб ижод этди. Мўғул ҳукмдорлари ва уларнинг малайлари бўлмиш маҳаллий амалдорларнинг иккиёқлама жабру зулмидан «дили садпора бўлган, кўзи ёшли» (Машраб) халқ билан бирга нафас олди. Шунинг учун ҳам шоир зорланиб ёзган эди:

Даврон ғамидан кўзимни гирён кўрдим,  
Хар ранжу бало борки, беармон кўрдим.  
Нух мингга кириб, кўрган эди бир тўфон,  
Нухмасману мен мингта тўфон кўрдим.

Маълумки, Нух алайҳиссалом ўз қавмлари орасида 950 йил яшаб, уларни Ҳақ йўлига ҳидоят қилади. Лекин Оллоҳ пайғамбарининг даъватига қулоқ тутмаганлари учун улар охир-оқибат буюк тўфон балосига гирифтор бўладилар. Бу тўфон балосидан фақат Нух пайғамбарга эргашганларгина омон қоладилар. Шоир шу воқеага ишора қилиб айтадики, Нух минг йил яшаб, бор-йўғи бир тўфон кўрган бўлса, мен шу қисқагина умримда ҳам минг тўфон кўришга муяссар бўлдим. Албатта, бунда муболаға бор. Лекин бу билан у жуда оғир ҳаёт йўлини босиб ўтганлиги, ўзи яшаган даврнинг ғала-ғовурлиги,

мўғул ҳукмдорларининг шафқатсизлигини айтмоқда. Ҳа, бу маданиятсиз, тарбиясиз қавмдан халқимиз озмунча жабр кўрдими? Улар халқни эзиш билангина кифояланиб қолмай, унинг маданияти, адабиётига ҳам тажовуз қилдилар, асрий қўлёзмалар, мачит-мадрасаларга ўт қўйдилар, қанчадан-қанча беномусликларга қўл урдиларки, уларни санайверсанг, адоғи йўқ.

Жамиятда яшаб, жамиятдан ташқарида бўлиш мумкин эмас. Шу маънода Паҳлавон Маҳмуд ҳам ўз даврининг дардларига кўзини кўр, кулоғини қар қилиб яшолмас эди. Замон, одамлар унинг қалбини тинимсиз яраладилар, шоир эса юрагининг оғриқларини шеърларига нақшлади:

Бир ёри вафодор киши йўқ оламда,  
Дил махрами меҳрибон тополмай ғамда.  
Инсон зотидан кутма вафо — асли азал  
Бўлмайди вафо расми бани одамда.

«Паҳлавон Маҳмуд ўз асрининг донишманди эди, у ўзининг узоқ умри давомида ҳаётни мушоҳада этиб, тўғри хулосалар чиқарган, бу ҳол унинг рубоийларида ёрқин акс этиб, уларни хикматли сўзлар даражасига кўтарган»<sup>1</sup>.

Паҳлавон Маҳмуднинг тариқат сулукига бағишланган рубоийларида футувватнинг асосий ғоя ва қоидалари, мазкур таълимот билан боғлиқ турлича тушунчалар баён қилинади, жавонмардликнинг асосий руҳи ва талаблари бўлмиш — саховат, шижоат, яхшилик, тўғрилиқ, ҳалоллик, қаноат, мардлик, афв, марҳамат, дўстлик, меҳрмуруват, қарам, ҳаё, сабр, олийҳимматлик, раҳмдиллик, камтарлик, хоксорлик, тавозеъ, вафодорлик каби инсоний фазилатлар улуғланиб, ёмонлик, ёвузлик, нафси аммо-рага мағлублик, тамагирлик, адолатсизлик, бевафолик, нодонлик, ёлғончилик, дилозорлик, ҳасадгўйлик сингари иллатлар мазаммат этилади.

Жавонмардлик — мазмун-моҳияти билан мардлар маслағи. Мард бўлмаган киши жавонмард бўлолмайди. Шунинг учун ҳам футувватда мардлик — жавонмардлик йўлига киришнинг асосий шартларидан бири. Паҳлавон Маҳмуд ижодида энг баланд пардаларда куйланган мавзулардан бири мардлик эканлиги бежиз эмас. Шоир мардликни турли нуқталардан туриб қаламга олади, унинг қатор қирраларини очиб беради.

<sup>1</sup> Жалолов Т. Паҳлавон Маҳмуд (Пурёйвалий). 20-бет.

Хусайн Воиз Кошифийнинг хулосасига кўра, жавонмардликнинг бутун моҳияти икки сифат — саховат ва шижоатда мужассам. Дарҳақиқат, саховат ва шижоат одамни мардларнинг мардига айлантиради, бундай кишининг жидду жаҳдини ҳеч ким қайтаролмайди. У оламнинг подшоси бўлади. Жавонмардлар худди шундай одамлар эдилар. Шунинг учун ҳам жавонмардликнинг айни шу хусусиятлари ўз аксини топган Паҳлавон Маҳмуднинг мана бу рубойисини Ё. Исҳоқов: «Футувват вакиллари-нинг умумий гимнидек жаранглайди», деган эди:

Олам фили қайтаролмагай шиддатимиз,  
Дунёни қилар саросима шавкатимиз.  
Жой олса чумоли сафимизда ногоҳ,  
Бир лаҳзада шер айлар уни давлатимиз!

Бу ерда давлат деганда, молу дунё эмас, балки барча эзгу инсоний фазилатларнинг жамулжами кўзда тутиляптики, ҳар бир ҳақиқий жавонмард бу маънавий бойликнинг соҳиби эди.

Мана бу рубойида эса жавонмардликнинг мақсад-маслаги ўз ифодасини топган:

Шоҳлик тиласанг, гадоси бўл халқингнинг!  
Ўзни унут-у, фидоси бўл халқингнинг!  
Бошига кўтарсин, десанг, эл тож янглиғ,  
Кўлин ўн-у, хокипоси бўл халқингнинг!

Шу ўринда, биз бир неча ўн йиллар мобайнида Паҳлавон Маҳмуднинг ахлокий қарашларини ўзида акс эттирган панд-насихат руҳидаги рубойилари сифатида баҳолаб келганимиз аслида футувват рукн ва талабларининг шеърӣ ифодасидан иборат эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунончи, мана бу рубойида футувватнинг нафсни тийиш, тамадан узоқ бўлиш, чақирилган жойгагина бориш, бориға шукр, йўғиға қаноат қилиш каби талаблари ифодаланган:

Айтмай сира олма кишининг уйиға йўл,  
Қадрингни туширма узатиб нониға қўл.  
Миннатли кабобидан бировнинг доим  
Қоқ нон ила сувингни баланд қўйғучи бўл!

Дилни — гуноҳлардан, қўлни — ёмон ишлардан,  
кўзни — нопок назардан сақлаш — футувватнинг назарӣ масалаларидан бўлиб, мана бу рубойӣ шу ҳақда:

Ох чексанг агарда, йўлга тиккил кўзни,  
Чох ёнидан ўтсанг, эҳтиёт қил ўзни.  
Дўстлар уйида қачонки маҳрам бўлсанг,  
Одобини бузма дилу қўлу кўзни.

Тасаввуф асосларини тушунтирувчи рубоийларда бу буюк таълимотнинг назарий қоидалари, ҳол ва мақомотнинг турли босқичларида турган солиқнинг ўй-кечинмалари акс эттирилади; барча ишларнинг афзали — Оллоҳга бандалик экани таъкидланиб, Ҳақ йўлга даъват қилинади; инсон Оллоҳ таолонинг улۇғ ижоди, оламнинг моҳияти эканлигини уқтириб, уни бу юксак рутбага муносиб бўлишга қақиради. Чунончи:

Юз бўлса жаҳон — рангини сендан олган,  
Ақл эрса ариқ — сувини ўзинг солган.  
Шабнам каби ўтказма кулиб умрингни,  
Чун боғчани рангу бўйи сендан колган.

Тасаввуф фалсафасига кўра инсон азалда Яратувчиси билан бир бутун бўлган-у, туғилиб ундан айру тушган. Энди у бир умр яна ўша бирликка интилади. Лекин бу жуда узун ва ўта машаққатли йўл: шариат, тариқат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтган, ўзидаги дунёвийликни маҳв этиб, фоний бўлган — фақат илоҳий сифатлар билан қолган инсонгина бунга муяссар бўлиши мумкин. Шарқ шеърлятида ёрдан айру чекилган оху фиғонларнинг кўплиги шундан. Азалдан ошиқлик, маъшуқанинг бир кўриниш бериб, кейин ўзини пинҳон тутиши, ошиқнинг бир умр ҳижрон алангасида қолиши-ю, ўзини буюк висолга тайёрлашидан мақсад — шу. Паҳлавон Маҳмуднинг мана бу рубоийси худди шу ҳақда:

Ўлдим кўмилиб минг ғаму ҳасратга, нетай?  
Лойиқ эмасам меҳру муҳаббатга, нетай?  
Келтирди юзинг ҳажри надомат, афсус,  
Дийдоринг эса қолди қиёматга, нетай?

Худо азалдан мавжуд эди ва абадгача бор бўлади. Бу дунё эса унинг тажаллийси, яъни у ўзини кўришни истади ва мавжуд оламни яратди. Шундай экан, оламдаги ҳар бир зарра — Оллоҳ сифатларининг инъикоси. У ҳамиша, ҳамма ерда маълум — ҳамма нарсада тажаллий этади, фақат Уни оддий кўз билан кўриб бўлмайди. Айни

вақтда, Унинг сўнгсиз ранжу азобларидан, одамнинг лойига кўшиб қорилган бу ишқдан воз кечиб ҳам бўлмайди:

Ул ишқ биёбонида юрмоқ мушкул,  
Оёкни йиғиб ҳам яна турмоқ мушкул.  
Энг мушқули улки, ҳамма ерда, ҳар дам  
Еринг-қу аён, лек уни кўрмоқ мушкул.

«Паҳлавоннинг ишқ мавзуидаги рубойлари фикрнинг равшанлиги, мазмуннинг теранлиги, маҳбубага муносабатнинг самимийлиги, лирик қаҳрамоннинг маъшуқа ризоси учун ҳар қандай фидокорликка ҳозирлиги, образларнинг ранг-баранглиги, хулосаларнинг фавқулодда ва кутилмаганлиги билан кишини ҳайратда қолдиради»<sup>1</sup>:

Ёдинг ила ҳар замон кўнгил тоза бўлур,  
Тонг елида чунки гулситон тоза бўлур.  
Дийдоринг ҳайит эрур – уни кўрганда  
Хотир хушу дил хурраму жон тоза бўлур!

Қуйидаги рубой эса халқ йўлида ёзилгани, халқона нозик қочирим қўллангани билан алоҳида жозиба касб этади:

Дилдор сўради: «Сўйла, нечун кайғуда дил?  
Ё бир париталъатми кулиб олди кўнгил?»  
Тутдим қўлига кўзгу-ю, қилдимки жавоб:  
«Ойинада кўрганинг ғамим боиси бил!»

Лекин диққат билан мутолаа қилсангиз, шоир рубойларида илоҳий ишқ тараннуми устунроқ эканини кўрасиз – у кўпгина шеърларида бевосита илоҳий маҳбубанинг ўзига мурожаат қилади:

Мен дард эрурам, дард тамоман жисмим,  
Шамъ эрса юзинг, парвона – менинг исмим.  
Ғар давлати васлинг муяссар ўлса,  
Суртай заъфарон юзимни пойингга жим...

Маълум бўладики, Паҳлавон Маҳмуд ўзининг ибратли ҳаёти, серкирра фаолияти, бадиий баркамол рубойлари билан маънавиятимиз тарихида алоҳида ўрин тутди.

<sup>1</sup> Жалолов Т. Паҳлавон Маҳмуд (Пурёйвалий). 24-бет.

## ҲОФИЗ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА ТАЛҚИНЛАРИ

Хожа Ҳофиз номи билан жаҳоний шухрат қозонган Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий 1326 йили Эроннинг Шероз шаҳрида туғилган. Шоирнинг отаси Баҳоуддин Муҳаммад асли исфаҳонлик бўлиб, форс отабеклари даврида Шерозга бориб, шу ерда муқим яшаб қолган. Қозирунлиқ аёлга уйланиб, баззозлик дўқонида ишлаган. Ҳофизга берилган Хожа сифати шоирнинг айнан савдогарлар табақасига мансублигини билдиради. Унинг асл исми — Муҳаммад, лақаби — Шамсуддин, тахаллуси — Ҳофиз. Лекин отаси ёш ўлиб, оила танг аҳволга тушиб қолади. Унинг бадавлат савдогарлардан бўлмаганлигини шу далилнинг ўзи кўрсатиб турибди. Улар оилада уч фарзанд бўлиб, икки акаси кун кўриш учун бошқа шаҳарларга иш қидириб кетади. Онаси билан қолган Муҳаммадни бир кишининг тарбиясига топширадilar. Ҳеч қанча ўтмай, у болани боқидан бош тортади. Шундан кейин уни бир новвойга шогирдликка берадилар. Ёш Муҳаммад ярим тундан то тонгга қадар нон учун хамиртуруш тайёрлар эди. У минг машаққат билан топган пулини учга бўлиб, бир қисмини онаси билан ўзининг тирикчилигига ишлатар, иккинчи қисмини таҳсил олишга сарфлар, учинчи қисмини бева-бечораларга хайру эҳсон қилар эди. Зехни ўткир бўлганлигидан тез орада фикх, ҳадис, араб тили ва адабиёти, Қуръон ва унинг тафсирини мукаммал ўзлаштиради. «Ҳофиз шеърларини синчиклаб ўрганар эканмиз, унинг билим доираси ниҳоятда кенглигини, шоирнинг ўша даврдаги кўп фанлардан жуда яхши хабардор эканлигини кўрамиз»<sup>1</sup>. У, хусусан, Қуръон қироатида маҳорати том ҳосил қилиб, уни 14 усулда тиловат қилади. Бу ҳақда шоирнинг ўзи:

Ишқат расад ба фаръед, ар худ ба сони Ҳофиз,  
Қуръон зи бар бихони дар чордах ривоят, —

дейди.

Мазмуни: «Агар ишқинг Ҳофизга ўхшаб авжига етса, Қуръонни 14 усулда ёддан ўқийсан».

<sup>1</sup> Шомухамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. Тошкент, 1965 йил, 32-бет.



Ёш Мухаммад маърака-йиғинларда Қуръонни, қисса-хонлик кечаларида халқ китобларини ўқиб бериб, рўзғор тебратди. Шунинг учун ҳам уни Ҳофиз деб улуғлайдилар ва бу ном кейинчалик шоирнинг адабий тахаллусига айланиб кетади.

Ҳофиз мохир хаттот ҳам бўлиб, тирикчилик учун турли китобларни кўчирган. Қуръонни китобат қилган. Шоир ҳуснихатининг кўзгуси бўлган Амир Хусрав Дехлавий «Хамса»сининг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 2179-рақами билан сақланади. «Хамса»даги учта асар — «Хусрав ва Ширин», «Искандарнома» ва «Ҳашт бихишт» Ҳофиз Шерозий қўли билан кўчирилган ва улардан ҳар бирининг охирида эса котиб ва кўчириш саналари берилган»<sup>1</sup>.

Ҳофиз яшаган даврда Шероз Эроннинг илмий-маданий марказларидан бири эди. Саройдаги расмий адабий муҳитдан ташқари, шаҳар хунармандларининг қиссахонлик ва шеърхонлик давралари ҳам машҳур эди — Ҳофизни тарбиялаган ва элга танитган ана шу давралар бўлади. Бўлажак шоир бу давраларда иштирок этар ва баъзан ўз ижодидан намуналар ўқир эди. Лекин унинг шеърий машқлари ҳали хомлиги ва қиёмига етмаганлигидан кўпинча танқидга учрар, шинавандаларнинг ҳазил-мазахларига сабаб бўлар эди. Уни баъзан эрмак қилиш учун бундай давраларга атай чакирганлар. Бу таҳқирдан безган Мухаммад бир куни машҳур шайх ва шоир Бобо Кўҳий қабрини зиёрат қилиб, ўзининг шўр бахтидан ўксиб-ўксиб йиғлаганича мозор бошида ухлаб қолади. Тушига бир нуроний зот кириб:

— Йўлга туш, сенга илм эшиги очилади, — дейди. Ҳофиз кўзини очар экан, тилида қуйидаги матлаъли ғазал айланади:

Дўш вақти саҳар аз ғусса нажотам доданд,  
В-андар он зулмати шаб оби ҳаётим доданд.

Мазмуни: «Кеча саҳар палласида мени қайғудан халос айладилар ва у зулмат тунида менга обихаёт тутқаздилар».

<sup>1</sup> Ҳасаний М. Ҳофиз қўли билан кўчирилган «Хамса» // «Сино», 2001, 3-сон, 17-бет.

Авлиё зиёратидан қайтар экан, йўлда яна шинавандалар йўлиқадилар ва бирор-бир янги шеър ўқиб беришини сўрайдилар. Шоир ушбу ғазалини ўқир экан, ҳамма хайратдан ёқа ушлайди. Унга ишонмай, имтихон қилиб кўрадилар. Лекин энди у барча синовлардан муваффақиятли ўтади. Шу-шу у Хожа Ҳофиз номи билан машхур бўлиб кетади.

Бу балки ҳақиқат бўлмай, шоир ҳақида тўқилган афсоналардан биридир. Бу балки Ҳофизнинг эътироф этилган илк ғазали ҳам эмасдир. Аммо у шоирнинг оламшумул шухратини таъминлаган чинакам *ҳофизона* ғазаллардан бири эканлиги шубҳасиз.

Барча машхур кишилар каби Ҳофиз ҳаёти ҳам афсонаю ривоятларга ниҳоятда бой. Шоир билан боғлиқ яна бир афсона унинг соҳибқирон Амир Темур билан учрашувидир. Бу учрашув кўпгина илмий ва адабий асарларда қайд этилган. Эмишки, Ҳофизнинг:

Агар он турки шерозий ба даст орад дили моро,  
Ба холи хиндуяш бахшам Самарқанду Бухороро.

Яъни:

Агар кўнглимни шод этса, ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони, —

деган машхур байтини эшитган Амир Темур Шерозга келганида шоирни ҳузурига чорлаб:

— Мен Самарқанд ва Бухорони обод ва маъмур қилиш мақсадида бир умр жангу жадал олиб бориб, дунёнинг ярмини эгаллаган бир пайтда сен салтанатимнинг бу икки гўзал шахрини гўзалнинг холига ҳадя этишга қандай журъат этдинг?! — дейди.

— Азбаройи қўлим очиклигидан шу ахволга тушдимда, — дебди шоир унга жавобан ўзининг жулдур устбошига ишора қилиб.

Бу жавобдан Амир Темурнинг қаҳри меҳрга айланиб, Ҳофизга қимматбаҳо тухфалар берган экан.

Бу ривоят, бир томондан, Ҳофизнинг фақирликда яшагани, айни пайтда, машхур шоир бўлганини, иккинчи томондан, Темурнинг донишманд ҳукмдор экани-ю, илму адаб аҳлини қадрлаганини кўрсатади.

Ўзининг фақирона туриш-турмуши ҳақида шоир, жумладан шундай ёзади:

Факри зоҳир мабин, ки Ҳофизро,  
Сина ганжинаи муҳаббати Ўст.

Мазмуни: «Зоҳирига боқиб, Ҳофизни, фақир санама,  
униги кўкси Оллоҳ муҳаббатини хазинасидир».

Ҳофиз Шарқда шунчалик шухрат тутганки, уни муқаддаслаштириб, девонини илоҳийлаштирганлар. Шерозини Мусалло боғидаги қабри устига унинг девони қўйилган ва шоир зиёратига келганлар у асосида фол очадилар.

Ривоят қилишларича, 1389 йили Ҳофиз вафот этганида руҳонийлар унинг жасадини мусулмонлар қабристонига қўмишга қўймайдилар. Шунда шоир девонини олиб фол очганларида айни вазиятга мос келадиган қўйидаги байт чиққан:

Қадам дарег мадор аз жанозаи Ҳофиз,  
Ки гарчи фарқи гуноҳ аст, меравад ба биҳишт.

Мазмуни: «Ҳофизнинг жанозасидан оёқ тортма, чунки у харчанд гуноҳга ботган бўлмасин, жаннатга тушади».

Ҳофиз ўзи севган Мусалло боғига дафн этилган ва унинг шарофати билан кейинчалик бу боғ Ҳофизия номини олиб, жаҳон илму адаб аҳлининг зиёратгоҳига айланган. Ҳозирги кунда бу ерда кеча-кундуз шоир мухлисларининг оқими узилмайди. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида маълумот беришича, Абулқосим Бобурнинг эътиборли аъёнларидан бўлган шоир Мавлоно Муҳаммад Муаммоий Ҳофиз қабрини обод қилдирган. Кейин Эрон ҳукмдорларидан Каримхон Занд (1811) ҳозирги сағанани қурдирган.

Ҳофиз сағанасига ўрнатилган тошда унинг: «Мозорим устидан ўтар бўлсанг, химмат иста, чунки у бутун жаҳон риндларининг зиёратгоҳи бўлғусидир» маъносидаги байти битилган:

Бар сари турбати мо чун гузари, химмат хоҳ,  
Ки зиёратгоҳи риндони жаҳон хоҳад буд.

Агар Ҳофиз билан Шоҳнабот исмли қизнинг муҳаббати тўғрисидаги ривоятлар ҳақиқат бўлса, у оила қуриб, икки ўғил қўрган: бири ёшлигида нобуд бўлган, Шоҳнўмон номли иккинчи ўғли Ҳиндистонда вафот этиб, Бурхонпурда дафн қилинган. Хотини ҳам ёш ўлиб

кетган. Шоир шеърларида бу жудоликлар ҳақидаги ишораларга дуч келамиз.

Ҳофиз бир умр Шерозда яшади. У фақат бир мартагина — XIII асрнинг 70-йиллари бошида қисқа муддат Исфаҳон ва Яздда бўлган. Тўғри, шоирнинг шеърлари Шероздан ташқарида ҳам машҳур бўлганлигидан Бангола ҳукмдори Султон Ғиёсуддин, Дакан подшоҳи Шох Маҳмуд Баҳманийлар Ҳофизни ўз саройларига даъват қилиб, совға-салом юборганлар. Султон Аҳмад бинни Увайс Жалоирӣ уни Бағдодга ҳам таклиф қилган. Лекин ўз ватани ва халқини беқиёс муҳаббат билан севган Ҳофиз на саройга борган, на бошқа мамлакатларга. Бу ҳақда унинг ўзи Мусалло боғининг хуш насими-ю, Рукнобод анхорининг зилол суви менга сайру саёҳат қилишга ижозат бермайдилар дейди:

Намедиханд ижозат маро ба сайру сафар  
Насими боди Мусаллову оби Рукнобод.

Ҳофиз ҳукмдорларни мадҳ этмагани, сарой мухитидан ўзини олиб қочгани, аксинча, меҳнаткаш ва ҳуқуқсиз халқ томонида туриб, унинг қувончу ташвишлари, дарду аламларини оташин мисраларда тараннум қилгани учун юқори табақаларга ёқмади, уларнинг таҳкир ва хўрлашларига нишон бўлди. Мутаассиб дин намояндалари ва риёкор шайху зоҳидларни мазаммат этгани учун-ку уламоларнинг қажру ғазабига дучор бўлди. Шоирнинг баъзилар каби Қуръонни макру фириб тузоғига айлан-тириб, авом халқни қўрқитиш ва алдаш йўли билан кун кўриш, бойлик тўплашдан май ичиш ва мастлик қилиш яхшироқ мазмунидаги қуйидаги байтлари, табиийки, дин аҳлига мутлақо ёқмасди:

Ҳофизо, май хўру ринди куну хуш бош вале  
Доми тазвир макун чун дигарон Қуръонро.

Мутаассиб диндорлар ва риёкор шайху зоҳидларни кескин танқид остига олган бўлишига қарамай, Ҳофизнинг ўзи комил мусулмон эди. Шоир ижоди Қуръони карим ва Ҳадиси шариф отлиғ икки буюк чашмадан сув ичади. Тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси Қосим Анвор Қуръони карим оятлари маъноларига лиммо-лимлиги ва унинг чуқур мазмунли илоҳий сирларни ўзида акс эттир-

ганлиги жиҳатидан машҳурлиги туфайли Ҳофиз девонини «Форсий Қуръон» деб лутф этган.

Ривоятларга кўра, Бобораҳим Машраб:

— Ер юзидан оят ва ҳадис кўтарилганда Ҳофиз девони уларнинг ўрнини боса олади! — деган.

Шоирнинг ўзи шундай ёзади:

Субҳ хезиву саломат талаби, чун Ҳофиз,  
Хар чи кардам, ҳама аз давлати Қуръон кардам.

Мазмуни: «Мен Ҳофиз нимагаки эришган бўлсам, ҳаммасини эрта тонгда туриш, сиҳат-саломатликка интилиш ва Қуръон давлатидан топдим».

Ҳофиз ғазаллари, аввало, жозибали ва ёқимли оҳанги билан ҳар қандай ўқувчини ўзига тортади. Кейин ҳассос ва исёнкор руҳи билан унинг қалбини тўлқинлантиради. Ранг-баранг тимсолу ташбеҳлари, юксак бадиияти билан мафтун қилади. Ниҳоят, кенг ва чуқур маънолари билан ақлини банд этади. Қават-қават рамзу тимсоллар пардасига ўралгани билан изланиш ва тафаккур қилишга ундайди. Шоир шеърлари бир неча маъно қирраларига эга бўлганлиги учун ҳам ҳар бир тоифа уни ўзича талқин этади, ўз мақсадига хизмат қилдиради. Чунончи, тасаввуф олимлари Ҳофизни илоҳий ишқ куйчиси сифатида ўргансалар, Фарб ва Шўро адабиётшунослари, аксинча, уни бутунисича дунёвий шоирга чиқариб қўйган пайтлари бўлди. Аслида шоир ижодида илоҳийлик ва дунёвийлик ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. У еру кўкнинг яратувчиси бўлмиш Оллоҳни таъриф-тавсиф этиш, унга бўлган ҳассос муҳаббатини авж пардаларда тараннум айлаш билан бирга, Парвардигори оламнинг заминдаги халифаси инсонни ҳам унутмади: инсоний фазилатларни улуғлаб, қусурларни мазаммат этди; халқнинг орзумидлари, дарду ҳасратларини, дунёнинг буқаламунлиги, чархнинг кажрафторлиги, замонанинг адолатсизлигини ёниб куйлади. У висол ва ҳижрон, яхшилик ва ёмонлик, тўғрилиқ ва эгрилик, донолик ва нодонлик, қувонч ва қайғу, дўстлик ва душманлик каби азалий ва абадий мавзуларни маҳорат билан қаламга олади.

Ҳофиз ҳаммаёқни вайронага айлантирган мўғуллар ҳукмронлиги инқирозга учраб, майда хонлиқлар ўртасидаги ўзаро тожу тахт талашлари авж олган, бундан халқнинг гинкаси қуриб, аҳволи хароб бўлган бир даврда

яшаб ижод этди. Унинг даврида Шероз беш марта ана шундай жанглар гирдобига тортилиб, ўзи вайрон, халки қатли ом қилинди. 50 йил (1338–1388) мобайнида олти марта подшоҳ алмашганлиги ҳам шоир яшаган даврнинг нотинчлигини кўрсатади. Бу подшоҳлардан фақат маърифатли ва шеърят мухлиси бўлган Шайх Абуисҳок Инжугина (1342–1353) Ҳофизни қўллаб, унга ҳомийлик қилган. Лекин унинг тахтини эгаллаган Муборизиддин (1353–1359) шайх Имоди Фақиҳ маслаҳати билан ҳукм юритиб, Шерозда зулм ва мутаассибликни кучайтиради (Ҳофиз ғазалларидаги «мухтасиб» образида кўпинча шу шоҳ ва фақиҳ кўзда тутилади). Шоирнинг алам ва армон билан:

Бад-ин шеъри тари ширин зи шоҳаншоҳ ажаб дорам,  
Ки сар то пой Ҳофизро чаро дар зар намегирад? —

дейиши бежиз эмас.

Мазмуни: «Шундай гўзал ва оҳорли шеърлари учун Ҳофизни бошдан-оёқ зарга кўмиб ташламагани учун шоҳаншоҳга ҳайрон бўламан».

Бу золим шоҳ нафақат халққа, балки ўз фарзандларига ҳам зулм ўтказганидан, улар отани кўр қилиб, тахтдан четлаштирадилар. Унинг ўрнига ўтирган ўғли Шоҳ Шужоъ дастлаб Ҳофизга илтифот кўрсатади, лекин кейинчалик уларнинг муносабатлари ёмонлашади. Манбаларда Шоҳ Шужоънинг Ҳофизни ёмон кўриб қолишига икки нарсани сабаб қилиб кўрсатадилар: биринчиси — унинг пири муршиди Имоди Фақиҳнинг Ҳофиз томонидан таҳқирланиши, иккинчиси — ўзи шеър ёзиб, шуҳрат қозонолмаган шоҳнинг рашқу ҳасади. Шоҳ Шужоъ бир куни Ҳофизга ташланиб қолади:

— Сизнинг бирор-бир ғазалингиз мустаҳкам асосга эга эмас: ишқдан сўз очиб, дарҳол висолга ўтасиз, кейин фироқдан фикр юритасиз; бир вақтнинг ўзида тасаввуфга мурожаат этиб, май хусусида шеър айтиб, сўнг бирдан зоҳидларга ҳужум қилиб қоласиз, охирида дунёнинг бевафолиги хусусида хулоса чиқарасиз. Бундай ранг-баранглик шоирликда мақбул эмас ва фасоҳат қоидаларидан узоқдир. Бошдан-охир бир мавзуда бўлиб, бадий сайқал берилган ғазал таъъга мувофиқ саналади.

— Начора, — дейди унга жавобан шоир, — шунча камчиликларига қарамай, менинг шеърларим тилдан-тилга,

дилдан-дилга кўчиб, тўрт тарафга тарқалди, хатто мамлакатма-мамлакат сайр этиб юрибди. Ҳолбуки, бошқаларнинг шеърлари ҳар қанча бадиий санъатларга бой, фасоҳат ва балоғатда тенгсиз бўлса-да, шаҳар дарвозасидан ташқарига чиқмаяпти.

«Шоҳ Шужоъдан кейин тахтга ўтирганлар билан ҳам шоирнинг муносабати яхши бўлмаган. Уни, ҳатто, қувғин қилмоқчи бўлганлар, лекин шоирнинг Шероздан ташқарида ҳам машҳур эканлиги бунга йўл бермаган»<sup>1</sup>.

Бу нарсалар унинг ижодига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Маъшуқа таъриф-тавсифи, висол лаззатию хижрон ҳасратини тараннум этиш воситаси бўлган ғазалга Ҳофиз ижтимоий мавзулар, фалсафий фикр-мулоҳазаларни омихта қилади. Ўз даврининг сиёсий манзараларини, маънавий қиёфасини ҳаққоний гавдалантиради. У ишқ аталган улкан ва бепоён мавзу ичига олам ва одам дардини, жамият муаммоларини дадил олиб кирди. Тақдир, дунё, замон, одамлар танқиди шоир ижодида етакчи ўрин тутиши бежиз эмас. Ҳофизни Ҳофиз қилган нарса аслида — шу. Шоир инсоннинг орзу-интилишлари, қувончу қайғуси, дарду ташвишлари, муҳаббати, фикру ўйларини авж пардаларда куйлаш билан адабиётнинг асосий объекти инсон эканлигини амалда исботлади, «ўз эҳтиросли шеърий таланти билан инсон ички дунёсининг адабиётга номаълум бўлган шу қадар кўп янги, нозик, сирли томонларини очди»<sup>2</sup>. Шунинг учун ҳам асрлар ўтса-да, унинг шуҳрати заррача пасайган эмас, билъакс, кундан-кунга ортиб борди ва бундан кейин ҳам шоир ижодига бўлган қизиқиш камаймаслиги шубҳасиз. «Ҳофиз жаҳон адабиёти юксаклигига кўтарила олди ва фикрловчи, илғор инсониятнинг абадий шоири бўлиб қолди»<sup>3</sup>.

Ҳофиз чинакам кўнгил таржимони: кўнглида борини яширмай қоғозга тўқади. Ҳеч кимдан кўрқмайди, ҳеч нарсанинг андишасини қилмайди. Ер тубидан қайнаб чиққан чашманинг кўзини беркитиб бўлмаганидек, қалб қаъридан тошиб чиққан туйғулар шалоласининг ҳам йўлини тўсиб бўлмайди. Ҳофиз қалб чашмасидан қайнаб

<sup>1</sup> Шомухамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. 34-бет.

<sup>2</sup> Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961 йил, 32-бет.

<sup>3</sup> Брагинский И.С. Из истории персидской и таджикской литератур. Москва, 1972 г. С. 412.

чиққан зилол сувлар неча асрлардан буён сўзга, шеърга ташна кўнгилларни қондириб келмоқда.

Ҳофиз ижодининг илк босқичларида ўз даврининг машҳур шоирлари Салмон Соважий ва Хожу Кирмонийларга эргашган, улар таъсирида ғазаллар ёзган. Хусусан, Хожу Кирмоний Саъдий ва Ҳофиз ўртасида кўприк бўлди. У Саъдий шеърятнинг асосий жанрларидан бирига айлантирган ғазални ривожлантириб, Ҳофизга етказди, кейин Ҳофиз уни мўъжиза даражасига кўтарди. Маълум бўладики, Саъдийнинг Ҳофизга таъсири икки томонлама бўлган: бевосита ва Хожу Кирмоний орқали. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзган эди:

Устои ғазал Саъдист пеши ҳама кас, аммо  
Дорад сухани Ҳофиз тарзи сухани Хожу.

Мазмуни: «Барчанинг наздида Саъдий ғазалда устод саналади, лекин Ҳофиз ижоди Хожу шеърлари услубидадир».

Таниқли тожик адабиётшунос олими, академик Абдулгани Мирзоевнинг ёзишича, форсий адабиётда ғазалчилик тасаввуфий ва дунёвий йўналишда ривожланиб, Ҳофиз ўз ижодида ана шу икки оқимни бирлаштиради. «Ҳофиз ижоди — форсий адабиётнинг бутун тарихида лирик шеърятнинг чўққиси ҳисобланади. Унинг шеъриятида Хайёмнинг ҳур фикрлиги, Румийнинг инсонпарварлик ғоялари, Саъдий ижодининг ахлоқий ва бадий гўзаллиги ажойиб тарзда уйғунлашиб кетган. Бу Ҳофиз ғазалларига бадий мукамаллик бағишлайди ва салафларига кўра кўпроқ унинг ижодини Ғарб уйғонишининг бадий муваффақиятларига яқинлаштиради»<sup>1</sup>.

Машҳур ҳинд шоири ва мутафаккири Муҳаммад Иқбол Ҳофизни буюк сеҳргар деб атаган эди. Чиндан ҳам, дунё адабиётида сўзни Ҳофиздай минг бир мақомда уйнатган, сўзга минг бир маъно юклаган, сўзни минг бир сеҳру синоат пардасига ўраган яна бир шоирни топиш қийин. Шарқда ҳофизхонлик бежиз шуҳрат тутмаган. Ҳофиз девони мадрасаларда махсус дарсликлар қаторида ўқитилган. Ҳофиз шеърлари табиийлиги, самимийлиги, ҳассос бир муҳаббат ва юксак бадииятга йўғрилганлиги, мазмунан теран ва серқатламлиги, фалсафасининг қуюқ-

<sup>1</sup> Брагинский И.С. Кўрсатилган асар. 42-бет.



лиги, нозик ишораларга бойлиги, услубининг мураккаблиги учун ҳам унга «Лисон ул-ғайб» — «Ғойибнинг тили» сифатини берганлар. «Шоирлар раҳнамоси Ҳофиз Шерозийнинг аксар шеърлари латиф ва табиий, баъзилари эса равонлик ва ёрқинликда мўъжиза чегарасида... Ҳофиз шеърларида сунъийликдан ҳеч асар бўлмагани учун «Лисон ул-ғайб» лақабини бердилар», — деб ёзади бу ҳақда Абдурахмон Жомий. Чиндан ҳам, бандасининг бу қадар ҳар жиҳатдан мукамал шеър ёза олишига кишининг ишонгиси келмайди. Бу Ҳофиз қалбига иниб, тилидан қайнаб чиққан илоҳий садолардир. Шоир қалби илоҳий маънолар хазинаси, шоир тили унинг котиби дегингиз келади.

Ҳофиз буюк бир ишқ ошиғи эди. Ошиқ қалбининг оташин ҳисларини ғазалларига тўкиб солди ва уларни ўқиган ўқувчиларнинг қалбига ҳам ишқу муҳаббат ўтини алангалатди.

Ҳофиз қалби оддий қалб эмас, балки бир оташкадир. Ҳофиз ғазаллари шунчаки ғазаллар эмас, ана шу оташкадан бу ёруғ дунё сари отилган учқунлардир. Ҳофиз ғазалларини ўқир экансиз, бағрингизга бир ўт туташгандай бўлиши бежиз эмас. Гўзалликка ошно бирор-бир қалб бу шеърятдан бефарқ ўтиб кетолмайди. Бу чашмадан ичиб, маст бўлмаган шеърят мухлиси хали учрамаган.

Ҳофиз сўзнинг имкониятларидан ҳадди аълосида фойдаланган шоир. Унинг сеҳрли қаламидан тўкилган мисралар мўъжиза даражасида!

Ҳофиз оддийликдан мўъжиза ярата олган шоир! У сода ва самимий ёзади. Айни пайтда, теран ва ранг-баранг мазмунларни шеърлари қатига сингдириб юборади. Чуқур маъноларни гўзал ифодалашда у беназир санъаткордир.

Ҳофиз шеъриятида санъаткорлик ниҳоятда юксак. У ташбеҳу тимсолларсиз бирор мисра тизмайди ҳисоб. Таносиби каломга қатъий риоя қилади — ўрнига тушмаган, жойини топмаган бирор сўз топмайсиз. Фикрларини тазод — қарама-қарши кўйиш асосига қуради. Халқ мақол-маталлари, образли иборалардан маҳорат билан фойдаланади. Шоирнинг тили ўткир — киноя-пичингни ҳадди аълосига етказди. Ийҳом санъати — коса тагида нимкоса шоир шеърларининг етакчи хусусиятларидан. Лутф, муболаға санъатларини жуда ўрнига қўяди. Ҳусни матлаъ, ҳусни таълил, фахрия ва бошқа санъатларнинг

ҳам гўзал ва етук намуналарини яратади. Шоир шеърларининг бадиияти унча-мунча мутахассиснинг ҳам ақлини шошириб қўяди.

Фирдавсий — маснавийни, Умар Хайём — рубоийни қанчалик такомилга етказган бўлсалар, Ҳофиз Шерозий ҳам ғазални шунчалик юксак мақомга кўтарди. Мана, неча асрлардан буён рубоийда бирор шоир Хайёмга етолмагани каби, ғазалда ҳам ҳеч ким Ҳофизнинг олдига тушолган эмас. «Ғазал ёзиш Ҳофизга мусаллам бўлди», — дейди бу ҳақда Навоий.

Ҳофиздан бор-йўғи бир девон мерос қолган. Шуни ҳам унинг ўзи тузмаган. Бу ишни Ҳофиз вафотидан 30—40 йилдан кейин шоирнинг дўсти ва шогирди Муҳаммад Гуландом амалга оширган. Лекин шу биргина девони билан ҳам у ярим дунёни эгаллади. Шарқда-ку Шероз булбулидан таъсирланмаган шоир йўқ ҳисоби. Гуландомнинг шоир девонига ёзилган муқаддимасида айтилишича, хосу авомнинг мажлиси, дину давлат арбобларининг хилватдаги суҳбатлари, сўфий ва риндларнинг давралари Ҳофиз ғазалларисиз қизимасди — у ҳаётлигидаёқ барча тоифанинг хос шоирига айланиб улгурган эди.

Ўзининг илоҳий истеъдод соҳиби эканлиги-ю, шеърларининг мақоми юксаклигини яхши билган Ҳофиз рақибларининг рашку ҳасадларига жавобан шундай ёзган эди:

Ҳасад чи мебари, эй сустназм, бар Ҳофиз,  
Қабули хотиру лутфи суҳан худодод аст.

Мазмуни: «Эй саёз шеърлар ёзувчи шоир, нега Ҳофизга ҳасад қиласан? Билмайсанмики, оҳорли ва теран фикрлар-у, сўз назокати ва балоғати Оллоҳ томонидан бериладиган илоҳий неъматдир».

Барча шарқ шоирлари ижодида ўзининг шоирлик салоҳияти, шеърларининг шухратидан фахрланиб ёзилган байт ва шеърларга дуч келамиз. Илму бадеъда бу фахрия санъати деб юритилади. Ҳофиз ҳам ўз ижодининг моҳияти, шеърларининг асосий хусусияти, шоирлик истеъдоди ва асарларининг шухрати ҳақида қўплаб мисралар битади. Чунончи:

Ба шеъри Ҳофизи Шероз мерақсанду менозанд  
Сияҳчашмони кашмириву туркони самарқанди.

Мазмуни: «Ҳофиз Шерозий шеърларига кашмирлик оху кўзлик гўзаллар ва самарқандлик турк сулувлари рақс айлайдилар-у, у билан фахрланадилар».

Фахрия санъатини ҳадди аълосига етказган шоир бошқа бир газалида, «Сахар чоғида Аршдан бир бонгу садо таралаётганини эшитиб, ақл деди: «Малаклар Ҳофиз шеърини ёд олмоқдалар», — деб лутф этади:

Субҳидам аз Арш меомад хурӯше, ақл гуфт:  
«Кудсиён гўи, ки шеъри Ҳофиз аз бар мекунанд».

Ҳофиз Шерозий том маънодаги мутасаввиф шоир ва сўфиёна ғоялар тарғиботчисидир. Тасаввуф адабиётида сўфиёна истилох-тимсолларни ўз ижодида энг кўп қўллаган ва уларга энг кўп маъно юклаган яна бир шоир бўлмаса керак. Май, майхона, майфуруш, сокий, журъа, дурд, дурдкаш, кадах, хум, хумхона, маст, хумор, ринд, харобот, дайр, дайри муғон, пири муғон, сўфий, мурид, солик, толиб, талаб, шайх, пир, хонақоҳ, бут, бутхона, тарсо, тарсобача, зуннор, тариқат, маърифат, факр, фано, фоний, сафол, футувват, самоъ, вараъ, уруж, хижоб, парда, жоми Жамшид, жоми жаҳоннамо, илм ул-яқин, шамъ ва парвона, азал ва абад, сафо, шохид, ҳубоб, хирқа, кулоҳ, мақом, адам, дарвеш, ориф, соҳибасрор, соҳибназар, соҳибкамол, истиғно, важду ҳол каби тимсол-тушунчалар ва уларнинг маънодошлари шоир шеърларида фаол қўлланади. Лекин Навоийнинг ёзишича, у харчанд кўп илоҳий сирлар ва ҳақиқат маъноларини очик ва яширин ифода қилганига карамай, ўзининг бирор-бир пирнинг этагини тутгани ёки бирор-бир тариқатга киргани маълум эмас. Ҳолбуки, унинг шеърлари сўфийлар қарашларига шунчалик мувофиқ тушганки, ҳеч бир шоир бу даражага кўтарилолмаган. Хожалар силсиласидан бўлган бир табаррук зот ҳатто, агар киши сўфий бўлса, Ҳофиз девонидан яхшироғини тополмайди, деб лутф этган экан. Бизнингча, у ўзининг эркин ва исёнкор фикрларини ифодалаш учун тасаввуддан бир восита сифатида фойдаланган. Алишер Навоий ҳам «Махбуб ул-қулуб» асарида шоирларни уч гуруҳга — илоҳий ишқни қуйлаган шоирлар, мажозий ишқни қуйлаган шоирлар, илоҳий ва мажозий ишқни қўшиб қуйлаган шоирларга ажратар экан, Ҳофизни кейинги тоифага мансуб деб билиши бежиз эмас.

Ўз ижодида май ва у билан боғлиқ тимсоллардан хадди аълосида фойдалангани учун ҳам Ҳофиз ринд ва майпараст сифатида машхур. Бу ҳақда унинг ўзи бизнинг Ҳофизимиз азал бодасининг мастидир («...Ҳофизи мо масти бодаи азал аст»), Ҳофиз азалдан ринду шоҳидбоз эди («Ки Ҳофиз аз азал ў ринд буду шоҳидбоз»), деб эътироф этади. «Ҳофиз ғазалларидаги ишқ-мухаббат, май, риндлик мавзулари бир-бирини тақозо қилади ва бир-бирини тўлдиради»<sup>1</sup>.

Маълумки, мумтоз адабиётда май ҳаётдан лаззатланиш ва илоҳий ишқ рамзи бўлиб келади. Май мавзуи исломдан олдинги адабиётда ҳам мавжуд бўлган. Жумладан, бу мавзу Рудакий ижодида муҳим ўрин тутди. Кейин мутасаввиф шоирлар майга илоҳий мазмун бериб, унинг маъно доирасини кенгайтди. Май Ҳофиз ижодида ўзининг авж нуқтасига етди.

Муҳаммад Иқболнинг ёзишича, Ҳофиз тасаввуф таъсирида масту беҳудликни тарғиб этган бўлса ҳам, ўзи чин мусулмонга хос хушёр ҳаёт кечирган. Зеро, бир умр масту мустағрақ юрган кишининг бундай санъат мўъжизаларини яратиши мумкин эмас.

Ҳофизнинг ҳақиқий лирик шоир эканлигига менинг имоним комил, дейди у. Унинг шеърятидан сўфиёна ҳақиқатларни излаш кейинги мушорихларнинг виждонига ҳавола. Албатта, Ҳофиз суқр ҳолатида бўлган ва шунга тарғиб қилган. «Май», «маст қилувчи ичимликлар» ҳам шу маънони билдиради.

Умар Хайём ижодида муайян бир тизимга айланган риндлик ва ҳаётсеварлик оҳанглари Ҳофиз ижодида янги босқичга кўтарилди. Шоир ғазалларида Хайём рубоийларига, уларда ифодаланган фикр, ғоя, мазмун, образларга фавқулодда яқинликни кўради. Хайём рубоийларида ифодалаган маъноларни Ҳофиз ғазалларида ривожлантиргандай. Албатта, Ҳофиз ғазаллари фалсафий жиҳатдан Хайём рубоийлари қадар теран ва серқирра эмас, лекин исёнкор руҳи ва хассос оҳанги билан бевосита Хайём анъаналарининг давомчисидай таассурот қолдиради.

«XV асрга келиб, Ҳофиз Шерозий ижоди Шарқда жуда оммалашиб кетди. Бунда Ҳирот адабий мухитининг муҳим роль ўйнаганлигини таъкидлаш керак. Ҳирот

<sup>1</sup> Шомухамедов Ш. Ҳофиз Шерозий. 61-бет.

ҳукмдори Султон Хусайн Бойқаро ҳузуридаги мажлисларда, йиғин ва мушоираларда, ҳофизхонликларда шоир ғазал ва рубойлари, қитъа ва таржеъбандлари, бошқа адибларнинг унга боғлаган мухаммаслари, битган татаббуълари ўқиларди. Ҳофиз ва унинг замони хусусида суҳбатлар, қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб турарди»<sup>1</sup>.

Шу тариқа, Ҳофиз ўзбек адабиётига кучли таъсир ўтказди. Шоирларимиз ундан таъсирланиб, шеърлар битишди, ҳатто девонлар тартиб беришди. Сайфи Саройи, Ҳофиз Хоразмий, Саккокий, Атоий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Нодира, Амирий, Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фуркат, Ҳамза каби деярли барча ўзбек шоирлари Хожа Ҳофизни ўзларига устоз билганлар. Чунончи, асли исми Абдурахим бўлган Ҳофиз Хоразмий туркий шеърятнинг Ҳофиз Шерозийси бўлман, деб ўзига Ҳофиз тахаллусини танлаган бўлса, ҳофизона ҳассос ва ёқимли ғазаллари учун Фузулийни туркий шеърятнинг Ҳофиз Шерозийси деб улуғлаганлар. Алишер Навоий Амир Хусрав Дехлавий ва Абдурахмон Жомий билан бирга, «Бири – Исонафаслик ринди Шероз», деб Ҳофиз Шерозийни ҳам ғазалчиликдаги устозлари қаторида алоҳида ажратиб кўрсатади. Шоирнинг ўзбек тилидаги ижоди ҳам бу буюк салафи таъсиридан холи эмас. «Наводир уш-шабоб» девонидаги сўнгги ғазалда унинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади:

Янаки нутк илаю рух ила етурди анга  
Фуюз орифи Жомию ринди Шерозийи.

Мазмуни: «Яна Жом орифи (Жомий) ва Шероз ринди (Ҳофиз) ҳам (Навоий ижодига) сўз ва рух ила файз етказди».

Форсий ижодида эса у, асосан, Ҳофиз иўлидан борди. «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида унинг ўзи бу ҳақда: «Яна форсий ғазалиёт девони Хожа Ҳофиз тавридаким, жамиъ суҳанадолар ва назмийролар назарида мустаҳсан ва матбуъдур, тартиб берибменким, олти мишгдин абъётни адади кўпракдурки, кўпрак ул Ҳазрат шаънига татаббуъ вокеъ бўлубдур», – деб ёзади ва салафини ғазалда «ягонаи аср» деб атайди. У форс тилида бу буюк салафи ғазаллари

<sup>1</sup> Азимов М. Ҳофиз Шерозий ва ўзбек адабиёти. Тошкент, 2004 йил, 37–38-бетлар.

татаббуъида — 211, унинг таврида эса 20 та ғазал ёзган. «Девони Фоний»ни Навоийнинг «Ҳофизнома»си деб аташ мумкин» (А. Ҳайитметов). Бу ғазалларнинг кўпида у Ҳофизни улуғлайди, унинг ўз ижодига таъсири, ундан ўргангани хусусида сўзлайди. Мисоллар:

Шаҳию рифъат агар орзу кунӣ, Фоний,  
Ғуломи Ҳофизу хоки жаноби Жомий бош.

Мазмуни: «Эй Фоний, агар (сўз мулкида) шохлик ва юксак мартабани орзу қилсанг, Ҳофизнинг бандаси-ю, Жомий остонасининг тупроғи бўл».

Фоний, жомӣ фано чун накашам Ҳофизвор?  
Ки хама дар равиши Ҳофизу Жомий бинам.

Мазмуни: «Эй Фоний, фано жомини нима учун Ҳофиз янглиғ сипқармай, (чунки мен фонийликнинг) ҳаммасини Ҳофизу Жомий йўлида кўраман».

XVIII аср охири — XIX аср бошларидан эътиборан Ҳофиз Ғарб дунёсини ҳам ўзига қаратди. У Ғарб илму адаб аҳлида Шарқ сўз санъатига нисбатан меҳру қизиқиш уйғотди. Хусусан, 1812 йилда Йозеф фон Ҳаммер шоир девонини тўлалигича таржима қилиб, немис тилида нашр эттиргач, Ҳофизнинг шуҳрати Германияда ортиб кетади. Ўша пайтда Германияда Ҳофиз шеърлари ўқилмайдиган, унинг ижоди устида баҳс юритилмайдиган бирор адабий уюшма ёки тўғаракни топиш қийин эди. Ҳофизга эргашиб ёзилган шеърлар кўпайди, хатто немис адабиётида шарқона шаклдаги шеърлар, ғазаллар пайдо бўлади. Буюк Ҳёте «Ғарбу Шарқ девони»ни яратди. Бу девон Ғарб адабиётига Шарқ руҳини олиб кирди, Шероз булбулининг шуҳратини янада оширди. У Ҳофиз шеърларидан олган таассуротларини ифодалаб, жумладан шундай деган эди: «Мен ақлдан озияман. Агар ғазалнависликка ўтиб, кўнглимга бир оз таскин бергудек бўлмасам, тўсатдан хаётимга кириб келган бу ғайриоддий шахсиятнинг ғаройиб таъсирини кўтара олмайман». «Шу тариқа, Ҳёте янгича шеърӣй усулга мурожаат қилади. Бундай усулни у Ҳофиздан қабул қилади. Немис мутафаккири Ҳофизни «стилистик феномен» («ноёб услуб даҳоси»), «муқаддас Ҳофиз» деб атайди. Ҳёте Ҳофизни «Шарқнинг Вольтери» деб билади. Шу сабабли у ҳам Ҳофиздай бўлишни орзу

қилади»<sup>1</sup>. Хёте ўзини — Хотам, маъшуқасини — Зулайхо деб атаб, кўплаб шарқона шеърлар ижод қилади. Бу шеърлар девоннинг «Муғаннийнома», «Сокийнома», «Хофизнома», «Ҳикматнома», «Тафаккурнома», «Темурнома» «Ранжнома», «Ишқнома», «Форсийнома», «Тафсирнома», «Масалнома», «Хулднома» каби фаслларида ўрин олган.

Улуғ немис файласуфи Гегель ҳам Хофиз ҳақида «гениал санъаткор, гўзал, лаззатли... айни чоғда, исёнкор шеърлар муаллифи», деб ёзган эди.

«Инглиз шарқшунос олими Э. Броун ва немис шарқшунос олими Г. Эте Хофизни «Ҳамма замонларнинг энг катта ғазалгўй шоири бўлди ва шундай бўлиб қолади», деган бўлсалар, Хофизнинг таржимони Миссис Гертруда Белл Хофизни илк уйғониш даври итальян гуманист шоири А. Данте билан муқояса қилади»<sup>2</sup>.

Умуман, Фарба Хофизни Ҳейне, Хёте, Шелли, Вольтер, Байрон каби улуғ адиблар қаторида улуғлашган.

Рус адабиётида ҳам Хофиз катта шухрат қозонди. Машҳур рус шоири ва таржимони А. Фет Хофиз шеърлари таржимаси муқаддимасида: «Бизнинг шоиримиз билан, ҳатто, юзаки танишишнинг ўзи иккита катта ҳақиқатни англашга йўл очади: биринчидан, биз ўзимизнинг Фарб адиблари ва мутафаккирларида кўриб ҳайратланидиган фазовий юксакликни инсоният аллақачон кашф этган; иккинчидан, қайси замида ва қачон униб чиққанлигидан қатъи назар, ҳақиқий шеърят гуллари абадий сўнамасдир...», — деб ёзган эди.

А.С. Пушкин Хофиз каламга олган мавзулардан илҳомланиб, «Хофиздан» деган туркум шеърлар яратган. Улуғ рус шоири: «Саъдий ва Хофиз калами яратган пинҳоний сирлардан хабардор бўлганимга қадар меннинг шеърларимда нашъали жихатлар ва ҳаётсеварлик ҳиссиёти камроқ кўринарди», — деган эди. М.Ю. Лермонтов, В. Жуковский, С. Есенин, П. Гнедич, М. Прахов, А. Майков, А. Михайлов, М. Кузьмин, В. Иванов, В. Брюсов каби рус шоирлари ҳам Хофиз таъсирида *хофизона* оҳангларда шеърлар ёзишган ва унинг ижодини юксак баҳолаганлар.

<sup>1</sup> Саломов Ф., Комилов И. Дўстлик кўприклари. Тошкент, 1979 йил, 9-бет.

<sup>2</sup> Шомуҳамедов Ш. Хофиз Шерозий. 80-бет.

Хофиз Шерозий ўзбек халқи орасида ҳам қадимдан машҳур бўлиб, Хўжа Хофиз деб улуғлаб келинган. Девони мадрасаларда ўқитилган, ғазаллари хофизхонлик кечаларини кизитган. Лекин ўзбек тилида 1958 йили илк марта шоирнинг Хуршид, Муинзода, Чустий таржималаридан иборат 82 ғазал, 40 рубоий, таржеъбанд ва соқийномасини ўз ичига олган тўплами нашр этилди. Чунки шоир ғазаллари анча муваффақиятли таржима қилинган, хусусан, Хуршид таржималари гўзал ва хофизона чиққан эди. Мамлакатимизда Хофиз Шерозий ғазаллари таржимаси хусусида сўз кетгудай бўлса, барчанинг кўз олдига дарҳол забардаст мутаржим, форсий адабиёт билимдони Хуршид келиши бежиз эмас. У Хофизнинг руҳига кириб, уни англаб, услубига йўл топиб, шоирнинг оташнафас ғазалларини ўзбекчада аслидагидай жаранглата олган. Шунинг учун ҳам гарчи Хофиз шеърлари таржимасига Муинзода, Чустий, Васфий, Шоислом Шомухамедов, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Жонибек Қувноқ, Мирзо Кенжабек, Олимжон Бўриев, Ошиқ Эркин, Омон Мухтор, Сирожиддин Саййид каби кўплаб таржимонлар журъат этган бўлсалар-да, ҳеч ким бу борада Хуршидга ета олган эмас.

Таржиманинг таржима эканлиги билинмаса, ўқувчи уни ватан адабиёти намунаси каби ўқиса, мутаржим ўз зиммасидаги вазифани тўлиқ ва мукамал бажарган ҳисобланади. Хофиз шеърлари таржимасида Хуршид ўз олдига худди шу вазифани қўйган ва кўп ҳолларда бунга эришган ҳам. Чунончи, қуйидаги мисраларни ўқир экансиз, бунга яна бир бор амин бўласиз:

Сун, эй соқий, маининг охиригача — жаннатда тонмайсан  
Бу Рукнобод қирғовидаги сўлим Мусаллони...

Ғазал этдинг-у, дур сочдинг, ёқимли куйла, эй Хофиз,  
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин Сурайёни.

Вазн ҳам бир — ҳазажи мусаммани солим, рух ва оҳанг ҳам бир — жўшқин ва жозиб:

Бидех соқий, ман боқий, ки дар жаннат нахохи ёфт  
Канори оби Рукнободу гулганги Мусаллоро...

Ғазал гуфтиву дур суфти, биёву хуш бихон, Хофиз,  
Ки бар назми ту афсонад фалак икди Сурайёро.

Чустийнинг ҳам қатор таржималари муваффақиятли чиққан. Чунончи, Хофизнинг:



Ё Раб, ин шамъи дилафрӯз зи кошоиаи кист?  
Жони мо сӯхт, биҷурсед, ки жоноиаи кист? —

байти билан бошланадиган ғазалининг ўзбекчаси Хуршид таржимасидаги «янги ва янги, хилма-хил» («тоза ба тоза, нав ба нав») радифли ғазал сингари ҳофизлар томонидан чорақ асрдан буён севиб ижро этиб келинади ва халқ кўнглидан жой олиб улгурган:

Қайси уйнинг шамъидир у, қайси жойда хонаси?  
Ўртади жонни, сўранг, кимнинг эрур жононаси?

Шундан кейин шоир ижодидан намуналар «Шарқ классиклари меросидан» туркумида «Ҳофиз Шерозий шеърятидан» номи остида 1985 йили босилиб чиқди. Бу тўпламдан Хуршид ва Чустий таржималари билан бирга, Васфий, Ж. Жабборов, Ш. Шомухамедов, Э. Воҳидов таржималари ҳам ўрин олган. Агар шоирнинг аввалги китоби ғазаллар, соқийнома ва рубоийлардан ташкил топган бўлса, бу тўпламдан таржеъбанд ва китъалар ҳам жой эгаллаган. Соқийноманинг Ш. Шомухамедов томонидан амалга оширилган деярли тўлиқ таржимаси (олдинги нашрда унинг бир парчаси Муинзода томонидан таржима қилиб киритилган эди) берилган. Ҳофиз шеърлари таржимаси кейинчалик ҳам тўхтаб қолган эмас.

Халқимиз азалдан Ҳофиз ва Навоийни, Фузулий билан Бедилни тенг кўриб, баб-баравар мутолаа қилиб келган. Юртимизда айнан ҳофизхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик машҳур бўлган. Форсий адабиётга муҳаббат ҳозир ҳам баланд. Шундай экан, умид қиламизки, бу борада эришилган нуқтада тўхтаб қолмаймиз: таржималар давом этади ва ҳар бир янги таржима улуғ шоир ижод оламини кашф этишда янги босқич бўлаверади. Келгусида Ҳофиз асарларининг тўла ва мукамал таржималарини амалга ошириб, жаҳон сўз санъатининг забардаст намояндаларидан бўлган бу улуғ шоир шеърятидан халқимизни чинакам маънода баҳраманд қилишимиз лозим. Бугина эмас, Ҳофиз ғазалларига кўплаб шарҳлар ёзилганки, уларни ҳам таржима ва изоҳлар билан ўзбек тилида нашр этсак, бу нафақат Ҳофиз ижоди, балки умуман мумтоз Шарқ адабиётини тобора теранроқ англашимизга хизмат қилади.

## ЖАҲОНГА СИҒМАГАН ШОИР

Насимий номи тилга олинар экан, шеърят мухлис-лари, адабиёт муҳиблари тилида беихтиёр:

Манга сиғар икки жаҳон, ман бу жаҳона сиғмазам! — мисраси айланади. Ўзининг исёнкор шеърлари билан жаҳонга ўт солган бу шоирни бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида билишади ва асарларини севиб ўқишади. Туркий халқлар, жумладан, ўзбекларнинг эса у ўз шоири ҳисобланади. Мавлоно Лутфий Насимий ижодига юксак баҳо берган бўлса, Алишер Навоий валийлар, йирик тариқат шайхлари ва машҳур сўфийларга бағишланган «Насойим ул-муҳаббат» асарида туркий машойихлар қаторида унга ҳам ўрин ажратади:

«Саййид Насимий қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз (Оллох унинг азиз руҳини муқаддас қилсин).

Ироқ ва Рум тарафидаги мулкдин эркандур. Румий ва туркмоний тил била назм айтибдур ва назмида ҳақойиқ ва маориф бағоят кўп мундариждур. Мазкур бўлғон аҳлиға анинг шеъри муқобаласида ҳамоноки шеър йўқдур. Ҳамоно тақлид аҳли анинг мазҳабида қусур тухматиға муттаҳам қилиб, шаҳид қилдилар. Машҳур мундоқдурки, терисин сўяр ҳукм бўлибдур. Ул ҳолатда бу шеърни дебдурки:

Қибладур юзунг, нигоро, кошларинг меҳроблар,  
Суратинг мусҳаф вале, холу хатинг эъроблар

ва бу шеърнинг таҳаллуси ушбу муддаоға долдурким:

Эй Насимий, чун муяссар бўлди иқболи висол,  
Қўй, терингни сўйса-сўйсун бу палид кассослар».

Ўз таъбири билан айтганда, «сўзнинг додини берган» исёнкор ва ҳассос шоир Насимий илк бор озарбайжон тилида ижод қилгани, озарбайжон адабий тилини халқ жонли сўзлашув тилига яқинлаштиргани билан озарбайжон адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутди. У Ҳасан ўғли ва Қози Бурҳониддиндан кейин озарбайжон тилида яратилган шеърятнинг буюк устодларидандир.

Саййид Имодиддин Насимий 1370 йили Ширвон вилоятининг Шамоҳи шаҳрида туғилган. Асли исми — Али, лақаби — Имодиддин. У ўз даврига нисбатан мукамал таҳсил кўрган. Форс, араб тиллари ва адабиётини чуқур

ўрганган. Бундан ташқари, мантиқ, риёзиёт, табиёт ва астрономия фанларини ўзлаштирган. Шаҳар меҳнат ва санъат аҳли муҳитида униб-ўсган, бу нарса шоир дунёқарашининг шаклланишида ўз таъсирини ўтказган.

Маълумки, Шарқнинг Фаридиддин Аттор, Бобораҳим Машраб каби оташнафас, исёнкор шоирлари машҳур сўфий ва авлиё Мансур Ҳалложга кучли эътиқод қўйиб, ўзларини унинг ҳароратли шогирди ҳисоблаганлар. Насимий учун ҳам Мансур — илоҳий ишқ ошиғи, ўз эътиқодида собитлик тимсоли. Шунинг учун ҳам шоир илк шеърларини Хусайний таҳаллуси билан ёзади. Чунки Мансурнинг исми Хусайн бўлиб, унинг тариқати хусайния ёки ҳалложия номи билан машҳурдир. Насимийнинг Мансурга эътиқоди умрининг охиригача сўнган эмас, уни ишқ йўлида раҳнамо билиб, шеърларида ҳамиша оташин муҳаббат билан тасвирлайди:

Чун бақосиздур жаҳоннинг молу мулку неъмат,  
Давлати Мансура ёпиш, иста умри пойдор.

Насимий Қатрон Табризий, Саъдий, Низомий, Хоқоний ва Авҳадиддин каби устод шоирларни кўп мутолаа қилади. Кейинчалик у ўзининг ишқий сатрлари ҳатто ғазал устоди Саъдийни ҳам тўлқинлаштиришга қодирлиги ҳақида фахр билан ёзган эди:

Чун шуурга келиб, ишқ сўзин дерса Насимий,  
Завқиндан унинг жўшга келур Саъдийи Шероз!

\* XIV асрда Озарбайжонда тасаввуфдан ўсиб чиққан ҳуруфийлик деган оқим кенг ёйилиб, унда инсон омили муҳим ўрин тутади: инсон, унинг эрки улуғланади; инсонга илоҳий қувватнинг зуҳури ва тажассуми сифатида қаралади.

Ҳуруфийлик тариқатининг асосчиси, машҳур шоир ва мутафаккир шайх Фазлуллоҳ Наимий 1394 йили Ширвонга келади ва Насимий билан учрашади. Унинг ҳуруфийлик қарашлари Насимийга кучли таъсир қилади ва уни қабул этиб, Фазлуллоҳни ўзига муршид билади. Наимийга ҳамоҳанг Насимий таҳаллусини олади.

Ҳуруфийлик — XIV—XV асрларда Эронда вужудга келган шиалик оқимларидан бири. Унга Фазлуллоҳ Наимий (тахминан 1340 йилда туғилган) асос солган. 1386—1387 йилларда ўз таълимотини тарғиб қилиб чиққан. У

араб ҳарфлари сирли мазмунга эга деган қарашни илгари сургани учун ал-Хуруфий (ҳарфчи) таҳаллусини олган, тариқатнинг номи ҳам шундан келиб чиққан. Амир Темур уни Ширвонга бадарға қилгани учун хуруфийлар темурийлар хонадонини ёмон кўрганлар. Хуруфийлик тез орада Эрон, Озарбайжон, Туркия ва Сурияда тарқалган. «Хуруфийлар олам абадий, инсонда Худонинг қиёфаси акс этган, олам таракқиётининг ҳар бир босқичида Худо қиёфаси инсонда мужассамлашиб намоён бўлади, ана шунда инсоннинг ўзи Худо бўлади, охири пайғамбар Муҳаммад, авлиёларнинг биринчиси — Али, ўн биринчи имом — Ҳасан ал-Аскарӣ эса, имомларнинг охиригис Фазлуллоҳ Астрободӣ — худо мужассамлашган биринчи инсон, деган таълимотни илгари суради. Тез орада ерга Махдий келиб, илоҳий адолат ўрнатади, барчани тенг қилади, инсоннинг инсонга зулм қилиши тугайди, деб кутади»<sup>1</sup>.

1394 йили хуруфийлар таъкиб остига олиниб, Фазлуллоҳ Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ томонидан қатл этилади, Қосим Анвор эса Шохруҳ томонидан сургун қилинади. Ҳам ўзини қутқариш, ҳам хуруфийлик ғояларини ёйиш мақсадида Насимий Озарбайжондан чиқиб кетади, у Бағдод, Онадўли, Токат, Бурса ва бошқа жойларда яшайди, охири Ҳалабда қарор топади. Миср султони Муайяддин Насимийни даҳрийликда айблаб, қатл этишга эришди — 1417 йили унинг тириклайин терисини шилишади.

Насимийнинг ўлими билан боғлиқ ривоятлардан бирида айтилишича, шоирнинг қатлига фатво берган руҳоний:

— Бу шунчалик малъундирки, унинг қони қаерга сачраса, шу ерни кесиб ташлаш керак! — дейди.

Тасодифан шоирнинг қонидан бир томчиси ўша руҳонийнинг бармоғига сачрайди. Жамоат ундан бармоғини кесиб ташлашни талаб қилади. У эса:

— Мен бу сўзни шунчаки бир мисол тарзида айтган эдим, — деб, шоша-пиша бармоғини яширади. Шу пайт қонга беланган шоир:

Зоҳидинг бир бармоғин кессанг, тониб Ҳақдин қочар,  
Кўр бу мискин ошики сарпо сўярлар йиғламас, —

<sup>1</sup> *Ислом. Энциклопедия. Тошкент, 2004 йил, 316-бет.*

дея ўзининг исёнкор овозини биланд кўтаради ва ўз душманлари устидан маънавий ғалаба қозонган холда ҳаётдан кўз юмади.

Маълумки, Қуръоннинг бир неча суралари алиф, лом, мим каби араб ҳарфлари билан бошланади. Бу илоҳий ҳарфларни муфассирлар турлича талқин қиладилар. Ҳуруфийлар эса араб алифбосидаги барча 32 ҳарфни илоҳийлаштирадилар. Зеро, бу ҳарфлар орқали Қуръон нозил қилинган — улар илоҳий калом мазмунини ўзида ифода этади. Бинобарин, ҳар бир ҳарфда бир илоҳийлик мавжуд. Чунончи, дунёнинг яралишига ҳам бир сўз сабаб бўлган: Парвардигори олам «Кун!», яъни «Бўл!» деган ва бу дунё вужудга келган. Сўз эса ҳарфлардан иборат. Араб ёзувида «кун» икки — коф (к) ва нун (н) ҳарфларидан ташкил топган. Насимийнинг қуйидаги байти шу ҳақда:

Жўш қилди ақли кулл — келди вужуда коинот,  
Кофу нун амридан ўлди бу жаҳон яқбор маст.

Насимий ўз фикр-ўйлари, туйғу-кечинмаларини халқона содда услубда баён қилади. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари кўнгилга яқин. Шоир шеърлари бир қарашда оддий, содда бўлиб кўринса-да, лекин мазмуни чуқур:

Ул гул жамолинга гар саждамиз гуноҳ бўлса,  
Фақиҳга сўзлаки, бундан бўлак гуноҳим йўк...  
Насимий қайси томонга бокса, суратинг кўражак,  
Жаҳонда ўзгасини кўргали нигоҳим йўк.

Ишқ ўти ошиқни гоҳ ёндиради, гоҳ йиғлатади. Аслида ўт ва сув бир-бирига зид. Бинобарин, ишқ ҳам кўнгилда ана шундай қарама-қарши туйғулар пайдо қилади. Бу ҳолни Насимий мана бундай образли мисраларда ифода-далайди:

Ишқ ўти туташди шамънинг жонина кўрким, неча  
Ҳам ёнар, ҳам кўзлариндан оқизар селоблар.

Алишер Навоий «Ҳологи Пахлавон Муҳаммад» аса-рида: «Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур», — деб ёзади. Дарҳақиқат, шоир ўз шеърларида кўпроқ илоҳий маҳбубани ёниб қуйлади, ўзи мансуб ҳуруфийлик ғояларини улуғлади. Жумладан, тасаввуф фалсафасига кўра инсон ибтидода Парварди-

гори билан бир бўлган-у, туғилиб ундан айру тушган.  
Насимийнинг қуйидаги байти шу хусусда:

Ер билан кўк бино бўлмасдан аввал,  
Насимий ошиқ эди ул жамола.

«Баъзи тадқиқотчилар Насимийнинг она тилида «Муқаддимот ул-хақойиқ» номли хуруфийлик тарикатига бағишланган насрий асар ҳам ижод қилганини қайд қиладилар. Лекин асарнинг турли қўлёзма нусхалари мавжудлигига қарамай, уни Насимий ёзганлиги илмий жиҳатдан исбот қилинган эмас»<sup>1</sup>.

Латифий 1546 йили ёзилган «Машхур уш-шуаро» тазкирасида Насимийни «ишқ майдонининг сарбози ва муҳаббат каъбасининг фидойиси», деб таърифлайди.

Кўпрулузода Насимийнинг важду сўфиёна шеърлар ёзган ва хуруфийликнинг ёйилиши тарихида буюк роль ўйнаган санъаткорлардан бири бўлганлигини қайд этади.

Насимий озарбайжон адабиёти тарихида мардлик, жасорат, қаҳрамонлик тимсоли сифатида шуҳрат қозонган.

Насимий ўзидан кейинги туркий адабиётга кучли таъсир ўтказган. Шох Исмоил Хатойй, Халилий, Фузулий, Воқиф, Сурурий, Туфайлий каби озарбайжон, Лutfий, Навоий каби ўзбек, Шайхий, Зотий, Нажотий каби турк, Махтумқули, Дурди каби туркман шоирлари ижодига ҳам таъсир кўрсатган. У, айниқса, хуруфий мазҳабидаги шоирлар ўртасида машхур эди. Бектошийлар орасида ҳам машхур бўлган. «Махтумқулининг Дурди шоир билан мушорасида Насимий фожиаси ҳақида сўз боради» (Арасли).

## ЯНА БИР ҲОФИЗ

Ҳофиз Хоразмий номи фанга XX аср 70-йилларнинг охирида маълум бўлди. Мумтоз меросимиз намуналарини излаб дунёнинг турли мамлакатларига илмий сафарлар уюштирган машхур матншунос олим Ҳамид Сулаймон 1975 йили Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейида — Шарқ қўлёзмалари бўлимида 4298-рақами билан сақланаётган шоир девонини топади. Бу 586 варақдан иборат мукамал девон бўлиб, 37264 мисра ёки 18632 байт шеърни ўз ичига олади. Қўлёзманинг охириги

<sup>1</sup> Арасли Х. Имоиддин Насимий. Тошкент, 1973 йил, 69—70-бетлар.

варақлари тушиб қолганлиги туфайли унинг қачон ва ким томонидан кўчирилгани маълум эмас. Лекин палеографик белгиларга кўра у XV асрнинг 80-йилларида Шерозда китобат қилинган. Мазкур девон туркий ва форсийда ижод қилган Ҳофиз Хоразмий меросининг ягона нусхаси бўлиб, ҳозирга қадар шоир ижодидан бошқа намуналар ҳам, унинг таржимаи ҳоли ҳақидаги янги маълумотлар ҳам топилган эмас.

Ҳофиз Хоразмий девонини нашрга тайёрлаб, чоп эттирган Ҳ. Сулаймон унинг таржимаи ҳолини шеърларига асосланиб бир қадар тиклашга ҳаракат қилган. Чунки шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи бирор-бир манба топилган эмас: тазкираларда шоир номи учрамайди, баёзларга шеърлари киритилмаган. Лекин ўзидан мукамал ва салмоқли девон қолдирган шоир шеърлари билан танишиш унинг салоҳияти баланд ижодкор бўлганлигидан далолат беради.

Ҳофиз Хоразмий Хоразмда туғилиб ўсган, шу ерда таҳсил олган, шоир сифатида танилган. Амир Темурнинг Хоразмга қилган юришлари давридаги нотинчликлар туфайли Шерозга кетиб, ўша ерда турғун бўлиб қолган. XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг ўрталаригача яшаб ижод этган шоирнинг исми Абдурахим эканлиги шеърларидан маълум бўлади:

Хос ўз кулингга лутф этиб, раҳм қилса ёр,  
Мухлис қадимий қул анга Абдурахим эрур.

Шоирнинг форсий ғазалларида ҳам Раҳим ёки Абдурахим исми тез-тез учрайди. Унинг Ҳофиз таҳаллусини танлашини Ҳ. Сулаймон икки сабаб билан изоҳлайди: «биринчидан, Ҳофиз Хоразмий ўзининг машҳур замондоши Ҳофиз Шерозий бадий даҳосида тарбияланиб, уни ўз пири-мураббийси сифатида эътироф этиши ҳақиқатга яқин кўринса, иккинчидан, ёш Абдурахимнинг ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг тўла ҳуқуқи учун курашувчи, жасоратли ва оташин ватанпарвар экани билан изоҳланади. Аниқроғи, шоир Абдурахим ўзбек шеъриятида ҳам Ҳофиз Шерозийдек забардаст санъаткори бўлишини орзу қилган. Ўзбек халқи ҳам ўз она тилида яратилган ишқий, фалсафий шеъриятдан кенг кўламда баҳраманд бўлмоғи лозим, деган эзгу тилаклари унинг дунёқарашидаги халқчиллик ғоялари билан боғлиқ

кўринади. Кейинчалик Абдурахим Ҳофиз таҳаллусини қабул қилган»<sup>1</sup>. Бу ҳақда шоирнинг ўзи ғазалларидан бирида шундай ёзади:

Ҳофизни кўрунг ушбу замон турк тилинда,  
Ғар кечди эса форсада ул Ҳофизи Шероз.

Асарларини Ҳофиз таҳаллуси билан ёзган шоир икки ўринда Ҳофиз Хоразмий номини кўллайди:

Валоёту каромоту карам ўзиндин издаю,  
Бўлибдур Ҳофизи Хоразмий жони бирла Кирмоний.

Иноят бирла сўз бобинда ёри кўргузур бўлса,  
Ошурғай Ҳофиз Хоразмий шеърин фарқи шуародин.

Шу икки байтга мувофиқ шоир номи Ҳофиз Хоразмий деб аталади. Бу ном уни буюк Ҳофиз Шерозийдан ажратиб ҳам туради.

Ҳофиз Шерозийга эргашиб, унинг панжасига панжа уришни мақсад қилган Ҳофиз Хоразмий «ринди Шероз» анъаналарини биринчи бўлиб ўзбек адабиётига олиб кирганлардан дейиш мумкин. Бу ҳақда шоирнинг ўзи шундай ёзади:

Шерозий туркларга элтунг бу шеърником,  
Сурдум бу тавр узра Ҳофиз бикин каломе.

Ҳофиз Хоразмий XIV асрнинг охири ёки XV аср бошларида Хоразмдан чиқиб кетган, деб тахмин қилиш мумкин. Шеърларидан маълум бўлишича, у асосан Шерозда яшаган. Шаҳар отабегининг оқилона сиёсати тўғрисида мўғуллар истилосидан омон қолган, бошқа феодал урушларига тортилмаган Шероз нисбатан осойишта бўлиб, илму ижод учун муносиб жой эди. Шунинг учун ҳам бу даврда илму адабиёт, санъат аҳли Шероздан паноҳ топган. Ҳофиз Хоразмийнинг ҳам Шерозга бориб қолиши сабаби шунда бўлса керак. Шоирнинг:

Гулистон юзлу, эй соқий, санинг ишқинг манга жондур,  
Ичалим боданиким, даври Иброҳим Султондур, —

мисралари, бир томондан, шоирнинг Шерозда яшганлигини тасдиқласа, иккинчи томондан, ҳаётининг

---

<sup>1</sup> Сулаймон Х. Ҳофиз Хоразмий (Сўзбоши) // Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1-китоб. Тошкент, 1981 йил, 6—7-бетлар.



сўнги йиллари Иброҳим Султон даврида кечганлигини кўрсатади. Иброҳим Султон – Амир Темурнинг набираси, Шохрухнинг кичик ўғли бўлиб, 1414 йили Шероз тахтига ўтирган. Бу ерда 21 йил хукмронлик қилиб, 1435 йили вафот этган.

«1435 йили Султон Иброҳим вафот этганида Ҳофиз Хоразмий унга атаб махсус марсия ёзади. Шу марсия туфайлигина биз шоирни 1435 йилда ҳали ҳаёт эканини аниқлаймиз. Ҳофиз яна қанча умр кўрган, қачон вафот этган ва қаерда дафн этилганлиги ҳозирча номаълум. Аммо Темурнинг Хоразмга юришлари даврида Хоразм аҳли олдида кадрсизлигидан шикоят қилган Ҳофиз, шубҳасиз, XIV аср охиридаёқ етук шоир бўлиб, ёши 30–40 атрофларида бўлмоғи керак. Агар биз унга XV асрдан яна 35 йилни қўшсак, у Султон Иброҳим вафоти чоғида мўйсафид бўлиб, ёши 65–70 атрофида бўлган, деб тахмин қилиш мумкин. Шоир Шерозда турғун бўлиб қолганидан ўша ерда вафот этиб, ўша ерда дафн этилган, дейиш мумкин»<sup>1</sup>.

Амир Темур 1379–1388 йиллар давомида Хоразмга бир неча бор юриш қилгани маълум. Бундай шароитда тирикчилик қилиш, илму ижод билан шуғулланиш мушкул бўлиб қолади. Ўз олдига катта шоир бўлиш, туркий шеърятнинг ўрнини тайин этишни мақсад қилиб олган Абдурахим ижод учун тинч жой излаб, Шероз сари йўл олади:

Ҳофиз, санинг кадрингни гар Хоразм аҳли билмаса,  
Азми Ироқ айлаб равон, оҳангги Шероз этгасен.

Ҳофизга наво тегмаса Хоразмда, андин  
Қилғай эди оҳанги Хижоз ила Сипохон.

Иброҳим Султон вафот этганида унга бағишлаб марсия ёзиши, шеърларида унинг номини зикр этиши Ҳофиз Хоразмийнинг у билан анча яқин, эҳтимолки, хукмдорнинг сарой шоири бўлганлигини кўрсатади.

Ҳофиз Хоразмий девони Алишер Навоийгача ўтган шоирлар ичида бизгача етиб келган мукамал девон эканлиги билан ҳам диққатга сазовор. Девон мутолааси унинг Атойи, Гадоий, Саккокий, Лутфий даражасидаги юксак истъедод соҳиби эканлигини кўрсатади. Шеърларидан

<sup>1</sup> Сулаймон Х. Ҳофиз Хоразмий. 9-бет.

маълум бўлишича, у Ҳофиз Шерозийдан ташқари, Камол Хўжандий, Иمودий, Хусрав Дехлавий, Ҳасан Дехлавий каби забардаст форсий шоирлар ижодидан баҳраманд бўлган, таъсирланган:

Ул туркнинг камолу жамоли сифотида  
Ҳофиз эмасдур ушбу Камоли Хўжанд эрур.

Ширин лабининг васфида жонбоз бу Ҳофиз,  
Хусравсифат эрур, таки шеъри Ҳасани бор.

Камол таврида Ҳофиз ғазаллар айтур эрди  
Вале бу бир неча шеър ичра бор таври Имод.

Тавр — усул, йўл демакдир, яъни у ёки бу шоир йўлида, унга эргашиб шеър айтишдир.

Қуйидаги байтда ҳам «нори Хўжанд» ибораси Камол Хўжандий шеъриятининг Ҳофиз Хоразмий кўнглига солган «шеър ўти»ни англатса керак. Шоирнинг «Камол таврида ғазаллар айтар эдим», деган эътирофи ҳам унинг Камол Хўжандий шеъриятдан жуда таъсирланганлигини тасдиқлайди. Аввал Хоразм, кейин Шерозда яшаган шоирни Хўжанд билан фақат Камол шеърияти боғлаган бўлиши мумкин:

Оташи ишқни Ҳофиз кўнглиндин изданг,  
Чун анинг кўнглида бордур бу замон нори Хўжанд.

Ўзининг баланд истеъдодини ўзи ҳам эътироф этган Ҳофиз Хоразмий барча Шарқ шоирлари каби қатор фахрия байтларни ҳам битиб қолдирган. Чиндан ҳам у бундай фахру ифтихорга муносиб:

Казиб гул юзи ишқинда булбултак равон сайрар,  
Кўрарман ушбу даврон ичра Ҳофизтак ғазалхон йўқ.

Кўзунг била юзунг сифатин Ҳофиз айғали,  
Чин шеъри янгли туркий Хитову Хўтанда йўқ.

Албатта, шоир шеърларидаги айрим ишоралар орқали таржимаи ҳолининг баъзи нуқталарини ойдинлаштириш мумкин. Чунончи, узлат кунжини макон тутиб, фақат ижод билан шуғулланса эдим, маъно хазинасига йўл топардим, деган эътирофидан Ҳофиз Хоразмийнинг қайсидир хизмат билан банд бўлиб, шеър ёзишга ҳамиша вақт тополмаганлигини билса бўлади:

Ганжи маънога тамом элтгай эрдим роҳе,  
Даст берса эди Ҳофиз бики кунжи узлат.

Шоир шеърларида баъзида дуч келадиганимиз якранглик, фикрлар такрори ҳам унинг бир ўтиришда бир неча шеърни қоралаганидан далолат беради.

Мана бу байт унинг Хоразмдан чиқиб кетишидан олдин ёзилган:

Кеч бу Хоразмдан равон, Ҳофиз,  
Тилар эрсанг Ироқу ҳам Шероз.

Бу мисралар, шунингдек, шоирнинг Хоразмдаёқ Ҳофиз таҳаллуси билан шеърлар ёзганидан далолат беради.

Шоир ғазалларидаги шоҳга ишоралар ҳам унинг қайсидир ҳукмдор даргоҳига яқин бўлганлигини кўрсатади. Юқорида келтирилган байт ёки қуйидаги мисралар бунинг исботидир:

Камол Ҳофиз агар топса ушбу тавр ичра,  
Ғариб эмас, чу назар қилди шоҳи комилимиз.

Камар қуллуқ килурға боғла, Ҳофиз,  
Чу ҳолингни сўрар султон етишиди.

Камол Хўжандий шеърляти Ҳофиз Хоразмийга жуда кучли таъсир ўтказган. Қатор шеърларида буни шоирнинг ўзи эътироф этади:

Кўрса эди бу шеърни туркий тилин билиб,  
Юз офарин ўқиғай эди шоҳимиз Камол.

Камол Хўжандийнинг ўз даври шоирларига кучли таъсир ўтказгани маълум. Мавлоно Лутфий шеърляти ҳам бу таъсирдан холи эмас. Ҳофиз Хоразмийнинг ушбу байтидан маълум бўладики, Камол Хўжандийни ўша давр шоирлари шеърлят шоҳи деб билишган.

Ҳофиз Хоразмий девонининг топилиши ўзбек адабиётида кўп нарсаларга ойдинлик киритади. Чунончи, Алишер Навоийгача тўлиқ девон тузган Ҳофиз Хоразмий бўлиб чиқмоқда. Ҳар ҳолда, ҳозиргача бошқа бирор шоирнинг мукамал девони бизга етиб келмаган. Ёки жанрнинг барча талабларига жавоб берадиган рубоий Навоий томонидан яратилган, деб келинар эди. Маълум бўладики, бу борада ҳам Ҳофиз Хоразмий биринчиликка даъво қилади. Чунки шоир девонидан ўрин олган рубоийлар

хазаж баҳрида ёзилган бўлиб, ҳам шаклан, ҳам мазмунан жанр талабларига жавоб беради:

Парвона бўлур юзунг кўриб шамъи фалак,  
Ҳар бандаи эҳсонинг эрур мулку малак.  
Сўруб унутар эсам лаби лаълингни,  
Тутсин мани, эй жони жаҳон, ҳаққи намак.

Шоир рубойлари асосан муҳаббат мавзуида. Уларда ишқ-муҳаббат улуғланади, маъшуқа таъриф-тавсиф этилади, унинг жабру жафоси, айрилиқ азобларидан шикоят мотивлари ифода қилинади.

Чун ишқи кўнгулнинг ичра бунёд айлар,  
Ғам бирла хароб мулкин обод айлар.  
Жон бирла анинг ғаминга бўлсам банда,  
Ул дамда мани ғаминдан озод айлар.

Маълумки Маҳмуд Ғазнавий ва унинг хос надими Аёз ўртасида жуда яқин муносабат, ўзаро муҳаббат бўлган. Бу мумтоз шеърятда шоҳ ва гадо яқинлиги, муҳаббати рамзи сифатида авж пардаларда қуйланади. Маҳмуд ва Аёз образи Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам турли нуқталардан «кўб ва хўб» қаламга олинади. Буни, бир томондан, тасаввуфий мазмун билан изоҳласа, иккинчи томондан, шоирнинг Иброҳим Султон билан ўта яқинлиги ёки шундай яқинликка интилгани сифатида талкин қилса бўлади.

Маъною сурат ичра чун сансан бу дам Маҳмуди вақт,  
Тесанг не бўлғай раҳм этиб: «Ҳофиз — Аёзим кандасан?»

Мақоми оқибат Маҳмуд бўлғай,  
Агар тесангки, Ҳофиздур Аёзим.

Албатта, шоир ғурбатни чуқур хис қилган, ёр ва диёр соғинчи уни ўртаган. Лекин ўша давр анъанасига кўра ватан ишқи ҳам, қариндош-уруғлар меҳри ҳам ёрга муҳаббат ва айрилиқ азоблари тасвиридан иборат ишқий ғазаллар қатига сингдириб юборилган. Шоирнинг фақат бир қитъасидагина ватангадолик кечинмалари тасвирини учратамиз:

Таажжуб айламангиз издасам диёримни,  
Ватан чу жон эруру барча жонини издар.  
Нечаки сувни олиб баҳрдин булут кўкка  
Етурса, оқибат ул ўз маконини издар.

Баҳо гуҳар била жавҳар топар чикиб кондин  
Вале ниёз била баҳру конини издар.  
Ғариб шоҳи замоннинг вазири ҳам бўлса,  
Ҳамиша жон била ўз хонумонини издар.  
Агарчи шоҳи замон илгидур нишимани боз  
Вале кўнгул била боз ошёнини издар.

Шоир балки туркий шеърятнинг Ҳофизии Шерозийси бўламан, унинг нуфузини ошираман, Шарқ сўз санъатидаги ўзига муносиб ўрнини тайин этаман, деган эзгу мақсадда ўзига Ҳофиз тахаллусини танлагандир. Бу жиҳатдан Х. Сулаймон ҳақ. Лекин шеърятда у Ҳофиз Шерозий эмас, балки Камол Хўжандий, Имодий, Хусрав Дехлавий, Ҳасан Дехлавийларга эргашганини, улар йўлида қалам тебратганини кўрамиз. Чунки шоир шеърларида «ринди Шероз» ижодидаги каби исёнкорлик, хур фикрлик, фалсафий қамровдорлик, мазмун серқатламлигини эмас, балки номлари зикр этилган шоирларга хос нозик лутф, гўзал ифода, бадиий санъатларга мойилликни, илоҳий ишқ тараннумини кўрамиз. Ҳофиз Хоразмий шеърятда дунёвий муҳаббат тасвири эмас, балки илоҳий ишқ тараннуми устун. Унинг ғазалларида ижтимоий, фалсафий, панд-насиҳат мазмунидаги байтлар ҳам деярли учрамайди — сидирғасига муҳаббат тасвири кетади. Ишққа ниҳоятда берилиб, атрофдаги ҳаётни унутгандай таассурот туғилади. Шоир яшаб ижод қилган давр тасаввуфнинг энг ривожланган, ўзининг авж нуқтасига кўтарилган даври эканлигини назарда тутсак, бунинг сира ажабланидиган жойи йўқ. Бу ғазалларда фақат баъзи-баъзида таржимаи ҳолга оид ва фахрия байтларни учратиш мумкин.

Илоҳий ишқ толиблари учун мақсад жаннат ҳам, дўзах ҳам эмас, балки Худонинг ўзи: агар у бўлмаса, жаннатнинг дўзахдан фарқи йўқ, аксинча, Ҳақ ваъдаси бўлса, дўзах жаннатдан-да афзал. Шоирнинг бир қатор ғазалларида ана шу ҳақиқат ўз аксини топган. Чунончи:

Биҳишт ичра агар бўлмаса ёди — қаъри дўзахдур,  
Анинг ёди била дўзах эрур чун жаннати аъло.

Тасаввуф фалсафасига кўра, бу дунёдан кўнгил узмай туриб, у дунёдан насиба истаб бўлмайди, ўзликни маҳв этмай, илоҳий асрорни дарк этиш мумкин эмас. Ўзликдан кечиш — инсонни Парвардигоридан ажратиб

турган дунё, нафс, одамлардан узилиш бўлса, Ўзликни топиш — илоҳий маърифатга етиш. Шоирнинг қуйидаги мисралари шу хусусда:

Кўзни юмсанг жамъи ашёдин,  
Кўринур эрди маънойи ашё.

Ўз-ўзунгдин тамом махв ўлсанг,  
Очилур эрди санди сирри Худо.

Оғиз мисолида тасаввуф адабиётида ғайб асрорига ишора қилинади. Илоҳий асрорни англаб, унга етиб бўлмайди, фақат Худонинг баъзи бир хос бандаларигагина бу саодат иноят қилинади. Шунинг учун ҳам сўфиёна адабиётда оғиз жуда тор, кичик, ҳатто кўриб бўлмас даражада тасвирланади. Оғиз тимсоли шоир ижодида ҳам кўп учрайди. Чунончи, қуйидаги байтда у оғзини излаб йўқ бўлдим — илоҳий маърифат йўлида фано бўлдим, зеро борлиқни топиш учун йўқ бўлиш керак, дейди. Тасаввуф таълимотига кўра бу дунё — йўқлик олами, ҳақиқий дунё — борлиқ у дунё:

Оғзини издадиму йўқ бўлдум,  
Нест бўлмай, чу топулмади хаст.

Тасаввуф фалсафасига кўра бу дунёда илоҳий маҳбубага етиб бўлмайди — бунинг учун рухни камолга етказиш ва жисмдан фориғ бўлиш керак. Чунки илоҳий маҳбуба билан инсоннинг жисми эмас, балки рухи қовушади. Шунинг учун ҳам мутасаввиф шоир ёзади:

Кўрганда юзин бўлмаса хушдур тани хокий,  
Хуршиди жаҳонтобга девор на хожат.

Бу таълимотга кўра бутун олам У туфайли яралган. У туфайли пайдору Унинг ўзи оламда йўқ, яъни Ўзида оламни аён этгану Ўзини ниҳон айлаган:

Нишон эрур қаму олам анинг вужудиндин,  
Валек мунча нишон аро бенишон борадур.

Сўфиёна шеъриятда ошиқнинг оҳига алоҳида эътибор берилади. Хусусан, ошиқнинг тонг чоғида урадиган охи Парвардигор даргоҳига бориб етади, деб ишонилади. Лекин муҳими бу эмас: ошиқ кўпинча бир кучли ох уриш билан жонини ҳам Жабборга топшириб, Яратган васлига восил бўлади:

Ишқиндин анинг ошикеким, оҳ килибдур,  
Ул оҳ ила жонини ҳамроҳ килибдур.

Мутасаввиф шоирнинг нуқтаи назарига кўра, унинг жони ҳам ҳақиқий маъшуқага етиш йўлида ҳижоб ҳисобланади:

Бу хаста жонни тиларман анга равон қилсам,  
Чун ушбу жон ўшанинг йўлинда ҳижобтурур.

Албатта, барча Шарқ шоирлари каби Ҳофиз Хоразмий ҳам бадиий санъатлардан маҳорат билан фойдаланган. Хусусан, ташбех, муболаға, тазод, талмеҳ, тажнис, лаффу нашр, ирсолу масал, фахрия, ташхис санъатлари шоир ижодида кўп учрайди. Ҳар қандай шоирда бўлгани каби ташбех — Ҳофиз Хоразмий шеъриятининг ҳам етакчи хусусияти. У имкон қадар ташбехсиз бирор байт тизмасликка ҳаракат қилади. Шоир ижодида гоҳ анъанавий ташбехларга, гоҳ ташбехлар такрорига дуч келсак-да, унинг шоирлик истеъдодини ўзи томонидан топилган янги ва гўзал ташбехлар белгилайди. У ўзи кашф этган баъзи бир ташбехларни севиб, қайта-қайта қўллайди ва ҳар гал уларнинг янги бир қиррасини очади. Чунончи, булбулнинг нола-фигони доимий эканлигига сабаб гулнинг тиканни бағрида тутиб, булбулни ўзидан узоклатгани:

Гули нозанин хор ёнин тутиб,  
Гулистонда булбулни нолон қилур.

Маъшуканинг кўнгилни асир қилишини шоир мана бундай образли тилда ифодалайди:

Тутди кўнгул вилоятини нозу ғамзадан,  
Оре, тутар жаҳонни шаҳаншоҳ сипоҳ ила.

Подшоҳ жаҳонни қўшинлари билан истило қилганидек, маъшуқа нозу ғамзаси билан кўнгил вилоятини забт этди.

Қуйидаги байтда ишқ дардини — тоққа, ўзини — сомонга ўхшатади: тоғни сомон билан қўпориб бўлмаганидек, мен каби заиф кишининг ишқдай улуғ дардни чекиши имконсиз:

Бўлдум заиф, ох, анинг дарди бирла ман,  
Чун кўхни киши чека олмади қоҳ ила.

Аслида ошиқни сомон даражасида заифлаштириб қўйган маъшуканинг ишқи. Ошиқнинг ишқ дардида ўртана-

Ўртана ориклаб кетиши — сомон, хас, барг, чўп даража-сига келиши тасаввуфда асосий шарт. Фақат шундагина илохий ишқ чақмоғи чақиши билан у лов этиб ёнади-ю, маъшуқи азалга қўшилиб-сингиб кетади. Шунинг учун ҳам сўфиёна шеъриятда хас, чўп, сомон, барг тимсолларига кўп дуч келади.

Ўтмишда гўй ва чавгон ўйини машхур бўлган. Гўй — тўп каби юмалок, чавгон — учи қайрилма узун таёқ. Маъшуқанинг сочини — чавгонга, ошиқнинг бошини — тўпга ўхшатиш мумтоз шеъриятда машхур бўлган. Чунки маъшуқанинг қоп-қора, узун, гўзал ва хушбўй сочи ошиқни шайдо қилиб, бошини айлантиради, ўйнайди. Чунончи, Ҳофиз Хоразмий ҳам сочининг чавгонини кўриб, бошимни тўп қилиб, оёғинг остига ташлагим келади, дейди:

Анинг чавгони зулфини кўруб майдони хусн ичра,  
Бошимни тўп бикин солсам не хуш бўлмай адоқингга.

Шоир ташбехлари кўпинча ҳаётдан олинади: ўт тафтида кабобнинг сели оққани каби фироқ ўтида қон йиғласам, ажаб эмас:

Қон ёш йиғласам, не ажабдур, фироқдин,  
Иғлар зарурий ўтнинг устинда чун кабоб.

Шарқ мумтоз шеъриятида машхур бўлган талмех санъатини Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳам кўп учратамиз. Бу борада у ўз фикрини тасдиқлаш учун асосан диний кассалар, ошиқ-маъшуқлар ҳақидаги афсоналарга мурожат қилади. Чунончи, мана бу байтда ўзини севгани (ўғли) ҳажрида дардга чалинган Яъқуб пайғамбар, маъшуқасини Юсуф алайҳиссаломга нисбат бериб, агар Юсуф Яъқубни сўраб келса, байт ул-аҳзон, яъни ғамхонам — айшхона бўлар эди, дейди:

Айшхона бўлур эрди манга байт ул-аҳзон,  
Хаста Яъқуб сўра Юсуфи Канъон келса.

Яъқубнинг ошиққа нисбати — унинг ҳам кўзининг оқу қораси ҳажрида ранжу азоб чекиб, хаста бўлиб қолгани, Юсуфнинг маъшуқага ўхшатилиши — хусну жамолда беназирлиги. Ана шу ўзаро ўхшашликдан шоир ўз бадий мақсадини амалга ошириш учун маҳорат билан фойдаланган.



Куйидаги байтда шоир ўзининг маъшуқасидан айрилганлигини Яъқуб пайғамбарнинг Юсуф алайҳиссаломдан жудо бўлганига ўхшатади — энди мен ҳам ҳам кулбасига кириб олиб, кеча-кундуз зор-зор йиғласам, айб эмас, дейди:

Ўш эмди кулбаи аҳзонда Яъқуби ҳазин янглиғ,  
Қилурман зоре, чунким Юсуфи Канъон жудо тушди.

Маълумки, Исо пайғамбар Шарқ адабиётида нафаси ўликни тирилтирадиган, сўзи жонсиз жисмга жон бағишлайдиган зот сифатида таъриф-тавсиф этилади. Кўпинча маъшуқа Исо Масихга нисбат берилади ва ҳатто, ундан устун қўйилади. Оллоҳнинг пайғамбаридан устун қўйилдими, билингики, бу ерда сўз илоҳий маҳбуба хусусида бораяпти. Зеро, ҳаёт гўзалини мусулмон шоирлар Оллоҳнинг пайғамбаридан устун қўйиши мумкин эмас. Жумладан, қуйидаги байтда Хофиз Хоразмий ҳам шаккар сочувчи лабинг сўзга келди-ю, кўз Исо ўрнига мўъжизотни кўра бошлади, дер экан, уни сира дунёвий мазмунда талқин қилиб бўлмади:

То лаби шаккаршифонинг сўзга келди, эй санам,  
Кўз кўра бошлади Исо ўрини, бас, мўъжизот.

Мана бу байтда эса маъшуқа лаби — оби ҳаётга, унинг хати — лаби устидаги майин туклари оби ҳаётни ўраб турган зулматга ташбеҳ этилади:

Лаби лаълингким, эрур ошиқингга оби ҳаёт,  
Хизри хаттинг кўрунур теграсида чун зулумот.

Севганимнинг ҳажрида йиғлай-йиғлай менинг ҳам кўзим Яъқуб каби кўр бўлиб қолди. Бу ҳолни маҳбубамга — Юсуфи Канъонга ким етказди? Яъқуб-ку, бошқа ўғиллари туфайли жонажон Юсуфидан хабар топди, улар отанинг аҳволини ўғилга етказдилар. Лекин бу ошиқнинг аҳволини маъшуқага билдирадиган киши йўқ — шоир оху фиғони чегара билмаслигининг сабаби шунда:

Яъқубсифат ҳоле — кўзум тийра бўлибдур,  
Бу ҳолни ул Юсуфи Канъонга ким айгур?

Шоир шакли биру маъноси ҳар хил сўзларга асосланган тажнис санъатидан ҳам ўз ижодида кенг фойдаланади. Хусусан, ғазалларининг матлабини кўпинча тажнис асосига қуради.

Муболаға санъатидан ҳам шоир маҳорат билан истифода этади. Чунончи, қуйидаги байтида шоир оҳим ўти сандонга асар қилди-ю, маъшуқамнинг тош кўнглига таъсир ўтказолмади, дейди:

Оҳим ўти сандонга асар қилди ва лекин,  
Қилмади анинг кўнглина бир зарра сироят.

Маъшуқанинг сеҳри шунчалик кучлики, у назар қилган зарра қуёш қадар юксалади:

Агар заррага зарра қилсанг назар,  
Ўшул зарра хуршиди рахшон бўлур.

Ҳофиз Хоразмий ирсоли масал санъатини ҳам мохирона қўллайди. Масалан, «Ганж вайронада бўлади», деган халқ таъбиридан фойдаланиб, мана бундай гўзал мисралар тизади:

Холи эрмас ул лаби лаъли хаёлиндин кўнгул,  
Ганжнинг, оре, макоми гўшаи вайронадир.

Бу ерда маъшуқа лаби — ганжга, ошиқ кўнгли — вайронага ўхшатилмоқда: ганж вайронада бўлгани каби менинг хароб кўнглум ҳам сенинг хаёлинг билан обод.

Ҳофиз Хоразмий Куръон оятлари, диний мавзулар, пайғамбар ҳадисларидан ҳам ўз поэтик мақсадини амалга ошириш учун маҳорат билан фойдаланади. Чунончи, қора танли Билолнинг (пайғамбар саҳобаларидан) ислом дини йўлидаги хизматларини улуғлаш, Оллоҳ олдидаги юксак нуфузини тасдиқлаш мақсадида Муҳаммад алайҳиссалом: «Қиёматда Билолнинг ранги жаннат хурларига хол қилиб берилади», — деб лутф этганлари маълум. Қуйидаги байтида шоир шунга ишора қилади:

Юзи узра холмудур, жаннат ичра ё Билол,  
Ё гулистони Эрамни сақлаган бир зоғ бор.

Муҳаммад алайҳиссалом ўлимларидан олдин муракқаъ (кийим)ларини Яман саҳросидаги оддий чўпон Увайс Қаранийга васият қилганлар. Чунки пайғамбаримиз кўнгил кўзи билан ундан «Оллоҳ ошиғининг иси» келишини, қалбида илоҳий ишқ доғи борлигини кўрганлар. Шоир бундан фойдаланиб, оддий саҳройи бир чўпонга Оллоҳ пайғамбарининг меҳри тушгани каби мендай бир бечоранинг кўнглида ҳам сендай хусн шоҳининг ишқи доғи бўлса, не ажаб, дейди:

Кўнглумда бўлса доғи нишонинг, ғариб эмас,  
Чун Мустафо нишони Увайси Қаранда бор.

Шоир учун ёри шунчалик азиз ва муқаддаски, ундан шикоят қилиш жоиз эмас. Агар Қуръон битилган варақ ўзидаги илоҳий оятлардан шикоят қилган тақдирдагина, мен ҳам ўз ёримдан нолишим мумкин, дейди у ўта муболаға, нозик лутф ишлатиб. Варақ юзига ёзилган илоҳий оятлардан шикоят қилмаслиги аниқ, бинобарин, шоирнинг ҳам ўз маъшуқасидан зори йўқ:

Килур эрдим шикоят — қилса эрди  
Варакнинг ҳарфи Қуръондин шикоят.

Мумтоз шеърятда тажохули орифона деган санъат бор: бу бир нарсани билиб-билмасликка олиш, ўзини беҳабардай кўрсатишдан иборат. Агар у ситамгар динсиз бўлмаса, ошиғига мунча жафо қилади, дейди шоир ўзини тағофулга солиб. Ахир динда бировга зулм қилиш тақиқланади:

Агар динсиз эмас ул турки бадкеш,  
Жафо қилмоки жонға бас нединдур?

Табиат манзаралари тасвирига бағишланган, хусусан, баҳор таърифидаги шеърларида олам гўзалликларидан завқланиш, ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлишга чакиради. Бу ўринларда унинг эркин фикрлилиги, исёнкорлиги очиқ намоён бўлади:

Бихишту ҳавзи кавсар сўзи бас дуру дароз эрур,  
Чаманнинг гаштини айлаб, канори жўйбор изда.

Насими жонфизони олам ичра топмадинг эрса,  
Топар вақтини айталим — ани фасли баҳор изда.

Маълумки, шоирларнинг ўз истеъдод кучи, асарлари, шухрати билан ифтихор қилиб ёзган шеър ва байтларида кўпинча камтарлик билан менинг ёзганларим улуғ сўз усталарига ҳам маъқул бўлади, агар фалончи шоир ҳаёт бўлганда истеъдодимга таҳсин ўқирди, кабилида фикр юритадилар. Баъзида шеърларининг доврўғи агрофга ёйилганлигини фахр билан маълум қиладилар. Бундай фахрия байтлар Ҳофиз Ҳоразмий ижодида ҳам кўп учрайди. Чунончи, қуйидаги байтда у ўз-ўзига мурожаат қилиб, сен Ҳоразмда ўз-ўзинг билан овора бўлиб юрма, шеърларин шухрати Табризгача етди, дейди:

Қолмағил дар банд Хоразм ичра, эй Хофиз, мудом,  
Сўзларинг овозасидан тўлу чун Табрес эрур.

Хофиз Хоразмий девони 1052 ғазални ўз ичига олади. Шундай қилиб, Хофиз Хоразмий Алишер Навоийгача бўлган ўзбек адабиётининг забардаст вакилларида хисобланади. Шоир ижодини тадқиқ этиш, таржимаи ҳолига оид маълумотларни топиш адабиётимизни бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

### «АТОЙИ ШЕЪРИНИНГ ЛУТФИНИ БИЛСА...»

Шоирлар борки, девонларини биров билмайди, шоирлар борки, бир байт шеъри билан машҳур бўлиб кетади. Бундай байтларни мумтоз адабиётшуносликда «шоҳбайт» дейишади. Атойининг куйидаги байти шоирнинг шухратини элга ёйган «шоҳбайт»лар сирасига киради:

Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,  
Ғояти нозуклукиндин сув била ютса бўлур.

Алишер Навоийгача ўтган туркий адабиётнинг забардаст намояндаларидан бири, ўзбек ғазалчилиги устозларидан бўлган Атойи XIV асрнинг иккинчи ярми — XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган. Яссавия шайхлари авлодидан бўлганлиги учун Шайхзода Атойи деб юритилади. У бир-икки авлод орқали бевосита «Туркистон мулкининг шайх ул-машойихи» Хожа Аҳмад Яссавийга бориб боғланади. Шоирнинг таржимаи ҳоли ҳақида деярли маълумот йўқ: унинг қачон ва қаерда туғилгани, қайси шаҳарларда қанча муддат яшагани ҳамда асл исми номаълум. Мавлоно Атойидан бизгача 260 та ғазалдан иборат ягона девон етиб келган бўлиб, у ҳозирда Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида 22 В-2456 рақами билан сақланади.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ёзади: «Мавлоно Атойи Балхда бўлур эрди. Исмоил ато фарзандларидиндур, дарвешваш ва хушхулк, мунбасит киши эрди. Туркигўй эрди. Ўз замонида шеъри атрок орасида кўп шухрат тутти... Мавлоно кўп туркона айтур эрди... Қабри Балх навоҳисидадур». «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида мамлакат туркий султонлар қўлига

ўтган Хулогухон ва соҳибқирон Амир Темур замонидин фарзанди Шохрух Мирзо замонининг охиригача майдонга чиққан туркий шоирлар Саккокий, Хайдар Хоразмий, Муқимий, Яқиний, Амирий ва Гадоийлар қаторида Атойини ҳам ҳурмат билан тилга олади. «Ўқ ва ёй» мунозарасида Яқиний ҳам Атойининг бир байтини мисол килиб келтиради.

Атойи девонини топиб, уни кенг жамотчиликка маълум қилган олим таниқли шарқшунос А.Н. Самойлович ҳисобланади. У 1927 йили бу ҳақда «XV асрдаги Чигатой шоири Атойи» номли мақола ёзиб, шоирнинг 17 та ғазалини эълон қилади. Шундан кейин шоир ижоди-га қизиқиш кучайиб кетади. Абдурауф Фитрат, Фафур Фулом, Ходи Зариф, Эргаш Рустамов, Ойбек, Натан Маллаев, Эркин Аҳмадхўжаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Суйима Ғаниева, Иброҳим Ҳаққул, Сайфиддин Рафиддин каби олимлар шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилиш ҳамда асарларини нашр этишга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Академик шоиримиз Фафур Фуломнинг ёзишича, Атойи «шимолий Туркистон (Чимкент, Сайрам, Туркистон, Икон, Ўтрор)нинг қайси бир еридадир туғилиб, кейин маърифат қидириб қадим пойтахтимиз Ҳиротга бориб, шу ерда турғун бўлиб қолган бўлса керак. У Шохрух ва Улуғбек даврида яшаган, ижод қилган... Шоирнинг сўзидаги ўта тиниқ ўзбеклик шимолий Туркистон ўзбекларининг шеvasини эслатади. Унинг 260 лирик ғазалидан 109 таси аруз вазнларига мос тушадиган халқ кўшиқлари вазнлари билан ёзилгандир. Асарларига тил томонидан шоир Аҳмад Яссавийнинг кучли таъсири бор»<sup>1</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, шоир шеърояти халқ жонли тилига яқин, содда, лўнда ва тушунарли, ширали ва равон. Халқ оғзаки ижодини яхши билган Атойи шеърларида мақол-маталларга кенг ўрин беради, одатий сўзлар ёрдамида оҳорли ташбеҳлар, бежирим тимсоллар яратади. Ҳамма кўриб, лекин ҳеч ким эътибор бермайдиган оддий нарсалар, кундалик воқеалардан фавқулодда гўзал образлар ясайди, теран хулосалар чиқаради. Содда, шунинг баробарида, ақлни ҳайратга соладиган дилбар ўхшатишлар, тушунарли, лекин кишини мафтун этадиган

<sup>1</sup> *Фафур Фулом*. Атойи эмас, Отойи // *Асарлар*. Ўн жилдлик. 8-жилд. Тошкент, 1976 йил, 272-бет.

ажойиб тимсоллар шоир шеърятининг асосини ташкил қилади. Халқ эртаклари, афсоналар таъсирида яратилган «сув кизи» ҳақидаги машҳур ғазалини эсланг:

Ул иликким, сувдин ориктур, юмас они суда,  
Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла юр.

«Санамнинг қўллари сувдан-да покиза. У сувда қўлини чаймаяпти, балки пок бўлсин, деб сувни қўллари билан юваётир».

Ёки:

Гар боши кўкка этар, ой бир ҳабаш қулдур санга,  
Хар киши туймас мунинг, уш юзида билгулари.

Бу байтда ой сенинг бир қора қулингдур, дейиш орқали шоир маъшуқасининг беқиёс гўзаллигию ойнинг юзида эса доғи борлигига киноя қилаяпти.

Ёки:

Чун муқаррардурки, сен хусну малоҳат ганжисен,  
Айб эмас, гар лутф этиб келсанг бу вайрон кўнглума.

Халқ орасида машҳур «Ганж вайронада бўлади», деган ривоятга ишора қилиб, шоир маъшуқасига айтаяпти: «Сен хусну малоҳат ганжи бўлсанг, менинг кўнглим вайронадир. Бас, ганжнинг вайронада бўлиши ҳеч кимни ажаблантирмагани сингари кўксимда ватан тутсанг, бу ҳолни ҳеч ким айб этмайди».

Шоирларнинг ўз фикрларини тасдиқлаш ёки кучайтириш учун шеърларида халқ мақол-маталларига, машҳур хикматли сўзларга, эл ичида юрган образли ибораларга мурожаат қилишлари илму бадеъда ирсоли масал санъати деб юритилади. Қуйидаги байтида шоир «Ўтган дам топилмайди» мақолидан ўз бадиий мақсадини ифодалаш учун фойдаланади:

Ганимат тут жамоли хусн даврин,  
Масалдурким: «Яна бу дам топилмас».

Баъзан шоирлар бир байтда кетма-кет икки мақол келтирадилар. Бу — ирсол ул-масалайн деб аталади. Атойининг қуйидаги байтида ҳам икки мақол ёнма-ён келтирилган — «Яхшилик қил, сувга сол» ҳамда «Ҳар ким экканини ўради»:

Бўлди бағрим сув гамингдин, яхшилик қил, сол суға,  
Охир, эй гул, хирманин, албатта, ҳар эккон ўрор.

Мумтоз шеърятда шоирнинг маҳорати унинг бадий санъатлардан қанчалик маҳорат билан фойдаланишида намоён бўлади. Атойи ғазаллари ҳам шеърӣ санъатларга бойлиги билан бадий баркамоллик касб этади. Чунончи, шоир ҳар лаҳза хаёлинг кўзимдан ўтади, деган фикрни мана бундай гўзал ташбех билан ифодалайди:

Кўзларим дарёсидин ҳар дам хаёлинг кечкали,  
Кирпикимнинг хаслариндин боғламишмен солни.

Мазмуни: «Сенинг хажрингда менинг кўзларим ёши дарё: хаёлинг бу дарёдан эсон-омон ўтиши учун киприкларимдан қайиқ ясабман».

Атойи ижодида хусни таълил санъатининг ҳам гўзал намуналарига дуч келамиз. Хусни таълил — чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадий гўзал шаклда асослаш учун бу санъатга мурожаат қиладилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важъ қилиб кўрсатадилар. Жумладан, Атойи янги ойнинг ҳар ойда бир марта кўринишига унинг маъшука қошларидан уялишини сабаб қилиб кўрсатади:

Янги ой қошлари хижолатидин  
Ойларда бирор-бирор кўринур.

Мана бу байтда эса сарв ва шамшод дарахтларининг бир ердан кўзғалмаслигини маъшука қоматини кўриб, турган ерида ҳайрон бўлиб қолганлиги билан асослайди:

Ҳар бири турғон ерида қолди ҳайрон бандатек  
Қоматингдин боғ ичинда сарву ҳам шамшодлар.

Жонсиз нарса-ҳодисаларни жонлантириб, уларга инсонга хос хусусиятларни беришга ташхис санъати дейилади. Қуйидаги байтида Атойи чаманда сенинг жамолинг таърифини келтирган эдим, гул уятдан қизариб кетди, дейди:

Жамолинг васфини қилдим чаманда,  
Қизорди гул уёттин анжуманда.

Ёки:

Неча занжир айласам қўнглум уйининг эшикин,  
Найлайин кайдин келур зулфунг хаёли бош уруб.

Бу ерда ёр зулфининг хаёли кўнгилни тарк этмаслиги унинг ҳар кеча кўнгил эшигига бош уриб келишига нисбат берилмоқда.

Атойининг бир қатор шеърларида дунёнинг ўткинчилиги, умрнинг югуриклиги, вақтнинг ғаниматлиги хусусидаги фалсафий фикр-мулоҳазаларни кўрамыз:

Бўлма баҳори ҳуснунгга ғарраки, бу хазони умр  
Боғи ҳаётга не гуле қўйғуси, не гиёҳ ҳам.

Мазмуни: «Хуснингнинг баҳори, яъни гуллаб-яшнаб турганига мағрур бўлмаки, бир куни умр хазони — кузи бостириб келади-ю, ҳаёт боғидаги на гулни қўяди, на баҳорни».

Шарқнинг барча улуғ шоирлари ижодида ўзининг истеъдод даражаси ва шон-шухратидан ифтихор қилиб ёзилган шеърлар ва алоҳида байтларга дуч келамиз. Жумладан, Атойи ёзади:

Атойи шеърининг лутфини билса,  
«Латофатнома»дин кечгай Хўжандий.

Ёки:

Атойи сўзлари лутфига етмагунча киши,  
Камолу зехну зарофатни кўрмагантек эди.

Шоир ўз шеърларининг даражасини ҳам, туркий адабиётдаги мавқе-мақомини ҳам яхши англаган ва бундан ҳақли равишда фахрланган. Атойи ғазаллари «кўп туркона» ва халқона эканлиги учун ҳам туркий халқлар орасида шухрат тутган ва севиб ўқилган. Лекин у чинакам машхурлик чўққисига XX асрда чиқди: шоир ҳаёти ва ижоди кўплаб олимлар томонидан тадқиқ қилинди, ғазаллари бир неча марта чоп этилди, ўзбек мумтоз сўз санъатининг забардаст намояналаридан бири сифатида ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари дастурига киритилди. Унинг «Ўлтурур эрди мени хижрон хаёлинг бўлмаса», «Гардундин ўтар нолаи зорим кечаларда», «Жоду кўзунгки, бордир анинг фитна қошида», «Боқар охулайин ҳар ён ўшал икки қаро кўзлар», «Дилбар фирокида бу кўнгул хастаҳол эрур», «Эй камоли ҳусни Юсуфдин жамолинг ёдгор», «Эй сарви ноз, қайси чаман гульюзорисан?», «Бўюнғ нахлаки, рашк элтур баса сарви равон андин», «Жаҳондин телба кўнглумнинг бор эрди



хуш табарроси», «Эй сочинг занжирининг ақлу хирад девонаси» мисралари билан бошланадиган ғазаллари миллий қўшиқчилигимизнинг олтин хазинасидан жой олган.

Атойи ва унга замондош шоирларнинг адабиётимиз олдидаги буюк хизматлари ўз ижоди билан ўзбек адабий тилини бирмунча юксалтирганлари ҳамда маданиятимиз осмонида Алишер Навоийдек улуғ сиймонинг пайдо бўлишига замин яратганликлари билан белгиланади.

## **УЛУҒБЕК ДАВРИНИНГ МАШҲУР ШОИРИ**

Саккокий — XV аср ўзбек адабиётининг забардаст вакиллари билан ҳисобланади. Адабий меросининг тўлиқ ҳолда етиб келмаганлиги туфайлигина у мумтоз сўз санъатида ўзига хос ва мос баҳосини олмай турибди. Етиб келган бир қисм шеърлари ҳам унинг шоирлик салоҳияти нечоғлиқ баланд бўлганлигидан далолат беради. Ўзининг туркий адабиётдаги ўрнини Мирзо Улуғбекнинг фандаги мавқеи билан тенг қўйиши ҳам Саккокийнинг ўз даврида катта шухрат тутганлигини кўрсатади:

Фалак йиллар керак сайр этсаю келтирса илкига  
Менингдек шоири турку сенингдек шоҳи донони.

Саккокийнинг таржимаи холи ҳақида етарли маълумот сақланиб қолмаган. Девони тўлиқ етиб келмаганидан ҳаётининг баъзи нуқталарини шеърлари орқали ойдинлаштириш имкони ҳам йўқ. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида шоир ҳақида: «Мавлоно Саккокий — Мовароуннаҳрдиндур. Самарқанд ахли анга кўп муътақиддурлар ва бағоят таърифин қилурлар», — деб маълумот берса, Яқиний «Ўқ ва ёй» мунозарасида уни «турк шоирларининг мужтахидидур», деб таърифлайди. Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн»да ҳам Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний, Амирий, Гадоий каби ўзбек шоирлари қаторида биринчи бўлиб тилга олади.

Мирзо Улуғбек даврининг машҳур шоири бўлган Саккокий пойтахт Самарқандда умргузаронлик қилган. Шоирнинг асли исми номаълум. Тахаллуси (саккок — пичоқчи дегани)дан келиб чиқиб, унинг ҳунарманд оиладан эканлигини тахмин қилиш мумкин. Унинг туғилган йилини Амир Темурнинг набираси Халил Султонга бағишланган касидасидаги:

Тарихқа саккиз юз доғи ўн эрди-ю, кадр ахшоми,  
Бир ой туғулди дунёдаким, мамлакатда хон эрур, —

байтига асосланиб, таниқли шарқшунос олим, шоир асарларини нашрга тайёрлаган Қ. Муниров XIV асрнинг иккинчи ярми ёки охирги чорагида деб тахмин қилади. Бунга сабаб мазкур бадий юксак қасидани шоир ижоди анча гуллаган даврда яратгани, бинобарин, бу пайтда (1407—1408) у 30 ёшларда бўлганини кўрсатади. Н. Маллаев ҳам айти фикирни такрорлайди.

Буюк мунажжим ва йирик давлат арбоби бўлган Мирзо Улуғбек ўзи олим подшоҳгина бўлиб қолмай, илму фан, адабиёт ва санъат аҳлига ғамхўрлик қилиб, моддий ва маънавий жиҳатдан уларни ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган. Саккокий ижоди айти шу даврда (1409—1449) гуллаб-яшнаганини эътиборда тутсак, шоирнинг ҳам маърифатпарвар подшоҳ ҳомийлигидан баҳраманд бўлганига ишонч ҳосил қиламиз. Унинг Улуғбекка бағишлаб қасидалар ёзгани ҳам бунинг исботидир. Бу қасидаларда у ўз ҳомийсини кўкларга кўтариб мақтайди, у билан замондош эканлигидан ифтихор ҳисларини туяди.

Улуғбек саройида кўпгина олим ва шоирлар тўпланган бўлиб, Саккокий уларнинг пешқадамларидан эди. Саккокий Мирзо Улуғбекка бағишлаб 5 та қасида ёзган. Шунингдек, унинг Амири кабири Арслон Хожа Тархонга атаб 4 та қасида яратган. Хожа Муҳаммад Порсо ва Халил Султонга ҳам биттадан қасида бағишлаган.

Саккокийнинг ўзи тузган девоннинг бир неча нусхалари фанга маълум бўлса-да, уларнинг бирортаси ҳам тўла ва мукамал эмас. Жумладан, Лондондаги Британия музейида шоир девонининг тахминан XVI аср ўрталарида кўчирилган бир нусхаси сақланади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам унинг 1937 йилда Шоислом исмли котиб томонидан қайсидир манбадан кўчирилган нусхаси мавжуд. Шу қўлёзма асосида Қ. Муниров Саккокийнинг «Танланган асарлар»ини нашрга тайёрлаб, 1958 йили нашр этган.

Саккокийнинг бир қатор ғазаллари куйга солиниб, ҳофизлар томонидан куйланиб келгани ҳам шоирнинг халқ ичида анча машҳур бўлганлигини тасдиқлайди.

Навоийнинг Самарқандда ўқиган йиллари (1465—1469) да Саккокийни билганлар билан учрашгани ҳақидаги маъ-

лумотлар унинг XV аср ўрталарида вафот этганлигидан гувоҳлик беради.

Саккокий ўзининг бадий юксак қасидалари билан ўзбек қасидачилигига асос солганлардан бири ҳисобланади. Айни пайтда, у ғазал устозларидан ҳам биридир. Ғазалларнинг етуклиги жиҳатидан шоир Атойи ва Лутфий қаторида туради. «Хутбаи давовин» асарида Саккокий ва Лутфийга шундай баҳо берилади: «Уйғур иборати фусаҳосиндин ва туркий алфозининг булагосиндин Мавлоно Саккокий ва Лутфийларким, бирининг ширин абётининг иштиҳори Туркистонда беғоят ва бирининг латиф ғазалиётининг интишори Ироқ ва Хуросонда бениҳоятдурур ва девонлари мавжуд бўлғай»<sup>1</sup>.

«Саккокий шеърлари орасида Улуғбекнинг ўлими ҳақида ҳеч нарса учрамайди. Шунинг учун Саккокий Улуғбек фожиасини кўришга улгурмаган, яъни у Улуғбек қатлидан олдин вафот этган, деб фараз қилиш мумкин»<sup>2</sup>.

Саккокийнинг айрим мухлислари Лутфий билан рақобатда унинг нуфузини ошириш мақсадида Лутфий шеъриятидаги барча гўзал маънолар Саккокий ғазалларидан ўғирланган, деган овоза тарқатадилар. Навоий Самарқандда таҳсил олган йилларида бу масалага ойдинлик киритмоқчи, Саккокий ва Лутфий шеърларини ўзаро қиёсламоқчи бўлади. Бу ҳақда «Мажолис ун-нафоис»да шундай ёзади: «Самарқанд аҳли анга кўп муътақиддирлар ва бағоят таърифин қилурлар. Аммо фақир Самарқандда эрканд муаррифларидан ҳар неча тафаҳхус қилдимким, анинг натоижи таъбидин бирор нима англайин, таъриф қилғонларича нима зоҳир бўлмади. Барчадин қолсалар сўзлари будурким, Мавлоно Лутфийнинг барча яхши шеърлари анингдурким, ўғурлаб ўз отиға қилибдур. Ул ерларда бу навъ ўхшаши йўқ, мазасиз муқобаралар гоҳи воқеъ бўлур».

Саккокий девони Шарқ девон тузиш анъанасига мувофиқ ҳамд ва наът билан бошланади. Кейин унинг 10 та қасидаси берилади. Бу қасидалардан 4 таси — Мирзо Улуғбекка, 4 таси — Арслонхожа Тархонга, биттаси — машҳур нақшбандия шайхларидан Хожа Муҳаммад

<sup>1</sup> Кўчирма куйидаги китобдан олинди: Буюк сиймолар, алломалар. 2-китоб. Тошкент, 1996 йил, 56-бет.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 1-жилд. 304-бет.

Порсога, биттаси — темурий шахзодалардан Халил Султонга бағишланган. Қасидалардан кейин ғазаллар бошланади.

Шундай қилиб, шоирдан бизга 10 та қасида ва 56 ғазал етиб келган.

Таниқли турк олими Камол Эраслан томонидан нашр этилган Саккокий девонида эса жами 70 та шеър мавжуд. Девон аввалида муножот, Пайғамбар наъти, Мухаммад Порсо ва Мирзо Улуғбек мадҳлари келтирилган.

Барча Шарқ шоирлари каби Саккокий ижодида ҳам ишқ-муҳаббат мавзуи етакчилик қилади. Лекин салафлари ва замондошларидан фарқли ўларок, шоир шеърлари ўзининг дунёвий мазмуни билан алоҳида ажралиб туради. Бу унинг дунёвий фанлар ривожланган Самарқанд олимлари даврасига яқин бўлгани, Мирзо Улуғбекдек илму маърифат пешвоси ва ҳомийси қўл остида яшагани туфайли бўлса, эҳтимол.

Ишқ-муҳаббат мавзуи тасаввуф туфайли ўзининг авж пардасига кўтарилгани маълум. Лекин Шарқ адабиётида севги тараннуми азалдан етакчи бўлган. Шоирлар дунё, инсон, табиат ва жамият ҳақидаги фикр-туйғуларини асосан муҳаббатга боғлаб ифода этишган. Ишқий мавзудаги шеърлар ичида фалсафий-ижтимоий фикрлар ҳам, табиат тасвири ҳам, замонадан, одамлардан шикоят мотивлари ҳам, панд-насихат ҳам келишининг сабаби шунда. Саккокий ёр, диёр, табиат, инсонларга бўлган чексиз муҳаббатини ҳам, замонадан, рақиблардан шикоятини ҳам ишқий шеърлари ич-ичига сингдириб юборади. Зеро, ўрта асрларда ғазал фақат муҳаббат мавзуида битилган. Ғазалнинг луғавий маъноси ҳам аёлларга муҳаббат кўйиш ва уларга муносабат кўрсатиш бўлиб, у фақат ишқий мавзуда ёзилиши шарт қилиб кўйилган. Бошқа мавзулар шеърятнинг ўзга жанрларида ёритилган.

Саккокийнинг ҳам бизгача етиб келган барча ғазаллари муҳаббат мавзуида. Лекин уларда шоирнинг олам ва одам ҳақидаги ўй-фикрлари, табиат тасвирлари, панд-насихат, замонадан ва баъзи кишилардан шикоят мотивлари ҳам ўз аксини топган.

Шоир ғазаллари бадиий юксак: оҳорли ташбеҳу тимсолларга бой, шеърий санъатлар маҳораг билан қўлланган, услуби равон, тили содда ва гўзал. Ташбеҳу тимсолларини асосан теварак-атрофдаги кўриниб турган нарсалар, халқ

тили, анъаналари, урф-одатларидан олади. Чунончи, оқар сувга боқса, кўз равшан бўлади, деган халқона таъбирдан ўз бадий мақсади йўлида фойдаланиб, маъшуқасига дейди: кўзларимдан оқаётган сувга боқсанг, муҳаббатим канчалик чуқур ва қатъий эканлигини кўриб, кўнглинг равшан тортади:

Кўзўм ёшинга назар қил — кўнгул бўлур равшан,  
Эй сарвиноз, оқар сувга қилса наззора.

Халқда ўз бошинга ўзинг бало орттирдингми, энди жазосини ҳам торт; ўзинг пиширган ош: айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ич, қабалидаги теран мазмунли гўзал хикматлар бор. Қуйидаги байт шу асосга қурилган:

Бале, бу ранжу балони мен ихтиёр этдим,  
Ўзумга ишни ўзум қилдим, эмди не чора.

Юзи қаро бўлсин, йўқ бўлсин, деган қарғишлар халқ орасида кенг тарқалган. Уларни шоир кўзи ва кўнглига нисбатан қўллайди. Чунки кўз билан кўнгли унинг гапига кирмай, минг бир балоларга мубтало қилишди-да. Гуноҳкор эса ҳамиша қарғишга лойик:

Юзи қаро бўлсун кўзум — андин кўрармен бу бало,  
Йўқ бўлсун ул кўнглум менинг — ҳеч кирмади фармонима.

Сувсаш деган жуда содда ва гўзал сўз бор халқ орасида. Шоир бу сўздан қонга сувсаш маъносида фойдаланади:

Рақиб ҳаддидин ошиб, қонимға сусаб аюр:  
Онинг қаро конин, вай, бир ичсамон қона.

Саккокий ғазаллари оддий ва содда, айти пайтда, оҳорли ва гўзал, ҳамма ҳар қуни кўриб, лекин эътибор бермайдиган нарса-ҳодисалар, ҳаракат-ҳолатлар, манзара-кўринишлардан теран маъно топган ташбехларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоир ғазалларида кўпинча маъшуқа таърифи ва ошиқ ҳолати тасвири ёнма-ён келади — улар ўзаро қиёсланади ва шунга мувофиқ, ташбехлар ҳам қават-қават бўлади:

Сенинг лаълингдин ўфтониб, қизорур лаъл кон ичра,  
Ҳасад элтур менинг юзим кўрубон заъфарон, эй жон.

Маъшуканинг лаъл каби кип-қизил лабидан уялиб, кондаги лаъллар қизарса, ошиқнинг айрилиқ азобида сарғайган олтинранг юзини кўриб, заъфарон ҳасад қилади, яъни қани эди, унинг ранги менда бўлса, дейди.

Бу ерда, албатта, муболаға ҳам бор: лаъл асли қизил эмас, балки маъшуканинг кип-қизил, чўғдай лабларини кўриб, уялгани, хижолат бўлганидан қизарган. Ўз навбатида, заъфарон ҳам ўзининг ранги ошиқ юзидан сарик эмаслигидан ҳасадда.

Лаъл — қизил рангли ялтироқ қимматбаҳо тош. Унинг энг аъло нави Бадахшон тоғларида ҳосил бўлади. У Бадахшон лаъли номи билан машҳур. Мумтоз адабиётда маъшуканинг қизил лабини лаълга нисбат берадилар ва, айна пайтда, ундан устун кўядилар. Чунки лаъл фақат ранги ва ялтироқлиги жиҳатидан лабга ўхшайди, бошқа жиҳатлардан эса унга яқинлашолмайди ҳам.

Заъфарон — хушбўй хидли сарик гуллари бўлган гиёҳ. Таомга таъм, ранг ва хид бериши учун ишлатадилар. Мажозан камёб ва қимматбаҳо нарса маъносида қўлланилади. Кўпроқ айрилиқ, ғамда сарғайган ошиқ юзини унга нисбат берадилар.

Мана бу байтда шоир кўзларидан оқаётган ёш доналарини фалак узра юраётган сайёраларга ўхшатади: бу ерда юз — фалакка, кўз ёшлар — сайёраларга қиёсланмоқда:

Бу ёш қатраларин кўр юзум уза ғалтон,  
Мунунг бикин юрумас ҳеч фалакта сайёра.

Қуйидаги мисраларда маъшуканинг қора зулфлари қуршовидаги юзи тун зулматидаги порлоқ ойга ташбех этилади:

Ойтек юзунгу бир қора тунтек ики зулфунг,  
Важҳи бу юзунгга, дедилар, моҳи шабона.

Қуйидаги байтда Саккокий маъшукасини — ҳусн шоҳи, ўзини — бир гадога ўхшатади. Маълумки, шоҳга закот бериш жоиз. Закот, одатда, энг камбағал кишиларга берилади. Энг камбағал киши эса менман, дейди у. Бинобарин, ҳуснинг закотини бериш учун энг мискин ошиқни изласанг, бу дунёда мендек бенаво қани? Аслида бу бойлик — ишқ билан бойлик. Мол закотининг энг камбағалга берилиши ҳодисасидан шоир ҳусн закотининг энг муносиб ошиққа берилиши ҳақидаги фикрни

асослаш учун фойдаланган. Анъанага кўра, энг комил ошиқ бу — энг бечора, энг бенаво, энг ғариб, энг хаста, эзилган, сарғайган бўлиши керак:

Хуснунг закоти бергали бир қулни изласанг,  
Саккокийтек бу дунёда бир бенаво қани?

Саккокий шеърларининг бадииятини кучайтириш, таъсирчанлигини ошириш учун шеърий санъатлардан маҳорат билан фойдаланади. Шоир ғазалларида, хусусан, талмеҳ, ирсоли масал, муболаға, ташбеҳ, лаффу нашр каби санъатлар кўп учрайди.

«Лаффу нашр андин ибораттурким, бир нечани зикр қилурлар, андин сўнг ул бир нечага алоқадор бир неча нимани бу нималарнинг ҳар бири ул бир нечанинг қайси бирига тааллуқлуғ эрканин аниқ қилмай зикр қилурлар. Мунда эшиткучининг ўзи ул бир нечанинг ҳар бирига ул алоқадор нимани боғлар деб ишоникур»<sup>1</sup>. Чунончи:

Бўю юзу лаъл эрну хату хаддина туш йўк,  
Сарву гулу мул настарану ёсуман ичра.

Байтнинг биринчи мисрасида маъшуканинг бўйи, юзи, лаби, хатти, ёноғи тилга олиниб, иккинчи мисрада уларнинг нимага ўхшаши навбат билан келтирилган: бўйи — сарвга, юзи — гулга, лаби — майга, хатти — настаранга, ёноғи — ёсуманга ташбеҳ қилинган.

Қадду хаду хаттидин олиб номия нусха,  
Бўстон ичида сарву гулу ёсуман этти.

Бу ерда биринчи мисрада қад, хад (юз), хат(т) берилиб, иккинчи мисрада уларнинг ўхшаши келтирилади: сарв, гул, ёсуман.

Саккокий энг кўп мурожаат қиладиган санъатлардан яна бири — ирсоли масал. Ирсоли масал Шарк мумтоз шеъриятида энг кўп қўлланилган санъатлардан ҳисобланади. Шоирлар у ёки бу фикрларини тасдиқлаш ёки кучайтириш учун кўпинча ўз шеърларида халқ мақол ва маталларига, машҳур хикматли сўзларга, эл ичида юрган образли ибораларга мурожаат қиладилар. Мумтоз адабиётшунослардан Атоуллоҳ Хусайний ёзади:

«Ирсол луғатта юбормоқтур. Бир жамоа орасида машҳур бўлган ва ул жамоа ўз каломинда турли ишларга

<sup>1</sup> Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиғу-с-санойиғ. Тошкент, 1981 йил, 149-бет.

ўхшатиш ва мисол тарзида кўп зикр қилган дoston ва хикоятларни масал дерлар.

Аксар байтга мисол келтириш, ани махбуб ёки мамдух ёки ўзга кишига юбормоқ учун бўлур, анинг учун бу санъатни анинг тарзи эътибори била ирсол ул-масал деб атаптурлар. Ирсолдан мурод ирод (келтириш, тилга олиш) бўлиши ҳам мумкин, ул маънодаким, ирод ирсол учун лозимдур ва бу ҳолда лозимни назарда тутиб, малзумни зикр қилган бўлсалар керак (лозим — керак килувчи, малзум — керак бўлувчи). Бу фусаҳо каломинда машхурдур ва бу ваҳҳни тасдиқлағучи бир нима улдурким, бу санъатни ирод ул-масал ҳам дерлар».

Ирсоли масал санъатини қўллаш асосан уч йўл билан содир бўлади. Биринчиси — машхур мақол ёки ҳикматли сўзга ишора қилиш. Бунда кўпинча «дейдиларким», «дерлар», «масалдурким», «масал борким» каби сўз ва иборалардан фойдаланилади:

Кўнгул висолингга муштоқ жону тан бирла,  
Бале, масалдур эшитгин бу ганжу вайрона.

Бу ерда «Ганж вайронада бўлади», деган халк мақолидан фойдаланиб, шоир кўнглини вайронага, ёр висолини ганжга нисбат бермоқда.

Саккокий энг кўп мурожаат қилган санъатлардан яна бири — талмеҳ ҳисобланади. Талмеҳ арабча сўз бўлиб, ишора қилиш, бирор нарса томонга енгил назар ташлаш маъносини билдиради. Атоуллоҳ Ҳусайний айтади: «Ламҳ яшин чакнамоғидур ва ламҳа (ялт этиб) бир қарамоқтур. Шоир андоқ қилурким, анинг озғина алфози кўп маънони билдирур, шунинг учун ани талмеҳ дерлар».

Маълум бўладики, талмеҳ шеърда оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати экан. Бунда машхур бир қисса, воқеа ва асарга ишора қилиш орқали айтилажак фикр, ифодаланажак ҳолат, баён этилажак мақсадни чўзмай, сўзни мухтасар қилинади. Чунончи:

Саккокийнинг ўрнини ўшал Юсуфи соний  
Яъқуб бикин ҳажрида байт ул-ҳазан этти.

Бу байтни бутун моҳияти билан теран тушуниш учун Қуръони каримнинг Юсуф сураси, Шарқ адабиётида кенг тарқалган Юсуф ва Зулайҳо қиссасидан яхши хабардор бўлиш керак. Диний-тасаввуфий адабиётларда айтилиши-



ча, Оллоҳ таоло ҳусни юз ҳисса қилган. Тўқсон тўққиз қисмини Момо Хавога бериб, бир қисмини бутун дунё аҳлига раво кўрган. Шу бир улушни яна ўнга бўлиб, тўққиз қисмини Юсуф алайҳиссаломга, бир қисмини бани башарга берган. Демак, Юсуф алайҳиссаломда бутун инсониятда мавжуд ҳусндан тўққиз баробар ортиқ ҳусн бор. Шунинг учун ҳам шоирлар гўзалликда якто бўлган маъшуқаларини Юсуфи соний, яъни иккинчи Юсуф деб лутф этадилар.

Яъқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссаломнинг отаси. У гўзалликда танҳо бўлган ўғли Юсуфни жуда севар, еру кўкка ишонмасди. Бундан ҳасад қилган акалари овга элтиш баҳонасида уни уйдан олиб чиқиб, мисрлик савдогарларга арзимас пулга сотиб юборадилар. Кейин бир қўйни сўйиб, Юсуфнинг қўйлагини унинг қонига булғайдилар—да, оталарига олиб келиб: «Юсуфни бўри еб кетди», — деб алдайдилар. Яъқуб Юсуфнинг ҳажрида йиғлай-йиғлай, кўзлари кўр бўлиб қолади. Йўл бўйида «Байт ул-аҳзон» деган уй тиклаб, кеча-кундуз унда тоат-ибодат қилиб, йиғлар эди. Мумтоз адабиётда сўнгсиз дарду ғамда, чорасиз аҳволда қолган кишининг уйини, ҳаётини, дунёни байт ул-аҳзон, яъни ғам уйи, ҳасратхонага нисбат бериш бир анъана тусини олган.

Шарқ мумтоз адабиётида Лайли ва Мажнун қиссаси авж пардаларда қуйлангани маълум. Шу билан бирга, шоирлар орасида ўзини Мажнун, маъшуқасини Лайлига нисбат бериш, ҳатто ўзларини бу икки машҳур ошиқ-маъшуқлардан устун қўйиш бир анъана тусини олган. Ҳар бир даврнинг ўз машҳур ошиқ-маъшуқлари бўлади, янги замоннинг Лайли ва Мажнуни биз бўламиз, қабилдаги шеър ва байтларга ҳам кўп дуч келамиз. Чунончи, Фузулий ёзади:

Сурди Мажнун навбатин, шимди банам расвои ишк,  
Тўғри дерлар ҳар замон бир ошиқинг давронидир.

Саккокийнинг ушбу байти ҳам шу мазмунда:

Биздан эшитсун эмди жаҳон тоза киссалар,  
Чун кўҳна бўлди Лайлию Мажнун ҳикояти.

Муболаға санъати ҳам Саккокий ижодида кўп учрайдиган санъатлардан. Чунончи, қуйидаги байтда шоир мен

кўрган ғамнинг мингдан бирини кўрса эди, сандон ҳам  
пора-пора бўлар эди, деб муболаға қилади:

Жоним кўрган жафонинг мингдан бирин  
Бўлур гар кўрса сандон пора-пора.

Мана бу мисраларда эса менинг оху фиғонимни эшит-  
са, бутун оламнинг бағрини қон қилиб келган фалакнинг  
бағри қон бўлади, дейди:

Фалакким, барча оламнунг килур қон бағрини ҳар дам,  
Эшитса бағри қон бўлғай менинг оху фиғонимни.

Албатта, муболағанинг бир неча кўринишлари мавжуд.  
Агар муболаға ақлу одатга мувофиқ бўлса — таблиғ, ақлга  
сиғса-ю, одатдан ташқари бўлса — игроқ, агар одатдан  
ташқари бўлиб, ақлга ҳам сиғмаса — ғулув дейдилар.  
Чунончи, келтирган мисолларимизда ғамдан сандоннинг  
пора-пора бўлиши, ошиқ фиғонини эшитса, фалакнинг  
бағри қон бўлиши тасаввурга сиғмайди. Лекин бу  
муболағалар воситасида шоир ўз дардининг қанчалик  
чуқур ва оғирлигини ўта ошириб, кучайтириб ифодалаган.

Шоирнинг ошиқона ғазаллари ичида унинг фалсафий  
мулоҳазаларига ҳам дуч келамиз:

Шод бўлма рақиб ўлди тею ошики мискин,  
Барчаға тузи келгусида давр аёки.

Бу даврон барчага навбати билан ажал шарбатини  
ичиради. Бинобарин, рақибнинг ўлганига шод бўлмаслик  
керак.

Шоир ташбеҳларни қўллаганда уларнинг келиб  
чиқиши, моҳиятини ҳам кўздан қочирмайдилар. Чунончи,  
мушк берувчи оҳулар Чин ва Ҳиндда бўлиши, туркий  
халқлар эса жангарилиги, яғмогарлигини кўзда тутиб,  
Саккокий маъшуканинг зулфини Чину Ҳинд, кўзларини  
Туркистон билан қиёслайди. Зеро, соч — ошиқни масту  
паришон айласа, кўз — асир айлади:

Чину Ҳинд элин паришон айлади зулфунг вале  
Қилди яғмо кўзларинг мажмуи Туркистонни.

Маълумки, Мовароуннаҳр — икки дарё оралиғи, де-  
гани. Араблар Сайхун — Сирдарё ва Жайхун — Амударё  
оралиғидаги ерларни Мовароуннаҳр деганлар. Бундан

шоир ўз ҳолатини ифодалаш учун бадий ташбеҳ сифатида фойдаланади: ёр хажрида икки кўзимдан ёш оқа-оқа икки ёнимда икки дарё ҳосил бўлди — улардан бирини — Сайхунга, иккинчисини — Жайхунга ўхшатиш мумкин. Ўзим эса икки дарё оралиғидаги Мовароуннаҳрга ўхшайман:

Мовароуннаҳр ичра қолдим, чунки икки ёнима  
Кўзларимнинг бири — Сайхун, бири — Жайхун айлади.

Шоир шеъриятида гўзал лутфларга ҳам дуч келамиз. Чунончи, у бир байтида агар мен узоқ умр тилар эканман, бунинг сабаби — ёрни кўриш умиди, бўлмас менга узоқ умрнинг нима ҳожати бор, дейди:

Ёримни кўра турмоқ учун умр тилармен,  
Йўқ эрса менга нега керак умр узоки.

«Менинг кўнглимга ўт солма, — дейди шоир бошқа бир байтда, — чунки у ерда сенинг хаёлинг меҳмон, тагин бу ўтнинг алангаси азиз меҳмонни куйдурмасин»:

Кўнглума ўт солма, улдур чун хаёлингга ўтоқ,  
Токи онинг сўзиши куйдурмасун меҳмонни.

Саккокий ижодида ҳаёт, фалак, замон, одамлар, маъшуқа, қисматдан шикоят мотивларига ҳам дуч келамиз: улар гоҳ очиқдан-очиқ, гоҳ ишқий мавзу воситасида — маъшуқадан, рақибдан, муҳаббатдан шикоят тарзида ўз ифодасини топган:

Кечаю кундуз ишим йиғламоқ, кучум зори,  
Ғамингдин ўзга киши йўқ қошимда ғамхора.

Маълум бўладики, XV аср ўзбек адабиётининг зарбадист шоири Саккокий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, ватан адабиётини бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз.

## ТУРКОНА ШЕЪРИЯТ

XV асрдаги ўзбек адабиётининг истеъдодли намоёндаларидан бўлган Мавлоно Гадоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида деярли маълумотлар сақланиб қолмаган. «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Навоий шоир ижодига юксак баҳо беради:

«Мавлоно Гадоий — туркигўйдир, балки машохирдиндур. Бобур Мирзо замонида шеъри шухрат тутти. Бир навъи айтур ва унинг машхур матлаъларидан бири будурким:

Оҳким, девона кўнглум мубтало бўлди яна,  
Бу кўнгулнинг илгидин жонға бало бўлди яна.

Мавлононинг ёши тўқсондан ўтибдур. Бу матлаъ анингдурким:

Дилбаро, сенсиз тириклик бир балои жон эмиш —  
Ким, анинг дарди қошида юз ўлум хайрон эмиш».

Навоийнинг ушбу маълумотига асосланиб, С. Фаниева Гадоийнинг туғилган йилини 1403—1404 (808 х.) йиллар деб белгилаш мумкин, деган фикрни илгари суради. Чунки «Мажолис ун-нафоис» 1490—1491 (896 х.) йилларда яратилган. Э. Аҳмадхўжаев ҳам айна тахминни қўллаб-қувватлайди. Шоир таржимаи ҳоли топилиб, унинг аниқ таваллуд санаси маълум бўлганда ҳам у бор-йўғи бирикки йилга фарқ қилишини назарда тутиб, бу фикрга қўшилиш мумкин.

Навоий ўзининг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ҳам туркигўй шоирлар ҳақида фикр юритганда Гадоийни Саккокий, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Муқимий, Яқиний ва Амирийлар қаторида тилга олади: «То мулк араб ва сорт салотинидин турк хонларға интиқол топти, Ҳулокухон замонидан султони соҳибқирон Темур Кўрагон замонидин фарзанди халафи Шохрух Султоннинг замонининг охиригача турк тили билан шуаро пайдо бўлдилар. Ва ул хазратнинг авлод ва аҳфодидин ҳам хуштабъ салотине зухурға келди: шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атойи ва Муқимий ва Яқиний ва Амирий ва Гадоийдеклар».

Навоийдек улкан шоир ва талабчан шеършунос томонидан истеъдодли шоир сифатида эътироф этилиши ва шеърларининг юксак баҳоланишининг ўзи Гадоийнинг катта истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади. Лекин у бизга анча кеч — ўтган асрнинг 60-йилларида маълум бўлди. Бунга сабаб шоир девонининг топилмаганлиги эди. Гадоийнинг ягона девони Париж Миллий кутубхонасида сақланади. 1961 йили турк олими. Я. Экмани томонидан шоирнинг 50 та шеъри Истанбулда эълон қилинади. Шундан кейин ўзбек матбуотида С. Фаниева, Э. Рустамов,

Э. Аҳмадхўжаевларнинг Гадоий ҳақидаги мақолалари босилади. Шу нашр асосида шоир шеърлари сўзбоши билан нашр қилинади (1965). Ниҳоят, 1973 йили Париж қўлёзмаси асосида Гадоий девони босилиб чиқади.

1988 йили «Ўзбек адабиёти бўстони» сериясида чоп этилган «Ҳаёт васфи» тўпламида Гадоийнинг ҳозиргача топилган барча асарлари тўлиқ босилди.

«Гадоий адабий меросидан фақат биргина девон бизгача етиб келган. Унинг ҳозирча яккаю ягона нусха ҳисобланган қўлёзмаси Францияда — Париж Миллий кутубхонасида 981 инвентарь рақами остида сақланмоқда. Бу қўлёзма ҳажми 66 варақ бўлиб, шоирнинг 230 ғазал, 1 қасида, 1 мустазод ва 5 тўртлигини ўз ичига олган. Девондаги Гадоий меросининг умумий ҳажми 2974 мисрадир. Қўлёзманинг сўнгги варағи йўқолгани учун уни кўчирган котибнинг номи ва кўчирилиш санаси маълум эмас. Бу нусха хат услуби ва бошқа белгиларига кўра XV аср иккинчи ярми ва XVI аср бошларига мансубдир. Гадоий девони Лутфий девони билан бир муқовададир»<sup>1</sup>.

Лекин Гадоий ҳақидаги тадқиқотлар асарларининг санаб ўтганимиз уч наشري ва шоирни халққа таништирувчи мақолалардан нарига ўтмади. Унинг ҳаёти ва ижоди махсус тадқиқот объектига айланмади, шоир маҳорати, асарлари бадииятининг сири очиб берилмади.

«90 йилдан ортиқ умр кечирган Гадоий Шарқ шеърятини пухта эгаллаб, гўзал асарлар яратди. Ҳозирча ягона нусхада бизгача етиб келган унинг девони қўлёзмасидаги мероси шоир дунёқарашини, турмуш воқеаларига бўлган муносабатини, рухий кечинмаларини, унинг санъаткорлик маҳоратини, услубини, замондошлари ва ўзидан кейинги шоирларга таъсирини аниқлашда ғоят муҳим манбадир. Гадоий ғазаллари содда ва равон тилда ёзилган. 230 ғазалидан 164 таси ва 5 тўртлиги арузнинг энг халқчил баҳри бўлмиш рамал баҳрида ижод этилганлиги унинг маҳорати юксак санъаткор эканлигидан нишонадир»<sup>2</sup>.

Барча ўтмиш шоирлари каби Гадоий ижоди ҳам совет даврида бир ёқлама баҳоланди, асарларининг асл моҳияти очиб берилмади, бу борада баъзида ҳақиқатдан чекиниш холлари юз берди. Жумладан, шоир ғазалларидаги ди-

<sup>1</sup> *Аҳмадхўжаев Э.* Ҳаёт ва инсон мадҳияси // Ҳаёт васфи. Тошкент, 1988 йил, 6-бет.

<sup>2</sup> *Аҳмадхўжаев Э.* Ҳаёт ва инсон мадҳияси. 10-бет.

ний-тасаввуфий мазмундан атай кўз юмилиб, улар соф дунёвий лирика сифатида баҳоланди: «Гадоий ижоди ўзининг дунёвий руҳи туфайли қадрлидир. Диний-мистик кайфият ва оқимлар ғоят кенг тарқалган шароитларда бу жуда муҳим ижобий ходиса эди»<sup>1</sup>. Аслида эса шоир ижодида диний мазмун ва тасаввуфий мотивлар реал ҳаёт тасвири кўра устунлик қилади. Атойти, Саккокий, Лутфий каби замондошларига қараганда ҳам унинг ижодида исломий сўз ва иборалар кўп учрайди, ҳамд ва наът характеридаги алоҳида ғазаллар ва байтлар ҳам асосий ўрин тутаяди. Мисоллар:

Эй энгларинг кинояти «ваш-шамси ваз-зуҳо»,  
Зулфунг саводидур доғи «вал-лайли из-сажо».

Лаълинг. ҳаёли тушти кўнгул эвина, дедим:  
«Аҳлан ва хайран мақдаму саҳлан ва марҳабо!»  
Қош ёсиндин ғамзаи хунрез ўқи бўлғоч жудо,  
Хаста кўнглум ўкуди филҳол: «Изо жоал-қазо».

Шоирнинг бир неча ғазал ва байтлари эса Оллоҳнинг сўнгги расули, пайғамбарлар хотами, инсоният сарвари, икки олам маҳбуби Муҳаммад алайҳиссалом таъриф-тавсифига бағишланган.

Мусулмон Шарки адабиётида Муҳаммад алайҳиссалом васфида қалам тебратмаган шоир йўқ ҳисоби. Шоирлар пайғамбарлар сарварини дўст, ёр, маҳбуба сифатида бадиий тимсоллар воситасида ҳам «кўб ва хўб» таъриф-тавсиф этганлар. Зеро, мохият эътибори билан адабдан иборат бўлган, тарбия воситаси ҳисобланган адабиёт Муҳаммад алайҳиссалом сиймосида комил инсоннинг дунёвий тимсолини кўрган эди. Шунинг учун ҳам Шарқ сўз санъати ўзининг исломдан кейинги таракқиёти давомида инсонни Оллоҳ буюрган ва Муҳаммад алайҳиссалом эгаллаган ахлоқий фазилатлар ва маънавий мақомларини ўзлаштиришга даъват этиб келди.

Комил инсон таълимоти Муҳаммад алайҳиссаломга асосланади. Шарқ исломий адабиётида коинот сарвари, башарият хулосаси, пайғамбарлар хотами, икки дунё соҳиби, комиллар комили каби кўпдан-кўп сифатлар билан улуғланиб келган бу буюк зот барча илоҳий ва дунёвий илмлар эгаси, яхши ахлоқ ва эзгу инсоний фа-

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 1-жилд. 296-бет.

зилатлар жамулжами бўлиб, камолот йўлини танлаган кишилар учун олий бир идеал эди. Гарчи Муҳаммад алайҳиссалом мақомларига етиш имконсиз бўлса-да, аҳли муслим бу нажиб инсонни камолот йўлида маёқ билиб, у кўрсатган ҳидоят йўлига юришга, унга муносиб уммат бўлишга, унга мансуб фазилатларни эгаллашга, мухтасар қилиб айтганда, мумкин бўлгани қадар комиллик касб этишга интиланлар.

Гадоий ижодида Муҳаммад алайҳиссаломнинг башар қавмининг яратилишига боис бўлгани, сурат ва маънида оламнинг яғонаси эканлиги, инсоният у туфайли шараф топгани хусусидаги ғазал ва байтлар кўп. Шоир комил инсоннинг идеал тимсоли сифатида пайғамбарлар сарварини ҳар қанча таъриф-тавсиф этмасин, камолот йўлига кирган ва комиллик мақомини эгаллаган реал инсонларни ҳам соқий, ориф, аҳли маъни, солиқ, мурид каби сўфиёна истилоҳлар воситасида улуғлайди. Чунончи, шоир ақлу илму камолотда етук пири муршид раҳбарлигида тариқат босқичини босиб ўтган инсонни соҳибкамол, абадий умрга эришган саодатли инсон, деб таъриф этади:

Топти умри жовидон Ҳақдин, зиҳи соҳибкамол,  
Ул саодатлиғки, сендек меҳрибон дилдори бор.

«Гадоий ижоди, тематика нуқтаи назаридан ёндашилганда, маълум даражада тор, албатта, — деб ёзади С. Ғаниева. — Зероки, унда давр учун характерли бўлган қатор муҳим социал ва сиёсий масалалар деярли қамраб олинмаган. Унинг шеърлятида даврдаги адолатсизликларга нисбатан исёнкорлик қайфияти қарийб сезилмайди». Олиманинг ушбу фикрларига қўшилган ҳолда шунини қўшимча қилиш жоизки, мумтоз адабиётда ҳаётдан, замондан, одамлардан шикоят мотивлари кўпинча маъшуқа ва рақиблардан шикоят оҳанглари билан қўшилиб кетган. Таъбир жоиз бўлса, Шарқ мумтоз шеърлятида маъшуқа — Оллоҳ, рақиб — дунё, ошиқ — инсон тимсоли бўлиб келади. Шунга мувофиқ, маъшуқа мудом таъриф-тавсиф қилинади, рақиб, аксинча, мазаммат этилади, ошиқнинг насибаси эса ранжу изтироб, зору ниёз, қайғу алам, умид-илтижо...

Гадоий шеърляти ниҳоятда халқчиллиги, турконалиги билан алоҳида ажралиб туради. У халқона сўз ва иборалар, образли ифодалар, лутфлар, мақол ва маталлардан

ўз ижодида маҳорат билан фойдаланади. Қадимги туркий сўзларнинг кўп ишлатилиши жиҳатидан у Атойи, Саккокий, Лутфий каби замондошларидан ҳам устун туради. Масалан, кўз учи билан қараш, сувсаш — ўзбек халқининг энг фаол сўзларидан ҳисобланади. Шоир ғазалларида бундай сўз ва ибораларга кўп дуч келамиз:

Бокмас дағи кўнгулга қошинг бир кўз учидин,  
Нетти, не бўлди, хар неча олийжаноб эрур.

Асру сувсабтур меним қонумға жаллоди фалак,  
Ой юзунг кўргунча бил(л)монким, амон бўлғайму, оҳ?

Шоир ирсоли масал санъатига материални ҳам кўпроқ халқ урф-одатлари, образли иборалари, лутфларидан олади:

Қошу кўзунгдин шикоят қилсам, айтур кирпукунг:  
«Айб эмастур бир-бир устинда келур, келса бало».

Кўзларингнинг фаннидин билдим, чин эрмиш бу масал:  
«Хар кишинингким, кишига раҳми йўк, имони йўк».

Гадоий шеърятти халқона сўз ва иборалар, ташбеҳлар, лутфларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради:

Расм эрур бемора бермак хар не кўнгли орзулар,  
Хаста кўнглумға эрур ул лаъли шаккарбор орзу.

Маълумки, беморнинг таъби нозик бўлади, хар хил тансиқ нарсаларни сўрайди. Унинг хоҳишини имкон қадар мухайё этиш — одат. Халқимизнинг шу одатидан шоир ўз бадий мақсади йўлида фойдаланади — ишқ дардидан мен ҳам хастаман, бинобарин, менинг ҳам орзумни ижобат этинглар, менинг орзум эса — маъшуқамнинг ширин лаби, дейди. Ёки:

Ийманмайин қонимни оно сутитек ичар,  
Не соғинур, магар отосинингки молидур.

Бировни соғинганда, халқ кўпинча кўзимдан ўтдинг, кўзимдан учдинг, дейди. Мана бу байт шу асосга қурилган:

Соғинмаки, муштоқ эмон, эй тойири қудсий,  
Кўзумдин учарсен, нетайин, йўк пару болим.

Мумтоз шеърятда шоирнинг маҳорати унинг бадий санъатлардан қанчалик фойдаланишига қараб баҳоланиши



маълум. Албатта, ҳар қандай гўзал шеър бадиий санъатлардан холи бўлмайди. Лекин етук шоирлар ҳар бир мисрани бирор шеърӣ санъат асосига қурадилар, баъзан бир байтда бир неча санъатлар биргаликда зухур бўлади. Шеърӣ санъатлар фикрни гўзал ва таъсирчан ифода-лаш воситаси. Бинобарин, санъат қанча кўп ва маҳорат билан қўлланилган бўлса, шеър шунчалик бадиий юксак ва мукамал бўлади, унинг таъсир кучи ҳам баланд бўлади. Бу борада ўзбек адабиётида Алишер Навоӣ-нинг олдига тушадиган сўз устаси йўқ: шоирнинг бадиий санъатлардан холи бирор мисраси йўқгина эмас, балки кўпинча бир байтда бир неча санъатлар қўлланади. Гадоӣнинг гўзал ва содда шеърӣяти эса кўпинча халқона оҳорли ташбеҳлар, бир қадар машҳур ва осон санъатлар — талмеҳ, ирсоли, масал, тазод, лаффу нашр, таносиб, иқтибос ва бошқаларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шоир ирсоли масал санъатини юзага келтиришда кўпроқ халқ материалига мурожаат қилса, талмеҳ санъатини қўллашда диний сўз ва тушунчалар, қисса ва ривоятлар, пайғамбарлар ва саҳобалар билан боғлиқ воқеаларга таянади. Чунончи:

Ул лаъли нўшнинг қошида, эй Хизр суйи,  
Зулматга кир, ўлумқароким, шармсорсен.

Маълумки, Хизр ер ости — зулмат ичидан оби ҳаёт чашмасини топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга эришган пайғамбар сифатида Шарқ адабиётида кенг ва чуқур ишланган. Шоир бундан ўз поэтик мақсади йўлида фойдаланади: Эй Хизр суйи бўлган оби ҳаёт, маъшуқамнинг лаби суви олдида сенинг ҳеч қанча қадринг йўқ, бас, шарманда бўлиб, ўзингнинг зулматингга кириб яширин.

Аслида бу байт тасаввуфӣ мазмунга эга: дунёвий маъшуқани Оллоҳнинг пайғамбаридан устун қўйиб бўлмайди. Бу ерда маъшуқа лабининг суви Хизр пайғамбар топган оби ҳаётдан устун қўйилаяптими, билингики, илоҳий маҳбуба — Оллоҳ назарда тугиляпти.

Гадоӣй ғазалиётида айнан диний ва тасаввуфӣ мазмун етакчилик қиладики, бундан кўз юмиш мумкин эмас. Шоирнинг бирор-бир тариқатга кириб, унинг талабларини бажарганлиги ҳақида маълумотлар йўқ, лекин унинг комил мусулмон бўлганлиги шеърларидан яққол кўриниб туради.

Дунёнинг асосида зиддият, қарама-қаршилик ётади. Бинобарин, ҳаётнинг инъикоси бўлган адабиёт ҳам бундан холи эмас. Шоирлар ўз фикрларини кўпинча бошқа бир фикрга, нарсага зид қўйиш орқали тасвирлаб, унинг ҳақ, устун эканлигини таъкидлайдилар ва, айти пайтда, фикрларининг таъсирчанлигини, жозибадорлигини таъминлайдилар. Бу мумтоз поэтикада тазод санъати дейилади. Гадоий шеъриятида ҳам бу санъатнинг гўзал намуналарини учратиш мумкин:

Бахту толеъ кўр, тоалаллох, қазодинким, манга  
Ёр агар раҳм этса ногох, чархи ғаддор ўлтурур.

Мазмуни: «Қазо томонидан белгиланган менинг бу бахту толеимни кўр: ёр агар раҳм этса, шум, золим фалак ўлдиради».

Бу бири кам дунё ана шундай қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашидан иборат: бирини топсанг, иккинчисини бой берасан — иккита нарса сира бир вақтда ёр бўлмайди. Шунга ўхшаб, бу ерда шоирнинг асл мақсади — ёр висоли. Унга етиш учун у жону жаҳонини тиккан. Лекин унга етдим деганда тақдир панд беради. Агар тақдирга тан бериб юрай деса, бундай ҳаётнинг маъноси йўқ. Байтда шоир ана шу азалий ва абадий зиддиятни гўзал бадий шаклда акс эттирган: бу дунёда тўқис бахт, мукамал тақдир йўқ. Шунинг учун ҳам бири кам дунё, дейдилар.

Лаъли саробингдек, эй жон, оби замзамми бўлур?  
Яъни кавсар суйи бирла тенг шабнамми бўлур?

Мазмуни: «Ҳеч қандай оби замзам лабинг сувига (жонбахшликда) тенг келолмайди, чунки шабнамни кавсар сувига сира нисбат бериб бўладими?»

Гадоий кўп мурожаат қиладиган санъатлардан бири — лаффу нашр. Бу санъат шундан иборатки, аввал нарсалар саналади, кейин уларнинг сифати келтирилади:

Жони ҳазин юзунг била ирнингни соғиниб,  
Савдойилар бикин гулу шақкар ҳавас килур.

Бу ерда юз — гулга, лаб — шақарга нисбат берилмоқда.

Бу турлук шевалик кўз бирла зулфу орази зебо,  
Қаю жайрон, қаю сунбул, қаю гулзор андоқдур?

Бу ерда кўз — жайронга, зулф — сунбулга, орази зебо — гулзорга ўхшатилмоқда.

Найлайн гашти чаманником, манга зулфу юзунг  
Сунбули сероби нобу гунчаи хандон эрур.

Мазкур байтда зулф — сунбули сероби ноб (тоза тар сунбул)га, юз — гунчаи хандонга қиёс қилинмоқда.

Албатта, барча шоирларда бўлгани каби Гадоий ижодида ҳам ўзига хос, оҳорли ташбеҳу тимсоллар билан бирга, анъанавий образлар ҳам кўп учрайди. Хусусан, ишқу ошиқлик мавзуида, маъшуқа таърифида битиладиган бундай байтлар барча шоирлар ижодида мавжуд бўлиб, улар кўпинча салафлар таъсирида, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъанани давом эттириш натижасида вужудга келади. Бундай анъанавий ғазал ва байтлар, ҳатто буюк Навоий ижодида ҳам анча-мунча.

Гадоий кўзим чиксин, кўзим оқарсин, юзим қора бўлсин каби халқона образли иборалардан ўз ижодида маҳорат билан фойдаланади:

Нақди васлингни тилаб, топкунча окарди кўзум,  
Ул кишиким, сендин ўзга қилса, юзига қаро.

Ё илоҳи, сендин айру чиксун уш дийдаларим,  
Ғар назарни солсам, эй султони хўбон, ўзгага.

Маълумки, ташбеҳ — бадииятнинг бирламчи шarti. Зеро, поэтик фикр аввало ташбеҳ воситасида баён қилинади. Тўғридан-тўғри айtilган фикрнинг қора гапдан фарқи йўқ — бадийлик даъво қилолмайди. Шунинг учун ҳар қандай шоирнинг маҳорати биринчи навбатда унинг қандай ташбеҳлар топгани ва уларни қандай моҳирлик билан қўллаганида кўринади. Гадоий шеърияти ҳам оҳорли, қутилмаган, гўзал ташбеҳларга бой. Бу шоирнинг бежиз Навоийдай сўз устасининг назарига тушмаганлигини кўрсатади. Мисоллар:

Хуш ярошур ул набот ирнинг уза мушкин хатинг —  
Ким, кўрунур оби хайвон узра нилуфар ғариб.

Бу ерда маъшуқанинг новвотдай ширин лаби устидаги майин туклар — ҳат Хизр чашмаси узра ўсган нилуфарга қиёсланиб, ундан устун қўйилмоқда.

Оби хаёт чашмаси устидаги нилуфар ёлғиз бўлса, ёр лаби устидаги хат саф тортиб, ўзига хос гўзаллик касб этади. Ҳар қандай ёлғизликда ғариблик, ночорлик маъноси бор ва шоир бу тушунчадан маҳорат билан фойдаланган.

Ой юзунг васфинда бетакриб эрур сўз сўзламак —  
Ким, куёш моҳиятина ҳожат эрмастур шурух.

Куёшнинг аҳамиятини тушунтиришга ҳожат бўлмаганидек, сенинг ой юзинг ҳам таъриф-тавсифга муҳтож эмас.

Ҳар кунда эҳтироминг учун ерга бош кўяр  
Кўктин диловареки, оти офтоб эрур.

Бу ерда офтобнинг ерга бош қўйиши — унинг маъшука олдидаги эҳтироми сифатида талкин этилмоқда. Бир қараганда оддий, шу билан бирга, гўзал ўхшатиш. Умуман, шоир теварак-атрофдаги, ҳамма кўрадиган, лекин ҳамиша ҳам эътибор бермайдиган нарса-ходисалар, ҳаракатлардан гўзал ташбеҳлар яратади. Шунинг учун ҳам бу ташбеҳлар ўзининг табиийлиги ва самимийлиги билан кишини ўзига тартади.

Ойнинг юзидаги доғ қадимдан турли шоирлар томонидан турлича талкин қилиниб келади. Чунончи, Саккокий ёзган эди:

Ойдур сенинг оллингда бу кун бир ҳабаший қул,  
Тонса, юзида зохир ўлур доғ нишони.

Мазмуни: «Ой сенинг олдингда бир ҳабаший қулдир, агар у бундан тонгудай бўлса, юзидаги доғи унинг ёлғонини фош қилади».

Ҳадодий бу ташбеҳни ривожлантириб, янада конкретлаштиради:

Куллариңдиндур ҳабашдин ўлжа тушган тўлун ой,  
Тона олмас, белгулук, чун юзида тамғоси бор.

Мазмуни: «Тўлин ой ҳабаш элидин ўлжа тушган қуллариңдан бири. У бундан тона олмайди, чунки юзида қуллик тамғаси бор».

Агар диққат қилинса, Саккокий байтидаги қул кўпроқ ишқ йўлидаги асир, ошиқ маъносида келган. Доғ ҳам ижобий маънога эга бўлиб, ишқ доғига ишора. Ҳадо-

ий эса тўғридан-тўғри қул маъносини, ҳатто аниқ бир қавм — ҳабашдан ўлжа тушган қулни назарда тутати ва шунга мувофиқ, тамға сўзини қўллайди. Албатта, бу ерда моҳият ўзаро яқин, фақат тасвир усули, ифода йўсинида тафовут мавжуд.

Тасаввуфий мазмун, сўфиёна ғоялар Гадоий шеъриятида асосий ўрин тутати. Шундай ғазал ва байтлар борки, уларни дунёвий талқин қилишнинг имкони йўқ. Мисоллар:

Не қаро қонларки юттум ваъдаи дийдор учун,  
Кўрмайин ўлсам юзунгни, тутмасун Тенгри раво.

Маҳшар куни Оллоҳ ўзининг хос бандаларига дийдорини кўрсатишни ваъда қилган. Мумтоз адабиётда дийдор орзусининг хассослик билан куйланиши, маъшуқага мудом дийдор ваъдасининг эслатилишига сабаб — шу. Ёр ўзини бир кўрсатди-ю, кейин ниҳон бўлди, бир кўрдим-у, кейин бир умрлик фироқ оташида қолдим, қабилдаги оху воҳлар асосида шу нарса ётади. Чунончи:

Туштум, санамо, сендин ироғ, оҳ дариғо!  
Тўйғунча юзунг кўрмайин, эй мох, дариғо!

Тасаввуф йўли — кўнгил йўли. Бу йўлда ақл, зоҳирий билимлар талаб қилинмайди. Бу адабиётда ақл ва кўнгил аро зиддиятнинг авж пардада куйланиши, ақлнинг камситилиб, кўнгилнинг улуғланиши шундан. Зеро, илоҳий моҳиятга ақл билан етиб бўлмайди, уни фақат кўнгил билан дарқ этиш мумкин.

Дунёнинг ўткинчилиги, инсон умрининг қисқалиги ҳақидаги мотивлар ҳам шоир ижодида кўп учрайди:

Йигитлик мавсумин хуш тут, доғи фурсат ғанимат бил —  
Ки, бу олам асоси асру бебунёд эмиш билдук.

Бу ерда умрни кадрлаш, ҳаётнинг бебақолиги, дунёнинг моҳиятини англашга даъват қилинмоқда.

Мана бу байтда хайёмона фикрлар ўз аксини топган:

Ғофил ўлма, эй Гадоким, нозанинлар жисмидур,  
Бу қаро тупроқ уза ҳар қайда босарсен кадам.

Маълумки, инсоннинг ўлиmidан кейин тупроққа айланиши, оёғимиз остидаги заминнинг ўтганлар хоки эканлиги тўғрисидаги фалсафий фикрлар Хайём ижоди-

нинг асосини ташкил этади. Гадоий ҳам ҳаёт ва инсон умрининг моҳияти, оқибати ҳақида ўйлай-ўйлай шундай хулосага келади.

Тасаввуф адабиётида дунё кўпинча нозу ишва билан ошиқларини йўлдан урадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган, паранжи-чачвон ичида гўёки сарвқад ва гўзал кўринадиган, юзини очганда эса афтлари бужмайган, тишлари тўкилган, қариб-чуриган хотин (пирзан), макқора кампир, зол, ажуза тарзида тасвирланади. Гадоийнинг куйидаги байтида айни шу ҳақиқат ўз аксини топган:

Ушбу жаҳон ажузаси қаҳбаи бевафо эмиш,  
Берма кўнгулни эр эсанг, неъмату жоҳу молина!

Барча Шарқ шоирларида ўз ижоди, бадиий маҳорати, адабиётда тутган ўрни фахрланиб ёзилган фахрия шеърлар ва байтлар мавжуд. Жумладан, Гадоий ёзади:

Гар иноят бўлса Ҳақдин, доғи султондин назар,  
Бу Гадодек Лутфий ким бўлғайки, Салмон бўлмағай.

Мазмуни: «Агар Ҳақдан иноят ва Султондан назар бўлса, Лутфий ҳам, Салмон ҳам Гадоийга тенг бўлолмайди».

Салмон Соважий — машхур форс шоири.

Маълум бўладики, Мавлоно Гадоий Алишер Навоийгача ўтган ўзбек адабиётининг машхур ва забардаст намояндаларидан ҳисобланади. Унинг ижоди ўз даври шоирларига катта таъсир ўтказган.

## **ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТНИНГ МАЛИК УЛ-КАЛОМИ**

XIV аср охири — XV аср биринчи ярми ўзбек адабиётининг забардаст намояндаси Мавлоно Лутфий 1366 йили Ҳирот чеккасидаги Дехиканор қишлоғида туғилган. Ўз даврининг барча асосий билимларини эгаллаган Лутфий Мавлоно Шихобуддин Хиёбоний хузурида тасаввуф илми билан ҳам махсус шуғулланади. Алишер Навоий маълумотига кўра узоқ — 99 йил умр кўрган Лутфий 1465 йили вафот этади. Қабри ўзи яшаб ижод этган Дехиканор қишлоғида.

Лутфийнинг ўзбек мумтоз сўз санъатидаги улкан мавқе-мақоми шундан иборатки, у туркий шеърият ўзигача

эришган барча ютуқларни ўз ижодида мужассам этди ва ўзбек адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшди, хусусан, Алишер Навоийдек улуғ шоирнинг сўз майдониغا чиқиши учун замин бўлиб хизмат қилди.

Лутфий шеърияти халқона содда ва самимий руҳи, бадий тасвир воситаларига бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Айтиш мумкинки, у илҳомни халқ ичидан кидирди, чунки у халқ мақол-маталлари, халқ орасидаги турли образли иборалардан ўз ижодида маҳорат билан фойдаланади. У ташбеҳу тимсолларни ҳам кундалик ҳаётдан, атрофимиздаги нарсалардан олади, яъни унинг ташбеҳлари мавҳум бўлмай, фикр-кузатишларини аниқ нарса-ҳолатларга ўхшатади.

Қон бўлди кўнгул фироқингиздин,  
Жон куйди ҳам иштиёқингиздин.

Ёки:

Маҳвашим, бир назар этсанг, не ниманг ўқсугуси?  
Банда сори гузар этсанг, не ниманг ўқсугуси? —

сингари байтлар Лутфийнинг чинакам, том маъносидаги халқона шоир бўлганлигини кўрсатади.

Алишер Навоий Лутфийни ўзига устоз деб билган, унга эргашган, ундан таъсирланган. Навоий ва Лутфий муносабатлари адабиётшуносликда кенг ёритилган. Ёш Алишернинг:

Оразин ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким пайдо бўлур юлдуз нихон бўлғоч қуёш, —

байтига устоз шоир ўзининг бутун ижодини алмашмоқчи бўлгани, бир томондан, унинг Навоийнинг шеърий салоҳиятига тан бериб, унинг сиймосида ўзбек сўз санъатини юксак чўққига олиб чиқадиган истеъдодини кўрганидан далолат берса, иккинчи томондан, Лутфийнинг устоз сифатидаги бағрикенглиги ва тантилигини кўрсатади.

Навоий ўзининг кўплаб асарларида Лутфий ҳақида ёзади, унинг истеъдоди ва асарларига баҳо беради. Чунончи, «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асарида устозининг замондош туркигўй шоирлардан сенга маъқули ва мақоми баландроғи қайси деган саволига «Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдурлар ва бу қавмнинг устои ва малик ул-каломидур» деб жавоб бериши бежиз эмас.

«Мажолис ун-нафоис»да ўқиймиз:

«Мавлоно Лутфий ўз замонининг малик ул-каломи эрди, форсий ва туркийда назирини йўқ эрди, аммо туркийда шухрати кўпрак эрди ва туркча девони ҳам машхурдир ва мутааззир ул-жавоб матлаълари бор, ул жумладан бири будурким:

Нозуклук ичра белича йўқ тори гисуйи,  
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтирур куйи.

Яна бири буқим:

Сайд этти дилбарим мени ошуфта сочдин,  
Солди каманд бўйнума икки қулочдин».

Лутфий расман сулукка кирган, тариқат талабларини бажарган ва риёзат чекиб, муайян даражага етишган. Шунинг учун ҳам Навоий тасаввуф шайхлари, авлиёларга бағишланган «Насойим ул-мухаббат» тазкирасида унга ҳам ўрин ажратади:

«Таҳсил айёмида Мавлоно Шихобуддин Хиёбоний хизматиға етар экандур ва одоби тариқат сулуқини андин касб қилур эркондур. Агарчи шоирлик тариқида маъруф ва машхур бўлди, аммо дарвешлик тариқини дағи илқидин бермади. Бу фақир борасиға кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўқур эрди ва доим волида мулозаматиға ва ризои хотириға тарғиб қилур эрди».

«Тазкираи Қайюмий»да ўқиймиз:

«Алишер Навоий ила мусохаба этмиш Ҳирот шаҳрида туғилмиш машхур шоирдир. XV асрнинг адабиёт бобида бўлмиш буюк намояндаларидандур. Ўз замонининг жаҳонгашта олим шоиридур. Бошда темурийлардан Шохрух Мирзонинг саройида (1404—1446) хизматда бўлди. Номаълум сабабга кўра бундан кетиб, Олтин Ўрдага боруб, Сарой шаҳрида турди. Бир оздан сўнгра Озарбайжонга келди. Қорабой вилоятларида саёҳат этди. Ҳар ерда ҳурмат ила қабул этилди. Ниҳоят, бу узок саёҳатидан сўнг, Ўрта Осиёга қайтиб келди. Бу вақтда анча қариған эрди. Сўнгра ҳаётини дарвешона ўтқариб, Ҳирот шаҳрига яқин бир қасабада вафот этди.

Мавлоно Лутфий ўз номини тубандаги муаммо била кўрсатадур:

Кўрай, десанг, агар истаб отимни,  
Иморатни бузуб, отни чиқарғил.



Иморат сўзини бузиб, «а» билан «т»ни олсак, от чиқадура. Қолмиш (харф)ларни ёзсак, Умар бўладурки, Лутфийнинг номи Умар бўлуб чиқадура».

Мумтоз шоирлар асосан анъанавий йўлда ижод қилганлари, таржимаи ҳоллари ижодида акс этмагани туфайли биз уларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида етарли маълумотга эга эмасмиз. Жумладан, Лутфий ҳақида ҳам шундай дейишимиз мумкин. Лутфийшунос олим Содирхон Эркинов шоирнинг исми Лутфулла эканлигини ёзади. Ёки яқинда Шайх ибн Худойдод Тарозий қаламига мансуб Шарқ поэтикасига бағишланган илк туркий асар — «Фунун ул-балоға» асари илмий муомалага киритилгач, адабиёт тарихига оид баъзи янги маълумотларга эга бўлдик. Чунончи, шу пайтгача Лутфийга нисбат бериб келинган «Гул ва Наврўз» достони аслида Ҳайдар Хоразмийга тегишли экани маълум бўлди. Шунингдек, асарда Лутфий асарларидан намуналар келтирилган экан, у Лутфийи Шоший деб тилга олинади. Шунга асосланиб, Шарқ мумтоз адабиётининг билимдони, таниқли навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов унинг Тошкентда туғилиб, кейинчалик илм-маданият маркази Хиротга бориб қолган деган тахминни илгари суради. Лекин Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Хондамир маълумотларида бу ҳақда бирор-бир маълумот учратмаймиз. Бинобарин, Лутфийни Шоший дейишга шомаслигимиз керак. Зеро, Шайх Аҳмад Тарозий аниқ далилларга эмас, эшитганларига асосланган бўлиши ҳам мумкин.

Манбаларнинг маълумот беришича, Лутфий Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид «Зафарнома» тарихий асари асосида «Зафарнома»ни шеърга солган. Лутфий уни Фирдавсийнинг «Шохнома»си йўлида ёзишни режалаштирган. Лекин бу асар ниҳоясига етмагани ва оққа кўчирилмагани сабабли шуҳрат ҳам қозонмаган, бизгача етиб ҳам келмаган.

«Шарқ маданияти тарихига оид манбаларда Лутфийнинг ахлоқ-одоб мавзуида «Машқун ул-ҳақойиқ» номи билан ҳам асар яратганлиги эсланади. Хўтанлик Мулла Исматулланинг «Тарихи мусиқиюн» асарида Лутфийнинг мусиқа тарихи билан шуғулланганлиги, қуйлар басталанганлиги қайд этилади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Эркинов С. Лутфий // Буюк сиймолар, алломалар. 2-китоб. 89-бет.

Акбаршоҳ замонида яшаган Абдулла Кобулий ўзининг «Тазкират ут-таворих» асарида Лутфий мероси ҳақида сўз очиб, «дар форси шеъри зебо ва қасидаи фарро до-рад» («форсийда гўзал шеърлари ва порлоқ қасидалари бор»), деб айтади».

Лутфий девони ғазал, тўртлик, қитъа, фард, рубоий, туюқ каби жанрлардаги асарларни ўз ичига олади. Шоир девони унинг ҳаётлик вақтидаёқ кенг шухрат қозонган, нафақат Мовароуннаҳр ва Хуросон, балки Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ҳам тарқалган эди. Бундан фахр-ланиб, унинг ўзи бир ғазалида таъкидлаган эди:

Лутфий каломи етса Самарқанд аҳлига,  
Амудан ўтмас эди Хўжандий сафинаси.

Лутфий шеърлари бадиий санъатларга бойлиги билан алоҳида гўзаллик касб этади. Шоир ижодида шунчаки баёндан иборат бирорта мисра йўқ. У энг оддий фикрни ҳам ташбеҳу тимсолларга ўраб айтади. Шоирлик моҳияти шу аслида.

Лутфийнинг содда ва халқона шеърлари айниқса ир-соли масал санъатига бой:

Кўнглумуз вайрону қошу кўзда чиндур бу масал —  
Ким: «Қолур масжид агар бузулса, меҳроби анинг».

Бу ерда шоир кўнглимиз уйи вайрон бўлса ҳам, маъшуқанинг ишқи унда мустаҳкам деган фикрни тасдиқлаш учун масжид бузилса ҳам, меҳроби қолади мақолидан фойдаланган.

Инсон чорасиз аҳволга тушиб қолса, ер қаттиқ, ос-мон йироқ деб ўзини юпатади. Қуйидаги байтда шоир маҳбубасига қўли етмаслигини мазкур мақол билан асослайди:

Ерга кирсам қошки, чун етмас ул ойга илик,  
Мушкул аҳволе тушубдур: «Ер қатиқу кўк йироқ».

Мана бу байтда эса маъшуқанинг ошиғини соғинмас-лигига унинг узоқда эканлиги сабаб қилиб кўрсатилади ва фикрни далиллаш учун кўздан йироқ — кўнгилдан йироқ мақолига мурожаат қилинади:

Дилбар соғинмағон жиҳати бу фироқ эрмиш,  
«Кўздин йироқ бўлса, кўнгулдин йироқ» эмиш.

Лутфийнинг «Аёқингга тушар ҳар лаҳза гесу» мисраси билан бошланадиган ғазали эса бошдан-оёқ ирсоли масал асосига қурилгани маълум.

Оз сўз билан кўп маънони ифодалаш санъати бўлмиш талмехнинг гўзал намуналарини Лутфий ижодида ҳам кўрамиз:

Яъқуб бикин кўп йиғидин қолмади сенсиз  
Нури басарим, хоҳ инон, хоҳ инонма.

Маълумки, севикли фарзанди Юсуфдан тириклай жудо бўлган Яъқуб алайҳиссалом кеча-кундуз ўғлининг фирокида йиғлаб, кўзлари кўр бўлиб қолади. Бу ерда шоир маъшуқа ҳажрида кўп йиғлаган ўз ҳолатини ўша Яъқуб алайҳиссаломга нисбат бермоқда. Шу орқали қанчалик қийналганини узоқ баён этиб ўтирмай, сўзни мухтасар қилади.

Маълумки, Хизр — зулмат қаъридаги оби ҳаёт чашмасини излаб топган ва ундан ичиб, абадий ҳаётга ноил бўлган пайғамбар сифатида кўпгина халқлар адабиётида кенг ишланган образ. Исо Масих эса жонбахшлиги билан машхур. Эмишки, унинг қўли теккан, силаган ўликка жон киради. Шунинг учун унга ал-Масих — силовчи лақаби берилган. Лекин маъшуқа лабининг жонбахшлигию мангулик ато этиши олдида ўзларининг ожизлигини сезиб, Хизр ер қаърига кириб кетган бўлса, Исо кўкка чиқиб кетади:

Хизрнинг айни ёшунмуш, кўктин энмас ҳам Масих,  
Нетсун ул мўъжиз бу дам ёқути серобиндадур.

Бу ерда ҳусни таълил санъатининг ҳам гўзал намунасини кўрамиз: Хизрнинг ер қаърига кириб, Исонинг кўк тоқига чиқиб кетишига бу икки пайғамбарга хос мўъжизалар жон ато этиш ва абадий ҳаёт бағишлашнинг маъшуқа лабида ортиғи билан мавжудлиги сабаб қилиб кўрсатилади.

Мисрда етти йил очарчилик бўлганида Юсуф ҳар куни чиқиб халққа юзини кўрсатар, одамлар унинг ҳуснини кўриб, ўз очликларини унутар эканлар. Қуйидаги байтида шоир маҳбубасини Юсуфга ўхшатиб, сен канъонлик ўша Юсуф каби етилиб, ҳусну малоҳатга тўлибсанки, сени кўрган эл Миср халқидек ақлидан озади:

Ақлиндин озар Миср элидек ким сени кўрса,  
Бу даврда сен Юсуфи Канъон етилибсен.

Мана бу байтида эса ушбу фикрларни давом эттириб, маъшуқасини Юсуфдан-да устун қўяди. Сабаби: Юсуфни кўриб, барча тўяр эди, сени эса кўрган кишининг кўргиси келаверади:

Юсуфни кўруб, Миср эли барча тўяр эрди,  
Тўймас киши сендин нечаким қилса назора.

Лутфийнинг нафақат туркий, балки форсий шеърда ҳам назирни йўқ эди. У умрининг охирида «офтоб» радибли бир ғазал айтади, замон шоирларининг барчаси унга татаббуъ қиладилар, лекин уларнинг ҳеч қайсиси матлаъни унга етказа билмадилар. Мана, ўша матлаъ:

Эй зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,  
Шоми зулфатро ба жои моҳ дар бар офтоб.

Мазмуни: «Эй (сенинг) тун каби қора зулфинг туфайли қуёш (юзинг) сояпараст бўлибди. Зулфинг тунида ой ўрнига қуёш чиқибди».

Байтда Лутфий тазод санъатини ҳадди аълосига етказган. Маълумки, маъшуқанинг сочини — тунга, юзини — қуёшга ўхшатиш мумтоз шеърятда анъана тусини олган. Шунга ишора қилиб шоир лутф этаяптики, қуёш кундузи, ой кечаси чикса, сенинг сочинг қоронғилиги ичра юзинг қуёши тунда порлайди — зулфинг зулмати сабабли у сояпарвар — қоронғиликни севадиган бўлибди.

Лутфий умрининг охирида яна бир машҳур форсий ғазални бошлайди-ю, лекин ниҳоясига етказолмайди ва Абдурахмон Жомийга уни тугатиб, ўз девонига киритишини васият қилиб кетади. Бу васиятни Жомий мамнуният билан адо этади. Ўша ғазалнинг матлаъи қуйидагича:

Гар кори дили ошиқ бо кофири Чин афтад,  
Бех з-он, ки ба бадхўи бемехри чунин афтад.

Мазмуни: «Ошиқ дилининг иши бундай кўнгли қаттиқ ва ситамгар (махбуба)га тушгандан кўра, Чин (Хитой) кофирига тушгани яхши эди».

Лутфий Жомий ва Навоий билан дўстона муносабатда бўлган. Улар адабиёт ва шеър хусусида кўп суҳбатлар қуришган, баҳсу мунозаралар қилишган, бир-бирларининг ғазалларига татаббуълар битишган, мухаммаслар ёзишган. Чунончи, Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида келтирилишича, Лутфий 90 ёшдан ўтганда Абдурахмон

Жомийга бағишлаб сажъ усулида «сухан» радифли қасида ёзади. Қасидага барча илму адаб аҳли юқори баҳо берадилар, хатто Жомийнинг ўзи ҳам қойил қолади. Қасиданинг матлаъи қуйидагича:

Зи ҳар ҳадиси лабат қуввату руху жони сухан,  
Гул рухат зийнаги чаманорои бўстони сухан.

Мазмуни: «Лабингдан чиққан ҳар бир сўз рухнинг оғизию сўзнинг жонидир. Юзинг гули сўз бўстониинг зийнатидир».

Жомий лутф қилиб айтадики: «Бунга жавоб тариқасида сизнинг номингизга бир қасида айтай десам, бу ишнинг урдасидан чиқишимга кўзим етмайди». Лутфий камтарлик билан дейди: «Сизни бу мушкулотдан қутқармоқчиман. Қасида эвазига сизнинг табаррук эски тўнингизни сўрайман». Тўн бағоят эскилиги учун Жомий минг бир андиша ва узрхоҳлик билан уни Лутфийнинг эғнига ёпади.

Бу буюк зотлар бир-бирларини ана шундай эъзозлаганлар, бошларига кўтарганлар, истеъдодларини эътироф этганлар.

Келтирилган мисоллар Лутфийнинг форсийда ҳам бадий жиҳатдан юксак асарлар яратганлигини кўрсатади. Зеро, форсий шеърятнинг мумтоз даврини яқунлаган буюк форс-тожик сўз санъаткори Абдурахмон Жомий эътирофига сазовор бўладиган шеър ёзишнинг ўзи унинг шоирлик салоҳияти баланд бўлганлигидан далолат беради.

## НАВОИЙ НАЗАРИ ТУШГАН АВЛИЁ

Муқаддас Хоразм заминидан кўплаб дунёга машҳур азиз-авлиёлар, олиму адиблар етишиб чиққан. Бу буюк зотлар силсиласида Хожа Абулвафо Хоразмийнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Тасаввуфга оид қатор рисолалари ва сўфиёна мазмундаги рубоийлари билан машҳур бўлган бу улуғ ватандошимизнинг ҳаёти ва ижоди ўзбек адабиётшунослигида ҳозирга қадар деярли ўрганилмаган.

Хожа Абулвафо Хоразмийнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотларга эга эмасмиз. Илмий-адабий манбаларда унинг «Лавойихи асрор» («Равшанлик сирлари») ва «Наср ул-жавоҳир» («Наср дурдоналари») номли илмий-тасаввуфий руҳдаги рисолалар ёзганлиги тўғрисида

маълумот берилади. Лекин у кўпроқ рубойлари орқали машҳур бўлган. Таниқли афғон адабиётшунос олими Нажиб Мойил Ҳиравий Техронда нашр этилган «Дар шабистони ирфон» («Ирфон хилватхонасида») асарида Хожа Абулвафо ҳақида ҳам мухтасар гапириб, унинг 146 та рубойсини илова тариқасида келтиради. Бу рубойлар Техрон Миллий кутубхонасида 306 рақами остида сақланаётган «Жунги асрори ирфон» («Ирфон сирлари дафтари») тўпламидан олинган. Техронда 1953 йили чоп этилган «Рубойнома» тўпламида эса шайх-шоирнинг 98 та рубойси берилган.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» ва «Насойим ул-муҳаббат» асарларида Хожа Абулвафо Хоразмийни алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Чунончи, «Мажолис ун-нафоис»да ўқиймиз:

«Хожа Абулвафо Хоразмий (қуддиса сирруҳу) кибори авлиёдиндур. Хоразм халқи ғоят малакий сифотлиғидин Хожани «ер фариштаси» дерлар эрди ва Хожа улуми зоҳирий ва ботинийни такмил қилиб эрди. Ва тасаввуфда яхши мусаннофоти бор ва машҳурдурким, улуми ғариба ҳам билур эрди, аммо андин зоҳир бўлмас эрди, балки ғояти таважжуҳ ва истиғроқдин парво ҳам қилмас эди. Адвор ва мусиқий илмида дағи маҳорати бор эрдиким, рисоласидин маълум бўлур. Хожа авсофини ҳар киши битир бўлса, алоҳида бир китоб битмак керак, маълум эмаским, бир китобда ҳам сиқғайму ё йўқ. Бир рубойиси била ихтисор қилоли:

Бад кардаму эътизор бадтар зи гуноҳ,  
Зеро, ки дар ин ҳаст се даъвии табоҳ:  
Даъвии вужуду даъвии қуввату ҳавл,  
Лоҳавла вало қуввата илло-биллоҳ.

Таржимаси:

Қилдим гуноҳ — узри ўзидан баттар, ох,  
Нотўғри бу уч даъво сабаб мен — гумроҳ:  
Даъвои вужуду талаби қуввату феъл,  
Ло ҳавлу ва ло қуввата илло-биллоҳ<sup>1</sup>.

Хожа ҳам Хоразмда оламдин ўтти ва муборак марқади ҳам Хоразмдадур».

«Насойим ул-муҳаббат»да ёзади:

---

<sup>1</sup> Рубойлар муаллиф таржимасида берилмоқда.

«Хожа Абулвафо хизматлариға тавҳид арбоби ва мавожид ва азвоқ асҳоби сўфия машорибидин шурби тамом бор эрмиш. Андоқки, аларнинг расоил ва ашъоридин, батахсис рубоиётидин бу маъни зохирдур ва бу даъво исботиға неча рубоий келтирилур (Шундан сўнг Навоий Хожанинг 6 та рубоийсини келтиради. — Э.О.) ва аларнинг вафоти саккиз юз ўттиз бешда эрмиш, раҳимахуллоху таоло».

Ўзбек адабиётшунослари Хожа Абулвафо ҳаёти ва ижодига кейинги йиллардагина эътибор қарата бошладилар. Чунончи, Ҳамидхон Исломиёнинг «Алишер Навоий ва Хоразм авлиёлари» китобида Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат»дан ўрин олган Хожа ҳақидаги фикрлари ҳамда унинг зикр этилган 6 рубоийси Мирсодиқ Исмоков ва ушбу сатрлар муаллифи таржимасида келтирилади. Хоразмлик таниқли адабиётшунос олим Ҳамдам Абдуллаев ҳам буюк юртдоши ҳаёти ва ижоди билан қизиқиб, «Хожа Абулвафо Хоразмий ва Алишер Навоий» ҳамда «Хоразм шоирлари Навоий наздида» номли дастлабки мақолаларини эълон қилди. Зеро, ҳозирча ўзбек адабиётшунослигида фақат Алишер Навоий асарларидаги маълумотларгагина таяниб, Абулвафо Хоразмий ҳақида фикр юритиш мумкин холос. Навоий Хожанинг тасаввуфий руҳдаги рисоалари ҳам борлигига эътибор қаратган бўлса-да, асосан рубоийлари хусусида тўхталган. Бинобарин, улуг шоирга унинг бадиий ижоди кўпроқ маъқул келган. Шарқшунос олим Ориф Усмон Мойил Ҳиравий фикрлариға асосланиб, Абулвафо рубоийлари ваҳдат ул-вужуд таълимоти асосчиси Мухйиддин ал-Арабий, шунингдек, машхур тариқат пирлари Айнулқуззот Ҳамадоний ва Нажмиддин Кубро асарлари таъсирида ёзилганини қайд этади ва 8 та рубоийсини ўзбекчага таржима қилиб, «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 1997 йил 18 апрель сониде чоп этиради. Биз ҳам шайх-шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиб, рубоийларини таҳлил этиб мақолалар ёздик, 98 та рубоийсини таржима қилдик.

Ҳақиқатан ҳам, Абулвафо Хоразмий рубоийлари ваҳдат ул-вужуд таълимотининг шеърий ифодаси ҳисобланади. У тасаввуф назарияси талаб-қоидаларини шеърий усулда баён қилиб берган. Бу дунёнинг ўткинчилиги, нафс ва жисмнинг Ҳақ йўлида тўсиқлиги, ҳақиқий ҳаёт Оллоҳ ҳузурини эканлиги, бунинг учун камолот касб

этиб, хулқини поклаб, комиллик мартабасига эришиш зарурлиги, Оллоҳ ҳақиқатлар ҳақиқати эканлиги, уни ақл билан англаб бўлмаслиги, фақат юксак мақомга кўтарилган кўнгил холи билан уни таниш мумкинлиги, Оллоҳ эҳтиёжсиз зот эканлиги, бу дунёни ошкор қилиб, ўзини пинҳон тутганлиги, банда кўнглига илоҳий ишқ Оллоҳнинг ўзи томонидан солиниши, ўзини билган хою хавасга қул бўлмаслиги, дарвешлик, завқу талаб, дард-мандлик, факру фано, Ҳақ йўлида ўзни унутиш, ному нишонсизлик ва бошқалар Абулвафо Хоразмий рубоийларининг асосий мавзулари ҳисобланади. Хос сўфийлардан бўлган шайх-шоир рубоийларида илоҳий ишқ тараннуми етакчи, мажозий мухаббат тасвирини деярли учратмаймиз.

Бу рубоийларни ўқиган киши руҳан покланади, маънан юксалади, қалби эзгу туйғуларга тўлиб-тошиб, хайрли амаллар қилгиси келади. Чунки улар Ҳақ ва ҳақиқатдан, инсоний поклик ва камолотдан, боқийлик ва фанийликдан, илоҳий ва инсоний моҳиятдан баҳс этади. Ўқувчини ўзи, ҳаёти, фаолияти, дунё ва жамият олдидаги масъуллиги ва бурчи ҳақида жиддий ўйлашга ундайди. «Мен нега туғилдим? Нима учун яшаяпман? Нимага эришмоқчиман?» Бу рубоийларни ўқиган ўқувчи ўзига шундай бир саволларни бериши шубҳасиз. Савол берилдими, демак, унга жавоб ҳам изланади. Изланиш эса ранжу машаққат чекишни такозо қилади. Ҳар қандай ранжу машаққат кишини тоблаши, юксалтириши маълум. Бинобарин, бу рубоийлар мутолааси изсиз кетмаслиги аниқ.

Тасаввуфий истилоҳ ва тимсоллар кўп қўлланганлиги жиҳатидан Абулвафо Хоразмий рубоийларининг тили оғир, услуби мураккаб. Шунинг учун уларни таржима қилиш ҳам осон эмас. Бу рубоийлар мураккаб-ликда Мирзо Бедил рубоийларидан қолишмайди. Биз шоир рубоийларини таржима қилар эканмиз, сўфиёна истилоҳларни айнан қолдириб, уларнинг зарурларига изоҳ бериш йўлидан бордик. Таржималарнинг бир қадар мураккаблиги шу билан изоҳланади.

Маълумки тасаввуфда дарвеш — барча илоҳий ва дунёвий эзгуликлар, фазилатлар соҳиби, мукаммал илму ахлоқни ўзида мужассам этган комил инсон тимсоли бўлиб келади. Шунинг учун шайх-шоир дарвешлик шартлари сифатида қуйидагиларни илгари суради: дарвеш бўлиш



учун киши аввало илохий завқдан бонасиб бўлиши, кейин талаб йўлига кириши керак. Бунинг учун яна илми вараъ, ҳол ва адаб лозим. Вараъ — тариқатнинг иккинчи мақоми бўлиб, тақводорлик, парҳезкорлик маъноларини билдиради. «Парҳез зоҳирий жиҳатдан кўз, кулок, қўл, оёк, бурунни, ботиний томондан фикр ва қалбни тўлалигича камраб олади. Бунда энг муҳим парҳезкорлик ҳаром лўқма ва ҳаром мол-мулкдан сақланишга қаратилади»<sup>1</sup>. Шунга мувофиқ илми вараъ тақво ва парҳез билан тариқат мақомларини босиб ўтиш жараёнида солиқнинг пок қалбида порлаб, уни рухий камолотга олиб борадиган илохий файз. Инсоннинг маънавий-ахлоқий тарбиясига йўналтирилганлиги жиҳатидан тасаввуфга одоб ва ахлоқ ҳақидаги таълимот сифатида таъриф берадилар. Бинобарин, адаб — тасаввуфнинг асоси. Бугина эмас. Дарвешлик яна риёзат чекишни касб қилиб, роҳат ва шодликдан воз кечишни талаб этади. Бу талаб-қоидаларнинг барчасини шоир биргина рубойга жамлаб беради:

Дарвешеро завқу талаб мебояд,  
Илми вараъу ҳолу адаб мебояд.  
Аз роҳати тан нафур мебояд буд,  
Улфат ба риёзату тааб мебояд.

Дарвешлик учун завқу талаб лозимдир,  
Илми вараъу ҳолу адаб лозимдир.  
Минг ранжу риёзатга тутиниб улфат,  
Тарки ҳама роҳату тараб лозимдир.

Тасаввуф фалсафасига кўра, бу дунё Зоти мутлакнинг тажаллийси, зуҳури. Парвардигори олам ўз ҳуснини томоша қилиш мақсадида бу дунёни ўзига кўзгу қилиб яратган. Айни пайтда, ўзини пинҳон тутган. Тасаввуф аҳли шундай тушунтирадилар. Шоир уларга эътироз билдиради: пинҳон Ўзи бўлгани каби, балки ошкор ҳам Ўзидир? Ҳақ аҳлига Ҳақдан ўзгаси ҳақида фикр юри-тишнинг не ҳожати бор? Бинобарин, Ҳақ аҳли Худонинг борига шукр қилиб яшаши, унинг зоти, моҳиятини кидириб беҳуда уриниши, ортиқча тахминларни илгари суришида маъни йўқ. Абулвафо Хоразмийнинг қуйидаги рубойиси шу ҳақда:

<sup>1</sup> Абдуқодиров А. Тасаввуф истилоҳларининг қисқача изохли луғати. Хўжанд, 1997 йил, 11-бет.

Ў ҳаст ниҳону ошкораст жаҳон,  
Бал аксе бувад шухуди аҳли ирфон.  
Бал Ўст ҳама — чи ошқору чи ниҳон?  
Гар аҳли Ҳақи, ғайри яке ҳеч мадон.

Ул Ўзи ниҳондиру жаҳондир ошкор,  
Ирфон аҳли шоҳидлиги балки бекор.  
Ошқору ниҳон — барчаси Ўзи балки,  
Ҳақ аҳлига Ҳақдан ўзгаси не даркор?!

Тасаввуф шеърятита Оллоҳ ва инсон муносабатларини акс эттирувчи қатор тимсоллар мавжуд: шам ва парвона, уммон ва қатра, қуёш ва зарра ва ҳоказо. Куйидаги рубоийда шайх-шоир соя ва шуъла тимсоллари воситасида инсонни комилликка даъват этади: соя шуълага интилиб, унинг таъсирида маҳв бўлиб, яъни шуълага айланиб кетганидек, ўзини поклаган, камолотга интилган ҳар қандай инсон ҳам нурдай шаффоф бўлиб, бир кун Яратувчига сингиб кетади:

Дар соя нигар, ки жўяд аз нур висол,  
То соя бувад соя — бувад васл маҳол.  
Аз тирагии вужуди худ соя чу раст,  
Шуд нуру зи нукс ёфт роҳ сўи камол.

Сен сояга бок: шуъладан излайди висол,  
То соялигича қолса у васл маҳол.  
Гар соя вужуд зулматидан топса халос,  
Нур бўлғуси қолмай нукси, топғуси камол.

Банда ўз кўнглини Яратувчисига бериб, жонни унга бағишлаб, бу дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларига парво қилмаслиги керак. Кўнгилни бу дунё ғуборларидан поклаб, илоҳий маҳбубага интилган ошиқ икки дунёнинг муроду мақсади бўлади:

Аввал бояд к-аз сари жон бархези,  
В-аз ҳар чи муроди туст — аз он бархези.  
Кавнайн шави, балки муроди кавнайн,  
Вакте, ки ту поки, аз миён бархези.

Ишқ аввалида кечиш керакдир жондан,  
Кўнгилдаги барча орзую армондан.  
Ҳар икки жаҳонни(нг) мақсади бўлгайсан,  
Пок бўлсанг-у, кўнгил узмасанг жонондан.

Маълум бўладики, Хожа Абулвафо Хоразмий рубоийларида Оллоҳ ва инсон, олам ва одам муносабатлари, Оллоҳни улуғлаш, Ҳақ йўлига даъват, комиллик орзулари, фақру фано, таслиму ризо, инсоний ҳаётнинг мазмуни, ваҳдат ул-вужуд фалсафаси, комиллик талаб-шартлари ва бошқалар ўз аксини топган.

Бу рубоийларнинг айримларини тасаввуфий истилох-тимсоллар эмас, балки диний ва тасаввуфий ривоят-хикоятлар ёрдамида ҳам тушунтириш мумкин. Чунончи, мана бу рубоийни Қуръони каримдаги Хизр алайҳиссалом ва Мусо пайғамбар саёҳати орқали шарҳлаш лозим:

Кўргил, нима топди ишқдан акли салим?  
Мен — Хизри замон, сен эса — Мусои калим.  
Олмоқ эса орзу суҳбатимдан баҳра,  
Билдирма-ю эътироз, кўрсат таслим.

Мусо алайҳиссалом — Калимуллоҳ, яъни Оллоҳ билан бевосита сўзлашувчи зот бўлган. Уларнинг ўзаро мулоқотида ҳатто фаришталар ҳам воситачилик қилмаган. Шунга кўра, унда бу дунёда менадан билимлироқ киши йўқ, деган ғурур пайдо бўлади. Ундаги бу ғурурни маҳв этиш учун Оллоҳ уни Хизр алайҳиссаломга рўпара қилиб, саёҳат қилдириш орқали Мусо фақат бўлиб ўтган воқеаларни билса, Хизр келажакда бўладиган воқеаларни ҳам олдиндан билиши, бинобарин, Хизрнинг билими Мусоникидан ортиқ эканлигини билдиради. Хизрнинг мўъжизаларини кўрар экан, Мусо индамасликка сўз берган бўлса-да, савол беришдан ўзини тўхтатолмаган эди. Алоуддин Мансурнинг изох беришича, «Бу ҳикоя билан Оллоҳ ўзининг «хар билим соҳиби устида унданда билимдонроқ биров бордир», — деган ояти каримасини яна бир қарра исбот этади»<sup>1</sup>. Қуръондаги ушбу хикоятдан фойдаланиб, авлиё шоир ҳам кимки менинг суҳбатимдан баҳра олишни ният қилса, таслим кўрсатсин у, эътироз билдирмасин, дейди. Зеро, муршидга аён сирлардан мурид қандай огоҳ бўлгай?!

Ёки:

Хар кимса асири нангу номдир хануз,  
Ишқ йўлида, билки, нотамамдир хануз.  
Бир дил бу фақирда борки, ишқ оташида  
Йиллар оша ўртанса-да, хомдир хануз.

<sup>1</sup> Қуръони карим. 206-бет.

Бу рубойнинг мохиятига етиш учун Иброхим Адхам ҳақидаги машҳур ҳикоятни билиш керак. Маълумки, у илохий ишқ йўлида тожу тахти, оиласидан воз кечиб, Балхдан Нишопурга келади, бир тоғ этагини макон тутиб, ўтинчилик қилиб кун кечиради. Бир куни ўтин орқалаб, шаҳарга келаётган вақтида унинг сайру сулукда қандай мақомга эришганини имтиҳон қилиш мақсадида шайхлардан бири унга бир мушт туширади. Шунда у миқ этмай:

— Сиз истаган нарса Балхда қолиб кетган, — деб жавоб беради.

Шунда улар: «Балх эсидан чикмабдими, у хали тариқатда камолга етмабди. Демак, хали яна бир неча йил машаққат чекиши керак», — деган хулосага келдилар.

Бир неча йилдан сўнг айни синовни такрорлаб, яна бир мушт туширганларида, у миқ этмайди. «Энди у камолга етибди», — деган қарорга келишади имтиҳон қилувчилар.

Рубой Оллоҳ йўлида ҳамма нарсани унутиш кераклиги хусусидаги айни шу ҳақиқатдан баҳс этади.

Абулвафо Хоразмий рубойларини ўрганиш шайх-шоирнинг дунёқараши, бадиий маҳорати ҳақида тасаввур ҳосил қилишгагина ёрдам бериб қолмай, умуман сўфиёна шеърятни тушунишга кўмаклашиши шубҳасиз.

## ШОҲЛАР ДАРВЕШИЮ ДАРВЕШЛАР ШОҲИ

Адолатли шоҳ, моҳир саркарда, ҳассос шоир Ҳусайн Бойқаронинг ўзбек халқи тарихи ва маданиятида тутган ўрни беқиёс. Шоҳликни мамлакатни раванқ топтириш, раиятнинг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш, илму фан, адабиёт ва санъатни юксалтириш, Ватанни обод қилиш деб тушунган бу бунёдкор ҳукмдор тожу тахтни кўлга киритганидан кейин ўтган 37 йиллик ҳукмронлиги мобайнида тинч сиёсат юритди, бирор-бир юртни босиб олмади, аксинча, ўз элини гуллаб-яшнатиш пайдан бўлди. XV асрда Ҳиротда гуллаб-яшнаган илму фан, адабиёт ва санъат ривожини, янги Уйғониш даврини бошлаб берди. Натижада эса Алишер Навоийдек буюк зотнинг етишиб чиқишига сабабчи бўлди.

Ҳусайн Бойқаро 1438 йили Ҳиротнинг шарқи-шимолидаги Давлатхона саройида дунёга келган. Отаси Фиёсиддин Мансур Бойқаро Мирзонинг, у эса Амир Темурнинг

ўгли Умаршайхнинг фарзанди эди. Онаси Ферузабегим ота томондан Амир Темурнинг катта қизи Оғобегим, она томондан Мироншоҳга бориб боғланади. Икки томондан ҳам темурийларга мансуб бўлганлиги учун Бобур Ҳусайн Бойқарони «карим ут-тарафайн» деган эди.

7 ёшида отадан етим қолган қобилиятли ва зийрак Ҳусайн 14 ёшигача илм таҳсили билан машғул бўлади. 1452 йилда Хуросон ҳукмдори Абулқосим Бобур хизматига киради ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга шўнғиб кетади. Тожу тахт учун узоқ йиллар кураш олиб бориб, ниҳоят, Абусаид Мирзо вафотидан сўнг, 1469 йили Хиротни эгаллаб, Самарқанддан мактабдоши ва дўсти Алишер Навоийни махсус ёрлик билан чакириб олади ва мухрдорлик вазифасига тайинлайди. Навоий дўстини тахтга чиқиши билан кутлаб, унга «Ҳилолия» қасидасини тақдим этади. Навоийнинг таъсири ва бевосита ёрдамида Ҳусайн Бойқаро қарийб қирқ йил мобайнида мамлакатни адолат билан бошқаради, фан, маданият, хунармандчиликка ҳомийлик қилади, ободончилик ишларига бош-қош бўлади. Хоразм, Сейистон, Қандаҳор, Балх, Ғазнадан Домғонгача бўлган ерлар унинг салтанатига кирганди. 1506 йили юрак хасталигидан вафот этган Ҳусайн Бойқаро ўзи қурдирган мадраса ичидаги макбарага дафн этилган. Ҳозир макбара вайрон бўлган, қабр ва унинг устига ўрнатилган «Санги ҳафт қалам» сақланиб қолган.

Ҳусайн Бойқаро темурийлар орасида энг шижоатли ва маърифатли, шариатга қатъий амал қилган ҳукмдор бўлган. Ўзаро низолар, темурий шахзодалар ўртасидаги шиддатли курашлар силсиласида тобланган, тажриба ортирган довюрак саркарда, етук истеъдод соҳиби Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятни эгаллагач, мамлакатда тинчлик, осойишталикни қарор топтириш, ички худудий низолар, зиддиятларни бартараф этиш ва марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга асосий эътиборни қаратди. У ўлкада маданий-маърифий ва ободончилик ишларини ривожлантиришга алоҳида рағбат кўрсатди: иқтисодий ҳаёт юксалиб, халқ фаровонлиги ошади, савдо-сотик ривожланади, юзлаб карвонсаройлар, работ, кўприк, мактаб, мадраса, масжид, хонақоҳ, ҳаммом, табобатхона, сув хавзалари қурилади, каналлар қазилади, боғлар барпо этилади; номларини абадийлаштириш мақсадида шохнинг бошқа амир-амалдорлари, ҳатто маликалар ҳам ўз номларидан

масжид, мадраса, турли хайрия бинолари куришга киришиб кетадилар.

Хусайн Бойқаро даврида Хирот Шарқнинг фан, маданият, ҳунармандчилик ривожланган йирик марказга айланди: турли мамлакатлардан истеъдод соҳиблари Хиротга паноҳ ахтариб келишган. Ҷша даврда Хирот каби турли ўлка вакиллари тўпланган шаҳар бўлмаган. Натижада, тил, адабиёт, тарих, тасвирий санъат, хаттотлик, китобат санъати, табобат, хандаса, мусиқа, қоғоз ишлаб чиқариш, томоша санъати ва бошқа соҳалар ривожланган. Хирот, Машҳад, Марв, Нишопур сингари шаҳарларда кўплаб ноёб обидалар барпо этилган. Маҳаллий ҳунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар Хуросондан ташқарида ҳам машхур бўлган. Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий кўплаб истеъдодларни кашф этиб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашган. Абдурахмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Камолиддин Биноий, Хусайн Воиз Кошифий, Атоуллоҳ Хусайний, Мирхонд, Хондамир, Зайниддин Восифий, Султонали Машҳадий, Абдужамил Котиб, Камолиддин Бехзод, Шайхим Сухайлий, Мирак Наққош, Қосим Али Чехрақушо, Шоҳкули каби ўз даврининг забардаст шоир, олим, муаррих, мусиқачи, хаттот, наққошлари худди шу замонда етишиб чиқишқан ва фаол ижод қилишган.

Хусайн Бойқаро туркий тилда ижод қилишни рағбатлантирган ва шунга даъват қилган. Ўзи ҳам бадий ижод билан шуғулланиб, Хусайний таҳаллуси билан шеърлар ёзган, шеърийат мажлисларини ташкил этиб, шоирларга раҳнамолик қилган. Ундан бизгача шеърлар девони ва Навоийга бағишланган «Рисола» асари етиб келган. Шоҳ-шоирнинг ҳозиргача 202 ғазал, Навоий ғазалига боғланган 3 мухаммас, 6 рубоий, шунингдек, форс-тожикча 2 ғазал, 1 рубоий ва бир неча байтлари маълум. Ғазалларининг барчаси рамал баҳрида. Лекин улар Хусайн Бойқаронинг таъби баланд, диди нозик шоир бўлганлигини кўрсатади. Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасининг 8-мажлисини бутунисича унинг ижодига бағишлаб, девонидаги 164 та ғазалининг матлаъини келтиради ва у қўллаган бадий тимсоллар, шеърий санъатлар, нозик маъно ва оҳорли ташбеҳлар хусусида фикр юритади. Шоҳ-шоир ғазаллари нозик ва теран маънолар, оҳорли ва кутилмаган ташбеҳлар, бадий санъатларга

бойлиги, шаклан гўзал, услубан равон, инсоний туйғу-кечинмаларнинг хассос ва самимий ифодаланганлиги, тилининг содда ва тушунарлилиги, муסיқийлиги ва жангдорлиги билан ажралиб туради.

Кейинги йилларда Амир Темур ва темурий ҳукмдорлар, шахзодалар, ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолияти тадқиқ этилиб, дурдона мерослари халққа қайтарилди. Султон Ҳусайн Бойқаро ҳам ана шундай эҳтиром ва эъзозга муносиб давлат арбоби, шоир ва маданият хомийси ҳисобланади. Тарихий ҳодисалар ва тарихий шахслар фаолиятини холис баҳолаш қарор топаётган янги даврда Ҳусайн Бойқарога муносабат ҳам ўзгартирилиши керак.

Алишер Навоий ўз дўсти ва ҳукмдори Ҳусайн Бойқарони ўзигача ўтган ҳамма шоҳларнинг афзали, деб ҳисоблайди. «Шоҳи Ғозий била наввобини анбиё сарафроси била асҳобиға ташбеҳ қилибдур» сарлавҳали китъасида ёзади:

Бизинг шоҳ ул сифатким, бори шоҳлардин эрур мумтоз,  
Эрур нойиблари ҳам бўйла, яъни давлат арбоби.  
Ўзи шоҳлар аро хайли нубувватда Муҳаммаддек  
Ва лекин беклар онинг олдида пайғамбар асҳоби.

Мирзонинг адлу адолатини кўрса, одиллик тимсоли Ануширвон ҳам қойил қоларди, дейди. Султоннинг илму хунарда ҳам, хулқу одобда ҳам замонасининг яғонаси эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Чунончи, уни ўз нафсини енгган, фақирлик йўлини тутган, раиятпарвар, дарвештабиат, камтар, хоксор ҳукмдор сифатида таърифлайди. Французларда: «Дўстларимнинг дўстлари менинг ҳам дўстларимдир», — деган ажойиб мақол бор. Бинобарин, Алишер Навоийни эъзоз-эҳтиром қилар эканмиз, у севиб улуғлаган нажиб инсонларнинг ҳам хурматини жойига қўйишимиз керак.

Сўзни муқаддас билган, сўзга талабчан бўлган, мағрур ва мизожи нозик ҳисобланган Навоийнинг бекордан-бекорга, фақат ҳукмдор бўлганлиги учунгина Ҳусайн Бойқарони деярли ҳар бир асарида таъриф-тавсиф этишига, худа-беҳуда унга хушомад қилишига ишонини қийин. Обрў-мартабага қизиқмаган, молу дунёга хуши бўлмаган, фақат адабиётни қисмат деб билган, адабиёт деб яшаган имон-этиқод тимсоли бўлмиш бу нажиб инсон шоҳга хушомадсиз ҳам кун кечира оларди. Жуда

бўлмаганда, бир-икки мақтов билан кифояланиши, уни барча асарларида васф этмаслиги мумкин эди. Ҳолбуки, шоир ўз дўсти ва ҳукмдорини сидқидилдан таъриф-тавсиф этган, уни қалб амрига кўра улуғлаган. Навоий ўзининг Навоий бўлишига — шу қадар юксак даражага етишида Султон Ҳусайнни сабабчи деб билган ва бутун умри давомида ўзини унинг олдида қарздор ҳисоблаган. Ҳазрат Навоийнинг фақир бир тупроқ эдим — Мирзо мени қуёш каби юксалтирди, шунинг учун то тирик эканман, унинг остонасини ўпишга тайёрман, деган эътирофлари бежиз эмас. Шоирнинг Бойқаро хусусидаги таърифларини ўқир экан, уларда мақтов, муболаға, меҳру муҳаббат билан бирга, ана шу қарздорлик ҳиссини ҳам сезамиз.

Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро таърифидаги ҳамма фикрларини бир ерга жамлаб, талқини тадқиқ этса, бутун бир рисола бўлади. Мазкур таърифлар Ҳусайн Бойқаро ҳаёти, фаолияти ва фазилатларининг жами қирраларини камраб олганки, бу ерда уларнинг барчаси хусусида сўз юритишнинг имкони йўқ. Шунинг учун биз айни таърифларнинг фақат бир қиррасига — шоҳ ва шоирнинг дарвешлик хусусиятлари васфига тўхталиб ўтамиз.

У даврларда бировни дарвеш деб аташ уни ҳақорат қилиш эмас, балки улуғлаш ҳисобланган. Чунки дарвешлик — Муҳаммад алайҳиссаломдан мерос. Пайғамбаримиз дарвешликнинг мукамал тимсоли бўлибгина қолмай, дарвешларни «Оллоҳнинг дўстлари», деб эъзозлаганлар.

Дарвешликнинг улуғланишига худди шу — унинг Муҳаммад алайҳиссаломга, азиз-авлиёларга, комил инсонларга нисбати борлиги сабаб. Дарвеш дунё қуллигидан қутулган ҳақиқий ҳур инсон, Ҳақни таниган ҳақшунос, қалби илоҳий файзга кон Ҳақ ошиғи, қаноат мулкининг подшоҳи, фароғат гўшасининг сокини, маърифат аҳлининг пешвоси, маънавият мулкининг султони, жамиятнинг энг мўътабар, энг азиз кишиси, Ҳақ ва халқ муқобилида турган нажиб зот эканлиги жиҳатидан комил инсон тимсоли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дарвешлик шоҳликдан устун қўйилади — дарвешлар шоҳликни эмас, балки шоҳлар дарвешликни орзу қиладилар. Шунинг учун ҳам дарвешлар суҳбатига етишиш, уларнинг остонасини зиёрат қилиш руҳий-маънавий покланиш воситаси, деб қаралади.

Алишер Навоий ҳам дарвешликни мукамал ахлоқ эгаси бўлиш, деб билгани учун дарвешлик хислатидан



барчанинг озми-кўпми баҳраманд бўлишини истайди. Бу хислатни ўзида мужассам этганлиги учун ҳам Султон Хусайн Бойқарони сувратда подшоҳу сийратда дарвеш, шоҳлар дарवेशию дарвешлар шоҳи, деб улуғлайди:

Шоҳлар дарवेशию дарвешлар шоҳики, бор —  
Шоҳлиғ суврат анга, дарвешлик сийрат анга.

Бу фазилатига Хусайн Бойқаро бир умр содик қоладигина эмас, балки уни тобора кенгайтириб ва ривожлантириб боради. Ўз навбатида, Навоий ҳам унга бағишланган мадхияларида дўстининг кўпдан-кўп хислатлари қаторида, дарвешлик хусусиятини ҳам фахру гурур билан таъкидлаб ўтаверади. Жумладан, «Лайли ва Мажнун» достонида Хусайн Бойқаронинг ботинан дарвешлиги, ҳайбатидан фалак фили кўрқишига қарамай, бирор пашшанинг қаноти синса, унинг кўзида ёш айланиши; қиличи шерни тилка-пора қилгани ҳолда, чумоли ўлимидан кўнгли бузилиши; тиғи дунёни хароб этса, хулқи уни яна тузатиши хусусида ёзади:

Шаҳлар аро ўрни токи афлок,  
Дарвешлар оллида овуч хок.  
Кибр аҳли қошида арши аъзам,  
Факр аҳли қошида заррадин кам.  
Дарвеш десам, улус узра шоҳ,  
Шоҳ дарвеш, боракаллоҳ!

«Сабъаи сайёр» достонида бу фикрларни давом эттириб, жумладан, ёзади:

Шоҳлар қуллуғун кўруб марғуб,  
Анга дарвешлик бўлуб матлуб.  
Гарчи шаҳларни зердаст айлаб,  
Ўзни дарвешларга паст айлаб.  
Аждаҳо зўр вақти илгида мўр,  
Қила олмай валеқ мўрға зўр.  
Пили гардун қошида пажмурда,  
Пашша лек ўлмай андин озурда.  
Туфроғ айлаб фалакни кин чоғи,  
Лекин аҳли ниёз тупроғи.

Мазмуни: «Шоҳларнинг камтарлигини ўзига маъқул кўриб, дарвешликни матлуб биларди. Агарчи подшоҳларни ер билан яқсон қилган бўлса-да, ўзини дарвешлар олдида паст ҳисоблайди. Майдонга кирганида аждаҳо унинг

қўлида чумоли каби бўлиб қолса-да, ўзи аслида чумолига хам озор етказмас, фалак фили оёғи остида ётса-да, хатто пашшани-да чертмас эди. Жаҳлга минганида фалакни тупроққа айлантира олса-да, ўзи ниёз аҳли — дарвешлар, фақирлар оёғининг тупроғи». Шу тариқа, у:

Салтанатдин ҳавасни бас айлаб,  
Фақр султонлигин ҳавас айлаб, —

яшайди.

Фақир ва дарвеш — ўзаро маънодош тушунчалар.

«Тарихи мулуки Ажам» асрида дунё бино бўлгандан буён ўтган подшоҳларни бирма-бир санаб келади-да, ўзининг шоҳлик ҳақидаги фикрларини илгари суради: Кимни Оллоҳ таоло марҳамат айлаб, шоҳлик тахтига ўтказса, у дунёнинг ўткинчилигини англаб, жаҳон молига парво қилмаса; мулку давлатни фақат адолат учун истаб, Ҳақ амридан ташқари қадам қўймаса; жангни ёлғиз зулмни йўқотиш учунгина қилса; ҳамиша Тангри ризосини ўйлаб иш тутса; тахтга ўлтирса-ю, фақирликни истаса, шоҳ бўлса-ю, дарвешликни касб этса. Афсуски, бу иш шоҳ Ғозийдан бўлак бирор-бир ҳукмдорга муяссар бўлмади:

Шаҳо, келди шаҳлиф мусаллам санга,  
Не шаҳлифки, дарвешлиф ҳам санга.

Умрининг охирида яратган «Соқийнома»сида шоир уни «Риндлар шоҳи» деб улуғлар экан, жумладан, ёзади:

Оти султон, ўзи дарвеш ойн.  
Ҳиммати рифъати афлок сифат,  
Нафсининг пастлиги хок сифат.  
Шоҳ дарвешваш эрса, шаҳдур,  
Шоҳу дарвеш ишидин оғахдур.  
Улки, бу қоида мумтози эрур,  
Шоҳлар шоҳи Абулғози эрур.

Хусайн Бойқародан 14 ўғил, 11 қиз қолган. Бадиуззамон Мирзо, Шоҳғариб Мирзо, Муҳаммад Хусайн каби ўғиллари бадий ижод билан хам шуғулланишган. Кейинчалик ўзаро ички урушлар, Хусайн Бойқаро ва сарой амалдорларининг маишатга берилиб кетиши оқибатида Хуросон давлати заифлашган. Унинг вафотидан сўнг Ҳирот шайбонийлар томонидан забт этилган (1507).

Хусайн Бойқаро ҳаёти, фаолияти ва ижодини ўрганиш, меросини нашр этишда В.В. Бартольд, Е.Э. Бертельс,

А.Ю. Якубовский, С. Айний, О. Шарафиддинов, Х. Зариф, В. Зоҳидов, А. Ҳайитметов, С. Фаниева, Ҳ. Арасли, И. Ҳикмат, М.Я. Жузжоний, Т. Ганжавий, Т. Файзиев, Ҳ. Хомидий, А. Рустам, К. Ҳасан, А. Эркинов, Ш. Абдуллаева, А. Абдуғафуров каби олимларнинг хизмати катта.

## ЛАЙЛО ШЕЪРИЯТНИНГ МАЖНУН ШОИРИ

Оташнафас шеърлари билан туркий халқларнинг муштарак шоирига айланиб кетган, асрлар давомида туркий шеъриятга кучли таъсир кўрсатиб келган Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий 1498 йили Ироқнинг Карбало шаҳрида туғилган. Отаси Озарбайжоннинг Баёт қабиласидан бўлиб, XV аср ўрталаридаги сиёсий нотинчлик туфайли кўплаб қабилadoшлари катори ўрта асрнинг маданий марказларидан бўлган Бағдодга кўчиб боради.

Фузулийнинг ёшлиги шоҳ ва шоир Исмоил Хатойй ҳукмронлик қилган, озарбайжон тили, адабиёти ва маданияти гуллаган даврга тўғри келади. «Бу адабиёт туркий халқлар адабиёти орасида Навоий адабий мактабидан кейинги энг илғор адабий мактаб эди»<sup>1</sup>. У Карбалодаги бошланғич мактабда саводини чиқариб, сўнг Бағдод мадрасаларида таҳсилини камолга етказди, ўзи ҳам мударрислик қилади. Унинг бир ўғли бўлиб, Фазлий таҳаллуси билан шеърлар ёзган ва ўз замонида анча шухрат қозонган.

Жуда ёшлигидан қўлига қалам олган Фузулий бой адабий анъанага эга бўлган форсий ва туркий адабиётнинг Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Хоконий Ширвоний, Мужрим Байлаганий, Салмон Соважий, Ҳофиз Шерозий, Камол Хўжандий, Имодиддин Насимий, Атойи, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби атоқли сўз санъаткорлари ижодини меҳр билан ўқиб-ўрганиб, уларнинг маҳорат сирларидан баҳраманд бўлади. Унинг шеъриятдаги илк устози озарбайжон мумтоз адабиётининг таниқли намояндаси Ҳабибий эди. Шоир ижодига, айниқса, Лутфий билан Навоий кучли таъсир кўрсатган.

<sup>1</sup> *Расул Х. Муҳаммад Фузулий (Сўзбоши) // Муҳаммад Фузулий. Асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. Девон. Тошкент, 1968 йил, 8-бет.*

Фузулий нуктаи назарига кўра, шоир барча диний ва дунёвий илмлардан хабардор, халқ тарихи ва маданияти, қадрият ва анъаналарини чуқур биладиган, дунёқараши кенг, донишманд ва аллома даражасидаги киши бўлиши керак. «Зероки, илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор ғоятда безътибор ўлур», — дейди шоирнинг ўзи бу ҳақда девонига ёзган дебочасида. Шунинг учун у шоирлиги муқаррар бўлгач, умрининг бир қисмини сарфлаб, турли илмларни эгаллаганини айтади. Асарларининг мазмунан теран, фалсафий жиҳатдан қуюқлиги, ҳикмат даражасидаги фикр-мулоҳазаларга бойлиги Фузулийнинг ўз даврининг ҳар жиҳатдан етук, фозил ва мутафаккир кишиси бўлганлигидан далолат беради. Замондошлари уни бежиз Мавлоно деб атамаганлар.

Фузулий бутун умр моддий жиҳатдан қийналиб яшаган. У шоҳу амалдорлар, ҳокиму дин арбобларига бағишлаб кўплаб қасидалар битганига қарамай, ўзи кутган ёрдамни ололмаган. «Масалан, 1534 йилда Бағдод шаҳрини фатҳ этиши муносабати билан усмонли турк султони Қонуний Султон Сулаймонга бағишланган «Келди буржи авлиёя подшоҳи номдор» дея бошланувчи қасидаси машҳур. Шунингдек, усмонли салтанати давлат арбоби — садри аъзам Мақбул Иброҳим Пошшо, қозиаскар Абдулқодир Чалабий, нишончи Жалолзода Мустафо Чалабий, Бағдод ҳокимлари Иброҳим Хон Мусулий, Увайс, Жаъфар, Аёз ва Муҳаммад Пошшоларга ҳам қасидалар битган»<sup>1</sup>. Султон Сулаймон марҳамат кўрсатиб, шоирга кунига 9 ақчадан нафақа тайинлаган бўлса-да, у бу пулни ололмаган ва Мустафо Чалабий номига ўзининг машҳур «Шикоятнома»сини ёзган. Форсий қасидаларидан маълум бўлишича, у диний доираларга яқин бўлган ва асосан уларнинг кўллаб-қувватлаши ҳисобига тирикчилигини ўтказган.

Ироқнинг Бағдод, Ҳилла, Нажаф каби қатор шаҳарларида бир қанча муддат яшаган Фузулий она шаҳри Карбалого қайтиб, 1556 йили шу ерда вабо касалидан вафот этган.

Фузулий ўзидан бой адабий-фалсафий мерос қолдирган: шеърӣ девони, «Лайли ва Мажнун» достони, «Матлаъ

---

<sup>1</sup> Жўрабоев О. Фузулийнинг «Сув қасидаси» // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2006, 5-сон, 45-бет.

ул-эйтикод» («Эйтикоднинг бошланиш жойи») фалсафий рисоласи, «Ҳадиқат ус-суадо» («Бахтиёрлар боғи»), «Сухбат ус-асмор» («Мевалар мунозараси»), «Шикоятнома», «Банг ва бода», «Анис ул-қалб» («Қалб дўсти»), «Етти жом» («Соқийнома» деб ҳам юритилади), «Ринд ва Зоҳид», «Сиххат ва Мараз» («Соғлиқ ва Беморлик») каби ўнлаб назмий-насмий, фалсафий-дидактик асарлар. Шунингдек, у араб ва форс тилларида ҳам маҳорат билан қалам тебратган забардаст зуллисонайн шоир ҳисобланади. У бадиий юксак асарлари билан озарбайжон адабиётини янги босқичга кўтарди.

Ғазал билдирур шоиринг қудратин,  
Ғазал орттирур нозиминг шуҳратин, —

деб ёзган Фузулий ижодида ғазал етакчи ўрин тутади: унинг девонидан 300 га яқин ғазал, 75 рубоий, 42 қитъа, бир неча таржеъбанд, таркиббанд, мухаммас ва мураббаълар ўрин олган. У Шарқ мумтоз сўз санъатидаги забардаст қасиданавислардан бири ҳам ҳисобланади — шоирнинг туркий девонида — 27, форсий девонида — 46, арабий девонида — 12 қасида мавжуд. Қасидалари ғазаллари ва бошқа жанрдаги асарларидан тил ва услуб жиҳатидан бир қадар мураккаблиги билан ажралиб туради.

Маълумки, ҳар бир пайғамбарнинг бир мўъжизаси бўлган. Исо алайҳиссаломнинг мўъжизаси эса ўликларга жон ато этиш эди. Шунга ишора қилиб, Шарқ мумтоз адабиётини ўзининг ҳассос, оташнафас шеърлари билан кўнгилларга ўт соладиган, муз юракларни эритадиган шоирларни «Исонафас» деб улуғлашган. Чунончи, Навоий ўзининг ғазалчиликдаги устозларини санар экан, «Бири Исонафаслик ринди Шероз» деб, Ҳофиз Шерозийга ишора қилади. Ўзининг оташин шеърлари билан туркий адабиётнинг Ҳофиз Шерозийси номини олган Фузулийни ҳам айни жиҳатдан «Исонафас» деб таърифласак, муболага бўлмас. Чунки Фузулий шеърлари турмуш ташвишлари, ҳаёт машаққатлари гирдобидида ҳалокатга маҳкум дилларни уйғотиб, уларга қайта ҳаёт бахш этади, занг босган юракларни муҳаббат, олийжаноб туйғулар ўтида поклаб, юксак самовий ҳисларга ошно қилади.

Фузулий — дилўртар шоир. Унинг шеърларини хотиржам, сокин ўқиб бўлмайдди. Бу шеърлар қатида яширин ўтли туйғулар, шоирнинг ҳароратли нафаси, ишқ тан-

дирига айланган ошиқ қалбининг қайноқ ҳовури сизни ҳам чулғаб олади.

Фузулий шеърляти — буюк бир ишқ чашмаси. Шоир ғазаллари ана шу чашмадан тўлдирилган лиммо-лим май қадахига ўхшайди. Бу май ўз ичкучисини масту хумор қилмай қўймайди. Шунинг учун ҳам у асрлар давомида ошуфта кўнгиллар куйчиси сифатида ардоқланиб келади.

Фузулий шеърлятининг асосий мавзуси ҳам, ҳаракатлантирувчи кучи ҳам, бу шеърларни ичдан нурлантириб турган қувват манбаи ҳам, уларни жозибали ва севимли қилган ҳам — барча-барчаси ишқ. Шоир учун ишқ — устоз, ишқ — шогирд, ишқ — дўст, ишқ — маҳрам, ишқ — ҳаёт мазмуни, ишқ — яшаш шарти, ишқ — инсонийликдан мақсад, ишқ — камолот қалити, ишқ — Оллоҳга етиш кафолати, ишқ — қалбдаги гавҳар, ишқ — бошдаги афсар (тож), ишқ — кўзлардаги нур, қўйинги, ишқ — ҳамма нарса!

Сарманзили ҳар мурода раҳбардир ишқ,  
Қайфияти ҳар камола мазҳардир ишқ,  
Ғанжинаи коинота гавҳардир ишқ,  
Ҳар зоҳир ўлан нашъая масдардир ишқ.

Бу ишққа соҳиб бўлиш учун унинг беҳадду беҳисоб синовлари, чек-чегарасиз ранжу машаққатлари, ибтидою интихоси йўқ азобу хижронларидан кўрқмайдиган, уларга сабр эта биладиган, маъшуканинг барча нозу карашмаларини кўтара оладиган ва бундан инжимайдиган, бу йўлда тақдирнинг найранглари, чархи кажрафторнинг турфа ўйинларига матонат билан чидайдиган мард ва танги, олийжаноб ва ҳимматли, журъатли ва шижоатли ошиқ бўлиши керак. Фузулий ўзини ана шундай ошиқ ҳисоблайди ва бу ошиқлик қошида Фарҳоду Мажнунларни бор-йўғи бир шогирдвачча санайди. Менинг ишқ йўлидаги шижоатим олдида Фарҳод ўз куч-қудратидан лоф урмаса ҳам бўлади, чунки у битта тоғни қазिश учун мингта тешани ўтмас қилган бўлса, мен мингта тоғни биттагина тирноғим билан қўпоришга қодирман, дейди:

Кўхкан кунд айламиш минг тешайи бир тоғ илан,  
Ман қўпوروب солмишам минг тоғи бир тирноғ илан.

Жоним чиқса ҳам, ўзим ишқ йўлидан чиқмайман, дейди шоир бошқа бир шеърда, шунинг учун менинг қабримни ишқ аҳли ўтиб-қайтадиган йўл устида тикланг:

Эй Фузулий, чикса жон, чикмам тариқи ишқдин,  
Раҳгузори аҳли ишқ узра қилинг мадфан манго.

У ишқ йўлида шунчалик содиқки, қани мингта жоним  
бўлса, уларни битта-битта сенга фидо қилардим, дейди:

Минг жон ўлайди кошки ман дилшикастада,  
То ҳар бир ила бир гез ўлайдим фидо санга.

Ишқнинг мумтоз шеъриятида бу қадар улуғланишининг сабаби — унинг камолот воситаси эканлигида. Чунки бу ишқ Оллоҳга аталган ва ўз Парвардигорини севган ҳамда унинг васлига интиланган, рози-ризалигини истаган банди ўзидаги қусурлардан қутулишга ва фазилатлар касб этишга ҳаракат қилади. Зеро, Парвардигори олам фақат комил инсонларни севади ва уларни ўзига яқин тутди. Шунинг учун ҳам Фузулий айтадики, мен ишқни сира тарк этмайман, зеро, у пировард-натижада мени камолга эриштиради:

Эй Фузулий, қилмазам тарқи тариқи ишқким,  
Бу фазилат доҳили аҳли камол айлар мани.

Ишқ асири дунё бандига тушмайди. Ишқ дарди дунё ғамини ўзига яқин йўлатмайди. Ишқ шундай бир ўтки, унинг алангасида тирикчилик ташвишлари, кундалик икир-чикирлар ғами, ҳою ҳаваслар ёниб кул бўлади. Мумтоз адабиётда ўтнинг ишққа нисбат берилиши, улуғланиши, ошиқнинг Яратгандан қалбидаги ишқ ўтини янада сарбаланд этишини сўраши шундан. Фузулий бу ҳақда ёзади:

Ишқа то душдинг, Фузулий, чекмадинг дунё ғамин,  
Билки, қайди ишқ эмиш доми тааллуқдин нажот.

Барча мумтоз шоирлар каби Фузулий ҳам инсонни ҳақ йўлдан оздирувчи, унинг камолотига тўсиқ бўлувчи, қалбини ўлдирувчи сифатида дунё, нафс, молу давлатни қаттиқ мазаммат этади. Бу дунёга кўнгил бериб, охирида пушаймон бўлмаган киши йўқ. Шунинг учун ҳам ўтмиш сўз санъатида дунё нозу ишва билан ҳаммани йўлдан урадиган, ўзига ошиқу шайдо этадиган, лекин ҳеч кимга вафо қилмайдиган бевафо маъшуқага ўхшатилади. Фузулий ҳам салафлари анъанасини давом эттириб, рубоийларидан бирида дунёнинг аввали хирсу охири хасратдир дейди:

Адвори замон доираи ҳайрат эмиш,  
Асбоби жаҳон маҳолику меҳнат эмиш.  
Дунёя тамаъ этмамак-этмакдин йиг,  
Чун аввали — хирсу охири — хасрат эмиш.

Мана бу машҳур байтида эса шоир дунёни ҳар ким ўзида борини — дунё аҳли сийму зарини, ҳунар аҳли фазлу камолини намойиш қиладиган бозорга қиёс этади:

Даҳр бир бозордур — ҳар кас матоъин арз эдар:  
Аҳли дунё — сийму зар, аҳли ҳунар — фазлу камол.

Албатта, Фузулий мутасаввиф шоир бўлган. Шоир шеърятини тасаввуддан ажратиб олиб ўрганиш мумкин эмас. Бир қатор шеърларида у еру кўкнинг соҳиби Оллоҳ таолони мадҳ этади, унга муножотлар қилади, зоҳидларга таъна-маломат тошларини ёғдириб, сўфий ва дарвешларни улуглайди, факру фанолик мақомига интилади, илоҳий маҳбубани таъриф-тавсифлаб, ваҳдат шароби мастлигидан сўз очади, ишқу ошиқликни гараннум айлаб, дунёга берилишни қоралайди ва хоказо. Чунончи, сўфийлар маҳшарда Оллоҳ жамолини кўриш умиди билан яшайдилар. Оллоҳ ўз жамолини кўрсатса, улар учун дўзах ҳам жаннатдан афзал, аксинча, Оллоҳ ўзини кўрсатмаса, жаннат ҳам дўзахдан баттардир. Бу ҳақда шоир ёзади:

Маҳшар уни кўрам дерам ул сарвқомати,  
Ғар онда ҳам кўрунмаса, кел, кўр қиёмати!

Оллоҳга — илоҳий маҳбубага жондан кечмай туриб етиб бўлмайди. Бу ишқнинг ҳақиқий қурбонлари абадий барҳаётдирлар. Шоирнинг мана бу байти шу хусусда:

Вермаян жонин санго бўлмас ҳаёти жовидон,  
Зиндаи жовид анго дерларки, қурбондир санго.

Тасаввуф аҳли нуқтаи назарига кўра кўнглидан дунё меҳри, тирикчилик ташвишлари, турфа хою хавасларни қувиб, ёлғиз Оллоҳ ишқи билан қолган кишининг қалби ойинадай мусаффо бўлиб, унда Парвардигор жамол кўргизади. Комиллик истаган киши ана шу мақомга етиши керак. Фузулий ҳам айни мақомга кўтарилганлигини таъкидлаб ёзади:

Пок қилди хотиримдан заъф даҳр ойинасин,  
Ўйла махв ўлдимки, бир зарра ғуборим қолмади.



Яъни, ўзликдан кечиб, Ўзи билан қолдим, демокчи шоир.

Фузулийнинг бир қатор рубойлари хайёмона чуқур фалсафий мазмунга эга. Чунончи, қуйидаги рубой Умар Хайёмнинг бу дунёда доим масту аласт юраман, у дунёга ҳам кайфи тарақ холда кетаман, менинг ҳатто қабримдан ҳам май иси келиб, унинг ёнидан ўтганлар хумор бўлади, вужудим тупроққа айланса-ю, ундан кўза қилсалар, ундан ҳам май ҳиди анқийди каби фикрларига ҳамоҳанг:

Хуш улки, дами ажал чекуб бодаи ноб,  
Сармаст ётам қабрда то рўзи ҳисоб.  
Фавғои қиёматдадурам масту хароб,  
На фикри ҳисоб ўла, на идроки азоб.

Албатта, мумтоз шеърятда май ҳам, мастлик ҳам мажозий маънода қўлланилиб, илоҳий ишқ ва унга муб-талолик назарда тутилади.

Мана бу рубой эса Хайёмнинг у дунё — нася, бу дунё, мавжуд ҳаёт, шу тириклик — нақд. Шундай экан, ҳаёлий дўзаху жаннатни орзу қилиб, беҳуда ғам чекма, жаннатда нима бор-йўқлигини билмайсан-ку, қабилдаги рубойлари руҳида:

Май манъини айлаюб шиор, эй воиз,  
Дутдинг раҳи таъни ишқи ёр, эй воиз.  
Тарки маю маҳбуб эдариз жаннат учун,  
Шарҳ айлаки, жаннатда на вор, эй воиз?

Қуйидаги рубойида ўткинчи умрни қадрлашга, фурсатни бой бермай, илму ҳунар эгаллаш, эзгу ишлар қилишга ундайди. Бағрида гавҳари бўлмаган садафнинг қиммати бўлмаганидек, инсонни ҳам илму ҳунари улуглайди:

Илму адаб аст мояи иззу шараф,  
Гавҳар ки набошад, чи бувад қадри садаф?  
То фурсати кор ҳаст, бекор мабош,  
Мапсанд, ки беҳуда шавад умр талаф.

Шоирнинг форсий ижодига мансуб мазкур рубойнинг мазмуни қуйидагича: «Иззат ва шарафнинг асоси илму адаб ҳисобланади. Гавҳар бўлмаса, садафнинг қадри нима ҳам бўлар эди? То ишлашга фурсат бор экан, бекор ўтирмай бирор иш билан машғул бўл. Умрнинг беҳуда ўтиб кетишига йўл қўйма».

Ёниқ бир эхтирос, ёруғ бир ҳасрат, самимий кечинмалар, нафис туйғулар билан йўғрилган, фалсафий теран ва бадий мукамал бу шеърлар ҳар қандай сўз ошиғини ўзига мафтун этади. Илоҳий бир илҳом бўлмаса, бундай жозиб мисраларни ожиз бандасининг яратганига ишонмайсиз. Фузулий ҳар бир мисрасини образлилик асосига қуради, ҳар бир фикрини бадий санъатлар билан безайди. Аслида шоирликнинг ўзи гўзал ва теран фикрни нафис ва мукамал шаклда ифода этмоқдир. Шу маънода, шоир ижодида шунчаки тизилган сатр, оддий килиб айтилган фикрлар йўқ. Бутун бошли шеърини биттагина ташбеҳ, деталь ёки фикр асосига қурадиган ҳозирги ўзбек шеърятининг навқирон авлоди учун Фузулий ижоди айни жиҳатдан буюк маҳорат мактаби, улкан тажриба устахонасидир. Чунончи, ҳавода маъшуқа сочининг иси, сувда оразининг акси бўлганлиги учун ҳам ҳубоб (кўпик) елни бағрига босиб, сувга кўз тикмиш, дейди шоир бир шеърида:

Елда бўлмиш бўйи зулфинг, сувда акси оразинг —  
Ким, ели бағрина босиб, суя кўз дикмиш ҳубоб.

Кўпикнинг фақат сув юзида бўлиши-ю, ҳавода шишиб туришини қандай гўзал ташбеҳ билан таърифлайди шоир. Бошқа бир ўринда эса, маҳбубанинг гавҳар каби тишларининг таърифини сабо денгизга сўйласа, денгиз қаъридаги садаф ичида турган дур ҳам уни берилиб тинглайди дейди:

Баҳра лўълў дишларинг васфин магар сўйлар сабо —  
Ким, кулоқ тутмиш садаф ичра дури галтон анго.

Алишер Навоий каби туркий халқлар орасида Фузулийнинг оташин шеърятини кириб бормаган хонадон йўқ. Маълумки, Шарқ халқлари орасида асрлар давомида қиссахонлик ва шеърхонлик кечалари анъана тусини олган эди. Бу ўзига хос адабий давраларда, хусусан, ҳофизхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик, бедилхонлик машҳур бўлган. Фузулий ғазаллари ва «Лайли ва Мажнун» дostonи туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган. Саъдий Шерозийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», Ҳофиз Шерозийнинг «Девон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Чор девон» китоб-

лари каторида, Фузулий асарлари ҳам мадрасаларнинг ўқув дастурига киритилган.

Шоир асарларининг халқимиз орасида қанчалик кенг тарқалгани, ота-боболаримиз унинг ижодини севиб ўқиганлари, ҳикматли байт ва мисраларини такрорлаб юрганларини атоқли адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларидаги лавҳаларда ҳам кўришимиз мумкин. Ота-она орзу-ҳаваси туфайли Зайнабга уйланиш мажбурияти остида қолган ва бу билан севгилиси Кумушнинг қайғусига сабаб бўлган Отабек Фузулийнинг «маънолик шеърлари»дан нажот ахтаради. Шунинг устига келиб қолган Кумуш:

«— Фузулий яхши китоб, мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?» — дейди.

Маълум бўладики, Фузулий шеърлари дардманд юракларга малҳам, ёлғиз қўнгилларга ҳамдам, ишққа ташна, илмга ошно қалбларга доимий маҳрам бўлиб келган. Ўзи саводсиз бўлса-да, адабиёт муҳиби бўлган оддий халқ вакиллари ҳам бундай шеърят давраларига қатнашиб, улардан баҳраманд бўлганлар. Натижада буюк шоирларнинг ҳикматларидан айримлари уларнинг ҳам қалбига маҳкам ўрнашган. Улар бу ҳикматларга амал қилганлар, бир-бирларига сўйлаб юрганлар, ўз нутқларини безаганлар. Чунончи, «Меҳробдан чаён» романида оддий қоровул Тоҳир ака Фузулийнинг «Даҳр бир бозордур — ҳар кас матоъин арз эдар» мисрасини келтириб, олам ва одам ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини тасдиқлайди.

Ёки «Лайли ва Мажнун»даги:

Гул гунчалигида хор иландур,  
Очилса, бир ўзга ёр иландур, —

мисраларини такрорлаб юрмайдиган шоир муҳлиси топилмаса керак. Айни жиҳатдан, халқимизнинг сеvimли шоири Абдулла Орипов «Озарбайжон» шеърисида:

Бир лаҳза қўлидан қўйганми ўзбек,  
Ўзинг айт, Фузулий битган девонни, —

деб ёзганида ҳақ эди.

Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида фалсафий мазмун ва руҳ қуюк, кучли. Шунга мувофиқ

равишда, асар композицияси ҳам бирмунча мураккаб. Тили ва услуби ҳам оғир. Уни теран тушуниш учун муайян тайёргарлик ва мушоҳада тақозо қилинади. Шунинг учунми, халқ орасида Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун»и кўпроқ машҳур бўлган. Бу дoston содда ва халқчил услубда ёзилган. Тили ҳам енгил ва тушунарли. Ҳассос руҳи, жозиб оҳанги, ҳароратли мисралари билан ўзига тортади. Дostonнинг эл ичида бу қадар машҳурлигига сабаб қилиб баъзи мутахассислар Фузулий ўз асарини Мажнун бўлиб ёзганлигини кўрсатадилар. Ҳамид Олимжоннинг куйидаги мисралари ҳам шоир дostonининг халқ орасида қанчалик машҳур бўлганлигидан далолат беради:

Фузулийни олдим кўлимга,  
Мажнун бўлиб йиғлаб кичкирди.

XVII асрдан бошлаб Шарқда, жумладан Мовароуннаҳрда форсий шеърятга Бедил, туркий шеърятга Фузулийдек таъсир кўрсатган шоир бўлмаган. Биз кейинги асрлар ўзбек мумтоз шеърятда Фузулийдан таъсирланмаган, унга у ёки бу даражада эргашмаган, ғазалларига татаббуъ ёзмаган, тахмис боғламаган, шоирнинг «вор», «вер», «чўх», «йўх», «бох», «бинг», «этмаз», «қилмаз», «ўлмаз», «бенгзатдим», «душти», «этмазмидим», «дагил», «сақин», «верар», «дутмишлар», «керакмазми санго», «айлар бани» каби озарбайжонча талаффуздаги сўз ва ибораларидан фойдаланиб, ғазаллар битмаган шоирни дeярли учратмаймиз. Бу таъсирнинг изларини биз Турди ва Машрабдан тортиб, Андалиб, Вафой, Мунис, Огаҳий, Роқим, Равнак, Мужрим-Обид, Увайсий, Маҳзуна, Нодира, Амирий, Гулханий, Ғозий, Шавқий, Асирий, Маъдан, Ҳижлат, Хон, Муқимий, Фурқат, Завқий, Дилшод-Барно, Юсуф Сарёмий, Комил Хоразмий, Аваз каби мумтоз, Ҳамза, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Чустий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол сингари замонавий шоирларгача давом этиб келгани ва давом этаётганини кўрамиз. Чунончи, Машрабнинг куйидаги ғазали озарча талаффузда:

Не савдолар боша солдинг, бу савдолар туганмазму?  
Ки банд эттинг аёғларни, яна бандлар ёзилмазму?

Мунис девони дебочасидаги устоз шоирлар шогирдлик эҳтироми билан тилга олинган ғазалида ироқлик

ишқидан ботиним нашъа топди, деганда, Фузулийни кўзда тутган:

Топибон ишқи ироқийдан замирим нашъае,  
Ҳосил аҳли ишқнинг шўри гамомидур манга.

Фузулийнинг, айниқса, «керакмазми санго» радифли ғазали ниҳоятда машҳур бўлиб, Мунис, Огаҳий, Увайсий, Амирий каби кўплаб шоирлар унга татаббуъ ёзганлар, тахмис боғлаганлар.

Хон таҳаллуси билан ижод қилган Маъдалихон Фузулий таъсирида битган ғазалларидан девон тузибгина қолмай, буюк салафининг «Лайли ва Мажнун»ига ўхшатиб, шу номда дoston ёзган.

«Фузулийнинг «Банг ва Бода», «Ҳафт жом» каби форс тилида битилган асарлари Аҳмаджон Табибий ва Мирзо каби шоирлар томонидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган. Ҳатто андижонлик номаълум шоир Фузулийнинг «Банг ва Бода» асарига ўхшатиб «Чой ила Кўкнор» номли мустақил асар ёзгани илм аҳлига маълум»<sup>1</sup>.

Фурқатнинг буюк салафининг «Сурмадин кўзлар қаро, аллар ҳинодин лоларанг» мисрасини тазмин қилиб олиб ғазал битганини биламиз:

Сурмадин кўзлар қаро, аллар ҳинодин лоларанг,  
Ҳозадин юзларда тобу, ўсмадин кошлар гаранг.

Ёки Гулҳанийнинг машҳур:

Кўнгул озодадур, дунёға арзи эҳтиёж этмаз,  
Тарикат солики бу йўлда майли издивож этмаз, —

байти билан бошланадиган ғазали ҳам Фузулий таъсирида ёзилган.

«Ҳамдардликни куйлаган ғазал» мақоласида:

«Қардош озарбайжон халқининг оташнафас фарзанди Муҳаммад Фузулий туркий ғазал услубини камолот чўққисига кўтарган буюк сиймолардан бири саналади. Унинг ғазаллари равон ва мусиқийлиги, ўйноқилиги билан, гўзал ташбеҳларга бойлиги билан кўнгилларни банд этади. Фузулий ўзбек халқи учун ҳам сеvimли ва кадрлидир. Бизнинг ота-боболаримиз Фузулий байт-

<sup>1</sup> *Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжа ўғли. «Фалаклар ёнди оҳимдин» // «Жаҳон адабиёти», 1998, 7-сон, 107-бет.*

ларини бошланғич мактабдан ёд олиб, кўнгилга жо қилганлар. Лайли ва Мажнуннинг ўтли мухаббатига махлиё бўлганлар, бир қанча ўтмиш шоирларимиз Фузулий оҳангида ўғуз лаҳжасида ғазаллар битганлар», — деб ёзган Эркин Воҳидовнинг «Фузулий ҳайкали қошида» шеърида мана бундай ўтли эътирофларни кўрамиз:

Ошиқлар ухлайди сахарга томон  
Фузулий девонин бошига кўйиб.  
Мажнун севгисидан ўқилса дoston,  
Булбуллар тинглайди бутокка кўниб...  
Ғазал ҳам бўлурми шунча дилрабо,  
Бунчалар серишва, бунчалар серноз.  
Менинг шоирлигим ёлғондир, аммо,  
Фузулий шеърига ошиқлигим рост.

Эркин Воҳидовнинг ўз ижодида ҳам Фузулий таъсири кучли. Масалан, шоирнинг «Дилга ёз дилбар сўзини, жонон сўзини жонга ёз» мисраси Фузулийнинг «Жонни жононая этдим, дили дилдора фидо» мисрасини ёдга солади.

Бу жаҳонда, дейдилар, ҳар кимда бор бир ўзга таъб,  
Менга — май, булбулга — тонг, гул баргида — шабнам ширин, —  
мазмунидаги байти эса Фузулийнинг:

Ҳар киминг оламда миқдоринчадир таъбинда майл,  
Ман лаби жононими, Хизр оби ҳайвонин севар, —

байти таъсирида ёзилгани кўриниб турибди. Ёки буюк салафининг:

Оқибат расво ўлуб, майтак тушар эл оғзина,  
Кимки бир сармаст сокий лаъли хандонин севар, —

байтининг таъсири шоирнинг «узум» радифли ғазалида шундай акс садо беради:

Кимки ошиқликни даъво айласа, шулдир жазо,  
Оқибат хум ичра бўлди маҳкуми зиндон узум.  
Хум ичида неча йил хун бўлмок эркан қисмати,  
Лабларингга етди охир бир пиёла қон узум.

Фузулий ижоди жаҳон миқёсида кенг кўламда тадқиқ ва таржима қилинган. Шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишни Латифий, Аҳдий Бағдодий, Сом Мирзо

Сафавий, Содикбек Афшор, Ҳасан Чалабий, Мустафо Баёний, Риёзий, Қиётӣи каби XVI—XVII асрлар тазкиранавислари бошлаб берганлар. Асрлар ўтган сари шоир шухрати янада ошиб бораверган — асарлари қўлёзмалари қайта-қайта кўчирилиб, халқ ўртасида кенг тарқалган. Фузулий асарлари қўлёзмалари, шоир шеърлари киритилган баёз ва мажмуалар дунёнинг кўплаб мамлакатлари кутубхоналари, музейлари, қўлёзмалар фондларида сақланаётгани ҳам унинг қанчалик машхур сўз санъаткори бўлганлигидан далолат беради. Т. Жалоловнинг маълумот беришича, Фузулий асарлари Октябрь тўнтаришига қадар Ўзбекистонда 24 марта чоп этилган. Фузулий девонининг 1581 йили кўчирилган мўътабар нусхаларидан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланади.

XIX асрдан Фузулий ғарб шарқшунослари эътиборини тортди. Ҳаммер Пургшталъ, Гибб, Э. Броун, В.Д. Смирнов, А. Кримский, Е.Э. Бертельс, Ф. Кўпрулизода, М.Д. Пошоев, Ҳ. Арасли, И. Ҳикмат, К. Адиб, А.Н. Тарлан, А. Гулпинорли, Муаллим Ножий, А. Тавфиқ, Ф. Рашот, Ф. Оғазода, А. Қорахон, Ҳ. Мозиўғли, М.Ф. Охундов, А.Т. Сур, Ф. Кечерли, А. Шоик, Б. Чобанзода, Ж. Жабборли, М. Жалол каби Европа, рус, турк ва озарбайжон олимлари Фузулий ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини нашр этишда эътиборга молик ишларни амалга оширганлар. Чунончи, XIX асрда арман шоири Раффи «Лайли ва Мажнун» достонини арман тилига таржима қилган. Арман адабиётшуноси Георгий Тарзибания Фузулий ҳақида уч жилдлик тадқиқот яратган — унинг дастлабки икки жилди 1928—1929 йилларда Истанбулда босилиб чиққан, учинчи жилди муаллиф вафоти туфайли тугалланмай қолган. Атоқли озарбайжон бастакори Узайр Ҳожибеков 1908 йили «Лайли ва Мажнун» достони асосида биринчи озарбайжон операсини яратган. 1958—1961 йилларда Озарбайжонда таниқли адабиётшунос олим Ҳамид Арасли раҳбарлиги, иштироки ва таҳририда Фузулий асарларининг беш жилдлик илмий-танқидий матни нашр этилган. Ўзбек адабиётшунослигида Абдурауф Фитрат, Воҳид Абдуллаев, Воҳид Зоҳидов, Тўхтасин Жалолов, Мунирхон Муинзода, Холид Расул, Абдуқодир Ҳайитметов, Азиз Қажумов, Ҳасанхўжа Мухаммадхўжаев,

Иброҳим Ҳаққул, Отабек Жўрабоев, Зебо Қобилова каби олимлар шоир ҳаёти ва ижоди бўйича у ёки бу даражада тадқиқотлар олиб борганлар.

Фузулийнинг «Ўландан сўр», «Ғамзасин севдинг, кўнгил...», «Ҳосилим барқи ҳаводис...», «Фалаклар ёнди оҳимдин...», «Этмазмидим», «Бу кеча», «Изҳор эт», «Ихтиёрим қолмади», «Азал котиблари ушшоқ бахтин қора ёзмишлар», «Ниҳон этмиш» ва бошқа кўплаб ғазал ва мураббаълари куйга солиниб, асрлар давомида халқ хофизлари томонидан севиб куйланиб келмоқда.

Фузулий ўз асарларининг таъсири ва тақдири хусусида фикр юритар экан, уларнинг даврлар талотўида йўқолмаслиги, вақт шамолида соврилмаслиги, билъақс абадулабад боқий қолиши ҳақида фахр билан гапирган эди. Шоирнинг бу башорати ҳақ бўлиб чиқди: асрлар ўтган сари унинг шуҳрати ортса ортиб боряптики, асло камаяётгани йўқ. Чинакам бадиият дурдоналарининг умрбоқийлиги ҳам шунда.

## САРКАРДА ВА ШОИР

Йирик сиёсий арбоб, мохир саркарда, истеъдодли шоир сифатида XVI аср сиёсий-ижтимоий, маданий-адабий ҳаётида катта роль ўйнаган Муҳаммад Байрамхон асли туркманларнинг баҳорли қабиласидан бўлиб, 1504 йили Ғазна вилояти ҳокими Сайф Алибек хонадонида туғилади. Онаси эса Балх ҳокимининг қизи эди. Отадан ёш етим қолгач, Балхга — она томонидан қариндошлари ҳузурига бориб, ўша ерда мадраса таълимни олади, ҳарбий билим ва санъатларни эгаллайди. 17 ёшида ўша даврда Бадахшон волийси бўлиб турган Ҳумоюн хизматига киради. Тез орада ўзини кўрсатиб, Ҳумоюннинг яқин кишилари каторидан ўрин олади. Бобур вафотидан кейин Ҳумоюннинг бош маслаҳатчиси бўлади. У бобурийлар ҳокимиятини мустаҳкамлаш, мамлакати худудини кенгайтиришда энг кўп хизмати сингган жасоратли ва мохир саркарда ҳисобланади. 1534 йили у муҳрдорлик мансабига тайинланади. У Шершоҳ исёни туфайли қўлдан кетган Ҳиндистонни қайтариб олиш, Эрон шоҳи Таҳмосб билан ҳарбий иттифоқ тузишда жонбозлик кўрсатган. Бу хизматлари эвазига у 1555 йилда «Хони хонон» унвонига сазовор бўлади ва ёш Акбарга оталиқ этиб тайинланади. Ҳумоюн



вафотидан сўнг Акбарни подшоҳ деб эълон қилиб, унинг номидан мамлакатни бошқаради. Тадқиқотчилар Байрамхоннинг саройдан четлатилишининг бир неча сабабларини кўрсатишади: биринчиси — сарой аҳлининг иғвоси ва ҳасад аҳлининг тухмати; иккинчиси — бобурийлар салтанатига қарши бош кўтарган феодал ва ҳокимларни шафқатсизлик билан енгиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган Байрамхоннинг бу муваффақиятлардан эсанкираб, ўзига қарши бош кўтарганларнинг ҳаммасини, ҳатто Акбарнинг дўстларини ҳам қирғин қилишга буюргани; учинчиси — шиа мазҳабидаги Шайх Гадони бош садр қилиб тайинлагани. Натижада Байрамхон сарой аҳли ва Акбар назаридан қолиб, оталиқ вазифасидан четлатилади ҳамда 18 ёшли шахзода ҳокимиятни ўз қўлига олади. Кейинчалик у узр сўраб, яна Акбар илтифотига эришган бўлса-да, икки ўртадаги муносабатлар илгаригидек илик ва самимий эмас эди. Шунинг учун Байрамхон Макка сафарига жўнашга мажбур бўлади. Йўлда отасининг хуни учун лоҳани уруғидан бўлган Муборакхон 1561 йили уни шаҳид этади. Унинг жасади дастлаб маҳаллий халқ томонидан Гужаротдаги Хусомиддин макбарасига қўйилади, кейин Дехлига келтирилади. 1563 йили эса Машҳадга олиб бориб, Имом Ризо макбараси ёнига дафн этилади.

Байрамхон саркардалиқ ва ҳокимиятни бошқариш фаолиятидан ташқари, бадиий ижод билан ҳам шуғулланиб, эски ўзбек ва форс тилларида шеърлар ёзган. Унинг бизгача етиб келган туркий шеърлари 359 байт, форсий шеърлари эса 608 байтдан иборат. Улар қасида, ғазал, рубоий, қитъа, фард, таърих каби жанрлардаги шеърлардан иборат. Хумоюн ва Акбарларга бағишланган қасидалари сақланиб қолган. Пароканда байтлари билан кўшиб ҳисоблаганда 2000 байтдан зиёд бўлган туркий ва форсий мероси 1910 йилда инглиз шарқшуноси Денисон Росс томонидан Калькуттада, 1971 йилда покистонлик олим Маҳмадул Ҳасан Сиддикий томонидан Карачида, 1970 ва 2000 йилларда Ашхободда нашр этилган. Покистонлик олим Хусайн Қурайший тўғри таъкидлаганидек, Байрамхон «кам ёзган бўлса ҳам, уларда ўзининг маҳоратини намоён эта олган».

Байрамхон шеърлари халқона руҳи ва оҳанги, енгил ва равон услуби, содда ва оҳорли ташбеҳларга бойлиги, оддий ва тушунарли тили билан алоҳида ажралиб

туради. У форсий ижодида Саъдий, Ҳофиз, Хусрав ва Жомийларга эргашган бўлса, туркий шеърларида Навоий ва Бобур анъаналарини давом эттирган.

Шоирнинг халқона содда услуб, ўйноқи оҳанг, самимий руҳдаги қуйидаги ғазали бунинг ёрқин далили:

Эй чамани жон аро сарви хиромонғинам,  
Умр гулистонида гунчаи хандонғинам.  
Кўзга мани илмаган, бир назаре қилмаган,  
Кўнглим олиб билмаган, дилбари нодонғинам.  
Ҳам ўзи яхшиғина, ҳам кўзи яхшиғина,  
Ҳам сўзи яхшиғина, ёри суҳандонғинам.  
Эй юзи гулгулғина, в-эй сочи сунбулғина,  
Қилма тағофулғина, бўлма пушаймонғинам.  
Эй қади чобукғина, в-эй лаби нозикғина,  
В-эй сўзи ўтрукғина, ваъдаси ялғонғинам.  
Воситаи давлати васлинг агар бўлмаса,  
Меҳнати хижрон аро чиққусидир жонғинам.

Байрамхон девонида бундай туркона содда ғазаллари анчагина. У Лутфий ва Алишер Навоийга эргшиб, салафлари услубида ғазаллар ёзишга интильгани ҳам кўзга ташланади. Мисол тариқасида унинг:

Эй беҳабарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Куйди жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма, —

матлаъи билан бошланадиган ғазалининг малик ул-калом Лутфийнинг:

Сенсан севарим, хоҳ инон, хоҳ инонма,  
Қондур жигарим, хоҳ инон, хоҳ инонма, —

матлаъли ғазалини эслатишини,

Ёр дарди жони беморимда бўлғай кошки,  
Жисми озори тани зоримда бўлғай кошки, —

мисралари билан бошланадиган ғазалининг эса улуг ўзбек шоири Алишер Навоийнинг «кошки» радифли ғазаллари таъсирида яратилганлигини кўрсатиб ўтиш кифоя.

«Бу хол, биринчидан, Байрамхоннинг XV асрдаги ўзбек адабиётининг улкан вакиллари ижодидан яхшигина хабардорлигидан, иккинчидан эса, Алишер Навоий ва Лутфийларнинг Байрамхон яшаб ижод этган мухитда ҳам катта шуҳратга эга эканликларидан далолат беради. Албатта, Байрамхон ўз шеърларини устозларининг

шеърятидан ўтказа олмаган. Шунга қарамай, тил ва услуб, мавзу ва мазмун жиҳатидан уларнинг асарларидаги монанд ғазалларнинг бунёд этилиш факти эътиборга лойиқдир»<sup>1</sup>.

Байрамхон ижодда ўзига хос йўлдан боришга, янги ва оҳорли фикрларни айтишга интилади. Бу ҳақда унинг ўзи форсий қасидаларидан бирида шундай ёзади:

Имрўз шоирони дигар аз камоли жаҳл,  
Аз шеъри мустаор надоранд нанггу ор.  
Ашъори банда чун дигарон мустаор нест,  
Дорам ҳазор ор зи ашъори мустаор.

Мазмуни: «Бугунки кунда бошқа шоирлар ўзларининг жоҳилликлари туфайли бировларнинг шеърларини ўзлариники қилиб олишдан сира андиша қилмайдилар. Менинг шеърларим ўзгаларники каби ўзлаштириб олинган эмас, мен бундай шеърлардан минг карра ор қиламан».

Ҳасанхожа Нисорий «Музаққири аҳбоб» тазкирасида Байрамхоннинг Ҳумоюннинг «Амир ул-умаро»си эканлиги, барча соҳаларда ҳукм юритгани, фозил ва саховатли киши бўлиб, илму ҳунар аҳлини қўллаб-қувватлагани, ўз замонининг Ҳотами Тойи эканлиги, шеърий салоҳияти баландлиги ҳақида маълумот бериб, гўзал шеърларига мисол сифатида қуйидаги байтни келтиради:

Ман кистам — инони дил аз даст додае,  
Аз дасти дил ба роҳи ғам аз по фитодае.

Мазмуни: «Мен кимман — кўнглининг ихтиёрини қўлидан бериб, кўнгил дастидан ғам йўлида оёқдан қолган бир одам».

Байрамхон ҳам ўзининг буюк салафлари каби Шарқ сўз санъатининг анъанавий мавзуларида қалам тебратган: ишқу ошиқлик, маъшуқа таърифи, айрилиқ азоблари, рақиб озори. Айни пайтда, у янгича бадийий усуллар, турли шеърий санъатлар, оҳорли фикрлар билан ўз ижод намуналарини зийнатланган. Чунончи:

Эй, кўи ту Каъбаи саодат моро,  
В-эй, рўи ту қиблаи ибодат моро.  
Ҳуш он, ки ба жазбае иноят сози,  
Вораста зи қайду расму одат моро.

<sup>1</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 3-жилд. Тошкент, 1978 йил, 41-бет.

Мазмуни: «Эй, сенинг кўйинг мен учун саодат қаба-си, юзинг ибодат қибласидир. Бу бандангга иноят қилиб, бир жазба билан дунёвий боғлиқликлардан халос этсанг, яхши эди».

Бир илоҳий жазба билан бизни ўткинчи дунё қайди, тирикчилик расми, диний одатлардан халос қилсанг дейишининг ўзи келтирилган рубойининг тасаввуфий мазмунда эканлигини кўрсатиб турибди. Бу илоҳий махбуба васлини ҳамма нарсадан устун қўйган маж-зуб шоир қалб тугёнларининг шеърга кўчган бадиий ифодаси.

Шоир шеърларининг кўпчилиги илоҳий ишқ таран-нумига бағишлангани ёки илоҳий ва мажозий муҳаббат ўзаро омихталашиб кетганлиги билан ўзига хос хусусият касб этади. Мана бу рубойда ҳам ҳаётини ташбеҳлар воситасида илоҳий махбуба таърифланади:

Сен борғали кам эмасдур, эй тоза ниҳол,  
Кўзда наму хотирда ғаму жонда малол.  
Бу ҳол била бўлмаса уммиди висол,  
Ё Рабки, не бўлғай эди мен хастаға ҳол?!

Байрамхон ҳаёти ва ижодини тадқиқ этиш, асарларини тўплаб нашр этишда инглиз шарқшуноси Денисон Росс, покистонлик олим Ҳасан Сиддиқий, ҳиндистонлик Ҳаким Али Кавсар Чандпури, озарбайжонлик Ғазанфар Алиев, туркменистонлик М. Кўсаев, Р. Алиев, Б. Охундов, ўзбек олимларидан Суйима Ғаниева, Ботир Валихўжаев, Шавкат Шукуров, Раҳмонхўжа Иномхўжаев, Нажмиддин Комиловлар диққатга сазовор ишларни амалга оширганлар. Суйима Ғаниева шоирнинг туркий девонидан 38 ғазал, 10 рубой ва 5 фардини 1982 йили «Асрлар нидоси» тўпламида эълон қилган. Камина шоирнинг 20 та форсий рубойисини таржима қилганман.

## ҒАЗАЛ БЎСТОНИНИНГ БУЛБУЛИ

Ўзининг ҳассос шеърлари билан адабиёт мухлисла-ри қалбига ўт солган машҳур шоира Зебуннисо бобу-рийлар хонадонининг кўзга кўринган намояндаларидан ҳисобланади. Унинг отаси Абу Зафар Муҳиддин Аврангзеб Оламгир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг панневара-си бўлиб, онаси Дилрасбону Бобурнинг қизи Гулбаданбегимга

бориб туташади. Маълум бўладики, Зебуннисо ҳам ота, ҳам она томондан бобурийзодадир.

Бобурийзодалар орасида бадий ижод билан шуғулланган шахзода ва маликалар кўп бўлган. Бобурнинг барча фарзандлари сохиби қалам бўлишгани маълум. Қизи Гулбаданбегим бугунги кунда бутун дунёга машхур «Хумоюннома» асарини яратган бўлса, ўғиллари Хумоюн, Комрон, Аскарӣ ва Хиндол Мирзолар форсий ва туркий тилларда шеърлар ёзганлар. Улардан Комрон Мирзонинг девонидан намуналар ўзбек тилида нашр этилган, унинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб номзодлик диссертацияси ҳам ёқланган<sup>1</sup>.

Бобурнинг невараси Акбаршоҳ йирик ҳукмдор бўлиш билан бирга, илму фан, адабиёт ва санъат ҳомийси ҳам эди. Эвараси Жаҳонгиршоҳ бобокалони Бобурга тақлидан ўз таржимаи ҳоли ва ўн етти йиллик ҳукмронлик даврини камраб олган «Жаҳонгир тузуклари» асарини яратган. У «Жаҳонгирнома» номи билан машхурдир. Чевараси Шох Жаҳоннинг катта қизи Жаҳоноро «Рисолаи сохибия» («Дўстлик ҳақида рисола») номли асарнинг муаллифи бўлган.

Ижодкор бобурийлар орасида Зебуннисо бегим ўзининг ёркин истеъдоди билан алоҳида ажралиб туради. У ўз даврининг етук ғазалнависларидан бўлган. Мазмунан теран, шаклан баркамол, оҳорли ва содда ташбеҳу тимсолларга бой, раvon услубда ёзилган жозибатор ғазаллари билан Шарқ мумтоз сўз санъатида ўзига хос мавқе ва мақомга эга бўлган шоиранинг самимий туйғу-кечинмалари табиий ифодасини топган халқчил услубдаги ижод намуналари, мана неча асрдирки, нафақат форсий, балки туркий тилли шеър мухлисларини ҳам бирдай ҳайрату ҳаяжонга солиб келади. Унинг кўплаб ғазалларига куй басталаниб, улар халқимизнинг севимли кўшиқларига айланган. Хусусан, «Самарқанд ушшоғи» номи билан машхур «Биё, ки зулфи кажу чашми сурмасо инжост» мисраси билан бошланадиган ғазали ҳозирда ҳам кенг тарқалган мумтоз кўшиқлардан ҳисобланади ва кун-кунора радио ва ойнаижаҳон орқали таралиб туради.

---

<sup>1</sup> Қаранг: *Комрон Мирзо*. Девон (Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасанов). Тошкент, 1993 йил; *Шафиқа Ёркин*. Комрон Мирзонинг ҳаёти ва ижоди. Номзодлик диссертацияси. Тошкент, 1999 йил.

Зебуннисо 1639 йили Дехлида туғилган. Қизидаги илму маърифатга иштиёкни кўрган Хиндистон хукмдори Аврангзеб унинг тарбияси билан жиддий шуғулланади. Ўз умароларидан бири Иноятуллоҳхоннинг олима ва фозила сифатида шуҳрат топган онаси Хофиза Марямни Зебуннисонинг мураббияси қилиб тайинлайди. Шоҳнинг амрига биноан Хофиза Марям бўлажак шоирага аввал диний илмлардан сабоқ беради. Қувваи хофизаси кучли бўлган Зебуннисо 10 ёшларида Қуръонни ёд билар, 14 ёшида эса ўзи билганича унга тафсир ёза бошлаган эди. Саройнинг бошқа донишманду адиблари ҳам унинг тарбиясига саъю кўшиш қиладилар. Улар орасида ўз даврининг етук олимлари Мулло Ашраф ва Мулло Жевоннинг ўрни алоҳида эди. Зебуннисо улардан араб тилининг сарфу наҳви, мантик, адабиёт ва тарихни, хаттотликни ўрганайди. У, айниқса, насталиқ, насх ва шикаста хатларини ёзишда моҳир бўлган, Қуръонни етти марта кўчирган экан. Шунингдек, у уста танбур чертувчи созанда ҳам эди. Адабий мутолаа борасида ҳинд файласуфи Браматра, забардаст тасаввуф назариётчиси Муҳйиддин ибн Арабий ва буюк мутасаввуф шоир Мавлоно Жалолоддин Румий асарларини севиб мутолаа қилган. Бу серқирра истеъдод соҳиби «рассомликда ҳам моҳир бўлган, шахсий кишилар қўлида расмлари ҳам сақланган эмиш, Қуръон ўқиб ўтирган вақтида ишлаган бир расми ҳам маълум. Отаси унинг шарафига Дехлидаги саройи олдида — «Аршин товус» номли жойда сарой қурдириб, уни қизи ижод қилган нафис асарлар билан безатган. У фақат дунё нозу неъматларидангина қаноатланиб қолмаган. Ҳар йили бир неча фақирни ҳажга юбориб турган, боғ ишлари ва жисмоний тарбия билан шуғулланган»<sup>1</sup>.

Зебуннисо «Иродати фаҳм» («Англаш эҳтиёжи») номли шеърлар баёзи ва «Зеб ун-нишот» («Шодлик зийнати») деган мактублар тўплами тартиб берган. «Зеб ун-нишот» ҳалигача топилган эмас. Шоиранинг ўз ижоди намуналари ва севган шоирлари шеърларидан тузилган «Иродати фаҳм» баёзини эса канизакларидан бири тўфон вақтида ҳовузга тушириб қўйган. Шунинг учун Зебуннисонинг ижодий мероси бизгача тўлиқ етиб келмаган.

---

<sup>1</sup> *Аҳмад Закий Валидий Тўгон*. Бўлинганни бўри ер. Тошкент, 1997 йил, 240 бет.

Зебуннисо туркийча ҳам, арабча ҳам шеърлар ёзган бўлса-да, уларнинг тақдири номаълум. Зебуннисо номидан эълон қилинган Махфий тахаллуси остида ёзилган газаллар эса, тадқиқотчиларнинг яқдиллик билан таъкидлашларича, шоирага тааллуқли эмас. Бугина эмас. «Шоиранинг баъзи шеърлари амакиси Дорошукухнинг девонига ҳам кирган»<sup>1</sup>. Таниқли шарқшунос олим Турғун Файзиевнинг маълумот беришича, унинг тасаввуф фалсафасига оид «Мунис ул-арвоҳ» номли асари ҳам бўлган. «Тафсир соҳасида 769 варақли қўлёмадан иборат «Зеб ат-тафосир» («Гўзал тафсирлар») ни ёзади. Бундан ташқари, илоҳиётга оид бир асар ёзиб, уни ўз устози Мулло Ашрафга бағишлайди. Шунингдек, Ҳиндистон мусулмонлари орасида дастуриламал бўлиб қолган «Фатавойи Оламгирий» («Шариат қонунлари мажмуаси») номли асарини форс тилига таржима қилдиради»<sup>2</sup>.

Зебуннисо илму ижод аҳлининг ҳомийси сифатида шуҳрат қозонган. Мамлакатдаги барча адабиёт, маданият ва санъат аҳли унинг ҳимоясида бўлиб, шахсан ундан маош олганлар. Шунинг учун ҳам «Олами ислом» тазкирасида: «Отаси Аврангзеб ҳукмдорлик билан қозона олмаган шуҳратни Зебуннисо бегим илму адаб билан қўлга киритди», — деб улуғланади. Тазкиранавис Фуломалихон Озод ҳам мамлакатдаги фазлу камол аҳли унинг марҳаматидан баҳрамандлиги, олим, шоир ва хаттотлар Зебуннисонинг ҳомийлиги туфайли хотиржам илму ижод билан шуғулланганлиги ҳақида хабар беради. Шунингдек, манбаларда Зебуннисо бегимнинг Мирзо Бедилнинг қизига мураббийлик қилгани айтилади. Шу тариқа, у ўз замонида илму фан, маданият ва санъатнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатган.

Зебуннисо нозиктабъ шоира, нуктадон олима, комил ахлоқ соҳибаси бўлибгина қолмай, ҳусну жамолда ҳам тенгсиз эди. Шунга қарамай, қандайдир сабабларга кўра унга оила қуриш насиб этмаган. Бу ҳодиса манбаларда турли-туман талқин қилинади. Шоиранинг ўзи бу ҳақда ўкинч билан шундай ёзади:

Ҳар гулери як харидорест дар бозори умр,  
Пир шуд Зебуннисо, ўро харидоре нашуд.

<sup>1</sup> *Аҳмад Закий Валидий Тўгон*. Бўлинганни бўри ер. 240 бет.

<sup>2</sup> Қаранг: *Файзиев Т.* Захириддин Мухаммад Бобур ва унинг авлодлари. Тошкент, 1996 йил, 76-бет.

Таржимаси:

Умр бозорида ҳар гулнинг харидори бўлар,  
Қариди Зебуннисо, унга харидор бўлмади<sup>1</sup>.

«Шеърят, мусиқа, ижод — Зебуннисога ҳар қандай ёр васлидан тотлироқ бўлиб кўринган, — деб ёзади шоира ижодининг тадқиқотчиси Тўхтасин Жалолов. — Гўзаллик, санъат, илм — унинг идеали эди. У ўзининг бутун ҳаётини нафис санъатга, илмга бағишлайди. Зебуннисонинг энг севган машғулоти: Шеър ўқиш, шеър ёзиш, мусиқа тинглаш ва китоб мутолаа қилишдан иборат бўлган. Унинг: «Нега жуфтликни хоҳламайсиз?» — деган кишиларга қарата: «Менинг эрим ҳам китоб, бахтим ҳам китоб, ҳатто жаннатим ҳам китоб!» — деб берган жавоби бу фикримизни тўла тасдиқлайди».

Ўзбек адабиётшунослигида Зебуннисо шахси билан биринчи бўлиб Тўхтасин Жалолов қизиққан. Таниқли олим «Ўзбек шоиралари» китобида Зебуннисо ҳаёти ва ижодининг мухтасар очеркини берибгина қолмай, шоиранинг 3 ғазал ва 2 тўртлигини ҳам асл нусхасида ўзбекча таржимаси билан бирга келтирган. Кейинчалик таниқли адабиётшунос олима Маҳбуба Қодирова шоиранинг забардаст таржимон Муинзода таржима қилган 3 ғазали ва 3 рубойисини мухтасар кириш сўзи билан Зебуннисо, Дилшод ва Анбар отинлар ижодидан тартиб берилган мажмуада (1981) нашр эттирган. Мазкур кириш сўзида, жумладан, қуйидагиларни ўқиймиз:

«Ўз асарларида инсонийлик, пок ахлоқ, ҳаётга ва табиатга муҳаббат мотивларини қуйлаган Зебуннисо кўпчилик халқлар қалбига кириб борди. Шоиранинг дилрабо асарлари унинг ота-боболари ватани бўлмиш ўзбеклар диёрига ҳам етиб келди ва ўзбек китобхонлари учун кадрли бўлиб қолди. Тарихчи Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асарида Зебуннисо шахси ва ижодига катта эътибор билан қараши, тазкиранавис Фазлий Намангонийнинг «Мажмуаи шоирон» ва Нодирнинг «Ҳафт гулшан» асарларида шоиранинг истеъдодига юксак баҳо берилиши, Ҳозик, Хиромий каби қалам соҳибларининг Зебуннисо шеърларига боғланган мухаммаслари маърифатпарвар шоиранинг ўзидан кейинги давр ўзбек ва

<sup>1</sup> Шоира шеърларидан олинган мисоллар муаллиф таржимасида берилмоқда.



тожик адабиёти равнакига кўрсатган таъсири масаласини равшанлаштиради».

Уйғун шоиранинг мураккаб ҳаёти ва фожиали севги достонига бағишланган «Зебуннисо» драмасини ёзган.

Зебуннисо шеърларини ўқир экансиз, унинг оташнафас шоира бўлганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу шеърларни осойишта, хотиржам ўқиб бўлмайди: саҳифадан-саҳифага ўтган сари қалбингизнинг ҳарорати ҳам ортиб бораверади. Бир қарашда муҳаббат пайдо бўлганидек, бир ўқишда севиб қоладиган шоирларингиз ҳам бўлади. Зебуннисо худди ана шундай шеър ихлосмандларининг қалбига ғавво соладиган, ақлу ҳушини ўғирлайдиган ҳассос ва дилўртар шоирлар жумласига киради.

Оташнафас шоир Усмон Носир Қора денгизга бағишланган шеърида: «Тўлқинлар, қалбимга қиздек кирдингиз», — деб лутф этган эди. Зебуннисонинг дилўртар ғазаллари ҳам ҳусну ахлоқда баркамол қиз каби ўқиган кишининг қалбига меҳру муҳаббат солади, унга маънавий завқ беради. Бу ижод уммонидан бир қатра сув ичган шеър ошиғи бир умр унинг мафтуни бўлиб қолади:

Булбул аз шогирдиам шуд ҳамнишини гул ба боғ,  
Дар муҳаббат комилам, парвона ҳам шогирди мост.

Таржимаси:

Гулга ҳамроз бўлди булбул, чунки шогирдим эди,  
Ишқда комилман ўзим, парвона ҳам шогирд менга.

Зебуннисо расман бирор тариқатга кирмаган бўлса-да, қалбан мутасаввиф эди. Шунинг учун ҳам бир шеърида у шоҳ қизи бўлсам-да, фақрга юз бурдим, дейдики, бу унинг сўфиёна ҳаётга бўлган майлу рағбатини кўрсатади:

Шоҳ қизи бўлсам-да, юз бурдим фақрга, боиси —  
Менга бас шу зебу зийнатким: номим Зебуннисо!

Қолаверса, отаси Аврангзебнинг амрига биноан Зебуннисо бир умр тоат-ибодат билан шуғулланиб, зоҳидона ҳаёт кечиргани маълум. «Зебуннисонинг шеърлари диний жамоаларда, сўфийлар йиғилишида кўп ўқилади, сўфийлар унинг шеърларидан қаттиқ таъсирланганлар»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Аҳмад Закий Валидий Тўгон. Бўлингани бўри ер. 211-бет.

Зебуннисо шеърляти тилининг тозаллиги билан диққатни тортади: бу шеърларда мураккаб ва тушунарсиз сўз ва ибораларни учратмайсиз – барчаси содда, оддий, халқчил. Лекин мазмуни чуқур, фалсафаси қуюк, ташбеҳу тимсоллари оҳорли. Услуби енгил ва равон. Оҳанги ёқимли, жўшқин ва ҳароратли:

Дар ниҳон хунам, ба зоҳир гарчи ранги ғозаам,  
Ранги ман дар ман ниҳон чун ранги сурх андар хиност.

Мазмуни: «Гарчи ғозадай қип-қизил кўринсам-да, ичим қонга тўлиб кетган, худди хинода қизил ранг яширингандек, менинг рангим ҳам ўзимда ниҳон».

Кўриниб турибдики, бу ерда шоира ҳаммага таниш ғоза (аёллар юзига сурадиган қизил рангдаги упа-элик) ва хино мисолида ўз дардининг бадий сувратини чизмоқда.

«Ўзининг даҳолигини англамаган даҳонинг даҳолиги даргумон», — деган эди таниқли поляк мутафаккири Станислав Ежелец. Дарҳақиқат, буюкларни атрофдагилар тушунмаслиги, кадрламаслиги мумкин, лекин улар хамиша ўз имкониятлари ва даражаларини яхши билганлар. Қўплаб машҳур сўз усталарининг ўз мавқе-мақоми, асарларининг даражаси ва шуҳрати ҳақида фахрланиб битган байту мисралари бунинг яққол исботидир. Зебуннисо ҳам ўзининг шеърятдаги ўрнини яхши англаган, ўз гўзаллиги даражасини ҳам билган ва қуйидаги фахрия-китъасини ёзган:

Булбул аз гул бигзарад, гар дар чаман бинад маро,  
Бутпараст кай қунад, гар бархаман бинад маро.  
Дар сухан пинҳон шудам чун бўи гул дар барги гул,  
Хар ки дидан майл дорад дар сухан бинад маро.

Таржимаси:

Андалиб гулдан кечар, кўрса чаман ичра мени,  
Бутпараст бутдан кечар, кўрса бу шаън ичра мени.  
Гул ҳиди баргида пинҳон, мен-да сўз ичра ниҳон,  
Кимки кўрмоқ истаса, кўрсин сухан ичра мени!

Мутаассиб Аврангзеб қизининг шеър ёзиши ва шу орқали шуҳрат қозониб, номи номаҳрамлар тилига тушишини хоҳламаган. Зебуннисонинг ўзи бу ҳақда киноя билан шундай ёзади:

Эй булбули хушилхон, махрўшу дам фуру каш,  
Табъи «латиф»и султон тоби сухан надорад.

Мазмуни: «Эй хушнағма булбул, наво чекишни бас кил-у, хомуш бўл, султоннинг «латиф» табъининг бадий сўзга тоби йўқ».

Зебуннисо бегим 1702 йили 63 ёшида Дехлида вафот этади. У Дехлидаги «Зарзари» қабристонига дафн этилган. Шоиранинг қабр тошига унинг ғоят камтарлик билан айтган қуйидаги байти ёзилган:

Ба ғайри сабза напўшад касе мазори маро,  
Ки қабрпўши ғарибон ҳамин гиёҳ бас аст.

Мазмуни: «Майсадан ўзга нарса менинг қабримни қопламайди, зеро, ғариблар мазорини ёпиш учун шу гиёҳнинг ўзи етарлидир».

Мухтасар қилиб айтганда, адабий истеъдод кучи ва шеърларининг бадий баркамоллиги жиҳатидан Зебуннисони ўзбек мумтоз санъатида фақат ҳассос шоира Нодиран билан тенг қўйиш мумкин. Бинобарин, бобурийзода Зебуннисо ҳаёти ва ижодини ўрганиб, дурдона асарларини халқимизга етказсак, ўзбек адабиёти яна бир дилбар шоира билан бойиган бўларди.

## ТУРКИЙ ТАСАВВУФ АДАБИЁТИНИНГ ЙИРИК НАМОЯНДАСИ

Ўзбек мумтоз адабиётида тасаввуф анъаналарини изчил давом эттириб, ўзига хос мактаб яратган машҳур тариқат арбоби ва забардаст мутасаввиф шоир Сўфи Оллоёр 1644 йили Каттақўрғон беклигига қарашли Минглар қишлоғида Темурёр исмли солиҳ ва такводор киши хонадонида дунёга келади. Минглар деб аталган дехқончилик билан машҳур ўзбек қабиласига мансуб. Бошланғич маълумотни Шайхлар қишлоғидаги мактабда олиб, сўнг Бухоро мадрасаларида ўқишни давом эттиради. Ўз даврининг барча асосий илмларини эгаллайди, араб ва форс тилларини ўрганади.

Мадрасани тугатганидан кейин бир муддат Жўйбор шайхлари қўлида таҳсил олган Сўфи Оллоёр Бухоро амири Абдулазизхон томонидан бож маҳкамасига тўра этиб тайинланади. Лекин дунёвий ишлар, бойлик орттиришга кизиқмаган Сўфи Оллоёр тасаввуфни чуқур ўрганиш, бадий ижод билан шуғулланишни давом эттиради. Сўфиёна феъл, шоирона кўнгил соҳиби бўлган бир кишининг

бундай офир ва масъулиятли лавозимда ишлолмаслиги маълум. Сўфи Оллоёр ҳам кўп ўтмай божгирлик хизматидан истеъфога чиқиб, ўз даврининг донгдор шайхи Наврўзга шогирд тушади, тариқат талабларини бажариб, шайхлик мартабасига кўтарилади. Каромат соҳиби бўлган валиюллоҳ бўлиб етишади.

Маълумки, Сўфи Оллоёр биродарлари Фарход оталик ва Оллоназар бийлар билан ўртасида гапи қочиб, ўз юртидан аразлаб, Хисор воҳасига бориб қолган. У 1724 йили шу ерда вафот этади. Қабри ҳозирги Денов туманидаги Вахшивор қишлоғида.

Сўфи Оллоёр улкан ислом уламиси, етук тариқат пири бўлибгина қолмай, ўзбек ва форс-тожик тилларида маҳорат билан қалам тебратган таъби назми баланд зуллисонан шoir ҳам ҳисобланади. Шайх-шоир ижодининг асосий йўналиши ислом маърифатини кенг халқ орасига ёйиш ва тасаввуфнинг инсоний камолот билан боғлиқ ғояларини қизгин тарғиб-ташвиқ этишдан иборат. У «Маслак ул-муттақин» («Такводдорлар маслаги»), «Мурод ул-орифин» («Орифлар муроди»), «Махзан ул-мутеъин» («Итоаткорлар хазинаси») маснавийларини форс-тожик, «Сабот ул-ожизин» («Ожизлар саботи») ва «Фавз ун-нажот» («Нажот тантанаси») асарларини туркийда яратган. Форсий ва туркий шеърлари ҳам мавжуд.

«Маслак ул-муттақин» — Сўфи Оллоёрнинг шоҳ асари бўлиб, у 12 минг байт, 135 та катта-кичик бобдан иборат. Унда шоир таржимаи ҳоли билан боғлиқ ғазал ва рубоийларни ҳам, муҳим ижтимоий-сиёсий мавзудаги шеърларни ҳам, фалсафий ва ахлоқий-таълимий руҳдаги бетакрор байтларни ҳам учратиш мумкин. Жумладан, ўзининг бож маҳкамасидаги хизмати хусусида у шундай ёзади:

Аввалиҳои ман агар пурси,  
Зуд аз ман гурези — тарси.  
Хизмати шоҳи аср мекардам,  
Нон зи қавме захр меҳўрдам.  
Яъне ноне, к-аз тамаъ пайдост,  
Гўям аз ин зиёда низ равост...  
Дар нишастан таассуф ойин буд,  
Ғам болою фикр поин буд.

Мазмуни: «Менинг илгариги ҳаётим ҳақида сўрасанг, дархол мендан кўрқиб қочасан: замон шохининг хиз-

матини қилардим, нон ўрнига захар ютардим. Чунки, тамаъ орқасидан топилган нонни бундан бошқача таърифлаб бўлмайди. Афсус-надомат доим ҳамроҳим бўлиб, ғам — устун, фикр — остин эди».

Табиийки, бундан юқори мансабда ишлаган Оллоёр тўра билиб-билмай халққа зулм ўтказган ва ўзининг қилмишларидан пушаймон бўлиб, тариқат йўлига кирди — дарвеш бўлади:

Ногаҳон аз инояти бори,  
Дод султони бахти ман ёри.  
Токи гаштам муҳиби дарвешон,  
Ёфтам сўхбати хуши эшон.

Мазмуни: «Ногаҳон илоҳий иноят туфайли бахтим султони ёр бўлди — дарвешлар дўстига айланиб, уларнинг дилкаш суҳбатини топдим».

Маълумки, тасаввуфда лукма ҳалоллиги асосий шартлардан ҳисобланади. Сўфийлар бировдан тама қилмаганлар, балки ўз тирикчиликларига керакли маблағни ўз меҳнатлари билан топишга интиланлар, ўз эҳтиёжларидан ортганини бева-бечоралар, етим-есирларга бағишлаганлар. Бунинг учун ҳар бир тариқат аъзоси бир касб-ҳунарга эга бўлиши талаб этилган. «Маслак ул-муттақин»да бу ҳақда шундай дейилади:

Анбиё, ки гузаштанд фаҳасб,  
Ҳама буданд фоили як касб.  
Бандагоне, ки Ҳақ шинохтаанд,  
Харгиз аз кас тамаъ нахостаанд.

Мазмуни: «Бу дунёдан ўтган пайғамбарларнинг барчаси бир касбнинг бошини тутган эдилар. Ҳақни таниган бандалар ҳеч қачон бировдан тама қилмаганлар».

Форсий ғазалларидан бирида шайх-шоир ошиқ ўз маъшуқасининг олдига холис ибодат ва қаттиқ риёзатдан ортиқ тухфа олиб боролмайди, дейди. Бу фикрлар ғазалнинг тасаввуфий мазмунга эгаллиги ва илоҳий маҳбуба — Оллоҳга бағишланганлигидан гувоҳлик беради:

Бе ибодатҳои холис, бе риёзатҳои саҳт  
Дар ҳарими ёри худ ошиқ нахоҳад бурд раҳт.

Мазмуни: «Ошиқ ўз ёрининг ҳузурига холис ибодатлар ва қаттиқ риёзатлардан бўлак нарса олиб боролмайди».

Илохий маърифатнинг бадий талқинига бағишланган «Маслак ул-муттақин» асари форс-тожик тилида ёзилиб, эл орасида шухрат тутганидан дўсту яқинлари туркий тилда ҳам шундай бир китоб тартиб беришини илтимос қиладилар. Бунга жавобан у «Маслак ул-муттақин»ни бирмунча қисқартириб, туркийда назм силкига теради ва унга «Сабот ул-ожизин» деб ном беради. Ўз навбатида, бу китоб туркий халқлар орасида ҳам машхур бўлади. Тасаввуф таълимотининг маънавий-ахлоқий масалаларини кенг ёритиш билан у ўзбек тасаввуф адабиёти ривожига катта ҳисса қўшди, ўзбек фалсафий-дидактик адабиётининг баркамол намунасига айланди.

Бу асарларда Қуръони карим маънолари, Ҳадиси шариф хикматлари ва тасаввуф таълимоти ғоялари ажойиб бир тарзда уйғунлашиб кетган. У ислом аҳкомлари, тариқат талаблари, инсоний комиллик шартларини бирмабир таърифлаб беради. Кишиларни Ҳақ йўлига даъват қилиш, тариқат орқали камолотга эришишни тарғиб этиш, эзгу инсоний фазилатларни улуғлаб, бани башарга хос кусур ва иллатларни қоралаш, тирикликнинг кундалик ташвишларидан юқори кўтарилиб, юксак мақсад сари интилиш, улуғ ғоялар билан яшаш, нафс занжирларини узиб, маънавий-руҳий парвоз қилиш, инсонлик моҳиятини англаш, бандалик шартларини бажариш, дунёнинг ўткинчи ҳою ҳавасларига чалғиб, охират тадоригини унутмаслик, инсонлик шарафи ва бахтини Ҳақ ва халққа хизмат қилишда деб билиш ва бошқалар шайх-шоир асарларининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Хусусан, ахлоқий-таълимий йўналиши, инсон тарбиясига бағишланганлиги учун «Маслак ул-муттақин» ва «Сабот ул-ожизин» асарлари мактаб ва мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилиб келган. Унинг диний-тасаввуфий руҳдаги панду хикматга йўғрилган асарлари нафақат Туркистон, балки Кошғардан тортиб Эдил (Волга), Ёйиқ (Урал) дарёлари воҳалари, Ҳожитархон (Астрахань), Булғор, Оренбург ва бошқа минтақаларда яшовчи халқлар орасида ҳам кенг тарқалган. Улар кўп нусхаларда кўчирилган, XIX асрнинг охирларига келиб эса Тошкент, Қозон, Боку, Истанбул ва бошқа шаҳарларда тошбосма йўли билан бир неча марта босилиб чиққан.

Тожуддин Ёлчиғул ўғли 1796 йили «Сабот ул-ожизин»га «Рисолаи Азиза» номли шарҳ ёзади. Саййид

Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхоннинг «Ҳидоят ул-толибин» деган шарҳи ҳам «Сабот ул-оҷизин»га бағишланган. Ҳофизхожа Қўзихожа ўғлининг «Маслак ул-муттақин»га ёзган туркий шарҳи «Ҳидоят ул-муттақин» деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шаршунослик институтида «Мурод ул-орифин»га бағишланган 3 та шарҳ сақланади: биринчиси – Ҳожи Абдурауф бин Абдунаби қаламига мансуб шарҳ, иккинчиси – татар тилидаги шарҳ, учинчиси – Абдулмуталлиб Булғорийнинг арабча шарҳи. Сўфи Оллоёр асарлари асосида луғатлар ҳам яратилиб, уларда шайх-шоир қўллаган исломий-гасаввуфий сўз ва тушунчаларга изоҳ берилган. Чунончи, «Маслак ул-муттақин»га тузилган бир луғатда 950, иккинчисида қарийб 2000 та сўфиёна истилоҳ шарҳланган.

Сўфи Оллоёрнинг шеърий салоҳияти шайхлик истеъдодидан кам бўлмаган: унинг бадий юксак, мазмунан теран, ҳикмат даражасидаги байт ва мисраларини зарбардаст сўз санъаткорлари муқобилига қўйиш мумкин. Туркий халқлар ўртасида кенг шухрат тутганлиги ҳам шеърларининг тили содда, услуби раволиги, бадий тасвир воситаларига бойлиги сабабли эди. У ўз асарларида ташбеҳ, талмеҳ, тазод, таносиб, ирсол ул-масал, хусни таълил, лутф, иқтибос каби шеърий санъатлардан маҳорат билан фойдаланган. Хусусан, тажнис санъати ривожига катта ҳисса қўшди. Шайх-шоир қаламига мансуб қуйма байтларнинг мақол каби жаранглаши шундан. Чунончи, «Сабот ул-оҷизин»дан олинган қуйидаги байтларга эътибор қилинг:

Ишонма отага, қолма талабдин,  
Сўралмасдур киёматда насабдин.

Худойим ҳар на берса, қил қаноат,  
Юракни қилма миннатдин жароҳат.

Ушбу мисоллар шоир шеърларининг нафақат фалсафий мазмуни теран, балки бадий салмоғи ҳам юксаклигини кўрсатади. Чуқур билим, кенг дунёқараш, катта турмуш тажрибаси соҳиби бўлган донишманд шоир ўз фикр-мулоҳазаларини оҳорли ташбеҳлар, нозик ҳаётий кузатишлар воситасида гўзал шакл, содда ва раво услубда лўнда ва таъсирчан кўринишда ифодалайди. Жум-

ладан, ҳалол луқманинг ўрнини ҳеч нарса босмаслигию миннатли таомнинг ярамаслигини мана бундай тимсолу ташбехлар ёрдамида тасвирлайди:

Агар боши билан чоҳ қазса банда,  
Кўзини ёшича сув тобса анда  
Ва гар қазса ариғ киприк била мард,  
Агар бир хўшаи жав қилса парвард;  
Бу меҳнат бирла тобсанг парчаи нон,  
Кишини миннатидан улдур осон.

Яъни: киши боши билан қудуқ қазиб, кўз ёшича сув топса, ёки киприги билан ариқ чиқариб, сув олиб келса-ю, бор-йўғи бир тупгина арпа етиштирса ва шундай машаққатли меҳнат эвазига бир бурда нон топиб еса, бировнинг миннатли таомидан ўша афзалдир.

Сўфи Оллоёр ўхшаш нарса-ходисаларни ўзаро қиёслаш, бир-бирига қарши қўйиш орқали ўз фикрларини гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалайди:

Риёзат мевасидур мисли ёнғоқ:  
Агарчи зоҳири тош, ботини ёғ.

Маишат аввали — нарм, охири — қахр,  
Йилонни таши юмшоғдур, ичи — захр.

Сўфи Оллоёр ижодида ҳусни таълил санъатининг ҳам гўзал намуналарига дуч келамиз. Масалан, қуйидаги байтида у юраги қон бўлганлиги сабабли тош лаъл аталди, деб шоирона лутф қилади:

Риёзат хокиға ҳар кеча ур бош,  
Юрак қон айласа, лаъл аталур тош.

Ёки мана бу ташбехнинг қутилмаган ва оҳорлилигини қаранг: чақиш учун пистанинг бошига урсангиз, оғзи очилади — кулади. Шунга ўхшаб, сенга жафо қилганларга ҳам сен кулиб боқ, яъни ёмонликка ҳам яхшилик билан жавоб қил, дейди шоир:

Киши тош урса бошга, эй хужаста,  
Кулуб боқғил юзига мисли писта.

Шоирнинг қўпгина ташбехлари халқона, содда:

Мусулмон ўғлида бўлса сучук тил,  
Олиб келса бўлур бир қил била фил.



Гўёки оддий бир ташбеҳ асосига қурилган бу байтда кучли муболаға мавжуд: бу — қил билан фил олиб келиш.

Халқ нақлига кўра, киши мудом олдинга интилса, албатта мақсадига етади, лекин, мабодо орқага боққудай бўлса, қадами секинлашиб, аро йўлда қолиши мумкин. Бу ҳақиқатни шоир мана бундай гўзал шеърий мисра-ларга тизади:

Кейинга боқмагудек бўлса банда,  
Етар мақсудига тез излаганда.  
Агар боқсанг кейин бу тоғу чўлда,  
Мабодо қолмагайсан ўрта йўлда.

Диний-тасаввуфий ғоялар шайх-шоир асарлари қат-қатига сингиб кетган: унинг кўплаб фикру мулоҳазалари, ташбеҳ ва тазодлари пайғамбару авлиёлар, етук тасав-вуф намояндаларнинг ибратли ишлари ва сўзлари билан боғлиқ. Чунончи, куйидаги байтда қашшоқлик кишини хор қилмайди, агар шундай бўлганда, қора танли Билол пайғамбарлар сарвари Муҳаммад алайҳиссаломнинг суюк-ли сафдошлари бўлармиди, деган қарашни илгари суради:

Агар дунёси йўқдан бўлса эр хор,  
Муҳаммадга Билол бўлмас эди ёр.

Мана бу байт эса Муҳаммад алайҳиссалом хадислари асосига қурилган:

Наби айтди: «Қиёмат бўлса, эй дўст,  
Тамаъгирни юзида бўлмагай пўст».

Сўфи Оллоёрнинг ғазаллари ҳам унинг хассос шоир бўлганлиги ва шеърий салоҳияти юксак эканлигидан далолат беради:

Кўрк учун тушти зилоли лаъла мушкин хатту хол,  
Тузди суҳбат Хизр ила кавсар кироғида ҳилол.  
Наргиси мастинг хумори бодадин гулгунмудур,  
Ё будурким, лозазор ичра тушан ваҳший физол.

Биринчи байтда маъшуканинг лаби атрофидаги хати ва холи жаннатдаги Кавсар чашмаси қироғида суҳбат-лашаётган Хизр ила ойга қиёсланияпти.

Маълумки, мумтоз шеъриятда маъшуканинг юзи гул-зор, гулшан, боғ, чаманзорга нисбат берилади. Шундан келиб чиқиб, иккинчи байтда шоир маҳбубанинг ишқ

майдан сархуш шўҳ, ўйноқи кўзларини лолазор ичидаги ёввойи кийикка ўхшатяпти.

Шоир ғазалларида ҳам ҳаётий ташбеҳлар, турмуш тажрибалари асосида гўзал ва таъсирчан пандномалар битеди:

Жон чекиб, ғусса ютуб, то жигаринг кон ўлмаз,  
Максадинг хосил ўлуб, мушкулинг осон ўлмаз.  
Бошини доша уруб, дона элакдан ўтмай,  
Мушт емай, ўт ичина солмасалар нон ўлмаз.

Шундай қилиб, Сўфи Оллоёр XVII—XVIII асрлар ўзбек мумтоз адабиётида ўзининг диний-тасаввуфий руҳдаги бадиий юксак манзумалари, гўзал лирик шеърлари билан ўзига муносиб ўрин тутди. У ясавиёна ҳикматнавислик анъанасини ўзига хос шакл ва услубда давом эттирган забардаст мутасаввиф шоир ҳисобланади.

Шайх-шоир ҳаёти ва ижоди И. Салоҳий, И. Сувонқулов, И. Ҳаққул, С. Рафиддинов, Р. Зоҳид, Н. Баротова, Н. Ниёзова, М. Ханжар каби олимлар томонидан турли даражада тадқиқ этилган.

## АНЪАНАНИ ЯНГИЛАГАН ШОИР

Забардаст форс-тожик шоири Шавкат Бухорий XVII асрнинг 20-йилларида Бухорода хунарманд-сарроф оиласида дунёга келади. Шу ерда таҳсилни камолга етказиб, етук шоир сифатида танилади ва тирикчилик важдан ота касби саррофлик билан шуғулланади. Унинг исми Муҳаммадисҳоқ бўлиб, Шавкат адабий таҳаллусидир. Манбаларда Мирзо Шавкат, Мулло Шавкат, Шох Шавкат, Дарвеш, Қаландар каби номлар билан тилга олинади. Ҳалигача тўла ойдинлаштирилмаган сабабларга кўра Бухорони тарк этиб, Хиротга боради — шаҳар ҳокими Сафоқулихон Шомлу ва унинг вазири Мирзо Саъдуддин хизматида бўлади. Дастлаб Нозук таҳаллуси билан шеърлар ёзган шоирга Мирзо Саъдуддин Шавкат таҳаллусини беради. Лекин бу ҳукмдор билан оралари бузилгач, Исфаҳонга кетади. Бир муддат Машҳадда ҳам яшайди. Манбаларда шоирнинг Ҳиндистонга ҳам сафар қилгани айтилади. Умрининг охирида узлатга чекиниб, Исфаҳон яқинидаги шайх Али бинни Сухайл мазорида истиқомат қилади.

Бухоронинг аштархонийлар сулоласидан бўлган ҳукмдори Абдулазизхон Исфаҳонга келганида довруқли шоирни сўроқлатади. Шавкатни бир харобазордан топиб келишади. Лекин у Абдулазизхоннинг бирга ҳаж қилиш ҳақидаги таклифига рози бўлиб, унинг ҳузуридан чиқади-ю, яна ғойиб бўлади. Дарवेशлик йўлини тутиб, уч кунда бир марта оғзига бир бурда нон солади. Хурсондан кийиб келган жун хирқасини умрининг охиригача эғнидан ташламайди ва уни ўзига кафан қиладилар. Вафоти тахминан 1695–1699 йиллар орасида.

Шавкат Бухорий ўз даврининг етук шоири, ҳинд услубининг забардаст намояндаларидан бўлган, нафақат замондош, балки ўзидан кейинги шоирларга ҳам кучли таъсир кўрсатган. Малехо Самарқандийнинг «Музаккир ул-асҳоб», Мирзо Муҳаммад Тохир Насрободийнинг «Тазкираи Насрободий», Муҳаммад Ҳазийнинг «Тазкират уш-шуаро», Ғуломалихон Озод Билгиромийнинг «Хизонаи Омира», Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аълум» тазкираларида шоир ҳақида маълумот берилиб, шеърларидан намуналар келтирилган. Чунончи, Исфаҳонда у билан 7 ой давомида мулоқотда бўлган Малехо ўз тазкирасидан ўрин олган 202 шоир ичидан Шавкат Бухорийга батафсил ва юксак баҳо беради. Ҳар байти оҳорли маънолари туфайли фикр ҳаёлхонасининг тилсими, ҳар етук мисраси шоирлар тасбеҳининг зикридир, деб лутф этади. Шеърда маҳорати том ҳосил қилганлигини айтади. У анъанавий услубни янгилаган, оҳорли ва гўзал ташбеҳларни ўзига хос усулда бадиий юксак ифодалаган шоир сифатида форсий адабиётда баланд мақомга эга.

Шавкат Бухорий девонининг нусхалари Тошкент, Душанбе, Москва, Санкт-Петербургдаги кўлөзма фондларида сақланади. 1987 йилда Душанбеда шоир девонининг илмий-танқидий матни «Девони ашъор» номи билан нашр этилган. Маълум бўлишича, бизгача шоирнинг 810 ғазал, 12 қасида, 21 рубоий, 5 қитъа, 521 фард, 366 алоҳида байтлари етиб келган. Унинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ этган филология фанлари номзоди Қахрамон Тўхсанов яна 50 га яқин янги шеърларини турли кўлөзма ва баёзлардан топган.

Шавкат Бухорий шеърляти ҳаётйлиги, реал инсоний туйғулар тасвирига бағишланганлиги, беқиёс самимияти билан ажралиб туради. Анъанавий ишқ мавзуи билан

бирга, шоир ижодида таржимаи ҳол руҳидаги, ватандан ва дўстлардан жудолик, дунё, замон ва одамлардан шикоят оҳангидаги шеърлар етакчилик қилади. Ёт эллардаги сарсон-саргардонлик шоир шеърларига ўз муҳрини босган. Ҳаётсеварлик, қаноатмандлик, панду насиҳат ва бошқалар ҳам шоир ижодининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади. Чунончи, қуйидаги рубоий инсоннинг ўз кадрини билиши, камтарлик, хоксорлик, қаноат хусусида:

Биншин ба замин, бар чархи гардон манишин,  
Яъне, ки ба ғайри хоксорон манишин.  
Базмест жаҳон, ки остонаш садр аст,  
Боло манишин, аз ҳама поён манишин!

Самандар Воҳидов таржимаси:

Ерга ўлтир, қилмағил чархи гардунни ҳавас,  
Яъни, бўлма хоксордан ўзга бирла ҳамнафас.  
Кўп баланд остонали базм саналгай бу жаҳон,  
Тўрга ўтма, ҳаммадан пасти ҳам жоиз эмас.

Маълумки, ҳинд услубининг асосий хусусияти келтирилган фикрни оҳорли ва қутилмаган рамзу ташбеҳлар билан далиллаш ҳисобланади. Бу борада шоир баланд мақомга эришган. Жумладан, мусофир бўлиб, қадри ошган, ўз юртида топмаган обрў-эътиборни бегона элларда топганини гавҳарнинг дарё бағрини тарк этганидан кейин қиммати ошганлиги билан қиёслайди:

Тарки ватан намудаму қадрам азим шуд,  
Гавҳар зи фавти сўхбати дарё ятим шуд.

Мазмуни: «Ватанни тарк этдимү қадрим улүф бўлди — худди гавҳар дарё бағридан чиқиб, азиз бўлгани каби».

Шоир ўз шеърларида бадий санъатлардан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Мисол учун, бир байтида ёримни ахтариб, шунчалик кўп йўл босдимки, оёғим остидан чиққан ховурдан этагимга ўт туташди, деб муболаға санъатини ҳадди аълосига етказди:

Хостам дўш, ки аз худ ба сўроғи ту равам,  
Пои ман гарм чунон гашт, ки домонро сўхт.

Анъанавий йўлдан чекиниб, шеърятда янги усул ва воситалар қидиргани, ҳинд услубига эргашиб, мураккаб ва рамзу тимсолларга бой шеърлар ёзгани учун ўқувчилар

унинг асарларини қабул қилишга қийналганлари, чунки у янгича мазмун ва ифода тарзини маъқул кўргани хусусида шундай ёзади:

Намегардад ба гўш ошно, каломи ман,  
Зи бас нуткам зи жўши маънии бегона мазмун шуд.

Мазмуни: «Шавкат, менинг сўзларим қулоқларга ёкмайди, чунки нутқим бегона маънолар туфайли мазмунга эга бўлди».

Шавкат Бухорий ҳаёти ва ижодини ўзбек адабиётшунослигида З. Ризаев, Қ. Тўхсанов, тожик адабиётшунослигида М. Аҳмадов, С. Саъдиев, Р. Ҳодизода, У. Каримовлар тадқиқ этганлар. Шоир мероси Душанбеда уч марта — 1961, 1986, 1987 йилларда алоҳида китоб ҳолида босилиб чиққан. Истеъдодли шоир ва мохир таржимон Самандар Воҳидов Шавкат Бухорий шеърларидан намуналар таржима қилган, улар «Бухорийлар бўстони» тўпламида эълон қилинган. Камина ҳам шоирнинг 24 та рубоийсини таржима қилганман.

## ТУРКМАН БУЛБУЛИ

Улуғ туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули 1733 йили Атрек дарёси бўйидаги Ҳожиговшан овулида туғилган. Унинг илк устози Озодий тахаллуси билан шеърлар ёзган отаси Давлатмамад эди. Оилада хатсаводини чиқарган бўлажак шоир тахминан олти ёшидан овул мактабида — Ниёзсолиҳ мулла кўлида ўқий бошлайди. Ўткир зеҳни ва тиришқоклиги билан ўқувчилар орасида алоҳида ажралиб турган Махтумқули кейин Қизилоёк (ҳозирги Чоржўй вилояти, Халач тумани)даги Идрис бобо мадрасасида тахсилни давом эттиради. Сўнг Хиванинг Шерғозихон мадрасасида тахсил олади. Шунингдек, бир муддат Бухородаги Кўкалдош мадрасасида ҳам ўқигани хақида ривоятлар мавжуд.

Махтумқули бадиий сўзни юксак қадрлаган ва ижодий қобилиятга эга маърифатли оилага мансуб. Атрек жанубидаги вилоятда туғилган бобоси (воқеан, унинг исми ҳам Махтумқули бўлган — шоирга бобосининг исмини беришган) тирикчилик важдан туркманларнинг гўркўз қабиласига иш излаб келади ва уруф бошлиқларидан бирининг кўлида ёлланиб ишлайди. Маълум муддат ўтиб,

хўжайин уни ўз жиянига уйлантириб кўяди ва у алоҳида хўжаликнинг бошлиғига айланади. Дехқончилик қилиш билан бирга, отга тўқим тикиш, қамчи тўқиш, юган ва айил яшаш орқали даромадини муттасил ошира бориб, Махтумқули Ёначи (тўқимдўз) номи билан довруқ таратади. Бўш қолган вақтларида у кўшиқлар тўқиган ва улардан бири бизгача етиб келган.

Отаси Давлатмамад ҳам алоҳида қобилияти билан ажралиб турарди. У бошланғич маълумотни овулда олиб, сўнг Хива мадрасаларида ўқишини давом эттиради. Овулга қайтгач, болаларни ўқитиш билан бирга, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Агар бобоси учун шеър тўқиш шунчаки ҳавас бўлган бўлса, отаси ҳақиқий шоир бўлиб етишади. У Озодий таҳаллуси билан кўплаб кўшиқ ва ғазаллар яратади. Унинг қарийб 6 минг мисрадан иборат панд-насиҳат мазмунидаги «Вазъи Озод» («Озод вазъи») номли достони сақланиб қолган. Бу асарлар Озодийнинг форсий (воқеан, у яхшигина шоҳномахон бўлган) ва туркий адабиётдан, хусусан, Алишер Навоий ижодидан етарли даражада хабардорлигини кўрсатади.

Давлатмамаднинг оиласи катта бўлиб, Махтумқули унинг учинчи ўғлидир. Бўш вақтларида пода боқиб, отасига кўмаклашган Махтумқули 9 ёшидан шеър машқ қила бошлайди.

Туркман халқи тарихининг энг нотинч ва оғир даврида яшаб ўтган Махтумқули оилавий ҳаётда ҳам ҳаловат топмади. Човдурхон бошчилигида Афғонистонга вакил қилиб жўнатилган акалари Абдулла ва Муҳаммадсафо душманлар томонидан шафқатсизларча ўлдирилади. Катта хонадоннинг бутун оғирлиги Махтумқули елкасига тушади. У мударрислик қилиш, ота-бобосидан мерос ёначилик касбини давом эттириш билан бирга, темирчилик ва заргарлик ҳунарларини ҳам эгаллайди.

«Гўзал Шерғози» шеърдан маълум бўлишича, у Хивада таҳсил олаётган даврида бирин-кетин отаси ва онасидан жудо бўлган:

Комил бўлиб, саранжомлиқ қилибман,  
Машаққат-ла ул падардан қолибман,  
Қаъбамдан айрилиб, жудо бўлибман,  
Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал Шерғози!

Махтумқули холасининг қизи Менгли билан болаликдан бирга ўйнаб ўсган, икки ёш бир-бирига кўнгли қўйган эди. Лекин отаси ва икки акасининг бевақт ўлими оилани моддий жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўяди. Махтумқулининг қалин пулини тўлашга курби етмаслигини билган Менглининг акалари сингилларининг розилигини ҳам сўрамай, уни бировга узатиб юборадилар. Қиз бечора қон йиғлаб, бошқа оилага келин бўлиб тушади. Бунинг устига, давом этиб келаётган қадимий урф-одатга қўра, Махтумқулини қатта акасининг бева қолган хотини Оққизга никоҳлаб қўядилар. У Оққиздан икки ўғил қўради. Ўғилларидан бирининг исми Сарибой, бошқасиники Иброҳим бўлиб, биринчиси — 7, иккинчиси — 12 ёшида нобуд бўлади. Аввал севгилисидан, кейин нуридийдаларидан жудо бўлган, оилавий ҳаётдан бахтини тополмаган шоир чуқур қайғу-ҳасрат ичида қолиб, бутун умрини бадийий ижодга бағишлайди. Менглихонга атаб кўплаб шеърлар ёзиш билан унга ўзига хос назмий ҳайкал қўяди.

Баъзи тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, шоирнинг ўзига Фироғий таҳаллусини танлаши айни шу жудоликлар билан боғлиқ.

Махтумқули шеърларида жуда кўплаб жой номларига дуч келамиз. Бу унинг кўп саёҳат қилганлигидан далолат беради. Сафарга оқ фотиҳа сўраб, отаси билан савол-жавоб йўсинида ёзган бир шеъри ҳам шоирнинг саёҳатга, дунёни кўришга ҳаваси кучли бўлганлигини кўрсатади («Ота-ўғил дардлашуви»). Шеърда «Кўнглим истар, сафар қилсак...», «Сайрон этсак неча тенгу тўш билан, Магар шунда ғамгин кўнглим хуш бўлар» каби мисраларни ўқиймиз.

«Маълум бўлишича, Махтумқули ёшлигидан саёҳатларда юриб, Каспий бўйидан то Амударёгача кезган. Бухорода таълим олган, сўнгра Афғонистонга ўтган, Ҳиндистонда бир йилу уч ой турган, қайтиб Фарғона (Андижон, Марғилон)ни кўрган, Қозоғистоннинг Туркистон шаҳрига борган. Хоразмга — Хивадаги Шерғози мадрасасига келиб ўқиган, сўнг яна ўз элига — Атрек дарёси водийсига, Дехистонга қайтган.

Шундан сўнг Озарбайжон, Эрон, Туркиянинг шарқий қисми, Ироқни айланиб келган.

Махтумқулининг Астраханда бўлганлиги ҳам, у ерда руслар ҳаёти билан танишганлиги ҳам ажаб эмас. Ҳатто Эрон билан Ҳиндистон орасидаги Уммон денгизи бўйларида — ё Уммон тупроғида (Арабистон яримороли билан Ироқ ўртасида), ё ҳозирги Покистон ерларида бўлганлигини тахмин қилиш мумкин, бунга унинг шеърларида ҳам шама бор. Шоир Ўрта Шарқдаги барча туркман қабилалари орасига кириб, уларнинг аҳволини, озодлик, мустақиллик ва фаровонлик орзуларини билди, шу билан бирга, оғзаки адабиётини ўрганди»<sup>1</sup>.

Муборак Ҳаж сафарига бориш орзуси борлигини бир неча шеърларида изҳор қилган. Махтумқули кубравия тариқати шайхлари билан ҳам, хожагон-нақшбандия силсиласи пирлари билан ҳам яқин алоқада эди. Отаси Давлатмамад ҳам тасаввуф аҳлини дўст тутган. «Шеърларидан Махтумқулининг пири отаси эканлиги англашилади. Аммо у бошқа кўплаб муршиди комилларни ҳам зикр этган» (М. Кенжабек). Чунончи, Сарахсда нақшбандия намояндаси Ниёзқули халифага мурид тушишни орзу қилган бўлса, Отаниёз охунга ҳам шогирдлик талабида бўлган.

Шўро давридаёқ баъзи тадқиқотчилар Махтумқулининг тасаввуфга муносабати юзасидан айрим мулоҳазаларни билдирган эдилар. Жумладан, Г. Карпов ҳаётининг муайян даврларида Махтумқулининг тасаввуф тариқатлари билан алоқаси бўлгани, бинобарин, ижодида сўфиёна оҳанглар мавжудлигига эътиборни қаратган. II. Скосирев Махтумқулининг фалсафий шеърларида шоир яқин алоқада бўлган тасаввуф илмининг таъсири шундоққина сезилиб туришини таъкидлаган. А. Мулкаманов эса Махтумқулининг тасаввуфдан ниҳоятда таъсирлангани, шеърларида «фано тупроғи», «аҳли хол», «фақр мулки», «ёр», «соҳибжамол», «дўст», «зулф» каби сўфиёна истилоҳ-тушунчалар кўп учраши, «Саташдим», «Кўрдингми?», «Ёр сендан», «Намасан?», «Эй дўст», «Ошиқ бўлмишам» шеърларида сўфиёна руҳ кучлилигини қайд этган.

Албатта, диний-тасаввуфий мавзудаги шеърлар Махтумқули ижодида етакчи ўрин тутади. Афсуски, шўро мафқураси шоирнинг исломий маърифат ва тасаввуф

---

<sup>1</sup> Ҳасанов Х. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. Тошкент, 1964 йил, 206–207-бетлар.



ҳақиқатлари уфуриб турган асарлари мутолаасидан бизни бебахра қилган эди. Шунинг учун унинг асосан шу мавзудаги шеърларини танлаб таржима қилган таниқли шоир ва заҳматкаш мутаржим Мирзо Кенжабек ўз таржималарига ёзган сўзбошисида: «Махтумкули Фироғий XVIII аср маърифий шеърятининг буюк дарғаларидан бўлиб, бутун туркий халқлар учун тушунарли ва севимли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошиқ, соҳиби ҳикмат бўлган валий зотдир. Унинг инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик ғоялари билан йўғрилган шеърятисида пок исломий маърифат руҳи гуркираб яшнаб туради», — деган фикрни билдиради.

Махтумкули «аҳли хол, аҳли сир, аҳли ҳикмат бўлган ориф зотдир. Маъно оламида унинг бир қанча азиз сиймолар билан иртиботи борлиги англашилади. Бир қанча шеърларида у ҳақ пайғамбарлар, машхур авлиёлар билан боғлиқ тушларини фараҳ ва шукроналик билан баён этади», — деб ёзган М. Кенжабек ҳатто у илми ладуний (илоҳий) соҳиби бўлган дейди.

Таниқли шарқшунос олим Е. Бертельснинг ёзишича, Махтумкули адабий меросининг умумий миқдори тахминан 16—18 минг мисрага етади. А. Бобоев шоирнинг 700 га яқин лирик асарлари бизгача етиб келганлиги ҳақида маълумот беради. Ўзбек олимаси С. Шукруллаева эса собиқ Қўлёзмалар институти (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фонди)даги 1997-рақамли қўлёзмада шоирнинг 900 дан ортиқ шеър у қазалари мавжудлиги тўғрисида хабар берган эди.

Махтумкули ижоди кўплаб чашмалардан сув ичган: улар — Қуръони карим ва унга ёзилган тафсирлар, Ҳадиси шариф ва диний адабиётлар, тасаввуф фалсафаси ва адабиёти, Шарқ мумтоз сўз санъати ва халқ оғзаки ижоди. Шунинг учун шоир ижодисида исломий мавзуларни ҳам, сўфиёна руҳни ҳам, халқона оҳанглари ҳам, мумтоз адабиёт таъсирини ҳам кўрамаиз — улар ўзаро омихта бўлиб, Махтумкули асарларининг юксак бадиияти, таъсирчанлиги ва умрбоқийлигини таъминлаган. Шоир шеърларида пайғамбарлар, авлиёлар, саҳобалар, тасаввуф пирлари, халқ қаҳрамонларининг номларига кўп дуч келамиз.

Туркман халқининг тарихи, бугуни ва эртаси, урф-одатлари, анъаналари, даврининг муҳим сиёсий-ижтимоий ходисалари, шоирнинг дарду хасратлари бу шеърларнинг асосий мавзуи ҳисобланади. Бу шеърларда шоир ўз халқини севган, унинг дарду хасратлари билан ёнган, истиқболи учун қайғурган фидойи ватанпарвар сифатида намоён бўлади. Ватан ва халқ мавзуси — Махтумқули шеърятининг ўқ илдизини ташкил этади. Қатор шеърларида тарқоқ туркман уруғларини бирлашишга, улар ўртасидаги ўзаро низоларни бартараф этишга даъват қилади. «Туркман адабиёти тарихи тадқиқотчиларининг таъкидлашларича, Махтумқули ўз даврида эл ва юрт қадр-қимматини оёқ ости қилиб келаётган иллатларни ҳаммадан кўра кўпроқ англаб етди. Шоир асарларида замондошларини даврда рўй бериб турган воқеаларнинг моҳиятини чуқур идрок қилиб иш тутишга чақирди»<sup>1</sup>.

Махтумқули шеърларида халқ фалсафаси кучли, панд-насихат етакчи — у кўрган-кечирганларини қаламга олиб, улар юзасидан теран хулосалар чиқаради. Бу фикрларнинг ҳикмат каби жаранглаши шундан:

Хар йигитнинг аслин билай десангиз,  
Маъракада ўтур-туришин кўринг.  
Биров билан ошно бўлай десангиз,  
Аввал иқроринда туришин кўринг.

\* \* \*

Номардлар ҳам ярамастар, ночорлар,  
Тузинг ичиб, ишинг бўлса кочарлар,  
Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,  
Қадринг билган улфатингдан айрилма!

Махтумқули халқ мақол-маталлари, ҳикматли сўзлари, образли ибораларини жуда яхши билади ва маҳорат билан шеърлари қатига сингдириб юборади. Айни пайтда, ўзи ҳам содда, ихчам, лўнда, теран ҳикматлар яратадики, улар нафақат туркман, балки барча туркий халқларнинг ҳикматли сўзлар хазинасидан жой олган:

Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг,  
Жоҳилга ёндашсанг, кўрдек бўларсан.

<sup>1</sup> Эркинов С. Махтумқули // Буюк сиймолар, алломалар. 3-китоб. Тошкент, 1997 йил, 55-бет.

\* \* \*

Одам бор, минг туман едирсанг оздир,  
Одам борки, еган нонига етмас.

\* \* \*

Мард йигитнинг ор — киличи.

\* \* \*

Дўзахнинг тимсоли бир ёмон хотин.

\* \* \*

Яхшини олам орзулар.

\* \* \*

Йигит қарир ёмон аёл учраса.

Халқ тарихи, адабиёти ва ҳаётини чуқур билган бу донишманд инсон теран фикрларни халқона содда ва лўнда бир тарзда шеърӣ мисраларга тизади. Бу шеърлар халқ донолигининг ёрқин намунасидир. Махтумқули асарларининг умрбоқийлигини таъминлаган энг асосий омил худди шунда.

«Махтумқули ўз даврининг жароҳатларига ақл-заковатни, имон ва эътиқодни, аҳиллик ва ҳамжихатликни, аждодлар удумига асосланган ҳамдардлик ва адолатли курашни қарши қўяди ва бу туйғуни поэтик сўз қудрати билан маънавий қурол даражасига кўтаради»<sup>1</sup>.

«XVIII аср туркман халқи учун мусибатлар даври бўлди. Уч томондан — Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Эрон шоҳлиги каби анча кучли қўшнилари қуршовида қолган туркманлар борган сари бепоён Ўрта Осиё чўлларининг унумсиз қумликларига чекиниб борди. Туркман халқининг душманлари унинг жанговар шон-шуҳратини яхши билганлар ва шунинг учун ҳар қанақасига бўлса ҳам, жасур туркман йигитларини ўз томонларига жалб этишга ҳаракат қилганлар. Бунга фақат бир йўл: туркман қабила бошлиқлари, хон ва бекларини ўзларига оғдириб олиш орқали эришиш мумкин эди. Бу мақсадга, ўз навбатида, туркман қабилалари ўртасига ўзаро низо уруғини сочган, уларни бир-бири билан уриштириб қўйган тақдирдагина етиш мумкин бўлар эди.

<sup>1</sup> Эркинов С. Махтумқули. 56-бет.

Махтумқули кўп сонли душманлари қаршисида туркманларни заиф ва ҳимояга муҳтож қилиб кўядиган бундай ўзаро ички урушлар халқ учун қандай даҳшатли оқибатларга олиб келишини ниҳоятда теран англади. Шунинг учун шоир шеърларининг асосий қисмини туркман қабилаларини ўзаро урушларни тўхтатиш ва нажотни ҳамжиҳатликдан излашга оташин чақириқлар ташкил этиши ўз-ўзидан тушунарли. Махтумқули учун туркман халқини сақлаб қолишнинг шартининг кўчманчилик давридаги қадимий шон-шавкати: беқиёс мардлиги, ҳамжиҳатлик туйғуси, кулфатда қолганларга ёрдамга тайёр туриш, меҳмондўстлик ва сахийлик каби фазилатларини асраш эканлиги ҳам тушунарли. Унинг қатор шеърларида чинакам мард йигит, баҳодир кишиларнинг ўз халқининг ноқобил фарзандлари — номардларга қарши қўйилиши бежиз эмас»<sup>1</sup>.

Шоир шеърларида яхши-ёмон, мард-номард, ҳалол-ҳаром, бой-камбағал, уруш-тинчлик каби ўзаро зид тушунчалар кўп учрайди. Хусусан, у кишиларни икки тоифага — мард ва номардга ажратади: унинг назарида мард — барча эзгу инсоний фазилатлар соҳиби бўлса, номард — ҳамма ёмон иллатлар тажассуми. Шунга мувофиқ, мардни кўплаб шеърларида улуғлагани ҳолда, номардни кескин танқид қилади. Бу иккисини икки қутбга қўйиб тасвирлайди.

Юз номард жойини босмас бир марднинг,  
Чекар ташвишини мард элу юртнинг.  
Қилган қилиғини кўринг номарднинг:  
Жангми дея қочар туман учраса...

Мард кутар меҳмонни очик юз билан,  
Номард қочиб қолар меҳмон учраса.

«Махтумқулининг ишқ-муҳаббат мавзuidaги шеърлари ҳам оҳангдорлиги, чуқур фалсафий моҳияти билан ажралиб туради. Шоирнинг ҳаёт ва ўлим, инсон ва борлик, гўзал инсоний фазилатлар ва одоб-ахлоққа оид шеърларида ислом дини ҳамда тасаввуфий қарашлар таъсири яққол сезилади»<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> *Бертельс Е.* Изучение истории туркменской классической литературы в Советском Союзе // Махтумқули (Сборник статей). Ашхабад, 1960 г. С. 194–195.

<sup>2</sup> *Каримов Б.* Махтумқули // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Тошкент, 2003 йил, 561-бет.

«Махтумқули асарларининг мавзулари, жанрий хусусиятлари, шаклий ўзига хослиги, асарлари тилининг ниҳоятда халқчиллиги билан кўп асрлик туркман адабиётини янги бир босқичга кўтарди. Шоир асарларининг етакчи ғояси бу — туркман ерлари устига ёпирилиб турадиган чет эл босқинчиларига барҳам бериш, тарқок яшаётган, ўзаро нифок ва зиддиятлардан зада бўлган қабила ҳамда уруғларни бирлаштириш билан осойишталик ва иттифоқликка асосланган қудратли бир давлатни барпо этишдек миллий ватанпарварлик ҳис-туйғуларидан иборат. Ана шу миллат манфаатлари йўлида қайғуриш, маърифатпарварлик йўли билан бу ғояни самарали кучга айлантириш шоир ижодининг асосига айланди. Бу йўлдаги изланиш, шеърят кучи билан юксак уфқларга талпиниш Махтумқулини ўз даврининг кўзга кўринган тараққийпарвар сиймоси даражасига кўтарди»<sup>1</sup>.

Ҳамидулла Ҳасанов ёзади: «Махтумқули Фироғий ниҳоятда зўр, таъсирли, халққа ёқадиغان, туркманга ҳам, ўзбекка ҳам ўз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бутун Шарққа машҳурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва ҳатто узоқ Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан куйлайдилар. Афғонистонда бир кекса туркман бахшиси борлигини эшитдим, у Махтумқули шеърларини маҳорат билан ижро этишда ном чиқаргани учун ўзини «Махтумчи» дер экан»<sup>2</sup>.

Махтумқули барча туркий халқлар қатори, ўзбек халқининг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Шоир шеърлари халқимиз орасида асрлар давомида машҳур бўлган. Асарларининг қўлёзмалари кенг тарқалиб, «тошбосмада ҳам Хива ва Тошкент шаҳарларида бир неча бор нашр қилинган, бир неча ўнлаб асарлари Тошкентда чиқадиغان «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган»<sup>3</sup>. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида Махтумқули шеърларини ўз ичига олган 5 та қўлёзма сақланади.

Махтумқули шеърлари Жуманиёз Шарипов, Жуманиёз Жабборов, Музаффар Аҳмедов, Мирзо Кенжабек,

<sup>1</sup> Эркинов С. Махтумқули. 55-бет.

<sup>2</sup> Ҳасанов Х. Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. 203—204-бетлар.

<sup>3</sup> Ўзбек адабиёти (Мажмуа). Тўртинчи жилд. 2-китоб. Тошкент, 1960 йил, 110-бет.

камина таржималарида ўзбек тилида бир неча марта чоп этилган, турли мажмуа ва дарсликларга киритилган. Ж. Шарипов, С. Эркинов, Қ. Тохиров, И. Ҳаққул, К. Қурамбоев, С. Қориев, М. Кенжабек, Б. Каримов, шулар сафида камина ҳам у ёки бу даражада шоир ижоди хусусида тадқиқотлар олиб борганлар. «Бўйларингга», «Намасан», «Юргинг келади», «Айлар», «Айрилдим», «Бўлмас», «Тўхтамас», «Қарамас», «Этмасин», «Кўзим тушди», «Ошиқ бўлмишам», «Устодингдан айрилма», «Кўринг» сингари бир неча ўнлаб кўшиқлари Комилжон Отаниёзов, Очилхон Отахонов, Отажон Худойшукуров, Бобомурод Ҳамдамов, Ортиқ Отажонов, Илёс Маллаев, Аҳмаджон Шукуров, Каримбой Рахмонов, Аҳрор Усмонов каби халқимизнинг сеvimли санъаткорлари томонидан ижро этилган. Ўзбекистон радио ва телевидениеси орқали ҳар куни Махтумқули шеърлари билан айтиладиган кўшиқлар янграб туради. Шоир «китоблари, шеърлари, панд-насихатлари кириб бормаган бирорта ўзбек хонадони йўқ, унинг номини билмаган биронта ўзбек йўқ»<sup>1</sup> десак, муболаға қилмаган бўламиз. «Махтумқули — бугунги кунда ўзбек маданий-адабий турмушида жуда оммавийлашиб, энг машхур сиймоларнинг бирига айланган»<sup>2</sup>.

## ҚИССАНАВИС АДИБ

Истиқлол йилларида диний-тасаввуфий мавзуларда қалам теbrатгани ёки ҳукмрон табақага мансублиги жиҳатидан унутишга маҳкум этилган кўплаб шоирларнинг ҳаёти ва ижоди ўрганилди, дурдона мероси халқимизга етказилди. XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ҳисорда яшаб ижод этган, ўзининг «Қиссаи Иброҳим бинни Муҳаммад», «Қиссаи Шахзода Баҳром ва Гуландом», «Қиссаи Ҳамроҳ ва Хурлиқо», «Равзат уш-шухадо», «Аҳтамнома», «Вайс ул-Қаран», «Зайн ул-Араб» каби ишқий ва диний мавзудаги дostonлари билан нафақат ўзбеклар, балки бошқа туркий халқлар ўртасида ҳам машхур бўлган Собир Сайқалий Ҳисорий ҳам ана шундай ўзбек мумтоз адабиётидан муносиб ўрнини топмай келаётган шоирлардан ҳисобланади. 2004 йили филология фанлари номзоди

<sup>1</sup> *Махтумқули*. Сайланма. Тошкент, 1995 йил, 92-бет.

<sup>2</sup> Ўша ерда.

Сайфиддин Сайфуллоҳ билан америкалик тадқиқотчи Довуд Хунзикер унинг Мухаммад алайҳиссаломнинг набиралари, Ҳазрат Алининг ўғиллари — Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнларнинг фожиали қисматига бағишланган машҳур «Равзат уш-шуҳадо» («Шаҳидлар боғи») асарини нашрга тайёрлаб, чоп эттирдилар.

Халқ қиссалари руҳида, жангнома усулида, енгил ва равон услуб, содда ва самимий тилда ёзилган бу асар Октябрь инқилобидан олдин кўплаб кўчирилган, ўтган аср бошларида эса тошбосма йўли билан нашр қилинган ва туркий халқлар томонидан севиб ўқилган. Китобхонлик кечаларида қахрамонлик қиссалари қаторида мутолаа қилинган. Собир Сайқалийнинг халқимиз орасида қанчалик машҳур бўлганлигини шундан ҳам билса бўлади.

«Равзат уш-шуҳадо», «Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн қиссалари», «Қиссаи Сайқалий», «Китоби Сайқалий» номлари билан машҳур бўлган бу асар икки қисмдан иборат бўлиб, 9000 минг байтдан ортиқ. Биринчи қисм пайғамбарлар тарихи билан бошланиб, Имом Ҳасаннинг фожиали ўлими билан ниҳоясига етади. Иккинчи қисм Имом Ҳусайннинг Қарбало даштида оила аъзолари ва асҳоблари — жами 72 кишининг шаҳид бўлишлари тасвирига бағишланган.

Пайғамбар авлодининг қирғин қилиниши — Ислом тарихидаги энг фожиали воқеа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу воқеага бағишлаб кўплаб илмий, тарихий ва бадий асарлар ёзилган. Шарқ шоирлари ижодида бу воқеа асосий мавзулардан ҳисобланган — махсус «Қарбалонома»лардан ташқари, шоирлар ўз асарларида бу фожиага турли ишоралар қилганлар.

«Равзат уш-шуҳадо» мутолааси Собир Сайқалийнинг ўзбек адабиётидаги моҳир қиссанавислардан бири бўлганлигини кўрсатади. Чунки ислом тарихи, пайғамбарлар ва саҳобалар ҳаётини қаламга олишдан бошланган асарнинг ҳар бир боби у ёки бу даражада Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн қисматига келиб боғланади. Бу асарни бутун маъно теранлиги билан тушуниш ва таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Чунки ислом тарихи, пайғамбар ва саҳобаларнинг машаққатли ҳаётидан етарли даражада хабардор бўлган ўқувчи Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайнлар фожиасини бутун даҳшати билан хис қилади, эзгулик ва ёвузлик, маърифат ва жаҳолат ўртасидаги азалий ва

абадий курашнинг мазмун-моҳиятини теран тушунади, бу кайғули қиссадан тегишли хулоса чиқаради.

Бани башар кўзининг очилиши, унга абадий сабоқ бўлиши учун бу фожиа тақдири азалда белгилаб қўйилган эди: пайғамбар авлодининг фожиали қисмати одам боласи жаҳолати ва ёвузлигининг қанчалик оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигининг ҳаётий исботидир. Афсуски, аҳли муслим ўзини огоҳликка даъват этган бу буюк фожиадан тегишли хулоса чиқариб олмади — дин никобидаги қирғинбарот урушлар, турли террористик-экстремистик ҳаракатлар шундан далолат беради.

Кенг ўқувчилар оммасига мослаб, халқчил руҳда ёзилган «Равзат уш-шуҳадо»нинг тили содда ва тушунарли, услуби енгил ва равон.

Шоир ташбеҳ, талмеҳ, тажнис, тазод, такрор, ирсоли масал, лутф, муболаға каби бадий санъатлардан фойдаланиб, асарнинг таъсирчанлиги, бадий юксаклигини таъминлашга эришган. Хусусан, муболаға санъатини маромига етказган. Чунончи, Муҳаммад алайҳиссалом уч минг ботмон келадиган тошни худди киши кўйнига бир нонни солган каби осонгина кўтарди, дейди. Имом Муҳаммад Ҳанафия жанг майдонига кириб келар экан, унинг ҳайбатидан ер ёрилиб келар эди, деб лутф этади. Имом Хусайн хаворижлар билан муҳораба олиб борар экан, уларнинг бошини хазон бўлган баргдек тўкади. Имом Ҳасаннинг ўғли Абдулло эса, бир зарба уриб, Қофни Чинга келтиради.

Сайқалий қатор оҳорли ва гўзал ташбеҳларни ҳам қўллаган. Масалан, Юсуф алайҳиссаломнинг чоҳдан тортиб олинишини ойнинг булут бағридан чиқишига ўхшатади. Мусулмонларнинг Уҳуд тоғида мушриклар куршовида қолганларини ой ва юлдузларнинг булут ичида қолганларига нисбат беради. Ҳазрати Умарнинг куфрдан воз кечиб, исломга кирганини «Учиб зоғи кўлидин, кўнди шахбоз» тарзида образли ифодалайди.

С. Сайфуллоҳ ва Д. Хунзикер бу муҳим ва салмоқли ишга катта тайёргарлик билан киришганлар. Нашрга С. Сайфуллоҳнинг шахсий кутубхонасидаги 1842 йилда кўчирилган қўлёзма ва икки тошбосма нусха асос қилиб олинган. Лекин тадқиқотчилар бу билан кифояланмай, матнни имкон қадар мукамаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон



Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган 8276, 5603, 13088 рақамли қўлёзмаларга ҳам мурожаат қилишган.

Асар қадим туркий, форсий, арабий сўз ва ибораларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шуни ҳисобга олиб, С. Сайфуллоҳ ва Д. Хунзикер ҳозирги ўқувчига тушуниши қийин бўлган 1300 га яқин сўз ва иборалар, исломий исм ва тушунчаларга изох берганлар. Бу асарни янада тўлиқроқ тушуниш, моҳиятини теранроқ идрок этишга кўмаклашади.

Собир Сайқалий Ҳисорий ўзининг салмоқли ва ранг-баранг мероси билан ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўрин тутади. Туркий халқлар орасида машҳур бўлган, халқимиз юрагидан ҳам чуқур жой олган бу халқчил шоир асарларини халққа тўлиқ етказиш ва унинг мумтоз сўз санъатидаги ўрнини тайин этиш ўзбек адабиётшуносларимиз олдидаги масала эди. Собир Сайқалийнинг энг машҳур ва энг салмоқли «Равзат уш-шухадо» асарини биринчи марта тўлиқ ҳолда кенг ўқувчилар оmmasига етказиш билан нашрга тайёрловчилар ўзбек мумтоз адабиётидаги яна бир бўшлиқни тўлдирдилар.

## БУХОРО БЕДИЛИ

Мирзо Муҳаммад Содик ибн Абдували Мунший Жондорий Бухорий XVIII аср иккинчи ярми — XIX аср бошлари ўзбек ва тожик адабиётининг етук намояндаси. 1753—1758 йиллар оралиғида Бухоро вилояти Жондор туманидаги Хайробод қишлоғида туғилган. 1819 йили Қаршида сирли равишда ўлим топган.

Чуқур билими, чиройли ҳуснихати, истеъдоди ва донолиги билан халқ ичида танилган бу йигитни дастлаб Жондор қозиси ўзига мирзабоши қилиб олади. Бу ерда ўзини фақат яхши томондан кўрсатган Содикнинг таърифи Бухоро амири саройигача етиб келади. Бухоро амири Дониёл оталиқ таклифи билан саройга келган Содик Жондорий амир Шохмурод ва амир Ҳайдарлар ҳукмронлиги даврида ҳам сармунший (бош мунший) бўлиб хизмат қилади. У сармунший сифатида давлатга тегишли барча ишларга фаол аралашган, унинг саройдаги мавқеи жуда баланд бўлиб, амирликка алоқадор барча ҳужжатлар унинг қўлидан ўтар эди. Амир Шохмурод ва

Амир Хайдарларнинг турли юришларида иштирок этган, чунончи, Амир Шохмуроднинг Эрон ва Афғонистонга қилган юришларида бирга бўлган, уларни мактаб қасида ва китъалар ёзган.

Мирзо Содик бир умр ўқиш-изланиш, ўз устида иш-лашдан чарчамаган. Саройда муншийлик қилиш билан бирга, Бухородаги нуфузли мадраса ва мударрисларга қатнаб, тахсилени камолга етказган, мумтоз Шарқ адабиётини чуқур мутолаа қилиб, маҳоратини оширган. Раҳматулло Возех, Мирсиддиқ Ҳашмат, Мирзо Абдулазим Сомий, Садр Зиё, Носеҳ Хатлоний, Хумулий Ургутий, Хожи Ҳакимхон каби даврнинг машҳур олим, шоир, муаррихлари Мирзо Содикнинг иншо санъатидаги маҳорати ва бадий салоҳиятига юксак баҳо берганлар. Форсий сўз санъатининг забардаст намояндалари Шайх Саъдий ва Хўжа Хофиз анъаналарини шеърятда давом эттирганлиги, сабки хиндий — хинд услубида ижод қилган Соиб Табризий ва Мирзо Абдулқодир Бедилга эргашганлигини назарда тутиб, уни Абулмаонийи соний (иккинчи Абулмаоний, иккинчи маънолар отаси), Бухоро Бедили деб улуғлаганлар. Мирсиддиқ Ҳашмат «Тазкират уш-шуаро» асарида уни «Абулмаонийи соний» («Иккинчи маънолар отаси» — биринчиси Мирзо Бедил) деб атаган бўлса, Носеҳ Хатлоний «Мажлисифрўз» («Мажлис аҳлининг гули») маснавийсининг муқаддимасида «сўз иқлимининг шаҳаншоҳи» деб атайди. Раҳматуллох Возех: «Бадихагўйлик, ҳозиржавоблик ва сўзни топиб айтишда даврининг яғонаси эди», — дейди. Чунки у Бухоро адабий муҳитининг пешқадам шоири бўлган.

Мирзо Содик тарих, ҳадис ва луғат илмларида ҳам маълум ва машҳур бўлган. Бизгача Мирзо Содик асарларини ўз ичига олган жами 41 та қўлёзма етиб келган.

Баъзи манбаларда шоирнинг лирик мероси 15 минг байт атрофида деб айтилса-да, Мирзо Содик ҳаёти ва ижодини ўрганган тожик олими У. Каримов ва ўзбек олимаси Д. Каримоваларнинг маълумотига кўра бизгача улардан 4670 байти етиб келган. Унинг икки девони ва бир муншаот тўплами мавжуд. Биринчи девони 345 ғазал, 14 мухаммас, 59 рубоий, 20 китъа, 2 қасида, 34 муаммо ва 20 фардни ўз ичига олган бўлса (2291 байт), иккинчиси «Дахмаи шохон» («Шохлар қабристони»), «Рафъи тумани Охугиру Хайробод» («Охугир ва Хайро-

бод туманларига саёҳат»), «Қазову қадар» («Қисмат»), «Ошиқ шудани дарвеш ба духтаре» («Дарвешнинг бир қизга ошиқ бўлгани») маснавийлари ҳамда 33 та таърих-қитъа (2400 байт)дан иборат.

Мирзо Содик «Ахлоқ» номли бир рисола ҳам ёзган. Бу рисола 1890 йили Хусайн Хоразмий томонидан ўзбек тилига таржима қилинган. У номидан ҳам кўриниб турганидек, инсоний камолот учун муҳим мавзу — тарбия масалаларига бағишланган. Назм аралаш насрда ёзилган ушбу рисолада ахлоқнинг асосий рунлари назарий ёритилиб, улар ҳадислар ва донишмандларнинг хикматлари, панд-насихат руҳидаги шеърлар билан тўлдирилади. Унинг хизмат тақозоси билан ёзган мактублари ва хужжатлари ҳам бир тўплам ҳолига келтирилиб, унга «Муншаот» деб ном берилган. Шунингдек, у моҳир ва хушхат хаттот ҳам бўлган: бир қанча баёзлар тузган.

Мирзо Содик ўз истеъдодини кўпроқ ғазалларида намоён этган. Унинг ғазаллари ёник ҳис-туйғуларга йўғрилган, бадий тасвир воситаларига бой, мазмуни теран, фалсафаси қуюқ, шаклан гўзал ва мукамал. Шоир гарчанд анъанавий мавзуларда қалам тебратган бўлса-да, оҳорли фикрлар айтишга, ўзининг янги фикру мулоҳазаларини ифодалашга, шу тариқа анъана бағрида янгилик яратишга интилади:

Бошад муҳаббат ончунон покиза дурри бебаҳо,  
Натвонад ўро доштан хар сифлаю дун дар бағал.

Мазмуни: «Муҳаббат шундай покиза гавҳарки, хар қандай пасткаш ва тубан кимса ҳам уни бағрида асрол-майди».

Шоир шеърлари оҳорли фикрлар, ташбеҳу тимсолларга бой: у ҳамиша янги фикрни образли усулда ифодалашга интилади. Чунончи:

Ба хобат, гуфти, хоҳам омадан имшаб, чи суд аммо,  
Ки аз шоди намеояд маро дар дида хоб имшаб.

Мазмуни: «Бу кеча тушингга кираман, деб ваъда қилдинг, афсуски, бу орзу амалга ошмайдиганга ўхшайди, чунки энди қувонганимдан кўзимга уйқу келмаяпти».

Маълумки, Соиб ва Бедил каби Ҳиндистондаги форсий адабиёт намояндлари ғазал жанрини ҳам шаклан, ҳам мазмунан янгиладилар, унинг мундарижасини кен-

гайтирдилар. Шу тарика, хинд услуби сифатида улар ғазалчиликка киритган янгилик Шарқ мамлакатларида машхур бўлди. Садриддин Айнийнинг ёзишича, XVIII аср охири ва XX аср бошларигача яшаб ижод қилган ўзбек ва тожик шоирларининг аксарияти Бедилга эргашган, унинг таъсирида бўлган. Содикнинг қатор ғазаллари ҳам худди шу — хинд услубида ёзилган.

Хинд услубининг моҳияти шундан иборатки, биринчи мисрада шоир бир фикрни илгари суради, иккинчи мисрада уни тасдиқловчи хикматли ёки образли фикрни келтиради. Бу услубда битилган шеърларнинг бадий теран ва юксаклиги ҳам, уларни тушунишнинг оғир ва мураккаблиги ҳам шунда. Айни жиҳатдан улар кўпинча бир-бирига боғланмагандай ҳам туюлади, алоҳида-алоҳида мустақил мисралардай таассурот қолдиради. Улар аслида шаклан эмас, мазмунан, зоҳиран эмас, ботинан боғланган. Чунончи, Мирзо Содикнинг:

Алоиқ мениҳад домони ҳожат бар кафи золим,  
Набошад заҳмати чоки гиребон шахси урьёнро, —

байтидаги мисралар зоҳиран қараганда бир-бирига боғланмайди, улар ўзича мустақил. Биринчи мисрада «Дунёга хирс қўйиш эҳтиёж этагини золим қўлига тутиб беради», яъни манфаат бўлмаганда биров-бировга муҳтож бўлмас эди, деган фалсафий фикр ифодаланган. Иккинчи мисрада эса «Яланғоч киши ёқасини чок этиш ташвишидан холи, чунки унда ёқаниннг ўзи йўқ», деган тамомила бошқа бир мулоҳаза акс этган. Бу икки мисрани бир-бирига боғлайдиган мантиқ қуйидагича: «Яланғоч киши ёқасини чок этиш ташвишидан холи бўлгани сингари манфаати бўлмаган одамнинг ҳам бировга эҳтиёжи йўқ». Дарҳақиқат, бировни улуғу бировни тубан қилувчи, бировнинг бошини кўкка етказиб, бировнинг бошини ерга текизувчи айнан манфаат ва эҳтиёждир. Бу иккисидан холи бўлган кишининг бировга боғлиқлиги ҳам, эҳтиёжи ҳам бўлмайди.

У ҳам буюк салафлари каби илоҳий ишқни ёниб қуйлайди. Қуйидаги байтида у ана шу буюк ишққа мубтало бўлганлиги учун ҳам ўз шеърларидан ҳаддан ташқари дард хиди келишини лутф этган эди:

Аз ин тарзи ғазал бисъёр бўи дард меояд,  
Ба дарди ишқ Содик мубтало будаст, донистам.

Самандар Воҳидов таржимаси:

Бу тарз битган ғазаллардан нукул дард хиди анқийди,  
Нетай, ишқ дардига Содик мубтало эркан, билиб олдим.

Содикнинг бутун умри шоҳлар хизматида ўтган бўлса-да, фақирона кун кечирган. Чунки у таваккул этагини маҳкам тутиб, тама ёқасидан сира бошини чиқармаган:

Накардам ҳеч сар аз гиребони тамаъ берун,  
Биҳамдиллах, ки домони таваккул буд дар дастам.

Мана бу қитъасида шоир ўзининг фақирлиги, омадсизлигидан нолиш баробарида, ўз фазлу камолидан шукроналик туйғуларини изҳор этади:

Содик аз рўзгор шокир бош,  
Нест ғам, гар на симу зар дори.  
Бар ту бас он жавоҳири маъни,  
Садафи сина пургуҳар дори.

Мазмуни: «Содик, агарчи молу дунёнг бўлмаса-да, ҳаётингдан шукр қил: кўксинг садафининг маъни дурларига лиммо-лим эканлигининг ўзи сенга кифоя эмасми?»

Ўтмиш шоирларидан бирининг киноя билан айтган гўзал бир байти бор: «Агарда подшоҳ кунни тунга менгазб, куёшни ой деса, сен шартга унинг бу гапларини маъқуллаб, тўппа-тўғри, ана атрофида юлдузлар ҳам ғужғон ўйнаяпти, дейишинг керак...» Бу байтда подшоҳнинг атрофидаги одамларнинг ҳолати жуда тўғри ифодаланган. Содик ҳам Бухоро амирлари саройида муншийлик билан умр кечирган. Унинг кўпгина шеърларида ана шу саройдаги муте ҳаёти, қафасдаги қушдек ҳолати ўз аксини топган. У бир шеърда аблахларнинг бемаъни сўзларини «Офарин!» деб қўллаб-қувватлаб туришдан ҳам ортиқ азоб борми деб ёзади:

Худ чи бошад з-ин батар к-аз изтироби рўзгор,  
Хар чи гўяд аблаҳе аҳсант бояд гуфтанам.

Содик рубоийлари хайёмона чуқур фалсафий мазмунга эгаллиги билан ажралиб туради:

Не лутфи бутони сарвакд мемонад,  
Не жаври рақиби деу дад мемонад.

Неку бади рўзгор ҳама даргузар аст,  
Не нек ба оламу на бад мемонад.

Мазмуни: «Бу дунёда на сарвқад махбубаларнинг лутфию ва ёвуз душманларнинг жабри қолади. Ҳаётнинг яхшию ёмонлиги ҳам ўткинчидир: оламда на яхши қолади-ю, на ёмон!»

Бу дунёнинг ғаму қувончи ўрин алмашиб туради: бугун қувонч меҳмон бўлса, эрта у ўз ўрнини ғамга бўшатиб бериши мумкин. Ғам фақат сенинг насибанг эмас, бошқалар ҳам ундан бебаҳра қолмайдилар. Демак, бошига ғам тушганда киши ўзини икки жиҳатдан овутиши керак: биринчиси: — ҳар қандай ғам ҳам абадий эмас, у бир куни ўз ўрнини қувончга бўшатиб беради; иккинчиси — ғам фақат сенинг эмас, балки барчанинг пешонасида бор.

Ўзбек адабиётшунослигида Хоразм ва Қўқон адабий муҳити анча-мунча ўрганилган Бухоро адабий муҳити эса бир қадар четда қолиб кетган. Улар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, дурдона асарларини халққа етказиш ўзбек адабиётшунослигининг кечиктириб бўлмас вазифаларидан ҳисобланади.

Бухоролик олима ва шоира Дилором Каримова шоирнинг манзумаларини тадқиқ этди. Самандар Воҳидов эса шоирнинг бир неча ғазалларини таржима қилди. Бу улуг шоир ижодини ўрганиш ва халққа етказиш йўлидаги дастлабки қадамлардир. Адабиётшуносларимиз бу ҳассос санъаткор ҳаёти ва ижодига эътибор қаратадилар, унинг асарларини тадқиқ этадилар ва меросини халққа етказдилар, деб умид қиламиз. Бу ўзбек адабиётини яна бир ўзига хос забардаст шоир билан бойитиши шубҳасиз.

## ОТАШНАФАС ШОИР

Шоирлар армондан туғиладилар, шеър — изтироб фарзанди, сўзда дард бўлмаса, кўнгилга таъсир қилмайди, деган гаплар бежиз айтилмаган. Мужрим-Обиднинг бевафо дунё, адолатсиз замон, оқибатсиз кишилар мазаммат қилиб ёзилган оташин мисраларини ўқир экан, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз. Чекига оғир қисмат тушган шоир учун қалам — суянчик, қоғоз — сирдош, шеър — табиб, сўз — малҳам бўлди. Улар воситасида

Мужрим-Обид олам ва одам, шахс ва жамият, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва хиёнат, инсоний фазилатлар, қусурлар ва бошқалар хусусидаги барча ўй-фикрлари, бор туйғу кечинмаларини шеърят китобига нақшлаб кетди.

Мужрим-Обид XVIII асрнинг иккинчи ярми — XIX асрнинг биринчи чорагидаги Бухоро адабий муҳитининг забардаст вакилларида бири ҳисобланади. У зуллисонан шoir бўлиб, туркий ҳамда форсийда қалам тебратган. Туркий ижодида Алишер Навоий ва Бобораҳим Машраб, форсий шеърларида Мирзо Бедилга издошлик қилган Мужрим-Обид ўзбек мумтоз сўз санъати тарихида алоҳида ўрин тутди.

Мужрим-Обид Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Кумушкент қишлоғида туғилган. Шоирнинг таржимаи холи ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас. Баъзи манбаларда ўзининг исми Обидхўжа, отасининг исми Миракхўжа эканлиги қайд этилган. У 11 ёшига қадар ўз қишлоғида, кейин Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил кўради.

Шoир ҳаёти Бухородаги аштархонийлар сулоласи инқирозга учраб, манғитлар ҳокимият тепасига келган алғов-далғов бир даврда кечди. У манғитлар сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳим (1747—1753), Амир Дониёлбий оталиқ (1753—1785), унинг ўғли Амир Шохмурод (1785—1800), зурриёди Амир Ҳайдар (1800—1827)лар ҳукмронлик қилган йилларда яшаб ижод этди. Шоир, асосан, Амир Шохмурод ва Амир Ҳайдар замонида шуҳрат топди. У Амир Ҳайдар саройида мубоширлик вазифасида ишлаган. Мужрим-Обиднинг Амир Ҳайдар назарига тушишига унга атаб ёзган қасидаси сабаб бўлган, деган қарашлар бор. Бу қасидасида у Амир Ҳайдар ва унинг фарзандларини мадҳ этган. Аслида Мужрим-Обиднинг саройга жалб этилишида шу даврда амирлик девонининг бош муншийси сифатида фаолият кўрсатган забардаст сўз устаси Мирзо Содик Мунший Жондорийнинг ёрдами бўлган, ушбу қасидасини шоир ҳукмдор қўл остида ишлаётган вақтида ёзган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмаски, бунга кейинги тадқиқотлар ойдinлик киритади.

У дастлаб Мужрим таҳаллуси билан шеър ёзган. Мужрим — гуноҳкор дегани. Худованди карим олдида гуноҳкорлик маъносида ўзига бу таҳаллусни танлаган. Лекин XIX асрнинг бошларида Амир Ҳайдар унга Обид таҳаллуси билан шеърлар ёзишни амр этади.

Обид — ибодат қилувчи, парҳезкор, тақводор демакдир. Гарчанд Обид таҳаллуси остида ижод қилишга киришган бўлса-да, у Мужрим таҳаллусидан ҳам воз кечмаган, кўпчилик ғазалларида эса ҳар иккала таҳаллусини ба-равар қўллаган.

Мужрим-Обид — соҳибдевон шоир. Ўзбекистон Респуб-ликаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар хазина-сида унинг туркий девонининг уч қўлғезма нусхаси 976, 1797, 3798 рақамлари, форсий девони 991 рақами остида сақланади. Шоирнинг 206 ғазални ўз ичига олган фор-сий девони мукаммал эмас. Туркий девони 459 ғазал, 82 қитъа ва рубоий, 10 мухаммас ва «Ҳасби ҳол» деб ном-ланган маснавийсидан таркиб топган. Мухаммасларнинг 7 таси Навоий, биттаси Бедил ғазалига боғланган. Икки мустақил мухаммаснинг бири туркий бўлса, иккинчиси форсий. Туркий ва форсий ғазаллари нисбати Мужрим-Обиднинг сон жиҳатидан ўзбек адабиётида энг кўп ғазал ёзган шоирлардан бири эканлигидан гувоҳлик беради.

Мужрим-Обид мероси ҳозиргача тўла ҳолида нашр этилмаган. 1960 йили таниқли шарқшунос олим Рустам Комилов шоирнинг 47 ғазал, Навоийга боғланган 3 му-хаммас ва «Ҳасби ҳол» маснавийсини нашрга тайёрлаб, «Ғазаллар» номи остида босмадан чиқарган. Бу мўъжаз тўпламга унинг «Мужрим-Обид» номли кириш мақоласи ҳам илова қилинган. 1996 йили Мужрим-Обид ижоди-нинг тадқиқотчиси Ғафуржон Эшмонов шоирнинг 80 та рубоий ва қитъасини «Рубоий ва қитъалар» номи билан алоҳида тўплам ҳолида нашр эттирди.

Мужрим-Обид ҳақида қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, шоир таржимаи ҳолининг барча жиҳатлари ойдинлаштирилган эмас, ижодининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳам етарли даражада кенг ва чуқур очиб берилмаган. Бу ҳол унинг ҳаёти ва ижоди-ни ўрганиш, асарларини нашрга тайёрлаш борасидаги ишларни яна давом эттиришни тақозо қилади. Хусусан, шоирнинг форсий ижоди тадқиқот доирасидан четда қолиб келмоқда. Ҳолбуки, Бедилга эргашиб сабки хиндийда ғазаллар битган Мужрим-Обиднинг форсий мероси ҳам бадий жиҳатдан юксак эканлиги шубҳасиз.

Мужрим-Обид ижодини кўздан кечирганда, шоир шеъриятида икки йўналиш устуворлигини кўрамыз:



биринчиси — анъанавий услубдаги ишқий ғазаллар, иккинчиси — дунё, замон, одамлардан ҳасрат-шикоят руҳидаги исёнкор шеърлар. Унинг кичик жанрдаги асарлари — қитъа ва рубоийларида эса асосан маънавий-ахлоқий қарашлари, панд-насихатлари акс этган.

Мужрим-Обид Шарқ сўз санъатининг пешқадам шоирлари анъанасини давом эттириб, шаклан гўзал, мазмунан теран, бадиий юксак асарлар яратди. Уларда гоҳ сўфиёна руҳ устунлик қилса, гоҳ дунёвий муҳаббат талқинларини кўрамиз, баъзида эса ҳақиқий ва мажозий ишқ тасвирлари ажойиб бир тарзда омикталлашиб кетган. Шоир шеърлари оҳорли ва нозик ташбеҳу тимсолларга бой, услуби содда ва равон, уларда ёниқ қалб соҳибининг ҳароратли нафаси сезилиб туради.

Маълумки, ишқ дардига даво йўқлиги, унинг олдида табиб ҳам ожизлиги хусусида Шарқ мумтоз шеъриятида «кўб ва хўб» ёзилган. Мана бу байтида шоир айтиб фикрни ижодий ривожлантириб, ишқ дардига келганда табибнинг заифу музтарлигини-ку бир четга қўйинг, бу борада ҳеч нарсага ярамаслигини кўриб, ҳатто давонинг ўзи ҳам зор йиғлайди, дейди:

Сўрарман ҳар табибдан: «Ишқ дардига даво борму?»  
Табиб дармонда қолгай, холи зоримга даво йиғлар.

У ўз шеърларида халқона қарашлар, ташбеҳу тимсоллардан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Чунончи, қуйидаги байтида маъшуқасига шунчаки халқ кўзидан яширинча кулбамга ташриф эт, дейиш ўрнига, худди пари каби кўздан ниҳон бўлиб кел, дейди. Зеро, пари ҳар қандай кишининг кўзига ҳам кўринавермайди:

Жисмим ичинда шишаи жондур мақомингиз,  
Монандан пари ҳама кўздан ниҳон келинг.

Шоирнинг халқона содда ва самимий услубда ёзилган «Ёргинамни бир кўрсам» радифли гўзал ғазали эса қўшиққа айланиб, кўп йиллардан буён севиб ижро этиб келинади:

Кўнглим очилур гулдек ёргинамни бир кўрсам,  
Хизмат айларам кулдек ёргинамни бир кўрсам.

Ул маҳи паринайқар, илгида зару зевар,  
Ҳар каломни жонпарвар, ёргинамни бир кўрсам.

Орази чаман оро, кўнгли пораи хоро,  
Шони-шавкати доро, ёргинамни бир кўрсам.

Тоза дилбарим келсун, меҳрпарварим келсун,  
Шўри маҳшарим келсун, ёргинамни бир кўрсам.

Ҳар замон чекарман дод, ёримни килурман ёд,  
Оҳу нолаю фарёд, ёргинамни бир кўрсам.

Мужрими адойи ман, зору бенавойи ман,  
Кўйида адойи ман, ёргинамни бир кўрсам.

Шоирнинг 7 нафар фарзанди — икки ўғилу беш қизи бўлган. Лекин у амалидан айрилиб, маошсиз қолгач, хотини ҳам, болалари ҳам унга қарамай қўйишади. Бу ҳақда «Ҳасби ҳол» маснавийсида, жумладан, шундай мисраларни ўқиймиз:

Икки ўғилу беш қиз бариси,  
Ҳар бири бўлдилар бир уй эгаси.  
Ҳар ким ўз рўзғори бирла хуш,  
Кўҳна вайронада ман била бойкуш.  
Кўрдиларким отада йўк дирҳам,  
Бориш-келишни қилдилар барҳам.  
Волидалари бевафо бўлди,  
Бизга бўлди наким жафо бўлди.  
Ушбу қаридин этмадилар ёд,  
Анинг учун ману кўнгул ношод.

Ана шу даврдан бошлаб унинг ижодида ҳасрат-шикоят оҳанглари кучаяди: амир-амалдорлар ёшлигида унинг истеъдоду ғайратидан фойдаланиб, қариганда бир четга суриб қўйдилар; пул топиб турганида ёнида парвона бўлган аёлу фарзандлари маошсиз қолгач, уни ташлаб кетдилар; бирор наф кўриш илинжи қолмагач, бошқа дўсту яқинлари ҳам ундан узоқлашдилар. Шу тариқа, шоир умрининг шомида оиласиз, инсиз, дўсту яқинсиз — ёлғизлик, қашшоқлик, қариллик ва касаллик исқанжасида қолди. Мужрим-Обиднинг фигони фалакка чиқиб оҳу фарёд чекиши, бевафо дунё, адолатсиз замон, оқибатсиз кишиларни мазаммат қилиб, оташин шеърлар ёзиши шундан. Ҳазалларидан бирида у дарду ғам тоғию ранжу алам хирмони билан қолганлигини чўнг бир қайғу-ҳасрат билан қуйидагича тасвирлайди:

Кетарман даҳрдин бир кун — қолур ранжу алам мерос,  
Ки қолғондек ғанийлардин неча молу хашам мерос.

Эмасдур ҳеч давлатманд ман монанд мустағний,  
Қолур мандин ҳамоно ҳеч туганмас дарду ғам мерос.

Шарқ мумтоз сўз санъатида Исо Масиҳ нафаси ўликни тирилтирадиган пайғамбар сифатида улуғланиб, баъзида бир қиё боқиши, бир табассуми, бир оғиз сўзи билан ошиққа жон бағишлайдиган маъшуқа унга нисбат берилади. Қуйидаги байтида шоир ана шу анъанавий ташбехдан фойдаланиб, гўзал бир бадий фикрни илгари суради — Исо Масиҳ балки ўликни тирилтирар, лекин менинг дардимга даво топишга ожиз:

Сихатликдан умидим йўк, табиблар миннатин чексам,  
Агар Исо ёнимга келса, дардимга даво бўлмас.

Бошқа бир ўринда эса мен шунчалик қонли ёш тўкаманким, унинг гирдобида фарқ бўлмай десангиз, кўч-кўронингизни кўтариб, тезроқ бу ерни тарк этинг дейди:

Кўчинг, э мардумки, бир кун бўлғайсиз фарқи хун,  
Мунча селоби балоқим, чашми гирёнимдадур.

Шоир ўз шеърларида халқона ташбехлар, образли сўз ва иборалардан ҳам маҳорат билан фойдаланади. Чунончи, бойқуш — вайроналар шоҳи, айни пайтда, ганжнинг манзили ҳам — вайрона. Кимсасиз қолган Мужрим-Обид ўзини бойқушга, хароба кулбасини — вайронага ўхшатади. Фарқ шундаки, бойқуш — бахил бўлса, у — сахий, вайронада — ганж бўлса, унинг уйида фақат дарду алам бор:

Хар кима дарди алам даркор, келсун — манда бор,  
Чўғзи олийҳимматам, бу ганж вайронимдадур.

Шундай қилиб, Шарқ мумтоз сўз санъатининг илғор анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган, дунё, жамият ва инсон феъл-атворининг турфа манзараларини ҳаққоний ва катта маҳорат билан тасвирлаган Мужрим-Обид ижоди ўзбек адабиётининг ёрқин саҳифаларидан бирини ташкил этади.

## СЎЗЛАРИ — ИШҚ РАМЗИ

Таниқли ўзбек шоираси Жаҳон отин — Увайсий 1779 йилда Марғилон шаҳридаги Чилдухтарон маҳалласида маърифатли оилада дунёга келади. Отаси Сиддиқ бобо мадрасани тугатган, адабиёт ва мусиқа илмини яхши эгаллаган зиёли киши бўлиб, косиблик билан кун кечир-

ган. Ўзбек ва тожик тилларида Файзий тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Уни Хофиз бобо деб ҳам аташган. Онаси Чиннибиби ҳам саводли аёл бўлиб, мактабдорлик қилган ва ўз атрофидаги меҳнаткашларнинг болаларини ўқитган. Онасидан хат-савод чиқариб, отасидан араб ва форс тиллари ҳамда адабиётини, акаси Охунжон хофиздан мусиқа илми, дутор ва танбур чалишни ўрганиб олган Жаҳонбиби тез орада онасининг ёнига кириб отинлик қилган. Отаси ёш вафот этиб, онаси билан қолган Жаҳон отин мустақил равишда Хофиз, Жомий, Навоий, Фузулий ва Бедил асарларини мутолаа қилади ва ўзи ҳам шеърлар ёзиб, Увайсий номи билан шуҳрат қозонади. Шарқ сўз санъатининг бу каби забардаст намояндаларини ижод йўлида ўзига устоз деб билгани, улардан муттасил ўргангани, уларга эргашгани, улар таъсирида қалам тебратгани ҳам шоиранинг шеърый истеъдоди ва бадиий диди нақадар баланд бўлганлигини кўрсатади.

17 ёшида Ҳожихон (баъзи манбаларда Тожихон) исмли маърифатли кишига турмушга чиқиб, ундан икки фарзанд — Қуёшхон исмли қиз ва Муҳаммадхон деган ўғил кўради. Ота-онасидан сўнг умр йўлдошидан ҳам ажралиб, икки боласи билан бева қолган Увайсий «унинг хотирасини ҳурматлаб, умрининг охирига қадар бошқа киши билан турмуш қурмаган»<sup>1</sup>.

Увайсий ҳаёти шунчалик афсона-ривоятларга кўмилиб кетганки, уларнинг қайси бири ҳақиқату қайси бири сохталигини ажратиш қийин. Биринчи гуруҳ ривоятларга кўра, шоирани Нодира Қўқонга чақиртириб олиб, саройдан жой беради. Маълумки, турли сабаблар билан ҳарамга келтирилган қизларга Нодира мураббийлик қилиб, уларнинг хат-саводини чиқарган, адабиёт ва мусиқа илмларидан сабоқ берган. Бу ишда Жаҳон отин унинг яқин кўмакчисига айланган. Шу билан бирга, у Нодира билан ижодий ҳамкорлик қилади. Конибодом, Хўжанд, Ўратепа, Тошкент, Андижон шаҳарларига саёҳат қилиб, ижодий доиралар билан танишади, улар билан ижодий алоқа ўрнатади. Лекин уч-тўрт йилдан кейин саройни тарк этишга мажбур бўлган Увайсийга Нодира Қўқон шаҳридан уй-жой олиб беради.

Иккинчи гуруҳ ривоятларга кўра, Умархон саройида тўпланган шоирларнинг адабий суҳбатлари, мушоиралари

<sup>1</sup> *Иброҳимова Э. Увайсий. Тошкент, 1963 йил, 17-бет.*

ҳақида эшитган Жаҳон отин кўпдан бери улар мажлисига қатнашиб, ўз кучини синаш орзусида юрар экан. Кулай фурсатни пойлаб, бир куни бу орзусини отасига билдиради. Отаси севикли қизини бу йўлдан қайтаришга ҳар қанча уринса-да, муваффақ бўлолмайди. Ниҳоят рози бўлиб, уни кўқонлик бир дўстининг уйига йўллайди<sup>1</sup>. Бу киши ҳам Увайсийнинг хали ёш жувон эканлигини кўриб, унинг бу фикридан воз кечишини сўрайди. Лекин ёш шоира сўзида қаттиқ туриб, ундан бу ишда ёрдам беришини сўраб ялиниб-ёлворганидан кейин қари кампир қиёфасида саройга боришини маслаҳат беради. Уни дарвозадан киритишмайди. Шунда у бир байт ёзиб, мажлисга киритиб юборади. Байтни ўқиғач, уни мажлисга чақирадилар. Лекин унинг қари кампир эмас, балки ёш жувон эканлиги маълум бўлгач, уни ўрдага — чўрилар каторига киритиб юборадилар. У шу тарзда саройда қолиб кетади.

Ривоятнинг Т. Жалолов келтирган вариантида Умархон Увайсийни Ўрдадаги хоним ойимларга мураббий қилиб тайинлайди ва унга алоҳида жой беради. Шу тариқа у адабий анжуманларнинг доимий тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланади.

Тўхтасин Жалолов бу байт шоиранинг қуйидаги мумтоз ғазалининг матлаъси бўлса керак, деб тахмин қилади:

Забонингни кетургил, эй шакарлаб тўти, гуфтора,  
Нечукким, мархамат ўлсун неча мендек дилафқора.

Учинчи гуруҳ ривоятларга кўра шоира «ғазалларини хофизлар йиғинларда, турли маросимларда куйга солиб айтадилар. Увайсийнинг шуҳрати Фарғона водийсига ёйилади. Бу хабардан воқиф бўлган Қўқон хони Умархон Увайсийни адабий ҳаётнинг ўша даврдаги маркази бўлган Қўқон шаҳрига чақиртиради ва шоирани саройда қолишга таклиф этади»<sup>2</sup>. Бизнингча ҳам, турли ривоят ва тахминлардан кўра шу фикр ҳақиқатга яқинрок.

«Увайсий шеърларини завқ билан куйлаб юрадиганлардан Қайнар девона лақабли (ўзининг исми маълум эмас)

<sup>1</sup> Увайсий ижодини махсус тадқиқ этган Э. Иброҳимованинг ёзишича, отасининг қизини Қўқондаги ўртоғиникига йўллаши мумкин эмас, чунки у «хали Жаҳон ёш экани чоғларида вафот этади» (*Иброҳимова Э. Увайсий. 17-бет*). «Тазкираи Қайюмий»да бу кишининг вазир Абулқосим оталиқ экани айтилади (*Қаранг: Тазкираи Қайюмий. 1-китоб. 16-бет.*

<sup>2</sup> *Иброҳимова Э. Увайсий. 26-бет.*

хофиз Умархонга яқин эди. Бу одам Увайсий шеърларини гоятда севар ва шоирага мухаббат қўйган эди. Қайнар девона Увайсий эрининг вафотидан сўнг шоирага севги изҳор қилади, аммо шоира буни рад этади. Кейинчалик бу ишга Умархон аралашади, лекин натижа чиқмайди»<sup>1</sup>. Э. Иброҳимованинг ёзишича, Увайсийнинг Умархон билан ораси бузилиши ва саройни тарк этишига шу воқеа сабаб бўлган. «Тазкираи Қайюмий»да Увайсийнинг саройдан ҳайдалгани маълум, лекин сабаби ҳалигача номаълумлиги ҳақида айтилади.

«Саройда яшаган даврида Марғилоннинг Қаландархона деган жойида яхши сиркорлик бир уй солдирган экан. Ўша жой ҳали ҳам сақланган дейдилар», — деб ёзган эди Чўлпон. Юсуфжон қизиқнинг Тўхтасин Жалоловга берган маълумотига кўра ҳам, «Умархон Увайсийга Марғилонда мухташам бир иморат солиб берган, бу иморат Марғилондаги ипакчилик фабрикаси мавзесида бўлиб, 1941 йилгача унда шоиранинг авлодлари яшаб келганлар». Ҳолбуки, Э. Иброҳимованинг аниқлашича: «Шоира Қаландархона маҳалласига ҳеч қандай сиркорли иморат солдирмаган, у Марғилоннинг Чилдухтарон маҳалласида яшаган. Қаландархона Марғилоннинг бошланиш қисмида бўлиб, ҳозир у бозорга кетиш йўлида, Чилдухтарон (ҳозирги Дўст) маҳалласи шаҳарнинг ичкарасида жойлашган ипак камбинати йўлидадир».

Аслида Увайсий ҳомийси ва маслакдоши Нодири ёрдамида Кўконда ҳовлилик бўлса-да, кейинчалик Маъдалихон онаси томонидан олиб берилганлигини писанда қилиб, унга Қашқар юришидан эргаштириб келгани Ҳасан охун деган кишини киритади. Хоннинг нияти шоирани унга олиб бериш эди. Лекин Увайсий унга тегишни қатъиян рад этади. «Ҳасан охун муттахам, судхўр киши бўлиб, шоиранинг олган 12 тилло қарзини пеш қилади»<sup>2</sup> ва «хоннинг маслаҳати билан қози, мударрис, мухтасиблар билан келишиб, Увайсийнинг ҳовли-жойини ўзиники қилиб олган. Бу макр-ҳийлалар тепасида Хон турганлигини билган шоира «Қутқар, эй хоним, Ҳасан баққол балосидан мани» деган мусаддас билан хонга мурожаат қилган. Аммо унинг арз-додидан ҳеч қандай натижа

<sup>1</sup> Иброҳимова Э. Увайсий. 26-бет.

<sup>2</sup> Валихонов А. Оташин шоира (Сўзбоши) // Увайсий. Кўнгил гулзори. Тошкент, 1983 йил, 10-бет.

чикмаган; ховли-жой Ҳасан баққолга хукм қилинган. Хон Увайсийга Нодира берган инъомларни ҳам қайтариб олган»<sup>1</sup>. Ҳам қарзини, ҳам фоизини узганига қарамай, «хййлаи шаръий» билан ундан уйни тортиб олганлари ҳақида шоира алам ва изтироб билан, жумладан, шундай ёзган эди:

Қозилар олдида бердим ўн ики тиллосини,  
Ёна беш тиллони бердим ман — пулин фойдосини,  
Рози қилди қозилар, манъ айлади даъвосини,  
Ёна чикмас жойидин, ялғон қилур даъвосини,  
Қутқар, эй хоним, Ҳасан баққол балосидин мани,  
Қилғон ул беҳуда ҳам жабру жафосидин мани.

Маъдалихоннинг бу кимсасиз муштипар аёлга ўтказган жабру зулми шу билангина тугамайди. «У Увайсийдан ўч олиш пайига тушди. Шоиранинг эндигина 14 ёшга тўлган ўғли Муҳаммадхонни аввал маҳрамликка олди, сўнг уни сарбоз қилиб Қашқар юришига жўнатди»<sup>2</sup>. У шу кўйи дом-дараксиз кетади. Шоиранинг ўғли ҳажрида чеккан дарду изтироблари «соғиндим», «юборсунлар» радифли қатор ғазалларида, «Қарбаланома» достонида ўз ифодасини топган. Гарчи дoston Пайғамбар нуридийдаларининг фожиали тақдирига бағишланган бўлса-да, у оиласининг тиргаги, наслининг давомчиси бўлган ёлғиз ўғлидан жудо бўлган Увайсий қалбининг оху фарёдларига йўғрилган.

Увайсийни Қўқонга боғлаб турган бирдан-бир илинж хонлик пойтахтида туриб яккаю ёлғиз ўғлидан бирор дарак топиш, уни сўраб-суриштириш мумкинлигига ожиз ишончи эди. 1842 йили Бухоро амири Насруллохон Қўқонни эгаллагач, Марғилонга қайтиб, умрининг охиригача шу ерда яшайди. Чунки уни Қўқонга боғлаб турган ришталар узилган эди: ҳомийси Нодира қатл этилади, ўзи эса кўчада қолади, ўғлининг қайтишига ҳам ортиқ умиди қолмайди. Энди бутун меҳрини ёлғиз қизига бериб, уни илмли, шоира ва созанда қилиб тарбиялайди. Марғилонлик Абдусамад қори деган кишига узатади. Лекин бу мутаассиб одам Қуёшхоннинг серқирра истеъдодини ёқтирмай, қаттиқ сиқувга олади. Кун кўрмаган Қуёшхон 30 ёшида вафот этади. Бу Увайсий учун

<sup>1</sup> Раззоқов Х., Абдуллаев Ф. Жаҳон отин — Увайсий (Сўзбоши) // Увайсий. Девон. Тошкент, 1963 йил, 9-бет.

<sup>2</sup> Раззоқов Х., Абдуллаев Ф. Жаҳон отин — Увайсий. 9-бет.

тақдирнинг навбатдаги зарбаси эди. У набираси Биби Хадича билан овуниб, бор эътиборини унга қаратади. Умри вафо қилмай, Хадича 10 ёшдан ўтганда — 1845 йилда ўзи ҳам дунёни тарк этади.

Увайсий авлодидан кўплаб шоирлар етишиб чиққан: ўғли Муҳаммадхон — Мажнун, кизи Қуёшхон — Хокий, невараси — Қуёшхоннинг кизи Биби Хадича — Азмиё тахаллуси билан ижод қилишган. У мингтепалик (ҳозирги Марҳамат тумани) Абдуҷаббор тўқсабонинг ўғли Абдуқодирга тушади. Ундан туғилган киз Холжон биби ҳам шоира бўлиб, Мағзий тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Увайсийнинг 4 та девон тузганлиги маълум. Уларнинг нусхалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар хазинаси ва Андижон Давлат университети кутубхонасида сақланади. Шоира ҳаёти ва ижодини ўрганиш, асарларини нашрга тайёрлаб, чоп этишда Ойбек, А. Қаюмов, Х. Раззоқов, И. Қосимов (Улфат), А. Валихоннов (Боқир), Т. Жалолов, Э. Иброҳимова, М. Қодирова, А. Отажонов, Ў. Рашид, Ф. Абдуллаев, Н. Маматов, В. Раҳмонов, И. Ҳаққуловларнинг хизматлари катта.

Увайсий девони, шеърларидан намуналар бир неча марта чоп этилган. Қатор ғазаллари қўшиққа айланиб, ҳофизлар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. «Увайсийнинг халқ орасида донг чиқаришига унинг хисҳаяжонлар билан тўла, жўшқин лирик шеърлари сабаб бўлди. Увайсийнинг бебаҳо ғазаллари қарийб бир асрдан буён Фарғона хонандалари — ҳофизлари томонидан шавқзавқ билан куйланиб келмоқда»<sup>1</sup>. «Кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди», «Нозик», «Раъноланмасун», «Ки булбул нолафгон айламакни мендин ўрганди», «Ёр келурмиш», «Забонингни кетурғил, эй шакарлаб тўти, гуфтора» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Лирик шеърларидан ташқари, шоиранинг Муҳаммад пайғамбарнинг Карбалода шахид бўлган набираларига бағишланган «Шаҳзода Ҳасан» ва «Шаҳзода Хусайн» ҳамда «Воқеоти Муҳаммадалихон» деган маснавийлари ҳам мавжуд. Мадалихоннинг Қашқарга юриши муносабати билан ёзила бошлаган «Воқеоти Муҳаммадалихон» маснавийси чала қолган. «Карбалонома», «Достони Увайсий»

<sup>1</sup> Жалолов Т. Ўзбек шоирлари. Тошкент, 1980 йил, 37-бет.



номлари билан машхур бўлган пайғамбарзодаларнинг фожиали тақдири тўғрисидаги дostonлар эса бу борадаги асрий анъаналарга эргашиш махсули эди. Шарқ адабиётида бу мавзуга юзлаб дostonлар яратилган. Лекин шоирани бу мавзуда ундаган сабаб фақатгина анъана эмас, балки ёлғиз ўғлидан тирик туриб жудо бўлган муштипар она қалбининг изтиробларига пайғамбаримиз нуридийдаларининг фожиаси қайсидир маънода ҳамоҳанг бўлган. Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн пайғамбар хонадонининг сўнги зурриёдлари бўлса, Муҳаммадхон Увайсий хонадонининг устунни, наслининг давомчиси эди.

Увайсий ижоди бўйича тадқиқот олиб борган адабиётшунос олимларимиз шоира ғазалларининг ҳам барчаси бир текис бадиий баркамол эмаслигига эътибор қаратганлар. Чунончи, Ўткир Рашидовнинг ёзишича, «унинг ғазалларида фикрий такрорлар, ғализ ва сийқа иборалар, шеър тузилишида бадиий воситалардан тўлиқ фойдалана олмаслик каби камчиликлар ҳам учрайди».

Увайсий ғазаллари содда тили, равон услуби, ҳассос ва шиддатли оҳанги, бадиий санъатларга бойлиги билан ажралиб туради. Чунончи, мушк Хўтан, Қашқар ва Хитойда яшайдиган оҳуларнинг киндигида ҳосил бўлади. Шунга ишора қилиб, шоира айтадики, димоғим кокилингнинг хидидан масту мустағрақ бўлди — гўё унинг ҳар бир торида нофа, яъни оҳунинг мушкли киндиги мавжуд:

Димоғим кокулининг нақҳатидин масту мустағрақ —  
Ки, гўё ёстаниб минг нофае ҳар тори мўйинда.

Бошқа бир байтида васлингда мен ўзимни йўқотсам, ажаб эмас, чунки қуёшга яқинлашганда ой ҳам кўринмай қолади-ку, дейди:

Васлингда мен ўзумни йўқотсам, ажаб эмас,  
Мах ёндошарда йўқ асари ҳеч қуёшқа.

Шоира ирсоли масал санъатида ҳам маҳорат кўрсатади:

Келди муҳаббатинг — куйи туштум юзим тубан,  
Ҳар ким йиқилса, тўймади ҳаргиз курошқа.

Бу ерда йиқилган курашга тўймайди, деган халқ мақолидан ҳолим забун, ўзим хароб бўлганим сари

кўнглимда ишқинг шиддати баттар кучайиб, васлинг учун интилгим келаверади, деган фикрни ифодалаш учун истифода этган.

Шоира шеърларида талмеҳ санъатига ҳам кўп дуч келамиз. Бу санъатдан мақсад машхур шахс, воқеа, қиссага ишора қилиш орқали фикрни кучли ва таъсирчан ифодалаш, аини пайтда, сўзни чўзмай, мухтасар қилишдир. Чунончи, Хизр алайҳиссалом ер қаъри — зулматга кирмагунча оби ҳайвон — мангулик сувига ноил бўлмаганидек, эй кўнгил, васл тонгини истасанг, ҳажр шомига сабр қил, дейди:

Кўнгул, сабр айлагил, бетоқат ўлма ҳажр шомига,  
Зулумот ичра кирмай топмағайсан оби ҳайвонинг.

Мана бу байтда эса Юсуф ва Зулайхо қиссасига ишора қилинади: Юсуфнинг зиндонга тушиши азалдан унга қисмат қилиб белгиланган эди, бас, сен ҳам унинг отаси Яъқуб — Канъон пири каби қисмат ишига сабр айла:

Увайсий, сабр қил қисмат ишига пири Канъондек,  
Азизи Мисрга аввалда зиндонни макон этти.

Шоира ишқу муҳаббатни ҳам баланд пардаларда тарафдорлик этади. Чунончи, муҳаббат бу яланғоч жисмимни шунчалик кўмиб ташламишки, ёрим мендан ному нишон сўраса, ўзим ўзимни тополмай қоламан, дейди:

Муҳаббат онча мадфун айламишким жисми урёним,  
Топа олмон ўзумни мендин ул ному нишон сўрса.

Ишқ дардига табибнинг ожизлиги, унга фақат васл даво бўлиши мавзуси мумтоз Шарқ шеърлятида «кўб ва хўб» қуйланган. Увайсий ҳам салафлари анъанасини давом эттириб, эй ҳаким, менга ишқ дардини ман қилма, ул жонона дарди билан дори ўзаро чиқишмайди, дейди:

Ишқ дардин манъ қилмоқликқа дам урма, ҳаким,  
Келмас ул жонона дарди бирла дору тебраниб.

Дунё, ҳаёт, тақдир, золим ва нодон кимсалардан шикоят оҳанглари ҳам шоира ижодида етакчи ўрин тутади. Бунга дунёнинг нотекислиги, тақдирнинг буқаламунлиги, замонанинг нобоплиги сабаб эмас, Увайсийнинг ўзи ҳам оғир ҳаёт йўлини босиб ўтган. Айтиб ўтганимиздек,

ота-онадан эрта етим қолган, эри ва қизи ёш ўлиб кетган,  
ўғли дом-дараксиз йўқолган, уй-жойини тортиб олишган...  
Бинобарин, шоиранинг:

Замона кулфатидан бу кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди,  
Бу чархи бемурувватдин кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди, —

байти билан бошланадиган ғазали бежиз ёзилмаган. Ёки:

Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман,  
Қайда дард эли бўлса, ошно Увайсийман, —

байти ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ҳар бир шоирнинг шуҳратини элга ёйган бир неча шеъри бўлади. Увайсийга ҳам «Анор» чистони, «Кўнгул доғ ўлди, доғ ўлди», «Меҳнату аламларга мубтало Увайсийман», «Ки булбул нола-афғон айламакни мендин ўрганди» каби ғазаллари ҳақиқий шуҳрат келтирди. Уларнинг барчасида шикоят оҳангларининг устунлиги шоиранинг нобоп замонда яшаганлиги ва машаққатли ҳаёт кечирганлигини кўрсатади.

Мумтоз шеъриятда шоирнинг истеъдоди кўпинча унинг бадиха шеърни қанчалик маҳорат билан айта олишига қараб белгиланган. Шунинг учун ҳам шоирларнинг ҳозиржавоблик ила тўқиган бадиха шеърлари билан боғлиқ кўплаб ривоятлар мавжуд. Ривоят қилишларича, Увайсийнинг «Анор» чистони ҳам бадиха усулда ижод қилинган. Шоирага бир куни дастурхон устида турган анорни кўрсатиб, у ҳақда бир нима дейишини илтимос қилишган. Ўша лаҳзадаёқ тўрт қатор шеър тўқиб, унда анорни гўзал ва санъаткорона тасвирлабгина қолмай, у орқали сарой канизакларининг фожиали тақдирига ҳам ишора қилган:

Ул на гумбаздур, эшигу туйнугидин йўқ нишон,  
Неча гулгунпўш қизлар анда айлабдур макон.  
Туйнугин очиб, аларнинг холидан олсам хабар,  
Юзларида парда тортиёлик турарлар бағри кон.

Шоирнинг оддий одамлардан фарқи шундаки, у бошқалар кўрмаган ёки кўрса-да, эътибор бермаган нарса-ни кўради — нарса-ҳодисалар ўртасидаги ўзаро ўхшашлик, муштаракликни топиб, қиёслаб гапиради. Бир гапни шунчаки гапирсангиз, унинг ҳеч қандай таъсири бўлмаслиги мумкин, лекин ўхшашини топиб, бирор нарсага қиёслаб

гапирсангиз, ҳам завқ уйғотади, ҳам эса қолади. Айтайлик, шоира харамнинг ҳаммаёғи берк, унга гўзал кизларни қамаб ташлашган, эшигини синдириб, уларнинг холидан хабар олсам, пардага ўралган бечораларнинг бағри конга тўлган деб қўя қолса, бу оддий гап бўлар ва ҳеч кимнинг эътиборини тортмасди. Лекин харам ва анор, тутқун кизлар ва анор доналари, кизларнинг юзига тутилган тўр билан анор доналарининг юза қаватидаги парда аро нозик ўхшашликни топиб, уларни ўзаро қиёслагани ва гўзал шакл, таъсирчан усулда шеърга солгани Увайсийнинг беқиёс маҳоратидан дарак беради. Бу чистон бадий баркамоллигидан ташқари, ижтимоий-сиёсий характерга ҳам эга бўлиб, харамларда умри хазон бўлаётган ҳақ-хуқуқсиз аёлларнинг аччиқ қисматини фош қилади.

Увайсий шеърларида тасаввуфий руҳ кучли. Шоира ижодида ринд, харобот, муғ, муғбача, тарсобача, факр, фано, ваҳдат, таваккул, тажаллий, пири дайр, пири харобот, харобот аҳли, синган сафол, ўзлик, солик, пири комил, дайри фано, зуннор, бут, майхона, соқий, пири муғон каби сўфиёна истилоҳлар, шам ва парвона, қахрабо ва сомон, илми ҳол ва илми қол каби тимсол-тушунчаларнинг кўп учраши шундан далолат беради. У ўзига Увайсий таҳаллусини ҳам бежиз танламаган кўринади.

Шоиранинг ёзишича, Фарҳод, Мажнун, Мансур (Ҳаллож), Зулайхо турли мамлакатларда яшаб ўтган бўлсалар-да, уларнинг барчаси битта маҳбубага — еру кўкнинг яратувчиси Оллоҳ таолога кўнгил берганлар:

Неча Фарҳоду Мажнун, неча Мансуру Зулайхони,  
Деманг, ҳар ёнда жамъин, қасди бир жонона кўйинда.

Бу илоҳий ишқ учун «матоъи рамзга бозордурман ишқида», дейди бошқа бир ғазалида. Мана бу байт эса илоҳий жамолни ўзида акс эттирган мазҳар ҳақида:

Ёзар ул ҳусн васфин тийра таъбидин, сабаб улдур:  
Кўруб нури илоҳий Вайсий маҳрухсор рўйинда.

Маълум бўладики, ўзининг ҳассос шеърляти билан Увайсий ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос ўрин тутди. «Унинг шеърлятисиз ўзбек адабиётининг муҳим бир жойи бўш қолган бўлур эди. У шеърга ўтган кўнгил харорати, шеър ҳаракати билан ўша бўшлиқни тўлдирди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> *Ҳаққул И.* Шеърлят — руҳий муносабат. Тошкент, 1989 йил, 152-бет.

## ТАБЪИ НОЗИК, ЗЕХНИ САЛИМ ШОИР

XIX асрнинг биринчи чораги сиёсий-ижтимоий ва маданий-адабий ҳаётида катта роль ўйнаган Амир Умархоннинг ҳаёти ва фаолияти ватанимиз тарихининг порлоқ саҳифаларини ташкил этади. Амирий тахаллуси остида ўзбек ва форс-тожик тилларида маҳорат билан қалам тебратган истеъдодли зуллисонайн шоир Қўқон хонлари сулоласига мансуб бўлиб, ўзбекларнинг минг уруғидан чиққан шохрухийлардан Норбўтабийнинг ўғли эди. Бошланғич саводини оилада чиқариб, кейин мадрасада таҳсилини камолга етказди. Замон фузалоларидан Муҳаммад Яъқубдан тасаввуф илмини ўрганadi. Бу даврда Қўқон хонлиги тахтида унинг акаси Олимхон ўтирар эди. Ёшлигидан сарой хизматиға жалб қилинган Умарбек ўзининг заковат ва салоҳияти билан тез орада акасининг ўнг қўлиға айланади ва давлатни бошқариш ишларида фаол иштирок эта бошлайди. Олимхон 1807—1808 йилларда унга Марғилон ҳокимлигини топширади. Шу йилларда у Андижон ҳокими — амакиси Раҳмонқулибийнинг қизи Моҳларойим (Нодира)ға уйланади.

Сиёсий арбоб сифатидаги нозик истеъдоди, халқ ва амалдорлар билан муомала маданияти, яхши хулқи, чуқур билими, кенг дунёқараши туфайли қисқа фурсатда у ҳоким табақаларнинг эътиборига тушади. Улар Золимон номи билан машҳур бўлган Олимхоннинг Тошкентда кўтарилган ғалаёни бостириш учун қўшин тортганлигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар ва 1810 йили Умарбекни хон қилиб кўтарадилар, Олимхон эса ўлдирилади. У 10 йилдан ортиқ мамлакатни адолат билан бошқаради, юртда тинчлик ўрнатади, халққа қатор энгилликлар беради, ободончилик ишларига бош-қош бўлади. Айни пайтда, Қўқон хонлиги худудини кенгайтириш, ҳокимиятни мустаҳкамлаш борасида ўзидан илгари ўтган хонлар сиёсатини давом эттирган. Бухоро амирлигига қарашли Туркистон шаҳри (1815), Ўратепани (1817) босиб олган. Сирдарё бўйидаги қозоқлардан тортиб олинган ерларда Янгикўрғон, Жулук, Қамишқўрғон, Оқмачит, Қўшқўрғон номли харбий истеҳкомлар қурдирган. Улар Ўрта Осиёни Россия билан боғлайдиган муҳим савдо йўлида жойлашган эди. У Россия билан дипломатик муносабатлар ўрнатишға ҳаракат қилган, 1812 йили Петербургга элчилар юборган.

Умархон даврида хонлик худудида суғориш иншоотларини кенгайтириш, каналлар қазилар, масжид ва мадрасалар қуриш кучайган. Қўқон, Тошкент, Туркистон, Чимкент, Сайрам, Авлиётогда масжид ва мадрасалар қурилиб, қабристонлар тартибга келтирилган. Шаҳрихон шаҳарчаси барпо этилган, янги қишлоқлар вужудга келган. 1818 йили Қўқонда Жомеъ масжиди қурдиргани учун уламолар фатвоси билан унга «амир ул-муслимин» унвони берилган. Шу муносабат билан Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида куйидаги ҳикоят келтирилади: Масжид пойдеворида биринчи гиштни қўйиш тантанасида шаҳарнинг барча нуфузли кишилари йиғилдилар. Амир Умархон тўпланганларга мурожаат қилиб: «Балоғатга етган пайтидан бошлаб шаръий амалларни бирор марта ҳам тарк этмаган киши борми?» — деб сўрайди. Уламою фузалар амалдорлардан бирор киши юрак ютиб олдинга чиқмайди. Шунда хон: «Алҳамдулиллоҳ, мен тарки мустаҳаб қилмаган эканман», — деб ўзи илк гиштни қўйиб беради. Замон уламолари бу ҳолни кўриб, ҳаммалари иттифоқ бўлиб уни «жаннатмакон» деб улуғлаган эканлар<sup>1</sup>. Бу воқеа Амир Умархоннинг комил мусулмон бўлганлигини кўрсатади. «Бу хон асрида уламога ривож бериб, ҳар ишни уламолар фатвоси илан қилур эркан», — дейди яна Ибрат<sup>2</sup>.

XIX асрнинг биринчи чорагида Қўқонда ўзига хос илмий-маданий муҳит вужудга келади — унинг бошида маърифатпарвар ҳукмдор Амир Умархон турар эди. У илм, маданият, санъат, адабиёт, турли касб-хунарларнинг ривожига катта эътибор беради, мадрасаларда ўқиш-ўқитиш ишларини яхшилайти, турли хунар мактаблари очилишини қўллаб-қувватлайди. Илму ижод аҳлига ҳомийлик қилганлиги туфайли узоқ-яқиндан кўплаб истеъдод соҳиблари ундан паноҳ излаб келганлар. Ўзи ҳам кўнглида «ишқу муҳаббат завқи ва замирида ошиқона шеърлар шавқи голиб» бўлиб, гўзал ва ҳассос ғазаллар ёзган Амирий, хусусан, шоирларни ўзига яқин тутар эди. Унинг атрофида 70 дан зиёд шоир тўпланган. Улар орасида Нодира, Увайсий, Махзуна, Махмур, Гулҳаний, Маъдан, Ҳозик, Ғозий, Фазлий, Адо, Нодир, Мутриб,

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: *Ибрат*. Фарғона тарихи. Тошкент, 1991 йил, 189–190-бетлар.

<sup>2</sup> Ўша ерда. 201-бет.

Мирий, Нола каби ўзбек адабиёти тараққиётида катта роль ўйнаган забардаст сўз усталари бўлган. 1821 йили Фазлий Намангоний хон амрига биноан Қўқон адабий муҳитининг 100 яқин намояндаси ҳақида маълумот берувчи ва уларнинг шеърларини ўз ичига олган «Мажмуаи шоирон» тўпламини тузади.

Амирийнинг Моҳларойим ва ўғли Муҳаммадалихонга таъсири кучли бўлган. Моҳларойим Нодира ва Комила (тожик тилидаги шеърларида Макнуна), ўғли Хон тахаллуслари билан ижод қилишган. Нодира девони дебоҳасида ёзилишича, Амирийнинг латиф таъбида ҳамиша шеър шавқи ғолиб бўлиб, ҳар лаҳза ижод завқи билан яшаган, ҳаёлида доим янги-янги ташбеҳу тимсоллар, байтлар айланиб юрган. Давлат ишлари, мамлакат ташвишлари унинг бутун вақтини олганига қарамай, ғазалу мухаммаслар ёзишни канда қилмаган ва бу гўзал шеърлар атрофидагиларга катта таъсир кўрсатган. Ўзи ҳам Амирий таъсирида ва унга тақлид қилиб шеърятга кириб келгани ҳақида шундай дейди: «... мен ҳам алар мутобаатида назм услубидан баҳр топиб, «Ас-суҳбату муассиратун» («Бир-бирига таъсир этувчи ёқимли суҳбат») натижаси бирла кам-кам шеър қонунидан хабардор бўлуб, гоҳо бирор мисра ва гоҳо бирор байт тақлид бирла айтур эрдим. Ҳазрат баъзи нуқсонлариға ислоҳ бериб, мавзун ва мурассаъ қилур эрдилар. То андак фурсатда ашъор қоидалариға мувонасат пайдо қилдим, то назм фунуниға моҳир ва мазмун сеҳрида соҳир бўлдим. Эрса гоҳо ул ҳазрат баъзи тоза мазмунлардин бир мисра бирла савол тариқасида сўрар эрдилар, филфавр охирги мисра бирла жавоб айтур эрдим ва табиатларини хуш қилур эрдим. Бири будурким, бир кун савол қилдиларки, мисра:

— Нега арбоби хирад аҳли жунундин ори бор?

Жавоб айтдимки, мисра:

— Ким булар урён, аларнинг жуббау дастори бор.

Бу тариқа мазмунлар бирла кўнгуллариға фараҳ еткурур эрдим, мундоғ латойиф ва назокатлар бирла рўзгори давлат ва салтанат хуш кечар эрди».

Амирий шеърӣ салоҳияти анча баланд шоир бўлган. У Лутфий, Жомий, Навоий, Фузулий ва Бедилни ўзига устоз санаб, улардан маҳорат сирларини ўрганеди, уларга эргашиб ижод қилади, ғазаллариға мухаммаслар боғлайди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: «Ва гоҳи устодлар

девонларидин бирор шавқангез ва муҳаббатомез ғазалдин рангин ва таҳсин қофия топар эрдим, татаббуъида ғазал айтур эрдим, филҳол, завқ-шавқ фартидин мухаммас боғлар эрдим. Ва чун ҳар абёт гавҳарларин хаёл дафинасидин териб ва ҳар назм жавҳарларин андиша хазинасидин чикориб, зоҳир қилур эрдим». Ғазалларидан бирида эса Амирий шеърларининг (бадий баркамоллигини) кўриб, ҳайрон бўлма, бу нозик таъбу бу баланд истеъдод Худованди каримнинг марҳамати туфайлидир, дейди:

Таажжуб қилмағил ногаҳ Амир абётини кўрсанг,  
Бу таъби нозикун зехни салим имдоди Рабдиндур!

Шу билан бирга, шоир шеърлари шаклан ҳам, мазмунан ҳам ниҳоятда яқраг. Арузнинг туркий адабиётда машҳур, халқ оғзаки ижодида ҳам кенг тарқалган энгил ва ўйноқи вазнларидагина ёзилган бу шеърларнинг барчаси ишқу муҳаббат мавзуида. Уларда анъанавий мотивлар ва тасаввуфий руҳ устун. Ўзбек ва тожик тилидаги шеърларини тўплаб, девон тартиб берган. У ғазал, мухаммас, мусаддас, туюқ жанрларидаги ўн минг мисрадан ортиқ шеърни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейининг матншунослик ва ёзма ёдгорликларни нашр этиш бўлимининг илмий ходимлари томонидан Амирийнинг турли даврларда кўчирилган 26 та қўлёзма девони ҳисобга олиниб, уларнинг илмий тавсифи берилган. Бу қўлёзмалар Санкт-Петербург, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро кутубхоналарида сақланмоқда. ЎРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида Амирийнинг 17 та қўлёзма девони мавжуд. Бундан гашқари, литографик усулда чоп этилган девонлари ва шоир шеърларидан намуналар берилган баёзлар бор. Амирий девонидаги ўзбек тилидаги шеърлар 1972 йили таниқли адабиётшунос олима Маҳбуба Қодирова томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилган. Ундан шоирнинг 216 ғазал, 35 мухаммас, 3 мусаддас, 6 туюғи ўрин олган. Мустақиллик йилларида Амирий ҳаёти ва ижодига қизиқиш кучайди. Шоҳ-шоир асарлари устида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Амирий ғазаллари оҳорли ташбеҳу тимсоллар, шеърини санъатларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. У иложи борича ташбеҳсиз бирор мисра ҳам тизмасликка



интилади: хоҳ соддаю халқона, хоҳ фавқулодда мураккаб, хоҳ анъанавий бўлсин, ғазаллари у ёки бу даражадаги ташбеҳу тимсоллардан холи эмас. Чунончи, қуйидаги байтида маъшуқа юзидаги қора холни ошиқ кўзининг қорачиғига ўхшатади:

Ораз узра жилвагар бўлғон қаро холинг эмас,  
Шавқтин боқтим юзунга — колди анда мардумим.

Мазмуни: «Юзингга зеб бериб турган нарса аслида қора холинг эмас, мен азбаройи шавқ билан боқиб, кўз узолмай қолганимдан қорачиғим унда нақшланиб қолмишдир».

Шоир ташбеҳлари кўпинча ҳаётийлиги билан ажралиб туради:

Пардасин очмади — ёш тўкмади то қонлу мижам,  
Варақ айланмади то бўлмади бармоқ учи нам.

Мазмуни: «Бармоқ учини намламагунча китоб саҳифаларини варақлаб бўлмаганидек, то қонли кипригим ёш тўкмагунча (ёр) юзини очмади».

Бу ерда шоир то ошиқ маъшуқа ҳажрида йиғлаб, қонли ёшлари билан кипригини нам қилмагунча у юзини очмаганлигини бармоқни ҳўлламагунча китобнинг саҳифасини ағдариб бўлмаслигига ташбеҳ қилмоқда.

Шоир шеърларида қатор халқона ўхшатишларни ҳам қўрамуз. Жумладан, қуйидаги байтда вайрона кўнглига ёр хаёли меҳмон бўлмаслигини хароб уйга меҳмон келмаслигига ўхшатади:

Бок эмас, вайрона кўнглумға хаёлинг келмаса,  
Негаким, ҳаргиз бузулғон уйға меҳмон келмади.

Амирий муболаға санъатидан ҳам маҳорат билан фойдаланади ва унинг бу гўзал «ёлғон»лари ўқувчини ишонтиради. Айтайлик, бир байтида жунун саҳросида мен чеккан оҳларни кўрган эл бу водийнинг нафасидан ўт сочадиган бир аждаҳоси бор экан, деган андишага боради, деб «лоф уради»:

Дуди оҳимни жунун даштида кўргон эл деди:  
Ушбу водийни бир ўтлуғ аждаҳоси бор экан.

Шоир ижодида қўп учрайдиган санъатлардан бири — талмеҳ. Шоир бир ўринда ёрининг лабини Хизрнинг оби

хаётидан устун қўяди, чунки ошиқнинг мақсади узун умр эмас, балки ёр васлидир:

Ҳар киши кўнглида ўз майлича бордур орзу,  
Хизрга — оби бақо, менга — лаби жонон ҳавас.

Амирий шеърятти тасаввуфий мазмуннинг кенг ва чуқурлиги, илоҳий ишқ тараннумининг устуворлиги билан ҳам эътиборни тортади. У ўз замонасининг етук алломаси Муҳаммад Яъқубдан тасаввуф бўйича махсус таълим олган. Бинобарин, бир томондан, тасаввуфий таълим махсули, иккинчи томондан, Шарқ шеъряттидаги мавжуд анъана таъсири, учинчидан, тариқат ва тасаввуф мактабларининг фаолият кўрсатгани натижасида биргина Амирий эмас, балки ўша даврнинг бошқа шоирлари, жумладан, Увайсий ижодида ҳам тасаввуф таъсири кучли эканлигини кўрамиз. Бунга шоирларнинг ўзидаги тасаввуфга мойилликни ҳам қўшса, масаланинг моҳиятини янада ойдинлаштиради. Чунончи, шоир ижодида: «Эй дўстлар, ток кизи билан мудом айш қилиб, бу гуноҳимизга зухду тақвони кафорат қилайлик» мазмунидаги хайёмона исёнкор мисраларнинг учраши айнан тасаввуфнинг хур фикрлилик ғоялари, риндона шатҳиёт таъсиридир:

Раз кизи бирла қилиб айши мудом, эй аҳбоб,  
Зухду тақвони гуноҳиға кафорат қилоли.

Шоир шеърларида кўп учрайдиган зухду зоҳидлар танқиди ҳам айнан тасаввуф туфайлидир. Чунки зоҳидлар фақат Оллоҳ буюрган зоҳирий расм-русумларнигина бажарадилар, тоат-ибодатлари учун жаннат роҳатидан умидвор бўладилар. Яратувчига муҳаббатни улар куфр санайдилар. Сўфийлар учун эса, аксинча, Оллоҳга муҳаббатсиз қилинган тоат-ибодат куфрдир. Бинобарин, илоҳий маҳбуба лабининг нақадар жонбахшлигини билмаган зоҳид жаннатдаги кавсар булоғи сувининг қадрини билармикан?

Беҳабар зоҳид чу билмас лаъли дилбар қадрини,  
Не билур жаннатда, ё Раб, мавжи кавсар қадрини?

Илоҳий ишқ шундай кучки, у донони телба, аксинча, телбани доно қилиб қўяди:

Ажаб йўлдур, раҳи ишқингда кўп доно забун бўлди,  
Жунун ҳар кимга тугён айлади — ул зуфунун бўлди.

Бел ва оғиз тасаввуф шеърлятида бор ва йўқ маъносида бадий тимсол бўлиб келади: маъшуканинг оғиз шунчалик мўъжазки, йўқ даражада, бели шунчалик ингичкаки, қилдан фарқи йўқ. Шунинг учун шоир мен ёримнинг белию оғзи ҳасратида ўлдим — ҳеч ким менингдек бу дунёда йўқу боридан ажралмасин, деб лутф қилади:

Белу оғзи ҳажрида ҳасратдин ўлдум, ҳеч ким  
Мен киби даҳр ичра йўқу боридин айрилмасун.

Бел — комил инсоннинг фикру тахайюли. Ингичка бел (қилдай) — бу фикру тахайюлнинг нозик ва теранлиги. Соликнинг вужуди ҳижобига ҳам ишора қилинади. Бундан ташқари, бел деб толиб ва матлуб ўртасида тўсиқ бўлиб турган парданинг кўтарилиб, улар орасида яқинлик вужудга келишига ҳам айтиладики, бу мақомга эришиш гоёт мушкул ва унга Оллоҳнинг ўзи истаган хос кишиларгина муяссар бўладилар.

Оғиз орқали илоҳий каломга, унинг чиқиш ўрнига ишора қилинади. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто кўриб бўлмас даражада эканлиги — илоҳий асрорни ақл билан англаб етиш имконсизлигидан нишона. Чунончи, Навоий ёзади:

Тангри бермиш ул парипайкарга андоқ тор оғиз —  
Ким, киши билмаски, анда йўқмудур ё бор оғиз.

Маълумки, илоҳий муҳаббат йўлида ошиқдан ному нишон қолмаслиги керак. Шунинг учун ҳам шоир ному нишоним муҳаббат кўйида санга қурбон бўлса, ному нишоним қолмаганидан армон қилмайман, дейди:

Нишону ном маъдум ўлмоғидин зарра армон йўқ,  
Муҳаббат кўйида ному нишоним бўлса қурбонинг.

Маълум бўладики, Амирий мумтоз ўзбек адабиётидаги ҳассос ишқу муҳаббат куйчиларидан ҳисобланади. Шоирнинг ишқий лирикаси самимий ва жўшқин ҳиссиётларга бойлиги, шаклан содда, мазмунан теранлиги, оҳорли ташбеҳу тимсолларга сероблиги билан алоҳида жозиба касб этади.

## УЧ ХАЛҚНИНГ ШОИРИ

Ўзининг бекиёс ижоди билан урду адабий тилига асос солган ва ҳинд шеърятининг мумтоз даврини яқунлаган, ҳам Ҳиндистон, ҳам Покистоннинг фахру гурурига, ҳар икки миллатнинг тимсолига айланиб кетган оташнафас шоир Мирзо Асадуллоҳон Фолиб асли туркистонлик — ўзбекларнинг ойбек уруғидан бўлиб, унинг бобоси Мирзо Қўқонбек Самарқанд амирзодаларидан бўлган отаси Турсунхон билан аразлашиб, XVIII аср ўрталарида Ҳиндистонга бориб қолади. Мирзо Фолиб ана шу кишининг Абдуллабек деган ўғли ва Бухородан Ҳиндистонга келиб қолган Хожа Гулом Хусайн деган кишининг қизи Иззатуннисодан 1797 йили Агра шаҳрида туғилади. Ҳинд заминида туғилган бўлишига қарамай, Мирзо Фолиб ота томонидан — самарқандлик, она томонидан эса — бухоролик. Бинобарин, уни нафақат ҳинд ва урду, балки ўзбек халқининг ҳам шоири дейишга ҳақлимиз.

Дўсти Сирожиддин Аҳмадга ёзган мактубида Мирзо Фолиб ўзининг келиб чиқиши ҳақида, жумладан, шундай дейди: «Ўзим асли туркман, насл-насабим илдизи Пашанг ва Афросиёбга бориб тақалади. Ота-боболарим эса салжуклар билан бир томир. Ўз вақтида улар қудратли ҳарбий саркардалар ва раҳнамолар бўлишган, кейинчалик эса Турон ерига келиб, Самарқандда турғун бўлиб қолишган».

Шу Туроннинг табаррук хокиданман аслида, Фолиб,  
Шунинг-чун шодман, наслу насабда номдордирмиз.

Эрурмиз Туркистон насли, туғилганимиз шу тупроқда,  
Улуғ зотларни ўстирган элат ҳамда диёрдирмиз.

Эрурман Туркистон ахлидану ойбеклигим равшан,  
Тўлин ойдан кўра ўн қатла хусндордирмиз.

Азалдан ота касби бизгадир дехқончилик, билгил,  
Самарқанд боғбони наслию хуш касб-кордирмиз.

Дарҳақиқат, Мирзо Фолибнинг бобокалони Турсунбек салжуқийлар хонадонига мансуб катта амир бўлган. Бобоси Қўқонбек отаси билан қаттиқ аразлашиб, 1730 йилларда Ҳиндистонга паноҳ излаб келади. Унинг ҳарбий салоҳиятини қадрлаган Деҳли ҳукмдори Шоҳ Олам катта ҳарбий лавозимга тайинлайди. Шоирнинг отаси

Абдуллабек ҳам кейинчалик шу қўшинда қўмондонлик хизматини ўтайди. Ғолиб бир шеърда бу ҳақда ифтихор билан ёзади:

Аскарлик — юз пуштимиздан ота-бобо касбимиз,  
Менга иззат-икром фақат шоирлигимдан эмас.

Ҳаёт Мирзо Ғолибни жуда оғир тақдир гирдобига ташлади: у беш ёшида укаси Юсуфхон ва синглиси Чхотийбегим билан отадан етим қолади. 9 ёшида уларни қўллаб турган амакиси Насруллобек ҳам халок бўлади. Отаси ва амакисининг ўлимидан сўнг мерос тақсимотини Насруллобекнинг қайноғаси Аҳмад Бахш ўз қўлига олиб, Мирзо Ғолиб оиласига арзимас улуш ажратади. Бундан норози бўлган бўлажак шоир бу масалани ҳал қилиш учун кўп уринади, лекин барча ҳаракатлари беҳуда кетади. Вафотидан бор-йўғи икки йил олдин (бу пайтда шоир нақ 70 ёшда эди) у мақсадига эришади. Бобурийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Баҳодиршоҳ Зафар Мирзо Ғолибни қабул қилади ва темурийлар хонадони тарихи ҳақида тазкира ёзишни топширади. Шоирнинг машҳур «Меҳри Нимрўз» («Тушки қуёш») рисоласи шу тариқа дунёга келади.

Шафқатсиз тақдир уни оилавий бахтдан маҳрум этган: рафиқаси Умровбегимдан кўрган етти нафар ўғлининг барчаси ёш нобуд бўлиб, шоир фарзандсиз дунёдан ўтади.

Ғолиб уйланганидан кейин Дехлига келиб, умрининг охиригача шу шаҳарда яшайди.

Шу тариқа, ёш Асадулло кетма-кет тақдир зарбаларига дуч келади. Лекин Мирзо Ғолибни яқинларидан жудолик ва қашшоқлик синдиrolмади, балки у қисмат қаршиликларини матонат билан енгиб, нафақат Ҳиндистон ва Покистон, шу билан бирга, жаҳон адабиётининг забардаст намояндаларидан бирига айланди.

«Мирзо Ғолиб ижод жараёнига катта тайёргарлик билан келди. У хинд ва Шарқ адабиётининг энг ноёб асарлари ислом фалсафаси тарих, риёзат, нужум, табиёт, ҳандаса ва бошқа илмларга оид китобларни қунт билан мутолаа қилди. Калькутта, Лакхнав, Рампур ва бошқа шаҳарларга саёҳат қилиб, кўп нарсаларни кўрган ва катта ҳаёт тажрибасини орттирган эди. Халқ ҳаёти билан танишиш ва мамлакатни кезиш шоирнинг жуда ростгўй, одил, ғамхўр киши бўлиб улғайишига ижобий

таъсир кўрсатди... У ҳақгўйлиги, дилидаги муддаосини дадил айтгани туфайли ўзига кўпгина душманлар ҳам орттирди. Душманларнинг тухмати билан айб қўйилиб, авахта ётиб чиқди»<sup>1</sup>.

Ҳиндистонда яшаб, ижод этган машҳур форс-тожик шоири Хусрав Дехлавийнинг келиб чиқиши ҳам асли Шахрисабдан бўлиб, ўзбекларнинг лочин уруғидан эди. Шунинг назарда тутиб, Мирзо Ғолибга замондош бўлган шоир Найяр ёзган эди: «Ҳиндистонда форс шеърияти лочин уруғидан бўлган туркдан бошланиб, ойбек уруғидан бўлган туркда ниҳоясига етди».

Мирзо Ғолиб назм билан бирга, насрда ҳам қалам тебратган. Унинг «Дастанбу», «Меҳри нимрўз», «Панж оҳанг» каби асарлари урду адабиётининг ноёб дурдоналаридан ҳисобланади.

Ўзбек тилида Мирзо Ғолибнинг икки шеърий тўплами нашр этилган. Биринчиси «Шайдо» номи билан 1965 йили босилиб чиққан. Мажмуадан ўрин олган шеърларни Ёнғин Мирзо ва Раҳмонберди Муҳаммаджоновлар урду тилидан таржима қилишган. Ҳинд ва ўзбек халқларининг маданий алоқалари бўйича катта ишларни амалга оширган доктор Қамар Раис китобга «Шоир ҳақида» деган сўнгсўз ёзган. У, жумладан, шундай ёзади: «Мирзо Ғолиб ҳам Ҳиндистон, ҳам Покистоннинг энг забардаст ва энг севикли лирик шоирларидан биридир... унинг шеърлари шу қадар маъноли, шу қадар нозик-латофатлики, уларни изоҳлаш учун урду ва инглиз тилларида ўн тўртта қалин китоблар ёзилгани бежиз эмасдир. Ўтган юз йил давомида Мирзо Ғолибнинг шеърлари мажмуаси — ғазаллар девони юз марта чоп қилинганлиги ижодкорнинг халқ муҳаббатига қанчалик сазовор бўлганлигини тасдиқлайди».

Ғолиб ўзининг шеъриятдаги даражасини яхши билган. Шунинг учун ҳам у ўзи ҳақида мана бундай фахрия мисраларни битеди:

Яна кўпдир жаҳонда яхши-яхши шоирлар,  
Аммо дерлар: «Ғолибда андози баён бошқа».

Шоир бир шеърида ёзади: ишқ менинг тимсолимда ўзининг доимий маҳрамини топган эди, энди мен ўлсам, у етим қолади:

<sup>1</sup> Қамар Раис. Шоир ҳақида // Мирзо Ғолиб. Шайдо (шеърлар). Тошкент, 1965 йил, 75-бет.

Ишқнинг ғариб ҳолига келур, Ғолиб, хўрлигим:  
Борур кимнинг қошига дарду бало мендан сўнг?

Шоир фикрларини бадий санъатлар, нозик кузатишларини оҳорли ташбеҳлар қатига ўрайди. Оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган ходисаларни кўради, оддий одамлар сезмай, ёнидан бепарво ўтиб кетадиган ходисаларни хис қилади. Шоирнинг шоирлиги, илохий қисматдан насибадор эканлиги ҳам шунда-да:

Ким айтади булбулнинг ноласи беасар деб?  
Парда ичида гулнинг бағридир минг чок, билсанг.

Инсон зоти борки, ўтган умридан қониқмайди: ҳамиша ниманидир қилиб улгурмаган бўлади, қайсидир ишларидан кўнгли тўлмайди, ўзини қилганидан кўра кўп ишларга қодир деб билади. Шунинг учун ҳам бир умр ибодат қилиб ўтганига қарамай, пушаймонлик ҳисси бани башарни тарк этмайди. Шоирнинг куйидаги байти шу хусусда:

«Умр ўтди», деган ғам эзади ҳар ҳолатда,  
Хатто умр бўйи қилган ишинг ибодат бўлсин.

Мирзо Ғолибнинг 1975 йили чоп этилган тўплами шоирнинг ғазаллари, мухаммаслари, қитъалари ва рубоийларидан иборат. Таржимонлар сафи кенгайиб, Ё. Мирзо ва Р. Муҳаммаджоновлар қаторига Чустий, Васфий, Миртемир, Ҳамид Ғулом, Пўлат Мўмин, Султон Қўқонбоев, Шоислом Шомухамедовлар қўшилишган.

Мирзо Ғолиб Соиб Табризий, Мирзо Бедил каби буюк салафларига эргашиб, сабки хиндий — хинд услубида ижод қилган. Бу услубда ёзилган шеърларнинг бадий жиҳатдан пишиқ, мазмунан теранлиги — бир неча маъно қатламларига эғалиги маълум. Шунинг учун ҳам уларни бошқа тилларга таржима қилиш қийин. Уларни тушунтириш учун қатор-қатор шарҳ китоблари яратилган ва яратилмоқда. Шоирнинг шеърӣ бўстонида баҳраманд бўлиш учун унинг шеърларини аслида ўқиш керак:

Хондем суханҳои муҳаббат бисъёр,  
Рондем суханҳои муҳаббат бисъёр.  
Рафтем ахир зи оламу дар олам  
Мондем суханҳои муҳаббат бисъёр.

Мазмуни: «Муҳаббат ҳақида кўп нарсалар ўқидик.  
Муҳаббат ҳақида кўп фикрлар юритдик. Охир-окибат

оламни тарк этдиг-у, оламда муҳаббат ҳақидаги кўп сўзларни қолдирдик».

Бундай фақат қофия ва радифдан иборат рубоийлар кўпгина форс-тожик ва ўзбек мумтоз шоирлари ижодида яратилган. Жумладан, Навоий ва Бобурнинг шундай рубоийлари мавжуд. Бундай рубоийлар муайян тилнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади, у ёки бу тилнинг сўз бойлигига асосланади ва уларни бошқа тилда худди шундай шаклда қайта яратишнинг деярли иложи йўқ.

Шоирнинг мана бу рубоийси Бедил рубоийларига ҳамоҳанг:

Он хаста, ки дар назар ба жуз ёраш нест,  
Бо суду зиёни хештан кораш нест.  
Толиб зи талаб раҳини осораш нест,  
Ҳарчанд хино барг диҳад, бораш нест.

Хинд услубида ёзилган ушбу рубоийнинг мазмуни қуйидагича: «Хастанинг кўзига ёридан бошқа киши кўринмайди, унинг фойдаю зиёни билан иши йўқ. Толибнинг талабдан гаровга олинган самараси йўқ. Хино ҳар қанча барг бермасин, меваси йўқ».

Ўз фикрларини асослаш учун ҳикматомуз бир фикр келтириш, далиллаш хинд услубининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шоир хинонинг барги қанча кўп бўлса-да, меваси бўлмагани каби хастанинг илтижоси чегара билмаса-да, унинг самараси йўқ, дейди.

Хинд тили ва адабиётининг билимдони, мутаржим Амир Файзулла ёзади: «у битган ҳар бир байт ғазал, ҳар бир мисра шеър тинч оқар дарё каби теран ва сирли. Ҳарорати эса жумлаи оламни куйдиришга қодир оташнок. Хоҳ форс тилида, хоҳ урду тилида ижод қилмасин, Мирзо Ғолиб шеърляти, орадан икки аср вақт ўтишига қарамасдан, ҳамон қизғин баҳсу мунозараларга, шеърӣ муноқашаю мулоҳазаларга моя бўлиб келмоқда. У яратган бадиӣ рамзлар ҳақида ҳалигача икки мунаққиднинг фикри бир жойдан чиққан эмас. Мирзо Бедил шеърларини форс тилидан ўзга тилга таржимасида муаллиф фикрини тугал англаб бўлмаганидек, Мирзо Ғолиб яратган форс ва урду тилидаги шеърӯ ғазалларни ҳам фақат аслидагина мутолаа қилиб, чинакамига завқланиш мумкин. Далилларнинг шоҳидлик беришича, Мирзо Ғолиб ҳаётлик чоғида форс тилини у билан бирга яна икки кишигина



аъло даражада билар экан. Урду тилининг билимдони сифатида эса у ягона ҳисобланган».

Урду мунаккиди Абдурахмон Бижпурийнинг ёзишича, Ҳиндистонда энг ўқимишли китоблар бу — муқаддас «Веда» ва Голибнинг девонидан иборат.

Голибни суханварлик бўстониинг булбули ва маъно шаккаристонининг тўтиси деб лутф этадилар.

XX асрда Мирзо Голибнинг шухрати бутун дунёга ёйилди. Дехли, Алигарх, Ҳайдаробод, Лохур ва Карачи шаҳарлари шоир ижодини ўрганишда йирик марказлар бўлиб келяпти. Ҳиндистон ҳукумати, шахсан Индира Ганди ташаббуси билан Дехлида ташкил этилган Голиб уйи ва Голиб академиясидаги китоб жавонлари жаҳоннинг турли мамлакатларида чоп этилган шоир ҳақидаги рисоалар ва асарларининг турли тиллардаги таржима нашрлари билан тўла.

## ИШҚ МУЛКИНИНГ ШОҲИ

Қадимий ва бой анъаналарга, ранг-баранг жанр ва мавзуларга, ўзига хос ҳамда бетакрор сўз усталарига эга мумтоз туркман адабиётининг Махтумқулидан кейинги энг забардаст ҳамда машҳур намояндаси Муллонафас тахминан 1810 йили Туркменистон жанубидаги қадимий шаҳар Сарахс атрофида туғилган. Отаси Қодирберди хат-саводли киши бўлиб, болаларни ўқитиш билан шуғуллангани учун уни Мулла Қодирберди ҳам дейишган. Унинг Оғажик бахши, Ўдакберди, Ҳақберди ва Муллонафас исми ўғиллари бўлган. Таниқли туркман олими, филология фанлари доктори Аннақурбон Ашировнинг ёзишича, Оғажик бахши ва Муллонафас уларнинг ўз оти эмас, чунки туркманларда исм кўпинча бирор муносабат билан, бирор нарса, воқеа-ҳодисага боғлаб қўйилади. Бу фикрни Пирли Аваз ўғлининг 1947 йилда берган маълумотлари ҳам тасдиқлайди. У Муллонафаснинг Хивада ўқигани, устозининг унга Мулла Тангрибердижон деб мурожаат қилгани ҳақида айтади. Шундан келиб чиқилса, Муллонафаснинг ҳақиқий исми Тангриберди экан.

Муллонафаснинг оилавий ҳаёти ҳақидаги дастлабки маълумотларни Ҳожали мулла Муродберди ўғли 1906 йили Маридан тўплаб, машҳур рус шарқшунос олими, академик А.Н. Самойловичга юборган.

Мулланафаснинг болалиги қандай кечганлиги ҳақида етарли маълумот сақланиб қолмаган. У бошланғич саводни отаси қўлида чиқариб, кейин қишлоқ мактабида ўқийди — Маматсолиҳ эшон ҳузурида сабоқ олади. Шундан сўнг Бухоро ва Хива мадрасаларида таҳсилни давом эттиради. Араб ва форс тилларини, ўз даврининг асосий илмларини чанқоқлик билан эгаллаб, замонасининг фозил кишиси бўлиб етишади.

У туркман мумтоз адабиётини, биринчи навбатда Махтумқули асарларини мукаммал ўқиб-ўзлаштиради. Шу билан бирга, Аҳмад Яссавий, Имоиддин Насимий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий каби Шарқ мумтоз сўз санъатининг туркий халқлар орасида машҳур намояндалари ижоди билан ҳам чуқур танишади. Туркман халқ оғзаки ижоди бўлса, шоир илҳом чашмасининг манбаи бўлган — халқона равон, содда ва теран маъноли сатрлари бундан яққол гувоҳлик беради. «Кўнглим» шеърисидаги:

Румнинг гулшанию ҳам Ҳинд товуси...

Низомий, Навоий, яна Фирдавсий,

Сизга мудом ҳурмат қўйибди кўнглим, —

мисраларидан маълум бўладики, у форс-тожик мумтоз адабиётидан ҳам яхши хабардор бўлган. Бизнингча, бу ерда Рум гулшани деганда Мавлоно Жалолоддин Румийни, Ҳинд товуси деганда Амир Хусрав Дехлавийни назарда тутган.

Мадрасада таҳсил олиб юрган вақтларида у шеър ёзиш ва соз чалиш билан ҳам шуғулланган. Ўқишни тугатгач, туғилган қишлоғига қайтиб, муллалик қилган. Невараси Ўғилжаҳон отасидан эшитгани бўйича ҳикоя қилишича, бобоси йилнинг олти ойини бола ўқитиб, олти ойини китоб ўқиб, шеър ёзиб ўтказган. Машҳур туркман шоири Камина ва Мискин тахаллуси билан шеърлар ёзган тошҳовузлик Омон унинг яқин суҳбатдошлари бўлган экан. Каминанинг ёши Мулланафасдан улуғ бўлиб, унга устозлик қилган ва келажакда улуғ шоир бўлиб етишишини башорат этган. XIX асрнинг биринчи ярмида яшаган таниқли туркман шоири Мурод Толибий ҳам ёш Мулланафас билан танишиб, у билан яқин муносабатда бўлган.

У ёшлигидан сайру саёҳатга ўч бўлган, дунёни кўриш иштиёқида ёнган. «Мулланафаснинг Туркманистоннинг

кўп ерларини, Шарқ мамлакатларининг бир қанчасини кезганлиги ва у ерларнинг адабиёти ҳамда тили билан яқиндан таниш бўлганлиги ҳақида ҳам кексалар гурунг берадилар»<sup>1</sup>.

А. Аширов Муллонафаснинг вафоти билан боғлиқ халқ ичида юрган кўплаб маълумотлар, бу ҳақдаги олимларнинг тадқиқотлари ва шоирнинг ўз шеърларидаги айрим ишораларни ўзаро қиёслаш асосида унинг тахминан 1875 йилларда дунёдан ўтганлиги ҳақидаги фикрни илгари суради.

Қабри Мари вилояти Вакилбозор туманидаги Хожа Абдулла қабристонида.

Муллонафас асарлари алоҳида китоб ҳолида биринчи марта 1940 йили туркман адабиётининг илк ўрганувчиларидан бири Гурганли Охундов томонидан чоп этилиб, ундан шоирнинг 27 та шеъри ўрин олган. 75 та шеърдан иборат иккинчи китоби 1947 йили нашр қилинган. Уни Боймуҳаммад Қориев нашрга тайёрлаб, «Муллонафас лирикаси» деб сўзбоши ҳам ёзган. Учинчи наشري В.Шомуродов ва О. Ёзимовлар томонидан тайёрланиб, 1955 йили босилиб чиққан ва 70 та шеърдан ташкил топган. Шундан кейин 1961, 1962, 1963, 1973 йилларда ҳам шоир шеърлари алоҳида китоблар ҳолида чоп этилди. Улар ичида Н. Аширов, Б. Қориев, А. Кекиловлар томонидан тайёрланиб, 1963 йили чоп этилган Муллонафас асарларининг бир жилдлиги бир қадар мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Ундан шоирнинг 98 та шеъри (шундан 25 таси янги) ва «Зухра-Тоҳир» достони ўрин олган.

Муллонафас таваллудининг 200 йиллиги муносабати билан А. Аширов томонидан тайёрланиб нашр этилган «Шеърлар тўплами» бу шоир шахси ва ижодининг ҳозиргача ўқувчиларга номаълум бўлган янги қирраларини очишга ҳамда Муллонафас ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, ҳозиргача Муллонафаснинг 100 дан ортиқ шеъри маълум. Унинг ҳам учдан бир қисми халқ оғзидан ёзиб олинган. Бу шеърлар устидаги матний тадқиқотлар ниҳоясига етмагани учун уларнинг ёзил-

---

<sup>1</sup> XVIII—XIX асыр тўркмен эдебиятынын тарыхы боюнча очерклер. Ашгабат, 1967 йил, 365-сахыпа.

ган даври ва шунга кўра шоирнинг ижодий камолот босқичларини ойдинлаштириш бир қадар қийинчилик туғдиради. Шоир мероси таркибида сайёр шеърлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Чунончи, Муллонафас номи билан машхур бўлган «Гулистонима» кўшиғи Каминага, «Бодомқовоқларингдан» Толибийга, «Ишқингдан», «Ёра етсам», «Иккимиз», «Зебожамол», «Чиқар» асарлари Мискин Қиличга, шунингдек, баъзи шеърлари Махтумқули ва Катибийларга ҳам нисбат берилади.

Муллонафаснинг «Гўзал ёрни истаб», «Баригал», «Бир пари», «Тилла ғозим», «Гўзалим», «Туйса», «Нор кезгин», «Дуч бўлар» каби ўнлаб шеърлари ўзининг гўзал шакли, теран мазмуни, ўлмас ғоялари ва юксак бадиияти билан замонлар оша ўқувчиларнинг эътиборини қозониб, халқ кўнглидан жой олиб келмоқда.

Муллонафас ижодининг етакчи жанри бу — мураббаъ. Уларнинг кўпчилиги 8 ва 11 ҳижоли бармоқда. Маълумки, ўзбек шеърлятида 7, 9, 11 ҳижоли, яъни тоқ ҳижоли вазнлар машхур бўлгани ҳолда, туркман шеърлятида 8 ҳижоли бармоқ вазнига кўп дуч келамиз. Жумладан, Махтумқулининг аксарият шеърлари 8 ҳижоли бармоқда ёзилган. Бу ҳолни Муллонафас шеърлятида ҳам кўрамыз.

Муллонафас аруз вазнида ҳам маҳорат билан қалам тебратган. Шоир ижодида бир неча ғазал ва кўпгина мухаммасларга дуч келамиз. Аруздаги шеърларининг барчаси биргина вазн — кўп қўллангани жиҳатидан арузнинг туркий вазнлари номини олган вазнлардан бири рамали мусаддаси мақсур (маҳзуф)да. Айни пайтда, мухаммас каби қофияланиш тартибига эга бўлса-да, уларнинг бир нечаси бармоқ вазнида ёзилган.

XIX аср ўрталарида Муллонафас халқ оғзаки ижодидаги Тохир ва Зухра севги қиссаси асосида «Зухра-Тохир» достонини ёзади. Насру назм аралаш ёзилган бу достон халқ ичида машхур бўлиб, бахшилар репертуаридан ўрин олган — уларнинг кўпчилиги халқ ҳофизлари томонидан алоҳида кўшиқ тарзида ҳам куйланиб келмоқда.

Муллонафас XIX аср туркман лирик шеърлятининг машхур намояндаларидан бири бўлиб, унинг етакчи анъаналарини давом эттирди ва ривожлантирди. Албатта, шоир ижодининг асосий қисмини ишқу муҳаббат мавзудаги шеърлар ташкил этади. Лекин унинг меросида ижтимоий мазмундаги ва панд-насихат руҳидаги шеърлар

хам анча-мунча. Таниқли туркман адабиётшунос олими, академик А. Кекилов шоирнинг лирик шеърларини мавзусига кўра уч гуруҳга ажратади: ижтимоий мазмундаги, панд-насихат руҳидаги ва севги ҳақидаги шеърлар. Янги топилган асарлари асосида бунга яна диний-тасаввуфий шеърларни илова қилиш мумкин.

Ижтимоий мавзудаги шеърларида у ўз даврининг манзараларини, ҳақиқий қиёфасини ёрқин бўёқларда тасвирлайди. Ижтимоий тенгсизлик, адолатсизликни, одамлар табиатидаги салбий ҳислатлар — ноаҳиллик, кина-адоват, очкўзлик, дунё хирси ва бошқаларни ўткир тили билан фош қилади. Масалан, «Нор кезгин» шеъри ўз даври манзараларини ҳаққоний акс эттирган теран мазмунли асар бўлиб, унда шоир ҳаётни нозик кузатувчи донишманд бир инсон сифатида намоён бўлган. Шеърнинг бутун мазмун-моҳияти унинг охирида такрорланиб келувчи:

Қирк йил моя бўлгунча, бир йил бўлиб нор кезгин, —

деган ҳикмат даражасидаги сатрида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Қораўғлон, Авезмурод каби ўз даврининг хонларига бағишлаб ёзган шеърларида ҳам ижтимоий руҳ кучли — уларда халқнинг миллий мустақиллик, эркинлик, фаровон турмуш тўғрисидаги асрий орзу-умидлари бадиий талқин қилинган. Масалан, Ахал хони Қораўғлоннинг ўзига бағишлаб шоир йигирмага яқин шеър ёзган. Туркманлар учун нисбатан нотинч бўлган XIX асрда Муллонафас Қораўғлон сиймосида халқ идеалидаги ҳукмдорни кўрган бўлса, не ажаб!

«Қажарбой», «Мардларнинг мардонидир» каби шеърлари ўша даврнинг машҳур саркардаларидан бири, халқ қаҳрамони Қажарбойга бағишланган. Унинг бир гуруҳ отлиқ қўшини бўлиб, Эрон, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг туркманлар устига юришларига қарши талончилик ҳужумлари уюштириб турган. Бу шеърларда у Қажархонни довюрақ, жасур, мард йигитларнинг саркардаси қиёфасида бадиий гавдалантирган.

Бир қанча шеърларида дунёдан, замондан, тақдирдан ва одамлардан шикоят оҳанглирига ҳам дуч келамиз.

Бир гавхарман нодонларнинг қўлида, —

дейди бир шеърида. Лекин, бир бутун олганда, Муллонафас шеърияти — некбин шеърият, ҳаётбахш шеърият.

Муллонафас ҳаётдан завқланиб, одамлардан муҳаббат излаб яшаган.

Гўзалликни ва гўзалларни севган.

У — гўзаллик куйчиси.

Туркман адабиётида ҳар бир шоирнинг ўз мақоми бор. Айтилик, Махтумқули ижоди қомусий характерга эга бўлиб, ҳаётнинг барча томонларини қамраб олган — унинг шеъриятида севги мавзуси ҳам, ватанпарварлик ғоялари ҳам, ахлоқий-дидактик қарашлар ҳам, диний-тасаввуфий оҳанглар ҳам, жонли ҳаёт манзаралари ҳам, ҳажвиёт ҳам ўзининг ҳар томонлама кенг ва чуқур бадиий талқинини топган. Сайидий ва Залилий ижодида ватанпарварлик-қахрамонлик ва у билан боғлиқ бўлган туркман уруғларини бирлаштириш ғоялари ифодаси етакчи ўрин тутади. Камина мероси ўзининг сатирик хусусияти билан алоҳида қиммат касб этади.

Ишқ мавзуи — Муллонафас шеъриятининг негизини ташкил этади. Албатта, ишқ мавзуини бирорта шоир четлаб ўтмаган. Махтумқули, Андалиб, Сайидий, Залилий, Камина каби туркман шоирларида ҳам ишқий шеъриятнинг гўзал намуналарини учратамиз. Лекин Махтумқулини истисно қилганда, уларнинг бирортаси ишқий шеъриятда Муллонафас даражасига чиқолмаган. Умуман олганда, ишқий шеъриятда, шеър шакли такомилида Муллонафас Махтумқулидан кейинги биринчи рақамли шоирдир. «Зухра-Тоҳир» достонида у ўзининг ишқ мулкининг шоҳи деб атайди:

Ишқ мулкининг шоҳиман, кошимда маҳрагим йўқ...

Ёниқлиги учун ошиқ ва ошиқлиги учун ёниқ бу қалб ишқу муҳаббат ҳақида оташин шеърлар ёзиб, туркман ишқий шеъриятини ўзининг энг юқори чўққисига олиб чиқди ва ўзи ҳам «ишқ мулкининг шоҳи» деган улук номга сазовор бўлди.

«Муллонафас «Ишқ мулкининг шоҳи» бўлиши баробарида, ишқ мулкининг нозик туйғуларини ифода этувчи сўз оламининг ҳам шоҳи ҳисобланади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Кекилов А. Тўркмения сайрак билбили // *Молланепес*. Лирика (иккинчи нашири). Чапа тайярланлар: Н. Ашыров, Б. Гарриев, А. Кекилов. Ашгабат, 1973 йил, 6-саҳыпа.

А. Кекилов Муллонафасни ишқий шеърятнинг буюк устоди, эркин туйғулар, эзгу орзуларнинг жарчиси — туркманнинг сайроқ булбули деб таърифлайди. Унинг лутф этишича: «Агар Гўрўғли жанг майдонининг қахрамони бўлса, ўз халқининг сайроқ тили Муллонафас туйғулар дунёсининг, сўз оламининг қахрамонидир».

Муллонафас шеърлари халқона содда руҳи, ўйноқи оҳанги, енгил ва равон услуби, оддий ва тушунарли тили, айна пайтда, чуқур мазмуни ва юксак бадиияти билан ўқувчини ўзига жалб этади. Бу жиҳатдан шоир ижодининг тадқиқотчиси А. Кекилов келтириб ўтган қуйидаги воқеа эътиборга молик: бадий асарларнинг тили ҳақида мақола тайёрлаётган бир ёш олим мисол қидириб, Муллонафаснинг шеърлари тўпламини қўлига олибди-ю, «Нор кезгин» номли илк шеърни ўқиши билан беқиёс таъсирланган ҳолда, нима мақсадда унга мурожаат қилгани ҳам хаёлидан кўтарилиб, китобни бошидан-охиригача ўқиб чиқибди. Чиндан, шоир шеърларининг бир оҳанрабои бор — улар ўқувчининг, тингловчининг ақлу хушини ўғирлаб қўяди. Бу шеърларни бир ўқиган ўқувчи улардан қайта ажралолмай қолади.

Бу шеърларни ўқиган кишининг кўнглига муҳаббат оташини солади.

Бу шеърлар кўнгилдаги муҳаббатни янгилайди, ошиқона туйғуларни кучайтиради. Чунки уларни хотир-жам ўқиб бўлмайди — мутолаа қилар экансиз, вужудингизга ўт туташиб бораётганини ўзингиз ҳам билмай қоласиз.

Муллонафаснинг тили — бу ишқнинг тили. У ишқ тили билан сўзлайди. Бу тилдан чиққан оташин мисралар кўнгилларга ўчмас ўт солиши шундан. Бу тилдан янграган ёниқ қўшиқлар ташна кўнгилларни ошиқ қилиб қўйиши шундан. Бу тилнинг ширасидан бир тотган киши умрбод унинг асиру мубталосига айланади.

Чинакам халқ шоири бўлган Муллонафаснинг ташбеху тимсоллари ҳам халқона содда ва теран — у ташбехни четдан қидирмайди, шундоққина кўз олдимизда турган, лекин кўриб туриб ҳеч ким эътибор бермаган нарсалар, воқеа-ходисалардан фавқулодда ва бетакрор ташбех ўрнида фойдаланади ва мумтоз адабиётда асрлар давомида тўпланиб келаётган ташбехлар силсиласини ўзига хос оҳорли ва гўзал ташбех билан бойитади. Жумладан, маҳбубанинг гўзал вужудини шоирлар нималарга

қиёслашмаган дейсиз! Муллонафас эса уни қирқ чилланинг қоридан ҳам устун қўйиш билан ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бадий мўъжиза даражасидаги ташбех яратади:

Оқликда баҳс айлар бу тан  
Қирқ чилланинг қори билан!

Ўз-ўзидан савол туғилади: шоир шеърятининг бу қадар жазб этувчи кучи нимада?

Бу — шоир сўзларининг беқиёс даражадаги самимиятида, фикрларининг ўз табиий оқими билан оқиб келишида, ташбеху тимсолларининг ҳаётийлигида, тилининг соддалиги, ифодасининг оддийлиги, услубининг равонлиги, шўх, ўйноқи ва жарангдор оҳанги, ҳассос руҳи ва ҳарорати, кенг ва теран мазмунида. Халқнинг тилининг учида турган, дилининг тубида яширинган сўзлари, дардлари, орзуларини топиб айта олганида, уларни гўзал ва таъсирчан шаклда ифодалай олганида! Шунинг учун ҳам шоир шеърлари халқ орзу-умидлари, дарду армонларининг акс садоси каби янгради.

Мана бу содда ва самимий, гўзал ва таъсирли мисраларни қаранг:

Нафас дер: гоҳ йиғлаб, гоҳи куларман,  
Гоҳи очиларман, гоҳи сўларман,  
Гоҳи тириларман, гоҳи ўларман,  
Ишқинг йўли ажиб йўлдир асарли.

Бу сатрларда ошиқнинг сурати ва сийрати ўзининг бутун мураккабликлари, ранг-барангликлари, қарама-қаршиликлари билан содда ва тўпори баён этиб қўя қолинган. Муллонафаснинг аксарият шеърлари ана шундай ташқи безакдан, ортиқча сўз ўйинларидан холи бўлиб, айтмоқчи бўлган фикрни тўғридан-тўғри ифодалайди. Уларнинг таъсир кучи беқиёс даражадаги ҳаётийлигида, кучли самимиятида.

Гўзал юз пардозга муҳтож эмас деганларидек, оҳорли ва теран фикр ортиқча безаксиз ҳам чексиз таъсир кучига эга бўлади ва мўлжалга бехато тегади.

Энг муҳими, шоирнинг айтадиган аниқ сўзи, зарур фикри бўлсин — шунинг ўзи ўқувчини ўзининг ортидан эргаштириб кета олади.



Халқ оғзаки ижодига ниҳоятда яқинлик ҳам Мулла-нафасга фикрларини ортиқча бўяб-бежамай, очиқ баён қилиш имкониятини бергандир. Шоир шеърларидаги бизга бир қадар пардасиздай бўлиб кўринган ўринлар балки шу билан изоҳланар. Чунки унинг ижодида мураккаб, мавҳум, пардага ўралган шеърлар, байту мисралар йўқ ҳисоби. У ҳамма нарсани очиқ-ойдин ёзади. Туйғулари, майлларини яшириб ўтирмай, ошқора, самимий баён қилади. Муллонафас — кўнгли очиқ шоир. Нимани ўйласа, нимани кўнглидан ўтказса, шу нарсани содда ва самимий мисраларга тизади.

Муллонафаснинг ўз замонасининг асосий илмларини эгаллаган, ҳаётда кўп нарсани кўриб, оқу қорани таниган донишманд инсон бўлганлиги унинг панд-насихат мавзуидаги шеърларида ёрқин кўзга ташланади. Жумладан, «Овози келса» шеърдан олинган қуйидаги сатрлар азалий ва абадий ҳаёт ҳақиқатининг содда ва тушунарли, оддий ва гўзал, чуқур ва таъсирчан шаклдаги бадиий талқинидир:

Оху боласини парвариш этсанг,  
Сув ўрнига шакар-шарбатлар тутсанг,  
Гулдан емиш бериб, оқибат кутсанг,  
Сендан юз бурар чўл овози келса.

Туғилган макон-мухити, табиий ҳаёт тарзи, ички хохиш-истак нафақат инсон, балки ҳайвоннинг ҳам тирик-лиги моҳиятини ташкил этади. Ана шу буюк ҳақиқатни шоир оху образи орқали бадиий гавдалантириб беради: оху боласини сув ўрнига шакар-шарбат, ўт ўрнига гул бериб боқсанг ҳам, барибир унинг кўнгли ўзи эркин униб-ўсган ва яйраб кезган бепоён кенгликларда бўлади! Бу сатрлар Алишер Навоийнинг машҳур рубоийсидаги қуйидаги мисраларни эсга солади:

Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,  
Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш.

Еки нафс бандасининг бадиий портретини мана бундай ҳаётий манзара асосида ёрқин ва таъсирчан тасвирлайди:

Нафс бандаси севар давлатни, молни,  
Бир кун хаста бўлиб, кетса мажоли,  
Ҳатто кимирлашга қолмаса ҳоли,  
Оёққа қалқар пул овози келса.

Халқона аниқ манзаранинг шоирона тиниқ тасвири. Шундай эмасми? Муллонафас мавзуни ҳаётдан олади, сўзни халқ ичидан қидиради, ифодада эса устозлар мактабидан ўрганган ҳолда ўз маҳоратини ишга солади.

Чуқур билим, кенг дунёқараш, катта ҳаётий тажриба маҳсули сифатида дунёга келганлиги учун ҳам шоирнинг қатор байту мисралари худди ҳикматдай, мақолдай жанранглайди. Чунончи:

Бахилларнинг жони чиқар бер десанг,  
Қайта жон кирар ол овози келса.

Буни «Оларда кирди жоним, Берарда чиқди жоним» деган халқ мақолининг янгича шаклдаги бадий талқини дейиш мумкин.

Қораўғлонга бағишланган «Барқарор бўлсин» номли шеърда душманининг филдай кучли бўлса ҳам, қошингда пашшадай заиф бўлсин, дейди:

Душманинг фил агар бўлса бегумон  
Қошингда пашшадай бемадор бўлсин!

Ёки:

Минг юлдуз йиғилса, битта ой бўлмас.

Чиндан ҳам, мингта юлдуз битта ойчалик зулматни ёритолмайди. Халқона содда ва сермазмун мисралар.

Муллонафас инсон табиатидаги харисликни — ҳар қанча бойиса ҳам, доим пулим оз деб нолиб юриши, минг йил яшаса ҳам ҳаётга тўймаслигини Шарқ адабиётида бойлик ва бахиллик тимсолига айланган Қорун ҳамда ривоятларга кўра минг, ҳатто 1600 йил яшаган Нух пайғамбарга қиёслаш орқали талмеҳ санъатидан фойдаланиб, образли ва таъсирчан бир шаклда ифодалайди:

Қорун мулкин топса аёл ёки эр,  
«Пулим оз» деб яна мудом қайғу ер,  
Ҳатто Нух ёшига етса ҳам кам дер,  
Ёқмас кулоққа «Ўл!» овози келса.

Ёки мана бу содда, лекин ниҳоятда теран мисрага эътибор беринг:

Найлай, висол илмидан дарс бермади устодинг...

Сен мени висолингга муяссар этмадинг деган оддий фикрни шоирона лутф пардасига ўраб, устозинг висол

илмини ўргатмагани учун ҳам мени васлингдан бахраманд этмадинг тарзида гўзал ва таъсирчан ифодаламоқда.

Бу ерда шоирнинг усталиги шундаки, маъшукани айбдан соқит қилиш учун зарофат билан бор гуноҳни устодга ағдариб юбормоқда. Яъни висолига муяссар этмаган бўлса-да, бунда маъшуканинг айби йўқ — барча айб унга бунинг йўл-йўриқларини ўргатмаган устодда.

Шоир маъшукани айблаб туриб оқлаяпти. Ўзи ҳам нолиб туриб таскин топаяпти.

Ниҳоятда нозик ва зиддиятли рухий ҳолатнинг оддий ва бетакрор бадиий тасвири. Бундай санъатни мумтоз адабиётшуносликда ҳусни таълил дейилади. Ҳусни таълил — чиройли далил келтириш бўлиб, шоирлар ўз фикрларини бадиий гўзал шаклда асослаш учун бу санъатга мурожаат қиладилар. Бунда келтирилган далил ифодаланган фикрнинг ҳақиқий сабаби бўлмай, шоирлар лутф юзасидан уни важ қилиб кўрсатадилар. Келтирилган мисрада ҳам маъшуканинг ошиғини висолига етказмаслигига устозининг унга висол дарсини ўтмаганлиги сабаб қилиб кўрсатилади.

Шеърда шоирнинг ўз фикрини асослаш, тасдиқлаш, ривожлантириш ва кучайтириш учун халқ мақол-маталлари, машҳур образли ибораларини кистириб кетиши илми бадеъда ирсоли масал — масал келтириш санъати дейилади. Муллонафас ўз шеърларида бу санъатдан ўрни-ўрнини топиб, маҳорат билан фойдаланган. Масалан:

Кул бой бўлса, танимайди оғасин,  
Эшак ҳам семирса, тепар эгасин.

\* \* \*

Ёр менга жавоб килди: «Мехнатнинг таги роҳат».

\* \* \*

Дейдилар: кишининг ёри ёр бўлмас,  
Ёри бошқа бевафодан кеч кўнглим.

Муллонафас сўзнинг беқиёс таъсир қудратини бутун қирралари билан теран ҳис қилган ва уни маҳорат билан ўзининг бадиий мақсади ифодасига тўла-тўқис хизмат қилдира олган етук сўз санъаткори ҳисобланади.

Муллонафас нафақат туркман халқининг, балки ўзбекларнинг ҳам ўз шоирига айланиб кетган. Зеро, Муллонафас деганда, биз «Гулистонима», «Ёдимга тушди»,

«Баригал», «Бодомқовоқларингдан» каби ҳофизлар тилида қўшиққа айланиб кетган ўнлаб ҳассос қўшиқларнинг муаллифи бўлган оташин шоирни кўз олдимизга келтирамиз. «Зухра-Тохир» достони эса бахшилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган. Бу дoston сўз ва соз уйғунлигида ижро этилганидан, ундаги кўп қўшиқлар ҳам алоҳида қўшиқларга айланиб кетган — «Булбул кўрдим», «Қизлар», «Боғ сайлига кетайлик», «Керак», «Унутма», «Орзу айлаб», «Намасан?», «Севар ёрим бўлмаса» каби қўшиқлар шулар жумласидандир.

## ҲАЁТБАХШ ШЕЪРИЯТ

Фурқат ижоди ўзбек мумтоз адабиёти тарихининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади. Анъанавий услубдаги ҳассос ошиқона шеърлари ва замонавий мавзудаги маърифий маснавийлари билан ўзбек мумтоз адабиётида ўзига хос ўрин тутган Зокиржон Мулло Холмуҳаммад ўғли Фурқат 1859 йили Кўқон шаҳрининг Хўжанд даҳасидаги биринчи Бешариқ маҳалласида косиб-хунарманд оиласида туғилган. Шоирнинг отаси Холмуҳаммад ҳам ўз даврининг турли илмлардан хабардор фозил кишиларидан бўлиб, адабиётга алоҳида муҳаббати бор эди. У ўғлини 6 ёшида Муҳаммад Олим мактабдорга ўқишга беради. Зокиржон маҳалла мактабида ўқиш билан бирга, отаси ёрдамида мустақил мутолаа билан ҳам қизгин машғул бўлади. Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Амир Хусрав Дехлавий, Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил каби Шарқ мумтоз сўз санъатининг забардаст намояндаларининг асарларини севиб мутолаа қилади. Чунончи, 8 ёшидаёқ Фаридиддин Атторнинг машҳур «Мантик ут-тайр» достонини олти ой давомида хатм қилганини айтади. Ўзининг эътироф этишича, у 9 ёшидаёқ шеър ёзишга киришиб,

Менинг мактаб аро булдур муродим,  
Хатимдек чикса имлою саводим, —

мисралари учун муаллимнинг олқишига сазовор бўлган. Маълум бўладики, Фурқат мактабда ўқиб юрган пайтидаёқ шеър ёзиш билан жиддий шуғуллана бошлаган. Унинг шеърятдаги илк устози ҳаммаҳалласи, ўз даврининг таниқли шоири Нисбатий бўлган.

11 ёшида мактабни тугатиб, Ашур Муҳаммад Қоридан бир муддат шахсий сабоқ олади. У Мулла Қамбарали деган кишининг кўлида хуснихат ҳам машқ қилган. 1871—1872 йилларда Қўқондаги Жоме масжидининг мударриси Подшоҳўжа эшондан араб тилини ўрганеди.

1873 йили Моҳларойим мадрасасида ўқишини давом эттиради. Лекин 1875 йили Қўқон хонлигида юз берган қонли сиёсий воқеалар туфайли мадраса ёпилгач, яна мустақил мутолаага берилади.

1876 йили Қўқон хонлиги тугатилиб, Фарғона вилояти ташкил этилади ва Янги Марғилон унинг маркази бўлади. Отасининг ёнига кириб, бир неча йил тирикчилик муаммолари билан шуғулланишга мажбур бўлган Фурқат тоғаси Раҳматуллонинг қистови билан 1878 йили унга ёрдамлашиш учун Янги Марғилонга боради. Кейин ўзи ҳам чоғроқ бир дўкон очиб, чой ва бошқа майда-чуйдалар билан савдо қилади. Бу ишлар унинг халқ ҳаёти билан чуқур танишиши, одамлар феъл-атворини етарли ўрганишига имкон яратди.

Марғилонда ўтказган йиллари Фурқат дунёқарашининг шаклланиши, адабий-эстетик тушунчаларининг муайянлашувида муҳим роль ўйнаган. У айнан Янги Марғилонда Фурқат таҳаллуси билан шуҳрат қозона бошлади (Воқеан, А. Абдуғафуровнинг тахминича, у Фурқат таҳаллусини шу ерда олган). Шариат, тариқат, тиб ва илми нужум соҳаларида ўз даврининг билимдони бўлган Рожий Фурқатга устозлик қилган. Эҳтимол, Фурқатнинг кейинчалик Ёркендда табиблик қилиб кун кечиришида Рожийдан олган таълими кўл келган бўлса, ажаб эмас.

Фурқат 1882 йилда яна Қўқонга қайтади. Бу ерда у Муқимий, Завқий, Муҳаййир, Муҳйи, Нодим каби шоирлар билан танишиб, ижодий суҳбатлар қуради, адабий давраларда иштирок этади. Бу мулоқотлар унинг замонасининг пешқадам шоирларидан бири ўлароқ шаклланишига муҳим таъсир кўрсатди. Фурқат шеърларига ижтимоий ғоялар кириб кела бошлади, ижодида атрофда кечаётган ҳодисаларга поэтик муносабат шакллана бошлади. «Бу йирик қалам соҳиблари ижодида кейинчалик кучайиб камол топган ғоявий ва адабий бирлик, улар дунёқарашидagi умумийлик худди шу адабий анжуманларда шакллана борган»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Абдуғафуров А. Фурқат // Буюк сиймолар, алломалар. 3-китоб. Тошкент, 1997 йил, 101-бет.

Фурқат бу даврда жуда сермахсул ижод қилиб, кўплаб ғазаллар, мухаммаслар, мусаддаслар яратибгина қолмай, «Ҳаммоми хаёл» шеърӣй рисоласини ёзади, «Чор дарвеш» қиссасини форсчадан ўгиради, бир фозил дўстининг илтимосига кўра «Нўҳ манзар» китобини шеърӣй таржима қилади. Шеърларини йиғиб, илк тўпламига тартиб беради. Унинг яна Қўқон хонлиги тарихига оид бир асар ёзганлиги маълум. Афсуски, уларнинг бирортаси ҳозиргача топилган эмас. Шоир шеърлари турли баёзлар, тўплалар, қўлёзмалар, «Туркистон вилоятининг газетаси» ва бошқалардан йиғиб тўпланган.

Худди шу даврда шоир оила ҳам қуради, лекин бахтли ҳаёти узоққа чўзилмайди. Бу никоҳдан Фурқатнинг Фозилжон исмли ўғли бўлиб, 1922 йилда фуқаролар урушида ҳалок бўлган.

1886–1987 йилларда Фурқат яна Янги Марғилонга боради. Дўсту кадрдонлари кўмагида кичик бир дўкон очган бўлса-да, асосан ижодий иш билан шуғулланади, кўп вақтини зиёлилар, шоирлар даврасида ўтказди. Хўжажон Рожий, Муҳаммад Умар Умидий-Ҳавоий, Мулла Тошболту Ройиқ каби ижодкорлар билан танишиб, адабий суҳбатлар қуради. У ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, фан-техника янгиликлари, европача ҳаёт тарзи, «Тошкент вилоятининг газети» билан ҳам илк бор шу ерда танишади.

XIX асрнинг 80-йиллари Фурқат ижодий эволюциясида алоҳида ўрин тутди: бу йилларда у анъанавий мавзуларда кўплаб ғазал, мухаммас ва мусаддаслар ёзибгина қолмай, ижтимоий-сиёсий мотивларни ҳам жасорат билан шеърларига олиб қира бошлади. Хусусан, Қўқондан олиб кетилиб, Оренбургда сақланаётган Худоёрхон тилидан ёзган мухаммаси чор маъмурларини безовта қилиб қўяди. Улар халқ орасида шуҳратли шоирга қарши бирор чора кўришга журъат этолмай, уни Тошкентга жўнатиб, ҳар бир босган қадамини назорат остига оладилар.

Фурқат Хўжанд орқали Тошкентга келиб, 1889–1891 йилларда аввал Қўқалдош мадрасасидаги бир ҳужрада 9 ой яшаб, кейин Маҳмудхўжа исмли адабиёт мухлиси уйига кўчиб ўтади. Тошкентда яшаган йиллари Фурқат учун ниҳоятда самарали кечди: у ўлкага руслар орқали кириб келган замон янгиликлари — телефон, телеграф, газета, виставка, электр энергияси каби фан-техника

ютуқлари билан танишди, музей, кўрғазмаларда бўлди, театрга кирди, балда қатнашди. Буларнинг барчаси шоир дунёкарашига кучли таъсир кўрсатиб, қалбига илҳом бағишлади. «Бу эса Фурқатнинг кўп асрлик адабиётимизга янги мавзулар, янги ғоявий оҳанглар олиб киришига, чин маънода новатор ижодкор сифатида қалам тебратишига замин бўлди»<sup>1</sup>. Ижтимоий ҳаётдаги янгиликлар ва ўзгаришларга қизиқиш билан қараган, тараққиётга хайрихоҳ бўлган шоир илм-фан самараларини кўриб, «Илм хосияти», «Гимназия», «Виставка хусусида», «Акт мажлиси хусусида», «Тошкент шахрида бўлгон наъма базми хусусида», «Суворов» номли қатор маснавийлар ёзиб, уларда илму маърифатни улуғлади, фан-техника ютуқларини кўкка кўтариб мақтади ва кишиларни илму хунар ўрганишга даъват этди.

Бу шеърларнинг барчаси «Туркистон вилоятининг газети»да чоп қилинган. Улар орқали шоир янгилик ва тараққиёт, илм-фан ва европача маориф-маданиятнинг қизгин тарғиботчиси сифатида намоён бўлади. Лекин у бу билан «айрим тадқиқотларда айтилганидек, чор Россиясининг мустамлака сиёсатини эмас, рус халқининг ўша пайтда юксалишга юз тутган маданиятини тарғиб этди. У Россиянинг илм-фан, саноат соҳаларида эришган ютуқларига хавасланди. Шундай маданий даража, шундай юксалиш бизда ҳам бўлишини орзу қилди»<sup>2</sup>. Ватандошларини маърифатли бўлиш, илм-фан янгиликларини ўзлаштириш ва жаҳоннинг илғор халқлари қаторидан ўрин эгаллашга чақирди.

Фуркат ўзбек публицистикасининг ҳам асосчиларидан ҳисобланади. Унинг публицистик фаолияти «Туркистон вилоятининг газети»га ишга кирган 1890 йилдан бошланади. У қатор мақолалари билан газетада қатнашади, газетани тайёрлашда бевосита иштирок этади. Сатторхон каби илғор маърифатпарвар билан ҳамкорликда ишлайди.

Фуркат 1891 йилнинг 14 майида Самарқандга бориб, у ердан чет элга чиқиб кетади. У дастлаб Марв-Ашхобод-Боку-Ботуми орқали Истанбулга, у ердан эса Булғория ва Юнонистонга ўтади — 1892 йилнинг мартада Истанбулдан Ўрта денгиз орқали Арабистонга — Макка, Жидда,

<sup>1</sup> Абдуғафуров А. Фуркат. 103-бет.

<sup>2</sup> Жабборов Н.А. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. ДДА. Тошкент, 2004 йил, 13-бет.

Мадина шаҳарларига боради. Хаж зиёрати маҳалида «Ҳажнома» асарини яратади.

Фурқат Хижозда шоир Тажаллий билан учрашади. У Бомбей, Дехли ва Кашмир орқали 1893 йили Фурқатни Ёркентга олиб боради. Чунки унинг ўзи Ёркентда туғилиб ўсган эди. Унинг сўфиёна руҳдаги гўзал шеърлари Фарғона ижод ахли ўртасида ҳам машҳур бўлиб, севиб ўқилган. Муқимий ва Фурқатнинг унинг туркий ва форсий ғазалларига мухаммаслари, татаббуълари мавжуд.

Фурқатнинг Ёркентда турғун бўлиб қолишига балки ана шу Тажаллий сабаб бўлгандир.

Ёркентда Фурқат табобат билан жиддий шуғулланиб, хатто «Зубдат ул-хукамо» («Ҳақимлар сараси») унвонига сазовор бўлади. Доривор гиёҳлар билан савдо қилувчи дўкон очади. Хаттотлик бобида маҳорат касб этиб, физика, химия, астрономия каби аниқ фанлар билан ҳам машғул бўлади ва, албатта, ижодий ишларини давом эттиради: кўплаб ғазаллар, мухаммаслар қаторида ижтимоий-сиёсий мавзуларда маснавийлар ёзди. «Масарратнома», «Қасида» асарлари, шунингдек, рус-япон уруши муносабати билан ёзган маснавийси шулар жумласидандир.

Бу ердан у отаси ва ўғлини Ёркентга даъват қилиб, Қўқонга мактублар йўллайди. Қўқон ва Тошкентдаги ёру биродарлари билан ҳам хат орқали алоқа қилиб туради.

Фурқат Ёркентда оила қуриб, икки ўғил кўрди. «Ёрканд шаҳридан Тошболтуга хат» шеърий номасида шундай мисраларни ўқиймиз:

Менга мунда муқим ўлмок Худо тақдири ўлмишдур,  
Эмасдур бандалик дам урмагим «чуну чаро»лардин.

Худо бермиш ики фарзанд: Нозимжон, Ҳокимжон,  
Қачон бўлғой кўнгул узмоққа бу кўзи қаролардин.

Фурқат 1909 йили вафот этиб, Ёркентдаги Донгдор қабристонига дафн этилган. 1990 йили шоир қабри устига мақбара қурилган.

Совет даврида Фурқатнинг маърифатпарварлик йўналишидаги шеърлари тадқиқига асосий урғу берилиб, у новатор шоир сифатида кўкларга кўтарилган эди. Тўғри, шоир жамиятда ижтимоий ўзгаришлар кечаётган, фан-техника янгиликлари ҳаётга кенг кириб келаётган бир даврда яшаб ижод этди. Бунинг устига, у дунё-



нинг кўплаб мамлакатларига саёхат қилиб, тараққиётга юзланаётган жаҳонни ўз кўзи билан кўрди. Буларнинг барчаси шоирга кучли таъсир кўрсатиб, янги мавзулар ўлароқ ижодини бойитди. У бир томонда тараққиёт тантанаси, иккинчи томонда жаҳолат устуворлигини кўриб, уларни ўзаро қиёслаб, кўплаб маърифатпарварлик йўналишидаги шеърлар ёзди ва, ўз-ўзидан, жаҳолатни қоралаб, тараққиётни улуғлади, кишиларни илму ҳунар ўрганишга даъват қилди, келажак илму ҳунар эгалариники эканлигини қизгин тарғиб этди.

Лекин Фурқат аввало лирик шоирдир. Меросининг асосий қисмини анъанавий йўналишдаги ғазал, мухаммас ва мусаддаслар ташкил этади.

Фурқатнинг анъанавий йўналишдаги шеърлари ҳассос ва жўшқинлиги, шўҳ ва ўйноқлиги, мусикий ва жанр-анъанавий тимсолу ташбеҳларни ривожлантириб, уларнинг янги қирраларини очса, гоҳ кутилмаган ва оҳорли ташбеҳлар топиб, ўқувчини ҳайратга солади. У анъанавий шеърятга юрт гўзаллиги, табиат манзаралари тасвирини олиб кирди, ҳаёт қувончи ва ташвишлари, севги-муҳаббат, инсоний интилиш ва фазилатларни ўзига хос бетакрор ташбеҳлар, равон услуб ва содда тилда тараннум этди. Бир қатор шеърларида эса ҳаётдаги ноҳақликларни танқид қилди, шахс эркинлиги масалаларини кўтарди. Шеърларида ижтимоий руҳ ва замонавийлик кенг ўрин эгаллади. Давр адабиётининг қатор ғоявий ва бадиий жиҳатдан етук намуналарини яратди.

Фурқат шеърлари ҳаётбахш ғояларга, некбин оҳангларга йўғрилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Холбуки, у ҳаётда бир инсон кўриши мумкин бўлганидан ортиқ ранжу машаққатларни, аламу йўқотишларни бошидан кечирди: моддий қийинчиликлар туфайли ўқишини аро йўлда ташлаб, 17 ёшидан савдо ишлари билан шуғулланди; хотини ёш жувонмарг бўлиб кетди — оилавий турмушда бахти кулмади; умрининг катта қисми сарсон-саргардонликда, мусофирликда ўтди. Шунга қарамай, баъзи мухаммас ва мусаддасларидаги мунгли, аламли, тушкун кайфиятларни айтмаганда, шоир ижоди, бир бутун олганда, умидбахш ҳислар, ошуфта туйғулар, нузли кечинмалар билан суғорилган. «Унинг лирикаси, асосан,

хаётбахш оптимистик лирикадир»<sup>1</sup>. Бу шеърлар ўқувчини яшашга, хаётдан лаззат олишга, тириклик аталган буюк неъматнинг кадрига етишга, илму ҳунар ўрганиб, камолот касб этишга, халқ оғирини енгил қилишга, ўзидан яхши ном қолдиришга ундайди. Фурқатнинг ўзи «Шоир аҳволи ва шеър муболагаси хусусида» шеърда ёзганидек, қалам аҳли:

На хуш кўрса оламда, таъриф этар,  
Ани яхши сўз бирла тавсиф этар.

Бундан маълум бўладики, Фурқатнинг ижодий принципи хаётдаги эзгуликларни, гўзалликларни қаламга олиш бўлган. Яъни унда «ижобий идеални куйлаш устундир»<sup>2</sup>. Бошқача айтганда, у ҳамма нарсадан яхшилик, ёруғлик, гўзаллик кидирган ва хаётни иложи борича яхши томондан тасвирлашни маъқул кўрган. Холбуки, унинг Муқимий ва Завқий каби сафдошлари ижодида танқидий рух етакчи ўрин тутди. Шайхзода Муқимий ва Фурқат ижоди таҳлилидан нозик ва ҳаққоний хулоса чиқаради: Муқимий ёмонликни танқид қилиб, яхшиликка йўл очмоқчи бўлса, Фурқат яхшиликни тасдиқ этиб, ёмонликнинг йўлини тўсмоқчи бўлган. Чиндан ҳам, Муқимийда танқид, фош этиш руҳи, кулги кучли бўлса, Фурқатда некбинлик, яхшиликка ишонч оҳанги устунлигини кўрамыз. Демак, Фурқат хаёт ошиғи, гўзаллик шайдоси, муҳаббат куйчиси бўлган. Шоир шеърларида табиат манзаралари тасвирининг, баҳор гўзаллиги ва завқи тараннуми етакчилигининг, сайру саёҳат, давраю суҳбатлар гашти улугъланишининг сабаби ҳам шунда. «Табиат манзарасини муҳаббат, хаётий ишқ билан боғланган ҳолда тасвирлаш Фурқат лирикасининг энг яхши хусусиятларидан биридир»:

Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса,  
Қилурға шарҳи ҳол аҳли муҳаббат икки тан бўлса.

«Фурқат лирикасида кўпинча баҳор ва ёр мавзуси эгизак бўлиб келади. Гўё шоир бу икки тушунчани бир-бирисиз тасаввур қила олмайди»<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Расул Х. Фурқат (Сўзбоши) // *Фурқат*. Танланган асарлар. Тошкент, 1975 йил, 8-бет.

<sup>2</sup> Каримов Ф.К. Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1987 йил, 157-бет.

<sup>3</sup> Абдуғафуров А. Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат // Ўзбек адабиёти тарихи. 5-жилд. Тошкент, 1980 йил, 196-бет.

Умунан, баҳорни авж пардаларда жўшқин илҳом билан тараннум этиб, умрни хуш-хуррам ўтказишга даъват оҳанглари Фуркат шеърларида анча кенг ўрин тутди. «Бу шеърлар умри «ранжу ғуссага» ботганларга қаратилган поэтик таклиф — ҳурлик нашъасидан хузурланишга таклифдир»<sup>1</sup>:

Фасли навбаҳор ўлди кетибон зимистонлар,  
Дўстлар, ғаниматдур — сайр этинг гулистонлар.

Лекин йил фақат баҳор фаслидан иборат бўлмагани, унинг жазирама ёзи, хазонрезги кузи, қаҳратон қиши ҳам бўлганидек, ҳаёт ҳам фақат завқу хурсандчилик, айшу ишратдан иборат эмас, унинг ҳам ранжу машаққатлари, ғаму кулфатлари, ҳар турфа имтиҳонлари кўп. Баҳор завқи бахш этган нурли кайфиятнинг кутилмаганда хира тортиши, дафъатан хазин бир мунг эгаллаб, кўнгилга ғашлик оралиши бу завқу сафонинг доимий эмаслигидандир:

Кечтилар вафо аҳли қолмайин тутуб савсан,  
Кийди кўк қилиб сунбул зулфини паришонлар.

Тирикликнинг азалий ва абадий қонунияти деб, буни-ку, тушунса бўлади, лекин дунёнинг адолатсизлиги, ҳаётнинг нотеқислигига қандай чидаш мумкин:

Куймасун бу савдода не учун димоғимким,  
Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар.

«Тортадур» радифли ғазалида бу фикр ўзининг авж нуқтасига кўтарилиб, фалсафий хикматга айланади:

Чархи кажрафторнинг бир шевасидан доғмен,  
Айшни нодон суруб, кулфатни доно тортадур.

Бу — Фуркатнинг шоҳбайтлари сирасига кирадиган мазмунан теран, бадий баркамол байтларидан. У азалдан давом этиб келаётган ва эҳтимолки, абадулабад ўзгармайдиган буюк ҳаётий ҳақиқатни халқона оддий ва содда бир тарзда ифодалайди.

Фуркат шеърлари ана шундай содда тили, равон услуби, халқчил мазмуни ва ҳассос руҳи билан эътиборга молик. Чунончи, мана бундай мисраларни халқ оғзаки ижодини чуқур билмаган, халқ ичида юрмаган, халқона

<sup>1</sup> *Ҳаққул И.* Шеърят — руҳий муносабат (Адабий-танқидий маколалар). Тошкент, 1989 йил, 229-бет.

нозик лутфу қочиримлардан беҳабар, халқона табиатга эга бўлмаган шоирнинг ижод қилиши қийин:

Юрса ўзини ташлаб ҳар сори жилва бирлан,  
Биллоҳки, озмаган дил, эзилмаган жигар йўк.

Кенг билим, катта турмуш тажрибасига эга, тақдир синовларию ҳаёт имтиҳонларини бошидан кечирган, тириклик моҳияти, умр мазмуни, одамлар феъл-атвори хусусида теран мулоҳаза юритган шоирнинг қатор байту мисралари халқ хикматларидай жаранглаши бежиз эмас.

Халқда: «Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу» деган мақол бор. Бу машҳур мақолни шоир ўз бадиий мақсадини амалга ошириш учун мана бундай гўзал ва бетакрор бир шаклда мисралар қатига сингдириб юборади ва бадиий баркамоллиги жиҳатидан шохбайт даражасидаги байт ижод қилади:

Қайга кетай олиб бош дарду аламларингдин,  
Балойи ғам, нигоро, ҳар ерда бор эмасму?

Халқ мақол-маталлари, халқона ташбеҳлар, одамлар ичида юрган теша тегмаган гапларни гўзал ва таъсирчан шаклда шеърга солганлиги учун ҳам Фурқатнинг кўпгина байтлари тилдан-тилга ўтиб, ёд айтиб юрилади.

Фурқат энг теран мазмунни ҳам энг содда шаклда ифодалашнинг роса ҳадисини олган — бу унинг бекиёс шоирлик маҳоратидан далолат беради. Чунончи, қуйидаги байтида ирсоли масал — мақол келтириш санъатидан фойдаланган ҳолда гўзал сўфиёна маънони баён этади:

Ўчти уйку белу оғзидин дегач бир бору йўк,  
Дер эмиш ровий ғалат: афсона уйку келтурур.

Тасаввуф истилоҳида бел — комил инсоннинг фикру тахайюли. Қилдай ингичка бел — бу фикру тахайюлнинг нозиклиги, баъзида уни идрок этишнинг мушкул ва мумкин эмаслигига ишора бўлса, оғиз — илоҳий калом, унинг чиқиш ўрнини билдириб келади. Шунга мувофиқ, оғизнинг ангишвонадай кичкиналиги, гоҳо ҳатто, кўриб бўлмас даражада эканлиги — илоҳий асрорни ақл билан англаб етишнинг имконсизлигидан нишона.

Бир байтда бир неча санъатлардан маҳорат билан фойдаланиш ҳам шоирнинг қанчалик катта истеъдод соҳиби эканлигидан далолат беради.

Балоғат эрур шеърнинг оройиши, —

деган Фурқат ўз асарларининг ҳам бадиий жиҳатдан баркамол бўлишига жиддий эътибор беради.

«Юнон мулкида бир афсона» маснавийсида юнон қизи тилидан унинг гўзаллигини таърифлаш учун:

Жамолим панжалар урди қуёшқа, —

деган гўзал бир ташбеҳ ишлатади. Менинг ҳусну жамолим олдида қуёш ҳам хира тортиб қолди деган фикрни ана шундай гўзал ва бетакрор тарзда ифодалайди.

Ёки сувда оқиб келаётган лоланинг узилган барглари каби ҳажрингда пора-пора бўлган жигарни кўз йўлидин оқиздим дейди:

Ашки доғ эзган жигарни келтуруб кўз йўлидин,  
Пора-пора лола баргин гўё су(в) келтурур.

Кўз ёшим доғидан эзилиб, парча-парча бўлган жигаримни сувда оқиб келаётган пора-пора қилиб узиб ташланган лола барги каби кўз дарёсида оқиздим. Гўзал манзара, тўғри эмасми? Сувда оқиб келаётган лола барглари ва кўздан оқаётган жигар поралари. Сув юзида қалқиб келаётган қизил япроқ парчалари ва кўздан оқаётган қонли ёш томчилари. Бу ерда гўзал ташбеҳ ҳам, кучли муболаға ҳам мавжуд.

Бошқа бир байтида эса кўзларимнинг пардасини йўлига пояндоз этиб, жонимни унга фидо қилай дейди:

Кўзларимнинг пардасин йўлига пояндоз этиб,  
Нақди жонимни нисор айлайки, султоним келур.

Албатта, жонни фидо қилиш — янги гап эмас, лекин кўз пардасининг маъшуқанинг оёғи остига пояндоз қилиб тўшалиши — Фурқатнинг бадиий кашфиёти. Бошқа бирор мумтоз шоир ижодида бундай ташбеҳни учратмаймиз. Шоирнинг шоирлиги ана шундай кутилмаган ва фавқулудда ташбеҳларда ярқ этиб кўзга ташланади.

Фурқат ижоддаги самимияти, очиклиги, ҳеч нарсани яширмай ҳақиқатни ёзиши, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам фош қилишдан қўрқмаслиги, кўнглини ўқувчига кўзгудай тутиши, уни ўзига тенг тутиб гапириши, шеърларининг содда тили, аниқ ифода тарзи, равон услуби, жарангдор

ва таъсирчан оҳанги билан ҳам Бобурни ёдга солади. Айтайлик, «Бир қамарсиймони кўрдим...» ғазалида ошиқнинг: «Нуқта лаб устида бежо-ку?» — деган саволига маъшуқа: «Ҳа, энди котиби қудрат тахрирда хато қилгандир-да», — деб оддийгина жавоб қайтарса, ўз навбатида, маъшуқанинг: «Нега тарки ватан қилдинг?» — деган сўроғига Фурқат: «Фурбатда Фурқат бор экан тақдирда», — деб қўя қолади. Холбуки, ана шу оддий ва содда жавобларда бир олам маъно бор, бир дунё аламизтироб бор, нозик ишора ва теран мазмун мужассам, ҳозиржавоблик, зарофат, топқирлик, нозиктаъблик мавжуд ва, албатта, катта шоирона маҳорат кўриниб туради.

Шундай туюладики, Фурқат фикру туйғуларини ифодалашда сира қийналмайди — улар ўзининг табиий оқими билан оқиб келади.

У фикру туйғуларига ортиқча зеб бермайди, атай мураккаблаштирмайди, сирлилик пардасига ўрамайди, айни пайтда, уларни шунчаки оддий ифодалаб ҳам қўя қолмайди. У самимий фикрларини табиий ифодалашга ҳаракат қилади.

Маълум бўладики, Фурқат ўзбек мумтоз адабиётида ўзига муносиб ўринга эга бўлган забардаст сўз санъаткорларидан ҳисобланади. Ўзбек адабий тили, адабиёти, маданияти, санъати, публицистикаси тараққиётини унинг ижоди ва фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. «Баҳор айёмида», «Умр хуш ўтмас», «Кашмирда», «Лаҳза-лаҳза», «Даво истаб», «Бормасмиз», «Шакар тўкилди», «Гул», «Булбул», «Адашганман», «Афғону зоримдин», «Тортадур», «Фасли навбаҳор ўлди», «Баҳор эмасму?», «Бўлурму?», «Асар йўқ», «Нолаи зоримға боқ» каби ўнлаб ғазаллари, «Бу нечук савдо», «Истар кўнгул», «Адашганман», «Бири» мухаммаслари, «Сайдинг қўябер, сайёд», «Уч хароботий» мусаддаслари ўзбек мумтоз адабиётининг олтин хазинасидан жой олган. Шоир ижодининг кўнгилга яқинлиги, завқбахш ва жарангдорлиги, шўҳ ва ўйноқлиги, равон ва мусиқийлиги жиҳатидан шоирнинг бир неча ўнлаб шеърлари — ғазал, мухаммас ва мусаддаслари қўшиққа айланиб, асрлар давомида хофизлар томонидан севиб ижро этиб келинади ва улар миллий қўшиқчилигимизнинг олтин фондидан жой олган. Фурқатнинг халқ орасида қанчалик машхурлигини шундан ҳам билса бўлади.

## МУНДАРИЖА

Маънавият мулкига саёҳат .....	3
Сўз мулкининг соҳибқирони .....	6
Муаллими соний .....	15
Шарқ адабиётининг шоҳ китоби .....	21
Берунийнинг адабий мероси .....	29
Фалсафий шеърят асосчиси .....	36
Орифлар султони .....	45
Муҳаббат тароналари .....	51
Фозиллар фозили .....	55
Дунё тан олган тилшунос .....	64
Туркий адабиётнинг ноёб обидаси .....	71
Хикмат қасри .....	82
Рубоийнавислар устоди .....	87
Адиб Собир асарларининг ўзбекча таржималари .....	100
Жаҳоний тариқат асосчиси .....	109
«Туркистон аҳлининг қиблаи дуоиси» .....	119
Гавҳар янглиғ хикматлар .....	131
Булбулни мот айлаган шоир .....	140
Ахлоқ муаллими .....	149
Мангуликка дахлдор ижод .....	156
Олам шайхи .....	170
Жаҳон адабиётининг муаззам сиймоси .....	183
Соҳир сўз санъаткори .....	197
Сайфи Саройи — «Гулистон» гаржимони .....	204
Мохир мутаржим .....	210
Футувват аҳлининг пешвоси .....	216
Ҳофиз асарларининг ўзбекча талқинлари .....	240
Жаҳонга сиғмаган шоир .....	258
Яна бир Ҳофиз .....	262
«Атойи шеърининг лутфини билса...» .....	276
Улугбек даврининг машҳур шоири .....	281
Туркона шеърят .....	291
Туркий шеърятнинг малик ул-каломи .....	302
Навоий назари тушган авлиё .....	309
Шоҳлар дарवेशию дарвешлар шоҳи .....	316
Лайло шеърятнинг Мажнун шоири .....	323
Саркарда ва шоир .....	336
Ҳазал бўстонининг булбули .....	340
Туркий тасаввуф адабиётининг йирик намояндаси .....	347
Анъанани янгиллаган шоир .....	354
Туркман булбули .....	357
Қиссанавис адиб .....	366
Бухоро Бедили .....	369
Оташнафас шоир .....	374
Сўзлари — ишқ рамзи .....	379
Таъби нозик, зеҳни салим шоир .....	389
Уч халқнинг шоири .....	396
Ишқ мулкининг шоҳи .....	401
Ҳаётбахш шеърят .....	412

*Адабий-бадший нашр*

**ЭРГАШ ОЧИЛОВ**  
**БАРҶАЁТ СИЙМОЛАР**

Мухаррир *И. Аҳмедов*  
Бадий мухаррир *Р. Зуфаров*  
Рассом *А. Саидбердиев*  
Техник мухаррир *Д. Габдрахманова*  
Мусаххих *Н. Абдурахмонова*  
Компьютерда тайёрловчи *Ф. Тугушева*

Нашриёт лицензияси АІ № 158, 14.08.09.  
Босишга рухсат этилди 28.11.2012. Офсет қоғози.  
Бичими 84×108<sup>1/32</sup>.  
«Peterburg» гарнитурасида офсет усулда босилди.  
Шартли босма табоғи 22,26.  
Нашр табоғи 22,72. Адади 3000 нусха.  
Буюртма № 12-360

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20  
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.  
e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)  
[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

РАССЫЛКА